



Қулаётган
ТОҒлар

Чингиз Айтматов



Кулаётган
ТОГЛАР

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ



Тошкент 2016

УЎК: 821.512.154-3

КБК: 84(5Қирғ)6

A - 369

Айтматов, Чингиз

Кулаётган тоғлар: роман. Чингиз Айтматов / Рус тилидан Иброҳим Ғафуров таржимаси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 432 б.

ISBN 978-9943-27-721-2

Чингиз Айтматов ҳаётининг охирги йилларида «Кулаётган тоғлар» «Мангу қайлиқ» деб аталған романини ёзди. Унда боғзор иқтисодига ўтаётган, шиддат билан глобаллашув жараёнларига кириб бораётган хозирги дунёнинг маънавий-иктисодий муаммоларини Қирғизистон, Марказий Осиё воқелииги, одамлар тақдиди, турмushi, онгida рўй берәётган кескин, оғрикли ўзгарышларга чамбарчас ҳолда ёритди. Табиат, жамият, инсон тақдидида юз берәётган ранг-баранг ҳодисаларни бутун фожиалари билан бирга яхлит тасвирлади. Асар буюк адид ва донишманднинг авлодларга сўнгти васинтидай ўқилади. Зуллисонайн адид бу романини рус тилида ёзди. У 2007 йилда Петербургда нашр этилди. Ўзбек тилига шу нашрдан таржима қилинди.

УЎК: 821.512.154-3

КБК: 84(5Қирғ)6

**Рус тилидан
Иброҳим ҒАФУРОВ
таржимаси**

ISBN 978-9943-27-721-2

© Чингиз Айтматов, «Кулаётган тоғлар», «Янги аср авлоди», 2016 йил.

ҚУЛАЁТГАН ТОӨЛАР

– Ҳаммага ва ҳар қачон тегишли ўзгармас бир ҳақиқат мавжуд. – Ҳеч кимнинг қисмат нималигини, пешонасига нима битганини олдиндан билишга ихтиёри йўқ, – кимга нима ёзилганини фақат ҳаётнинг ўзи кўрсатади, йўқ эса қисматнинг қисматлиги қоларми... Дунё дунё бўлиб қелибдики, жаннатдан қувилмиш Одам алайхиссалому Ҳавво Кибриёуллоҳ замонларидан буён ҳамиша шундай бўлган – ахир булар ҳам тақдирда, ўшандан бери асрма-аср, кунма-кун, ҳар соат ва ҳар сонияда ҳамма учун ва ҳар бир кимса учун қисматнинг сири мангу жумбоққа айланмиш...

Мана у яна шундай эврилди. Шундай. Бу сафар ҳам яна ўшандай: ким олдиндан билибди дейсиз, ҳеч инсон ақли бовар қилмайдиган, қолаверса, балким, худованди каримнинг ҳам кори-боридан ташқари бир воқеа содир бўлмоғини.

Ақлдан хориждаги нарсанинг тагига етаман деб уриниб, фақат бир нарсани тахмин этиш мумкиндирки – у ҳам бўлса, қиссамиз қаҳрамонлари бўлмиш икки хилқатнинг бир-бирлари билан аллақандай тামоғий боғланганликлари, самовий туташганликлари, қайси-дир маънода, яна ўша қазою қадарнинг амрий-иродаси

билин битта буржнинг юлдузлари остида ёруғ дунёга келганликлариидир. Нима дейсиз, шундай бўлса ҳам ажабмас...

Яна ажабмаски, улар ер юзида бир-бирларининг борликларидан хабардор ҳам эмасдилар.

Зеро, уларнинг бирори одамлар минди-минди бўлиб кетган, аҳолисининг зичлигидан тарс ёрилай деб турган, кўчалари бозорга айланган, кабобларнинг ҳидлари кўкка ўрлаган, қовоқхоналари тинимсиз шинавандаларни чорлаган сериздиҳом азим шаҳарда тураг; иккинчиси эса, чўққиларини кўз илғамас юксак тоғларда, ваҳший қоялари ўғрайган дараларда, қуюқ қоронги арчазорлар, олти ой муз-қори эrimайдиган терскайларда истиқомат қиласди. Шунинг учун уни қорли тоғлар илвирси деб аташарди. Илмда эса – баланд зирвали тоғлар ҳакида шундай бир илм ҳам бор – уни йўлбарслар туркумига, мушуксимонлар оиласига мансуб, қорли Тиёншон йўлбарси деб аталади. У яшайдиган жойлардаги аҳоли бу ҳайвонни «жаабарс» (ёй ўқидай барс) деб атайди, бу унинг табиатига ҳам жуда мос – баногоҳ сакраган чоғда ростдан ҳам худди ёй ўқидай учиб боради. Яна уни «Қор кечган илвирс» ҳам дейишади. У доим қўкси билан қорларга ботиб юради... Бу ҳам бор гап... Ўзга маҳлуқлар қор уюмлари остида қолиб кетишдан қўрқиб, бошқа йўл қидирганда, у эса азамат Зўрабор – олға ташланади...

Илвирс ови қўшинча кун ўртасига тўғри келарди. Бу маҳалда ўтловчи ҳайвонларнинг сув ичадиган вақти бўлади – ёввойи эчкилар-кийиклар, архарлар ташналикларини қондириш учун ҳар ёқдан оқар сувлар, жилғалар, сойларга тушиб келишади, то келаси кунгача тўйиб сув ичишади. Сувлоққа улар тўда-тўда бўлиб

келишади. Кичкина түдаларга бўлинниб, сўқмоқлардан изма-из туёқлари ерга тегмай, сакраб-сакраб, теварак-атрофга сергак қараб, қулоқларини динг қилганча, баногоҳ ҳавф-хатар туғилса, шу заҳоти ҳавога сакраб, ўқдай отилиб, қочишга шай туришади.

Бироқ Жаабарс ўз ваҳший ишларини яхши билади. У шанада биқиниб, ўлжасини пойладиди, кейин юқоридан қоятошлар ортидан (энг қулайи шу), ёки ён томондан қуюқ буталар орасидан кутилмаганда жониворга ташланади, уни пот билан уриб йикитади, дарҳол томоғига ёпишиб, кекирдагини узиб ташлайди, қайноқ қон пориллаб отилади, кейин маълум, ҳаммаси тугайди...

Гала тўйиб сув ичгандан сўнг кувган яхши – ўлжа тезроқ қўлга тушади. Бунинг учун пистирмани яқинроқдан танлаб, сабр-тоқат билан нафас чиқармай, қимири этмай ётилади – гарчи жонивор нарида унга бир сакраб, етиши мумкин. Эчкилар ингичка бўйинларини, чиройли бошчаларини силкитиб, қулоқларини дингир-дингир ўйнатиб, хуркак, сезгир кўзларини йилтиратиб, олдинги оёқларини тўпиққача сувга ботириб, товуш чиқармай сув шимираётганларида, кўз узмай ҳушёр қараб туриш, бутун кучни жам қилиб, чидаш, кутиш керак. Эчкилар шарқираб оққан сувдан қанча кўп тўйиб-тўйиб ичишса, Илвирснинг ови шунча бароридан келади. Агар тўғридан тикка қувиладиган бўлса, унда кўпда уринмаган ҳам маъқул – бу учқур эчкилару архарларга етиш қийин. Улар товушдан ҳам тез учишади, жонлари туёқларининг ку-^{*} чида, баражмайди, чийиллашмайди, айрим махлуқлар каби, мисолига бу сийдам ўрмонлиқ ерларга курғоқчилик пайтларда дайдиб келиб қолувчи ёвойи қабонлардай бўлиб тирақайлаб қочиб бораётганда ўтакаси ёрилиб тиррақилаб юборишмайди асло. Манов эчкилару ар-

харлар эса қониб-қаппайиб сув ичганларидан сўнг, улар яшиндай тез югуролмай қоладилар, ана шунда бир зум ҳам пайсалга солинмайди, улар сувлоқдан бош кўтариб ортга қайта бошлаганлари заҳоти...

Бу гал ҳам қиём чоғлари Жаабарснинг сув бўйла-рида ов қилгиси келди. У азалий шалдироқ кўшиғи-ни куйлаб чопаётган сой бўйлаб, тўқайзорлар оралаб, атрофга аланг-жаланг қараганча, шошилмай келарди – орқада илвирсларнинг қондош биродарлари қорли тог йўлбарсларидан битта-яримтаси пайдо бўлиб қолиши ҳам эҳтимолдан узоқ эмас. Шунақаси ҳам бўлиб туради, айниқса, овга бутун оила гала бўлиб чиқкан бўлса, худо сакласин, бундан нари турган яхши. Ортиқча ғалва-ғи-шова-ю қўрқинчли ириллашларга не ҳожат! Ёлғиз ов қилган маъкул. У из олиб кетиб борарди...

Ёзнинг охирги кунлари эди, юксак Тиёншон тоғла-рида энг фараҳбахш чоғлар – қор бўронлари ҳали олисда, довонларда ҳали йўллар очик, жониворлар тўкин ёз бўйи яйраб, тан-жонлари семириб, эт қўйган; тўқайлар, чангальзорлар узра қуш бозорлари авжида, хоҳлаганча чағир-чугур чувурлаб сайрашиб, шўхликка бериладилар – палапонлар ҳам темирқанот бўлиб, ҳа-vasga учиб-кўнишади. Қиши келишига бу ерда қуш қолмайди, то келаси ёзгача иссиқ ўлкаларга учиб кетишади. Бу ерларнинг қишига чидаша олмайди...

Тизилиб сувотга бораётган кийиклар қўриниб қолмасмикин деб, кўз солиб қадамлаётган Жаабарс йўл-йўлакай атроф жойнинг оройишини олар, бутазорлар ва қоятошлар оралаб ҳолдор жуссаси кўзга ташланиб қолмаслигининг тадорикини қиласди. Унинг баланд, бекиёс ҳаракатчан қадди-комати, дума-лок қудратли ўмрови, йирик салмоқдор калласи, мушукники сингари қулоқлари ва қоронғида лазер нур-

лари мисоли ярақловчи чақындаі күзлари билан бирға Жаабарснинг жуссаси ҳам қайишқоқ, узун ва қудратли әди, терисининг жунлари тиниқ ҳолдор, қуюқ шоқидай товланар, күшиқтарда айтилғандай, бундай пустинни фақат шаманлару хонларгина кияр әдилар. Ер юзида ҳеч нарсаны писанд қымай вазмин қадам босаёт-ган барс Африкадаги биродарлари илвирсларга жуда ҳам үхшаб кетиши, ҳатто, думлари-да бир хилда узун ва ҳайбатли эканлигини билармикин. Рост, Африка илвирслари ўлжаларига шиддат билан ташланиш учун қандайдир мушуклар сингари даражаларга тирмашиб чиқиб, йўғон шохларда узала тушиб лайт пойлайдилар, қорли тоғларнинг барслари эса фақат улуғ қояла-ру ўр-жарларда писиб-биқиниб юрадилар. Боз устига бу ерларда тўрт-беш минг қулочлик баландликда ул-кан бўй чўзган даражалар ҳам йўқ; бунда ўрмонлиқлар пастда, водийда ёйилиб ётади, нафсламрга у ерларда сиртлонларгина шохма-шох судралиб кезади... Баъзан илвирслар ўша ўрмонларга ҳам хоҳ-ноҳоҳ бориб қо-ладиларки, шунда сиртлонлар уларга қараб ириллаб дағдаға соладилар, ўз узоқ қардошларини танимаганга оладилар. Қорли тоғлар илвирсларининг макони эса юксак зирвали тоғлар, бунда кўк музли чўққилар осмон билан ўпишади, қувиб етиб бўлмас эчкилару ар-харларни овлаш, жон талвасалари, олишувлар бошқача нашъали, улуғвор бўлади...

Жаабарс кўп ўтмай бир қарорга келди, жой танлади, кичикроқ сой бўйидаги харсангтошлар ва қалин бутазор орасига кўр ташлади. Биқиниб, улкан тошларга чангалини қайради. Бу ерга сув ичгани эчки-кайиклар келади, улар еттитагача бўлиб, мағур башларини хур-как ҳавл ичиди кўтариб төг ёнбағридан тизилишиб тушмоқда әдилар. Жаабарс боя уларни узоқдан қоялар

орасидаги ёриқдан кўз қири билан кўрган эди. Мана энди қимир этмай пойлоқда.

Куёш нақ тиккага келган, сахий нур сочар, як-кам-дуккам оқ паға булатлар Тиёншон тизмаларининг кўқ муз чўққиларига йўл-йўлакай тегиб ўтар эдилар. Кўпни кўрган ҳайвон бари жойида бўлаётганини сезарди. Овнинг энг қизиқ жойи яқинлашмоқда эди. Улкан харсанглар орасида биқиниб ётаркан, Жаабарсни сергаклантирган ва безовта қилган бирдан-бир нарса ўзининг юраги қандай ураётганини аниқ-тиниқ эшитаётгани эди. У худди ҳеч нафасини ўнглаб ололмаётганга ўхшарди. Бундай ҳоллар, албатта, шиддат билан юрганда ва бирдан кескин шаҳдам сакраганда ёки моча учун омонсиз баттол олишган чоғларда бўлиб туради. Унда таланасан, жуссангдан юлинган этлар, жунлар ҳар ёққа отиласди, унда атрофда дуч келган ҳамма нарсани бўғизлаб ташлагинг келади, жон ҳалпида ириллайсан, ўқирасан, хириллайсан, бўғилган нафасингдан ваҳшат ёғади. Лекин пистирмани батамом ўзингники қилиб, ҳар бир дикрайган тукингни жамлаб қимиirlамай кутиб ётганингда, бутун диққатингни қўйиб атрофни кузатаётганингда, юрагинг бундай харсиллаб урмаслиги керак. Нафсламрга, у ҳозир юрагининг ҳар уриши, олаётган ҳар нафасини расмана эшитарди. У биринчи бор бундай бўлиши. Илгари ҳеч юрагининг урганини сезмасди, ҳатто, қулоғи ҳам чип битиб қувилламоқда. Умуман охирги пайтларда Жаабарснинг ҳаётида анча-мунча нарсалар ўзгарди. Ахир ўтган қишдан бери у тўдасидан ажралиб, ёлғиз ўзи танҳо, аламзада яшашга мажбур бўлди. Қарилик аста-секин билинтиrmай етиб келганда, шундай ҳолга тушасан экан. Анчадан буён иш шунга қараб бораётган эди. Унинг мочасига ёш, бақувват барс тиркалиб олгандан сўнг, ҳеч кимнинг у

билан иши-хуши бўлмай қўйди, бунга эҳтиёж қолмади. Олишув қаттиқ ва қўрқинчли бўлди, аммо у рақибини енголмади. Кейин қўймай яна жанг қилишди, ўлардай бир-бирларини пийпалашди, аммо яна ғанимни ҳайдаб юборолмади. Лекин чиноққулоқ адув (унинг бир қулоғи, чамаси, олдинги жангларда юлиб олинган эди) камдан-кам топиладиган қаҳрли, чарчамас, қайсар-қайтмас маҳлуқ чиқди, барсойимга ёлишди-ю қўйди, ҳеч ёнидан жилмайди, суркалади, ишқаланади, дик-дик ўйнайди, тинмай ириллайди, тавба. Яна ҳаммасини Жаабарснинг кўз ўнгида қиласди. Жаабарс тоғлардаги зилзила пайтида биринчи мочаси ҳалок бўлгандан сўнг мана шу иккинчи барсойимга қовушган, узоқ вақт бирга яшаган, икки маротаба бола кўрганди, мана охири келиб, ёш чиноқ барс билан қўшилиб кетди. Кетганди ҳам орқа-олдига қарамай, кўз-кўзга тушади демай кетди, дам думини ўнгга-сўлга ликиллатади, дам буриб-буриб юқори кўтаради, дам айлантириб тагига қисади, дам-бадам янги жуфтига суркалади, ўйнашади, тегажоқлик қиласди. Шу тариқа кетди, ҳатто, қиё ҳам боқмади...

Жаабарс ўшанда уларнинг кетидан қувмоқчи бўлди, қувиб етди; қувиш қийин эмасди – улар ўрликдан йўртиб кетиб боришарди, лекин бундан ҳеч наф чиқмади, боягидай бойхўжанинг таёғи бўлди. Яна ваҳший жанг бошланди. Бироқ бу сафар Барсойимнинг ўзи ҳам Жаабарсга ташланди: уни пийпалади, тишлади, бу Жаабарснинг тўдадаги ўз ўрнини сақлаш йўлидаги, барслар қавми ичидаги ўзининг асил насл қолдирувчи нарлик табиати ҳамда мавқенини давом эттириш, чўзиш йўлидаги уринишларига сўнгги зарба бўлиб тушди ва Жаабарснинг узил-кесил мағлубияти билан тугади. Аммо ўшанда ҳам Жаабарс бир оз ўзига келиб, қони

қизиғида бошқа түдага бош уриб, янги етилган навраста мочалардан бирини биқининг тортмоқчи бўлди. Бунда ҳам жанг аёвсиз кечди – бирдан бирақайига учта нар ғажишдилар, аммо бу ерда ҳам ҳеч иш чиқмади. Моча ва ёш талабгорлардан иборат тўда ўз муносабатларини аниқлаш, тугуларини ечиш учун яқин орадаги дара ичига кириб кетдилар, у эса ўзининг асосий вазифасидан ажралган, ҳамма юз ўгирган ҳолда ёлғиз қолди. Насл қолдириш учун курашда табиат ҳамиша янги келган кучларнинг тарафини олади.

Жаабарс бирйўла бош олиб кетишдан илгари шу атрофларни бир оз кезиб, дайдиб юрди – у юриб туриб дам таққа тўхтаб қолар, дам галдираб чопар, дам чўзилиб ётар, дам ўрнидан туриб, тоғларни ларзага солганча умидсиз ўкирарди. Агар табиат унга ато этсади, шу тобда у бўридай увиллаган бўларди. Лолу карахт, ўзини йўқотган кўйи у жисму жонини қайга қўйиши билмас, ҳатто, ов қилгиси келмас, иштиёқи сўнган – эчкилару арҳарлар тўдаси қаҳрли қаттол Жаабарснинг кучи энди уларга етмайдигандай аста ўт чимдиб яқинидан хотиржам ўтиб боришарди, ҳолбуки, ҳали у қадар қари ҳам эмас, ҳали-ҳамон ютқизиқ нималигини билмайдиган абжир овчи эди...

Аслида ҳам ўзи шундай эди. У вақтнинг нималигини билмай қолган, уни тушунмай қўйган бир пайтда, кутилмаганда, у ўзини ўта қийнаган, энг оғир азобига айланган нарсани кўрди. Қоялар қалашган юксак ўркачда тураркан, чириган арчанинг устида ётиб, атроф тумонатга нохуш назар ташлаб, бандоҳ ҳов пастдаги ўрликда бир жуфт барс қовушмоқ ўйинларини диконглаганча адо этмоқчи бўлаётгандарини кўрди – эндинга бир-бировларини топган ёш нар ва моча вужудларидан куч ва эҳтирос ёғилиб, дам чопишар, дам ўйин-

га берилишар, дам қонларини қизитиш ва жўштириш учун бир-бирларини ҳазилга тишлашар, одмиликни тарқ этиб шавқнинг самовий парвозига ҳозирлик кўришарди, чамаси.. Узоқ бўлишига қарамай шу ердан ҳам уларнинг кўзларидан чорлов забти билан ўтлар чақнаётгани сезилиб турарди.

Шунда Жаабарс ногаҳон ётган жойидан қулади, қорни билан сурдraldi, худди ўзини батамом унутишни истагандай ингради, аммо қўлидан нима келади? Бир маҳаллар шавқнинг шундай лаззатини у ҳам тотиб кўрган, ўша пайтлар худди оёқ тагида қолган илондай буралиб чирмалган ва лаззат зўридан инграган илакдек юмшоқ барсойим билан шундай ўйинларни ўйнаган. У бошқа тўдадан ўзига ўнгариб олган анов ёш, навраста моча билан ҳам шундай тўйиб-тўйиб ўйнаганлар. Ўша чоғлар улар худди итдай чақиншганларини қавмдош барсларга қўрсатмаслик учун уларнинг кўзларидан ўзларини олиб қочиб, узоқларга бирга-бирга тиркашиб, суркашиб кетишган, зеро, табиат бу сехруждуни фақат жуфайларнинг ўзига ато этмиш – нарга-да, мочага-да хуфя гизланмакни буюрмиш... Худди мана шундай улар қовушмоқ иштиёқининг оташ-алангасида яшин янглиғ учишар, вужуд висол шавқида ёнар, уларнинг бошлиари узра осмон ҳам ўртаниб аланига олар, нигоҳларнинг чақин-чақноқларида олдинда тоғ зирвалари чайқаларди. О, бутун атроф, дунё жаранглар ва шуълалар сочар, улар эса, янги жуфайлар худди мана шундай биқинни биқинга тираб, бирор-бирорвга ўтли суйкалиб, бир-бирларини ёндириб-куйдириб, шавқ устига шавқ ошириб, мастона чопар эдилар, баҳархол, худди мана шундай ёзнинг охирлари эди, зероки, келаси баҳор тоғларда янги насл бунёд бўлажак, қорли тоғлар барсларининг ҳаёти янги наслларда давом этажак...

Улар шундай бир-бирларига маҳкам ёпишиб, худди шитоб билан сузаб бораётган улкан балиқлар каби чопганда жуссалари узайиб, шамолда думларини қиличдай тикка қилиб учишарди. Моча пича олдинда, калласи ҳам таомилга кўра андак илгарироқда – мочанинг ҳадди-имтиёзи ўзи шундай. Нар эса кўп эмас, оз эмас, ярим калла орқароқда – моча вужудидан таралган исдан маству мустағрак, унинг ўтли нафасини ҳаприқиб ичига ютиб, моча юрагининг гулдурос солиб уришини ўз жисми жонига тўла сингдириб елади. Илгари ҳеч туймаган алланима бутун жону жаҳонини ағдар-тўнтар қилиб юбормоқда эди. Ўша дамларда у қандайдир ўзгача – чўзиқулиган, шамолда акс садо бериб таралган гувиллаган ва шувиллаган товушларни эшитмиш эди. Улар кундузнинг шуълаларида боши узра аллақайларда ҳосил бўлар, ҳавонинг муқтадир ҳаракатида шитоб или ботиб бораётган офтоб ёруғида, атрофдаги тоғлар ва ўрмонлар чайқалишида ўрлар, кучаярди. О, магарамким, қорли тоғлар барси билсайди, англасайди, бу ҳаётнинг самовий мусиқаси эди, бу уларга етган висол айёмининг қудратли куйи янграмоқдайди... Лекин бу аксар бўлганидек, фақат лаззатли сароб эдики, кейинчалик у шафқатсиз ҳаётга дўнди. Кунлар дарёдай оқиб ўттар, йил фасллари бири кетар, бошқаси келар, шу тариқа сароб ҳам тарқади...

Қисмат ўйинларини билиб бўлмайди – шундай бўлган, абадул-абад шундай бўлади, унинг устидан қозининг давоси ожиз, нест...

Жаабарс ёлғизликка мубтало бўлган ўша кун, жуфайи барсойим ҳамманинг кўз ўнгида музофар чиноқ барс билан нарротлар жангининг нашидасини сурish учун ҳаё-хайт қочганда, атроф жойларда санғиб юрди. Ҳеч қандай мақсадсиз боши оққанча тентиди, ҳеч қай-

га сиғдириб бўлмайдиган ғашлик аламини босишга уринди, ҳатто, ов эсидан чиқди.

Ана ўшанда, ҳаётнинг найрангларига қарангким, тоғлар орасидаги овлоқ бир ўрда у қутилмаганда барсойим билан қолиб, чиноқ барсга дуч келди, у жуфайнинг айни чақишган пайтида устидан чиқди. Аҳвол доли гулига келганди. Жаабарс яна бир одим отса, ҳар икковидан ҳам ўчини тўла ола биларди. Лекин охирги сонияда у бирдан тапатақ тўхтади, қон қуюлган даҳшатли кўзларини бир-бирига қаттиқ қапишган жуфайдан узмай, тек қотди-қолди – аллақандай куч, аллақандай товуш, аллақандай ирода уни тўхтатди. Байни кимдир ичкаридан туриб, насл қолдириш учун қовушганларга тегма, зиён еткизма дегандай бўлди. У орқасига қайрилиб, оёқлари тошларга сирғалиб, қоқила-қоқила нари кетди, кетаркан, ич-ичидан инграган, хўнграб ўкирган овозлар чиқарди...

Жаабарс барслар қавмининг тўдаларидан тобора узоқлашиб бораркан, у тамом ёлғизланиб қолди, арзир-арзимас сабаб билан қон чиққунча уришаверадиган раҳмсиз, қаҳрли, қувғинди махлукқа айланди. У Қорларда яшар, жонини кутқариш учун тирақайлаб қочган жониворлар орқасидан қувиб, энг баланд қорли тоғларга довур чиқиб борарди, кўпинча, жониворларни керагидан ортиқ бўғизлар, гўёки ҳамма ёқдан текинхўр ғаламислар – чиябўрилар, тулкилар, бўрсиқлар ёпирилиб келиб таласин, ўлаксахўр калхатлар чийиллашиб, чинқиришиб, ҳирқирашиб, қанот қоқиб, жанжал-сурон кўтариб талон-тарож қилсин, чанғаллари қонга ботсин, дегандай бўларди. Мана шу барча талончи жондорларга Жаабарс бир чеккада нафратомуз қараб турар, баъзан худди улар нимагадир гуноҳкордай наъра тортиб устиларига ташланар, бўкирар, ўкирар,

ҳайдашга уринарди. Шундай қилиб аламидан чиқмоқчи, иситма оғригини даф қилмоқчи, армонларига дармон қўймоқчи бўларди...

Кунлар бир-бир ўтар, порлоқ зирвалари қор ва кўк муз билан қопланган тоғлар ҳар қачонгидай ўз ўрнида қимирламай турар, ҳаво ўзгарар, қишлоар кетиб, ёзлар чиқар, юксак чўққиларнинг шер янглиғ ҳолдор хукмдори Жаабарс эса ўша-ўша танҳоликда умр кечирап, ташқаридан қараганда, ҳеч нарса сира ўзгармаган эди. Аммо аста-секин билинар-билинмас кунлар келди, Жаабарс харсиллақ қоладиган бўлди... Бу гоҳи-гоҳида такрорланар, айниқса, кескин, шиддат билан ҳаракат қилишга тўғри келганда юзага чиқар, лекин тинчосуда турганда ҳам нафаси сиқиб, кўкраги сирқираб оғрий бошлаган эди.

Кийикларни сувотда биқиниб ётиб пойларкан, Жаабарс биринчи бора ҳали ов бошланмасдан бурун нафаси тиқилаётганини сезиб қолди.

Ҳаракатни ҳар қачонгидай қилиш керак; эчкилару архарлар қониб сув ичганларидан сўнг фурсатни бой бермай пистирмадан чиқиб уларни босиш керак. Лекин бу ҳали ниятдан ўзга нарса эмас. Ҳаммаси жойида бўлгани яхши, йўқса, эчкилару архарлар пистирма борлигини қандайдир сезиб, кўз очиб, юмгунча йўлларини ўзгартириб, тумтарақай ғойиб бўлган чоғларни ҳам эслайди. Ундан кейин яна қайтадан изга тушиш, таъкиб қилиш, қувишга тўғри келади, у ёғи нима билан тугайди, бир худога маълум...

Бу сафар Жаабарс тақдирдан нолимаса ҳам бўларди. Булар баайни архарларнинг нақ ўзи эди, бу ёввойи шоҳдор қўй-қўчқорлар жуда чопағон бўлишади, баланд қоялар устида юришади, зирвали тоғларнинг бошқаларга насиб этмаган ноёб ўт-ўланлари билан

тирикчилик қилишади – мана шулар сойнинг буралиб оқсан ерига адашмай келишар, Жаабарс шу яқин орада пистирмада биқиниб уларни пойларди. Архарлар уни узоқдан пайқашмади, яқинлаб келганда сезишмади, сой қирғоги бўйлаб қатор тизилишиб, бамайлихотир сув ича бошлишди.

Жаабарс паналаб уларни қимирламай кузатарди. Бари ўз маромида давом этарди – жониворлар сувотда роҳатланишар, тўйиб-тўйиб сув ичишар, тин олишарди, қулай пайтни кутиш керак эди, холос. Фақат одатдан ташқари бўлаётган бир нарса – Жаабарснинг нафаси сикмоқда эди. Кўкси бўғиқ хириллар, гарчи бу ҳозир халал бермаётган бўлса ҳам, ҳар ҳолда, нафас олишнинг оғирлашгани безовта қиласади.

Бироқ пайти келди, энди барс икки бора бамисоли яшиндек ҳатлаб чеккада турган тўданинг йўлбошчиси тирик шоҳдор архарнинг белини зарб билан уриб синдириши керак эди – аммо нафаси бўғилиб, иш расво бўлди. У сапчиб отилгандаёқ тўда шу заҳоти кескин сесканиб кетгани ва бошларини елдек кўтарганларини кўрди, энди у панжасини зарб билан урса бас, ўлжа унинг темир чангалига дош беролмайди, қулайди. Мана у мўлжалига етди ҳисоб, аммо у ўлжага етмай йиқилди, архар ўзини четга отди. Ҳаво етмади барсга. Жаабарс қаҳр-ғазаб билан яна архар устига ташланди. Аммо у чап берди, унинг ортидан поданинг бари тумтарақай қочди, кўрқинчли ваҳший орқада қолди.

Ҳали архарларни қувиб етса бўларди, ҳали биринчи ўнг келганини уриб қулатиш мумкин эди, шунинг учун Жаабарс бутун кучини сарфлаб, уларнинг изидан қува тушди, лекин яна омади келмади – қувиб етолмади, йиқолмади, ғолибона ўқиролмади, пода эса тобора узоқлашиб борарди... У нафасини қаттиқ сиқиб, бата-

мом бўғилганча ўзини яна ҳаракат қилишга зўрлади, лекин энди кеч эди... Бундай омадсизликни Жаабарс биринчи марта кўриши. Аммо энг алам қиласидиган ва хўрлигинги келтирадиган жойи қочиб кетаётган по-данинг йўлбошчиси йирик шохлари қайрилган ваҳший қулатмоқчи бўлган нарра архар югуриб кета туриб бирдан орқасига бурилди, дўқ ургандек яниб шохлари-ни силкитди-да, кучли түёқлари билан ерга тарс-тарс уриб, сўнг кўздан ғойиб бўлди. Бу эса Жаабарсдан омад кетганини билдиради, эндиликда у аянчли ночор кун кўришга, ўзгалар овининг сарқитларини ғажишга маҳкум эди.

Рост, албатта, илгарилар ҳам овда унча-мунча иш юришмаган ҳоллар бўлиб турар эди, аммо мана бундай омадсизликка Жаабарснинг биринчи дуч келиши эди...

У ҳадеганда ўзига келолмас, сиқилган нафасини ўнглашга уринар, атрофга аланг-жаланг боқар, боши оққан томонга кетиб борарди...

Оlam бўм-бўш ҳувиллаб қолди. Шунда Жаабарс охирги марта бир маҳаллар қовушмоқ ўйинларида бошидан кечирганидек, оламтобни чорлаб ўкириб сурон солмоқни, тоғлар, шаршаралар ва ўрмонларининг фусункор сасларини, ўшандаги самовий мусиқа оҳангларини тингламоқни истади, аммо олам сув қуйгандек жим-жит эди...

Юксак тоғларнинг кечаги ҳукмдори тоғларда боши оққан томонга ёлғиз харсиллаб кетиб борарди. Ҳаёт муқаррар тарзда охир-оқибат сўнади, кунларни орқага қайтариб бўлмайди. Жаабарс ҳаётининг сўнгги дамларини ёлғизлик ва кимсасизликда ўтказиш учун бошпана ғор топай деб, тизмадан тизмага лўқилларди. Ваҳщий маҳлук ҳали кейинроқ унинг аччиқ қисматига бир инсон ҳам шерик бўлажагини, табиийки, хаёлига ҳам

келтирмасди. Эҳтимол, шундай ҳилқат борлиги унинг қулоғига андак чалингандир, тўғрироғи, у тоғларда ўқтин-ўқтин милтиқ овозларини эшитган, ўшанда вужуди кўркувдан ларзага тушган, бир зум турган жойида тек қотиб қолган, сўнг янада узоқларга бош олиб кетган, аммо шундай бўлса ҳам, одам боласини яқиндан сира кўрмаган - бунақа воқеа унинг ҳаётида ҳеч бўлмаган.

Бироқ шундай учрашув унинг манглайига битилган эди. Яна ўша-ўша - тақдир...

II

Тушунтириб бериш қийин-ку, лекин гоҳида воқеалар бир-бирига тўғри келиб қолади, воқеа рўй берган жой ҳам, вақт ҳам ва энг муҳими, кимсаларнинг хатти-ҳаракатлари ҳам тўқнашиб, буларнинг бари бамисоли тақдирни ҳеч кутилмаган бурилишларга айлантириб юборади. Бу сафар ҳам шунга яқинроқ бир нарса рўй берди. Ҳолбуки, охир-оқибат, ҳақ бари бир қарор топади деб ўйланган, ишонилган эди. Ахир ҳақнинг барҳам топиши мумкин эмас. Ва демакки, яшащдан тўхтама ва ҳақиқатни исбот этишдан чарчама - шуни деб яшаймиз, худонинг амру иродаси ҳам шу. Фақат айтинг-чи, ҳақиқатнинг ўзи нима?..

Ҳар қачонгидай жумадан шанбага қараб тунги ҳаёт бошқа бегим кунларга қараганда анча-мунча барвақтроқ бошланарди. Оқшом тушган чоғда Арсен Саманчин ўз ўрнини эгаллаган эди. Ўзига керак нарсларни буюриб столи ёнида ўтирас, сигарет тутатишдан ўзини тиярди. Ташлайман деб, тиришарди. Кутиб ўтиришнинг интизорлиғи ҳаддён ортиб, юрак безовта урганда, одатда, чекишининг ҳумори тутарди. Кўп ўтмай

хуфтон тушди, дераза ташқарисидаги күча чироқлари ёнди, катта күчадан ўтаётган автомашиналарнинг тунгি чироқлари лип-лип шуъла сочди.

Рестораннинг ярми ҳозирча бўш, лекин яна бир оз вақтдан сўнг бу ерда олма тушгудай жой топилмайди. Ажабланарли жойи йўқ: ўз вақтини чоғ ўтказишга қурби етадиган одамлар айни мана шу ерга ёғилиб келишар, шаҳар чеккасидаги бу ерни Эманзор боғ деб аташар, ҳозирги тилда элита деб юритиладиган, энг обрўли ва демакки, энг қиммат ресторан шунда собиқ зобитлар уйида жойлашган бўлиб, Европача усулда ҳашамдор таъмирланган ва жуғрофий-сиёсий маънодор қилиб «Евразия» деган баландпарвоз замонасоз ном берилган эди.

Мана шу «Евразия»да у ўзига тайинланган вақтни кутарди. Ташқаридан бирор нега унинг бу ерга яна ёлғиз ўзи кунда-шунда бўлиб қолганлигидан ажабланиши ҳам мумкин эди. Бор буд-шудини биратўла қиморга бой бериб, шир яланғоч бўлиб қолган бизнесмен бўлганида тушунарли эди: ҳа, аламидан ичяпти-да, дердингиз. Аммо у иш билармонлардан эмасди, унинг «Евразия»да бир шиша май устида худди дўст-биродарларини кутаётгандай бўлиб ўтиришининг сабаблари бундоқ қараганда, унинг ўзига ҳам унчалик равшан эмасди.

У майни майдалаб тортиб, ўзини вақтини бекор кеткизмайдиган одамдай қўрсатаркан, доим ёнида олиб юрадиган кейсидан қандайдир қоғозларни чиқарив кўриб ўтирас, уларни дикқат билан ўқиб, мағзини чақар, ич-ичидан ўртаниб, аслида, гирт таваккал қилаётганини англар, лекин бошқа иложи йўқлигини ҳам кўриб турарди. Аҳвол, шарт-шароитни хисобга олганда, ўзининг умид-орзулари, илинжларининг хадди

битганлиги, афтидан, бу гал сүнгги бора уриниб кўра-ётганлигини хис қиласди.

Шундай, ётиб қолгунча отиб қол, қизнинг ёнига етиб бориб, гап очишга улгuriш керак. Қиз ўзини қандай тутаркин? Аллакимлар уни энди примадонна деб ҳам аташмоқда, лекин у ҳам, қизнинг ўзи ҳам биладики.. Муҳими, кулай пайтни қўлдан бермаслик. Ҳақиқатни кутқариш йўлидаги яна бир уриниши. Ҳали яна ҳақиқатингни пеш қиляпсанми, ахир қачонгача! Лекин айлантириб келганда – оқибат нима бўлади, у қандай жавоб қилади – айтиш қийин. Унинг сувсиз сахрова қолиб оч ўлса ҳам, воз кечмайдиган олижаноб орзу-аъмоллари бор, кечинмалари, туйғулари бор ва қиз ушбу туйғулару орзу-аъмолларни қандай қабул қилади, қандай тушунади, билиш амримаҳол эди. Бу эврилишларни кўринг энди. Юксак хаёллар, орзулар, борини ҳёт рад этди! У эса токи жони борича уларни тутиб қолмоқчи, улардан асло айрилмоқчи эмас, улар билан бир тузоққа тушди, аммо воз кечгиси йўқ. Бамисоли ҳамма замонанинг катта шоҳ йўлидан учиб боряпти, у галдир эса қўл кўтариб йўл четида тўхтатмоқчи, лекин ҳеч кимнинг у билан иши йўқ, ҳеч ким тўхтамайди. Мана, яна бир таваккал. Шунинг учун ҳам барвақтроқ келди, эстрада саҳнаси очиқ кўриниб турадиган, ҳеч ким тўсолмайдиган жойни танлади. Унга шундай бир жой ниҳоятда зарур эди...

Бу орада саҳнада оркестр қатнашчилари пайдо бўлиб, ўз ўринларига бориб ўтира бошлидилар. Булар ҳалигиндай «тўғри эфирга» чиқишарди, мана бундай даъво-достон ресторанларда ҳорижий ҳамда маҳаллий юлдузларнинг «тирик чиқиши», тирик рок-музыкани ёқтиришади кўпроқ.

Илгари опера театрининг оркестирида ўйнаган машшоқларнинг баъзи бирларини у аввалдан танир, баъзи

бировлари билан эса салом-алиги ҳам бор эди. Тўғри, анча вақтлардан бери гаплашган эмас. Қанча сувлар оқиб ўтди орада. Уларга аввалгидек унинг кераги бор-микин? Ахир гап фақат шундами? Мана, музика чалинади-ю, кўзга кўринмас парда сурилиб ҳар бир кимса учун ўзга дилбар олам очилади ва бу оламга инсон фақат музика орқали кириши мумкин, шунда барча ўтиинчи, бекорчи нарсалар чекинади-ю, ёлғиз кўйлаётган руҳ қолади.

Музикага келганда, у туғма ошиқ эди, туйғуларини ҳеч қаерга сиғдириб ҳам бўлмас, англаб ҳам бўлмас эди. Бу ҳавасгина эмас, ундан ҳам кучлироқ, каттароқ тушунтириб бўлмас бир нарса эди. Бу борада бир воқеа ҳам рўй берган, эсига тушиб қолса, кулгиси қистайди, ўзини масхара қилиб жинни мусиқапараст дейди. Илк қайта қуриш йилларида ўзининг журналистлик юмушлари билан Лондонга бориб қолиб, анжуман ўтаётган ҳашаматли меҳмонхоналарнинг бирида ҳамма қулайликлар муҳайё хожатхонада шипданми аллақайлардан мусиқа садолари ёғилиб турганига дуч келди. Одамлар ҳожат учун кириб чиқишар, чиннайдай хоналарда заруратларини бажаришар, табнийки, артинишар, суртинишар, томоқларини қаттиқ қоқишар, унитазларнинг сувларини шалдиратиб, гулдурос билан туширишар, буларнинг ҳаммаси узра улар шарафига Шопен ёки бошқа бирор мусиқа даҳосининг гўзал асари янграб турарди. О, ноаён юксакликлардан оқаваларга қандай оҳанглар ёғиларди-я! Унинг ақли шаҳар маданиятининг бу каби қулайлигини сира тушунишни хоҳламасди. Ахир мусиқа бу худога етмоқ, руҳнинг коиноти-ку. Ўйлаб топган қилиқларини кўринг! Шунда эҳ, олдинги ўтмиш пайтларни қўмсади – қанийди меҳмонхонада «Таклиф ва шикоят-

лар» дафтари бўлсайди – беш юлдузли маъмурларга кўрсатиб қўярди нима дейиш, нима қилишни! У юқорига чиқиб, шу борада оғиз очмоқчи бўлган эди – шу заҳоти илло-биллога келтирмай оғзига уришди – оғзи-даги оғзида, бўғзида бўғзида қолди. У Москвада таҳсил олиб юрган кезларида ўрганганд, бемалол тушунса бўладиган инглиз тилида ҳожатхонада мусиқа чалишраво эмас, деб тушунтирумокчи бўлди-ю, шу заҳоти сизга бу ҳожатхона ёқмаса, бошқасига боринг, деб жавоб беришди...

Мусиқанинг жинниси бўлган бу одам баъзан ҳазилтариқасида, албатта, агар болалигимда тоғда овул отларини ҳайдаб юрмай мусиқа мактабига кириб ўқиганимда кулинг ўргилсин композитор бўлиб чиқардим, зеро, мен ўзим хоҳласам-хоҳламасам, кўкрагимда мусиқа тўқийман, лекин, афсуски, уни ўзимдан бошқа ҳеч кимса эшиitmайди, дерди.

Шундай бўлгандан кейин унинг матбуотда мусиқа ишқибози ва театр танқидчиси сифатида ёзиб туришдан ўзга чораси йўқ эди – бу ишни у яхши қўрарди. Бироқ бу ерда ҳам, кези келса, бурнидан қармоққа илиниб туради...

Балки бир оз ичиб ўтиргани учунми («Евразия»да асл француз майлари бўлар, шунинг учун унинг бугун ресторонда ўтириши одатдагидай анча-мунчага чиқимдор қилиши тайин) Саманчининг вужуди қизиди, яна ўзига май қуяман деб турган эди, шу пайт ресторан хизматчиларидан кимдир столи олдига келди. Бу официант эмас – қўринишидан ғоят басавлат, йўғон бўйнига қулранг капалакнусха бўйинбоғ таққан, европача усулда хизмат кўрсатиш шуни тақозо қилса керак, боз устига катта кўзойнак қўндирган бир кимса. Ди-ректорнинг ўзи экан.

– Кечирасиз, сиз Арсен Саманчинмисиз? – у Саманчиннинг олдига «Евразия» тамғаси туширилгаң ташрифномасини кўйди.

– Ҳа! – одати бўйича шаҳдам жавоб берди Арсен. – Тўғри айтялсиз, мен Арсен Саманчинман. Сиз демак «Евразия»нинг бошлиги директор экансиз-да?

У ўрнидан кўзгалиб, кўришиш учун қўл узатди, лутф билан қўшимча қилди: «Бундан чиқди, бутун Евросиё қитъасининг шефи?»

– Ўшандай! – деб жавоб берди директор бир оз қийшанглаб қирғизчасига ва гўё сўзини шу билан қатъий тасдиқлади. Арсен Саманчин шу ернинг ўзида унга «Жаноб Ошондой!» – деган лақаб берди.

Қўл олиб кўришганларидан сўнг жаноб Ошондой курсини ўзига тортиб ўтирди, чамаси, жиддий бир нарса хусусида гаплашмоқчи эди, шунинг учун зирҳи оғир кўзойнагини зўр бериб арта бошлади.

Шеф-директорнинг куттилмаган ташрифидан бир оз ҳайрон бўлган Арсен Саманчин парво қилмай гапини илтифот билан давом эттирди:

– Ҳурматли шеф-директор, ижозат беринг, кейсни олиб қўяй, сизга халақит бермасин. «Евразия»ни жуда боллагансиз, қойил, томоша қилиб тўймайсан, мен баъзан бу ерга келиб тураман, кам, лекин...

– Биламан, биламан, – деди директор, лекин гапни илиб кетолмади.

– Қойил қолмай илож йўқ, – атрофга завқ билан на зар ташлаб такрорлади Саманчин. – Ҳўрандалар кўплигини қаранг, қанча чиройли хотинлар! – ҳар ҳолда андак ичган эмасми, тили бир оз тутилаётгани сезиларди. – Ўзингиз биласиз, хотинларсиз ресторон гестоган эмас, – французларга ўхшаб тилини такиллатиб талаффуз қилди Саманчин, лекин сухбатдоши бу кинояни

фаҳмига етмади. – Ҳа, ресторан – ресторан эмас, театр – театр эмас, бозор-бозормас. Ана яна келишяпти. Булар ҳам ғоятда чиройли! Юқорида ўтиришни ҳоҳлайдиганларга балконда ҳали бўш жойлар бор. Ана оркестр ҳам тайёрланяпти! Бормисан-ей, мусиқа, мусиқа бўлсин! Кутиб ўтирибман, шунинг учун келдим. Қандилларни айтинг! Италиядан олиб келингган дейишади, а?

Ошондай бошини қимиirlатди.

– Ҳа, ўшандай, Италияники, – деди-да, бир оз шошмай туриңг, менинг ҳам айтадиган гапим бор дегандай огоҳлантириб шаҳд бармоғини кўтарди. – Мен олдингизга бекорга келганим йўқ, шу десангиз... – У гапини чала қолдириб ичига ютди.

– Э, нимасини айтасиз, жуда соз бўлибди! – дея жаги очилди Арсен Саманчиннинг бизни ҳам кўча-кўйда танишади, ҳали унугашгани йўқ, ҳатто, мана бунақа катта менежерлар ҳам салом беришади деган хаёlda ўзидан ўзи руҳланиб. – Келинг, унда бирга ичайлик, – таклиф қилди у сухбатдошининг гўштдор башарасинга дўстона илтифот билан қараб. – Бу май жуда ҳам яхши, жуда ҳам ўткир. Қойил! Келинг мен сизга қуяй, яна олиб келишади – айтаман.

– Йўқ, йўқ! – Ошондай унинг шиша тутган қўлини тўхтатди. – Мен бунга эмас. Хизматчилик. Ҳа, сизни кўпчилик билади, сиз маълум-машхур одамсиз, лекин буни бошқа бир пайт гаплашармиз. Мен сизга бошқа нарсани айтмоқчидим. Шароит шундай бўлиб қолди, биласизми... Бугун катта тадбирларимиз бор, хорижлик ҳомийлар учун зиёфат, Оқсу олтини бўйича Канада Кўшма корхонаси, халқаро ишлар, олтин бўйича ўзимизнинг одамларимиз – улар таклиф этишган. Катта одамлар, ўз қўриқчилари, қоровуллари, яна рафиқалари билан келишади. Консерт бўлади... Бироқ гап бунда

эмас. Сизга гапнинг пўсткаласини айтиб қўя қолай, ҳозиргина қўнғироқ қилиб айтишди, бугун Арсен Саманчин залда ўтирасин деган кўрсатма беришди. «Шундай қилиш керак!» – дейишди.

– Тўхтанг! Тўхтанг! Ким у менга буйруқ берадиган? – қизишиб кетди Арсен Саманчин. – Кимга «керак» экан бу? Нима ҳақи бор...

– Менга шундай буюришди! – деди башараси қизарган Ошондой ади-бади айтишиб ўтирмай унинг сўзини шартта бўлиб. – Нега шундайлиги билан менинг ишим йўқ. Тепадан айтишди! – ярақлаб нур сочган қандиллар томон бошини кўтарди у. – Мен айтилган гапни қиласман. Шунинг учун яхшиликча ресторондан чиқинг, ортиқча гап-сўзларга ҳожат йўқ. Қанча тез чиқсангиз, шунча яхши. Ҳозироқ ўрнингиздан тура қолинг. Гапни чўзиб ўтирмайлик, шундай бўлсин.

– Нега энди шундай бўларкан?

Бу нима деганингиз? – деди-ю Саманчиннинг гапи оғзида қолди, қони қочган лабларини қаттиқ қисди. Албатта, у каллахум Ошондойнинг капалагини учириб, қаттиқ жанжал-тўполон қўтарса бўларди, столни ағдар-тўнтар қилиши, афт-башарасига тушириши, галва чиқариши, ўз номус-ори пасткашларча тажхирланганига норозилик билдириши, ўз ҳақ-ҳуқуқлари поймол қилинаётганига яна бошқа муносиб жавоб бериши, қаршилик кўрсатиши мумкин эди, лекин ҳозир бу кўнглига сиғмасди.

Миясига яшин янглиғ бир фикр урди-да, у бостириб келган ҳис-ҳаяжонларини босди, лекин бу ўзини ирода билан қўлга олгани туфайли эмасди, гап шундаки, у бир уриб сулайтириб ташлангандек сезди ўзини. Гўё болта урилган дараҳт қарсиллаб кўз ўнгида қулагандай ва гўё еру замин оёқлари остида гулдираб ларзага тушгандай, зеро, кўнглида туйган, онгининг тублари-

да оққан янгрөк мусиқий хаёл сурурлари уни ҳеч қа-
чон тарқ этмаган, ардоқли орзулари – ҳаммаси бир-
дан бирваракай ўша дараҳт қаби зум ичида йиқилди,
бордан йўқ бўлди, кераги бўлмаган нарсага айланди.
Фақат ёлғиз бир фикр унинг бутун борлигини аёвсиз
ағдар-тўнтар қилиб юборди:

«Наҳот бу ўша қиз? Наҳот у шуни раво кўрди?» Хаё-
лига келган бу фикрга ишонмасдан, у саҳнага қаради
– қиз ҳали супага чиқмаган эди, аммо оркестр унинг
чиқишини кутиб, капалакдек енгил куйларни арала-
шига ўйнаб турарди. Саманчин чўнтагидан қўл теле-
фонини шартта чиқарди-да, қизнинг рақамини тера
бошлади. Бармоқлари қалтириарди. Овозим ҳам тит-
раб чиқса керак, деб қўрқди. Ошондой буни қўришини
истамасди, аммо илож не. Қизнинг телефони ёпиб қў-
йилмаган эса-да, бир неча дудулаб сас бергач, қизнинг
ўзининг ширасиз овози эшитилди: «Мен Ойдана Сама-
роваман. Телефон вақтинча ишламайди, алоқага чиқ-
майди». Яна ўша етим ду-ду-ду...

– Олмаяптими? – қошини кинояли чимириб сўради
Ошондой.

Саманчин индамади, Ошондой нимани назарда тут-
ди? Ким жавоб бермаяпти? Тахмин қиляптими? Сез-
яптими? Ё аниқ биладими? Суриштириб ўтирумади.
Ўзини пастга уришни истамади. Умуман гал бошқа
ёқда: бу ёғи энди нима бўлади, ҳал қилиш керак. Ҳам-
масига нуқта қўйиб ўрнидан туриб кетаверсинми ё ту-
шунтириб беришни талаб қиласинми: буйруқ кимдан
чиқди, нима учун рестораннынг шеф-директори бун-
доқ пешдаҳан қиляпти, сал бўлмаса бўйнига уриб зўр-
лаб чиқариб юборишдан ҳам тоймайди баччағар?

– Қани нима қилдик? – ўсмоқчилаб сўради Ошондой.
– Турамизми? Эшиккача кузатиб қўяман...

- Йүқ-йүқ, керакмас, - деди Арсен Саманчин. - Йүлни ўзим биламан. - У кейсни жаҳл билан ёпди.

- Бўлти унда! Яхши қиласиз. Айтмоқчи овқатга пул тўламасангиз ҳам бўлади. Буни ўз устимизга оламиз, - деб қўшимча қилиб қўйди отбашара Ошондой.

Бундан Арсен Саманчиннинг фифони кўкка чиқди, худди шуни кутиб тургандай бутун аламини тўкиб солди.

- Нима деяпсан ўзи?! - норози қичқирди у Ошондойнинг бетига тик қараганча сенсираб. - Сен мени ким деб ўйлаяпсан? Бу ерга кўчадан садақа сўраб кирдими? Э, жўна тукъяннинг олдига! Тупурдим сенга ҳам, ресторанингга ҳам. Қани, тез бўл, официантни чақир, тийин-тийинигача тўлаб, кейин бу ердан чиқиб кетаман. Қани, туғингни шиқиллат! Бас!

- Бўлти, ўзинг биласан! Айтдим-қўйдим. Официант ҳозир келади. У ёғини келишдик, ўшандай! - огоҳлантириди Ошондой ва секин ўрнидан кўзғалиб, хўқиздай гардани қизарганча орқасига қарамай кетди...

Шунда Арсен Саманчин ортиқча хатога йўл қўйиб, майдалашди, жанжал маддалади.

- Ҳей, менга қара! - деб чақирди у Ошондойни ва у орқасига ўгирилиб қарагач, қаҳр билан башарасига қичқирди: - Ҳей, бўйнига уриб ҳайдадим, бопладим деб ўйлама тағин! Мен буни шундай қўймайман! Қаерга боришни ўзим биламан. Мен журналистман, мустақил журналист! Билиб қўй!

Бундан Ошондойнинг тили қичиди:

- Билганда нима? Вой, сени қара-ю. Тупурдим сенга, ким бўлсанг ҳам! Хотинлар сендан юз ўгиради, бошқа ёққа қарайди.

- Сенинг нима ишинг бор?

- Сен ўзинг ахлатхонангни бил. Ҳозир журналистнинг охурдаги чўчқадан фарқи йўқ. Қорнини тўйғизиб

кўйсанг, бўлди, газетадами, телевизордами, хўрил-лайверади. Гапини қаранг буни! Беш минут вактинг бор, тез қорангни ўчирмасанг, ўзингдан кўр, ифлос... Сендақаларга кучимиз етади. Тамом! Ғиқ этиб энди оғзингни оча кўрма!

Шуларни айтиб, Ошондой ғазабдан қийшайган башарасидан кўзойнагини шартта олиб, «мустақил журналист»нинг бақир-чақирига эътибор бермай нари кетди.

Арсен Саманчин бу воҳеанинг давоми нима бўлишини билсайди! Официант келди:

– Кечирасиз, мана ҳисобингиз!

Лекин ҳамон ғазабидан тушмаган Арсен Саманчин ҳисоб вараги кўйилган идишни нари сурди:

– Оддин менга водка келтир!

– Водка?

– Ҳа, водка! Агар русчани тушунмасанг – арақ!

– Ҳозир олиб келаман. Қанча?

– Кўтаргандай олиб кел! Тез!

– Ҳозир!

Официант зинғиллаб буфетга кетди. Фигони ошган Арсен Саманчин атрофига аланглади. Ҳеч кимнинг у билан ҳеч қандай иши йўқ. Ресторан ўзининг оқшомги ишлари билан банд: одамлар лиқ тўлган, балконалар ҳам эгалланган эди. Ғала-ғовур, қулги, қадаҳлар жаранглайди, хўрандалар хурсандчилик қиласади. Мусика ҳам деворларда ўйнаган шуълаларнинг рақсларига жўр бўлиб, одамларнинг димоғини чоғлар, кўнгилларни кўтарарди. Шу издиҳомда фақат у ҳайдалмоқда. Унинг боши айланар, юраги кўксисида гурсиллаб урар, бугунга мўлжаллаган ишлари энди битмаслигини ўйлаб сиқиларди. Бу бало кимдан чиқаётганлигини билишнинг иложи бўлсайди: Қизнинг, Ойдананинг ўзидан бўляптими ёки унинг янги ҳомийлари қилиқ

чиқаришяптими? Агар қизнинг ўзидан бўлаётган эса, бундай сотқинликка қандай журъат этди, нега уни рақиб чангалига ташлаяпти, шахсий ишларига тумшукларини тиқишига йўл қўйяпти, шунчаликка борган экан, энди уни ким деб аташ мумкин? Одам ҳам шунаقا бўладими? Нима учун? Уни зўрлаб ҳайдаб юборишининг сабаби борми?

Ха, нимадир бўлиб, орадан ола шарпа ўтганга ўхшаган эди. Бу яқингинада, ўрталаридағи муносабатлар бир оз узоқлашиб қолганда, қиз негадир ундан ўзини олиб қоча бошлаганда рўй берганди. Ўшанда ҳам у мана шу ерга келиб, қўлидан кейсини қўймай эстрада ёнида қаққайиб тик оёқда тураверди, то томоша тугагунча бир зум ҳам қиздан кўзини узмади. У қизга қараб, ҳой, ялтир-юлтирга ботган илоҳа, ҳушингни йиғиштири, наҳотки сен мангу қайлиқни ҳали у саҳнада сенинг қиёғангда туғилмасдан бурун ўлдирган бўлсанг? Наҳот сен уни из ҳом ичидағи ўйин-томушага сотдинг? Ё ақлу ҳуш се тарк этдими?

Яна хаёлида аччик истехзога тўла бир нарсалар айланар, аммо у миқ этиб оғиз очмади... Шундай қотиб, караҳт тураверди, кейс ичида эса унинг гунглигига гаров улуғ бир асар – у бунга амин эди – кўлёзма ўз вақти-соатини кутиб ётарди. Лекин у соат қачон келади? Ва бу билан кимнинг нима иши бор? Фақат қизгани... Бу орада эстрада узра мусиқа гумбурлар, тарак-тарак авжга чиқиб дўмбирлар, қўшиқчи қиз куй куйлаб, одамларнинг завқу шавқларини бениҳоя жунбушга келтириб чирмовуқдай буралар, баданидаги барча аъзоларини жўш урдириб ўйнатар, издиҳом эса бошдан-оёқ важду жазавага тушиб, қўшиқчи қизни сира қўйиб юбормас, кўзлари билан уни нақ еб қўйгудай, қарп урап, қийқирап, Арсен эса саҳна ёнида туриб, қиз-

нинг шўх овоз таратиб, арzon, енгил мусиқа мақомларига жонини аямай йўргалаётганидан, шу мусиқанинг банди-асирасига айланаётганидан нигоҳини узмасди. Мана шу телбаворий завқ-шавқнинг оғатларида уларнинг нигоҳлари бир неча бора чакмоқдай тўқнашди. Қиз ахир тушунарди-ку буларнинг нималигини.

Мана яна айланиб ўшанга келди. Яна ўша издиҳом, факат бу сафар уни яна ўша кейсу, ўша кейс ичидаган улуғ асар билан бирга қўшиб, залдан қувиб чиқармоқда эдилар...

У эса бўйсунишга мажбур эди.

Патнисда бир шиша ароқ кўтариб официант келди.

- Марҳамат. Кўйиб берайми? Қадаҳгами, стакангами?

- Стаканга.

- Қанча?

- Тўлатиб.

У олов гуриллаётган бўғзига ароқ тўла стаканни бир отища бўшатди. Хансираф, кўзлари ола-кула бўлди. У худди ўзини ёқиб юбормоқчидай эди.

- Қанча бўлади? – сўради у ҳисоб қоғозига қараб, сўнг официантни ҳайрон қолдириб, тийин тийинини тўғрилаб тўлади-да, худди ўзини тўла бир стакан ароқ ичмаган кишидай кўрсатиб, курч елкаларини тўғри тутиб, мушакдор бўйинини баланд чўзиб, адл юриб чиқиб кетди.

Кийимхонада шляпасини олиб, ўшандай жиддий қиёфада бошига илди. У қишин-ёзин шляпада юришини ёқтиради. Ойдана уни Тумоқли деб чақириши бежиз эмасди. Ташқарига чиқа туриб у эстрададан келаётган Ойдана Самарованинг овозини эшилди. Бутун ресторан гуруллаб қарсак чалди – интизор кутилган воқеа рўй берди: ҳузурларига юлдуз қиз чиқди! Илк шод-хуррам қийқириқлар янгради: «Ой-да-на! Ой-да-на!» Аммо Арсен Саманчин орқасига қарамади, факат қадамла-

ри секинлаб, бостириб келаётган мастилик гирдобини енгишга уриниб, хаёлидан ўтказишга улгурди: кўриб кўй, қойилмисан энди – реклама билан моданинг кучи мана шунаقا бўлади. Бутун инфраструктура шуни деб ишлайди, яшаб қолиш пойгаси давом этмоқда. Шоншухрат, донг таратиш – булар ҳаммаси, охир-оқибатда, пулнинг хазондай ёғилишига хизмат қиласди. У, ҳатто, кулгиси қистаб минғирлаб хиргойи ҳам қиласди: «Расво экан, дўстларим, ақчасиз бўлса ҳаёт, дўст-ёр-ей!» У оёқлари билан гурсиллатиб ер тепингиси, қаҳ-қаҳ отиб кулгиси, сакраб-сакраб ўйин тушгиси келди.. Аммо ўзини тутди. Шу заҳоти хўнграб йиғлагиси қистади. Додлагиси, фарёд қилиб осмонларни тўлдиргиси келди, лекин осмон эшитармиди, бўғилармиди. Нимадир қилиш керак эди, бирон даҳшатли кор-ҳол юз бермай бурун қайгадир бош олиб кетиш зарур эди. Кеч бўлмай туриб, дарҳол жўнаб қолиш, кўздан ғойиб бўлиш керак.

«Севиш ва ўлдириш! Наҳот шундай қилиш мумкин? Сен масти бўлиб қолибсан! Йўқ, масти эмасман, – деб жавоб берди ўзига ўзи хаёлига келган фикрдан музлаб... Севиш ва ўлдириш...»

У кетиб борар, бошида эса гўримда ҳам унутмайман, кечирмайман, деган фикр чарх уради.

III

Дунёда кимнинг толейига нима битилган. Худди шундай – кимнинг толейига нима. Ҳамма вақт шундай. Ҳеч ким бундан қочиб қутулолмайди... Толейини кутиб тирикликнинг күплари келади-кетади. Охирги кунгача кутасан, охирги соатгача... Ҳамма вақт шундай бўлади.

Мана яна қайлардандир қосид шамол учди – бу ўз вақтини пойлаб ўнгирида ётган толе ўша соатда бирдан сергак тортиб, борлиқ оламда, одамларнинг

қалбларидами, ўй-хаёлларидами, хатти-ҳаракатладидами, қайда нимани кўриши керак бўлса, ҳаммаси-ни кўргали шошилиб йўлга тушди. Ва яна толе ўз кечитириб бўлмас зарур иш-юмушларини адо этишга киришди. Ҳар доимо бўлганидай, жуда узокъларни кўзлаб, зимдан ҳодисотларнинг кутилмаган тўқнашувларини ҳозирлади, булар эса, ўз навбатида, ҳеч қаерга сиғдириб бўлмас ўшал тақдир ҳукм-ҳиккагарини бошидан кечириши амр этилганларнинг кутилмаган қисмати ва саргашталикларини олдиндан белгилаб ва келажак кунларини ҳам елкаларига ортмоқлаб, ҳали-ҳамон яна ўша-ўша саволларини такрорлаб, кўкка мурожаат қиласар эдилар. Не бўлгай? Нимага? Энди қандай қилиш керак?..

Аммо осмон на шивирни эшитар ва на фарёдни...

Ҳатто, тоғлардаги ваҳший маҳлук ҳам нола қиласар, ўкириб, фарёд чекиб, осмонга нидо солар, ойни сўроқлар ва ой ҳам ундан қочиб дам булувлар, дам қорли чўққилар ортига яширинар, зеро, ушбу маҳлук-да ҳар ерда ҳозиру нозир тақдир ҳукмидан четда қолмаган, унга, тоғ илвирсига ҳам ўз кўргулигини тайёрлаб қўйганди...

Нарлар олишувида енгилган, насл қолдирмоқ ҳақ-хуқуқидан мосуво бўлган қувғинди Жаабарс ўша пайтлар аянчли кун кечирад, устига устак, у ҳали бу аҳволга сира тан бермаган, ҳамон савқи табиий билан қаршилик кўрсатар, илгариги куч-кувватикнинг қайтишини истар, баҳтга қарши қизиққонлик, тажанглик қиласарди. Илгариги вақтлардек бирон-бир барсойимни биқинига торткиси келар, бироқ уларнинг бари эгалик «уйли-жойли» бўлиб кетишган, унинг истак-ҳоҳишлари ҳеч кимда раҳм-шафқат уйғотмасди. Шундай пайтлар бўлардики, у бирдан рақибиға ташланар,

уни бўғиб-ғажиб ташлаш, жилла курса, кучини кўрса-тиб кўйишни истар, аммо олишув кўпинча натижасиз тугарди. Барча илинжалар абас эди: нафсламрга, қавм энди унга эътибор бермай кўйганди, гўёки эндиликда у ёруғ дунёда йўқдай. Шунинг учун ҳам, йирик ўлжа ағдарилганда, илвирслар ҳар ёқдан йигилиб келадиган сўқмоқлардан нарироқ, чеккароқда юришга тўғри келарди. Ҳолбуки, ўзини босиб туриш, сабр-тоқат қилиш осон эмасди, бошқалар ўлжани ғажиб бўлишларини кутиб туриш, сарқитга эришиш учун ақл бовар қилмас матонат керак эди. Энди унинг аламли қисмати шундай эди, ҳолбуки, у ташқаридан қараганда, ҳамон ҳайбатли кўринар – калласи йирик, кудратли, мудроқ ҳорғин кўзлари ҳамон қовоқлари остидан учқунлар сочар, бўйни ва яғрини азаматларча керилар, думи осуда, юмшоқ буралиб турар, бу Жаабарснинг лозим бўлганда ўзини қандай тутиб тура олишидан дарак берарди.

Фақат қавмнинг булар билан ҳеч бир иши-хуши йўқ эди.

Фақат болачиқларини эргаштирган йитқичларнинг мавсумий жуфайларигина унга қаҳр билан нигоҳ солишар, гўё у нимагадир айбдордай, ўзларини четга тортишарди, унинг илгарити жуфти барсойим эса умуман, танимаган-бilmaganга олар, қонни қайнатиб юборадиган бетамизлик билан думини хода қилганча бети ғоятда қаттиқ янги маъшуқи билан ёнма-ён, унга суркалиб Жаабарс олдидан ўтиб кетар, ўлдингми-қолдингми, демасди.

Тиёншон мангу қорликларида, тоғларнинг ўнгирла-ри ва мағораларида яшовчи қавмдошларига яқин-яқинларгача йўлбошчилик қилган Жаабарсдай кудратли азамат йиртқичнинг бу хўрликларга чидашдан ўзга чораси йўқ эди. У тўданинг ҳаётидан мосуво қилинган-

дан сўнг у бўрсиқ юмронқозиқ дуч келиб қолса, қуёнга ўшаш майда жониворларни овлаб амал-тақал кун кечириб юрди. Илгари кун-кун ора кийик, эчки, архар каби жуфттүёкли ҳайвонларни ағдариб, бўғизлаб тўйгунча мазали гўшт еб юрган Жаабарс эндиликда гарчи аввалгидай қорни қаппаймаса ҳам, лекин оч қолаётгани ҳам йўқ эди. Аммо омади ундан юз ўгиргани ҳар қадамда билинарди. У тўдага ёт-ўгай бўлиб қолганига қарамасдан, тиз букиб кун кечирадиган қувғинди ҳолига тушганидан ҳеч кўниколмас, буни бўйнига олишини истамас, қаршилик кўрсатишга иродаси бутунлай сўнмаган эди. Унинг кўксида юз берган вазиятга қарши табиий ғалаён жўш урар, ваҳший вужудида ич-ичидан тинимсиз исён ўти ловуллар, ҳаммасига зидма-зид аллақандай ички енгиб бўлмас куч бош кўтарар, уни ёрлақамай кўйган бу тоғлару дараларни тезроқ ташлаб бадар кетгиси, бутунлай гойиб бўлгиси келарди, бошқа бир дунёга қайтиб келмас бўлиб кетишини истарди, бу бошқа жой йўл-йўлакай кириб ўтадиган шу яқин орада эмас, балки осмонга кўз илғамас бўй чўзган мангумуз чўққининг ортида, буюк довоннинг нариёғида эди. У жонли маҳлуқлар яшамайдиган, етиб бориш қийин, фақат ёзда саноқли кунлардагина ўтиш мумкин бўлган мангуму ёввойи маконларга жўнаши керак эди; ўша ҳоли юксак макон Узангилаш тизма чўққилари орасида бўлиб, у ерга, ҳатто, курдатли парвози баланд күшлар ҳам учиб етолмасди. Жаабарсни ич-ичидан отилиб келаётган ноаён бир куч, дунёга сиғмай қолган чексиз алам-ҳасрати мана шу маконларга тинмай тортмоқда эди. Бир пайтлар ёз чоғи у ўша ёқларга чиқиб борганди, лекин эндиликда унинг аламангиз фожиаси шунда эдики, илгари курби етарди, энди етармикин...

Довонга чиқиладиган тик ва қоялар билан қуршалган йўл кўз илғамас юксакдаги ҳеч қачон зrimайдиган

қорлардан ўтар, шамоллар чўққилардан чўққиларга подадай ҳайдаб юрувчи, улар ортида тойиб бўлувчи, баланд ёнбағирларга эниб борувчи, довон оша судрагиб юргургучи қора булатлару оппоқ сутдек амомалар ичра кўринмай кетарди... буларнинг бари бу ердан узоқ эмас... унинг ёнгинасида эди...

Жаабарс яна қанча уюрмаларидан ўтаркинман деб, тўхтаб, атрофидаги қорларни оёқлари билан топтаб, нафасини ростлашга уриниб, буларнинг барини кўздан кечирарди. У қалин қорларни босар, бўғзигача қор уюмларига ботар, тўртала оёғининг панжаларига зўр бериб, яна тирмашиб юқорига чиқар, тошлар-қояларнинг муз қотган бағрига бағрини бериб чўэилиб судралар, олдинга силжирди.

Лекин худди мана шу аснода у ўлжасини қутуриб қувиб бораётгандай нафаси оғзига тиқилар, юрагининг гурсиллаб уришидан қулоқлари чиппа битар ва энг кўрқинчлиси – нафас етмай оғир бўғилар, оёқларида мажол қолмай тапла йиқилар, орқасига сирғалиб қулар, кўзи жимирилаб назарида дунё остин-устин бўларди. Уёғига яна юқори кўтарилишга кучи етмасди – томоғи хир-хир қилар, бўғилиб ириллар, бироқ бир одим ҳам олдинга босолмасди... Аввалгида қудратли бўлгандами, Узангилаш довонини бир-икки соатдаёқ ошиб ўтган ва охир-оқибат, ўша ўзгача дунёга аллақачон етиб оларди. Самоларнинг жаннатида яшарди кейин... Лекин мабодо қўлидан келсайди, бу сафар энди у ҳеч қачон қайтмайдиган бўлиб, мангуга, то охирги нафасигача шунда қоларди, то ҳаётининг сўнг дамигача...

Чиқиб бўлмас тоғ чўққиларининг тизмалари билан ўралган юксакдаги маконга етар-етмас Жаабарс жонидан тўйиб, ҳадеса калласини бор кучи билан силкитар, музлаган қояларнинг тош бағирларини тирмалар, аб-

гор бўлиб, қани эди табиатдан йиғлаш ато этилган бўлса, тоғлар тумонатини ларзага солиб, ўкириб-ўкириб йиғлашга ҳам тайёр эди. Жаабарс бир эмас, бир неча марта довонни ошиб ўтишга тиришар, бироқ эпини қилолмасди... Бир пайт нафаси бўғзига тикилиб қийналиб ётганида, худди икки қадам нарида ваҳший тоғ илвирси ётмагандай шундоққина ёнгинасидан ўнтача шоҳдор тоғ архарлари сакраб-сакраб ўтишди. Ҳолбуки, улар уни пайқашган эди, у эса табиат ўзига ўлжа этиб берган тоғ архарларини кўрмаганга солди... О, тоғлар, айтинг, дунёда шундайи ҳам ҳеч бўларми?! Аммо тоғлар миқ этмасди. О, осмон, айт, дунёда шундайи ҳам бўларми?! Олий осмон ҳам жавоб бермасди. Жаабарс ҳасратдан мунграниб ётарди...

Ахир барча ишларни қойилмақом адо этган пайтлари бўлган, юксаклардан отилиб тушаётган шаршаралардан бир нафасда сакраб ўтган ҳолбуки, салгина тойиб кетса ёки ҳаялласа, ҳар қандай маҳлуқни тубсиз қаърларига улоқтириб ташлаган, бир зум ичида тош-қояларга уриб мажақлаган. Бироқ Жаабарс у пайтлар шунчалар кучли ва чаққон эдики, тўсиқ нималигини билмасди, на тубсиз қаърлар, на тик қоялар, на жар-даралардан кўрқарди. Бўрон, қор қуёнлари уни худди ўз фарзандидай қучарди, тоғлар илоҳаси эса унга илтижо этарди: «Ёнимга кел, Жаабарс, ёнимга кел!» У илтижо янграётган ёққа қуюндей ташланар, илоҳа эса шу заҳот ғойиб бўлар, энди унинг саси нариги ёқдан эшитиларди: «Ёнимга кел, Жаабарс, ёнимга кел!» У яна олдинга камон ўқидай шувиллаб отиларди... Ўша чоғлар дунё унинг чангалида эди, етиб бориб, қувиб ўтиб, ташланиб, доим енгиб чиқиш унга ҳеч бир қийин эмасди ўша чоғлар! У дунёning соҳиб чангали эди.

Мана энди у ҳар ёнга бош уриб, тиришиб-тирмашиб, ўтиб бўлмас довон узра бор кучи-хушидан айрилиб, абгор бўлиб ўша ўтмиш кунларни ҳасрат, алам, оғриқ билан эслайди.

Туш чоғи эди. Ҳар куни кун ўртага етади, кун ўртадан тушади, лекин ўша пешин пайтини асло унутиб бўлмасди...

Ўша ёзни ҳам унутиб бўлмайди...

Бундай ўша юксакликларда ҳаво тиниқ, булутсиз бўлса, кун пастликларда бўлганидек, соя-салқинда дам олиб ётишга чорламайди, куйдирмайди, ёндиримайди, мутлақ нурафшон, мўъжизавий шуълалар сочади, тоғлар оламини мунаввар нурларига чулғайди, тирик бир куч-қудрат манбаига айланиб, заминда неки нафас олиб яшаса, барини файзиёб қилади, оддийгина кўк майсадан тортиб, ёз чоғи бу жойларни қора тортиб келган, учурумлар ва тизмалар узра оҳиста чарх урган тўдалангандан қашларгача ўзидан баҳраманд этади. Бундай дамларда борлиқ олам мавжудотлари офтоб зиёси қучоғида яшамоқ лаззатини туяди...

Ўша кун ўртасида ҳам шундай бўлди. Ўшанда улар жуфай бўлиб, барсойим икков Узангилаш юксак маконларида эркин югуриб учиб боришар, офтоб ва улуғвор тоғлар уларнинг майлларини жўштирас, ёнма-ён чопиб боришар экан, улар бир жону бир тан бўлиб кетишган, югурниш ҳам баданларини қиздиради, бир-бирла-рига сира тўймасдилар...

Бу маконга улар куни кеча етиб келишганди. Довондан кун бўйи тўхтамай ўтиши, тунда ора йўлда қолиб кетмаслик, қуюн забтида ҳалок бўлмаслик учун бир зум ҳам қадамларини секинлатганлари йўқ. Ниҳоят, Жаабарс билан маъшуқаси барсойим кўзлаган манзилларига ҳали кун ботмай етиб келишди. Бекорга уриниш

маган экан! Табиатнинг ўзи уларни бу маконга чорлаб олиб келди ва ҳар дамда, ҳар нарсада уларга омад ёр бўлди. Йиртқичлар нафасларини бир оз ростлаб, ўзларига тунги манзил излаётганларида, унча узоқ бўлмаган масофада тоғ охулари тўдасини кўрдилар: улар ўн чоғлик бўлиб, яқинда довон ошиб юксакдаги ўтлоқларга чиқишиган, осмон билан ўпишган чўққилардан эриб тушаётган сувларни ичишарди. Лекин мушкул до-вондан ошиб ўтгач, фалокат оёқ остиларидан чиқди. Йиртқичларга ем бўлиш хавфи туғилди. Икки ваҳший ҳайвон шу заҳоти хужум қилди. Ўлжани қўлга киритиш унча қийин кечмади. Довон кийикчаларни анча ҳолдан тойдирив қўйганди. Иловирслар охуларнинг бирини кўз очиб-юмгунча чанглалга олдилар, бошқалари қочиб кетишиди. Тун олдидан лаззатли этга хўб тўйдилар, оху гўштининг таъми оғизларида қолди, фароғат қилиб хўброҳатландилар. Кўк юлдузлари худди буни билгандай ярақлардилар – улар бошидан осуда шуълаларини фаровон сочар, тоғларни аллалардилар.

Тонг билан тиниқ уфқлар чизиғида улкан қўёш кўринди, шунда мангу тоғлар янада улуғвор тортиб, жонланиб, ҳаёт нашидасини сурдилар, ўз ҳайбатли ўт-кир қирраларини янада кучлироқ, итикроқ намоён айладилар.

Жаабарс маъшуқаси билан уйқудан эрта уйғонди, ов овлаш баҳонасида гина эмас, маъшуқаси билан гашт қилиш учун махлук қадами етмаган ажиб чимганликларда, майин ҳид таратган зумрад ўтлоқларда, юксак тоғларнинг сарин ҳавосидан баҳрадор бўлиб сайрга чиқдилар. Кун қиёмга етганда иловирслар аввал катта-катта сакраб, ўмбалоқ ошиб, кейин узоқ-узоқ югурдилар. Қуёшнинг ўзи тоғ қоплонларини гўё шунга ундаётгандай, баданларини қиздирар, уларга ақл бовар

құлмас гүзәллик ва қудрат бағишиларди, бу билан гүё бу жуфтлик, бу висол онларининг қадри ва сир-синоатини вужудларингизда түйингиз, дегандай бўларди. Бу жуфай ҳайвон зоти қовушмоғининг тенгсиз нашидаси эди.

Улар томирлари жўш уриб, ёнма-ён эркин югуриб боришар, шу тобда улар учун тоғлару қуёшдан ўзга ҳеч нарса кўзларига кўринмасди. Мабодо тўғри олдиларидан чиқиб қолганда ҳам, уларга ҳозир ҳеч қандай ўлжанинг ҳожати йўқ эди. Улар қуёш нурини шимирап, юрганда қуёш нуридан куч олар, унинг ҳароратини эмар, кучларига куч кўшилар, ҳорғинлик нималигини билмай, ҳаёт лаззат-фароғатининг чўққисига кўтарилилар эдилар. Шундай бўлган эди-да...

Ва еру замин коинотнинг аргимчоғида чайқалар ва ер юзасида мавжуд жамики мавжудот мангуликниң кўзга кўринмас айланасида учар, улар ичида Жаабарс билан маъшукаси барсойим ҳам офтоб нури ёритган тоғ тизмалари ҳамда воҳаларида қанотланиб учишар, қуёш эса тиккада хатти аълода туриб уларни эркалар, ўзига чорлар, кўкларда учган қушлардек бўлинглар деб, далда берар, зеро, худди ўша онларда икки йиртқичнинг жуфайи ҳайвонлар зоти-қавмининг чопиб бораётган мисоли икки фариштасига менгзарди.. Гоҳи-гоҳида ҳайвонлар ҳам фаришта бўла билади... Шундай бўлган эди-да...

Хаш-паш дегунича фароғатли ёз қунлари ўтди-кетди, тоғларнинг юксак маконларида қўноқлик муддати охирламоқда эди - бу маконларда ҳаво тез орада кескин ўзгарди, бирдан тик тоғлар бағридан кўз очиб-юмгунча қуюнли қор бўронлари кўтарилиб, нафас олишга кўймай қутургандан қутурди, осмон-фалакни зим-зиё қоронғи босди. Ана ўшанда илвирслар апил-тапил орқага қайтишди - базўр оёқ узиб, жонларини сақлаб қолиши-

ди. Улгуролмаган баъзи жонзотлар ўша маконнинг ўзида, қор кўчкилари тагида қолиб кетишиди, осмонда учиб бораётган қушлар ҳам ҳеч нарсани кўролмай кўздан айрилишиб ерга тап-тап муз кесаклари бўлиб қулашди. Шундай бўлган эди-да...

Ана шу юксак тоғ маконига довон ошиб ўтишга Жаабарс жон-ҳолига қарамай уринар, унда мўъжизадай қуёш билан эндиликда ёлғиз бир ўзи рўбарў бўлишни истар, у ерларда ҳаётининг охирги кунларини ўтказиб, сўнг абадулабадга ғойиб бўлгиси келарди. Бу ёлғиз сўққабош ҳайвон ўз умр йўлини бошқача бир тарзда эмас, айнан худди мана шундай тугаллашни хоҳлар, шунга интиларди...

Довондан эса ўтиб бўлмасди. Йўли тўсиқлар билан банд, уларни ошиб ўтишга ожиз эди. Жаабарс қаттиқ хириллаб, увиллаб, ариллаб, юқорига кўтарилимоқчи бўлар, хип бўғилар, тик баландликни ололмай пастга қулагашар ва яна қалтираган панжаларини тошга босарди...

Лекин ахир нима учун тақдир ушбу тоғ илвирсига андак раҳм-шафқат қилмади? Ахир унинг истаги фақат тоғ ошиб ўтиб, сўнг ўша ёқларда абадулабад қолишгина эди-ку... Наҳот, тақдирнинг бунга ўз алоҳида сабаби бор бўлса? Наҳотки, бу маҳлук унга баайни мана шу Узангилаш тоғликларида алланимагадир керак бўлса? Тақдирнинг дафтарига нима ёзилган эди ахир?

IV

Икки кун илгари у: «Дил нима ўзи? Ҳамма нарсани унга bemalol тўнкариш мумкин. Ирода ва онг – мана булар инсон учун энг муҳим нарсалар!» – деб оғзидан чиққанини шарттакилик қилиб ёзган бир газетхон билан баҳстга киришиб мақола тайёрлаганди. «Албат-

та, бу гапда жон борку-я, лекин биз дилимизда рўй берәётган ҳодисаларни ҳам назардан қочирмаслигимиз, уларнинг маънодор томонларини эсдан чиқармаслигимиз лозим, биз эса, кўпинча, бу нарсаларга эътибор бермаймиз. Дил мулкида рўй берәётган майллар аксаран, ҳатто, тарихий воқеа-ҳодисаларда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Яхшилик ва ёмонликнинг асл ибтидоси кўнгил булоғидир. Дил онгости ҳодисаларини кучайтиради ва рағбатлантиради!..» У пайтини топиб шундай фалсафий муҳокамалар юритишни яхши кўрарди.

Бироқ ҳозир фалсафий ўй-хаёлларга ботиб ўтиришнинг пайти эмасди. Шу кеча Арсен Саманчин компютернинг, ҳатто, яқинига йўламади. Ўша чуқур мулоҳазалар юритилган қизиқ мақолани ёзиб тугатадими, йўқми, буни ҳам билмасди. Одатда, кечки пайтлар мусиқа эшитиб ўтиришни ёқтирас, бутун уни ҳам қўймади. Энди бўш вақтларида мусиқа қўйиб эшигадими, йўқми, буни ҳам билмасди. Лაънати «Евразия» шоу-ресторанида рўй берган воқеадан кейин юраги худди ўт тушган ўрмондек туриллаб ёнарди. Унинг руҳий дунёси остин-устун бўлиб кетган, ўзини қандай қўлга олишни билмас, тубсиз чоҳ ичига тушшиб кетгандай бўлар, ўзига бўрондай ёпирилган дарғазаб кечинмалар гирдобидан яна отилиб чиқиб кутулгандай сезарди. У ўз бўйдоқ хужрасининг бирдан-бир дарchasига тўхтовсиз бориб-келар ва шу ерда ҳеч нарсани тушунмай-билмай ҳаросон туриб қоларди. Кизик, у ўзи ҳақида худди бошқа бегона одамдай ўйлар – ўзини ўзи танимай қолганга ўхшарди.

У ресторандан қайтиб келиб, ҳатто, бўйинбоғини ҳам ечмади, дераза олдида қаққайганча турар, дам-бадам оғир-оғир хўрсинар, бошини сарак-сарак чайқар, бўйинбоғини қўли билан тутамлаб қоронғи ҳовлига

тикилар – қаршидаги худди мана шундай кулранг йирик панелли кўп қаватли одамлар яшайдиган баланд иморатнинг барча чироқлари аллақачон ўчганди.

Агар улар ёниб турганда ҳам чикора? Учинчи корпуснинг еттинчи қаватида истиқомат қилувчи ва ҳозир ойна рўпарасида туриб аламли ноумид ўй-изтироблар ичida ўртанаётган аллақандай кимса билан кўни-қўшиларнинг нима иши ҳам бўлиши мумкин?

Қанча инграма, ўртанма, ҳеч қандай фойдаси йўқ. У кимга таъна қилсин, кимдан ўпкаласин, кимни қўрқитиб кўйисин? Ҳамма нуқталар аллақачон жой-жойига кўйилган. Такси уни етти қаватли туссиз уйларнинг кўримсиз ҳовлисига келтириб қўйди, шу ерда уларни орқадан қолмай таъқиб этиб келган хорижий йилтироқ машина кескин қувиб ўтди, ўткир чироқлари билан кўзларни қамаштириб кўр қилаёзди. Арсен Саманчин ёруғдан кўзи ҳеч нарсани кўрмай машина зшигини очиб тушаркан, хорижий машинадан баланд бўйли баҳайбат икки киши чиқиб унинг олдини тўсишди. Ҳар икковининг рафтори ва хатти-ҳаракатига қараганда, уни қўрқитиш, хўрлаш, ҳатто, калтаклаш учун жўнатилган эдилар. Аммо олдин такси ҳайдовчини: «Қани, тез жўна бу ердан!» – деб қувиб юбордилар.

Арсен Саманчинни эса деворга тирадилар:

– Хўш, ҳазрати олийлари, кулбангизга етиб келдингизми эсон-омон? Сассиқ ахлатхонада яшайдилару яна шляпа кийганларига бало борми! – Арсен Саманчин оғзини очиб улгурмай уларнинг бири унинг шляпасини шартта пастга тортиб кўзигача бостириб қўйди. – Хей, кўзингга қара, бола! Бирорларнинг ишига тумшуғинингни тиқма! Ақлинг кетиб, кетма-кет ёзиб чиқяпсан, ҳали адабингни ейсан. Сенга ўхшаган кимсага битта кўрғошин ўқ доим толилади! Билдингми, абллаҳ! Қани, яна

бир нима деб ёзиб күр-чи – чиққан жойингга кириб кетасан! Башарангни қара, ифлос, итдай ичибсан. Тур кет, йўқол! Эсингдан чиқмасин, думингни қисиб юр, ха.

Уни шу ерда қолдириб, улар катта тезликда кўздан ғойиб бўлдилар. Кетидан тош ғириллатсанг буларни... Лекин қайда! Кўнгли беҳузур бўлди. Гира-шира қоронғида уйи сари кетди. Қурби фақат бошидаги шляпасини тўғрилаб кўйишгагина етди.

Энди эса ҳеч нарса кўрмаган содда ўсмирдай каловланарди: нима қилсин, буёғига қандай яшасин, бошини олиб қаерга кетсин? Унга нима бўляпти ўзи? Ахир, нималарни кўрмади бу сўққа боши?..

Уйланди. Тўйлари бўлди. Ҳаммаси унудилиб кетди. Қавм-қариндошлари эса қулоғини қоқиб қўлига беришади: биринчиси ўхшамаган бўлса, иккинчисини ҷўзишнинг нима кераги бор? Ҳаракатингни қил! Ҳа, олдинги никоҳи кўз очиб-юмгунча жон берди. Афсус, бошқача одам бўлолмади. Алоҳа ажрашдилар, икки ёққа бош олиб кетишли, бир-бирларидан қутулишди. Одамлар бекорга айтишмас экан: севги бир бора шуъла сочади, мангуга эмас. Аммо одам буни тан олгиси келмайди, севги ўчмас, мангу шуълалар сочишини хоҳлайди. Майлига. Худо хайрини берсин. Шуъладир шуъламасдир, тақдир қилмади, худди бир-бирларини танимаган-бilmagандай айрилдилар. Ўшандан буён мана уч йил ўтди, шу кўримсиз Қарип микрорайонда яшяпти. Албатта, рисоладаги хотинга ундан одам билан чиқишиб яшаш осон эмас. Туққани ҳам йўқ. Улгурмади. Қариндошлар ўпка қилишади. Ким бунга айбдор? Хотинининг турган-битган ташвиши – банкнинг иши эди. Пул-пул! Бари бир унинг каби дарвеш билан тил топишиб, бир ёстиққа бош қўйиб орзу-ҳавас қилиб бўлмайди. Агар айтиш мумкин бўлса, у – қоябардор инсон.

Қоя унинг учун дунёда ҳамма нарсадан ортиқ. Шўринг қурғур хаёлпаст. Бунинг устига «минбар кишиси». Марказий Осиё тўғрисида таҳлилий мақола ёзин учун келган инглиз журналист аёли уни шундай деб атаган эди. У ёқ бу ёқлардан анча сұхбатлашдилар. Ана ўшанда лондонлик газетачи аёл шундай деди:

– Жаноб Саманчин, сиз нимангиз биландир бизният минбаргўйларимизга ўхшаб кетасиз, улар ўз қояларининг фавқулодда қимматига қаттиқ ишонишади. Қаранг сиз ҳам ўз қоянгизни ҳушёр қўриқлайсиз, уни қўлингиздан қўймай, чангалингизда мақкам тутасиз.

– Раҳмат, яширмайман, бундай гапларни эшитиш кишига ёқади. Лекин мен тоғлардан чиқканман. Тоғларда ўсганман. Тоғлар доим ўзингизни қўлга олиб ҳушёр юришингизни талаб қиласди, учирма лабида қоқилиб тубсиз жарга қуламаслик учун ҳар қадамда ҳеч нарсани кўздан қочирмасликка тўғри келади.

– Бундан чиқди сизнинг минбарингиз бу – тоғлар. Дарвоқе, табассум қилди инглиз хоним, бу ерда ҳамма ёқ тоғлар. Кўринг, қанчалар юксак тизмалар!

– Рост, бу тоғлар мамлакати. Фақат мен тугилиб ўсган тоғлар бу ердан жуда узоқда ва кўз илғамас баландликда, шунинг учун у тоғларни Узангилаш тизмалари – кўкнинг узангилари деб аташади...

– Жуда чиройли. Менга бу тимсол, айниқса, ёқади, инглизчасига – stirrup бўлади. Шундан сизнинг тоғларингизни – Стиррап тоғлари деб айтиш мумкин.

– Қойил. Қирғизчасига бу Стиррап-тоо дегани! Узангилаш тоғлари! Менинг элдошларим бундан фахрланишади. Мен эса тоғлик бўлишим билан бирга минбаргўй бўлишдан ҳам қочмайман. Ахир университетларнинг кафедралари ўз минбарларидан универсал, бутун ер юзига тўғри келадиган Қояларни ёйиш билан шуғулланишади.

– Кўрдингизми, мен янглишмабман. Ташаккур. Сени дарров тушунадиган касбдошинг билан сұхбатлашиш қанчалар яхши.

Хозир дераза олдида туриб, қоронғи ҳовлига маънисиз бақрайиб, Арсен Саманчин ўша сұхбатни эслади ва: «Ана сизга ҳурматли минбаргўй тоғлик», деб қўйди. Сен бугун ҳаётнинг яна бир «ширин» сабоғини олдинг. Тотдинг! Асал қўшилган! Қойил! Бўлар экан-ку! Бозор издиҳоми қудрати олдида ҳеч қандай минбар, ҳеч қандай кафедра дош беролмайди. Ана, бозорнинг гаврони билан бўйнингга уриб ҳайдаб чиқаришди, яна каллангга соламиз, деб дўқ ҳам уришди. Ҳатто, севгини ҳам, сотиладиган товардай бозор раастасига чиқаришди. Сен эсанг буни мана эндиғина тушуняпсан. Бундан келиб чиқадики, сен бу бизнеснинг даврига тўғри келмас экансан. Ана ўша соцреализм деб аталмиш нарса учун яна бир муқаррар жазо. Ана сенга «стирраплик азамат!» Овулдошларинг, айниқса, қайта қуриш деган пайтларда сендан хўб фахрланишарди, қаранг-а! Энди хушёр тортищади. Хўб, қани, энди нима қилдик, қаерга бош уриб борамиз? Ўша «Мангу қайлиқ»ни унут, буткул унут! Кимга қерак у?

Э, ҳали ниятнинг ўзиёқ полса билан тенглашолмайди. Попса тантанаси. Бизда попсанинг даври келди. Сен бўйнингни индамай қис-да, буни тан ол ёки хайр-маъзурни нася қилиб жуфтакни ростлаб қол. Лекин бари бир нима қилсин? Москвага кетсанг, у ерда ишончли, суюнса бўладиган ўз одамларинг бор, лекин у ерда ҳам попса авж паллада! Хуллас, кета кетгунча қоронғи ер ости йўли, охири кўринмайди... Ҳали икки йил бурун ҳаммаси шундай ер билан яксон бўлиб кетади, деб сира хаёлига келганмиди? Унга ва акамга хайр-маъзур қилиб хат ёзаман...

Дераза олдида туриб, у яна узоқ вақт шундай нохуш ўй-хаёлларга толди. Кейин ўзи ҳам билмаган кўйи ухлаб қолди, оламни оғир сукунат босди. Қизик, ўша кеча на қўлидаги ва на уйдаги шаҳар телефонидан бирон марта ҳам кўнгироқ бўлмади. Бошқа вақтлар ярим кечагача телефон қиласвериб, кулогини қоқиб қўлига беришади. Мустақил, ўз номига яраша, эгамен журналист бўлгач, Арсен Саманчинга шундай муомала-мунносабатлар табиий, сўз эркинлиги ҳам шуни тақозо қиласди. Қўшга кирдингми, бас, вой бўйнимнинг яғири дема. Шикоятлар ёғилиб кетган! Нималардир матбуот орқали ҳал қилинар, бошқалари ечилмай тугун бўлиб ётар, ахир у адвокат эмас-ку, бор-йўғи матбуот дехқони. Ҳолбуки, турли-туман корчалонлар матбуот орқали ўз манфаатларини қондириш, бутун аҳолининг кўз ўнгига даҳанаки жанглар қилиш, ғолиб чиқиш, бутун эл-юрга донг таратиш учун не-не найрангу маккорликларни ишга солишмас, ундан ўзларининг итдай рақобат жангларига қўшилишни талаб этардилар... Бугун эса тиқ этган товуш йўқ. Ғаройиб. Балки унинг қандай таҳқирланганидан хабар топишгандир.

Балки аллақандай савқи табиий билан энди унга мурожаат қилишимиздан фойда йўқ, омадундан бутунлай юзини ўғирди, деб ўйлашаётгандир, недирки, «вокал қўшикчимиз», бир пайтлар опера саҳнамизнинг илоҳаси, ҳозирда қаерга қараманг, ширин табассум қилган сурати турган эстрадамизнинг юлдузига яқин-яқинларгача биргаликда пишитиб, биргаликда муҳокама қилишиб юришган ниятлари – ҳамкорликда опера яратиш фикрини бор-йўғи эслатиб қўймоқчи эди, холос. Мана энди маълум бўлмоқдаки, бу опера эмас, хомхаёл экан. Ахир Ойдана бирдан барча алоқаларни бирвара-кай узди – тавба, бамисоли аллаким уни сеҳр-жоду кил-

гандай-а, күриқчилари яқинига йўлатишимайди. Майли, ихтиёри, худо хайрини берсин, лекин композиторга нима дейди? Тўхтатинг, деб айтадими? Лекин Ойдана учун мумтоз опера мусиқаси яратаман деб аҳд қилган бундай устоз-маэстролар ҳозир битта-иккита, холос. Мусиқа оламида ғоятда машхур ва ҳурматли зот бўлмиш, «Мангу қайлиқ» ғоясига бениҳоя қизиқиб қолган ва опера яратишдай нодир ишни кўллаб-куватлашга базўр кўнган, аллақачон ҳомий билан бу ҳақда шартнома ҳам тузиб қўйган композитор Аблаевга буни нима деб тушунтириш мумкин. Уларга ресторанда рўй берган илгари кўз кўриб, қулоқзаштмаган воқеани қандай айтади? Қандай шармандалик! Барзангилар уни орқа кўчага олиб чиқиб, дўқ-пўписа қилиб, мушт дўлайтириб зўрлаб таксига тиқиб юборишиди. Такси ҳайдовчига иddaо қилишиди: «Ҳей, қариндош, манов нусха итдай ичган, уйига олиб бориб ташла. Ҳеч ерда тўхтаб ўтирма. Тўғри, ўртасой микрорайонига олиб бор!» – дейишди. Ҳайдовчининг кўлига пул ҳам тутқизишиди.

Арсен Саманчинни мана шундай «ихроj қилишиди». Энг ёмони, фойедан чиқишаётганда, у бирдан ярақлаган кэтта тошойнада ўзини бор бўй-басти билан кўриб, ҳайратидан қичқириб юборишига сал қолди. Қанчалар ҳақиқириб, бечора ва афтодаҳол кўринар эди у. Яна манов олифта пўрим шляпани айтмайсизми. Кўз очиб-юмгунча у қувғинди, ғарив бир кимсага айланди-қолди, уни энди жамоат жойидан ҳе йўқ-бе йўқ бемалол ҳайдаб чиқараверса бўлаверар экан-да, а. У эса ўз номус-орини ҳимоя қилиш ўрнига бўйинини қисиб жўнамоқда, яна буюртмага ясалган ҳашаматли ойнада ўзини шу аянч ҳолида томоша ҳам қилмоқда. Унинг доимги савлати, назокати, зиёли виқори қайда қолди? Ахир уни бежиз эгамен, мустақил деб аташмаган-ку, у тўғриси ҳам, баҳ-

тигами, баҳтга қаршими, Осиё матбуотида ноёб оёқда маҳкам турадиган мустақил журналистлардан бири эди. Унинг Ойданаси, эркалаб, суйиб Ойя деб атайдиган севгилиси ҳам «Менинг ўзимнинг эгаменим! Менда эгамен бўлгим келади, сиз билан бирга битта эгамен жуфт бўламиз!» – деб пичирларди. Қайда! Ҳаммаси тескари бўлиб чиқди. Бизнес ҳукмронлари ундан юз ўғирдилар, четга сурдилар, Ойдана эса яланғоч елкаларини қоқиб, бизнеснинг жаннатига учиб кетди. Ким жаннатни хоҳламайди? Ҳаммага у ерда жой топилиши қийин, лекин қизнинг омади чопган экан. Арсеннинг жаннат дарвозасини очадиган қалити бўлганда, албатта, унга очиб берар, лекин бундай қалит йўқ унда...

Хўп, энди «Мангу қайлик»ни қўйищдек тинмағур нияти нима бўлади, бошидан бу нарса Ойданага мўлжаллаб, унинг одамни батамом ром қилиб қўювчи мецдо-сопрано овозига умид боғлаб, ўйланган эди-ку. Кўз ўнгимизда тобора путурдан кетиб, тушкунликка тушиб бораётган опера театри муаммосини қайси жарга улоқтириб ташлаш керак, ундан қочиб кетаётган санъаткорларни қандай қилиб тўхтатиб, сақлаб қолса бўлади? Анъянавий репертуар театри ё яшаб қолади, ё куни битади. Бу ҳам миллий, ҳам дунёвий масала. Ҳа, оммавий маданиятнинг чайқовчилари Арсен Саманчинга ўхшаш ҳаваскор театр ишқибозининг бўйнига боллаб уришди, уни ўз кўз ўнгига синдиридилар, хўрладилар, олий нарсалар устида бош қотириб юрмайдиган қилиб қўйдилар. Ҳали бу ҳам етмайди, улар ҳали эгамен хаёлпараст устидан кулиб масхаралашни қўймайдилар, уни маънан-руҳан бутунлай синдиришга уринадилар, токи жонига тегиб ўзи йўлдан кетсин, оёқлари тагида бошқа ҳеч қачон ўралашмасин. Буни уятсизларча, бетамизларча адо этгайлар ўша шоу-бизнеснинг фаррошла-

ри, ўша поп-модернизмдан чиқкан топ-ясовчи чистаю чаққонлар. Бунақа нарсаларни улар қойил қилишади. Бунинг учун ҳамма воситалар - Интернетдан то кос-мосгача қўлларида мавжуд. Кунда-шунда ёрдамчилар ҳам улар ихтиёрида - эстрада дейсизми, газеталар... Оҳ, шўрлик, шўрлик матбуот! Яккаҳокимлик даврида сўздаги қулчиликка қарши курашиб-курашиб - кейин ўзи бозорнинг қулига айланди. Ҳаво тўлқинлари ҳам шунга хизмат қиласди - ахир ҳар бир автомашинада радио бор... Ҳаттоқи, самодаги йўлдошлар ҳам бутун ер юзининг чархпалагида шоу-бизнеснинг қибланамоси бўлиб хизмат қиласди энди. Буларнинг ҳаммаси мумтоз қадриятларни четга суриш, футбол стадионларидағи тобора кучайиб борувчи тўфон каби ҳайратангиз фойда олиш учун қилинади. Ҳаммаси уларнинг кўлида.

Эҳ, сен ҳаваскор хаёлпаст, тўғрироғи, хаёлпаст, шўринг қурғур яккамохов, ҳаммасини кўра-била туриб нега уларнинг оёқлари остида ўралашасан? Наҳот бўйни ва тили қисиқ қурбонлиққа ўхшасанг, наҳот қалтироқ қўлларинг билан ўзингни шоуменлар ўрдусига ўлжа келтирсанг? Ҳатто, севгингни ҳам катта лаганга солиб узатсанг, олинглар, ҳой, енглар, фақат йўлимизни тўсманлар, десанг. Ва мана шу сен ҳаётнинг мазмани ва гўзаллиги, худонинг ўзи ато этган мангу тухфа деб атайдиган эзгуликлардан мажбурий тарзда воз кечишнинг ўзи эмасми, зотан, муҳаббат бизга самовотнинг тухфаси, абаду азал қурб-кувватидан ато куч. Худди мана шунинг учун ҳам васлга етиш ҳаяжонларини мангулик билан ўткинчи ҳаёт ўртасидаги ҳаракатнинг энг чўққиси деб тушунтириш мумкин, бинобарин, шунинг учун ҳам ишқий ҳиссиётлар ва эҳтиросларнинг жўшмоғида фожиалар ҳамда драмалар яшириниб ётади ва улар осмону замин муносабатлари қанчалар

мушкулписанд эканлигидан дарак беради. Ҳар қандай мұхаббат үлім билан якунланади, аммо худодан мұхаббатта ато этилмиш мангуликнинг захира қурби келажак наслларга ўтади ва улар ҳам ўзларини мұхаббатта бағишилаб, мұхаббат воситаси-ла азал оқимига кириб борадилар. Бироқ бузғунчи кучлар ҳар сафар мұхаббат оламига маккорона ҳужум қиласылар, зеро, инсон аслиятининг қоронғи мағораларида улар қўплаб яшириниб ётадилар ва дам сайин маккорроқ, устомонроқ бўла борадилар, бинобарин, одамларда ички мубораза ҳеч қачон камаймайди.

Мана, бахтингни бой бердинг, гапнинг пўсткалласини айтганда, ишларни пачавасини чиқардинг, енгилдинг, таҳқирландинг, мұхаббатинсни чоҳи балога ташлаяпсан, ҳолбуки, мұхаббат сендеқ эр этилган йигитга ҳамда маъшуқангга кўк осмондан ато этилган эди. Шармандаи шармисор бўлдинг, шоумен Корчалон олдида ўзингни ерга урдинг, бу корчалоннинг, ҳатто, номини ҳам тилга олгулик эмас, щунчалар нафратаиди киши ундан. Аммо ул кишимнинг бу билан сира иши йўқ. У ғолиб чиқди, ўлжани тақимига босди. У ҳамманинг кўз ўнгида жондан севган маъшуқангни тортиб олди, ўз домига илинтирди, очигини айтганда, уни бошдан-оёқ сотиб олди, энди боплаб сотади, кифтини келтириб бозорга солади. Сен яна бошқа бир нарсангдан ҳам айрилдинг, юрагингда худди кўринмас уммон каби жўш уриб турган, мұхаббатингга ҳамоҳанг бўлган кўнгилнинг мусиқаси бирваракай барҳам топди, сени тарқ этди. Ахир ҳаваскорона эса-да, гоҳ-гоҳ жунбушга келиб ўзини билдириб турса-да, бошқалар уни кўрмаса ва эшитмаса-да, бари бир, ҳарқалай у қалбингнинг табиий мулки эди ва сен ҳеч қачон ундан айрилишни истамасдинг, уни ташлаб кетолмасдинг.

Мана энди онгинг тубларидаги кўзга кўринмас симфония оҳиста сени тарқ этялти, зеро, у яшайдиган макон қолмади.

Арсен Саманчин яна шу заҳоти ўзини босиш, эс-хушини йиғишга ҳаракат қилди: буларнинг бари ҳиссиётлар, холос, дикқатингни бошқа нарсаларга қарат, фикрингни соғлом йўлга сол. Агарда «Мангу қайлиқ» воқеаси асосида опера ёзилган, партитураси ҳам тайёр бўлса, унда бош ролни ўйновчи муносаб ижрочини бошқа шаҳарлар ва ҳатто, бошқа мамлакатлардан ахтариб топиш амримаҳол эмасди. Қимматроққа тушарди-ю, лекин ташкилий томонларини ечиш мумкин эди. Мантиқан олганда, шундай...

Бироқ ҳеч нарсага қарамасдан, юраги кўпирниб тошган нафрат ва ўч олиш иштиёқи гирдобида ўртанарди. Ҳозир олигарх деб юритилувчи бир корчалон сени оёқлари остига олиб топтаётганига чидаш қийин эди. Хўп, мабодо, иштаҳанг очилган бўлса, итингни тувагигача олтин қил, лекин нима учун ҳамма уларнинг олдидаги қуллуқ қилиши, малайга айланиши, одам ёллаб ўлдиришдан тортиб, виждонини сотишгача бориши, қабиҳликларига шерик бўлиши керак? У уларнинг зарбасига кўзларидан ўт чиқариб юборадиган зарба билан жавоб қайтаришни истарди!

Шунда Арсен Саманчиннинг бошига ёмон хаёллар бостириб келарди, лаънатини ўлдириб ва шу заҳоти ўзини ҳам маҳв этгиси келарди! Бирга - бир! Сен ҳам йўқ - мен ҳам йўқ! Тамом! Кейин матбуот ва бошқа ерларда бу ҳақда нималар деб валдирашмайди, ёлғоняшиқ тўқишимайди - сарик чақага арзимайди ҳаммаси.

Илгари у теле ва кинодедективларидаги ўлдир-ўлдирларга истеҳзо билан қарап, улар устидан нафратланиб қулиб юарарди, мана энди ўзи ҳам худди ўша ки-

нолардагига ўхшаб одам ўлдирмоқчи: бу қотилликни қылт этмай, совуққонлик билан адо этмоқчи: уч маротаба нақ башарасига, сүнг яна бир карра бошига қараб отмоқчи, отищдан бурун ғанимнинг башарасига охирги хукмини айтади, унинг бутун афт-андори электр токи ургандай буришиб-тиришиб кетишини ўз кўзи билан кўради. Ана ундан кейин тўппончани ўз чаккасига тираб, тепкини босади. Бас, етиб келдик остоナмизга! Насиб бўлса, энди у дунёда кўришармиз... Гаплашармиз...

Арсен Саманчин у ёққа фақат биргина умид, биргина ишонч билан кетишни хоҳларди, у ҳам бўлса, илоҳий кучлар Ойани ҳам шояд муқаррар виждан азобига солар, муҳаббатга қилган вафосизлиги, «Мангу қайлиқ»ни хўрлагани юрагини тинимсиз ўртар, қийноқ ўтида куйдирап, деган илинж эди.

Икковларидан ўзга ҳеч кимсага маълум бўлмаган Хайделбергдаги ишқий висол дамлари хотираси ҳаётининг сўнгги онларигача унга тиячлик бермаслигини истарди. У дунёда қизнинг пуштаймон бўлиб ўкириб йиғлаганини ўз қулоги билан эшитгиси келарди. Ахир «Мангу қайлиқ»нинг нияти икковларида Хайделбергдаги тоғ қасрида туғилмаганмиди, ойдин кечалар уларни аллаламаганмиди ўша ўрта асрларда бунёд бўлган немис шаҳарчаси узра қад ростлаган хаёлий соялар ўйнаган ўрмон-боғда; ўшанда улар бирга сафарда бўлишган, Ойдана Хайделберг мусиқа жамиятининг таклифига жавобан концертлар берган, Арсен эса унга журналист сифатида ҳамроҳлик қилган эди.

У ўзини босишта ҳар қанча уринмасин – ҳой, тўхта, сен ўйлаётган нарса жуда жўн, арзимас, паст, қолаверса, гирт жиноят, деб ўзини ўзи янмасин, ҳеч кор қилмас, уч олиш ташналиги пасаймас, ёмонликка қарши

ёмонлик билан жавоб қайтариш табиий иштиёқи сира сўнмас, аксинча, қонини қайнатиб баттарроқ жўштиради. Қулоғига болалигига кирган бир нақл эсига тушди. Қирғизлар уни noctor аҳволга тушиб қолган пайтларида айтадилар: «Эҳ, не бўлса бўлди, бошингни хоҳ тошга ур, хоҳ ўзингни аямай қамчилга, душман сенга ташланса, унга асло бўш келма, ғанимни кўлдан чиқарма, қаншарига ур, эгардан кулат, найзангни санч кўксига. Бу кўлингдан келмаса, ўзингни ўлдир, йўлинг йўқлиги шулдир...»

Бу сўзларни қачон, ким, нима учун не алам билан айтган, ким билсин...

Лекин мана, унинг ўзи ҳам йўл ўртасида аросатда қолди: ё ғанимни ва ё ўзингни ўлдир! Бошқа йўл йўққа ўхшайди. Яна шу заҳоти у ўзига ўзи дашном берарди – қандай ваҳшийлик!

Бечора шундай эзиларди аламли ўйлар оғушида, хаёлига бирдан бир фикр урилди, ўзини дарҳол дераздан орқага олиб, томоги хириллаб пичирлади: «Ўл, така! Боядан бери нима деяпсан? Отаман дейсан, нимада отасан? Кўлингни пахса қилиб отмасанг керак ахир? – У деворга ўрнатилган ойна олдига бориб, ўз башарасига қараб тупуришдан базур сақланиб қолди. – Сенинг лоақал ўйинчоқ тўппончанг ҳам йўқ-ку! Хомкалла!»

У одам ўлдирувчи киллерлар, қотилликларнинг усуллари ва йўл-йўриқлари ҳақида кўп ўқиган эди – телевизор, кинолар тўхтамай шуни кўрсатади, аммо ҳаётда бу осон иш эмас. Албатта, эҳтимол, топиш ҳам мумкин, сотиб олса ҳам бўлар иш шундай бўлгандан кейин. Аммо ҳали отишни қойиллатиш ҳам керак... Ана, холос...

«Мангу қайлиқ»нинг алам-оғриғи эса ниҳоясиз эди...

Эрталабга яқин у туш кўрди, кўлида мобил телефон эмиш, лекин ундан қўнғироқ қилиш ўрнига, қаёққадир

ўқталиб мұлжал олармиш, ўқ овози әшитилмасмиш... шунда қүнғироқ жириңглади.

Арсен Саманчин телефонга келди-ю, лекин гүшакни күттармади. Ғижиниб құлини силкиди – ҳозир гаплашадиган пайтми? Телефон яна бир карра жириңглади – яна жавоб бўлмади.

Ҳа, қурол топиш керак эди – тўппонча ва ўқ. Тоза ташвиш экан-ку бу, сира ўйламаган эканман... Кимдан сўраса экан?

Кун ёришиб келарди, ташқаридан товушлар әшитилди. У эса ҳамон боши қотган, нима қилишни билмасди. Дам ётар, дам дик этиб турарди. Ана муаммо! Ҳозирда худди тиш чўткасидай машхур бўлиб кетган, лекин аслида топиш фоят мушкул бўлган бу савил қолгурни қаердан қидирсинг? Бозорни айланиб кўрсанг, топса бўлади, дейишади. Қанча қиммат бўлмасин сотиб олиш даркор, зеро, кейин унга пулнинг кераги бўлмайди. Ҳаёт тугаяпти – бошқа ҳеч бир ташвиш йўқ..

Агар тўппонча топса, уни доим чўнтақда олиб юришга тўғри келади, бунинг учун ён чўнтақ қулайроқ – қолган барча қилиниши керак бўлган ишлар Арсен Саманчинни иккилантирмасди. Қўли қалтирамайди, ҳаммасини аниқ-тиниқ бажаради, ўқлар кетма-кет отилади, охиргисини – ўз пешонасига қўяди. У шундай вазият туғилишига ишончи комил эди, зотан у ўзи қасд қилган кимса билан ҳар доим учрашиш имкониятига эга – зеро, улар бир давранинг одамлари, бир-бирларини кўпдан танир эдилар. Тўғри, кейинги пайтларда камроқ кўришганлар. Энди ахир – анов ҳар ерда ҳозири нозир, эстрада продюсери, обрўли сара муассасаларнинг эгаси, бу ҳам етмагандай, отинг ким – олигарх, хўжайин, шеф – яна нималар деб аташмайди уни, ҳолбуки, аввалроқ ҳеч ким танимайдиган майда санъаткор

эди, холос. Күрдингизми, қаердан бош күтариб чиққанни – бозор тайгасидан бош күтарди. Ундан кейин кетди, кетаверди, бутун шоу-томоша-үйин бизнесини қўлига олди! Биз ҳаммамиз ялиисига бозорда у ёқдан бу ёқса югуриб юрибмиз. Омади келганилар – бармоқ билан санарли. Ҳамма бало шундаки, у бойлигининг зўридан ўзини булдозер деб билади. Агарда бир ғояни ўлдирмоқчи, бироннинг ҳаётини топтамоқчи, аёлни ўзига бўйсундирмоқчи бўлса, албатта, бунга эришади. Бас, етар! Курол қўлга кирса, қолгани ҳеч гапмас, ирода ва матонат бўлса бас.

У ўзини шундай ишонтирас ва ўзи ҳам ҳайрон қолган ҳолда, тобора мен ҳақман, деб биларди. Баъзан, ростанам хаёлидан бошқа бир фикр ҳам лип этиб ўтарди: ўч олиш иштиёқи одамни не кўйларга солиши мумкин? Нима, яхшилик йўлидаги ёмонликми бу? Шундай ҳам бўлиши ҳеч мумкинми? Лекин шу заҳоти бу фикрни ўзидан қуварди: яна бошни қотирялсан, эндиGINA ўйлаб тургандинг – дарров пушмон бўляпсан... Юрагинг пўкиллаяптими? Яххиси, унинг ёнига қандай боришингни ўйла – кел, бир гаплашиб олайлик. Ундан кейин...

Дарвоқе, улар яқинда кўришган эдилар, гап бор эди... Рост, Эртош бунга унча қизиқмади, матбуот учрашувидан сўнг қаёққадир шошилиб турар, дам-бадам соатига қарапди. Ичиди балки бу қоянинг ишқибозини кўринг, деб тоза кулгандир, мунча ҳавоий бўлмаса бу аҳмоқ одам, дегандир! Тўғри, қайта қуриш деган йилларда улар анча ёш эдилар, Арсен Саманчининг ўзи ўша вақтлар турли-туман мақолалар ёзиб-чизиб юрар, театр мавзуларида чиқишлиар қиласиди. Аммо ўша чоғлар Эртош Курчалов одмироқ артист бўлиб, ҳеч кимнинг назарига тушмаганди. Энди-чи, уни кўринг!. У сувлар оқиб кетди! Қайта қуриш пайтлари театр

жуда машхур эди. Дунёга янги фикр келди. Давр театр саҳналарида намоён бўларди. У пайт театр одамлар кўз ўнгидаги юксалди, кўнгиллар жунбушга келди, инсон то-талитаризм кишанларидан халос бўла борарди. Шаҳар драмтеатрининг оддий артисти Эртош Курчаловгина фақат ҳеч нимаси билан ажралиб турмас, ҳеч кимният у билан иши-ҳуши ҳам йўқ эди. Ўша пайтлар мана шу ўртамиёнагина артистда (рост, унинг бўйи-басти бошқаларга қараганда хийла баланд, овози ҳам кучлироқ, қолган томонлардан эса, кўпроқ оммавий саҳналардагина кўринарди) томоша-шоу-бизнесининг буюк бир куч-кудрати яшириниб ётганлигини ким билиди дейсиз, у барча эстрадалар ва ҳатто, стадионларнинг хукмрони бўлади деб ким ўйлабди дейсиз?

Бироқ ўша даврнинг об-ҳавосида «Эртош Курчал» деган ном пайдо бўлди, кейин бу ном ҳамманинг тилига тушди, айниқса, ёшлар ўртасида машхур бўлиб кетди, ўзининг барча ялтири-юлтирилари, рекламалари шов-шувлари билан бирга ҳамма оммавий эстрада томошаларининг ҳақиқий ўз тамғаси, белгисига айланди – шоу-саноат бунаقا нарсаларга катта пул ташлаб, яна тезда уларни ортиғи билан ундириб олади. Эртош Курчалнинг алламбало ярқираган клип-концертлари жуда кўй жойлар: Хитой, Москваларга сафарларда бўлди. Эртош Курчал шунчалар корчалон ва уста тадбиркор чиқди. Эстрада маконларини эгаллашда унга етадигани кам зди. Ойдана Самаровани мана шу Эртош Курчалнинг уммони кудратли куч билан ўз домига тортиб кетди.

Ойя, Ойдана Самаровага нима бўлганлигини ўйлаб ўтиришнинг вақти ўтганди, қандай қилиб, қай тарзда опера театрининг етакчи солисти Эртош бизнесининг маҳкумасига айланди, барча телеканалларда қайта-қайта чиқадиган бўлди, одамларнинг кўз ўнгидаги то-

бора ёркін чараплаган эстрада юлдузи номини олди, ёпирилиб келган попса санъати шұхрати шуълаларидан овозини ҳам, қиёфасини ҳам үзгартырды, «Голливуд-часига» саңнага чиқышларни үрганды, сўзнинг қисқаси, бутун тақдирини қайтадан қурди. «Поезд кетиб бўлди» деган кўп қўлланадиган гап бу ўринда расмана ўз ифодасини топди. Шундай бўлиб қолдики, улар Ойдана билан бирга Хайделбергдан битта поездда келишди, тақдир уларни Хайделберг қасрида бир хонада туришга мұяссар этди, шу ерда қалбларига муҳаббат ёлқини тушди ва яна худди мана шу ерда бирга-бирга «Мангу қайлиқ»ни яратишга аҳд-паймон қилдилар, энди қаранг, ҳаммаси шундай бўла туриб, қандай қилиб Ойдана кейинги бекатда тушиб қолиб, бутунлай бошқа томонга кетаётган поездга ўтира солиб, жўнаб қолди. Арсен эса гўё кўздан йўқолиб бораётган вагонлар ортидан шпаллардан шпалларга сакраб кимсасиз даштда ёлғиз югуриб бораёттир, телбаларча дод солаёттир, фарёд ураёттир: «Ой-а-а-а! Ой-а-а! «Мангу қайлиқ» нима бўлади? Қайт, қайт! Ой-а-а! Ой-а-а!» Аммо гўёки у қайрилиб ҳам боқмади... Ким уни йўлдан урди, ким катта пуллар сочиб ром этди – буниси энди маълум. Бу локомотивни ҳайдаб бораётган кимса, илгари ҳеч ким танимайдиган, эндиликда эса довруғи достон Эртош Курчалов.

Хўш, шу Арсенга ўхшагандарвеш болага кўзга кўринимас ўша поезднинг орқасидан қичқириб югуришнинг нима кераги бор денг, бунинг устига барча ёлворишиларига жавобан кўкдан қаҳқаҳа отган товушларгина келади: «Жинни! Анди! Тентак!» Ундан кўра барига биратўла кўл силтаб, бор-е, деб кетган яхшимасми?..

Арсен Саманчин замонавий шоу-томоша бизнеснинг қайсар, ҳужумкор манфаатпарастлигини қанчалар тे-

ран тушунмасин, бари бир ўзининг беихтиёр ёғилиб келувчи хаёлотларидан асти қутуолмасди. У ўз фикри-хаёлига боғланиб банди-асир бўлган, ҳаёти шу ғояга гўё гаровга қўйилгандаи, боши берк кўчага кириб қолган эди. Барча олдинги қизиқишлари аста-секин сўнди, қайларгадир борлиқнинг нариги орқа томонига сурилди, фақат Ойдана ва «Мангу қайлиқ» хаёли қолди.

Бу аснода у доим табиий тарзда эҳтиёткорона қарайдиган оммавий маданият жаҳон бўйлаб ғолибона қадам ташлар, унинг устига савдо-сотиқнинг океанларча тўлқинларини дам-бадам бостирап ва ҳар сафар куч-кудрати ортаётгани сезиларди.

Шунда у ер юзидағи умуммасс-медианинг тилидан тушмайдиган оммавий маданиятни ифодалаш учун янги бир сўз топди – уни улгуржи товар, улгуржи молга мос равишда улгуржи маданият деб атади. (Э, балли, марҳамат! Оммавий маданият бундан чивин чаққанчалик озор чекмайди!)

Яқинда шаҳарнинг 250 йиллиги нишонланди, шунга бағишиланиб шаҳар байрамида ўтган улкан шоу-томоша концертда у атамасининг нақадар аниқлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилди.

Оқшом тушган, мингларча томошибинлар тўлдирган стадион уммондек чайқалар, чироқлар чароғон порлар, ранг-баранг афишалар ёнар, мислсиз электрон рекламалар ярақларди. Байрамга келган издиҳомнинг кўпчилиги ёшлар эди, улар шод-хуррам ўтиришар, тоғлардан шаббода билан бирга тушиб келган кечки салқинда роҳатланаб, кўтаринки кайфиятлар билдирадилар.

Ҳамманинг ўйнагиси-кулгиси келар, томошалар тўхтовсиз давом этишини истарди.

Аслида ҳам шундай эди. Қулоқни танг қилган мусиқа стадион узра ғоятда қичик садолар таратарди, улкан

саҳнада барча хореография усулларидағи рақслар ўйналарди – балет десангиз ҳам шунда, оёқ ўйин десангиз ҳам шунда, уларга мос равишда либослару безак тасвирлар ҳам тез-тез ўзгарарди, лекин ушбу мувозий, улуғ саҳнавий томошанинг марказида унинг кўрки, жозибаси, асосий илоҳаси бўлиб Ойдана Самарова қулф уриб яшинарди! Бу даранг-дурунглар, хайлу ҳамшамларниң бари унинг учун, Ойдана Самарова учун эди! О, юлдуз! Чиндан ҳам унинг очиқ стадионда кўкларга ўрлаётган ғоят мусаффо, теран овози, сарвдай келишган, хипча, баланд қадди-қомати, ўзига ярашган, унча яланғоч бўлмаган либослару безаклари, унинг теграсида мусиқа садоларига мос рақс тушаётган ёш йигит-қизларниң – гўзалларниң мислсиз завқ-шавқ ичидаги эшилиб-буралишлари – буларниң бари томошага келганларда мафтункор, жўшқин байрамона ҳиссиётлар уйғотарди. Ҳамма саҳнада Ойдананинг ёнида, у билан бирга бўлишни истарди. Бутун майдон бир уммонга айланиб, қўлларини баланд кўтариб чайқаб, чайқаларди. Фақат Арсенгина: «Опера илоҳаси ҳавоий қироличага айланди!» – деб ўйларди. Лекин унинг фикрлари билан ҳеч кимниң иши йўқ Аксинча, Ойдана саҳнада шериги билан кўринишдан жуда одми «Лимузин» деган қўшиқни ижро эта бошлаганларида, издиҳомниң ҳаяжонлари ҳавога вулқондек отилиб, ўз чўққисига чиқди. Бу қўшини ўзбекларниң енгил қўшиқларидан бўлиб, у ўз асл тилида айтилмоқда эди, лекин ўзбек тили бу ерда ҳаммага тушунарли. Янги шарқона мусиқа издиҳомга таниш ва яқин оҳанрабо оҳанглари билан аллалар, электрон товушларниң шовваларига мос равишда майдон устида лўнда-ихчам сўзлар янграрди: «Сен мени севарсанми? Сен мени севарсанми? Лимузин берарсанми? Лимузин берарсанми?» Бунга қўшиқчининг шериги

жўр бўлиб, қарсса-қарсса рақс тушиб: «Мен сени севарман, мен сени севарман, лимузин берарман, лимузин берарман», – деб шўх жавоб айтарди.

Ана энди ғавғони кўринг! Минглаган одамлар ягона бир ҳисга тобе бўлиб, эмранар, тўлқинланар, нақаротга жўр тушиб, қўлларини ҳавода ёзиб бир овоздан ҳайқиради: «Ли-му-зин! Ли-му-зин! Ли-му-зин!»

Айни шу вақтнинг ўзида стадионнинг тўрт томонига ўрнатилган улкан панорама экранларида тасвир намоён бўлади: усти очиқ ҳашаматли узун лимузинда ошиқ-маъшуқ Ойдана ва унинг чиройли шериги учиб боради. Машина рулига дам униси, дам буниси ўтиришиб, гўзал манзаралар ёнидан ўтиб боришади: дам қорли тоғ тизмалари, дам ложувард кўл соҳиллари, дам чиройли кўприклар, дам кимсасиз чўллар лип-лип ўгади, тўда-тўда күшлар лимузин ортидан кўплаб парвоз этади. Мана, ниҳоят шаҳар чеккасидаги улкан боғга етиб лимузин тўхтади, бахтиёр йигит-қиз машинадан тушишди-да, кучоқлашганча жозиб рекламаси чорлаган ресторонга қараб юришди, кейин яна лимузинда учиб кетишиди.

Мусиқа айҳаннос кўтарап, стадион бир бўғиздан жарсоларди: «Ли-му-зин! Ли-му-зин! Ой-да-на! Ой-да-на!»

Арсен Саманчин уятдан ўзини қўйгани жой тополмасди. Лекин жўш урган издиҳом олдида у ким бўлти? У ҳам издиҳомга қўшилиб беихтиёр қичқирди: «Ли-му-зин! Ли-му-зин! Ой-да-на! Ой-да-на!» ҳамма қатори...

Охири ҳеч кутилмаган тоза байрамона томоша бошланди – кеча осмонга отилган мушаклар фавворасидан ёришди, то олис уфқларга довур ранго-ранг учқунлар сочилиб, юлдузлар хира тортди. (Оҳ, бу кўламни қаранг! Яшасин азамат шаҳар ҳокими! Фақат у щундай ҳашамга қодир! Унинг қаватида ким турибди? Яна ўша-ўша – Эр-

тош-да!) Яна қизиги шундаки, байрам мушакбозликлари одатдагидай тантана бўлаётган шу яқин орада эмас, узоқ шаҳар чеккасида бўлмоқда эди. Шаҳарга туташ тоғлик устидан кучли ракеталар осмонга учиб чиқар, улар юқорилаган сайин мушаклар ҳар томонга пориллаб сочиларди. Уларнинг ҳар отилиши ҳаддан ташқари чиройли ва ҳайратомуз эди. Мана шундай улуғвор кўркли томошани ким уюштири? – деган савол келди унинг хаёлига. Ким бўларди, албатта, Эртош Курчалнинг ўзи-да. Гарчи буларнинг ҳаммаси шаҳар байрами шарафига ўтказилаётган эса-да, аслида сахна юлдузи Ойдана улуғланаетгандай эди! Зотан, мусиқа садолари ҳамон гулдурос солар, гўзал лимузин икки баҳтиёр ошиқ-маъшуқ билан телеэкран панорамаларида қанот қоқиб учиб борар, ўша замон ранго-ранг мушаклар ҳам тунги осмонга ғаройиб шуълалар сочиб, кўк тоқи сари тобора баланд ўрларди. Гўё бутун ер юзига юлдузлар ёғилар ва ёғдулар-ла ну .фшон бўларди..

Ўша соатларда яна үндай воқеа ҳам рўй бердики, буни ҳеч кимса билмади, ундан бехабар қолди...

Учқунлар сачратган ўтнинг ёлқинлари шунчалар баланд кўтарилилар ва ер юзасини то узоқ-узоқларгача тоғ тизмаларигачайин шунчалар ёрқин ёритардики, хуркиб уйғонган қушлар чагир-чугур қилишар, довон этакларида тонғриқиган Жаабарс ҳам сесканиб қўзини очди. У оёққа босиб, худди тоғлар бағридан отилиб чиқаётгандай узоқ олов ёлқинларига қаради. Йўқ, осмонда учадиган юлдузлар эмас, балки илгари кўрилмаган бошқача бир нарса эди. Ваҳший ҳайвон яширинимоқчи бўлиб уринди, лекин ҳаракати зое кетди. Худди бу ерга келишдан муроди зое кетгандай, довонни ошиб ўтаман деб уринишлари бекор кетгандай, юксак кимсасиз тоғлар бағрида ғойиб бўлишдек нияти барбод

бўлгандай эди. Тақдир негадир уни қўлламас, ғаддорлик билан шу пучмоқда тутиб турарди. Ахир тақдир ҳар нарсага қодир, йўқ эса, не учун ғариб Жаабарс унга бу ерда керак бўлиб қолди. Ким билсин? Тақдир доим гунг... Лекин ўша кеча байрам мушакларининг ёлқинлари Жаабарс назарига етиб келгани, балки, кўк осмоннинг бир башоратидир...

Стадион эса ҳамон қайнаб тошар, рок-концерт зарбларида бир овоздан ҳайқиради: «Ли-му-зин! Ли-му-зин! Ой-да-на! Ой-да-на!»

«Ана у, улгуржи маданият лимузинига тушиб кетворди!» – алам билан хаёлдан кечирди Арсен Саманчин. Кейин яна ўша савол туғилди: «Мангу қайлиқ» энди нима бўлади? Кейин икки маҳалла нарида машина тўхташ жойида қолдириб келинган, ранг-баранг хорижий машиналар орасида турган ўзининг «Нива»сига бораркан, бу ҳаёт бари қанчадан қанча зиддиятлар, нуру соя ўйинларидан иборат, улгуржи маданиятнинг кетидан қувиш шундай бўлармикин, деб ўй-ўйлаб, ўйларининг охирига етолмасди. Мамлакат қанчалар қашшоқ, қанча ишсизлар! Ёш йигитлар кўчалар бўйида чўзилиб ўтириб: «Бизга иш беринг!» – деб ёзилган плакатларни кўтарадилар, уларнинг кўплари кимсасиз ҳувиллаб қолган қишлоқлардан келишган. Бу инсон ҳамжамиятларига таъна-чақириқ, демакки, у янги авлодларнинг эҳтиёжларини қондиришдан ожиз, ноқобил, замон гўё уларга шундай деб мурожаат этмоқда: жамиятга сенинг керагинг йўқ қоч нари! Биз, иши ўнгидан келгандар эса лимузинларга тушиб олға борамиз.

У шундай хаёл суриб ўзининг совет давридан қолган «Нива»сида тунги кўчалардан кетиб борар, бундан ортиқ машинани кўнгли ҳам хоҳламас – шунга ўрганиб қолган, бошқасига чўнтаги ҳам торлик қиласарди! Ҳамма лимузинда юролмайди-ку. Ойа «лимузинлашган» бўл-

са, худо хайрини берсин. Энди у зўр юлдуз, етиб бўлмайди, ҳамма ёғида қўриқчи, қўнғироқ қилсанг, жавоб бермайди... Илгариги эри билан ярашмаса керак, айтишларига қараганда кўп йиллардан бери ичкиликка муккасидан тушган эмиши...

Айблашнинг ҳожати йўқ. Ҳаётда нималар бўлмайди. Ҳар бошда бир савдо... Лекин кўнгилни кенг қилиб ўйлаб қараганда, ахволни холис чўтлаб кўрганда, аъло овозга эга бўлган опера артисти Ойдана Самаровани кескин эврилиш қилганининг таг сабабини тушуниб етиш, англашга уриниб кўрилса, ахир унинг асл ўрни Милан саҳнасида, унинг бундай поп-маданият кўклирида чарх уриб, донг қозониш, шухрат кетидан ҳайратомуз шитоб билан қувиб кетаётганлигини маъқуллаш қийин, албатта! Булар орқасидан яна пулнинг дўлдай ёғилишини айтмайсизми!

Тўхта! Бу унинг иши, унинг ҳақи! Сен эса отдан қуладинг, шунинг учун ёниб-куясан, қаҳринг келади, ёмонлайсан... Ҳалол бўйнингга ол, деб ўзига таъна-дашном берарди Арсен Саманчин, рақибларинг сендан кучлироқ экан! Сен ким, журналистсан, хўп, мустақилсан, сен таниқли одамсан. Унинг ҳам кимлиги маълум. Бошқа-бошқа дунё. Биринг – массмедиа осмонида, иккичинг – яна ўша массмедиа қумурсқаси. Ундан ташқари муҳаббат ҳамиша имтиҳон қилинади, акс ҳолда, на азоб-уқубатлар, на қувонч-шодликлар, на ғам-аламлар, фалокатлар бўларди... На илож, тоғлардан қор кўчкилари тушади, ҳеч ким тўхтатолмайди. Ҳар бир муҳаббатнинг ўз дафтари бор, азоб-уқубатларнинг ўз баҳоси мавжуд. Сен эса ўз дарди ҳасратингни оммавий маданияту глобализациядан кўрмоқчи бўласан.

Сен баъзи бир саволларга жавоб бериш ва бошқаларни ҳам ишонтиришга уриниб кўр. Оммавий мада-

ният «Мангу қайлиқ» қаңдай усуллар билан қарши туради, уни инкор этади? «Мангу қайлиқ» бу ерда қандай пайдо бўлиб қолди, қаердан келди - шуни айтиб бер; Ойа икковингиз бир-бирингиз билан овора эдингиз, сиз муҳаббат тўлқинларига чўмдингиз, гўё икковлон бутун аввалги ҳаётингизда фақат ва фақат мана шу он келишини кутгандай эдингиз. Нихоят, муҳаббат нималигини билиш имкониятига эга бўлдингиз, у сизга тақдир ато этмиш башорат янглиғ етиб келди. Бир ёқаси кулгили бўлиб туюлади: ахир иккингиз навниҳол ўсмир эмас. Бошингиздан турмуш тажрибасини ўтказгансиз, аммо тақдир сизни ўтмиш асоратидан озод этган экан. Тоғлик ён-бағри кета-кетгунча кўҳна боғот, унда кўҳна қаср қад кўтарган, кўкда паға булуллар оралаб тўлин ой хаёлот ичра сизни кузатади. Иккингиз бу ҳолни ҳазил-мутойиба қилиб муҳаббатимизнинг ilk саҳнаси деб атадингиз, тақдир иккингизга ўша кун ва ўша соатни раво кўрган экан, бўлмаса, сен қирқни қоралаб қолган, Ойа эса ўттиздан ошинқираган эди. Лекин гап бунда эмас, сизнинг ҳавоий ҳаяжонларингиз ўтади-кетади, гап шундаки, ўша куни икки севишган қошида Мангу қайлиқнинг ўзи намоён бўлди, тиз букиб уни қутқаришни илтижо қилди, ёруғ дунёдаги ҳамма одамлар соғиниб эшитадиган гўзал овоз ато этинглар, деб ёлворди, мен ҳам қўшиқ айтиб юрагимни очай, мени Мангу қайлиққа айлантирган айрилиқдан ҳикоя қиласай, мен ҳам ўз севгилимни топай, деди. У намоён бўлди-ю, ошиқ-маъшуқларда ижодий хаёл – опера яратиш фикри уйғонди, ниятлари мустаҳкамланди. Сен энди Мангу қайлиқ билан учрашув шундоққина кўз ўнгларингизда рўй берганлигини одамларга айтиб бер, уларни ишонтиришга ҳаракат

қил, иккингиз уни қутқариш, саҳна орқали операда дунёга кўрсатишга аҳд-лаймон қилганингиздан хабардор эт, Ойа «Мангу қайлиқ»нинг қўшиқларини айтади, Ойдананинг ўзи пицирлаб сўз берди, то тирикман, сўнгги нафасимгача «Мангу қайлиқ»ни куйлайман, деди.

Шошма, шошма, гапни кўп олиб қочма! Ким бундай ақл бовар қилмас ажойиб-ғаройиб мўъжиза рўй берганига ишонади? Ақли-хуши жойида ҳар қандай одам ҳам айтади: бунинг ҳаммаси бемаъни тўқима, эртак, афсона, ҳалқ орасида юрган чўпчакдан фарқи йўқ, кўкнори хаёл. Албатта, шундай гап-сўз бўлиши тайин. Шунга қарамасдан, Мангу қайлиқнинг самовий бир тарзда намоён бўлиши уни Арсен Саманчиннинг юрагида маҗозий сиймога айлантириди (дарвоқе, ўша дамларда Ойдана ҳам уни шундай тасаввур қилас, бунда икковларининг кечинмалари бир-бирига уйқаш келарди, афсус-надоматлар бўлсинким, ундан кейин Ойдананинг фикри чалғиди ва орқага чекинди – «лимузинга тушиб ўйнагани кетди», тўғрироғи, уни йўлдан уришди, бизнесга асир қилиб олишди, лекин ҳозир гап бу ҳақда эмас). Унинг мунглиғ юрагига қайлиқ сиймоси қаттиқ ўрнашди, уни худонинг мўъжизаси деб қабул қилди, ўлмас ишонч-эътиқоди, туганмас дарду азобига айланди. Ахир ҳеч ким худони кўрмаган, лекин одамлар унга ишонишади, худо бор, деб билишади. Имон-эътиқод худди мана шундай пайдо бўлса ажабмас – суюкли сиймони руҳоний тасаввур қилиш орқали унга муҳаббат туғилади.

Худди шунга ўхшаш воқеани ўшандада улар Хайделбергда бошдан кечирдилар. Ойдана Самарова ёлғиз ўзи биттагина концерт бериши керак эди. Концерт катта муваффақият қозонди. Албатта, Ойдана Самарова ўзи-

нинг Хайделбергга таклиф этилишида Арсен Саманчининг ҳам хизмати борлигини биларди. Бунга Арсеннинг яқин ёр-биродарлари – журналистлар, мусиқа усталари бош қўшишган эди.

Хорижий мусиқа ихлосмандлари учун мумтоз қўшиқлар ижрочиси Ойдана кутилмаган ғаройиб воқеа эди. Европада бундай алоҳида концертларни ўтказганда, ҳамма ёққа афишалар ёпиштирилади, қўшиқчи ҳақида ингиликларда хабар қилинади, телевизорда унинг қўшиқлари берилади, газеталарда тақризлар, мақолалар чиқади. Ойдана Самарованинг концерти қадими Хайделберг кирхасида¹ ўтди.

Ибодатхонанинг санъат маросимлари учун ажратилиши немис диндорлари наздида алоҳида ҳурмат нишонаси ҳисобланади. Кирханинг юксак равоқлари остида тирик овоз улугвор тиниқ акс садо беради, у асрлар бўйи самовий оҳангларни тинглашга мослашган. Ойдана арганун ва фортеяна жўрлигида италянча, русча ва немисча қўшиқлар куйлади.

Куйчи бир қанча қўшиқларни она қирғиз тилида ижро этди. Узоқ қарсаклар янгради, ибодатхона ичини тўлдирган тингловчи шинавандаларнинг қўзлари руҳий завқ-шавқ билан порларди.

Ютуқнинг ҳаяжонлари ва илҳомлари уларнинг муҳаббат туйғуларини янада ўткирлаштирди, улар янада яқинроқ бўлиб қолдилар, ҳеч бир-бирларидан ажралгилари келмасди.

Ўша ҳаяжонлар тўлқинларида уларга Мангу қайлиқ намоён бўлди. Концертдан кейин улар шарафига кирха ёнидаги ресторонда чоғроқ бўлса ҳам, қабул маросими ва зиёфат ўтди, кейин икковлон қадим Хайделберг қас-

¹ Кирха – Германиядаги черков.

ри атрофидаги тепалик боғда сайр этиб юрдилар; уларни эъзозли қўнок ҳисоблаб шу кунлар ичи Хайделберг қасрига жойлаштирган, холи бир шароит яратиб берган эдилар. Қасрнинг пастки қаватидаги қаҳвахонада бир оз ўтириб, андак-андак виски ичгач, яна гўзал хиёбонларда айлангани чиқиши, тепалиқдан туриб ярим кечада эртаклардай чароғон қадимий шаҳарчани томоша қилишди. Қулай ўриндиқда ўтириб, мусиқа ҳақида гаплашишди. Кутимаганда, Ойдана ундан сўради:

- Арсен, сенга қандай қўшиқ айтиб беришимни хоҳлайсан?

- Ҳозирми?

- Йўғ-е. Бирон симфония оркестри концертида. Сен залда ўтирасан, мен саҳнада туриб айнан сенга бағишиб қўшиқ айтаман. Нимани айтишимни истардинг? Италянча қўшиқ ёқадими?

- Сенинг кўп қўшиқларинг менга жуда ёқади, Ойа. Италянча, испанча – яхши. Лекин энг ёқимлиси нима, биласанми? Мен-чи, телба боламан, Ойа, анчадан бери орзу қиласман, худди аёл ҳақида яширин орзу-ҳаёллар сурган зоҳидга ўхшайман. Сенинг тилингдан Мангу қайлиқнинг қўшиқларини эшигтим келади.

- Мангу қайлиқ қўшиқлари? – ҳайрон бўлди у. – Биласанми, ўша афсона қулғимга чалинган, аммо опера учун мусиқа, либретто, яна талайгина алланималар кепрак... Сен, ҳақиқатан ҳам, аёлни орзу қилган гуноҳкорроҳибга ўхшар экансан!

- Орзуларнинг қўрқадиган жойи йўқ, лекин йўл орзуга қараб бурилганда...

Бу «Мангу қайлиқ»ни қўйиш йўлида (майли, гарчи ҳозирча мубоҳасаларда бўлсин) дастлабки қадам эканини улар ўша дамларда англармидилар, йўқми, буниси номаълум. Арсен Саманчин ўзининг узоқ орзулаган

ниятини Ойданага илк бора айтмоқчи бўлиб худди мана шу дамларни кутгандай эди. Тақдир уларни ўша он, ўша ерда шунинг учун учраштиrmаганими?

* * *

Сўз тақдир устида кетса... ўша тақдирсоз соатда Арсен Саманчин қайдан билсинки, кўп ўтмай ушбу воқеанинг ён-атрофларида одам кўрқулик ёвуз бир ният бош кўтариб чиқади: ахир илгари у одам ўлдираман деб ҳеч хаёлига келтиргандими. У тубсиз чоҳ тепасида лапанглаб тураману лекин сира чекинмайман деб ўйлаганми迪 асти. Уни ҳозир эҳтимол бошқа бировлар учун осон, лекин унинг учун ғоятда чигал фақат битта ташвиш кеча-ю кундуз миясини пармалайди: ўйлаган ишини адо этишга қуролни қаердан олсин?..

* * *

Тақдир экан-да. Жаабарс ўша пайт ҳамон Узангилаш довонида эди, ҳамон тақдирдан инъом-эҳсон кутар - довондан ўтиш учун мадад келар ва ниҳоят тарки дунё қилиб кетарман, дерди.

Ҳеч ким - на инсон ва на маҳлук олдинда нима кутаётганлигини билмайди. Бир қараганда, уларнинг тақдирлари ўртасида ҳеч қандай бир-бирини боғловчи, ҳеч қандай ўхшаш нарсалар йўқ эди, лекин бир-бирини танимайдиган, билмайдиган икки ҳилқат - инсон ва маҳлук - маълум бир шарт-шароитлар, ҳол-аҳволнинг тазиёки туфайли бир турли қисматнинг забти остида қолганликлари тасодиф бўлмай, уларнинг ҳаёт салиқаларида аллақачон етилган эди. Дунёда нималар бўлмайди ўзи. Ўша кеча Хайделберг боғидаги хилват гўша ва севишганлар бир-бирларига тобора оҳанрабодай тортилиб, меҳрлари бир-бирларига дарёдай тошиб,

висол оғушыда ширин сұхбат қураётган өтілдірілгенде, айтайлық, афсонавий Мангу қайлиқнинг қайта тирилиши, ошиқлар күз ўнгиде намоён бўлиши мумкинмиди? Мұхабbat изҳорлари жўш уриб турган өтінде афсонавий ҳилқатнинг эврилиши мумкинмиди? Ахир унинг учун муҳабbat фожиаси борлик турмушнинг охирги фасонасига айланмадими? Арсен Саманчин, дарвоқе, шундай эврилиш юз бериши мумкинлигини инкор этмасди. Ахир дунёдаги кўп нарсалар охир-оқибатда севишганларнинг ўз баҳт-иқболларини теварак-оламга тортиқ қилишга тайёрликларига боғлиқ.

Мана шу нарса Арсенни ўз Ойасига Мангу қайлиқ афсонасини ҳикоя қилиб беришга илҳомлантириди.

– Мен болалигимдан бери бизнинг Узангилаш тоғтозмаларимизда ҳозиргача Мангу қайлиқ саргардон кезиб юради, деб эшитганман, мен бунга ишонаман, билдингми?

– Биламан, биламан! – деб жон-дилдан тасдиқлади Ойдана майин табассум билан унинг бўйинин силаб. – Сенинг гапларингни жон қулогим билан эшитаман, худди мени эркалагандай сўзлайсан. Қара, Арсен, атроф қандай гўзал. Тун, ой ёқти, чироқлар худди эртаклардагидай ёруғ. Иккимиздан бошқа ҳеч ким йўқ. Ҳатто, боғдаги қушлар ҳам жимиб қолишли. Айтавер, айтавер.

– Майли. Қушлар жим бўлса, бўлсин, лекин мен Мангу қайлиқни сўйлаб чарчамайман. Буни афсона, ё асотир дейиш ҳам мумкин, яна ким билади, истаганча талқин қилиш мумкиндир балки, лекин мен учун бу сира афсона эмас, Ойа! Узоқ тоғлар ичида унинг лип этиб учиб ўтганини кўриб қолиш мумкин, кейин дарҳол кўздан ғойиб бўлади. Унинг ривоятини бизнинг томонларда узоқ вақтлардан бери ҳикоя қилиб юришади, ҳамма унинг тоғларда кезиб юришига ишонади, йўқолган

куёвини қидиради, дейишади. Унинг орқасидан ғанимлар қувлар эмиш. Унинг севгилиси навқирон омад ёрдовчи изсиз йўқолган. Ғанимлар уни төрга яширганларми ё тилини сугуриб олганларми – ким билсин? Одамларнинг бир-бирларини кўролмасликлари, маккорлик, эл-юрт талашиб – ҳаммасидан бор бу ерда. Қайси вақти олиб қарама, барида шундай.

Биласанми, бизнинг тоғларимизда шундай одат бор, ҳар ёз келганда, ой тўлган кеча Мангу қайлиқни соғинганлар баланд тоғ тепасида гулхан ёқишиади, қайлиқ машъалани олислардан кўрсин дейишади. Шомонлар эса дўмбирапарини чалиб, рақсга тушишиади, қайлиқ ва куёвнинг номини айтиб чақиришади, олов атрофига йиғилишга чорлашади. Аёллар олов теграсида тўпланиб, йиғи-сиги қилиб, овоз сошлишиади. Айтишадики, қайлиқ қоронғи соя бир ерга келармиш, одамларга таъзим қилармиш, сўнг дарров ғойиб бўлармиш. Истасанг, юр, қаҳвахонага борайлик. Озгина виски ичсакмикин, қалай?

– Боя бордик-ку у ерга. Сен озроқ олдинг. Зарурми шу, Арсен? Мен Мангу қайлиқка жуда ачинаман, назаримда, биз уни деб, бу ерга келгандаймиз.

– Эҳтимол, шундайдир. Шунинг учун мен сенга бу воқеани айтиб бермоқчиман. Мангу қайлиқ учун гулханларни Хитой тарафида ҳам ёқишиади. Чегара ҳам Узангилаш тогининг орқасидан ўтган, у томонда узоқ замонлардан бизга оғайни қирғиз қавмлари тирикчилик қиласди, лекин биз улар билан кўп кўришолмаймиз, довондан ошиб ўтиш қийин, онда-сонда ёз ойларида гина ўтса бўлар. Бир йил бурун мен у ерларда ўз журналистлик ишларим билан бўлганман. Урганч орқали учоқда, кейин машинада. Кўп қизиқ одамларни учратдим, газетага қизиқарли мақола тайёрладим, лекин ҳо-

зир гап бунда эмас, ўша ёқда, Хитой томонида, тоғлар ичида маҳаллий қирғизлар Мангу қайлиқ ривоятини билишаркан: ёз кирганды, ой түлганды баланд тоғда машъала ёқишиб, Мангу қайлиққа мадад бўлсин деб, арвоҳларни чорлашаркан, буларни ўз кўзим билан кўриб, тоза ҳайрон бўлиб қолдим. Аммо Хитой қирғизларининг битта қизиқ фарқи ҳам бор экан. Одат бўйича, машъал олдида икки чиройли қиз эгарланган отни тайёр тутиб туришаркан – балки Мангу қайлиқ зарур бўлса, миниб кетар деб!

Ойдана бунга ҳазил қилди:

– Хайделберг тепасида ҳам Мангу қайлиқ учун гулхан ёқсак-чи? Нима дейсан, Арсен?

– Нега ёқмайлик? – кулди Арсен Саманчин. – Аввалроқ ўйласак бўларкан. Ўтин-чўп керак. Шомонни қаердан топамиз? Хоҳлайсанми. ўзим шомон бўламан?

– Бу олифта кийимларга шомон қандай бўларкин? – шўх кулди Ойдана. – Қойил-қойил. Сендан зўр шомон чиқарди. Фақат бошқа сафар, бўптими? Йўқса, шаҳар тепасида гулхан ёқиб, ҳаммани ташвишга қўйишимиз мумкин, тағин халқаро жанжал чиқиб ўтирасин.

– Бу гапинг ҳам тўғри! Бутун Европага донгимиз кетмасин яна, – бошини чайқаб кулгисини тўхтатолмасди Арсен Саманчин жувоннинг елкасидан қучганча. – Қандай яхши экан бу боф! Сени чарчатиб қўймадимми, Ойа?

– Қўйсанг-чи, мен ҳордиқ чиқарялман, мен баҳтли эканман, Мангу қайлиқ ҳам биз билан бирга!

– Раҳмат. Хўп, эшит. Бизнинг тоғларимиизда зўр куч ва ғайратта эга бўлган навқирон овчи яшарди. Кувласа оҳуга етиб оларди. Илвирслар ва бўриларни тутарди. Ўлжалари билан қавмидаги кўп оилаларни боқарди. Одамлар уни ҳурмат қилишар, элга йўлбошли, бий бўлади, деб умид боғлашарди. Бир куни қавм-

қариндошлари билан нариги водийга зиёфатга боришиб, у ерда ойдай сулув бир қизни учратиб қолибди. Бир-бирларига меҳрлари тушиб, у кунда-кунора отда тоғлар ошиб қизни күргани борадиган бўлибди. Бир куни башоратчи хотин қизга ром очибди, осмонда хос юлдузингиз бор, дебди. Бу муҳаббат юлдузи, у тўйларингиз куни қўқда ярқираб ёниб туради, тоғлар узра ҳамма юлдузлардан ёрқинроқ порлайди, тонг отгунча ўрнидан қимирламайди, фактат булут боссагина кўринмай қолади, дебди. Сулув буни овчи йигитга айтиб берган экан, у менга ҳам бошқа бир башоратчи фол кўрди ва сир очди, деб жавоб берибди: «Мен сенга уйланиш учун туғилган эканман». Шунда сулув овчи йигит билан аҳд-паймон қилиб, то ўлгунча сен билан бирга бўламан, дебди.

Ой-кунлар ўтиб, бир саодатли соатда овчи йигит бутун қавм-қариндошларини олиб сулувнинг ошёнига совчиликка борибдилар. Катта томоша-байрам бўлибди. Мехмонлар тоғ сойи бўйидаги ўтлоққа тикилган юзлаб чодирларга жойлашибдилар. Қайлиқнинг отаона, яқин қавм-қариндошлари, совчиларга олиб келинган совға-саломларни айтмайсизми! Йилки уюрлари-ю, пода-пода қўй-эчкилар, олтин ём билару куёв бўлмиш овчи йигитнинг хунари ҳаволасидан ранг-баранг ҳайвонилар қундуз-сувсарларнинг қимматбаҳо мўйналари. Ҳаммаси ҳам куёв ҳар кифти-елкасига ташлаб келтирган ял-ял илвирс териларидан ўтаверсинг. Бунақасини қўлга киритиш фактат бийик овчиларгагина муюссар бўлур. Бу ҳадяларини у таъзим-тавозелар билан қайлиғининг ота-онасига пешкаш қилибди. Ҳаммалари шоду хуррам бўлишиб, куёв билан қайлиғини дарё бўйига бошлаб боришибди ва шу ерда уларни унаштириб қўйишибди. Шу ондан эътиборан дарё уларнинг

муроса ва мұхаббатларига гувоҳ экан. Түй роса етти кундан сүнг тоғларининг нариёғида күёвнинг құналғасыда ўтадиган бўлибди.

Унаштириш қувонч-шодликлари, зиёфатлар то тонг-гача давом этибди. Лекин шу ерда ҳам орадан күрол-маслар, ғаламислар чиқиб қолибди. Күёвнинг омадли, эл-юрт ичида донг таратган овчи эканлиги уларнинг ғашларини келтирибди. Лекин ҳаммасидан ҳам, кўркам, мард, оқил-фозил, иродаси мустаҳкам, серғайрат бу йигит тез орада, албагта, қуда-анда, қардош-қариндош ту-ташган икки элга бош бўлади - у ўлкага бий бўлса хўб ярашади, деганга ўхшаш ҳалқ ичида юрган гаплар уларнинг қаҳр-ғазабини келтирас, адоват ўтини аланга олди-рар экан. Ҳасадгўйлар унинг бий бўлишига тоқат қилом-масдилар. Шунинг учун шум фитна уюштирилар.

Ўлимни бўйнига олиб яккама-якка, очиқчасига жангга чиқса ҳам майли эди, ер талашиб эмас, давлат талашиб эмас, ҳокимлик талашиб эмас, фақат жон талашиб майдонга тушсади. Бироқ инсон маккорлигининг чек-чегараси борми асло?

Фитна хуфя етилади, шунингучун фитна деб юритилиади.

Дарё бўйида базму зиёфат авжи қизиб турганда, севишган икки ёшнинг баҳти камолидан рашку ҳасад оташида ўртаниб, қаҳр-ғазабининг зўридан кўм-кўк кўкариб, ҳамманинг орқасидан биқиниб-пусиб бошқа бир ёвуз қисмат тайёргарлик кўрганини ким билсин ахир. Ёнг ичида битган асл фитна мана шу. Кейинчалик оқинлар буни йирга солиб айтишди: «Хабар топсайди қуёш бу фитнадан ёрилиб кетарди кўкда уятдан. Бил-сайди булутлар жала бўлиб ёгарди, ювиб кетарди фитна йўлларин, очиқ қирларда ўтарди тўйлар, базмлар».

- Оҳ, Арсен, бу қандай чиройли!

- Кейинчалик оқинлар яна шундай йирлашди. «Бил-сайди агарда фитнани дарё – орқасига қараб оқарди,

шеро. Ахир дарёга келтириб таъзимни бажо, ошиқлар айлашди аҳд ила вафо». Биласанми, ҳар нарсага холис тургувчи табиат ҳам ғаддор ғаламисларнинг режасига қарши бош кўтарган бўларди. Лекин мудҳиш ёвузиликни ким хаёлига келтирибди дейсиз?

Ахир олам шундай осуда, тинч, мувосо эди, тоғлар узра неъматбахш қуёш нур сочарди, тез келар тоғлар жаласи бу ерларни четлаб ўтди, узоқлардан унинг сарин салқини келди, мафтункор ўтлоқлар оёқлар тагида кўрпадай майнин ёйиларди, ўт ёқилган ўчоқлардан лазиз таомларнинг ҳидлари тараларди, бошлар узра қушларнинг баҳтиёр галалари чарх уради... Буларнинг барини оқинлар йирлаб айтдилар! Совчиларга атов базм дарё бўйида авжга минди, ҳаёт тўй нашидасининг овозлари, сурур-масарратига лиммо-лим тўлди. Ёш-ялангни-ку, асти кўяверасиз, от ўйинларига берилиб жавлон уришди, шомонлар дўмбираларини гум-гум уриб, жазб-жазавага миниб рақсга тушишди, тум-тумонатдан арвоҳларни ийдириб, шодлантириб, давраларга чорлашди, йир-қўшиқлар куйлашди; лекин тўй олдидан томошанинг сараси севишганларга олиб қўйиларди, одатга кўра улар отга миниб «қайлиқ кувиш» пойгасига чиқкишарди.

Куёв билан қайлиқ энг чопағон отларга миниб олишган, улар иойгага шай туришарди. Куёв бир оз олдинроқда чопиб бораётган қайлиқни қувиб етиб, ундан муччи олиши керак эди. Агар бунинг уддасидан чиқса, ана, баҳт-иқбол узангода, ана, омадинг чопгани...

Қайлиқнинг от устида ўтиришининг ўзи бир ажойиб томоша эди, у худди эгарда ўтириш учун туғилгандай эди, ана, қадду қомат, ана, тўлин ойни ҳижолатга қўядиган юз, ана хипча бел, яна қуйиб қўйган қаби ярашган келинлик либослари. Куёв ҳам унга ғоят муносиб.

Пойга доманасидаги уларнинг ҳаяжонли нигоҳлари, ўт чақнаган кўзлари, уялгандай бўлиб чиройли жилмайиб туришлари пойга томошасига йигилиб, уни сабрсизлик билан кутаётганларни ҳам баҳтиёрлик нашидаларига шерик қиласарди. Дугоналари қайлиққа қараб «Отни жонинг борича чоптири, қувиб ўтишига йўл қўйма! Эркаклар бизни бир кўриб қўйишин!» – деб далда-пишсанг беришарди. Куёв навкарлар ҳам асло қолишмасди: «Ҳой, кўзингга қара! Қувиб етмасанг, кулги бўласан!» Шомонлар жазавага тушарди, дўмбираларни қарсиллатиб уриб, жўшиб ўйин тушар, одамлару отларни хўб қизитар эдилар...

Ана, оқсоқоллар занг уришди. Пойга бошланди. Қайлиқ олдинда учиб борар, куёв орқада унга етиб олмоқчи бўларди. Улар ўzlари унаштирилган дарё томонга от қўйган эдилар. Фақат кечувга етгунча қувиш мумкин эди. Агар куёв қайлигини қувиб етишга улгурмаса, тумонатнинг қаҳ-қаҳуриб кулган садолари остида қайлиқнинг ўзи отнинг бошини куёв томонга буриб келар ва ғолиб қиз бўлиб уни муччиларди.

Аммо, одатда, куёвлар доим қайлиқларига етиб олишади...

Қайлиқ бу фусункор пойгани кейин умрининг охиригача унутмайди, қўша қариб яшайдиганидан қочганини доим эслаб юради. Куёв қий-чув, қийқириқ, савти-суронлар остида қайлигини қувиб етганини ҳамиша ёдида сақлайди...

Бу сафар ҳам айни шундай бўлди: қайлиқ учар қушдай қочди, куёв ортидан қувиб кетди. Қаршидан эстган шамол шувиллаб уларни қучди, ўпди, тинимсиз шилшиди: ҳаётда ҳеч қачон шу пойгадан ортикроқ баҳт бўлмагай.

Ох, қанчалар бепоён қувонч, куч ва шодлик! Олдинда дарё сохили күринди, улар ҳам учиб борар, отлар кўпиреб ташарди. Қайлиқ кутарди, жуда кутарди, куёв унга етиб олишини, у ҳаётининг мангу ардоғи, мангуликка айрилмас қўшгани! У беихтиёр отини тизгинлади, беихтиёр жиловни тортди, беихтиёр оёғини узангига тиради. Тезроқ, тезроқ қувиб етсин, олдинда дарё яқин... Ана, қувиб келаётган отнинг тасирлаши, қўрқиллаши эшитилди, яқин, яқин... Ана, ниҳоят отлар ёкма-ён биқин бериб чолмокда, узангига тегиб ширқиллади, кўз ўнгларида илгари ҳеч кўрмаган ёруғлик очилди. Нега мангу давом этмайди бундай онлар. Ана йигит чопиб бора туриб қизнинг белидан қучди, қиз унга оғушта бўлди. Ана у қайлигини маҳкам қисиб ўпди, кейин муччи, яна муччи. Отлар елдек учади, пойгачилар билишар энди улар мангу биргага, бир тан-бир жон. «Мен сени севаман! Сен меникисан!» - қичқирди йигит. «Мен доим сен билан биргаман!» - жавоб берди қиз.

Халойиқ шоду хуррам эди. Ҳамма бир овоздан йигитни алқарди: «Барака топсин! Ҳақиқий эр йигит! Йўл беринглар! Йўл беринглар! Четга ўт! Келишяпти! Энди у ўзимиздан, ўзимизники, доим биргамиз!» Унашув тўйи шундай алқовлар билан поёнига етди.

Лекин фитнанинг забти пасайган эмас. Ғаламислар тишларини қаттиқ қисирлатишади. Гаддорлик ҳамиша ўзига йўл топади...

Орада совчилар хайрлашиб, ўз юртларига қайтдилар, тўй ҳозирликлари бошланди. Ҳар бир иш ўз навбати билан борарди. Расм-русларга биноан ҳамма нарсалар ҳисобга олинарди. Ёш келин-куёвнинг висол кечаси ўтадиган кўркам чодир кўздан сал нарироқда, баҳаво, баланд жойда ўрнатилади, кейин меҳмонлар, қавм-қариндошлар, совчилар қатор-қатор юртлар-

га жойлаштирилади, турли-туман совға-саломлар, ранг-баранг таом, пишириқ, ширинылклар тайёрланади. Оқинлар алоҳида кўр тўкиб, достонлар ўқийдилар, ёш-яланг ўйин-кулгисини қиласди. Тўй учун шуларнинг бари шай эди. Ўша замонларда тўйларни бутун қавм бош-қош бўлиб ўтказарди.

Тўй бошланадиган, ҳар ёқдан меҳмонлар ёғилиб келадиган кун етди. Овчи йигит тонг сахардан икки оғайнисини олиб овга отланди, меҳмонларни янги овланган парранда-даррандалар билан сийлаш, ҳадя-тортиқлар учун қимматбаҳо мўйналар пешкаш қилиш расми одат бўлиб қолган эди. Ов бароридан келди. Лекин кун қиёмга яқинлаганда бирдан олисдан бақирган-чақирган товушлар чиқди, яқин қариндош-биродарлари овчи йигитни қидиришаётган эди. Бир талай одамлар қора терга ботиб, от чоптириб келган, ҳаммалари қаттиқ ҳаяжонда эдилар. «Худо урди! Худо урди! Тўхта! Орқангга қайт», – деб қичқиришарди улар бари кўкракларига тинимсиз муштлаб. Улар кўрқинчли, хунук хабар олиб келган эдилар. Кеча кечаси унинг қайлиғи ўзининг аввалги ошиғи билан қочиб кетибди. Одамлар, улар катта бозор шаҳарга қочган, дейишиади.

Оҳ, энди нима бўлганини кўринг! Осмонни шу он коронғи босди, қаттиқ бўрон турди, ёз бўлса ҳам, худди қиши киргандай, қор қуюнлаб урди. «Шармандалик! – деб қичқириб, ўзларини ерга таппа-таппа отишарди йигитнинг яқинлари кўкка сурон солиб. – Шарманда бўлдик! Энди қандоқ бош кўтариб юрамиз?! Қанжиқни толамиш, ўлдирамиз! Жонини суғуриб оламиш! Бир кун яшатмаймиз! Уят! Уят!» Улар дарҳол қидиришга отландилар. Лекин йигит чурқ этиб оғиз очмасди. Ранги кум ўчиб тик турганча тошдай қотди-қолди.

- Оҳ, даҳшат! даҳшат! – дея пичирларди Ойдана юрагига яқин олиб.

– Мен ҳам шуни айтаман-да! – деб илиб кетди гапни Арсен Саманчин. – Буни опера саҳнасида бир тасаввур қилиб кўр? Мусиқани айт, бу ҳаяжонлар, эҳтиросларни айт, ранг-баранг овозлар, турли кичик саҳналар! Кейин нима бўлганини эшит, Ойа, энг қизиғи ҳали бу ёқда.

Қариндошлар қочган қизнинг орқасидан қувиб бориш учун овчи йигитни қисташга тушдилар, отга мин, тезроқ бўл, дедилар. Шунда овчи йигит ниҳоят тилга кирди: «Тўхтанглар, жим бўлинглар! Мен ҳеч қаёққа бормайман! Бу менинг бошимга ёғилган лаънат бўлса, ўша пасткаш қизнинг ўзига ҳам лаънат бўлсин! Куриб кетсин бу одамзод! Одам бўлгандан кўра маҳлук бўлган яхшиrok! Энди жўнанглар бу ердан! Энди одам деганинг башарасига қарасам, тил тортмай ўлай! Бугундан бошлаб мени одам боласи ҳеч қачон кўрмайди. Эшигдингизми? Йўқолинг кўзимдан! Мени қидирманг!» У шу сўзларни айтиб, отдан сакраб тушди-да, тоғлар ичидаги бўлди. Воқеанинг бундай бурилиб кетганидан лолу ҳайронликда қолган қавм-қариндошлар аввал нима қилишни билмай қотиб тураверишиди, кейин ҳушлари ўзига келиб, йигитнинг орқасидан югуришиди, уни ҳеч қаердан излаб топишолмади. Шундан сўнг ҳеч кимса уни кўрмади.

Театр қилиб кўйилса, янада қизиқ жойи энди келади.

Овчи йигитнинг қариндошлари бошларини қуий эгиб орқага қайтишар экан, бирдан қайдандир пайдо бўлган қайлиқ қизнинг додлаган овозини эшитиб қолишади. У ўзини тўрт ёққа уриб овчи йигитни изларди. Аслида, қиз қочмаган экан, бу маккорлар тарқатган қора туҳмат экан, лекин буни ҳали ҳеч ким билмасди. Аслида, эса қизни ўша куни тунда яширин ўғир-

лаб, оёқ-күлини боғлаб, отга босиб олиб қочганлар. Қиз ва овчи йигит унаштирилган дарё бўйида, унинг кўл-оёғини ечиб, икки ёқдан қўлидан тутиб дарёни кечиб ўтмоқчи бўлишади. Қизни шу қутқариб қолади. У босқинчилар қўлидан юлқини чиқиб, ўзини дарёга отади. Босқинчилар уни тутмоқчи бўладилар. Лекин қиз кўз очиб-юмгунча асов дарё оқимида ғойиб бўлади. Саркаш дарё қизни кутқарди, босқинчиларни серғулув тўлқинларида оқизиб кетди, тошларга омонсиз уриб барини ҳалок қилди. Мўъжиза рўй бериб омон қолган қайлиқ қиз худди қушлар каби учадиган бўлди ва кўп ўтмай овчи йигит бадар кетган ерларда сарсар кезиб юрди. Одамлар уни тўхтатиб гап сўрамоқчи бўлишар, лекин қиз сира тутқич бермасди. Кейин у ҳам кўринмай кетди. Ўшандан бери «Мангу қайлиқ» сир бўлиб қолди. Одамлар гоҳо тоғларда унинг хўнгир-хўнгир йиғлаганини эшитишади, йиғи овози узоқ-узоқларга таралади. Мен сенга унинг мунгли қўшигини билганимча айтиб берай, Ойа. Қайлиқ қиз ноласи:

*Қайдасан, қайдасан, сени излайман!
Олиб қочдилар мени, қутулиб қолдим.
Маъсум, бокира қизман, вафо сақладим.
Қайдасан, қайдасан, жоним йигитим?
Ҳамон бокира қизман, тинглагил мени,
Дарё қутқариб қолди, севги гувоҳи.
Қайдасан, қайдасан, эшигил мени?
Ортимдан қувишар тутиш пайида...
Сен тоғларда йўқолдинг, овчи йигитим.
Бўлган эди унашув дарё бўйида.
Қайдасан, қайдасан, қайси тоғдасан?
Қайдасан, қайдасан, сени излайман.
Қайлиғинг бўлган қизман, изларинг қайда?*

Күришмоқ йүқми энди абадул-абад?
Бир дарёдан сув ичдик бир-бирга ташна.
Аҳд-паймон боғладик содиқ бўлмоққа.
Күришмоқ йүқми энди абадул-абад?
Дарё оқиб боради, қайдасан, қайда?
Эслаб мени овоз бер, овчи йигитим,
Ойга, қалбга онт ичдик севгимиз учун...
Қайдан сени топайин, жоним сайёдим?
Тоғлар асло ёрилмасми?
Булат кўкда қорилмасми?
Кун дарани ёритмасми?
Оху йўлим кўрсатмасми?
Қайдасан, қайдасан, қайси тоғдасан?
Қайдасан, қайдасан, излайман сени...
Пойга чопмадикми, миниб отларга?
Муччи олмадикми, тўйиб бетлардан?
Кучиб қўймадикми, қизиб ўтлардай?
Кўкда худо кўрди бизни,
Ерда одам кўрди бизни...
Қайдасан, қайдасан, қай бир тоғдасан?
Қайдасан, қайдасан, излайман сени...
Ой сўнар осмонда яшасам сенсиз,
Ҳаёт тугайди менга, яшасам сенсиз.
Осмон баҳтили бўларми бизсиз оламда?
Ким бизни қарғади, нега қарғайди?
Тоғлар баҳтили бўларми бизсиз дунёда?
Ким қарғади бизни, нега қарғади?
Курбонлик қилмадингми, тоғлар овидан?
Барсларнинг терисидан тортиқлар тортидинг,
Не гуноҳ қилибсан, тақдир қошида?
Омадёр сайёдим, саҳоватпешам?
Гурлаган оловда рақслар тушмадик,
Қайдасан, ох, қайдасан, қайси тоғдасан?

*Қайдасан, ох, қайда, излайман сени?..
Ортимдан қувишар тутыш пайда
Күрмасин дейдилар бизни ҳеч қайда.
Қайдасан, қайдасан, сени излайман...*

- Ох, нафасим тиқилиб қолди! – хансираб деди Арсен Саманчин. - Сал ўзимга келай. Югуреб бораётган қизнинг бу нақаротини узоқ давом эттириш, қайта-қайта айтиш мүмкін. Армон тобора күчайып боради – сезяпсанми – қизнинг бу нола-фарёди, унинг юрак ўртанишлари барча замонлар ва барча маконларга мурожаатдай эшитилади. Унда севишганларнинг азалий фожиаси – айрилиқ аламлари ифодаланади, то улар бир-бирларига стишмагунларича бу фожиа давом этаверади, унинг охири йўқ. Ўзинг бир тасаввур қилиб кўр, бунга ҳеч ким бефарқ қаролмайди, бу дард ҳаммага юқади ва ҳамдардлик уйғотади, одамларнинг қалблари мана шундай тузилган. Театрда буни қандай зўр кўрсатиш мүмкін! Операда, ҳатто, дарё ҳам саҳна ёқалаб оқиб ўтиб, ўз қўшиғини айтади. Опера санъатида бунақаси ҳеч қачон бўлмаган. Ўз соҳилида унаштирилган қайлиқ қизни ўлимдан қутқарган дарё шундай куйлади:

*- Чўққилардан оқиб тушган дарёман
Қутқараман сени олиб бағримга.
Ғаддор ғаним қувиб етолмас сени
Илоҳамсан, ҳалос топгайсан менда.
Отгил тезроқ ўзинг шовваларимга
Тўлқинларим омон саклагай албат...*

Хор саҳна оптида дарёнинг шалдирашига монанд шу қўшиқни куйлади, гўёки борлиқ табиатнинг ўзи адолатга чанқоқ эканлигини ифодалайди. Кудратли ор-

кестр мусиқаси тинмай янграб туради, вокал жаранглайди, дилрабо овоз парвоз қиласы, бу сенинг, фақат сенинг овозинг бүлади – осмон ҳам худди Мангу қайлиқта қулоқ тутгандай, ой ҳам унга жүр бўлишга шайлангандай... Тасаввур қиласанми бунинг нималигиний?

– Ҳа, жуда зўр экан, оламни қамраб олган бундай нола йигини биринчи маротаба эшитишим, – жавоб берди Ойдана. – Дарё ҳам куйлаяпти! Мўъжиза! Куйчи дарё! Сен буларнинг ҳаммасини ёдингда сақлаганмисан, Арсен? Битта ҳам сўзни қолдирмай-а?

– Мен болалигимдан Мангу қайлиқ шарафига ёқилган гулханларни кўрганман ва буларнинг ҳаммасини оқинларнинг оғзидан эшитганман. О-о, шундай кечаларда улар булбул каби сайрашади, куйга солиб достон ўқишиади! Ҳар оқин ўзича Мангу қайлиқ дардини чекади, тоғларга юрак армонларини сочади – Мангу қайлиқни чорлайди! Сен саҳнада ўзингни қандай сезсанг, улар ҳам шундай. Уларни бежиз тўкма-оқин деб айтишмайди. Бир куни мендан «тўкма-оқин» рус тилига қандай таржима қилинади, деб сўраб қолишиди. Дардини дарёдай тўқадиган оқин дедим. Оқинлар илҳомни сел бўлиб эшитадиган тингловчилардан олишади. Тингловчига қараб оқин дам фикр уммонларига киради, дам шамол бўлиб дашту далаларни сарсар кезади...

– Тушундим, тушундим, – кўшилишиди Ойдана. – Лекин овчи йигитнинг тақдирни нима бўлган? Одамлар нима дейишади? Тирикми, ўликми, ҳеч ким билмайдими?

– Бу саволга ҳеч жавоб топиб бўлмади. Ҳеч ким билмайди унга нима бўлганини. Лекин ҳамма ниманидир кутади. Одам қадами етмаган ерларда яшириниб юради, деган гаплар бор. Дунёнинг ишларидан, тақдир найрангларидан ёзғириб, ўзидан ҳам воз кечган бўлса

керак. Яна бирорлар у тарки дунё қилиб, дарвеш бўлиб кетган, Тибетдами, аллақаерларда роҳибларнинг мағораларида яшайди. Эртаю кеч тоат-ибодатда дуо ўқиди, деб айтишади. Булар ҳаммаси эл орасидаги гаплар, лекин асли қаерда - номаълум. У одамларнинг тубанликларига шундай исён кўтарди, одамларга ўхшаб ёмонлик билан муроса қилиб ўтиргани. Бу туганмас умидсизлик. Агар тарихга қарасанг, ҳатто салтанатидан айрилган императорлар ҳам бунчалик тушкунликка тушмаганлар, ҳаётдан буткул юз ўгирмаганлар, аммо овчи йигит учун севги ҳаётнинг энг олий маъноси бўлиб кўринган эди. Узун гапнинг қисқаси, афсонанинг асл маъноси шунда, фусункор ҳикмати шунда. Лекин бу достоннинг бош қаҳрамони, албатта ўша Мангу келин, унинг туганмас қидириши, ҳақиқатга етишга тинмай уринниши... Наҳот, муҳаббатнинг оқибати доим шундай тугаса? Ахир, овчи йигит у туфайли дунёдан батамом юз ўгирди, қабоҷат ва гуноҳ ишларга қарши бош кўтариб, ҳаёт неъматидан воз кечди, қайлиқ қиз эса, одамлардан безиб, тавба-тазарруга берилди, муҳаббатининг қудрати, дард-ҳасратининг чексизлиги шунда. Бундан ҳам ошириброқ айтсан, бу умумжаҳон дард-уқубатининг туганмас нолалари. Нима учун муҳаббатнинг яшнаган баҳт-иқболидан кўра ҳаётни кул қилиб кўкка совурадиган фожиалар кўп?

Мангу қайлиқнинг учқур сиймосига эътибор бер, бу ривоят достонларда одамзод борлиғида доим яшаб келган зўравонликларнинг уқубати ва айриликларнинг азал азоби мужассам. Яхшилик муқаррар суратда ёмонликнинг уқубатини чекади. Мангу қайлиқ нафрат ва ҳасаддан алнга олмиш. Қабоҷат билан ҳеч қачон келишолмайди, у овчи йигитни – ўз қонуний қаллиғини – тарки дунёдан ҳаётга қайтаришни, уни халос қи-

лишни истайди, мана шу халоскор интилиш, мана шу ҳақни қарор топтириш иштиёқида на замон ва на ма-конда инсон рухига чеку чегара йўқ. Одамзод авлодла-рида шундай бўлиб келган ва бу давом этаверади. Шу-нинг учун ҳам, дарё ўлимдан халос этган Мангу қайлиқ барча замонлар учун рамзий сиймо бўлиб қолаверади. Ҳозир, худди мана шу онда ҳам, у биз билан бирга, шу боғда бизга ҳамроҳ, у ҳақда гаплашаётганимиз, уни ўйлаётганимизни билади. Шу ғаройиб достоннинг ичига кирганимизнинг ўзида севгининг жаҳоний бир соғинич-армони бор, сен буни сезасанми?

– Бўлмасам-чи! Ахир сенинг жаҳоний маърузангни бекорга тинглаганим йўқ, – деб қўйди Ойдана қойил қолганини билдириб ва шу билан бирга кинояга ўрин қолдирмасдан. – Фикрларинг куюлиб келганига ҳайрон қунишиб. – Бир журналист аёл сени «Жаҳоний жаҳон-соз» дегани эсингдами? Одамнинг кулгиси қистайди: жаҳонсоз ва яна бунинг устига жаҳоний!

– Майли, балки мен бир телба-санғи одамдирман, лекин сенинг устингдаги вазифа тамом бошқа. Сен опе-ра саҳнасида Мангу қайлиққа айланишинг керак, одам-ларни ром қилувчи сеҳрли овозинг билан самоларга парвоз қилишинг керак.

– Вой, бўлди! Шу ўтирган еримиэдан тўғри самога учамизми? Унда мен само қўшиқчиси эканман-да! Фа-зокор хонанда дейишар экан-да мени! Вой, одамни кул-дириб ўлдирасан!

– Бўпти, кечир мени! Лекин мен жиддий айтяпман. Ахир сен Мангу қайлиқ биз билан бирга эканлигини сезмаяпсанми, ҳов, ана, катта дараҳт орқасида фонар олдида турганини кўрмаяпсанми! Унинг нималар деёт-ганини биласанми?

– Нимайкан?

– Кулғингни бер! Сиз ошиқ-маъшукларга таъзим бажо қилиш учун бу кунларни кўзим тўрт бўлиб қанча кутдим. Сиз мени эслаяпсиз. Йиллар ўтди, асрлар. Мен ҳамон ўша-ўша унаштирилган қайлиқ қизман. Халқ мени Мангу қайлиқ дейди. Одамлар юксак тоғларда мени ёдлаб гулханлар ёқишиади, ғам-қайғуда саргардан кезган қиз аланга олдига келсин, шомонлар арвоҳларни чақирсан, улардан сўрасин. Мангу қайлиқ яна қанча сарсон харосон дайдийди, яна қачонгача овчи йигитини ёнига чорлаб чақиради ва яна токай қув-қув, қоч-қочдан зорланиб, ёниб-куйиб нола чекади? Арвоҳлар эса доим битта жавоб айтади, эшиг-эшиг, Ойа, бу сен билан бизга тааллуқли, – дунё Мангу қайлиқнинг жозибали кўшиқларини тинглаб, уни танийди, ўша кўшиқлардан кўп одамлар унинг бошига тушган қайғули воқеалардан хабар топадилар, ер юзидағи барча қайлиқ, келинларга мурожаат қилиб, менинг кўшиқларимни ўз қалликларингизга садоқатли муҳаббат ва вафодорликнинг ҳадяси каби айтиб беринглар, дейди. Мана шу соатда руҳлар сен билан мени ҳам эшилсинлар илоҳим, Ойа! Улар Мангу қайлиқнинг сен ижро этган ўланларини кўпчилик бўлиб эшлишини хоҳлайдилар. Руҳлар айтадиларки, сенинг пешонангга кўқдан Мангу қайлиқ бўлиш ёзилган, яна ҳам тўғрироғи, сен унинг элчиси бўлгайсан! Мангу кўқда илоҳ ва улайҳлар сендан рози бўлишар, одамлар ҳам сени эъзозлаб, ўланларингни юракларига жо қилурлар, сенинг овозинг самолардан ёғилгай...

– Вой,вой,вой! Топган гапларингни қара! – кулгиси қистаб унинг сўзини бўлди Ойдана. – Само қаватларида кезганимиз етар, сал пастга тушайлик, ҳушимизни йиғиштирайлик.

– Сен ҳали кўп шошилма, – деб сўзидан қолмасди Арсен Саманчин. – Ҳушингни йиғиштириб олаверасан. Ана, ўзинг кўр. Менга ишонмасанг, ҳов анови ерга қара, дараҳт орқасида фонар олдида. Кўряпсанми, Мангу қайлиқнинг шарпасини? У миннатдор бўлиб, умидланиб қуллуқ қиляпти. Мангу ёш ва қандай чиройли – ҳарирп кўйлак кийган, узун ёқалари худди қуш қанотидай ҳилпираиди.

Ойдана маъкуллагандай бўлиб, бошини қимирлатди-да, кейин деди:

– Арсен, ҳақиқатан ҳам, тенги йўқ хаёлпараст экансан. Лекин хаёлнинг ҳаётий асоси бўлгани яхши. Мангу қайлиқни саҳнага олиб чиқиш учун мусиқа,nota ва партитура керак, оркестр, сценография, либослар, юзлаб овозга эга хор керак... Сен ана дарё ҳам қўшиқ айтади дейсан, аммо буни саҳнага қандай олиб чиқасан? Ундан кейин композитор қани, саҳналаштирувчи режиссёр қани? Ва ниҳоят, ҳаммасидан кўра энг муҳими – буларнинг ҳаммасига маблағ қаердан олинади? Опера театри фақат бизда эмас, ҳамма ерда ҳам адойи тамом бўлган. Давлатнинг операга қарайдиган имкони йўқ.

Арсен Саманчин бу гапга қўшилгандай бўлди-ю, лекин ўз айтганидан қолмади:

– Ҳа, биламан, ҳозирда опера театри – кимсасиз ибодатгоҳга ўхшайди. Опера саҳналарида эстрада даранг-дурунглари, масхарабозлик ва бошқа кўнгилочар томошалар қўйиляпти. Энг яхши қўшиқчилар бозор издиҳомларида овоз чиқариш учун тўрт ёққа тарқаб кетишганлигини ҳам биламан. Бор гап шу. Ҳозирги пайтнинг композиторлари ҳам операга мусиқа ёзиш иштиёқида ёнаётгани йўқ. Шунга қарамай, ушбу олий санъат йўқолиб кетмаслиги зарур. Қандай қилиб бунга бамайлихотир қараб ўтириш мумкин?

– Хүп, унда нима қилмоқчисан?

– Ойа, агар сен Мангу қайлиқни олиб чиқишига рози бўлсанг, мен булдозерга ўхшаб бунга йўл очаман, кўлимдан келади. Композитор Аблаев билан гаплашиб қўйганман. У кутяпти. Либреттосини ўзим ёзаман. Аблаев ҳаммамиз йиғилиб бир учрашайлик деяпти. Қайтиб боришимиз ҳамон унга қўнғироқ қиласман...

– Майли, яхши. Кўрайлик-чи... Ҳаммадан олдин либреттони ёз, азизим либретточи!

Кўхна Хайделберг боғида тун ярмидан оғди. Хиёбонлар фонарларидан тушган соя шарпалар энди тонгга қадар донг қотди. Арсен Саманчин Ойдана Самаровани қўлтиқлаб олганча қасрга йўл олдилар ва ҳамон ўша мавзу устида сўзлашдилар. Тўшақда ҳам шуни шивирлашиб ётишди. Эртасига эрталаб тайёрада Москвага учадиган ва у ердан юртга кетадиган эдилар.

Улар бошқа бундай учрашмадилар. Аммо уларнинг учрашувларига эъжоз бағишлагандай, худди кўкдан тушгандай бўлиб уларнинг ҳаётига кириб келган «Мангу қайлиқ» ғояси шунчалар ўзига боғлаб, мафтун қилиб қўйдики, одми жўн борлиқдан юксалиш, баландроқ туриш учун унинг мўъжизасига тамом гарқ бўлдилар, дунёнинг бир бурчига, немис романтизмининг нақ марказига бориб қолишгани ҳам шу боис бежиз эмасдек кўринарди. Шунинг учун ҳам ўша хаёлий-қўтаринки жозиб бир шароитда кундалик бари одми ташвишлар бутунлай ва батамом унут бўлди, улоқтириб ташланди – бутун қийинчиликлари, зиддиятлари, уруш-жанжаллари, суд-қозихона тортишувлари, адоват, қабоҳатлари билан олдинги турмуш орқага чекилди... Булар бари ҳар икковларининг бошларидан кечган эди – ахир Ойдана ҳам бир бор эр қилиб, турмуш курган, лекин санъат кишилари ҳаётида тез-тез учраб

турганидек, күп ўтмай ажрашган эди. Қисқа бир вақтга бары унutilди. Тақдир құлларидан тутиб етаклаб келған Хайделбергнинг юз йиллик күхна боғида улар бағоят мусаффо ҳилқатга – пари ва паризодга айланған ҳамда шу ерда улар күз ўнгидә үз битмас-туганмас қайғуси билан Мангу қайлиқ намоён бўлғанди...

Кейин бары телба-тескари бўлиб кетди...

Тақдир қилмаган экан-да. Дастрраба гоҳи-гоҳида кўришиб, учрашиб туришди, хаёлийроқ туюлса-да, бары бир «Мангу қайлиқ»ни эсдан чиқаришмайди, ора-сира телефонда гаплашишди, кейин бирдан ҳаммаси барҳам топди – Ойдана бутун мамлакатнинг күз ўнгидә «Лимузин»га тушиб жўнаб қолди, телевизор буни тўғридан-тўғри бошдан-оёқ кўрсатиб турди. «Лимузин»нинг орқа юкхонасида қанча пул тахланиб ётганини бир худо билади! Лекин бунинг учун ундан ўпка қилиб бўлармиди? Кўпроқ нарсага эга бўлиш, кўпроқ пул топиш, боз устига шон-шуҳрат қозонишни ким истамайди?

Бундай шоу-омад, томоша-омад ҳар куни ҳар кимга келавермайди-ку! Ахир энди у Эртош Курчал билан контракт имзолаган бўлиши керак. Ҳарқалай шу аср-га боп контракт! Тузса, ҳақи бор. Ҳа, ҳақи бор. Э-ҳа, хўп сен-чи, сен нима дейсан, олигархлар билан олишиб юрасанми? Шўринг қурсин! Ёзув-чизувларингдан бошқа ниманг бор, сен шўрликнинг? Ундай десанг, энди бутун матбуот ҳам ўша олигархларнинг қўлида-ку!

Арсен Саманчин мана шундай пасткашликка бораётгани – ҳасад қиласётгани, ғаш кўраётгани учун ўзини ўзи ёмон кўриб кетар, сўкар, ёввойи маҳлук, деб атарди... Боши бориб деворга урилғанди. Ҳаммасига биратўла нуқта кўяр вақт етғанди. Кимдир айтган экан: зўр зўрнинг олдида думини қисади, зўрдан зўр чиқа-

ди. Оммавий маданият унинг каби хаёлпарат кимсани мажақлаб ташлади, туришга ҳол йўқ энди... Эртош Курчалга эса ҳамма тан берди, куллуққа ўтди. Қанчадан-қанча ресторонлари, эстрадалари, стадионлари, реклама агентликлари, телеканаллари бор унинг! Буларнинг бари одамларнинг кўз ўнгида, ҳаммасига қонуний эгалик қиласиди, у эмасми ахир оммавий маданиятнинг уммон-уммон тўлқинларини ҳаракатга келтирган ва Арсен Саманчинни ҳам, «Мангу қайлиқ»ни ҳам бир чеккага улоқтириб ташлаб, юзага чиқмайдиган қилиб кўйган...

Сал кейинроқ яна бир оғирчилик елкасига тушиб, бўйни-гарданини тўхтовсиз эзис, азоб бера бошлади: у ўша лаънати Эртош Курчални ўлдиришни қасд қилди. Энди бутийиқ билмас ўчиш туйғуси жунбушига келиб, унинг ҳоли-жонига қўймас, юрагининг тубида оловла наётган бу чўғ тинчлик бермас – яккаш ўлдир, дерди. Бутун ўй-хаёли шунда эди. Ички бир ожизлиқдан нишурмаяптимикин бундай ўймаловчи қаҳр-ғазаб? Уни бу гашлик ғиппа бўғиб олган, нафас олдирмайди, қисқаси, у ўзини худди қопқонга тушиб қолгандай сезади. Тақдирмикин? Ким билибдики, муҳаббат ҳис-ҳаяжонлари ичиди юз кўрган мана шу кўтаринки-хаёлий фикрнинг итижаси кўрқинчли тарзда якун топиб – бирорни ўлдиришдай қайсар, саркаш бир хоҳиш билан тугайди деб? Лекин устма-уст бостириб келаётган наҳс кунлар орасида ҳам бирдан қўнгли ёришиб кетар, анойилик билан ахир Ойдана Самаровани ишонтиrsa, фикридан қайтарса бўлади-ку, деб ўйларди. Уни Мангу қайлиқ олдида биргалиқда тавба-тазарру қилишга, тоғларга чиқиб, машъала ёқишишга, Хайделберг орзулари сароб бўлиб чиққани учун узр-маъзур сўрашга, кўз ёшлар тўкиб қўнтилларни бўшатишга кўндириш мумкин-ку, дерди.

Лекин у билан, ҳатто, күнғироқ қилиб ҳам гаплашолмади. Балки бир ёқаси шу ҳам дуруст бўлгандир – унинг бу фикр устидан қандай қаҳ-қаҳ отиб кулишини тасаввур қилиш мумкин. Бу йигит миясини тамом еб кўйибди, деб айтиши ҳам ҳеч гапмас! Лекин бари бир хаёли қочарди: агарда тоғларга бориб биргаликда Мангу қайлиқ руҳи олдида тавба қилиб тиз чўкиш имконияти туғилса эди, осмонни гувоҳликка чақириб айтардим – мангалик тортиғидан воз кечиш учун муҳаббатнинг ҳеч қандай сабаби йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас (яна гапни қуруқ олиб қоча бошлади). Зоро, муҳаббат бу севишганларнинг мангалик сари элтадиган ягона йўли ва муҳаббат туйғулари маконларини қасддан бузиш, харобага айлантириш – мангаликни таҳдидга солиши, уни хавф остига кўйиш билан баробар. Ахир, муҳаббат ўлмаслик сари интилиш ва ҳар ким ҳудонинг ўзи томонидан пешонага ёзилган бу сўқмоқдан ўтиб боради... (Фақат ким қандай одим отиб ўтади – масала шунда).

Лекин яна бошига қанчадан-қанча киноя ёғилмасди! Кимга керак буларнинг ҳаммаси! Ахир «холливуд-часига» яшашни истайдиган (анов Эртош Курчал Ойдана ҳақида фильм чиқаришни мўлжаллаб юрибди экан) юлдуз хонанда тўла-тўқис шоу-томоша-бизнесга тегишли бўлган вақтини тоғлардаги аллақайларда арвоҳларни кутиш, Мангу қайлиқни кутишга бекордан-бекор истроф қиласа, шу ярашадими? Кулгили!

Хуллас, олдинда зигирча ёруғлик кўринмасди.

Тақдир «Евросиё» ресторанида унга аниқ ишора қилди, иккиланиб ўтиришга ўрин қолмади ҳисоб. Буни якуний ўмбалоқ ошиш деса ҳам бўлади... Курол то-пишдан бошқа ҳеч чора қолмаганга ўхшарди... Лекин қаердан ва қандай топсин? Аҳмоқона гап! Нега ҳаёт

ҳеч ўйлаб-нетиб ўтиrmай кишини шундай боши-кети йўқ берк кўчаларга киритиб қўяверади? Агар шундай бўлса, нима учун туриш-турмушни аёвсиз ағдар-тўнтар қилиб ташлаш, ўнг-сўлга боқмай ҳамма нарсанинг пачавасини чиқариш, хўл-куруқни баравар ёндириш керак? Фойдаси борми? Жонинг халқумингга келиб, охирги сўзингни айтишинг қолди, холос!

Арсен Саманчин бу кечани шундай – ўзи билан ўзи натижасиз олишиб, ўй-фикр талашиб ўтказди. Бешқаватли уйлар ялписига уйқуга чўмган, унинг ҳовлига қараган ёлғиз деразасининг чирогигина ёнар, бир ўзи дарча олдида туриб, юраги сиқилгандан сиқилар, адоксиз ғамгин ўйларга ботар, ўзини аллаким бировга ва охир-оқибат, ўзига ҳам сунқасд қилмасликка кўндиromoқчи бўлиб қаттиқ тергар, ер юзидағи энг разил жиноят – одам ўлдиришга йўл қўймасликнинг чорасини қидирарди. Лекин ўзида жунбуш қилаётган ўч олиш васvasаларини сира енголмасди. Тинимсиз ўртанаради...

Жаабарс ҳам ўша кеча юксак тоғларда довон этагида ўртаниб куярди. Ёлғиз жониворнинг кўзига уйку келмасди. Дунё ундан батамом юз ўгирган, дарди-дунёси қоронги, ғам-alamга ботганди. Юлдузларга қараб қаҳрли увларди. Юлдузлар кўп, бари чараклаб нур сочарди. Шу юлдузларга бош олиб кетсанг, улар бир-бирларини кунламайдилар, қишин-ёзин ҳамжиҳат, ҳамиша бирга...

Ўша дам Арсен Саманчин ҳам ўша юлдузларга тикилиб қолганди. Унинг ҳам юлдузларга учеб кетгиси, бош-кети йўқ ўйлардан қутулгиси келганди...

Бироқ ўй ўйламасликнинг сира иложи йўқ – кўнглиning тубида бир фикр йилт этиб ўтди: акам Ардак Саманчинга айтсамми? Савдо аҳли орасида Ардак Саман-

чиннинг таниш-билишлари кўп. Собиқ терапевт-врач эндиликда итбоқарлик қилар, Ўрта Осиё овчаркалари ни етиштириб, уларни Европага, кўпроқ Германияга сотарди. Бу овчаркага ишқибоз харидорлар кўп эди. Кети кўринмасди. Итларни хорижга чиқариб сотиш бўйича ҳужокатларни Ардак ўз вақтида қонуний томонларини ўрнига қўйиб тайёрларди. Хуллас, мана шундай машғулот билан тирикчилик ўтказар, учта мактабга қатнайдиган боласи – бир қиз ва икки ўғилчаси бор эди. Хотини Гулнора – собиқ ҳамшира. Улар бозорга мослашиб олишди. Гоҳ ҳазил-мутойиба, гоҳ жиддий йўсинда Ардак: «Итлар билан мослашяпман!» - деб қўярди.

Шаҳар чеккасида ҳовлилари бўлиб, ер-сув, итхоналар... оиласнинг корига ярайдиган «Жигули».

Ардакнинг ўзи тўғри, тартиб-қоидали, ишдан қочмайдиган, ўқимишли одам. Фақат туғилган юрти Туюқ-Жардаги туғишганлари ундан хафа, ит-бизнесни сира ёқтиришмайди. Одам уялади, дейишади. Номуслари келади. Ўқиб, ўқиб, дипломли врач бўлди, энди эса ит урчитиб, ит сотиб юрибди. Жаҳон бозорида, шу яхшими? Катта опаси Кадича овулда туради, Ардакнинг ишбилармонлиги ҳақида гап кетса, унинг иззат-нафсига тегади. Итбилармон деган гапдан Кадичанинг юзи шувут, оғринади. Овулларда итни бозорга чиқариб сотишни ҳеч мияларига сиғдиролмайдилар: қишлоқнинг қаерига қарама, ит, ҳовли ҳам, кўча ҳам, томорқа ерда ҳам ит, сенга керакми, хоҳдаганингча ол, бозорга чиқариб сотишга бало борми? Бунака кетаверса, ҳали мушуклар ҳам бозорга чиқади, ўла қолтур каламушлар ҳам. Аммо Ардак бу гапларга парво қилмайди, ўз билганидан қолмайди, тўғри, овулга ҳам бормайди, ортиқча гап-сўзга тоқати йўқ.

Лекин кўришиб қолганларида катта ака бўлиб Арсенга панд-насиҳат айтишни канда қилмайди: Қачон-

тacha сүққабош дайдиб юрасан, бола? Чүзиб нима қиласан? Муносиб хотин-қизлар шаҳарда ҳам, овулларда ҳам бисёр, худога шукур. Бўлар иш бўлган, ғишт қолипидан кўчган, бир сафар омадинг келмапти, ҳечқиси йўқ, бир умр бева-бечора бўлиб юролмайсан-ку. Фикри-зикринг ҳам бошқача, хорижий тилларни биласан, таниқли журналистсан, ўз-ўзингга эгаменсан – ҳозир бу нарса модага айланиб қолди. Қаерга қарама, сени конференцияларга таклиф қилиб чақиришади... Ўз-ўзингни эплаб юрасан, ишқилиб. Лекин бўйдоқлик, сўққабошлиқ ёмон, ахир сен роҳиб ё дарвеш эмассан-ку.

Йўқ, курол масаласида Ардакка оғиз очмаган маъқул – негалигини суриштиравериб жонингни ҳалкумингга келтиради. Ўлардай серхафсала одам – врачларнинг ҳаммаси ҳам шундай серхафсала бўлишади. Тўғри, Ардак андак отиб ҳам туради... Йўқ, бунақа нозик ишга акангни аралаштирганинг тузук. Ният нималигини билиб қолса, ўламан сат ор, дейди-ю, бу ишга асло йўл кўймайди...

Ўша кеча ярим туада ёлғиз деразадан юлдузларга боқиб, у мана шуларни ўйларди. Ёз ҷоғлари осмон сер-юлдуз кўринади. Қани энди шундай яшасанг: «Шуълангни сочтилу мих-пихингни қўй»...

V

Эрталаб уни телефон қўнғироғи уйғотиб юборди. Ўрнидан хушламай қўзғалди, хушламай телефонга юриб борди, боргунимча балки жимиб қолар деди, уйқудан кўзини очар-очмас телефонда гаплашгиси йўқ эди. Лекин кимдир тўхтовсиз қўнғироқ қиласади. Бир ёқаси шуниси ҳам тузук бўлди, хаёлларнинг паришон парвозлари ва абдираган-довдираган тушлардан сўнг

кундалик одми борлиққа шүнғиши ҳам керак эди, мана, бошламасига тинимсиз құнғироқтар. Құнғироқ қила-ётган амакиси Бектур оға бўлиб чиқди. Яқин қариндош эмасми, у тез-тез құнғироқ қилиб хабар олиб турарди, энг муҳими, у чинакам кордон (қанийди кўпроқ бўлса шундайлар) одам эди, бекорга Туюқ-Жардаги колхозга то у тарқаб кетмагунча кўп йиллар раис бўлмаган. Ке-йин ҳам эс-хүшини йўқотиб қўймади. Овчиликни йўлга қўйса, катта даромад олиш мумкинлигини тушунди. Узангилаш тоғларида таникли овчи иш билармонга айланди, «Мерган» деган фирма очди. Ишлар анча юришиб кетди, кейинги пайтлар хорижий мижозлар кўпайиб, «Мерган» фирмаси йўли билан чет эллик овчилар кунда-шунда бўлиб қолди, хорижлик овчиларни таклиф этиш ва бошқа турли ҳужжатларни расмий-лаштиришда амакисига Арсен Саманчин ҳам кўмаклашиб турарди.

Агар эрталабдан шу телефон қўнғироги жирингламаган бўлсайди, ирода ва ақл-идрокнинг бу адоксиз, енгиб бўлмас изтироблари, ўз-ўзини аран-қаран қийнашлар ким билсин, унинг учун қандай тугарди. Шундай бир ночор аҳволда Арсен ҳеч ким билан гаплашишни истамасди, гўшакдан Бектурган Саманчининг қадрдан овози келганда, у кўришганларида гап нима ҳақида боришини билиб, аввал уни кейинроққа, пешинга қараб чўзмоқчи ҳам бўлди. Олдин бир оз ўзи-га келсин, эс-хүшини йиғишириб олсин, юрагида рўй беряётган ларзалар андак пасайсин. Лекин ҳали асосий гапга ўтмасдан шунчаки саломлашиб, ҳол-аҳвол сўрашганларидаёқ Арсеннинг хаёлига ярқ этиб бир фикр келди, ахир куролни ҳеч жон койитмай оппа-осон қўлга киритса бўлади-ку, бу лаънати муаммо шу билан ечилади-ку, ниҳоят. У бирдан ўзини қушдай енгил

сезди. Амакиси билан узоққа чўзмай учрашишга рози бўлди, ўзим аввалроқ қўнғироқ қилмаганим учун уэр сўрайман, деб сипориш қилди.

Табиийки, ўргаларида гап Арсен юрагига тушиб кўйган ўч олиш ниятига тааллукли эмасди. Улар эски қадрдонлардай доимги омади гаплардан. Бектурган Саманчиннинг овчилик билан боғлиқ ишларидан сўйлашиб ўтиридалар.

– Э, бормисан, жиян. Сени кечадан бери излаб то-полмайман, – деди Бектур оға ўпкаланиб, оқсоқол Бектурган Саманчинни одамлар ҳурмат қилиб шундай деб чақиришарди. – Қай гўрларда юрибсан ўзи, укажон? Кўлингдаги телефонинг ҳам ишламайди.

– Бектур оға, ҳозир шаҳардамисиз?

– Шаҳарда бўлмай қаерда бўлай, жияним. Сен билан отамлашгани келдим. Нима, араб қўноқлар бизга барс овига келишини унутдингми? Ҳамма ишларни ўзинг тўғриловдинг. Уларга сенга ўхшаган олим таржимон керак, ишончли, уста. Сен бўлсанг, ишни чўзганинг чўзган, нима халал беряпти? Энг мустақил, энг эркин эгамен ўзинг эмасмисан ахир? Амалда-чи? Эсингдан кўтарилибди-да.

– Ундеймас, Бектур оға! Эсимда турибди.

– Унда нега чўзяпсан? Менинг ишонганим сенсан. Вақт ҳам оз қолди. Етти кундан кейин араб қўноқлар келишади, сен эса миқ этмайсан...

– Ташвишланманг, Бектур оға. Мен телевидениега катта курсатув тайёрлаётган эдим. Чет эл журналистлари келишган эди. Ҳавотир олманг, араб қўноқларга ўзим таржимонлик қиласман, ҳозирги тил билан айтганда, ўзим менежер бўламан. Доим ёnlарида бирга юраман.

- Ундоқ бўлса, худога шукур! Амакингни ҳурмат қилсанг, отангни ҳурмат қилгандай бўласан. Баракалла! Бошқа овчилар келади – кетади. Лекин бунақа араб кўноқлари тоғларимизга энди келишяпти. Ўзинг биласан, булар худонинг ердаги соялари мисоли. Бор-йўғи етти кун қолди. Тоғлар, дараларда анча нарсаларни тайёрлашимиз керак! Энг муҳими, ов мавсуми келяпти, илвирслар довон ортидаги ёзги жойларидан бизнинг Узангилашга қайтишяпти. Ҳаракатингни қилиб қол!

- Тушундим, Бектур оға. Мен хизматингизга тайёрман.

- Ундоқ бўлса, учрашиб, ҳаммасини бир бошдан гаплашиб олайлик. Яна бир иш ҳам чиқиб турибди. Биз сенинг қайғунгни ҳам қилмасак бўлмас...

- Кўришайлик, Бектур оға. Ҳозир соат тўққиз. Ўн бирда учрашайлик. Қаер кулай бўлади?

- Сенинг уйинг қалай бўларкин?

- Бўлти, унгача чой қайнатиб қўяман...

- Майли, Арсен. Чойга овора бўлиб юрма. Нима, мен аллақандай меҳмонмидим? Бўйдоқ бир йигит бўлсанг. Қариндошлар сени деб кўп ташвиш чекишияпти. Сен бўлсанг... Бўлти, майли. Ўн бирга етиб бораман.

- Келинг, Бектур оға, кутаман.

Гўшакни жойига қўйиб, Арсен Саманчин енгил тин олди. Атрофига аланглаб қаради. Бир нарса эсига тушиб, Бектур Саманчиннинг шоғёрининг қўлидаги телефонни терди. Ўзи яхши йигит, жипнинг зўрида амакини олиб юради. Номи ҳам ўзига ярашган. Итибой. Гоҳо Арсен унга ҳазиллашиб қўяди: «Итибой дегани - бой ити бор одам». Ити бой бўлгач, эгаси ҳам қуруқ қолмайди, ул-бул тегиб туради! Оҳ, бой бўлиш орзуси ҳеч қачон ўтмайди, одамлар нималар деб таърифлашмайди буни... Йўлга чиқаётганингизда, менга билдириб қўйинг, деб Итибой билан келишди.

Шу билан Арсен Саманчиннинг кўнгли бир оз жойига тушиб, яна кўймағур ўйларга толди. Ҳа, яқин қариндоши Бектур Саманчин айтган ишга рози бўлиш, олий насаб овчи қўноқларни кутиб олиш учун унга кўмаклашиш керак. Араб нефт магнатлари – Ҳасан ва Мисир. Улар бир-бирларига амакивачча экан. Куш тутиш, пойга чопиш, ҳавфли ҳайвонларни овлашга ишқибоз экан. Қор қоплонларини овлаш учун отланаётган бой-бадавлат овчи қўноқлар, албатта, ёлғиз овга бормайди, уларнинг атрофида кўп одамлар – хизматчилар, қўриқчилар, йўлбошловчилар бўлади (Шуниси ҳам борки, қор қоплонидай зўр ҳайвонлар дунёда бошқа ҳеч ерда қолмаган, Яқин Шарқни-ку айтиб ўтирумаса ҳам бўлади, улар бу ерларнинг жазирама иссиғида яшолмайди, уларнинг Ватани юксак осмонўпар тоғлар, бу ерларда ёз доим сарин салқин, қиши эса қаҳратон совуқ, шунинг учун ҳам қор қоплонлари – илвирсларнинг мўйнаси бекиёс чиройли, ҳар бир туки олтин баҳосига тенг...). Уларнинг ҳаммаси ўз ов куроллари билан келади. Бундан чиқди, уларнинг доимий таржимони ва ҳамроҳи Арсен Саманчин ҳам куролланган бўлади, унга ҳам эҳтимол, милтиқ ёки тўппонча беришса керак. Тўппончани кейин ўзига олиб қолади – бир баҳонасини топади. Овлари бароридан келса, қўноқлар унга тўппонча тортиқ қилсалар ҳам ажабмас. Ов тугаши ҳамоноқ у тоғлардан катта шаҳарга тушиб келади-ю, ўйлаб кўйган ниятини амалга оширади.

Амакисининг қўнғироқ қилгани айни муддао бўлди, унинг ҳушини жойига келтирди, тунги музтар ўй-хаёллар юракни ларзага солувчи ваҳимали тушлардан сўнг тўғри одатий ҳаётга қайтарди. Арсен Саманчин эс-хушини йиғиштириб, ўзини маҳкам қўлга олиб, шу билан гўё безовта хавотирли ўйларга чек кўйди, ўз мудхиш

режасини орқага суреб, ўзи билан ўзи муроса қилишга келишгандай бўлди. Ишга ўнғишиш керак эди. «Бас қил, бас қил, Арс, ҳушиңгни йиғиштири! – деб янди ўзини ўзи у. – Ҳозир буни ўйладиган вақт эмас. Эсингни еб қўймагандирсан ахир, Арс!» Ойдана ҳаяжони жўш урган пайтлар эркаланиб уни шундай деб атарди – Арс дерди, ўзи эса уни «Ойа» – деб суряди. Ўша баҳтиёр дамларни эслаб у оғир аламли хўрсинди. Шунда Арсен ўзини шамоллар куюқ баргларини учириб кетиб, яланғоч бўлиб қолган дараҳтдай сезди. Урён юрак билан қандай яшайди...

Шундоқ, дарҳол ишга киришмаса бўлмайди, қачонгача ўртаниб-кўйиш мумкин, қачонгача ўзини тириклий гўрга тиқиши керак? Иш деган тиқилиб, қалашиб ётибди. Таҳририятларнинг топшириқлари билан бошлаб қўйилган, лекин шошилинчда охирига етказилмаган қанчадан-қанча ишлар компьютернинг хотирасида турибди. Бу тиқилинчга ўзи айбдор: ҳар турли мавзуларни ёритишига уринаверади, навбатдаги оммабоп мақолалардан тортиб, сув-энергетика муаммоларигача қаламга олаверади, яна бошқа қатор мавзуларни ҳам кўз остига олиб қўяди. Натижа-чи? Унинг иш столида ҳеч қачон чала ёзилган мақолалар уюлиб ётмасди. Бу, ҳар ҳолда, эгамен журналистмац деб, керилиб юришнинг оқибати бўлса керак. У эркин! Ҳеч кимга ҳисоб бермайди, ҳеч кимса уни тергаб, назорат қилмайди. Яшайди кўнгли тусаганча... Шу ҳам иш бўлдими?

Ўлган ишқ, ўлган ғоя ўртаган юрагини азоблар алангасида ёқиб юбормаслик учун, Арсен Саманчин ўзини-ўзи танбех қамчиси билан шундай савалар, ўз кайфияти-руҳиятини ростларди. Қуриб кеткур капитализм кучини кўрсатялти! Ҳеч нарса унинг йўлига тўсиқ бўйлолмайди – бели ингичка! Умуман олганда, бу ерда капитализм нима қилиб юрибди? Гап шундаки, ғоя-

ни худди товар каби сотиб олиш ва худди товар каби сотиш мумкин экан, гоянинг йўлини бутунлай тўсиб кўйса ҳам бўларкан – пул билан ҳамма нарсани қилса бўлади. Сен эса, бу шароитга бегонасан – сотилмайсан, сотиб олмайсан, сен эркин-ихтиёрий кўчманчиликдан санғиб-қанғиб келиб қолгансан, ана энди қопчиғингни тўлдириб олавер-чи. Кўчкорлардай манглайнингни қарсиллатиб ур – ҳаммага бир ўзинг қарши бор. Бошинг кетмаса, мен кафил, бошқалар эса пул билан ҳаммасидан қутулиб кетишади. Э, бари бир, жангми, жанг, қочиб қутулиб бўлмайди. Лекин ҳозир эмас. Ҳамма нарсанинг каттами, кичикми ўз йўл-йўриғи, ўз расамади бор. Лекин вақтинча буларнинг барини унумтоқ даркор! У шундай деб ўз-ўзини ишонтиришга уринар, ҳозир Бектур оға етиб келади-ю ҳаммаси яна бошқача бўлиб кетади, деб умид қиласади. Унда кун тартибиға тамомила ўзга бир масала чиқажак, олдинга ҳаётнинг бошқа бир моҳият-фасонаси ўтажак. Ўртага жиддий гаплар тушајак, улар эса оз эмас.

Арсен Саманчин ўз-ўзига шу йўсин таскин-тасалли бераркан, гўёки Мангу қайлиқ олдида узр-маъзур қўллагандай, уни овутгандай бўларди. Унга мурожаат қиласаркан, ўзи эмас гўё ўзининг авази – иккинчи бир нусхаси хаёлан сўзлаётін, шивирлаётгандай, гўё қайлиқ қиз кўримсиз етти қаватли уйнинг оҳанжама қилиб қисирлаган, тарақлаган сийқа лифтидан чиқиб, худди эшик орқасида тургандай, унинг шипшиганига қулоқ солаётгандай эди. Қиз қайлиққа у эшитилар – эшитилмас пичирлар, кечирим сўрарди: шошма, яна бир оз кутгил. Худо хоҳласа, албатта, бир чора-тадбирини кўргаймиз. Ўшанда мен сени, Ойданани, мумтоз нолалар билан йўғрилган улуғ мусиқани бошингизни қовуштиргайман! Ойдана саҳнага чиққай, сен унинг

тқинида, парда ортида тургайсан, ҳаммасини ўзинг шигитгайсан ва күргайсан. Фақат андак сабр қил. Ундан кейин, ўзинг ўйлаб күр, айб Ойданадами? Ўз ихтиёри билан бизни ташлаб кетмаганини тушун, бир пайтлар сени ўғирлашгандай уни ҳам ўғирлашди, лекин энди бу бошқачароқ ўғирлаш, ҳозир мана шундай ўғирлашади - йўлдан уришади, алдашади, бузишади, сотиб олишади. Илгариги замонларда чиройли аёлни отга ўнгариб олиб қочишиша, эндиликда уни доллар тўлдирилган қоп устига итқитищади. Кейин аёлнинг ўзи чоптириб кетаверади. тезликни ошириб, доллар уюрларига ўзини уради, уюрларни миллионер-миллиардерлар бошқаришади, ҳар бири ўз алоҳида уюрини боқади, қўпайтиради, бошни бошга қўшади. Тирикчилигимиз шундай. Бошқа йўл йўқ, ҳаммамиз бозорда ўралашамиз. Бунда ҳеч кимнинг айби йўқ, барини йўлга solaётган - бозор иқтисоди. Лекин бундоқ ўйлаб қарасангиз, айбимиз ҳам йўқ эмас. Бизни ялписига қандай мажбур қилаётган бўлсалар, шундай бўйсуниб кун кечираётганимиз учун айбдормиз. Оҳ, мен яна сиёsat билан социология тўқайларига кириб кетдим. Фақат сен буларни юрагининг яқин олма, бу ташвишлар сенга ортиқча. Хонаси келиб қолгани учун бир кўнглимни ёздим-да. Мени кечир ва менга ишон, кут, худо хоҳласа, ҳали яна кўришгаймиз. Йўқ, шошма, бир зум тўхта. Яна бир нарса доим ич-этимни кемириб ётади. Зимдан разм солиб қарасам, Ойдана ўша томонларда ўзини қандай сезаётган экан, барча рекламаларда тасвирлангандай, нурафшон саҳналарда кўрингандай, ҳакиқатан, баҳтилимикин? Ёки юрагининг бир чеккасида чоҳ бормикин, баъзан нима қилиш, бошини қаерга уришни билмасдан шу чоҳга беркинармикин, тавба қиласмикин, юм-юм йиғлаб ётармикин афтода? Афсус, мендан, ҳатто, ко-

чиб юрганига қарамасдан, унга бары бир осон бўлмаса керак, дунё кўзимизга бошқача бўлиб товланиб кўрининг ўша Хайделберг боғидаги учрашувларимизни хеч қачон уннотлмаса керак. Сен ўзинг уни кўрдинг-ку, эй, Мангу қайлик, висол чоғи устимииздан чиқдинг-ку, мана, икки ёққа айрилиб ҳам кетди...

У шундай сас чиқармай сассиз маконларга пичирлар ва яна ақл-хушингни йиғиштириб деб, ўзига дашном берарди: «Эсингни йиғ, эсингни йиғ, тинчимаган бошинг сени яна қайларга бошлаб кетяпти? Нега бурнингни тиқяпсан? Ким билан беллашмоқчи бўляпсан? Яланг ўзингни ўтга-чўққа урасан, нималардир ёзасан, сафсаталар сотасан, олигархларни эзмоқчи бўласан, замонамизнинг долларбойлари эса дунё бозорида айланиб-ўргилишади, аканг Ардак айтмоқчи, «айланиб-ўргилиб пул ўмарашади», сен бу қизиқ гапни бир мақолангда ишлатиб ҳам юбординг, аммо ҳеч ким эътибор бермади. Улар сени сарик чақага ҳам олишмайди, бозорда ўрни бўлмаган одам улар учун бир тийин, дайди итчалик қадри йўқ. Баъзан одамга шундай бўлиб туюладики, худойимнинг ўзи шу долларбойларга хизматда, кўзини улардан узмайди, авайлайди, ардоқлайди. Нима, тўғри эмасми? Бундан чиқди, энди худо – бутун дунёнинг банкири. Тўхта, тўхта, нима деб валдираяпсан асти. Худоё худовандо, мен гуноҳкорни ўзинг кечир!»

... Уй ичини йиғиштиришга тушди. Бектур оға – кордон одам, ишга жиддий қарайди, бирон нарса ёқмаса, тўғри бетингга айтади. Шунинг учун хўжалигида доим тартиб-интизом бўлган. Ялқов-такасалтантларни ҳоли-жонига қўймаган, майда-чуйда нарсаларгача эътибордан соқит қилмаган. Ҳой, нега ўғитни йўлнинг четига тўқяпсан? Тез йиғиштириб ол! Нега ғараминг бир ёнига қийшайиб ётибди, ўзингга ўхшаб маст бўлиб қолганми,

арров тўғрила! Ҳой, нега томорқангдаги ариқ чўчқаҳо-
нидан баттар саситиб юбординг, тозалаб қўйишга қўлинг
етмайдими, нокас! Ҳамқишлоқларини ҳамма вақт тар-
тиб-низомга чақириб юрган, тўғри ҳам қилган.

Шуларни эслаб, Арсен Саманчин уй ичини шоша-пи-
ша пилесосда тозалашга тушди. Ўқилган-ўқилмаган
турли газеталар, ялтироқ журналлар ҳаммаёқда сочи-
либ ётарди, уларни йиғишириб бир четга тахлади.
Кўзгунинг чанг-ғуборини артди, айниқса, оч жигар-
ранг пианинони ярақлатиб тозалади. Пианино жуда
чиройли нарса, унинг уйидаги энг қимматбаҳо буюм
ўзи шу, боз устига бу ажойиб мусиқа асбобига Ойдана-
нинг қўли теккан, яхши кунларда унда оҳанрабо куй-
лар чалган. Бир эмас. Икки марта. Бутун оқшомичи, то
тун ярмидан оғгунча гўзал машқлар ўйнаган.

Арсеннинг ўзи ҳаваскор, эсида қолганча чалади, Ой-
дана эса моҳир ижрочи. Одам у чалган куйларни эши-
тиб тўймайди – ундан доим узоқ Европанинг акс садо-
си келади. Арсенни Ойдананинг нозик қўллари ҳайрат-
га солар, улардан ўз-ўзидан беихтиёр сехрли мусиқа
ёғилаётганга, кўзлари эса соҳир шуълалар сочаётганга
ўхшарди. Арсен Саманчин бостириб келган хотиралар-
га дош беролмади, соғинч ҳаддидан ошди, пианино ол-
дига ўтириб, Ойдананинг ўша пайлар ўйнаган куйла-
рини элаштга, чиқаришга уринди. Яна ҳасратга ботди.
Энди у ҳеч қачон бу ерга келмайди, пианино чалгани
ўтирмайди... Унинг кичкинагина уйида эса пианинодан
тўшаккача бор-йўғи уч қадам ва у ернинг мусиқаси та-
момила бошқача... Арсеннинг қалби Ойданани сотқин
деб аташга журъат этмасди, лекин амалда эса худди
шундай бўлиб чиқди, шуларга қарамасдан, у Ойдана
Самаровани ҳеч кимга тобе бўлмаган қисматнинг қур-
бони деб ўйлашни истарди.

Телефон қўнғироғи жиринглади. Бектур амакининг ҳайдовчиси Итибой экан. У биз йўлга чиқдик деб хабар қилди...

Кутиб олиш керак эди. Арсен Саманчин бир неча дақиқадан сўнг, кийиниб, бўйинбогини тақиб, ҳурматли оқсоқолни қаршилагани ҳовлига чиқди. Аввалги замонларда уйга шундай баланд мартабали меҳмон келса, уни иззат-хурмат билан кутиб олишар, отининг жиловидан тутиб, қарияни қўлтиғидан ушлаб эгардан туширишар, айил-қайишларини бўшатиб, отига дам бериб, арпа солишарди.

Хозир меҳмон автомобильда келса, бензинидан хабар олиб қўйишади...

Хўш, от арласини еб турсин, орадан беш дақиқача чамаси вақт ўтди, ҳурматли Бектур амаки ялт-юлт қилган Япониянинг кудратли қора жилида етиб келди, двигатели қаришиб олти юз от кучига эга, чироқлари ярқираган замонавий машина ҳовлини кесиб ўтиб, поъезд олдида тўхтади. Ҳов-ҳов, мана шундай ҳар қандай тўсиқдан бемалол ўтиб кетаверадиган кучли жиплар тоғларимизда кўпроқ бўлсин. Лекин ҳозирча Араб Амирликларидан сотиб олинган Бектур оғанинг бу машинаси бутун Туюқ-Жар вилоятида ягона эди, умуман одатдаги одми «Жигули» ҳамда «Москвич»лар ҳам овулларда бармоқ билан санарли бўлиб, бу табиий бир ҳол эди, зоро, ҳалқнинг ҳоли ночор, ҳатто, колхоз вақтидаги оз-моз тўкинчиликдан ҳам мосуво бўлган эди. У замонлар ҳалқ оғир тизгинланган, лекин ҳар ҳолда... Ҳозирги пайтда эса ҳар ким кўлидан келганча уриниб-суриниб ётибди. Кимнинг боши қора меҳнатдан чиқмайди, ким қаердан нимани ўмаради – ишқилиб, олдинда йилт этган ёруғлик йўқ, Ишбилармонлик, тадбиркорлик қил, дейишади, э қани ўша тадбиркор-

ник - картошка кавла, пичан ўр, яна нима бор? Эркинлик бор эмиш. Лекин маъмурчилик бўлмаса, эркинлик осон эканми, унинг ўзи нимага ярайди, бўлмағур қуруқ гал. Ҳозирча қишлоқнинг барча кулфатларини ўтиш даври деб суваб, баҳона қилиб келишди: ана, бозорга ўтиб олсак, у ёғи мой суртилгандай ғириллаб кетади! Оласан! Бир тентакнинг толган гапини қаранг: бозор-боп болаларни туғдирсак, кейин яхши бўлармиш! Бир қилмаган ишимиз шу қолган эди! Қишлоқда яшовчиларнинг машинаси йўқлигини гапирмай қўя қолайлик, бобомнинг замонларига ўхшаб эшакда юк ташиб юришибди. Рост, кичкина автобусларнинг чиққани хўб иш бўлди. Ёшлар эса гуруллашиб, қайдасан шаҳар, деб жўнади, у ерларда ит ётиш-мирза туриш қилиб исқирт дайдишяпти...

Аммо тадбиркорлик замонининг саҳоватидан баҳра олаётгандар ҳам топилиб туради. Ҳатто, тоғ дараларидан ёввойи асални йиғиб, бозорга чиқараётгандар ҳам йўқ эмас, илгари ҳеч бунақаси бўлмаган эди. Асални одатан совға-тортиқ қилиб беришарди, савдо-сотиққа ҳеч қачон олиб чиқишишасди, ахир асал катта-кичикнинг таъбига яраша ейиладиган шириналлик...

Аммо бу ҳам омади бир гап-да, ҳечқиси йўқ, айбситиб ўтиргулиқ эмас-ов...

Бу орада Бектур амакимизнинг ўзи жипда келиб қолди. Мана уни савлат, мана уни ҳақиқий катта одам деса арзиди. Бектур Саманчин ҳеч кимнинг хаёлига келмаган ишни қилди – овчилик бизнесини йўлга қўйди, қарийиб йил бўйи ишлар қизғин. Мавсумига қараб турли ёввойи ҳайвонлар овланади – булар ичидага негадир ҳозир «Марко Поло» деб аталадиган тоғ архарлари ҳам, оҳулар ҳам, айиқлару анвойи қушлар ҳам бор, мана энди алоҳида ов рўйхатига қор қоплонлари – илвирс

ови ҳам кирди, энг дамромади зүр ов... Қандини урсин Бектур оға, қойил, йўлини топганини қаранг, ақлли одам-да...

Машина тўхтади, Арсен шоша-пиша жипнинг салмоқли эшигини очди, Бектур оға жилмайганча пастга тушди, бардам қўл чўзди, қадрдонларча кучоқлашиб кўришдилар. Ҳа, кўзга кўринган, басавлат киши – башараси, қадди-басти, айниқса, тўрвадай соқоли ўзига жуда ярашган. Уларнинг уруғида барча эркаклар мана шундай серсавлат, азamat одамлар бўлишган, шу жумладан, Арсен ҳам, фақат Арсен бошқа Саманчинлардан фарқ қилиб, соқол-мўйлаб кўймади.

Улар яқин қариндошлардай узоқ кўшқўллаб кўришиб туришди, бир-бирларига елка бериб лабларидан кулги аrimай таъзим қилишди. Ниҳоят, Бектур оға суяқдор кўлинни кўксига босиб, тилга кирди:

– Худога шукур, соғ-саломат дийдор кўришдик! Қанча бўлди кўришмаганимизга, Арсен, икки ойча бўлди шекилли ёки ундан ҳам ошдими?

– Ҳа, бой ака, чамамда уч ойча бўлиб қолди.

– Ана, кўрдингми! – деди қуюқ қошларини чимириб Бектур оға. – Мен вақт-бевақт шаҳарга тушиб турибман, лекин сени тутиш жуда кийин, иним. Майлига, энди биз билан кўпроқ бирга бўласан. Ўзинг тушунасан буёғини.

– Ҳа, бой ака, тушунаман барини. Кўришолмаганимизнинг сабаби, турли ишлар билан банд бўлиб қолдим, улардан қочиб қутулиб бўлмади. Кези келса, айтиб бераман. Мана, учрашганимиз яхши бўлди...

Албатта, у Ойдана билан ораларида бўлиб ўтган воқеаларни, у туфайли ким билан қаттиқ тўқнашишга тўғри келганлиги, уни бутунлай бир чеккага суринашлаб, маъшуқасини тортиб олиб ва умуман жамият

жәтидан четлаташга уринганлигини айтиб ўтиromoқчи змасди, шу билан бирға күнглиға тугиб юрган мақсадиди ҳам ошкор қилиш нияти йүқ әди. Албатта, бу сира түгри келмайди, зотан, бунда гап бутунлай бошқа нарса устида боради, қилинажак ишларни келишиб оладилар. Бектур оға Туюқ-Жар тоғларидан шу ишни деб тушиб келган шаҳарға. Күни-қүшнилар уларнинг яқин қадрдонлардай апоқ-чапоқ кўришиб турғанларига қараб хушҳол табассум қилиб ўтишарди. Йиртиқ калта шим, майка кийиб ҳовлида ўйнаб юрган икки тирмизак болакай, бириси ит етаклаган ҳолда оғизларини катта очиб, Бектур оғанинг жипини томоша қила бошлашди. Гарчи ҳовлида анча-мунча ҳар турли машиналар турғанига қарамай, бу жипга ҳавас билан тикилиб қолишиді. Улар бир-бирларининг биқинларига туртишиб, нималарнидир чуғурлашарди: кичкитойлар мана шунақа зўр машинага тушиб, шаҳар кўчаларидан ўтиш, ҳамманинг ҳавасини келтиришни хоҳлашарди.

Буларнинг барини Арсен бехос жипга қараб, кўрди ва бундан негадир күнгли ёришди, енгил тортди.

Атроф-теварагингда гоҳо самимият ва хайриҳохликка дуч келсанг, дилингни шундай ёқимли дилбар ҳиссиятлар чулғаб олади. Шунда сизга яхши бизнинг ҳаммамизга ҳам яхши, деб айтгинг келади. Ўша ёз тонгида ҳаво ҳам қандайдир хуррам ва тиник әди, ҳали юқорига кўтарилимаган қуёш атроф-тумонатни ўз майин шуъларига чулғаган, еру заминда яшовчи барча маҳлуқлар ҳаётини шу онда сурур билан тўлдирган ва шу билан гўё инсон қувончларига шерик бўлаётгандай әди.

Қани энди ёруғ дунёда ҳамиша шундай муроса-ю мадора, уйғунликда яшасанг. Лекин дейдиларки, қайдандир булултар орасидан бизга доим аллақандай

хўмрайган кўз тикилиб турармиш. Борсин, тикилса, тикилаверсин...

Улар ишларни бутун икир-чикирларигача мұжокама қилишга киришиб кетгандарида ҳам мана шу хушчақчалик ва ўзига ишонч туйғуси бир зум ҳам Арсен Саманчинни тарк этмади. Бектур оға ўзига ишонч билан сўйлар, оқилона мулоҳазалар билдирад, унинг табиати, феъл-авторида хўжалик ишларини яхши билиши аниқ, жуда аниқ кўзга ташланиб турарди – унинг келтирган далиллари, билдираётган фикрларига қўшилмай илож йўқ эди.

У барини ўйлаб, чамалаб, асослаб, режалаштириб кўйган, ов қилишга рухсат берувчи расмий ҳужжатлар лицензияланган, унда кор қоплонлари – илвирсларни овлаш алоҳида таъкидлаб кўрсатилган, қанча отиш мумкинлиги белгилаб кўйилган, ҳатто, даромадидан олинадиган солиқ миқдори ҳам унугимаган эди. Араб қўноқларга ҳам ушбу шартлар маълум қилинган эди. Арсен Саманчиннинг ўзи ўтган баҳорда улар билан инглиз тилида тузилган шатномани расмийлаштиришга ёрдам берган эди. Сал бўлмаса, бу ёдидан ҳам кўтарилий деган экан, аммо мана энди амалда иш бошлишга тўғри келади. Бу ерларда инглиз тили ўрганилмаган, бу ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаган, Бектур Саманчин бу тилдан бутунлай бехабар бўлгани боис араб қўноқлар билан инглиз тилида гаплашиш, таржима қилиш тўла-тўқис Арсен Саманчиннинг зиммасига юкланарди...

Одоб юзасидан ҳам, Бектур Саманчиннинг ўз ҳаёт тажрибасидан келиб чиқадиган хулосаси ҳам шу эдик, араб қўноқлар билан ўзи ўртасида воситачилик қилишдай осон бўлмаган нозик ишга, шубҳасиз, бошқа бирон аллаким эмас, фақат Арсен ярарди. Зоро, бундай олий мақомдаги меҳмонларга оддий таржимон эмас, жиддий билимдон, мароқли сухбатдош керак бўларди.

– Шунинг учун, иним Арсен, сенга бу ишда ота-бобо-тірнинг руҳи мададкор бўлсин, сен мархум акамнинг ўғлисан – уни худо раҳмат қиласин – обрў-эътиборли тилмочсан, бизга ёрдам беришиңг керак, бунинг қанчалар зарурлигини ўзинг ҳам тушуниб турибсан, иним, – деб уқдиради Бектур оға. – Икки ҳафта биз билан бирга бўласан, нима қилиби? Сен ҳеч кимга ҳисоб бермайдиган мустақил журналистсан – бошинг оққан томонга учиб кетаверасан, шундай эмасми? Эътиборингда турсин, араб қўноқларнинг илк индовчилари беш кундан кейин келади, булар тайёрлов гурухи, бизнингча айтганда – даярдошлар, улар уч киши. Кўноқларнинг ўзи эса шахсий самолётда Авлиё ота аэропортига қўнади.

– Аэропорт эмас, бой ака, аэропорт, – деб тўғрилади уни Арсен. Лекин у парвойига келтирмади:

– Мен эса аэропорт дейман, бизда шундай дейишиди. Бизга энг яқини Авлиё ота аэропорти. Бундан ўзинг хабардорсан, шартлашганимизда ёрдам бергандинг. Мана вақти келди – ишлашимиз керак. Араб қўноқларни аэропортда бирга кутиб оламиз ва бирга тоқقا олиб кетамиз. У ерда ҳамма нарса таҳт, бундан ташвишланма.

Мен собиқ колхознинг идорасини сотиб олдим, меҳмон кутадиган иккита хона қилиб қўйдим, шаҳардагидай бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда туришга ярайди... Овга Узангилаш довонига олиб борамиз, керак бўлса, довондан ҳам ошиб ўтамиз, ўша Хитой томонга. Барча сўқмоқларни биламиз. Албатта, у томонларга фақат алпинистлар бориши мумкин, бироқ майли, бу ҳаваскор ёш хонзодалар ҳам кўриб қўйишсин, илвирс овлашсин – ақчасини тўлашсин. Биласан-ку барс овига яхши ҳақ тўлашади, худо берсин. Ҳамма ўз улушини олади.

Яна турли майда-чуйда тафсилотларни гаплашиб олишди. Бектур Саманчин ҳақиқатан ҳам, ҳаммаси-

ни ипидан игнасигача күзда тутиб ишлаб чиққан эди – күчма чодирлару юк ташийдиган отлардан тортиб, отбоқарларнинг исми шарифларигача аниқ қайд этилганди. Мартабали меҳмонларнинг отларига қараб туришни фақат ўзи яхши билган, таниган, синовдан ўтган одамларга тайинлаганди. Курол-аслаха, ёритиш асбоб-ускуналари ва узоқни кўрсатувчи дурбин-телескопларга келганда, ҳаммаси протокол бўйича ҳозирланган эди. Арсен Саманчин ичida амакисига қойил қолар, унга ҳаваси келиб турурланар ва яна бир нарса га қаттиқ ишонч ҳосил қиласди: бизнес ташкил этувчи улуғ кучга эга, мақсадга қаратса ақл-идрок билан иш кўришга ўргатади. Бизнес ҳаммадан кўра қаттиқроқ ғайрат ва тиришқоқликни талаб қиласди.

Туюқ-Жар ов бизнес-лойиҳаси мана шундай режалаштирилганди. Буни қор босган тоғлардаги қор қоплонлари агар билсайди... Улар ичida энг афтода, ғариб бўлиб қолган ва ҳамон, ҳамон Узангилаш довони этагида худди сехрлангандай ўзини у ёқдан бу ёққа ураётган шўрлик Жаабарс билсайди буни...

Арсен Саманчинга келганда, бу ов йўриғи қандай тайёрланганигини у миридан-сиригача билар, айниқса, Бектур оға билан кўришгандан кейин унга ҳаммаси ойнадай аён бўлган, лекин шунга қарамасдан, ўзини бу йўлда нималар кутаётганини у ҳам билмасди. Эндиликда орқадан туриб қараганда, шу нарса кароматдай кўриниши мумкинки, у ҳам бўлса, рўй беражак воқеалардан сал олдин у қундалигига нима учундир бир нарсаларни ёзиб кўйган ва унга «Кўринмас эшиклар ёки гирифторлик балоси» деб сарлавҳа берганди. Унда куйидаги сўзларни авлиёдай қайд этганди: «Қисматнинг ҳар бир рўй беражак воқеасини ўз кўринмас эшиги мавжуд, у олдиндан тайёрлаб қўйилмиш, олдиндан

очиб қўйилмиш, мана шу эшик остонасидан ўтиш кимнинг пешонасига ёзилган бўлса, буни эшикнинг нариги томонига ўтиб, гаровга қолганидан кейингина билади? Туғилган гўдак ҳеч қачон она қурсоғига қайтолмагандек, қисмат қадамини ташлаган одамга ортга йўл йўқ. Тақдир ўз ҳукмини шундай адо этгай. Қисматнинг гирифторлик балоси ҳам байни мана шундай. Кириш бору, асло чиқиш йўқ».

Агар ҳаммаси бошқача бўлгандайди... Фақат ана шундагина бу битикнинг давоми бўлиши, Арсен Саманчиннинг қалами остида у фожиали бир бадиага айланиши мумкин эди...

Бу орада қуёш анча қўтарилиди, эрталабки салқин ўрнини қиём иссиғи згаллади. Уй ичиди бу, айниқса, сезилди. Арсен гапни бўлиб, ўрнидан туриб, кечаси ярим очиб қўйилган деразани ёпди ва жовон тепасига ўрнатилган чоғроқ совутгични ишга туширди. Кўп қаватли уйларда иссиққа чидаш анча қийин, шунинг учун жонга кондиционер ора киради. Бироқ Бектур оға деразани очиқ қолдиришни сўради. Тоғнинг табиий ҳавосига ўрганиб қолган. Меҳмон тиласи – амри худо... Ойнанинг очиб қўйилгани ҳам оқибатсиз қолмади. Лекин буни ким билиди дейсиз...

Оз эмас, икки соатга чўзилган сухбатни икки қариндош яна давом этиришиди.

Бу орада оққўнгил, содда, чаққон шофёр йигит Итибой, чой ичиб олди, жипига мой қўйдирди, ювдирди, бозорга ҳам улгуриб, бориб, мева-чева харид қилиб келди. Кунда-шунда бизнес ярлақаб бир-бирларига боғланиб қолган қариндошлар эса ҳануз ов лойиҳасини ҳижжалар эдилар. Айтмоқчи, бизнеснинг ўзи ҳақида. Бутун дунёда урчуқдай айланиб, изгиб юрадиган урчуқ олибсотарлар ва урчуқойимлар ҳикоя қилиб юрадиган

гапларга тоғликлар унчалик ҳам ишонавермайдилар, мисол учун улар гулни сотиш ва сотиб олиш мүмкінligига жуда ажабланиб қарайдилар! Кимнинг хаёлига келибди дейсиз гул сотиш! Ахир гуллар атрофимиизда, табиат қутоғида очилиб ётади, отда ўтиб кета туриб маҳлиё бўлиб томоша қилиш, болалар хурсанд бўлсин деб, совғага бериш мумкинdir, лекин гулни сотиш – жуда кулгили иш. Икки жигаргўша саманчинларнинг гаплари тоғларда алоҳида бўлиб яшовчи – қор қоплонларига тааллуқли бўлиб, бундан чиқди бизнеснинг кўли уларга ҳам етиб борган эди.

Овни ташкил этиш режасини қоғозга чизиб ўтирган катта амакисини тингларкан, Арсен Саманчин буларнинг ҳаммаси худди театрдек ўйланганига ҳайрон қолар, фақат бунда саҳналаштирувчи режиссер собиқ колхоз раиси бўлиб, у ҳақиқатан ҳам каллали одам эди. У таклиф этаётган ов усуллари ва йўл-йўрикли ростдан ҳам драматургия воқеаларини эслатарди. Мисол учун Бектур Саманчин ҳайвонларни тузоққа ҳайдаб келтиришнинг устомонларча бир йўлини ўйлаб топган, шундай қилганда хорижий овчилар энг сара илвирсларни танлаб отиш имкониятига зга бўлардилар. Ажойиб-ғаройиб тоғ овининг режасига қулоқ солар ва ўзини зўрлаб бўлса-да уни миясига жойларкан, ахир тез орада буларни араб қўноқларга бирма-бир батафсил тушунтириб бериши керак эди, Арсен Саманчин бехос илвирсларга ачиниб, уларга раҳми келлар, ҳозир келгуси фожиалардан бехабар ўз Тиёншон тоғларида бемалол юришгандир, дерди. Унга шундай туюлардики, агар бу ҳайвонлар аллақайларда, одамлар тиқилинч яшайдиган улкан шаҳарда, Хрушчев замонларида қурилган кўримсиз бадрафтор етти қаватли уйнинг тангу тор хонасида ўтириб, икки нусха худди худодек олдиндан уларнинг ҳёт-мамотини соат-соати,

Дақиқама-дақиқасынча ҳал қилишаёттеганини билсалар өди – вакт борида аллақачон Ҳимолой тоғларига қараб қочиб қолган бўлишарди.

Фикр – эркин күш, дам уяга, дам самога учади. Мана, яна калласига аллақаёқдан довдир, лекин моҳияттан олижаноб бир фикр бостириб кириб келди: уларни, тоғ барсларини бу хавфдан қандай огоҳ қилса бўларкин? Лекин бу нарса хаёлига келгани билан бундай бемаънилийка асло-асло йўл қўйиб бўлмасди. Унақада бизнес нима бўлади? Ҳатто, хаёлда бўлсин ваҳший маҳлуқларни сақлайман деб уриниб бизнеснинг бошига етиш керакми? Агар ростдан ҳам шундай ҳодиса юз берганида, дунё аллақачон ағдар-тўнтар бўлиб кетмасмиди? Ҳамма нарса жаҳаннам чоҳига қулаган, ва одамзод ўз-ўзини еб битирарди. Шунинг учун асло бундай қилиб бўлмайди, бўлмайди, имтиёз ва оқ йўл факат ва фақат бизнесга, қолган барчаси кейин ва яна «ундан кейин». Шунга ўхшаш бир гап оғзингдан чиқиб кўрсинг-чи – оғенинг осмондан келиб ўлганинг яхши. У шундай деб ўйламаган бўлса-да, лекин бу фикр миясинг қоронғи пучмоқларида туғилди, ким билсин, балки унга шундай бир жазо юборилдими, у борган сайин насиҳатомуз бўлиб бораётган Бектур оғанинг сўзларини тинглаб, «Мерган» тадбиркор овчилик фирмаси раҳбарининг кўрсатмаларини инилизча қилиб дафтарига ёзиб олар, булар мўътабар меҳмонлар билан ишланганда, унга дастур бўлиб хизмат қиласди.

Бектур Саманчин эса ўша дамда Арсен юрагининг қаърларида нималар рўй берадиганлигини хаёлига ҳам келтирмас, унинг калласида қандай ўй-фикрлар тужғон ўйнаётганлигини билмасди.

Киши умумий иш-юмушга дахлдор нарсаларни соғлом ақл билан муҳокамадан ўтказа туриб, айни

чоқда ақл бовар қилмас ҳомхаёлларга берилиб ўтириши мүмкінлигини ким ҳам калласига келтира оларди, дейсиз, буни, ҳатто, тушунтириб беришнинг ўзи мушкул эди. Агар тоғнинг нариги ёғида шамол эсаётган бўлса, бериги ёқдаги дараҳтларнинг шоҳлари ҳар доим ҳам қамирлайвермайди.

Бектур Саманчин ўзининг тақлифларини диққатини бир жойга жамлаб, ишонч билан худди қариндошлардай яқин олиб баён қилиб берарди. У қоғоз бетида режаларини чизиб кўрсатар, тоғлару дараларда ваҳщий ҳайвонларга қўйиладиган пистирмаларнинг энг қулай жойларини белгиларди. Ёввойи ҳайвонларни тузоқча тушириш учун ов ўтадиган жойни бир неча ёқдан, яхиси, уч-тўрт ёқдан бирваракай ўраб олиш керак бўлар, ваҳщий маҳлукларни керак томонга ҳайдаш учун бир пайтнинг ўзида хужум қилиб, ҳар турли қўрқинчли товушлар чиқариб сурон солишга тўғри келарди. Албатта, ишлар чаппа айланиб кетиши ҳам мумкин. Лекин ҳар қандай бўлганда ҳам камида бешта-олтита ҳайдовчи чопқир отларда ҳайвонларни энг қулай бир вактда белгиланган ўровга қувиб бориб, қуршовга олишлари керак. Хориждан келган овчиларнинг омади чопса – бу мезбонларнинг ҳам ишлари юришгани: тушадиган пул ўртада бўлиб олинади. Шунинг учун ов бароридан келсин деб, ҳамма, албатта, баравар жон куйдиради..

Бектур Саманчин шундай масъулиятли иш ишониб топширилган, ўзи бошқариб турадиган ҳамқишлоқларнинг исмларини айтди. Унинг айтишича, ушбу отлик ҳайдовчилар ҳозир тайёргарлик кўришаётган, отларни чиниқтириб, куроллар билан довул-шақилдоқларни танлашаётган экан..

Улар анчагача чой ичиб ўтиришди, дам овдан, дамтирикчилик бошқа масалаларидан гаплашишди – туғилган юртда турли иш-ташвишлар ўзига етарли

иди. Бунинг устига икковлари сұхбатлашиб ўтиришар-кан, одамнинг ақлинин лол қилиб қўядиган қизиқ бир воқеа бўлиб ўтди.

Ёз ойлари келганда, уйлар атрофида, ҳовлиларда кабутарлар ва қалдирғочлар кўпаяди, улар кўп қаватли уйларнинг болохоналари ва бўғотлар тагида яшайдилар. Ҳеч кимнинг улар билан иши бўлмайди, гоҳ кабутарлар битта-яримтанинг эътиборини тортмаса, қалдирғочларга ҳеч зот қизиқмайди, ўз ҳолларича учиб-қўниб юраверишади. Гоҳ гала-гала бўлиб, гоҳ икка-якка учишади, темирқанот бўлган болаларини инларидан олиб чиқиб, қий-чув қилиб учишга ўргатишади. Майли, жон кошки, яйраб-яйраб учаверишсин, қалдирғочлар қушлар орасида энг олижаноб, жуда нафис, одамга ташвиш келтирмайдиган қуш саналади, бу сизга очкўз олақанот эмас.. Буни қарангки, худди шу қалдирғочлар билан ғалати бир ҳодиса содир бўлди, балки ғалати дейиш камлик ҳам қиласди...

Амаки ва жиян ўzlари билан ўzlари овора бўлиб ҳотиржам сұхбатлашиб ўтиришаркан, очиқ деразадан уй ичига иккита қалдирғоч ногоҳ учиб кирди. Агар тасодифан учиб кирганда, улар яна шу заҳоти очиқ деразадан чиқиб кетган бўлардилар. Аммо улар чиқиб кетишини хаёлларига ҳам келтирмас, аксинча, қанотларини кенг ёзиб, шип тагида тинмай чарх уришар, чуғурлашар, қичқиришардилар.

– Ийе, қалдирғочларми бу? – ҳайрон бўлиб, ҳатто, ўрнидан ҳам туриб кетди Бектур оға. – Доим шунаقا уйга учиб киришадими?

– Йўғ-ей, биринчи марта. Илгари ҳеч учиб киришмаган. Ташқарида улар кўп, у ёқ бу ёққа учиб юришади. Томнинг тагида инлари бўлса керак, – деб тушунтириди Арсен Саманчин.

- Бирон нарсадан қўрқишдими? Деразани кенгроқ очиб қўй, чиқиб кетишади.

Арсен деразани кенг очди, аммо қалдирғочлар кичкина қора кўзларини йилтиратиб, уларнинг бошлиари тепасида тинмай учар, тинмай чуғурлар, чиқиб кетишни хаёлларига ҳам келтиришмасди. Нимадандир хавотир олишаётганга ўхшарди. Алланималардир уларни одамларга яқинлашишга ундаётгандай, бу уйга нималарнидир айтиш учун учиб киргандай, кимнидир огоҳлантирмоқчи бўлгандай... Арсенга шундай туюлди ва бундан кулгиси қистади. Саманчин амаки эса курси суюнчиғида осилиб турган сочиқни олиб қушларни очиқ дераза томонга ҳайдай бошлади. Қалдирғочлар апил-тапил деразадан ташқарига чиқиб кетдилар...

- Буниси қизиқ бўлди-ку, - бошини чайқади Бектур оға. - Бизда нима ишлари бор экан? Майли, учаверсинглар, яна бир оз ишлайлик, вақт жуда оз қолди. Сен қачон боришингни, ҳамқишлоқ овчилар билан қачон учрашишимизни келишиб олсак? Ундан кейин сен билан шартнома ҳам тузишимиз керак-ку ахир!

- Бизга шартноманинг нима ҳожати бор? Шарт эмас.

- Йўқ-йўқ, ҳозирги вақтда шундай қилинади. Тадбиркорлик шартномасиз бўлмайди.

Арсен Саманчин буни рад этмоқчи бўлиб, шуни нима кераги бор, бой ака, сиз отам ўрнига отамдайсиз, сизга ишонмай кимга ишонай, деб турган эди, қалдирғочлар яна хонага учиб киришиб, уй ичидаги чарх уриб айланана бошлашди.

- Ҳаҳ, - деб ҳайрон қолди Бектур оға, - яна келишиди-ю! Бу нимаси?

Ҳа, улар ниманидир уқтирмоқчи ёки охиригача эшитмоқчи, ўзларини қизиқтирган алланени бил-

моқчи бўлгандай, яна уйга қайтиб киришган эди, ўша дамда Арсен Саманчинга шундай туюлди ва у ниманингdir ташвишини ғалати бир тарзда чекаётган қушларни тўйиб томоша қилгиси, чуғурлашларини қайта-қайта эшитгиси келди, аммо Бектур оға уларни ҳайдаб чиқариб деразани ёпиб қўйишни сўради. Сочик билан қушларни ҳайдаб, дераза тавақаларини зичлаб ёпишга тўғри келди. Арсен хона совутгичини ҳам тўла ишга туширди. Бектур оға иссиқда қийналби қолмасин деди.

Лекин бир дақиқа ўтмай қалдирғочлар яна дераза ортида пайдо бўлишди, ойналарга тақалиб пир-пир учишиб, тўхтамасдан чуғурлашди, улар одамларга нималарнидир мъълум қилишни исташаётгандай, ажабтовур ҳаракатлари билан огоҳлантироқчи бўлаётгандай, ўзларига эътибор қилишлини сўраётгандай эдилар.

Бектур оға елкасини қисиб, ўсмоқчилади:

– Нима бўлди экан? Яхшиликками ё ёмонликками? Майли, чалғимайлик. пардаларни тортиб қўй-чи, балки тинчишар.

Дераза дарпардаларини ёпишга тўғри келди.

Амаки-жиян у-бу ишларни яна анчагача муҳокама қилишди, лекин Арсенни сирли қалдирғочларнинг ҳаракатларидан ажабланиш ва ўқинч тарқ этмади. Илгари ҳеч қачон қушларнинг бундай қилиқларини эшитмаганди...

Бектур Саманчин амаки-жиян бафуржা бемалол гаплашиб олишганидан ғоят мамнун бўлди, қариндошигининг сўққабош ҳаёт кечираётганидан ташвишда эканлигини ҳам четлаб ўтмади, Арсен эса ҳамон қалдирғочларни ўйларди.

– Дуруст, дуруст, ишларинг чакки эмас, Арсен, – деди амаки жиянининг кўзига тик боқиб, – баракалла.

Фақат чойинг бўйдоқча. А, хафа бўлма. Гап чойда ҳам эмас. Лекин қачонгача бундай юрасан? Отни қамчилар, жиян. Элини қилганлар беш-олти марта мартадан уйланяпти. Яна телевизорга чиқиб мақтаниб ҳам қўйишади, сен бўлсанг, бир марта қоқилиб, ҳалиям мункиганингча юрибсан. Эр йигитнинг иши бундай бўлмайди, Арсен. Сен ҳали ёш йигитсан, ақлу-хушинг ўзингга етарли, ҳеч кимдан кам жойинг йўқ, отанг раҳматли сен билан фахрланган бўларди, тўғри, ошиб-тошиб ётганинг йўқ, лекин бўйнингни қисадиган жойинг ҳам йўқ. Бутун қариндош-урӯғ тўйингни кутяпти. Мана, мен тайёрман, бир уюр йилқим бор, совчиларга қалин қилиб бераман, хоҳласанг, шаҳарга ҳайдаб тушишади. Кулма. Яхши хотин-қизлар шаҳарда ҳам, овулда ҳам кўп. Биттасини танла. Вакт ўтиб кетмасин... Ўзинг ҳам бу нарсаларни яхши тушунасан, жиян.

Арсен жилмайганча, мамнун бош ирғар, гапнинг нишабини бошқа томонга буришга уринарди. Бирдан амакининг хаёлига бир фикр келиб қолди:

- Менга қара, Арсен, балки анов қалдирғочлар бекор бу ерда учмаётгандир, а? Балки улар ҳам уйингда келин бўлишини хоҳлашаётгандир? Беванинг уйи зимистон! - у ўз ҳазилидан завқланиб, ҳаҳолаб кулди. Аммо Арсен жиддий тортиб жавоб берди:

- Келинлик уйга нима етсин. Кузатиб қўяётиб, яна хаёлан қайтарди: «Келинлик уйга нима етсин!» Бектур Саманчин эса бу пайт амалий бир фикрни ўйларди. Артиб-тозалангач, бутун чиройини кўз-кўз қилиб ярақлаб турган ўзининг жип машинаси ёнида Арсенинг чанг-ғубор босган «Нива»сини кўриб, у деди:

- Кулоқ сол, Арсен, агар ҳаммаси режамиздай яхши ўтса, ахир сен ҳам шундай жип сотиб олишинг мумкин. «Нива»да шунча юрдинг, етар, армонинг қолмади. Со-

нет замонларининг машинаси, если бы ҳам чакки эмас. Лекин ҳамма нарса замонасига қараб, энди сен мана-вундай жипларда юрсанг, ярашади, жиян.

Арсен Бектур амакига раҳмат айтди:

– Раҳмат, бой ака, раҳмат, қани кўраверайлик-чи, жип тоғларда яхши юради, лекин, қани кўраверайлик.
– Ўзи эса ичиде «келинлик уйга нима етсин», деб так-рорлади-да, гапни бошқа ёққа бурди:

– Хўш, Итибой, яхши ҳордиқ чиқардингми? Қойил, дард кўрма ҳеч қачон. Тоғ йўллари одамни уринтириб кўяди, ҳар ким эплайвермайди.

– Э-ҳа, биз Итибой билан не-не йўлларни босиб ўтмадик, ҳисобласа, қанча бўлади, биласанми? Уч юз минг чақирим!

– Уч юз минг қирқ бўлди! – деди Итибой ғуурланиб.

Кейин улар кучоқлашиб хайрлашишди, Арсен жипнинг орқасидан кўлини силкиб қолди, хаёлида ҳамон ўша сўз айланарди: «Келинлик уйга нима етсин!»

Арсен Саманчин сирли қалдирғочларни эслаб ҳамон юраги орзикар, бунинг ўзгача бир маъюс сабаби ҳам бор эди. Буни у ҳеч кимсага айтмоқчи эмасди, кулгили туюлиши мумкин эди, фақат Ойданагина бу воқеани тўғри тушуниб, сурурли бир тарзда талқин эта оларди. Ойдана, эҳтимол, бу воқеани бадий асарга айлантириш, либретто ёки қўшиқ ёзишни маслаҳат берган бўларди. Ўрталаридаги дилтортар сухбатларда у шундай кутилмаган мавзуларни ёқтиарди. Бу севишган кўнгилларни бир-бирига янада яқинлаштиради. Бундай гаплар ораларидан оз ўтганми! Энди эса телефондан ҳам унинг овозини эшитолмайсан. Силлиққина, узунгина «Лимузин»да кетди-борди... Афсус, аксинча, унга сирли элчи қалдирғочларни айтиб берган бўларди. Қизиқ, қандай хабар айтмоқчи эди улар?

Рост, бир неча кундан сўнг буларнинг барчаси унучилиб кетди, Туюқ-Жар тоғларидағи овга тайёргарлик кўп вақтни олар, юмушлар етиб-ортарди, лекин сал кейинроқ, туғилган овулига келгандан сўнг беш кун ўтиб, у ўзининг кундалик дафтарига «Кўринмас эшиклар, ёхуд гирифторлик балоси» деб номланган аламли бадиасини ёзиб қўйди.

Наҳотки, маъсум қалдирғочлар худди мана шундан огоҳ қилмоқчи бўлдилар? Аммо улар буни қайдан билсин? Кулгили. Аҳмоқона. Найранг. Шундай туюларди. Ҳозирча шундоқ эди. Ҳозирча... Лекин шу ёзувнинг Арсен Саманчиннинг кундалик дафтирида пайдо бўлиши келажакдан башорат эди. Ҳозирча осмон ва уфқлар мусаффо, ҳеч қандай ғалва, югур-югур йўқ, зеро, ҳаммаси тадбиркорлик режасида кўрсатилгандек, ўз йўли билан бораарди.

У эса, толенинг ўзига атаб қўйган ёзмишларидан бехабар ҳасрат-надоматга ботиб юрар, Ойданани кўролмаслиги, унга ғалати қалдирғочлар ҳақида ҳикоя қилиб беролмаслигидан маюс тортарди. Нима, айтиб берганда, у дарров югуриб келармиди, қани-қани ўша ажойиб-ғаройиб қалдирғочлар, деб сўрармиди ҳеч қачон?! Бу ғаригина шўрлик эс-хушидан айрилиб қолмаганми ишқилиб?

Бу орада бошқа ғарив бош, ваҳший Жаабарс Узангилаш довони этагида худди афсунлаб қўйилгандай абгор эзилиб ётарди. Нимани кутарди у? Уни нима кутарди?

VI

Икки кундан кейин ўз «Нива»сига ўтириб йўлга тушди. Мўътабар меҳмонлар – амакивачча Ҳасан ва Мисир-

пинг келишига саноқли кунлар қолди. Уларнинг асил тўлиқ исмлари анча узун ва мушкулписанд эди, лекин тўла ёдлаб олмаса бўлмасди, албатта. Аммо ҳозирча Ҳасан ва Мисир дейишининг ўзи етарли эди... Уларнинг овчилик ишқивозликларини дўндириш учун Арсен Саманчин туғилган юртга йўл олган, олдинда Тиёншон гизмалари, олис Туюқ-Жар тоғлари бошланарди.

Йўл узоқ - беш соатча юриш керак. Бу йўл унга яхши таниш, айниқса, машина минишни ўрганиб олгандан бери ундан кўп бора ўтган, лекин шунга қарамай, сафар ҳар гал бир имтиҳонга айланарди; йўл ярмигача асфалтланган, ундан ўёғи тоғ этаклари ёнбағирлари оралаб, адирлар, тик жарликлардан тош-тупроқ устида ўтади. Кейинги пайтларда шаҳар ва унинг атрофалида кўпайган замонавий хорижий машиналар олдида гарчи эскириб, доқиёнусдан қолгандай кўринса-да, «Нива» ҳамон яхши йўл босади.

Ҳозир эса у шаҳарнинг шарқий чеккасидан юриб бораради. Йўл чекка айланма кўчалар, куриб битказилмай чала ётган уйлар, хилват боғу боғотлар, қишлоқлар ичидан ўтиб, илгариги колхоз ва совхозларнинг далалярига олиб чиқади. Ўёғи даштлар, тоғ олди адирликлар бошланади. Улар ортида олисларда Тиёншоннинг буюк қорли тизмалари кўзга чалинади, у ерларда хилват тўқайзорлар ва ваҳимали дараларда дунё тургандан буён йўлбарс ва қоплонларнинг тувишганлари ваҳший илвирслар яшайди, буни кўрингким, эндиға келиб, улар халқаро овчиликнинг назар-эътиборига тушиб, мафтункор ов турига айланиди.

Арсен Саманчин осмон билан ўпишган ўша юксак тоғлар сари, туғилган юрт қайдасан деб, «Нива»да йўл қоралаб бораради. Кейинги йилларда у ёқларга турли тирикчилик баҳонаи сабаблари билан яқин қа-

риндош-уруғларининг дам тўй-ҳашамлари, дам янги ҳөвли-жойга кўчишлари, дам мотам-тавзия маросимлари муносабати билан ўқтин-қайта бостириб келган қайсар, хира, тўхтовсиз қийнайдиган фикр ўртагандан ўртар, ҳар гал у ўзини йўқотиб кўядигандай бўларди. Арсен Саманчин рулда ўтириб ҳам ҳеч тинчланолмас, уни «охирги жавоб васвасаси» (у ўзида доим алангалашиб турган, ўти сира пасаймаган қасос олиш иштиёқни шундай деб агарди) ич-ичидан кемириб борарди. У ўзини ҳеч енгиб ололмаётгани, бу ақволига мувофиқ тушадиган бошқа бир руҳий ҳиссиётни топишга маданияти етишмай, ожизлик қилаётгани, бу қадар ибтидоий ва жўн даражага тушганидан обдан ҳайратланарди. «Бир лайтлар меҳрибон, раҳм-шафқатли одам деб танилган эдинг, – деб эсларди у, – ҳолбуки бунчалар бўш, латта экансан. Ичингни жўндан жўн ҳиссиётлар ўпирялти, бозор мафкураси ҳам менга ёт, мени суриб чиқариб ташлаялти.. Социалистик бебошлиқдан қутулиб, бозор деганига йўлиқдик. Бозор билан тил тошиш масанг, сени ўлдиради. Лекин мабодо сени ўлдирса, сен ҳам ўлдир. Бозор деганимизнинг «охирги қатъий жавоби» мана шу. У сўзда ўз-ўзига таъна-дашномлар ёғдирав, ўпка-гиналар қилар, ўз устидан масхарапаб кулар, бироқ юрагининг тубида ҳеч қандай тавба-тазарру қилмасди. «Охирги жавоб»га тўла ҳақим бор, деб ҳисобларди.

У шундай «Нива»сида тоғ оралиқлари ичкарисига кириб бораркан, афтидан, бор бўлса, худо унугиб ўййган ё ўзлари билиб туриб худони унугтан ўзига ўҳшаган шаҳарлик одамларнинг издиҳомлари тобора узоқлашгандан узоқлашар, юрагини абгор қилган хавотирлар ва дилгирликлар, қайғу ва ҳасратларини ўзи билан элтарди. Эҳ, қуриб кетсин уч карра бу шаҳар Ой-

данани ундан айрган, уни оммавий маданият комига олиб кириб кетган!

Аммо шаҳар Арсен Саманчиннинг ўзини асло кўйиб юбормас, йўл-йўлакай қўлидаги телефонга тинимсиз кўнғироқлар бўлиб турар, уларга гоҳ рулни қўлдан чиқармай жавоб беришга тўғри келар, гоҳида фалокатдан сақланиш учун йўл чеккасида тўхтаб гаплашарди. Кўнғироқлар аксаран ваъдалашилган мақолалар ҳамда сұхбатларни кутаётган турли таҳририятларга тегишли эди. Уларни ёзиб бериш муддатини орқароққа сурар, баъзи ҳаддан ташқари қайсар муҳаррирлар ва телебошловчиларга эса мен таътилга чиққанман, бунга ўзимнинг тўла ҳақим бор, ҳозир уч ҳафтага сафар қилиб юрибман, шу тобда шаҳардан ташқарида йўлда кетяпман, шунинг учун навбатдаги кўрсатувни кейинроққа кўчиришингизни сўрайман, деб жавоб қиласарди. Умуман навбатини кутиб турган бу муаммоларни ўзаро келишиб кечиктиришга эришди. Аммо иккита ёниб-кўйиб турган масала бор экан, уларни кейинга қолдиришнинг иложи бўлмади.

Кўнғироқ қилувчилар телефон орқали бўлса ҳам баҳсга тушунтириш бериш, муҳокамага қўшилишни талаб қилишди. Зотан, унинг долзарб ижтимоий масалалар бўйича чиқишиларига қатор танқидий мулоҳазалар билдирилган, шу боис матбуот ва телешарҳларда дарҳол унинг жавобини бериш заруратга айланган эди. Бундай аҳвол биринчи марта бўлаётгани йўқ, турли масалалар бўйича ўз нуқтаи назарини исботлаб, баҳсга киришган пайтлари кўп бўларди, аммо таҳририядда ўтириб мубоҳаса қилиш – бир бошқа, узоқдан туриб, телефонда фикрларни ойдинлаштириш – у тамоман бошқача. Бироқ бундан қочиб қутулиб бўлмади. У йўл четида тўхташга, масалани ечишга мажбур бўлди. Тे-

лефонда ўзига яқин одамлардан бири «Янги йўл» газетасининг бош муҳаррири Кумош Байсалов унинг жавобини кутмоқда эди.

Улар матбуот ишларида анчадан буён ҳамкорлик қилиб келишарди.

– Менга қара, Кумош, – деди тажанглиги тутиб Арсен Саманчин, – яна қанақа шошилинч иш чиқиб қолди? Сенга айтувдим-ку, мен ҳозир йўлдаман. Қайтиб борай, бафуржга гаплашамиз...

– Хабарим бор, Арсен. Лекин мен билиб қўйсанг дегандим. Медиафорумда чиқиш қилганинг эсингда борми, шу ҳақда...

– Албатта, эсимда.

– ... билсанг агар, бир қанча ўзимизнинг маҳаллий дин арбоблари – уларнинг ичидагиси мусулмонлар, насронийлар ва ҳаттоқи эркин балтистлар ҳам бор – очиқ хат ёзишибди. Мен сенга айтган эдим – қулоқни қаттиқ бурама деб.

– Хўп, ўша илоҳиётшуносларни нима бунча қаттиқ хаяжонга солибди? Уларни оғиз-бурун ўпишишга нима мажбур қилди? Бошқа пайтлар бир-бирларининг бетига қарашмайди...

– Сен ҳамманинг кўз ўнгидаги худонинг борлигига шубҳа билдирединг, ҳамма эшитди буни. Хатда айтилишича, Парвардигорни ўзингнинг «Калом»ининг боғлиқ қилиб қўйибсан.

– Ие, бу қандоқ бўлди? Маъноси борми? Менинг «Калом»имга боғлиқ бўлса, унинг Парвардигорлиги қаерда қолди? Бу тузламанинг заррача тузи йўқ.

– Анойиликни қўй, Арсен. Кўзинг юмуқ эмас. Улар энди сенинг тавба қилишинингни, ўз нуқтаи назарингни оддий янглишиш деб эмас, балки ҳақиқатни атайлаб бузиш деб тан олишинингни талаб қилишяпти.

- Тұхта-тұхта, қайси нұқтаи назар?
- Алматида үтгап медиафорумдаги чиқишинг өсингдадир?
 - Ҳозир үйлаб күрай... У қачон бўлган эди ўзи, ҳув май ойида.
 - Тўғри, йигирма бешидан йигирма еттисигача.
 - Ҳўп, у ёғи нима?
 - Яхшиси ўзинг эшит, уларнинг даъволарини ўқиб бераман.
 - Бўлти, ўқи.
 - Телефонинг ўтириб қолмайдими?
 - Ҳечқиси йўқ. Яна зарядга кўяман.
 - Унда ўқийман: «Шундай қилиб, биз, жаҳон динлари минтақавий марказларининг намояндалари, биргаликдаги муҳокамалар натижасида бир фикрга келиб, айтамизки, таниқли журналист Арсен Саманчин «Евразия» медиафоруми конференциясида тарихнинг кўчманчилик – номад даврига оид гўёки фалсафий, аслида ибтидоий асари матнига суюниб, ундан иқтибос келтириб, шаккоклик қилганини қоралаймиз, бунга қарши ўз норозилигимизни билдирамиз, ушбу шаккоклик моҳиятан даҳрийликдан кўра ҳам хатарлироқдир». Ҳей, эшитяпсанми сен?
 - Эшитяпман, эшитяпман.
 - У ёғи сендан кўчирма келтирилади. Айтмоқчи, өсингдами, конференциядаги барча чиқишлилар ТВ орқали кўрсатиб борилган эди? Пича шошмай тур, ҳозир сен ўшанда айтган сўзларни ўқиб бераман. Улар буни ўз хатларида келтиришган. «Эҳтимол, шу билан бирга менда ҳозирги ОАВларнинг чинакам умумжаҳон миқёсидаги аҳамиятига ўзига хос ёндашув, ўзига хос англам туғилар. Шунинг учун мен даврнинг шаклланиб келаётган ахборот маконларининг кундалик долзарб аҳа-

мияти ҳамда масъулиятини эслатиб ўтиш билангина чекланиб қолмай, сўзнинг ўз-ўзича универсал қимматини ҳәқиқий маънода англаб этиш учун бу ерда кўҳна мажозларга мурожаат этишни лозим кўраман ва бундай тушунишни узоқ ўтмиш замонларнинг кўчманчи донишмандларидан мерос оламан. Хусусан, номад даврига оид қозоқ-қирғиз шеъриятининг салмоқдор бир ҳикматини мисол келтириб ўтаман, инчунин, у жаҳондаги ҳукмрон динларнинг ақидалари вужудга келмасдан анча олдинроқ айтилгандир. Унинг таржимаси шундай: «Сўз самоларда Худони боқади. Сўз Коинотнинг сутини соғади ва у сут бирлан авлод авлодлар оша, замон замонлар оша бизни боқади. Шу сабабдан ҳам, Сўздан ташқари на Худо, на Коинот мавжуд, ва оламда Сўз кучидан ортиқ куч йўқ ва дунёда Сўз алангаси ҳарорати ва қудратига тенг аланга ҳам йўқ». Ушбу қиммати умумий ҳикмат ўша замонларнинг кўчманчи билгичлари, ўша замонларнинг дэёга от устидан туриб қараган баҳши-оқинлари томондан айтиб келинган».

– Хўш, муллаларимиш ва попларга бу ерда нима ёқмабди?

– Уларнинг бир оғиздан айттаётган гапига қараганда, қандай қилиб бутун омма кўз ўнгида, ТВда худони бундай очикдан-очиқ сурбетларча инкор қилиб чиқиш мумкин?! Тушундингми буни?

– Ҳа. Тўғрисини айтсам, улар бунчаликка борар, деб ўйламаган эдим. Ҳар ҳолда кенгроқ фикрлашар дегандим, лекин моҳият эътибори билан мен ўз фикримда тураман.

– Хўп, унда айт, биз нима қилайлик?

– Нимани лозим кўрсангиз, қиласверинг.

– Маъқул, Арсен, сен йўлда бўлишингга қарамай қўнғироқ қилаётганимнинг сабаби шуки, биз диндорларимизни қўллаб-куватлаймиз ва дарҳол уларнинг

хатларини биринчи саҳифада чиқарамиз. Сен ҳам уни гүфри тушун, сен билан қайта қуриш пайтидан бери кўлни қўлга бериб ишлаб келяпмиз, бироқ биз агар ҳозир шу ишни қилмасак, газетамиз молиявий кўмакдан маҳрум бўлади. Бизга буни шама ҳам қилишди, очик ҳам айтишди. Фидирагимиэни ким тешиб қўйишини эса ўзинг яхши биласан.

– Билгандা қандоқ. У ёлғиз сизни «тешмайди», кўп ўтмай бутун маданиятни «тешадиган» бўлади. Бутун даромад унинг қўлига ўтади, ҳамма ундан яшашга ижозат сўрайди.

– Демак, сен биздан хафа бўлмайсанми?

– Йўқ, заррача ҳам. Босавер. Мен ўз нуқтаи назаримни ҳимоя қилиб чиқаман. Ҳақиқат ўзига жой топади.

– Хўп, о’ кей! Арсен, мен ошиб-тошиб ётганим йўқ, тушун, шунинг учун... Эсингдами, сенинг олдинги мақоланг ҳам «тешарлар»га ёқмаганди.

– Қайси мақола?

– Россияда чиққан эди-ку.

– Э-ҳа, ҳа.

– Сарлавҳаси ҳам жуда ўткир эди – «Бойлик ва ҳокимиятга телбаларча интилиш!» Ана мақола! Тош давридан бизнинг кунларимизгача...

– Ҳа, чиққан эди шундай мақола, – деб қўя қолди Арсен Саманчин гапни чўэмай, ўзи эса ўша мақола ўз вазифасини бажаргани, маълум тоифаларда норозилик уйғотгани ҳақида ўйлади. Мана, дин арбобларини ишга солишиди, уларнинг авжлари келиб, бош кўтаришди. Буларнинг барининг орқасида яна ўша Эртош Курчал деганимиз турибди. Арсен бунга шак-шубҳа қилмасди.

– Бўлти, Кумош, – деб қўшиб қўйди у қўл телефонини чакаги остига босиб, – ўйлаб кўраман тағин. Энди йўлга тушишим керак. Кўришгунча, Кумош!

– О’ кей! Арсен, сенга ақл ўргатолмайман, лекин атрофингда қўзғалаётган гаплардан сергак бўл. Хатни чиқарамиз. Бошқа иложи йўқ. Диндорлар бизни тинч кўйишмайди.

– Уларнинг нимаси диндор? Ҳаммаси мунофиқ!

– Айтдим, кўйдим. Ўзинг тоғда туғилиб ўсгансан, қаерда кўтарилиш, қаерда қиялик, қаерда жарлик эканини биласан. Оқ йўл...

– Раҳмат. Хўп, хайр, – деб жавоб берди Арсен Саманчин ошинасининг бу тилаги нимани англатишини ўйлаб, йўлда эҳтиёт бўл демоқчими ё бошқа мухимроқ ҳаётий гапми?

Кейин таҳририятлардан яна икки марта қўнғироқ бўлди, аммо улар бош қотиргудек эмасди...

Машинасига мой қўйдириб олгач, Арсен тоғлик айланма йўлларга кирди. Йўлда дам кўтарилиб, дам қијалаб пастга тушишларнинг ўзига яраша завқи бор, икки ёнингда гўзал манзаралар очилади, аммо рулда ўтирганда, ниҳоятда ҳушёр бўлиш керак, машина ҳам қийналади. Бутун дикқатини машинани ҳайдашга жамқилиб, Арсен Саманчин шу билан бирга ўзининг медиафорумдаги чиқиши матбуотда бир ёқлама, фаразли талқин қилинаётгани ҳақида ранжиган кўйи ўйларди: у турли анжуманларда кўп бора мунозарали чикишлар қилган, лекин мана бундай атай уюштирилган таъқиб-тазийикқа биринчи учраши. Ва бу намойишкорона қўрсатиб қўйиш мақсадида адо этилмоқда. Арсен Саманчин ҳеч ким билмайдиган, кўнглига тугиб қўйган ўша қўрқинчли ниятини амалга оширишни кечиктириб, иш билан йўлда кетяпти, анави ошиб-тошиб ётган давлати атрофидаги бор нарсаларни эзib-босиб ётган, бошқаларнинг бошита тушган фожиалардан чайқовчиларча фойдаланадиган кимса эса, уни таъқиб қилишни

кўймайди, чалиб йиқитишни кўзлайди. Ундоқ бўлса, у ҳам бўш келмайди, араб меҳмонларнинг ови тугагандан сўнг, пайсалга солиб ўтирумайди...

Оғир ўйлардан қутулиш осон эмасди. Йўлга тушганига тўрт соатлар бўлиб қолди, борган сари кўз ўнгига болалиқдан таниш, қадрдан манзаралар ястанарди, илгари вилоятда энг йирик колхоз хўжалиги ва катта овул бўлган, ўзи туғилиб ўсган Туюқ-Жарга бир соатлик йўл қолганди. Арсеннинг бошида эса ҳамон ўша азобли ўйлар айланарди. Қизиқ, у макон ичра қанча узоқлашиб бормасин, ўзини ҳар томондан тутиб олган, иродаси мустаҳкам, эс-хуши жойида бўлган қап-катта одамга ярашмайдиган, бамисоли йиғлоқи болаларча бир истак уни тўхтовсиз тарзда таъқиб этарди: у ҳозироқ, мана шу ернинг ўзида бир зум ҳам кечиктирмай Ойдана билан кўришиб, гаплашишни хоҳларди. Қанийди бу мумкин бўлса! Туғилган овулига бирга кириб борсалар накадар соз эди, рулда ўтирганча унга ҳаммасини ҳикоя қилиб берса, қаерга, нимага кетаётганлигини айтса, оҳ, қандай яхши!.. Йўлга чиқишдан олдин унга қўнғироқ қилиб тушишга уринди, гарчи бунинг мутлақо иложи йўклигини билса-да, унинг «Алло!» деган сасини эшитгиси келди, афсус-надоматлар бўлсинки, йўлга чиқяпман деб, бир оғиз илиқ сўз айттолмади – бунга унинг эндиги ўзгачароқ тақдирни изн бермади, зоро, бу тақдир энди тамомила энг аъло томошалар яратувчи ўша шоуменга тобе бўлиб қолганди... Мана шу пароканда тўзғиган хаёллар ичидан унга фақат Ойданани шу ерда, ёнгинасида деб тасаввур этмоқ ва хаёлан суҳбат қурмоқ иштиёқигина муяссар бўла биларди.

Ўшанда у Арсенга елкаси тегиб ўтиргандай туюларди. У шоён диққат билан ўтирас ва бениҳоя чиройли эди, унинг чиройли бўлиши ҳам табиий, ахир ҳар қан-

дай аёл учун чиройли бўлиш – тирикликнинг бирдан-бир шарти, одам болалари ҳаётининг йўриги шундай бўлиб келган. Ортиқча камтарликка ҳожат борми, Ойага, ҳақиқатан табиат гўзал ҳусну малоҳат ато этган, бўй-басти, қадди-қомати, гулдай чеҳраси, қоп-қора киприклар аро чақнаб турувчи тархи чиройли кўзлари, калта кестирилган, елкасига тўкилиб турадиган, дам орқага тараалган, дам тароватли икки бетини ёйдай ўраган соchlари! Овози-чи?! Унга шундай тиник, ўткир, гўзал овозни ато этмиш Аллоҳга чексиз ҳамду санолар бўлсин! Шундай эмасми, Ойа? Оҳ, кечир мени, буни эслатиб ўтиришнинг сира ҳожати йўқ. Биламан, биламан, айборман, ҳакирман, маъзурман. Ахир сен корчалонлар кўлига тушдинг: Мен девонани эса зору саргардон этдинг. Лекин буни кейин айтаман...

– Тўхта! Қаёқقا? – титраб талпинди Арс. Лекин нозанин ёнидан гойиб бўлган эди...

Огулда қанчадан-қанча қавму қариндошлар кутишялти. Оиласи, темирчи почкаси, қариндош тоғевачча, холавачча, аммавачча, амакиваччалар, жиянчалар, уларнинг бошида унинг келишини пойлаб соатлар, дақиқаларни санаётган оқсоқол Бектур оғанинг ўзи; вақт тифиз, араб кўноқлар беш кундан сўнг етиб келишади, кунлари, соати аниқ – ўн еттинчи июль соат ўн еттида шахсий тайёра Авлиётага қўнади. Барча масалалар аэропорт хизматчилари билан бирга интернет орқали келишилган, бир тўда қоғозлар тахланган фақат учб қетиш вақти очиқ турибди. Бу вақт ичидаги самолёт экипажи билан бирга аэропортда – Бектур оға лафзи билан айтганда «аэропортда» – бўлади (айтмоқчи, араблар учун шахсий самолёт деган нарса худди сен шахсий «Нива»нгни мингандай бир гап), қисқаси, барчаси бизнес-лойиҳа бўйича ҳозирлаб кўйилган. Арсен

на, мана боряпти ўз «Нива»сига миниб, ростакамигали, ёлғондакамигами, худо билади... Бирдан нозанин жана ёнида пайдо бўлди...

- Қаерга кетяпсан, йўл бўлсин, Арс? – сўради у.

- Оҳ, узр, Ойа, – деди кутимаганда айланиб кетган машинанинг рулини тез буриб тўғриларкан Арс, – сенга қўнғироқ қилиб, ҳеч ололмадим. Сен бугун Хайделберг боғида кийиб чиққан кўйлагингни кийибсан-да, эсингдами? У сенга жуда ярашади.

- Уни сақлаб кўйганман. Сен учун ясандим-да, Арс.

Шунда Арснинг овози ўзгарди:

- У ёққа боряпмиз – бу ёққа боряпмиз, лекин, кел, жиддий гаплашайлик. Нимадир қилиш керак, Ойа.

- Хоҳдайсанми, майли, гаплашайлик.

- Сенга ёмонлик соғинмайман, билиб қўй: охири чатоқ бўлиши мумкин. Сенинг ҳаётингга бунинг алоқаси йўқ, бироқ...

- Нима ўзи, нима? Сенинг ҳаётингга дахли борми?

- Фақат мен эмас.

- Нима бўляпти, Арс?

- Қараб турсам, сен ақлли, кучли, чиройли аёлсан. Илоҳий мусиқа жўрлигида куйлашинг учун сенга илоҳий овоз ато этилган. Лекин сен Худонинг хоҳишини оқдайсанми? Энди сенинг худойинг бошқа, у бизнес-худо, унинг оти Эртош Курчал, Курчал-Мирчал – лаънат бўлсин унга! Оддий семираётган бой бўлса ҳам майлийди, ўз ҳолига Эртош Курчал бўлиб юраверсин эди. Аммо у шоумен – томошабон тўнидаги шайтон. У ўз қўлига кирмаган ҳамма нарсани ёмон кўради. Дарров пайқадим буни, кимлигини билиб олдим...

- Кўзингга қара, Арс!

- Хавотир олма, Ойа, ҳаммаси яхши бўлади.

- Ишқилиб яхши бўлсин. Бир пайтлар мақтанаардинг - рулда менга тенги йўқ деб.

- Балки шундайдир. Аммо галим чала қолди, сен кулоқ сол. У ваҳший мақоламнинг ҳидини олган: «Бойлик ва ҳокимиятга телбаларча интилиш» мақолосининг номиданоқ кимни назарда тутганимни сезган, мақола Московдаги газетада босилган эди.

- Мен ҳали ўқиганим йўқ, Арс. Лекин, айтишларича, унда ҳеч кимнинг номи тилга олинмаган экан.

- Ҳеч кимсани тилга олиш ниятим ҳам йўқ эди. Зарурат бўлмади. Унда гап замонага умуман хос бўлган бир масала – бойлик ва ҳокимиятга интилиш қучайганилиги устида боради. Дарвоқе, фарқи йўқ – ҳокимиятни тўғридан-тўғри эгалладими ёки уни пулга сотиб оладими, – униси ҳам, буниси ҳам ярайверади. Нафас олиш учун ҳаво керак бўлгандай, ҳокимиятга ҳам бойлик, пул керак, демоқчи эдим. Бойлик, пул эса ҳокимиятни талаб қиласди, нафас – ҳавосиз бўлмагандай. Ҳаёт шундай қурилган. Бойлик ва ҳокимият бири-бirisiz яшолмайди. Бойлик воситасида ҳокимиятпастлиқка ва аксинча, ҳокимиятпастлик орқали бойликка ружу қўйишнинг хавфли томони шундаки, бунда мақсадга қандай бўлмасин, ҳар қандай йўл билан бўлмасин эришилади. Бунда ҳар кимнинг пешонасига битилгани бўлади: кимдир роҳат-фароғат топади, бошқаси қарғишилар остида гўрга киради. Анов нусханг қурғур дарров сезган мақолада унинг асл баشاраси очиб ташланганини...

- Вой, Арси тушмагур, сенга қолса нуқул лекция ўқисант. Яххиси, йўлдан кўзинтни узма, рулни ҳам маҳкамроқ ушла!

- Ташвиш қилма. Менимча, сен ўзинг тезда ишонч ҳосил қилассан: бойлик ва ҳокимият бу – қўшалоқ туғилган чақалоқ, улар она курсоғидаёқ чатишиб кеттган.

- Нима, социализм яхши демоқчимисан? Унинг нималигини бошимиздан кечирдик шекилли?
- Гап бунда эмас.
- Нимада?
- Гап шундаки, сен билан биз бозор илоҳларига келтирилган қурбонлик бўлдик. Сен бунга нима дейсан?
- Ўзинг биласан-ку! Мени мажбур қилма, Арсен..
- Нега жим бўлиб қолдинг? Хафа бўляпсанми?
- Менга қара, тўхтат машинани! Бўлмаса ўзимни йўлга ташлайман. Бас! Менга осон деб ўйлайсанми? Ҳаммасини ўзинг мендан кўра яхшироқ тушуниб турибсан. Масала кўндаланг қўйилган: ё мен юлдуз узанисида поп-шоу-бизнеснинг кент майдонларига от қўяман, ё романтизмнинг йиги-сифисини қилиб, куним тиланчиликка қолади! Юрагимни парчалама, биласан-ку, кекса ота-онам ҳатто нафақа олишмайди, қизчам бўлса уларнинг қўлида қолган. Уни бегоналар қўлига беришни истамайман, менинг эса вақтим йўқ, иш бошдан ошибб-тошиб ётибди. Биламан, мени ўйлайсан, қайгурасан, биламан, ҳалиям Мангу қайлиқнинг дардидаги юрибсан. Лекин сен ёлғиз ўзинг хаёлпарастлик қилиб юрсанг, мен нима қилишим керак? Йўқ, йўқ, сен билан биз, йўқ...
- Йўғинг нимаси? Нима деяпсан?
- Биз бошқа кўришмаймиз.
- Нега?
- Қулоқ сол, мен сенга шармсиз бир хотин бўлиб кўринишм мумкин, лекин энди айтмай иложим йўқ. Сўз бошқа, иш бошқа. Сен дунё яхши қурилмаган деб, бир ўзинг дард чекиб юрасан, сенга ўхшаб дод-вой қилиб юрувчилар кўп. Анавининг эса, бизнес-ҳарами бор, унда мен кабилар оз эмас. Пул кўрсатса, ҳамма унинг олдига жон-жон деб чопиб боради, яна қачон чақираркан

деб, кутади. Түғри, сен эстрада ва лимузинлар хукмдорини ёқтиirmайсан, у билан чиқишолмайсан, хўп, нима бўлибди? Бирор танимас одам эди, энди доврути дунёга кетди! Бизнес уни кўкка кўтарди. Куч-қудрат унинг кўлида. Бор гап шу!

- Ҳа, рост, Ойдана, гап бор-йўғи шу! Сен ҳақсан. Бошқа гап сиғмайди. Ҳаммаси рост. Лекин менинг таслим бўлғанимни у кўрмайди. Сен ҳам тезда кўриб қоларсан, шуни деб кетяпман олиста. Сенга нима бўлди? Ўкинма, қўйма. Айборд сен эмас, сени ўзиники қилиб олган бозор иқтисоди! Унинг худоси – пул. У эгалламаган жой йўқ. Куйинма. Шошма, сен қаёқقا? Шошма ахир? Қанисан? Қайдасан?

Аммо аёлғойиб бўлди. Ойдана Самарова ўзи билан ҳозиргина ёнма-ён ўтиргандай ва гўё ростдан ҳам, машинадан сакраб тушиб кетадигандай ва кўз очиб юмгунча йўқоладигандай, Арсен ҳеч нарсани тушунмай, ўгирилиб аланглаб қаради. Ниҳоят ҳушини йигишириб, манглайига бир урди, лабини қийшайтириб кулиб, бушини чайқаб-чайқаб йўлида давом этди, одатдагидай ўзини хаёлпарастликда айблади, хаёлоти дунёсида рўй берган ҳодисага ишониб-ишонмади. Аммо онгода рўй берган бу рўё талашуви, ўртада бўлиб ўтган баҳснинг бош айбори адоксиз, мастона муҳаббат ва соғинчнинг ўкинчли алами эди. Унинг хаёлида юз берган ақл бовар қилмас ҳодисалар қанчалар бемаъни ва кулгили бўлиб туюлмасин, дунёдаги бирон бир тирик жон унинг юрагидаги тутунни билмас, у ўйлаб қўйган ишдан мутлақо бехабар эди. Ҳеч ким... Билганларидан кейин эса... Лекин муҳими бу эмас, машойихлар айтмоқчи, бу бошқа масала... Нариги дунёда ҳатто ғанимлар ҳам қўл бериб кўришармишлар ва бир-бирларини кучоқлаб бағирла-рига босармишлар, машойихлар шундай демишлар...

Бу орада Арсен Саманчин тоғлардаги туғилган овултунга яқынлашар, Туюқ-Жарга тикка күтарилигандан борар, шифер ёпилган таниш томлар, овулнинг томорқалари, четанларига термилиб кўзи кувонар, ҳаяжонланар, ҳозиргина хаёлида тўзғиган рўёлар ўйинларини унуган, ахир бу ерларга келмаганига ҳам ярим йил бўлди, мана энди ночор, қашшоқ бўлса ҳам, ўз қадрдан овултунга тўрт мучаси соғ-саломат кириб келяпти, бундан сал олдин кўшни овулда, йўл айрилишида машинасига ёқилғи тўлдириб олди – зеро, бу ерларда тўла бак билан юриш ҳам жуда муҳим эди.

Албатта, уни бу ерда кутишаётган эди. У машинасида ҳовлига кириб боргандан, опаси Қадича ва жезнаси Ўрмон уй ичидан югуриб чиқиб, уни қучоқлаб узоқ вақт бағирларидан чиқаришмади (темирчидан қизиган темирнинг ҳиди келарди), опаси бир пас кўз ёши қилди, ит савдо-сотигидан норози эканлигини ҳам эсидан чиқариб, Ардакнинг ҳол-аҳволи, бола-чақасининг омон-эсонлигини сўради. Ҳамма шод, хурсанд эди. Қариндошлари у араб миллиардерларига тилмоч бўлиб келганлигини билишарди. Беш дақиқалардан сўнг Бектур оғанинг ҳам қораси кўринди, афтидан, кутавериб унинг кўзи тўрт бўлганди, буни ҳам тушуниш мумкин, зотан Арсен Саманчиниз у ўзини кўл-оёғини йўқотгандай сезарди. Бектур оға отда ўтирас, елкасида ёшинчиқ, оёғида этик, бошида учлик оқтумоқ, отлиқ, йўл юришга шай эди.

- Арсен, сени кутаётган эдим, ўз вақтида етиб келганинг хўб бўлди, - деди у овозини бўғзидан чиқариб.
- Иш кетялти, ҳамма тайёр. Узоқ кутган мўътабар меҳмонларимиз факс юборишган экан, кўриб берсанг, деб келтирдим. Эртага ўқиб, таржима қиласан. Бугун бемалол оёқ-кўлингни чигилини ёз, дамингни ол. Иш деганинг қайнаб ётибди...

Яна бирпас гаплашиб ўтиришди, чой ичишди, опаси ҳаммасини бадастир қилиб кўйган экан, орада уни кўргани қўни-кўши nilар чиқишиди. Кўча-кўйдан болалар чопқиллашиб киришар, «Нива»ни айланиб томоша қилишарди. Айниқса, бир синфда бирга ўқишган болалик дўсти Тоштанафғон билан кўришиб қолгани унинг учун кутимаган суюнчи бўлди. Унинг ҳақиқий исми Тоштанбек бўлиб, Афғон урушида уч йиллик абордикдан сўнг уни овулда Тоштанафғон деб чақиришар, уйда эса ундан ҳам қисқароқ қилиб Тошафғон дейишарди, урушдан у бир неча жойидан енгил ярадор бўлиб, кўксига нишон тақиб омон-эсон қайтганди. Унинг номини таржима қиласиган бўлсак, «Тошдек қаттиқ афғон» деган маъно чиқади. Тоштан – «вужуди тошдай қаттиқ» дегани. Тош ёдгорлик, дейишади: Тошдан ясалган ёдгорлик маъносида. Тоғлик қирғизларда кўп тарқалган исмларнинг маънолари ҳам шунга ўхшаш: Темирбек, Темирхон, Темиркул... Темирдай мустаҳкам, енгилмас бўлсин деб орзу қилишган, албатта. Еру само рамзиётларига асосланиб, ота-онаси томонидан яхши ният қилиб берилган бу исм унинг ўзига ғоят ярашган эди (у ҳақиқатан ҳам, тошдай маҳкам, азамат йигит эди, ўсмирлик чоғларида овулнинг полвонлари билан курashi тушиб, бел олишиб юрарди), мана энди овулдошлар унинг хурматини жойига қўйиб, Афғонистоннинг ваҳший тоғларида ўтган жангларда не-не синовларни бошидан кечириб, роса тобланган жангчи йигитни Тоштанафғон деб чақиришарди. Арсен Саманчин билан икковлон болаликдан оғайни, мактабдош, сабоқдош, уруғдош эдилар. Кейин йўллар айрилди. Арсен ёшлик йилларини Москов, Ленинградда ўқиб, талабаликда ўтказди, шаҳарлик бўлиб кетди. Тоштанини ҳарбий хизматга чақириб, пиёда қисм билан бирга Афғонистонга

жўннатишганди, у вилоят қишлоқ хўжалик техникумнинг агрономия бўлимини битираётган эди. Худога шукурки, ватанига омон-эсон қайтиб, ўз колхозида қолиб ишлади, орада қайта қуриш даврининг ўзгаришлари бўлиб кетди. Қишлоқ жойларда ерларни хусусийлаштириш бошланди. Тоштанафғон барча юртдошлари каби майда қишлоқ хўжалик юмушлари билан шуғулланиб, тўғрисини айтганда, кун ўтказиб, базўр тирикчилик тебратиб юрди, ўша пайтлар ҳамма ёқда аҳвол шундай эди, олис қишлоқ-овулларни-ку, асти қўяверасиз. Опаси овулдошлар уни қандай соғиниб кутишаётганини сўйлаб берганда, Арсен Саманчин мана шуларнинг барини бирма-бир эслади.

– Барча яқин қариндош-уруглар сени кутишяпти. Тоштанафғон уч марта келиб кетди. Сени сўради.

Арсен ҳамма билан кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашишга базўр улгуарди. Кўшнилар ва Бектур оғани ҳисобга олмаганди, барча овулдошлари унга одатдагидай бой ака деб эмас, замонавийроқ қилиб «шеф» деб мурожаат этишарди. Кўп ўтмай Тоштанафғон ҳам қадам ранжида қилди. Кучоқ ёзиб кўришдилар. Жуда хурсанд эдилар. Кўришмаганларига икки йил бўлганини эслашди.

– Шаҳарликларнинг ҳар бирининг кўлида телефон, хоҳлаганича гаплашади, – деб мулоҳаза билдириди Тоштафғон. – Бизнинг эса телефонларимиз йўқ, қачон бўлиши ҳам номаълум. Яхшиямки, овулга электр келган, шўро замонидан хотира. Кўл телефони эса фақат хўжайнинг унинг икки ёрдамчиси Бўрибий билан Жонарбекда бор, сен уларни танийсан, бирга-бирга мактабга қатнардик.

– Ҳа, биламан уларни, – деб жилмайди Арсен ва бир чеккаси эски ошнасига далда бергандай бўлди: – Кўл телефони ҳақида оғиз очдинг, араб хонзодалари билан овни ўтказиб олайлик, сен ҳам, албатта, қуруқ қолма-

санг керак. Шефимиз Бектур оға шаҳарга тушганда сени барсларни белгиланган жойга ҳайдаб борувчи-ларнинг етакчиси, деб айтди. Қояма қоя юриш, жарлик-лардан ўтиш, бор овоз билан қичқириб шовқин-сурон солиш ҳазил иш эмас. Бектур оға сени жуда қадрлайди, Ағонда тажриба орттиргансан. Улушкинг ҳам шунга яраша, ёмон бўлмаса керак. Кўл телефонга ҳам, бошқа нарсаларга ҳам етади. Барслар тузоққа тушса бас.

Тоштанафғон елкасини бетайин қисди:

- Кўрайлик-чи, нима бўларкин, яна ҳали гаплашамиз. Арсен, гапидан кулмагину, лекин қор барслари тоғларимизда кам қолган, жуда ноёб, болалигимизда бизга қанча эртаклар айтишган бу қоплонлар ҳақида, кўл телефонлари эса шаҳарларда қоп-қоп картишкадай сероб. Ҳар кимнинг дарди бошқа.

- Гапинг асли тўғрику-я, – унинг фикрини маъқуллади Арсен Саманчин, – аммо поезд ўз изи билан бораверади. Ҳали ўзинг кўрасан, бу энди эртакка ўхшамайди, барсларни араб овчиларининг олдига ўзинг ҳайдаб келасан. Ҳозир бу жуда катта бизнес.

- Ҳа, албатта, бизнес зўр. Гап йўқ.

- Оқсоқол Бектур оға ҳайвонларни беш киши ҳайдайди, деб айтди. Сен уларнинг бригадири экансан. Ҳамма ўзининг отида бўлади, отга алоҳида ҳақ тўланади.

- Рост, биз беш кишимиз, – тасдиқлади Тоштанафғон. – Отларимиз ҳам чидамли. Фақат инсон қадами етмаган тоғ-тошлар, қор-қоялардан ҳайдаб борилади, узангисига алоҳида тўланса бўларди, бизнес бўлғандан кейин бизнес-да. Майли, эртага кўришамиз.

- Хўп, эртага кел.

Аммо Тоштанафғон ҳовлидан чиқаверишда нимадир айтиш эсидан чиққандай ўйланиб, тўхтади. Кейин орқасига қайтди.

- Арсен, шошма, бир гап қолиб кетибди.

- Хўп-хўп. Айтавер, қулогим сенда.

- Четга чиқайлик. Биласанми, сен бизнинг ўз одаммизсан, биз ҳаммамиз шу ерданмиз, туюқлилармиз. Арабларга нима - тоғларимизда ов қилиб, кейин жўнаб кетишади, биз нима қилишимиз керак - шуни йўлайлик. Биз бешовора ҳайдовчилар сен билан бирга ўтириб дилдан бир гаплашмоқчи эдик. Яна қачон бундай кўришадиган пайт келади? Айтмоқчи, оқсоқол сенга от ҳозирлаб қўйишимизни буюрди, сен ҳам араб қўноқлар билан бирга от чопасан-ку. Отни сенга зўрини танладик, кўрасан ўзинг, эгар-жабдуғи ҳам ўзига ярашган - ҳаммаси тахт. Оқсоқолнинг гапини ерда қолдирмаймиз! Ана шу отингни ҳам сенга кўрсатамиз, ўзинг миниб синовдан ўтказасан, орада чой-пой ҳам ичамиз...

- Жуда соз, Тошафғон, мен ҳам сизларни соғинганман. Қачон дейсан? Вакт жуда тифиз экан. Оқсоқолга ҳам айтиб қўйишимиз керак.

- Ана кўрдингми? Эртага вақтинг қандоқ? Араблар ўн еттинчиди келишади, бугун ўн иккинчи, кун охирлаб қолди. Эртага кўришганимиз маъқул, бўлмаса, ултурмаймиз. Тоқقا чиқиб кетамиз. Бош қашигани вақт бўлмайди. Эҳ, бор-йўғи иккита араб келади-ю, биз бутун овл овора бўлиб юрибмиз... Бўпти, кутамиз, сени чўпон йигитлар кўзлари тўрт бўлиб кутишяпти.

- Яхши, мен оқсоқолга ҳам айтиб қўяман.

- Айтиб қўявер. Лекин фақат шундай бир синфда ўқиган ошнам билан кўришаман, деб айт. Аммо дастурхон ёзмаймиз, бу кейин, йигитлар шундай дейишиди, еб-ичишни кейинга қолдиришди, ҳозир муҳимроқ ишлар кўп.

- Ташвишланма, Тошафғон, мен ҳам ичкилилкка ишқивоз эмасман (яқинда «Евразия» ресторанида бир

стакан түлдириб арақ ичганини айтиб мақтамоқчи бўлди-ю, яна бунинг орқасида ким турганини эслаб, ғазабдан тилини тишлади). Биз ҳаммамиз тенгдошлармиз, бир мактабда ўқиганмиз, ўтириб гаплашсак, арзиди.

- Рост айтасан Арсен, йигитларимизнинг бирори – собиқ ўқитувчи, сен уни биласан, бирга ўқигандик – оти Саксон. Эсингдами, уни Саксагай – пахмоқ соч деб чакирадик. У билим юртини битириб, жисмоний тарбия муаллими бўлиб юрган эди.

- Э, албатта, эсимда.

- Ана ўша Саксон Саксагай йилқи боқиб юрибди, ўқитувчиликнинг пулига кун кўриб бўлмайди.

Арсен нима дейишини билмади, индамай қўя қолди. Тошафғоннинг тили эшилди:

- Саксон жуда яхши инсон, аммо ҳаёт уни анча пий-палади. Дайди чайқовчи бўлиб икки йил сарсон бўлди. Ичida дарди кўп. Кел, бирпас ўтирайлик манави ўриндиқда. Икки оғиз Саксон ҳақида гапириб берай, шошилмай эшишт.

- Майли, ўтирайлик. Айтавер.

- Саксон бир ҳангомани айтиб юради. Ишонмасанг, қасам ичишдан ҳам тоймайди.

- Нима ҳангома экан?

Тошафғон бир оз жим қолиб, жавоб берди:

- Бу чайқовчиларнинг бормаган жойи, кирмаган тешиги йўқ. Саксон ҳам кўп балоларни эшитган шекилли, ўзидан қўшиб-чатиб гапириб юради. Араб мамлакатларидан жуда норози бўлиб гапиради, бу амирликлар қора мойнинг орқасидан жуда бойиб кетишган, жаннатда яшагандай ҳаёт кечиришади, дейди. Текин қора мойнинг устида ўтириб, дунёда унинг нарх-навоси тобора кўтарилиб бораётганидан қутуриб кетишияпти,

ернинг қонини сўриб, меҳнат-машаққат қилмай битиб
стишибди, дейди.

– Э, буни ҳамма билади, ҳозир бутун дунёда шу гап, –
деб қўйди Арсен Саманчин. – Нефтдолларлар ҳаммадан
устун чикялти.

– Ўзи ҳам шундайку-я. Ўша араб бойлари бошка-
ларнинг тушига ҳам кирмайдиган ҳар хил ишларни
қилишапти-да. Биласанми, улар энг қимматбаҳо авто-
машиналарнинг пойгасини қилишаркан. Яна қаерда
дегин? Саҳройи Кабир кумликларида.

– Саҳройи Кабир дейсанми?! – ажабланди Арсен. –
Эҳ-ҳа! Бунақасини эшитмаган эканман! Тоғларда, қум-
ларда, қийин шароитларда пойга уюштиришади, бу-
нинг ўз ишқивозлари бор деб, эшитардим, бу улардан
ҳам ошиб тушган шекилли.

– Кошки шунинг ўзигина бўлса! Арсен, кўрган одам-
ларнинг гаплари бўйича Саксагай бизга айтиб берди,
ТВда ҳам кўрсатишди – ишонасанми-йўқми, жинни
бўлиб қолаёздик! Кўзимиз косасидан чиқиб кетди. Бу
пойгачилар жипга шунчаки минмайдикан. Яна қандай
жиплар дегин, бунақаси ҳали бизда йўқ, ҳатто оқсоқо-
лимизнинг жили ҳам Амирликданми, Кувайтданми,
олиб келинган бўлса ҳам, лекин бунақа эмас. Ана шу
пойгачилар десанг, ўзларининг супержипларига ўти-
риб олиб бош-кетига қарамай барханма-бархан ошади,
– бизда уларни «чўққи» дейишади, – дам тикка пастлика
учиб тушишади, дам яна қум чўққисига учеб чиқи-
шади – худди анави тахта устида денгиз тўлқинларида
юргургандай. Нима деб аталарди ўша тўлқин устидаги
тахта ўйин?

– Серфинг шекилли. Хўп, кейин-чи?

– Шу десанг, финишга энг охирида етиб келадиган
жип улар назарида омадсиз саналиб, уни жазолашар

экан. Улар омадсиз жипнинг устидан бензин қуиб ха-
xo-хахо қилишиб, эрмакка ёқиб юборишар экан. Ўзлари
сакраб рақсга тушиб, шампан ичиб тоза хурсандчилик
қилишаркан, ютқизган пойгачи ҳам уларнинг хурсанд-
чилигига қўшилишаркан. Бу шунчалар аҳмоқона қи-
лиқ эканлигини каллаларига ҳам келтирмас эканлар.
Ҳеч нарса бўлмагандай эртасигаёқ янги жип сотиб оли-
шади, бу уларга ҳеч нарса эмас, ўйин-кулги қилишгани
қолади. Шу билан гўё биз илгариги саҳрода оч-юпун
туя миниб кезган, худога туясини омон-эсон сақлашни
ёлворган, жазирамада ўлиб кетмасликни сўраб илтижо
этган бадавийлар эмасмиз, деб ўзларини ўзлари ишон-
тироқчи бўладилар. Ҳамма гап, Арсен, уларнинг қора
мой қудукларидан тўхтамай отилиб турган миллион-
лар ва миллиардларда. Нимага дунёда бундай бўляпти?
Ҳеч ким бунга жавоб бергиси келмайди. Бирорлар эр-
мак учун жипларни ёқади, бошқалар, мана мисол учун
биз болаларимиз мактабга қатнаши учун оёқ кийими
олиб беролмаймиз.

– Тушунаман, – деди овози ичига чўкиб кетган Арсен
Саманчин.

Тошафғоннинг охирги сўзи унинг юрагини тирнаб
ўтди, у ўзини ноҳуш сезди. У бундай гал бўлишини кут-
маганди. У ёқ бу ёқдан гаплашиб ўтирсак керак, деб
ўйлаганди. Қизишиб кетган Тошафғоннинг ҳовурини
босиш ниятида, деди:

– Ўзингни бос, ошна, қизишма. Мен тушунаман, ле-
кин бундай қилиш шарт эмас... Бир кун келиб исроф-
гарлар жазосини торгади, ҳаётнинг сабоги кўп.

– Менга нима! Мен ўзимни босиб олганман. Сен Сак-
сагайни буларни қандай гапирганини кўрганингда эди,
соchlари тикка-тикка бўлиб кетади. Ер юзидаги бундай
адолатсизликни ҳеч ақлига сиғдиролмайди. Амаллаб

юпатамиз, ўзига келтирамиз, яширадиган ери йўқ, юзта қуйиб ҳам берамиз.

– Ҳа, албатта, бусиз бўлмас. Лекин кел, ортиқча вахима ҳам қилмайлик, – Арсен унинг елкасига қоқиб қўйди. – Менимча, бу мамлакатлардаги одамлар қанча бой-бадавлат бўлмасин, ҳаммасининг ақли-хуши ўзига етарли. Анов босар-тусарини билмай қолганлар эса тасодифан бир ерга йиғилиб қолиб, шўхлик қилишаётгандир-да. Тўқликка шўхлик дейишади-ку. Худонинг ҳисоб-китоби бор. Лекин ўзинг ўйлаб кўр: уларнинг давлатидан бизга ҳам тегадигани бордир: барс ови юришса, ҳеч ким қуруқ қолмайди.

– Ҳа, оқсоқолимиз ишнинг кўзини билади, ҳамманинг бошини бизнес-артелга қовуштирди, ёмон бўлмас ахир, кўрамиз. Овчининг омади шамолдай бир келиб кетади.

Арсен Саманчин унинг фикрини ҳазил-хузул билан кувватлади:

– Биз ҳаммадан бурун қор қоплонларимизга раҳмат айтиб, таъзим бажо келтиришимиз керак. Тоғда иловирс бўлмаса, бизга бу ов қайда. Бектур оғанинг битимлари қайда!

– Гапинг тўғри, – хийла жиддий жавоб берди Тошафөн. – Бундан чиқди, биз барсларни пулляяпмиз-да... Илож қанча? Барслар билан битим тузиб бўлмайди-ку.

– Тоза олдинг-да, сен ҳам! – кулиб юборди Арсен Саманчин. – Барслар билан битим тузиш деган гапни сира эшишмагандим. Қойил! Раҳмат сенга. Энди дамимизни олайлик. О' кей?

– О' кей! Озроқ вақtingни олдим. Кун ботяпти. Дамингни ол, фақат қаттиқ илтимосим, эртага албатта кўришамиз. Эсингда тут. Сенга минадиган отингни келтирамиз.

- Маъқул, Тошафғон. Шаҳарда бундай пайтда тақдимот уюштирамиз дейишади.

- Ана-ана, худди ўзи: тақдимот... Оқсоқолга шундай деймиз: тақдимот ўтказамиз. - Кейин кетишга чоғларкан, сўради: - Отда юриш учун этигинг борми? Бўлмаса, лойиғини топамиз.

- Ташвиш қиласа. Қаерга боришимни билиб, эски этигимни ола келганман. Кийилмасдан ётганди.

* * *

Арсен кундузги иш-юмушлар билан чарчаб, кечкурун қариндошлари уйнинг тўрига тўшаган тўшакка чўзиламан деб турганди, оқсоқол Бектур оға қўл телефонидан қўнғироқ қилиб қолди. У ҳозир мен тор олдидаги Дасторкон деган жойдаман, араб қўноқлар биринчи куни шу ерда тунайдилар, деди. Бундай мўтабар зотлар учун дала манзилида жой тайёрлашнинг ўзи бўлмайди. Эртага тушдан сўнг учрашиб, кундалик ишларни бажарамиз, деб келишиб олдилар. Авлиётада уч кундан кейин сайёр овчиларни қандай кутиб олишни маслаҳатлашиш керак эди. Қўноқлар етиб келгач, Арсен уззуккун улар билан бирга бўлар эди. Бу ҳам одми иш эмас. Ов-ку, ўз йўли билан, лекин хорижлик бу зотлар нимага қизиқади, феъл-атвори қандай, қанақа одам улар - буларни қандай билса бўлади?

Дарвоҷе, Арсен Саманчин ўзига юкланган вазифани вижданан адо этишни қўнглига туғиб қўйган бўлиб, қўнғироқдан сўнг фикри янада мустаҳкамланиб, орада Тошафғон билан бўлиб ўтган сухбатни ҳам хаёлидан ўтказганча кўзи уйқуга илинди. Нега Тошафғон бунчалик жиғибийрон бўляпти? Ғалати-я, жуда...

Ўша ёз чоғи, ўша соатда тоғлар ичкарисида, қорли чўққилар ва кўндалант узайган тизмалар оралаб, дара-

ларга қуюқ зимистан тун түшди ва худди қиши каби совук турди. Ўшал маконларда истиқомат этувчи барча жонзотлар шу кече тоңг отгунча жим бўлиб қолишиди.

Нафас ростламоқ вақти. Бу ерлар табиатида ҳамма нарса мувозанат топиб, нафас ростлашга чақиравди: осмонда йирик, ёрқин юлдузлар порлаб, чўққиларга ястандилар, булутлар ҳам бир-бирларига бош уриб, маташиб тўдаланишдан тўхтаб, юксак тизмалар бўйлаб чўзишлишиди, ёмғирдан дарак йўқ, тоғ дарёларининг суронли шовқини босилгандай бўлди. Узангилаш довонининг ён бағрида эса изғирин ел эсар, ғариф Жаабарс вужудини салқи ташлаб қоятошлар орасида изғир, тунги ётоқ учун хилват жой ахтарарди. Шўрлик охир-оқибат довон ошиб кетолмади, ёз фасли ҳам иккинчи палласига кўчди, у эса ҳамон бу ерларга шабохун уриб келар, боши оққанча дайдиб юрар, яна йўқ бўлиб кетар, яна пайдо бўларди. Мана шу сафар ҳам бунда тунамоқчи эди. Бу кече тўқайзорларда күшлар чуғури тинмас, жўровоз бўлиб сайрашар, бу Жаабарсга ёқмасди. Тунги бойқуш - тункукук уларга ғўлдираб-ғўлдираб уҳ тортар, күшлар эса парвойига келтирмасдилар... Лекин олислардан элас-элас эшитилаётган одам саслари маҳлуқни булардан ортикроқ хавотирга соларди. Қаердан бу овозлар? Бу тоғларда саргардон кезувчи Мангу қайлиқ шу теварак-атрофларда пайдо бўлганигини Жаабарс агар билсайди, ҳа, бу худди ўша Мангу қайлиқ. «Қайдасан? Қайдасан? Жавоб бер! Бу менман - Мангу қайлиқман, мен сени чорлайман, сен томон чопаман, қайдасан, қайдасан?» Бу сафар йиглар эди Мангу қайлиқ, инграрди, нола қиласарди: «Вой, вой, энди нима бўлади? Нима бўлади? Вой, вой, энди нима бўлади? Нима бўлади?» Нимадан у бундай қўрқиб кетди? Кўнгли сездими бирон нимани?

Жаабарс Мангу қайлиқ ҳасрат-надоматига тоқат қи-
лолмади, ўрнидан құзғалди-ю бош оққан ёққа кетди..
Унга нима? Ілғиз худо билгай не...

VII

Буни қарангким, түғридан-түғри бўлмаса ҳам, бош-
қача бир йўл билан бу худодан ўзгаларга ҳам маълум
экан. Мангу қайлиқнинг маконларидан олис-олислар-
да туриб, бу ерларда неларнидир амалга ошироқчи
бўлаётган кимсалар бор эди, улар Туюқ-Жар тоғларида
кор қоплонларини овламоқчи эдилар.

Ўша куни эрталаб Арсен Саманчин барвақт оёққа
турди. Юз йил илгариги тарақлаган тунука бет-кўл
ювадиганга қўлини тутиб ювинди, соқолини қирди. У
ўзини ғоят мамнун ва бардам сезиб, тоза сочиққа ар-
тиниб, ташқарига чиқиб илк офтоб нурларидан баҳра
олишни ўйлаб тураркан, қўлидаги телефони чириллаб
колди. У деразадан ташқарига қаради. Ҳаво соф, гўзал
эди, ҳайбатли, буюк тоғ тизмалари худди улуғ рассом
кўли билан чизилгандай кўкларга ҳайратомуз қад
кўтарганини кўриб бирнас лол бўлиб турди. У оқсоқол
Бектур оға чақираётгандир, деб ўйлади, балки зудлик
билан қилинадиган бирон иш бордир, аммо телефонда
соф инглиз тилида сўзлаётган овоз эшитилди. Арсен
ҳайрон бўлиб қолди: юксак тоғлар орасида бундай бў-
лишини тасаввур қилиш қийин.

Овоз тетик, жаранглаб чиқар ва гаплашишга ундарди:

– Салом! Хайрли тоңг! Сизда ахир ҳозир тоңг отган-
дир? Уэр, сиз мистер Арсен Саманчин эмасмисиз?

– Ҳа, ҳа, менман! Ким бу?

– Сизнинг ҳәмқасбингиз бўламан. Мен жаноб Ҳасан-
нинг халқаро алоқалар хизмати бўйича матбуот коти-
биман, менинг исмим Роберт, соддароғи – Боб Лукас.

Танишиб олайлик. Сиз инглизчани чамаси жуда яхши билар экансиз. Мажаллий кишилар билан муомалала-римизга ёрдам берсангиз, сизнинг ўлкангизга учун ҳозирлик кўряпмиз. Сўзларимни эшитяпсизми?

- Яхши эшитяпман. Албатта, ёрдам бераман. Сиз ҳозир қаердан қўнғироқ қиляпсиз, муҳтарам Боб?

- Қаердан бўларди, қадрли Арсен! Амирликлардан қўнғироқ қиляпман. Хабарингиз бор – муҳтарам зотлар бир гурӯҳ ҳамроҳлар билан – врачлардан тортиб ошпазларгача бирга боришиди. Шунга тайёргарлик кўряпмиз.

- Жуда соз. Биз ҳам тайёргарлик қиляпмиз. Аммо бизнинг тоғ томонларга телефон қилганингиз, биз учун кутилмаган иш бўлди. Бу ердан ҳам қўнғироқ қилаверасизми? Бунинг йўли қандай, кечириңг, Боб?

- Бу унчалик қийин иш эмас, қадрли Арсен! Ер йўлдоши орқали алоқа. Биз само орбитасидаги ўз сунъий алоқа йўлдошимиз орқали ҳар қандай жойдан дунёнинг исталған ерига қўнғироқ қилишимиз мумкин. Хоҳлаган жойдан хоҳлаган жойга. Мана, ҳозир сиз билан гаплашяпмиз, узоқ Осиё тоғларидан бизга жавоб қайтаряпсиз. Тоғлардаги қоплонларингиз йўлдошли алоқа уларга ҳам хизмат қилишини, ов шайтида кўришувимизга ёрдам беришини хаёлларига ҳам келтиришмайди. Ҳўн, бу ҳазил. Кечириңг:

- Ҳечқиси йўқ, муҳтарам Боб, кулишиб туриш заар қилмайди. Лекин илвирсларга дуч келганда, олдиндан нима бўлишини билиш қийин.

- О албатта! Овда энг муҳими – кўпроқ ўлжа бўлсин. Қоплонлар, худди йўлбарслар каби – доналаб саналади. Сони қанча кўп бўлса, даромади ҳам шунга яраша катта. Араб овчилари учун эса бу спорт билан баробар. Сиз ҳам, биз ҳам ов яхши бўлишидан манфаатдормиз.

Күпроқ барс бўлсин, териси бўлсин! Биз хурсанд бўлсак, «Мерган» ов фирмаси ҳам хурсанд. Унинг обрўси дарров кўтарилади.

— Албатта, Боб.

Буни қаранг-а, деб ўйланиб қолди Арсен, ахборот технологиялари энди ёввойи ҳайвонлар ҳаётигача етиб борибди, уларнинг яшаш маконларини осмон фалакдан туриб аниқлашади. Тоғлардаги ваҳший маҳлуклар йўлдошли алоқа уларга ҳам хизмат қилаётганини билсалар эди, фақат афсус, бу яхшиликка эмас-да.

Узоқдан ҳам одамохунлиги сезилиб турган матбуот котиби Роберт Лукас анча-мунча шинаванда чиқиб қолди. Аммо гап ўртада иш устида ҳам борди. Овчиларнинг ўз асбоб-анжомлари, қурол-аслаҳалари билан боғлиқ вазифаларни гаплашиб олишди. Кўноқлар ўз юқори мартабасига яраша «Боинг -737» тайёрасида учеб келишади, экипаж ҳам шунга муносиб бўлади.

Ўртада бўлиб ўтган сұхбат асносидаги баъзи бир маълумотларни Арсен Саманчин оқсоқол Бектур оғага етказиш учун дафтарига ёзиб олди. Оқсоқол Дастроркон манзилидан қайтиб келиши ҳамон шу куни учрашадиган здилар. Оқсоқол келишим билан хабар қиласман деган.

Унгача Тошафғон бошлиқ ҳайдовчи йигитлар билан кўришади, ўзига аталган отни кўради, сўнг бир оз улфатлашиб ўтиришади. Арсен бу учрашувни ўзи учун муҳим деб ҳисобларди. Бир ҳисобда ҳаммалари тенгдош бўлсалар, бошқа бир ёқдан, учовлон Арсен, Тошафғон ва пахмоқ Саксагай бир синфда бирга ўқишган, бошқалари улардан икки-уч ёш кичикроқ эдилар. Аммо энг муҳими – ҳаммалари ака-уқадай бўлиб кетган, ахир бир пайтлар бир мактабнинг партасида ўқиган здилар. Айтганча, яқинда шу ердан ўтиб кетаётib, мактабнинг шифер томи чириб, қийшайиб қолганли-

гини күрди, ичидан негадир зил кетди, ҳарқалай нима бўлмасин қадрдон мактаб доим кўзингга бошқача – иссиқ кўринади. Лекин бу энди бошқа бир гаплар...

Тошафғон ва Саксон пахмоқ уни олиб кетишга келганларида, Арсен эрталаб мана шуларни хаёлида ўтказарди, лекин маълум бўлдики, биродарлар мактабдошлик туйғулари жўш урибгина эмас, бошқа бир мақсадларни ҳам кўзлаб келишган, албатта, Арсен бундан мутлақо бехабар эди. Йўл-йўлакай Тошафғон ҳазил оҳангига деди:

– Арсен, ошна, ҳозир биз ҳамма тенгқурларинг сўққабошмиз.

Арсен чин дилдан ажабланди:

– Ийе, у нима деганинг? Нега энди сўққабош бўлар-канисизлар?

– Тўхтама, юравер. Ҳайрон қоладиган жойи йўқ. Ҳозир айтиб бераман.

Саксагай пахмоқ эса бу гапнинг маъносини биладигандай иршайиб кўйди ва бошини чайқади:

– Ҳозир сўққабошлигимизни бутун овул билади, бўлмаса сени мактабга эмас, уйга меҳмонга чақирган бўлардик.

– Кўйинглар шу ҳазилни!

– Сенга ҳазил қиласизми, Арсен? Сен катта одамсан ичимииздан чиқсан, – давом этди Тошафғон. – Мактабда ҳозир ҳеч ким йўқ, ҳамма таътилда, қоровулдан бугун бизга халақит қилмаслигини сўрадик, арақ пули бердик. У уйига кетди. Шундан фойдаланиб, биз мактабда учрашишга қарор бердик. Отларимиз ҳовлида турибди. Сўққабош юришимизнинг сабаби шуки, оила, бола-чақаларимиз ҳаммаси тоғда, ёзги манзилимизга кўчирганимиз. Оқсой дарёсининг ёқаларини эсласанг керак, ҳозир ёз ойларини ўша ерда ўтказамиш. Аввал-

ги вақтларда бутун овул ёзда ўша ёққа күчіб борарди, мол-холини яйловларда бокарди. Биз ўша вақтларни құмсағынан төзіп таңдауға үткәзмоқчы бўлиб, оила, чодир-чамндарни ўша ерга ўрнатдик.

– Яхши-ку бу жуда, – деб унинг сўзини тасдиқлади Саксагай пахмоқ. – Эркинлик! Қаёққа хоҳласам, шу ёққа бораман. Колхоздан қутулганмиз.

– Афсус, афсус, майли, буни кейин гаплашармиз, – деди Тошафөн. – Бизни бу ерга Бектур оға чақириб олди, ов қиласымиз деб. Ваҳшийларни қўриққа ҳайдаб борамиз, итларимиз бор. Ўзинг ҳам биласанки, Арсен, барсларни қўриққа ҳайдаб келиб, кейин пистирмадан отмаса, бўлмайди, бусиз уларни қувиб етолмайсан, дараларга кириб кетишади, одамга ташланишлари ҳам мумкин, нега бу ерларга бошингни тиқасан деб. Ҳайдовчи бўлсак, биз ҳам қуруқ қолмасмиз ахир, омадимизни берсин. Шунинг учун хизматга шай бўлиб келдик.

– Шундан сўққабош бўлиб юрган экансизлар-да! – деб кулди Арсен Саманчин гап нимадалигини пайқаб.

– Кейин яна бошимизни бўйинтуруққа тиқамиз, – деб тўнғиллади Саксагай пахмоқ, – тоққа мол боққани чиқиб кетамиз, лекин биримиз икки бўлмайди бари бир. Чунки ҳеч ким молни сўрамай қўйди. Яна бор буд-шудингдан айриласан, бўлмаса-ку...

Арсен оғзини очиб улгурмай, Тошафөн гапни илиб кетди:

– Бўлти, Саксон, буни кейинроқ гаплашамиз. Гапни бир жойга қўямиз. Ҳозир бошқа нарсаларни ўйла... – деб сўзини ичига ютиб, жим бўлди. Саксон пахмоқ ҳам индамай қолди.

Шунда Арсен уларга бугун эрталаб Амирликлардан жаноб Ҳасаннинг матбуот котиби Роберт Лукас қўнғироқ қилганлигини, нималарни сўйлашганларини

хикоя қилиб бера бошлади. У ўртоқларини бу гап шу қадар қизиқтириб күяди, деб кутмаган зди. Мактабга етишга ўн қадамча қолган, улар эса тақа-тақ тўхтаб, ундан йўлдошли алоқани ипидан-игнасигача суриштира бошлашди. Бунақа гаплар ҳали уларнинг қулогига чалинмаган экан.

- Қойил-е! – деб юборди Тошафғон. – Бундан чиқди улар йўлдош орқали хоҳлаган жойга, хоҳлаган пайтда кўнғироқ қила оларкан-да? Бизнинг тоғларимиизда юриб, дараларда, форларда туриб, қор кўчкилари тагида қолиб ҳам ҳеч ким ҳеч нарса эщитмайдиган жойлардан улар Амирликларга, Европага, Америкага телефон қилишлари мумкин экан-да? Мана буни техника деса бўлади!

Араб кўноқларнинг самолёти улар тоғларда ов қилиб бўлгунча аэропортда кутиб туриши ҳам худди бир алоқаси бордай уларни негадир жуда қизиқтириб қўйганди. Эҳтимол ҳаваслари келгандир.

- Буни қара-я! – дерди гарданигача қора соchlари жингала бўлиб ўсиб, ҳақиқатан паҳмоққа айланган Саксонбой. – Буни қара-я! Битта «Боинг» бутун учувчилари билан хўжайнинларнинг овдан қайтишини кутиб турса-я. Мен чайковга қатнаб юрганимда, бир зумга ҳам кечикиш мумкин эмасди, самолёт рейс бўйича учеб кетар ва осмондан кеч қолганларнинг афт-башарасига тупуради. Буларнинг ўзларига қулайлик яратганини қаранг. Хоҳлаган вақтимда учеб кетаман. Мана, пул, давлатнинг кучи!

Тошафғон аниқлаб сўради:

- Самолётнинг аэропортда кутиб туриши меҳмонлар истаган вақтда учеб кетаверишини билдирадими? Менинг фақат отим бор: ана, ҳовлида турибди, хоҳласам – тушовлаб қўяман, хоҳласам – қўйиб юбораман, ё бўлмаса, миниб ҳайё-ҳайт деб чолтираман.

- Бундан чиқди, - деб тушунтириди Арсен Саманчин, - уларда тартиб шундай. Қачон керак бўлганда, ўшанда самолётга чиқадилар. Самолёт тайёр. Экипаж жойида.

Улар шундай гаплашганча ўзлари бир маҳаллар ўқиган мактабга етишли, мана, ўртадан қоплон ови чиқиб, тақдир уларни яна шу ерда учраштириди. Узоқ мамлакатдан келаётган меҳмонлар ҳам бу ерда рўй бертаётган ҳодисалар доирасига беихтиёр тортилган эдилар. Улар шундай бўлишини тушларида ҳам кўрмаган эдилар...

Арсен Саманчин ўзи ўқиган мактабда узоқ йиллардан бўён бўлмаганди. Мактаб овулнинг чеккароғида жойлашган бўлиб, у бир неча бора унинг ёнидан ўтган, кўз учида назар ҳам ташлаган, лекин ўз ўтмишига қайтгандай бўлиб, бу ерга ҳеч қадам ранжида қилмаганди.

Кўксиди иссиқ туйғулар жўшурди. Мана, ўша мактаб, ўша мактаб, ҳамон ўшандай, вақт ўтиб андак чўйкан, атрофдаги барча томлар каби шиферлари эскирган, ранги ўчган, эшиклари қийшайган, дераза ромлари куруқшаб, бўёқлари кўчган, аммо ҳамон ўша-ўша мактаб. Бир вақтлар қийқиришиб, қувалашиб чопишган ҳовли, ана йўлак, ана синфлар... Тошафғон мактабда учрашамиз, директор ҳозир бу ерда бўлмаса ҳам, ўзи рухсат берган, деб таклиф этганда, Арсен ўзини бир оз ўнғайсиз сезган, ҳарқалай, меҳмонни уйга чақирадилар, бир пиёла чойни уйда ичадилар, деган хаёлга борган эди, лекин кейин Тошафғон уни ишонтириди, бола-чақаларимиз тоғда, мактаб эса бўм-бўш, деди. Арсен Саманчин рози бўлди, ҳатто бу иш унга ёқди ҳам. Кун очиқ, мусаффо эди, ўша ястаниб ётган тоғ манзаралари, оппоқ қор босган чўққиларнинг тизмалари, у ерларда манави ишларнинг ҳаммасига сабабчи бўлган илвирслар яшашади.

Мактаб атрофида жуда кўп қушлар учиб юришар, ҳеч ким уларга халал бермас, эркин учиб-кўниб сайрашарди...

Тошафғон йигитларининг ёшроқлари уч киши бўлиб, Арсен Саманчинни очиқ юз билан кутиб олишди. Улар ичida тартиб-интизом яхши йўлга қўйилганлиги кўриниб туради. Тошафғон худди қўшинга кўмондонлик қилгандай буйруқ берарди – у ёқقا бор, бу ёқقا кел, шу ерда тур, олиб кел, олиб кет, очиб кўй, ёп, улар буларнинг барини бажонидил бажаришарди. Арсенга бу ҳам маъқул кўринди, одатда овул йигит-яланглари мана шундай тўпланишиб, бошларини хумга тиққандай ичишади, булар эса ҳаммаси батамом хушёр, тетик. Буларнинг бари дўстона, маҳрамона ишончли кайфият уйғотар, инчунин Арсен Саманчин ўзига аталган отни миниб, мактаб теварагини айланиб чиқди. Кўк от жуда бақувват ва эгари маҳкам ўрнатилганди. Тошафғоннинг ўзи отни иззат-икром билан келтириди:

– Азиз биродаримиз Арсен, мана шу сенинг йўрга отинг, кеча айтганингдай уни сенга тақдимот этамиз. Этик кийиб олганинг яхши бўлиби. Мана, жиловни ол, ўтири, унда араблар билан бирга юрасан, биз эса керак бўлганча илвирсларни ҳайдаб келамиз.

Ҳаммалари кулишди.

– Раҳмат, – деб миннатдорлик билдириди Арсен овул дошларига. – Мен ҳам араб қўноқлар хурсанд бўлиб кетишлари учун ҳаракат қиласман. Шунда бизга ҳам яхши бўлади.

– Энди юр, синфимизни бориб кўрайлик. Қандай вақtlар эди-я, ўқитувчиларимизни айтмайсанми! Ҳозир-чи? Муаллимлар қочиб кетишди. Биз эса барсларни нишонга олиш пайдамиз, худодан шуни сўраймиз...

Бошқалар самолётларда ов қилгани боради, биз эса жонимизни жабборга бериб хизматга югурамиз.

Ҳаммалари бош силкиб маъкуллашди. Арсен атрофга аланглади – ҳовли жимжит, мактаб бўум-бўш, эгарланган отлар боғлаб қўйилган, осмонда қушлар учади, одамларнинг юрагида эса, чамаси, хотиржамлик йўқ эди, ажабланадиган жойи йўқ, кеча Тошафғон йўл-йўлакай оғиз очган гапларни бошқа кўп кишилар янада аччикроқ қилиб, яна ҳам норозироқ бўлиб гапириб юришади, бундай олиб қарасангиз, улар ҳақ, аҳвол ростдан ҳам, ўзи шундай... Қаерга қарама, муаммо...

Йўлақдан очик қолган синфларга кўз ташлаб ўтишаркан, Арсен анчадан бери таъмир-тузатиш ишлари қилинмаганига эътибор берди, мактаб ичи хароб ҳолга келган, бирдан-бир қилинган иш – парталар янгилangan, эски очилиб-ёпиладиган тахта парталар ўрнида, энди суюнчиқли стулчалар ва столчалар қўйилганди. Синф доскалари ҳам янгиланганди, кўринишдан шундай эди...

Тошафғон соатига қаради.

– Хўп, оғайнилар, соат ўн бир бўлибди. Вақт кетялти Арсен, ўзимиз ўқиган синфда ўтириб, бир гаплашиб олайлик.

– Шу шартми? Яххиси, оламнинг уйига борайлик, bemalol ўтириб ўша ерда гаплашамиз, жой ҳаммага етади.

– Йўқ-йўқ, Арсен, ҳозир мана бу ерга – ўзимиз ўқиган синфга кирайлик, менинг сенга айтадиган гапим бор.

– Унда майли, сен нима десант, шу. Мен меҳмонингизман.

– Кир ичкарига. Рўбару ўтириб гаплашганимиз маъкул.

Улар очик дераза олдига ўтиришди. Узоқдан тоғлар кўринарди. Бир зум жим қолишибди. Арсен Саманчин

овулдошлари ғалатидан ғалати қилиб, ўзини нега хувиллаган эски мактабга чақириб келишганини билолмай ҳайрон эди. Шунда Тошафғон ҳаммага диққат билан жиддий күз югуртириб, чуқур хұрсинган ҳолда бир йұталиб қўйиб, чамаси, олдин тайёрлаб қўйган сўзини бошлади:

- Арсен, сенга бир гапни айтмоқчимиз. Эшит.
- Эшиятлман, оғайни. Мунча жиддий бўлмасанг. Ахир, овулдошмиз-ку. Бирон гап бўлдими? Яқин қариндошинг ўлдими? Менимча, ҳамма ишлар жойида, яхши. Ҳаммамиз шу мактабда ўқиганимиз-а...
- Йўқ, Арсен! Гап қаерда ўқиганимиз, қайси овулда яшаганимизда эмас... Гап бутунлай бошқа нарса ҳақида. Сен бизнинг оғайнимизсан, меҳмонсан, аммо бугун бизнинг қўлимиздасан, биз сенга нега бу ерга олиб келганимизни айтамиз. Бу ёғи нима бўлишини сенга маълум қилиб қўямиз.
- Тўхта, тўхта. «Бизнинг қўлимиздасан» деганинг нима? Йўриқ от келтирибсиз, раҳмат. Мен шаҳарга кетаман, от шу ерда қолади. Мен ўз машинамда жўнайман...
- Кетасанми, қоласанми, худо билади.
- Қандай? Очиқчасига гапир...
- Шунга йиғилиб ўтирибмиз. Гап бўғизга тиralган пичоқдай ўткир бўлади.
- Ўхў! Буни қаранг-а! Сизларга нима бўлган ўзи нима, мени тентак қилмоқчимисиз, ё Тошафғон, сен жинни бўлиб қолдингми?
- Қизишма, кечир, гапим бошқачароқ чиққан бўлса...
- Юзи қизариб-бўртиб Тошафғон ўрнидан қўзғалди, унинг йигитлари ҳам қимирлашиб, шивирлашиб қолишиди. Шу пайт мактаб ҳовлисини қўриқлайдиган кучук вовуллаб қолди, одатда мудраб ётадиган ит тинмай акиллашга тушди.

- Дарров бориб қараб кел! - буюрди Тошафғон чет-да ўтирган йигиттга. - Ҳеч кимни қўйма, бу атрофда бир зот бўлмасин. Кучукни ҳайдаб юбор. Эшиддингми? Яқин атрофга ҳеч ким йўламасин.

Анг-танг бўлиб қолган Арсен Саманчин ўрнидан туриб кетмоқчи бўлган эди, Тошафғон олдинроқ қўлини унинг елкасига ташлади-да, нимадир демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади. Арсен бир силкиниб унинг қўлини елкасидан олиб ташламоқчи бўлди-да, кетишга чоғланди. Лекин худди мана шу онда ит тинимсиз акиллаб, очик деразадан синфга иккита қалдирғоч отилиб учиб кирди-да, хавотирга тўла чуғурлаб, важир-вужур қилиб, чарх уриб айлана бошлади, бир неча кун илгари Арсеннинг уйида рўй берган ҳодиса бу ерда ҳам айнан ўшандай тақрорланди – гўё қалдирғочлар ниманидир айтмоқчи, огоҳлантирмоқчи бўлишарди. Арсен ҳанту манг бўлиб қолди. Шунда чақмоқдек бир фикр хаёлидан ўтди - наҳот бу тақдирнинг бир нишони бўлса, наҳотки яна худди ўша қалдирғочлар пайдо бўлиб, унга элчилик қилмоқчи, бирон хавф-хатардан хабар бермоқчи? Унинг юрагига ғулғула тушди.

Кушларнинг тинмай вижирлаши, чарх тортиб айланиши бафуржга гаплашиб олишга имкон бермасди. Нафсиамрга аввал қалдирғочларни ҳайдашди, аммо улар яна ўшандай қайтиб келишди. Яна ҳайдаб, деразани ёпишди, лекин қалдирғочлар ҳаммани лолу ҳайрон қилиб, вижирлашни авжга чиқариб, ўзларини дераза ойнасига патирлаб уришаверди, бунинг устига ит қанча ҳайдашмасин, қаттиқ вовуллаб ҳовлига тўхтовсиз қайтиб кираверди. Шунда тоқати тоқ бўлгай Саксон пахмоқ чидолмай деди:

- Юринглар, нариги томонга ўтайлик, у ердаги хона кичикроқ бўлса ҳам, тинчроқ. Бўлмаса, бу тентак қал-

дирғочлар тинч қўймайди. Улар шу томонга ин қурган, шунинг учун безовта бўлиб қолишиди. Кетдик.

Нариги хонага ўтишди. Аммо Арсен Саманчин энди бошқа одамга айланганди. Унингасаблари таранг, аммо осуда, ўзини йиғиштириб олганди. У ҳайдовчилар ва Тошафғоннинг ўзига қаршилик қўрсатмоқчи эмасди. Ростини айтганда, ўй-хаёли бошқа ёқда эди. Юрагини бир сезги тилкалаб ўтди, худди унинг ҳаётида алланима рўй берадигандай, тақдирини ўзгартириб юборадиган фавқулодда, балки ўта хатарли бир кори ҳол бўладигандай эди. Лекин нима? Ҳеч ким бундай сезгининг магзини чақа олармикин бу дунёда?

Бошқа синфхонасига ўтиб, қалдирғочларнинг важир-вужуридан кутулғанларидан сўнг Тошафғон чамаси Арсен билан яккама-якка гаплашиш қарорига келганди. У ўз йигитларига шундай деб амр қилди:

- Менга қаранглар, бундай қиласиз: биз Арсен билан галимизни шу ерда давом эттирамиз, сиз ҳаммангиз келишилган жойга бориб турасиз, ҳеч ким бу ерга бош суқмасин, ҳеч кимни ўйлатманглар. Қултой, сен отларни навбат билан суғориб кел. Катта тош ёнида ариқ бор, биласан.

Унинг буйруқлари дарҳол адо этиларди, худди ҳарбийлардай. Афғон тажрибаси ўзини кўрсатиб турарди.

- Ана, энди, Арсен, галимизни ҳеч кимса эшитмайди, шунинг учун биз сени бу ерга олиб келганимиз. Сенга нима учун бундай ишга қарор берганимизни айтиб бераман. - У, Арсен бирон нима деб сўрашини кутиб жимиди, лекин Арсен индамай бошини қимиirlатиб қўя қолди. Шундан кейин Тошафғон гапини давом эттирди: - Глобализация нималигини, ҳар биримиз тирик қолиш учун унинг мусиқасига қандай ўйнашимиз

кераклигини сенга тушунтириб ўтиришнинг сира ҳожати йўқ.

– Жуда катта кетяпсан, – деди Арсен Саманчин. – Глобализация – бутун дунё миқёсидаги жараён. Яхиси, ишдан галир.

– Мен қандай тушунганимни айтялман, ўзинг ҳам биласанки, дунёда битиб кетган бойлар бор, яширадиган жойи йўқ, уларни олигархлар деб аташади. Худди осмондан тушганга ўхшайди улар. Майли, омадларини берсин. Лекин худо бизнес худосига айланиб кетганини қандай тушуниш керак? Ҳолбуки, теварак-атрофдаги миллионлаб одамлар уларда бор нарсаларнинг урвоғига ҳам эга эмас. Бу билан қандай келишиб бўлади? Конинг қайнаб кетади.

– Бундан қутулиш йўли – рақобат дейишади, – жавоб қилди Арсен.

– Рақобат ҳам ҳар хил. Агар аллаким қудратли, дов-давлати ошиб-тоші ётган бўлса-ю, биз қўлимизни қовуштириб ўтираг ёамизми? Нима учун бизга келлаётган анави араб оғилари хоҳласалар бизни таг-тугимиз билан ҳаммамизни сотиб олишга қурбилари етади-ю, биз уларга жонимизни жабборга бериб, қорқоплонларини ҳайдаб келишимиз керак?

– Сен бошқа ёққа қараб кетдинг, Тоштанбек, рақобат – ишлаб чиқаришдан бошланади. Бунда технологиялар ва ишчи кучлар ҳам жуда муҳим. Улар тараққиётни таъминлай оладиларми, орқада қолмаслик учун...

Аммо Тошағон унинг гапини кесди:

– Бошқа ёққа деганинг нимаси? Мен тўғри кетяпман, сен ҳам биз билан борасан. Тамом! Агар яшашни истасанг, бугундан бошлаб биз билан бирга бўласан. Биз асло ортга қайтмаймиз. Арабларни гаровга оламиз. Нега бакрайиб қолдинг? Щунчаки гап деб ўйлаяпсан-

ми? Ҳечам ундеймас! Улар ўзларининг ширин жонлари учун қанча десак, шунчар...

- Тўхта-тўхта, эсинг жойидами?! Нима деб алжияпсан асти...

- Нима, ақлли битта сенми? Ақллар ҳам ҳар турли бўлади. Биз ҳаммасини ўйлаб, аниқ ҳисоблаб чиққанмиз. Сен, Арсен, кулогингга куйиб ол: қанча ўлчаб берилган бўлса, бир умр сен биз билан бирга қоласан, бошқа сенинг ҳеч қандай иложинг йўқ. Худди ТВдагидай биз билан гаровга олингандар ўртасида воситачи бўласан. Бизнинг ҳаракатларимизни бошқариб борасан.

- Нима? Нима? Йўқ, бутунлай ақлингни еб қўйибсан. Нега менга бу лўттибозликни тиқишитиряпсан? Шуннинг учун мени бу ерга судраб келдингми?

- Кўрқма, бу ерда бизни ҳеч кимса эшитмайди. Яна бир карра айтаман: сен орада воситачи бўласан. Кейин сен билан бир умр фахрланиб юрамиз.

- Ол-а! Сени адабингни бериш керак экан. Нега менга алмойи-алжойи бир нарсани бурнимга тиқишитиряпсан? Афғонистонда тилинг чиққанга ўхшайди, менга бундай валдир-васар гапларингни қилма. Вақт борида оғзингни юм, бу аҳмоқликни унут. Каллангга бу фикр қаёқдан келиб қолди? Ҳалқаро жанжал чиқармоқчимисиз? Шаҳарларимизда эркинлик ва демократияни ҳимоя қилиб намойишларга чиқишаётгани сизга камми? Бошқаларнинг ҳоли нима кечишини ўйламайсизми? «Мерган» фирмасини жарга итариб юбормоқчимисиз? Гаровга олиш бизнинг турмуш одатимизга ёт нарса. Ўйлаш керак мундок.

- Ҳа, ўйлаш керак. Ҳалқаро жанжал чиқмасин, «Мерган» фирмаси жарга қуламасин. Жаҳон миллиардерларининг ҳиқилдоғига пичоқ тирадмасин. Бундан чиқди бизни йўқчиликка гирифтор қилиш мумкин экан-да!

Болаларимиз саводсиз бўлиб қолса майлими? Бизни даволанишдан маҳрум этишса майлими? Ҳаётда шундай бўляпти ўзи: бойларнинг бойлиги уммонга сиф майди, йўқсилларнинг йўқчилигини уммон кўтартмайди. Одатларимизга келганда, сен янгишяпсан, Арсен. Ҳалқ ривоятларида гаровда ушлаб турилганларга баримта олингани айтилади, эсингдан чикдими? Йилки, қўй-эчки подаларини ҳайдаб олиб келиб, орани очиқ қилишган, бойлик уртада бўлишилган.

– Буни яна узоқ давом эттириш мумкин, Тошафғон. Кеча сенинг фикрларинг менга жўяли бўлиб кўринган зди, лекин мен сен ўйлаган ишга шерик бўлмайман.

– Қандай ўйласанг, бу сенинг ишинг, Арсен. Мен бунга ажабланмайман. Лекин гаровга олганимиздан сўнг, улар билан сен иш олиб борасан, уларга менинг айтганларимни етказиб турасан, чунки ҳеч қайсимиз инглиз тилини билмаймиз. Бу бизнинг айбимиз эмас. Биз атрофда қурол-яроғимизни шайлаб турамиз, қолганини сен бажарасан, Арсен. Биз баҳтимизга келган бу ишқивоз овчиларни ғорга ҳайдаб кирамиз, сен эса уларга баримта ҳар бир киши бошига ўн миллион доллар, умумий ҳисобда эса йигирма миллион доллар эканлигини хабар қиласан. Биз беш кишимиз, сен билан олтита, ҳар биримизга тегадигани уч миллион уч юз минг доллар. Бу бизга уч карра яашашга ҳам етади. Сенга яна билмадим. Балки уйланиб оларсан ва барча эркаклар қатори ўз жуфтинг билан яшарсан. Худо сенга ҳам ўғил-қизлар ато этсин.

– Бас, бу чўпчакларни қўй. Тошафғон, ўзингни бос, тани-жонинингга ўйлаб кўр яхшилаб. Сен худди менинг розилигимни олгандай гапиряпсан, мени сенинг буйруқларингни бажаришга тайёр, деб ўйлаяпсан. Ҳеч қачон ҳеч қандай пулга мен бундай ишни қилмайман. Мен террорчи эмасман.

- Биз ҳам террорчи эмасмиз. Йигирма миллион қўлимизга тегиши билан – улар учун бу икки тийинга барабар – арабларни қўйиб юборамиз. Сен ҳам кутуласан. Лекин кейин қаерга ҳам борасан? Бироқ буни кейин...

- Ҳозир ҳам ихтиёrim ўзимда. Мен сенинг тўдангга кирмайман. Олтинчи бўлмайман. Бас, гап тугади. Бекор валдирашнинг ҳожати йўқ...

- Йўқ, сен янгилияпсан. Энди ихтиёр ўзингда эмас. Шу дамдан эътиборан сен бизнинг олтинчимизсан.

- Мен хоҳламасам-чи?

- Агар хоҳламасанг, бу ердан чиқмайсан. Сенинг гўринг шу ернинг ўзида, ҳовлида, умумий ҳоли жойнинг орқасида бўлади. Лўм, белкураклар шай. Беш дақиқада кўмиб ташлаймиз. Куролларимиз ҳам тайёр. Афғонда бекорга мени майиб-мажруҳ қилишган эмас, мен ҳам кўпларни абгор қилганман. Овози чиқмайдиган тўппончамиз ҳам бор. Барча шерикларим турли куролларни ишлата билишади, гранатамётдан ҳам отишади. Ортиқча камтарлик қилиб ўтиrmай, айтиб кўя қолай – мен ўзим бу ишларда хўб пишганман, қўлимдан ҳаммаси келади. Умуман бу ердан қандоқ келган бўлсанг, шундоқ кетмайсан. Бу биз сени ёмон кўрганимиз учун эмас, ўзинг тушуниб турибсан, бошқа иложимиз йўқ. Сен бизга бир арқон билан боғлангансан. Биз террорчилардан эмасмиз, дунё сармоясининг ўзимизга тегишли қисмини оламиз, холос, бошқаси билан ишимиз йўқ.

- Бас, жонга тегди. Мен кетаман.

- Ўтир! Ўз синфдошимга кўл кўтаришга мени мажбур қилма.

- Ҳа, мен ҳам ҳозир шуни ўйлаб турган эдим. Бу ерда дарсда ўтирганларимизда, танаффус пайтларида қувлашмачоқ ўйнаганларимизда, кўп замонлар ўтиб шундай бўлишини хаёлимизга келтирганимидик? – Арсен

Саманчин ўрнидан туриб деразага борди-да, унинг тавақаларини очиб юборди.

– Нима, ҳаво етмаялтими? – сўради Тошафгон.

– Ҳа, бўғилиб кетяпман, – жавоб берди Арсен. Аммо ойнани тоза ҳаво кирсин деб очгани йўқ, балки қалдирғочлар яна учиб киришар, деган илинжда очди, гўё улар келиб уни қутқарадигандай. Бироқ вақт ўтиб борар, лекин уларнинг қораси кўринмасди. Демак, толенинг йўли бошқача тушибидир...

Тошафгон эса ўз ғаддорлигига янада авжга минган, бу унинг тобора қаттикроқ бўлиб бораётган нигоҳидан ҳам кўриниб турар, гапни тик қаншарга уради:

– Кулоқ сол, биз сен ўйлаганча миясини еган аҳмоқлар эмасмиз. Сенинг рози бўлмаслигингни, ўлсанг ҳам бундай иш қилмаслигингни билардик. Ахир сен буни жиноят деб биласан.

– Ўзи ҳам шу! – чўрт кесди Арсен Саманчин. – Шундай деб ўйлашнинг ўзиёқ жиноят!

– Бўлса бўлаверсин. Нима деб ўйласанг, ўзинг биласан. Лекин биз бари бир бу ишни қиласмиз. Сен бари бир биз билан бирга бўласан – ё бир сафда ва ё бўйнингга бўйинтуруқ солингтан ҳолда – бу ёғи сенинг ўзингга ҳавола!

Арсен Саманчин столга бир урди, одатда мактаб болалари тилида юрадиган «Иштонинг бошиннга чиқсин!» – деган матални айтиб қичқирмоқчи бўлди, лекин ўзини тийди.

– Агар мен рози бўлмасам-чи?

– Столни урма. Ҳар қанча ақлли бўлма, бизни йўлдан қайтара олмайсан. Ҳозир бу ерга худо келганда ҳам, биз чекинмаймиз. Гапни айлантирма! Улушимиз осмондан тушиб турганда, уни қўлдан чиқариш бориб турган тентаклик. Йигирма миллион йўлда тушиб ётмайди!

- Түгри, ерда ётмайди. Лекин сени болалигингда иши күриб Тоштанбек деб чақиришарди. Бироқ қандай килиб бу сенинг улушинг бўлсин? Бу тўғридан-тўғри талончилик ва босқинчилкнинг ўзгинаси-ку! Қаёққа қинғайиб кетаётганингни ўйла!

- Вой, саводхон биродарим-а! Қаёққа бўларди ахир? XXI асрнинг барча каллахумлари кетаётган ёққа-да! Уюрнинг олдида биринчи бўлиб сен борасан! У жойнинг оти алламбало – глобализация. У ерда ҳар кимга бутун дунё бойлигидан ўз улуши тегади.

- Эсингни ебсан. Глобализацияга бу ерда бало борми? У тамоман бошқа нарса. Тушунтириб ўтиришга вақт йўқ. Аммо сенинг «глобализациянг» ваҳщий бир нима!

Ташвиш қилмай қўя қол. Бизнинг ўз билганимиз бор.

- Нима экан у? Истаган банк эгасини ёқасидан ушлаб силкитиши – нега менинг бошмоғим илма-тешик деб?

- Оҳ сен, воҳ сен! Банк эгаларини ҳимоянгга оляпсаними?

- Э, менга қолса, иккингизни битта кемага ўтқизиб, глобализациянинг қутурган долғаларига қўйиб юборардим, шунда унинг нималигини билардингиз.

- Қўй-е, нима деялсан! Банк эгаси ҳеч қачон мен билан бир қайиққа ўтирамайди. Унга зарур кептими? Ўзининг икки минг йўловчи сифадиган катта кемаси бор. Бойларнинг ўз глобализацияси бор – барча бойликларни таг-туги билан ўзлаштириш; бизнинг глобализациямиз бошқача – бойликларни бўлиб тақсимлаб олиш ва ўз улушимизга эга бўлиш, қаердан бўлмасин. Тоғда арабларни тутиб олиб, улардан ўз баримтамизни тортиб олиш – бу бизнинг ҳақимиз.

- Менга қара, Тоштанбек афғон, сен аҳмоқ бола эмасан, мен биламан, лекин бундай гапларни гапиришга қандай тилинг борди? Ҳақ дейсан. Қандай ҳақ? Талончилик ҳақими? Тушунмайман.

- Тушуммаганинг маъқул! – шартта деди Тошафғон ҳамон деразага қараб турган Арсен Саманчининг орқасидан. Арсен эса елкаси оша тўнғиллади:

- Бу изоҳларинг менга ортиқча. Бошқа эшишини истамайман.

- Истайсанми-истамайсанми, бироқ шошмай, ўйлаб кўр. Бусиз сира иложинг йўқ. Сен қопқонга тушдинг. Лекин бир ўзинг эмас, ҳаммамиз қопқондамиз. Энди орқага йўл йўқ. Бизни талончи дединг-а? Ўтмишни эсла: агар қўшниларимиз яйловларнинг, дарёдан сув ичганликнинг ҳақини тўламасалар, бизнинг аждоддларимиз баримта талаб қилганлар, одамларни гаровга ушлаб турганлар ва шунинг эвазига уюр-уюр отлар, қорамол, қўй-эчки подаларини олганлар. Ҳозир миёслар бошқача. Бизни талончи, босқинчи дейсанми, ўгри-қароқчи дейсанми, ўзинг биласан, бунга парво қилиб ўтирумаймиз. Биз сен билан бир-биримизни хурмат қилишимиз ё қилмаслигимиз, бир-биримизга тоқат қилишимиз ёки қилмаслигимиз мумкин – биз бунга ҳам парво қилмаймиз. Сендан фақат бир нарса талаб қилинади – ўзининг дов-давлатини қаерга қўйишни билмаётган миллионер овчилар бу ерга қадам қўйишлари ҳамон сен менинг буйруғимдан бир қадам ҳам четга чиқмайсан. Мени оқсоқол Бектурнинг югурдаги бўлиб юради деб ўйлама. Биз энди ўз овимизга чиқамиз. Тўқайлардан, жарлардан илвирсларни қўриқقا ҳайдаб чиқамиз. То хонзода овчилар нишонга олгунларича ҳаш-паш демай, уларнинг ўзини қўлга туширамиз, форга қамаб, товоң тўлашни талаб қиласиз, эчкига жон қайғуси дегандай. Эшийтдингми, Арсен? Мен бекор айтиётганим йўқ, яхши билиб қўй гап нимадалигини. Бу тушга ҳам кирмайдиган омад. Ҳудонинг ўзи ҳақ олишни буюряпти... Шуни тушуниб, бизнинг теримиз-

на кир. Таржимонлик ишингни ҳам шунга яраша олиб бор, меҳмонларнинг ишончларини қозониб ол. Шунда уларга ёрдам қилиб, бизга ҳам хизматингни ўтайсан. Биз уларни ғорга қамаб олганимиздан сўнг бутун умидимиз сендан. Эшитяпсанми, Арсен, менинг гапларим қулоғингга киряптими?

Арсен жавоб бермас, дераза олдида бошини солинтириб турарди.

– Сен хаёл сурмай, гапни эшит. Бешовимизнинг омадимиз бор экан, сен ўз овулнимизнинг йигитисан. Сен – бизни, биз – сени яхши тушунамиз. Меҳмонларнинг сунъий йўлдош алоқалари борлиги ҳам бизнинг омадимиз. Улар ғор ичидан Африка яқинидаги уйларига телефон қилганларида, уларнинг барча гап-сўзларидан сен орқали хабардор бўлиб турдимиз ва ҳаракатларимизни келишиб оламиз. Сенсиз биз ҳеч вақо қилолмаймиз... Нихоят етиб бордими сенга? Нега индамайсан, Арсен?

– Бошқа гапим йўқ, – деб жавоб берди Арсен. Шундан сўнг икковлари ҳам жим бўлиб қолишли.

«Дунё жойидами?» Турли ҳаёт ҳодисалари муносабати билан овулдошлари оғзидан болалигидан бери эшитиб келадиган бу жумла беихтиёр эсига тушди. Ҳа, у хориқулодда ҳолатда келиб қолган ушбу мактабдан тортиб, ташки оламнинг бари ташқаридан қарагандан ўз жойида эди. Ҳа, атроф-тумонат асрларча қандай бўлса, шундай қолган бўлиши мумкин эди. Лекин айни вақтнинг ўзида ички дунё, қалбнинг ички олами бутунлай вайрон бўлиши мумкин. Бунга ўз тажрибасида ишонч ҳосил қилди. Шунинг учун дам-бадам кимдир баногоҳ сўраб қолади: «Дунё жойидами?»

Ва – мана шундай оғир вазиятда – миясига ғалати фикрлар ёпирилиб келар, ўйланиб қоларди: ҳозир Мангу қайлиқ қаерда экан, «дунё жойида эмаслигини»

у билармикин? Ойдана Самарова билармикин буни, хавотирланиб, ташвишга тушармикин? Ҳай, худо билади-ёв, унинг бунга вақти йўқ. Энди «Дунё жойида эмаслиги»дан бехабар тоғ маҳлуклари яқин кунларда ўз бошларига тушадиган кулфатни сезишармикин? Куёш саҳий ёғдуларини сочиб турган кун инсон қадами етмаган тўқайлар ва уюрма қорлар орасида, ўз қадим-қадим маконларида барслар ўлжа қасдида сарсари кезарлар, мода қоплонлар ҳам қоплончаларини ўйнатиб офтобрўяда ялпайиб роҳатда ётарлар хаёлларига ҳам келтирмай токи, энди «дунё жойида эмас»...

Улар тепасида эса овоз чиқармай, қанотларини тик ёзиб тоғ лочинлари жуфт бўлиб учарлар. Тоғлар ва чўққилар узра нималарни кўрарлар, нималарни кутарлар, нелардан хабар берарлар улар?

Энди «дунё жойида эмас» дейишар улар, биз кўрмаган-билимаган кулфат ёғилар ва уни одамлар бошлаб келар...

Яна бир фикр юрагини ўртарди: мана ундан икки қадам нарида кўз ўнгига собиқ синфдоши Тоштанбек – Тошафғон турибди. «Дунё жойида эмас»лигига айнан у сабабчи ва шунинг учун ундан нафратланиш, шафқатсиз тарзда юз ўгириш ўринли бўларди ҳозир, лекин Арсен Саманчин бундан кўпроқ унга ачинар, ўзини мутлақо ҳақ деб билиб, оғир жинояткорона ишга бел боғлаганига қаттиқ афсусланарди. У бошқа иш билан машғул бўлиши керак эди, лекин афтидан энди кеч, чамаси поезд аллақачон кетиб бўлганди. Йигирма миллион долларнинг жозибаси минглаган шаманлар тўдасининг жазавага тушиб афсун ўқишидан кучлироқ эди.

Тоштанафғон унинг фикрларини ўқигандек, ўртадаги жимликни бузди:

- Менга қара, Арсен, сочинг оқариб кетгунича ўйлай-нерасан. Лекин қанча ўйлама, сенинг аҳволинг ўзгариб қолмайди. Сен бўсағадан ўтдинг, энди жонингни сақла.

- Бирорвинг яшаш-яшамаслигини нега сен ҳал қилмоқчи бўласан? Ким сенга шундай хукуқ берди?

- Ҳамма гап шундаки, энди олдимиизда иккита йўл бор: ё сен биз билан бирга бўласан ва биз ҳаммамиз, жумладан, сен ҳам, ўз ҳиссамизни оламиз - ё сен бизни соқит қилиб, ишнинг пачавасини чиқарасан. Унда очигини айтиб қўя қолайин: сендан ўч оламиз, жонингдан айриласан. Биз жонинг омонда бўлишини жуда- жуда хоҳлаймиз. Лекин буни ўзинг ҳал қил.

- Мунча «ҳисса-ҳисса» деб наҳ урасан! Бу ҳеч қанақа ҳисса эмас. Бу талончилик ва бориб турган жиноят.

- Бўлди, етар! Урушда ҳаракат қилиб қолган ютади. Мен Афғонда бўлдим ва бъзи нарсаларни ўргандим. Бизнинг режамизни яхшилаб эшлитиб ол. Мўътабар овчи қўноқларнинг учб келиши, уларни кутиб олиш, хурмат-эътиборларини жойига қўйишнинг биз, бешовлонга дахли йўқ. Биз таппи ташиб келганларга ўхтаймиз: оловни ёқиб берамиз-у, бошқаси билан ишимиз йўқ. Бироқ биз отлиқ одамлармиз, от мингандан, ўзимизга хон, ўзимизга бекмиз. Арсен, сен қўноқлар билан кеча-кундуз бирга бўласан. Ишингни ҳалол ўтайвер, бизни ўйлама, биз ўзимизни эслатадиган пайт келганда, ҳамманинг хуши бошидан учади. Ҳеч иложи йўқ. Бошқача қилиб бўлмайди. Лекин хужумга ўтиш буйруғи берилганда, буйруқни эса мен бераман, сен хизматга ҳозир нозир тур, биз бир сафдамиз. Мўътабар қўноқлар етиб келишгач, амакинг Бектур оғаникида дам олишади, эртасига Коломтоғ деган манзилга боришади, бу баланд тоғлар ичкарисидаги жой. Йўлнинг ярмини Бектур оғанинг жили билан бошқа машиналар-

да ўтишади. Ундан у ёғига отларда юришади. Ҳаммаси бошдан-оёқ, ўйланган, ҳаммаси тайёр, отлар эгарланган, минишга тайёр қилиб туришади. Арсен, яхшилаб тушуниб ол, буларнинг барини, вазиятни биз билан бирга бир хил тушунишинг учун гапириб ўтипман. Сен тилмошлиқ қилмасант, қўлимиздан ҳеч нарса келмайди, лекин бизсиз ишлар ҳам юришмайди. Кўноқларни қачон, қаерда, қандай қўлга оламиз? Қандай усул билан уларга товон тўлатамиз? Сен буни билгинг келади, тўғрими? Нега индамайсан?

- Билмайман. Кейин айтаман.

- Хўп, аввало сенга қўлимизда бор нарсаларни айтай. Отиш учун энг аъло қуролларга эгамиз. Бу равшан. Барсни қуруқ қўл билан овлаб бўлмайди. Баланд тоғлардаги қор қоплони ҳар қандай йўлбарсу арслонлардан кўра қўрқинчлироқ. Ўзинг қара, истаган циркда йўлбарслар, арслонлар, бўрилар ва бошқа ваҳший хайвонларни сурнай чалиб ўйнатишади, сакратишади, лекин ўргатилган тоғ қоплонларини биронта ҳам циркда қўрмайсан. Лекин қоплон териси жуда қиммат туради, шунинг учун унинг савдо-сотиғини йўлга қўйишмоқчи, қоғозларда уни «баланд тоғлардаги аъло навли» деб қайд этишган. Илвирсларнинг борлигига раҳмат! Нега миқ этмайсан? Майли, гапирмасант, гапирма, мени кўп валдираяпти деб ўйлаётгандирсан. Балки шундайдир. Лекин ишни шундай билиш керакки, кейин ҳеч ерда қоқилмайлик. Баъзан чумолига қоқилиб кетасан, фил эса қочиб қолади. Кулгинг келмаяптими, Арсен?

- Ҳозирча, йўқ.

- Энди қаерда ва қачон уларни қўлга туширишимиз ҳақида гапирсам. Бу ерда яна бир нарса бор, эътиборга олиб қўй: тоғдаги овга Қувайтдан баланд овоз чиқарувчи бир қанча аппаратлар жўнатишган, узоқ масо-

фадан туриб гаплашиш учун, бу ерда телефон эмас, шу иш беради, у тоғдан бу тоққа қараб гаплашиб турамиз. Телевизорларда күрсатишади: намойишлар пайтида шундай қичқиришади. Мана шу овозни кучайтирувчи асбобларни яна нимадир дейишиади. Эсингда йўқми?

- Рупорми?

- Йўқ, яна аллақандай бошқача.

- Мегафон.

- Ана, тўғри. Сенинг ўз рупор-мегафонинс бўлади. Бизда йигитларнинг ҳар бирида бор, отда чопиб бора туриб бор овоз билан бақиришамиз. Ов пайтида ҳамма гап-сўзлар ва буйруқларни дарҳол инглиз тилига ва инглиз тилидан бизга таржима қилиб борасан. Илвирслар қочгани жой тополмай қолишиади. Гаранг бўлишиади. Мен шуни айтмоқчиманки, бари сенга боғлиқ. Анов бир сўз бор-ку, нимайди, шуни айтасан: ундай қил, бундай қил, агар қилмасанг, бўғиб ўлдираман, ифлос... – Тоштанаффон пешонасини тириштирди. Арсен Саманчин у ултиматум ҳақида сўраёттанини биларди, лекин айтгиси келмасди. Аммо бари бир айтишга тўғри келди:

- Ултиматумни айтяпсанми?

- Ҳа, албатта-да. Тилимнинг учидаги турган эди, ҳеч эслолмадим. Ҳозир ҳазил-мазахнинг вақти эмас, лекин бу ерда бизнинг ёш оқинимиз шундай қўшиқ қўйлайди: «Менинг отим Ултиматум, елдай учиб бораман, дуч келганлар йўлимда, куллуқ қилсинлар менга». Аҳмоқона гап, лекин «менинг отим Ултиматум» дегани менга ёқади. Лекин бу шунчаки бир гап. Асосийси – мана шу, ултиматум. Гаровга олинувчилар анг-танг бўлиб қолишиади. Уларни ғорга ҳайдаб келамиз, қуролларини тортиб оламиз, ечинтирамиз – қани, яланг оёқ тог-тошларда қадам босиб кўрсин-чи... Яна такрор айтаман, Арсен, сен тушуниб олишингни истайман: ё биз йигир-

ма миллионни ундирамиз, ё мен ғорга кўмилган пиёдаларга қарши минани портлатиб юбораман. У аллақачон ўрнатиб кўйилган.

– Сен ҳали ғорга мина кўмиб қўйдингми?! – ҳайратланиб сўради Арсен Саманчин.

– Ҳа, мен бу иш билан Афғонда шуғулланганман. Менинг ултиматумим мана шу! Йигирма миллионни жўнатсанг – кутуласан, бўлмаса – портлаб далва-далва бўлиб кетасан! Сен нега бундай қарайпсан? Ўзинг биласанки, мен ақли-ҳуши жойида одамман, лекин бизнинг тоғларда бундай имконият бир мартағина бўлиши мумкин, бошқа ҳеч қачон қайтарилемайди. Илвирслар довоннинг у томонига қочиб кетишади. Майли, гапнинг пўскалласига келайлик. Нега мен ҳаммаси фақат сенга боғлиқ деялман? Чунки барча буйруқ ва кўрсатмаларни сен мегафон орқали инглиз тилида, бизнинг тилимизда ва албатга, ҳамма каттадан-кичик тушунадиган рус тилида етказиб туришинг керак. Очифи, овни фақат икки киши – икки қўноқ қиласди, сен доим улар ёнида бўласан, бизнинг отлиқ бешовлон теварак-атрофни ўраб туради, бошқа хизматчилар – орқа томонда жойлашади. Сенинг амакинг худодан омад сўраб ёлворади. Майли, дуо қиласверсин. Биз эса бу орада сен билан биргаликда Арсен, менинг буйругим билан қўноқларни ғорга ҳайдаб кирамиз, қуролсизлантириб, энг муҳим гапни ўртага қўямиз: асиrlарни озод қилиш эвазига оладиган баримтамиз йигирма тўрт соат ичida нақд пул ҳисобида қўлимизга тегиши зарур. Ултиматумни бажариш учун бир кеча-кундуз вақт берилади. Шарт шу: вақт бундан ортиқ чўзилмайди. Ё пул нақд келади, ё бош нақд кетади. Арсен, мана, жим турибсан, булар бари тушунаман, сенга ёқмайди, лекин билгинг келиб турган бўлса керак, сенга яна тушунтириб ўтай.

- Тошафғон ҳақиқатан ҳам күп нарсаларни фаросат билан фаҳмлаб оларди. – Сен буларни амалда қандай қилинади, деб ўйлајпсан. Гап бундай. Уларнинг Яқин Шарқдаги банкларида қишин-ёзин, кече-ю қундуз милиардлаб нақд пуллари сакланади. Улар учун йигирма миллион доллар – чирт этиб тупургандай гап. Пулларни беш дақиқада беш миллиондан қилиб, олтмишга саксон беш кутичаларга жойлаб беришади. Ҳар бир кутининг оғирлиги йигирма кило бўлади, ҳаммаси бўлиб, саксон кило. Қандай олиб келинади? Тайёрада тўқиз соат училади. Улар амр қилсалар, ҳаммаси ўша заҳоти муҳәйё. Тоғлардаги гордан бу маълумот уларга қандай етказилади? Ўзинг биласанки, уларнинг ёnlарида йўлдош орқали алоқа қиласидан телефонлари бор, доим ёnlарида юради ва истаган ерга қўнғироқ қилишади, ҳатто космосга ҳам. Уларнинг қўнғироқларини ўзинг текшириб тур, доим ёnlарида бўл, бир зум ҳам нари кетма. Сен ҳеч оғиз очмаяпсан, Арсен, бу жанжалли, жинояткорона ишга бош қўшгинг келмаяпти, шекили? Лекин кўриб турибсанки, мен ҳаммасини ўйлаб, ҳисоблаб чиққанман. Нима деб ўйласанг ўйла, лекин менинг буйруқларимни сўзсиз бажаришингга тўғри келади. Бунинг эвазига охирида ўз улушкингни оласан. Агар бундан жиркансанг; бизга беришинг мумкин, биз йўқ демаймиз. Бу сенинг ихтиёрингда. Нега миқ этмай турибсан? Ҳўп, мақсадга етишимизга сенда ҳеч қандай шак-шубҳа қолмаслиги учун яна бир нарсани айтай: қўноқларни тутиб ғорга ҳайдаб киришимиз ҳам миридан-сиригача ҳисоблаб қўйилган. Улар дастлаб Коломтоғ ёнида дара ичида шундоқ ғорнинг яқинида жойлашишади, атрофда ҳамма нарса қўриниб туради. Бешовлон йигитлар бу орада битта қор қоплонини яқинроқча ҳайдаб келишади, ўлайманки, бу қўлимиз-

дан келади, биттасини анчадан бери күз остига олиб күйганимиз, уни ўзимизча «калладор-думдор» деб юритиб юрибмиз. Жуда катта қоллон, калласи худди түлган ойдек, думи мисоли узун ходадек... Ёз бўйи узангилаш довони этагида тентираб юрибди, жонивор, худди бир нимани кутаётгандек. Биринчи навбатда уни ҳайдаб келамиз, ўнғайини қилсақ, жиндак ярадор қилиб кўя-
миз, чопиб биздан узоқлашиб кетмасин. Кейин Яқин Шарқдаги энг йирик пулдорни форга ҳайдаб киришга ўтамиш, бу ғорда одатда чўпонлар подаларини тоғ яй-
ловларига олиб ўтганда гоҳо тунаб қолишади. Майли, бойвачалар шу ерда ўтириб бир оз нафас ростлашсин.
Худди мана шунда Арсен, хоҳлайсанми-йўқми, энг қи-
йин ишни уddaлашинг керак. Кўноқларга бизнинг ул-
тиматумимизни сен еткисасан. Биз эса қўлимизда ав-
томат билан форни қўриқлаб турдимиз. Йигитларни ях-
шилаб ўқитганман, ўргатганман, сен эсанг хонзодалар-
га ҳар бири ўн миллиондан товон тўлашини, буни йи-
гирма тўрт соат ичидан адо этиш кераклигини айтасан,
фақат шу шарт билан тирик қоласизлар, дейсан. Кейин
фордан дарҳол чиқиб, аввал инглиз тилида, кейин ўзи-
мизнинг тилда бор кучинг билан мегафонга қичқира-
сан, араб кўноқлар гаровга олинди, уларга товон тўлаш
шартлари баён этилди дейсан, товоннинг қанчалигини
айтмайсан, фақат фавқулодда ҳолат эълон қилингани-
ни билдирасан. На кўноқлар, на бизнинг одамлар ўр-
нидан қилт этмайди, форга яқин келишга уринганлар
шафқатсиз суръатда отиб ташланади. Агар йигирма
тўрт соат ичидан шартимиз бажарилмаса...

Арсен Саманчинга собиқ сипдошининг қалтис ни-
ятларини эшишиб ўтириш ниҳоятда оғир эди. Аммо
ғишт қолипдан кўчган, ҳеч нарсани тўхтатиб қолиш-
нинг иложи йўқ эди. У ичидан Тошафғонни қаттиқ айб-

ларди, шу билан бирга, қизиқ, шундай гаровга олишдек ўта мушкул ишни миридан-сиригача жуда пухта ўйлаб ташкил қилинганилгига лол қоларди бир жиҳатдан. У собиқ ошнасининг ғайратли ҳаракатлари, жаҳду жадал ифодаланган кўзларининг ёнишига қараб туриб, бундай куч-куват ва аҳду азму қарор эзгу томонга йўналтирилмаганидан афсусланарди. Шу билан бирга Арсен нинг хаёлидан бошқа, кўрқинчли ва ажойиб-ғаройиб фикрлар ҳам ғувиллаб ўтарди. У қуриб кеткур Эртош Курчал ҳам шу ғорга тушишини, гаровга ушланганлар қаторида ўтиришини, бу ҳам етмагандай, уни Арсен ғорга орқасига тепиб-тепиб киритишни жуда-жуда истарди. Бундай ўйлаш уят, аянчли ва бачканалик эди, лекин нима қилсин, ўйлади-да. Ўша димоғдор башаранг қурғур томоша бизнесмени қўрқиб додласин эди, ўшанда Мангу қайлиқ ва Ойдана Самарованинг йўлини тўсиш қандай бўлишини биларди, ундан ҳатто бир тийин товоң ҳам олиниб ўтирилмасди - пешонасидан ўқ ейишини кутиб ўтирсин эди номард... Яна йўл-йўлакай хаёлидан ўша ғалати фикр лип этиб ўтди, демакки, қалдирғочлар бекорга бунчалик жон куидириб вижирлашмаган – огоҳлантирмоқчи бўлишган экан-да. Мана, ҳаммаси тўғри чиқди... Ҳам кулгили, ҳам қайғули... Энди қайдасиз, қалдирғочлар?..

Кун пешинга яқинлаб қолган, аммо Тоштанаффон ҳамон тўхтамай сўзлар, чамаси, сўзлари билан ўзини ўзи яна бир карра ишонтиromoқчи, ишончини мустаҳкамламоқчи бўлар, энди у гаровга олишнинг натижалари қандай бўлишини сўйларди.

- Сен Арсен, бизни фақат ўлжа олишга муккасидан кетган одамлар деб ўйлаётгандирсан, кейин нима бўлади, тўрт қути долларни кўтариб қайга боради, нима қиласди, булар билан ишлари йўқ дерсан ҳойнаҳой. Ахир

гаровга олингандар қўйиб юборилгач, тайёр турган маҳсус қисмлар ҳаммаси бизга қараб ташланади, тушинарли нарса. Арсен, бундан ташвишланма, буни ҳам ўйлаб қўйганмиз. Бизнинг етти соат холис вақтимиз бўлади. Холис вақт нималиги ва у бизга нима беришини билишни истайсанми?

– Қани тушунтир-чи. Гарчи бу гаплар мен учун буйракда тўпланиб қолган тошдай. Мен сен билан бутунлай бошқа нарсалар ҳақида гаплашсам деган эдим. Сен бўлсанг ўзинг қазиган ҳандаққа тушиб олиб, ҳеч нарсани кўзинг кўрмасдан ҳар ёққа тариллатиб ётибсан.

– Сенингча биз ҳандақда ётган бўлсак, унда сен ҳам биз билан бирга ўша ҳандақда ётибсан. Биргаликда ўзимизни мудофаа қиласиз. Холис вақт тўғрисида эса сенга шуларни айтай. Биз ўз мақсадимизга эришгач, араб қўноқлар учун тўланажак товонни Коломтоғ дарасига, ғорга яқин бир жойга олиб келишгач, биз ҳаммаси жойида бўлганига комил ишонч ҳосил қилгач, ана ўшанда сен мегафонинг билан тоғ тепасига чиқасан-да, инглиз ва бизнинг тилимизда овозинг борича биз ўртада холис вақт эълон қилганимизни айтасан, холис вақт етти соат эканлигини билдирасан. Гаровга олинганд қўноқлар соғ-саломат ғорда қолишади, уларга сув ва овқат берилади, биз эса ўз йўлимизга кетамиз. Сен янга щуни маълум қиласанки, худди мана шу дақиқадан бошлаб етти соат ичидаги ғорга кириш ва чиқиш ман этилади, у соат ўрнатилган чечен миналари билан миналаштирилади, улар фақат етти соат ўтгачгина зарарсизланади. Бу гапни сен уч маротаба такрорлайсан. Бу бизнинг охирги сўзимиз бўлади.

Охирингача чидаб кутишсин. Бу орада биз брезент халталарга (уларни тайёрлаб қўйганмиз) кутиларни иккитадан қилиб солиб, иккита отга юклаймизу ғойиб

бўламиз. Отлар тайёр. Бектур оғанинг отлари зўр. Булар араб қўноқлардан тортиб олинган отлар. Биз Узангилаш довони томонга қараб юк ортилган отларни етаклаб кўз очиб юмгунча кетиб бўламиз. Йўлларни яхши биламиз. Хатарли ҳеч нарса йўқ. Довон олдида бизни ёзги яйловдан келган оиласаримиз жам бўлиб кутиб туришади. Келишиб қўйганмиз. Хавотир олма, биродар.

Арсен Саманчин миқ этмади. Ушбу машъум қўпорувчилик режаси қанчалик пухта ўйланганини чуқурроқ тушунгани сайин ўзининг нимага маҳкум этилганига ишончи ортарди. Тоштанафғон тўдасидан, уларнинг фитнасидан мен бунга қатнашмайман деб, осонлик билан қутулиб кетиб бўлмасди, зотан уни ўз режалари га шерик этиб, шунинг ўзи биланоқ унинг қўл-оёғини боғлаб ташлашган. Энди жаҳаннам қаърига бирга киришгина қолганди.

– Э, сен бунча қўрқаверма, – юпаттандай бўлди Тоштанафғон. – Бу ишга таваккал қилса арзиди. Унга сени очиқ-ойдин, алдам-қалдамсиз, тўғрисини айтиб тортияпман. Тоғларда қор кўчганда, шундай бўлади. Ҳамма нарса кўчки билан пастга қулайди, фақат бир нечта кушларгина учишга улгуриб, қутулиб қолади. Балки биз ўша кушлардирмиз?

Арсен Саманчин елка қисди:

– Менга бунинг қизиги йўқ. Ўзинг биласан. Мен бошқача ўйлайман.

Шу пайт кутилмаганда унинг қўл телефони жиринг-лаб қолди. Ҳар икковлари чўчиб тушдилар. Арсеннинг инглизчалаб жавоб бера бошлагани Тоштанафғонни янада сергаклантирди, у худди бир нимани тушунадигандай яқинроқقا сурилди-да, Арсеннинг башарасига диққат билан тикилди. Арсеннинг юзи эса бу пайт жонланиб, яна асил ҳолига қайтди. Суҳбат беш дақиқа-

ча давом этди. У сұхбатдан фақат «Ха, Боб! Яхши, Боб!» – деган сүзларнингина англаган Тоштанафғонга араб Ҳасанинг матбуот котиби Роберт Аукас қўнтироқ қилгани, 15 июлда уч кишилик тайёрлов гуруҳи учиб келиши, улар баланд қорли тоғларда кийиладиган аль-пинистларнинг янги чиққан анжомлари ҳамда бошқа ов аслаҳа-яроқларини келтиришларини тушунтириди. Буни «Мерган» фирмаси идорасига факс орқали ҳам маълум қилинаркан. Яна шу уч киши билан бирга ов ҳақида фильм яратиш учун икки кинооператор ҳам келар эканлар. Лукас уларни кутиб олишни сўрабди.

– Ана, кўрдингми, иш бошланиб кетди, – ишchan бир оҳангда деди Арсен. – Индинга Авлиёотага етиб боришига тўғри келади, аэропортга, лекин буни хўжайн билан келишиб олармиз. – У Тоштанафғон билан сұхбатни қандайдир тарзда якунлаш учун ўрнидан туриб синфхонада у ёқдан бу ёққа юрди, деразага нигоҳини қадаб, ўйланиброқ деди: – Бўлар энди, Тоштан, мен хўжайн билан баравақтроқ кўришишим керак.

– У Дасторконга кетган-ку, ҳали етиб келмаган чиқар.

– Тез орада келиб қолиши керак, – ноанироқ қилиб деди Арсен Саманчин. – Умуман, менимча, анча гаплашиб олдик. Иш қолиб кетмасин.

– Албатта, албатта. Лекин энг зарур ишни қилиш керак. Сенда ҳеч қандай шубҳа қолмаслиги учун Арсен, яна бир карра айтай: ҳамма иш бизнинг режамиз буйича бориши керак, бошқача ган бўлмаслиги керак. Хаёлингда нима гап – буни ўзинг биласан, аммо менинг айтганимни қилишга мажбурсан, бу – ўлим олдидаги охирги дақиқага ўхшайди. Мени валдираяпти, деб ўйлама! Мен жинни ҳам эмасман! Таним соғ, ақлу ҳушим жойида. Сен биз билан бирга бойлангансан. Сени кам-

ситаётганим йўқ, аксинча, сен инсон сифатида мендан юқорироқ, ҳурматлироқсан, лекин аҳвол шундай бўлиб қолди – менинг буйруқларим дарҳол бажарилиши зарур. Норози бўлишнинг вақти ўтди. Биз сени бу ерга чақириб келмадик, овулга ўзинг кириб келдинг. Эсингда тут: биз босқинчи эмасмиз, лекин эртага бизни шундай деб юритишади. Биз ўз улушимиизни оляпмиз, холос. Бошқа йўл йўқ.

– Яхши, – деб унинг сўзини кесди Арсен Саманчин, – кўряпсан-ку, сени дикқат билан эшилдим. Сен мени мажбур қиляпсан, нималигини ўзим ҳал қиласман.

– Албатта, сенинг ўрнингда бўлсам, мен ҳам шундай дердим. Лекин такрор айтаман: биз қайтмаймиз. Ҳар биримиз ўз улушимиизни оламиз, жумладан, сен ҳам, лекин биз кетгач, орадан бир ҳафта ўтади, унда биз Помирнинг Афғон томонида бўламиз. У ёққа олиб ўтиш менинг бўйнимда, бу ерларни биласман. Ҳозир ёз. Албатта, ўтиб кетамиз. Шунинг учун оилаларимизни бирга олиб кетамиз. Уларни қолдириб бўлмайди. Бизнинг ўрнимизга уларни жазолашади. Сенга осон – бўйдоқсан, ҳали бари олдинда. Гаровга олиш арафасида оилаларимиз Узангилаш довонини ёқалаб ўтиб, бизнинг йўлимизга чиқиб туришади. Лекин оила аъзоларимиздан биронта киши Коломтоғда нима рўй беринини билмайди. Бунинг уларга дахли йўқ. Биз чегара ошиб кетамиз, хўқиз-қўтос бокувчи афғон қирғизлари орасидан жой топамиз. Кейинчалик болаларимизни Хитой, Ҳиндистон ёки Покистонда ўқитамиз, олий маълумотли қиласман.

Яна телефон жиринглади. Бектур оға экан.

– Сен қаердасан? Янгиликлар борми?

– Ҳозир мактабдаман. Бу ерга Тоштанафғон билан келган эдик. Ўқувчилик пайтларимизни эсладик. Мен-

га от олиб келишди. Яхши от экан, раҳмат, бой ақа. Янгалик шуки, матбуот котиби Роберт Лукас қўнғироқ қилди. Индинга тайёрлов гуруҳи келармиш. Уч киши. Иккита кинооператор, қўноқларнинг ўзлари бир кун кейин учишармниш. Ҳа, мен тезда идорада бўламан, ҳаммасини қиласмиш, ташвишланманг, бари жойида, ҳаммаси айттанингиздай борялти.

Арсен амакиси Бектур оға билан гаплаша туриб, ўзи бу ерда тушган аҳволдан оғиз очмагани, афтидан, Тоштанафғонни анча тинчлантириди. Арсен Саманчин ҳам ҳеч нарса бўлмагандай, деди:

– Ҳўжайин етиб кел деяпти, биласан-ку, иш кўплигини. Бўпти, тугатайлик энди шу гапларни. Мен кетай.

– Маъқул. Бир белгимиз шуки, мен ўша куни ўзимнинг шўро давридан қолган сержант шапкамни кияман, айвончали, қизил тасмали. Шуни кийган бўлсан, демак, барча менинг буйруғим бўйича иш бажаради, тушунарлими? Яна бир гап. Аниқ қулоғингда бўлсин! Бизнинг ишимизни барбод этишга уринма. Ёмон бўлади, ҳеч нарсага қараб ўтирмаймиз. Ё товои тўлатамиз, ё қўноқлар ов пайтида ёки ғорда ўлдирилади. Шундан хуласа чиқаравер. Сен амакингга миқ этиб оғиз очадиган бўлсанг, баттарига ёмон бўлади, ҳеч ким қолмайди, ҳаммасини отиб ташлаймиз. Агар қочиб кетаман десанг, йўлдаёқ қувиб етамиз, бўлмаса, шаҳарда ҳам сени топиб оламиз... Сендан қаттиқ илтимос, бу гапларни тушун, дўқ-пўписа қилиб ўтиришга мажбур бўляпман. Бошқа иложи йўқ. Тамом! Гап битди! Ҳозир андак шошма, бу ерга йигитлар киришади. – У дeraзадан ташқарига қичқирди:

– Ҳой, Култой, қани, чақир болаларни! Бу ерга киринглар.

– Нима кераги бор? – ҳайрон бўлди Арсен.

– Ҳозир биласан.

Мактаб билан ҳовлини күриқлаб турган йигитлар түртөвлөн бўлиб ичкарига киришди. Улар синфда бир қатор бўлиб тизилишгач, Тоштанафғон Арсенни кўрсатиб, қўмондонлик қилди:

– Гап бундоқ: гаплашиб олдик, ҳаммаси ҳал бўлди. Энди ҳар бирингиз келиб, унга ўз сўзингизни айтинг.

Арсенга аввал пахмоқ соч рўпара бўлди:

– Фақат шундай бўлсин! – деб у ўзини четга олди, кейин бошқалар келишди.

– Фақат шундай бўлсин!

– Фақат шундай бўлсин!

– Фақат шундай бўлсин!

Охирида Тоштанафғон сўради:

– Хўш, Арсен? Тушунарлими?

– Худди шундай. Ҳарбийчасига шундай: буйруқ худодан баланд.

– Ағонистонда бошқачароқ айтишарди. Буйруқсиз кун кўрма, қиз олдига юурма. Энди олтита бўлдик. Ғайрат қилинглар. Арсеннинг ўз ишлари бор. Саксон мен билан боғланиб туради. Култой, Жилқиши, Жондос – учовинг бир кеча разведкага борасиз, эртага тушга етиб келинглар. Қаранглар, илвирсларни қаердан тошиш осонроқ. Анов калладор-думдор қоплонни довон бетида кўрсанглар, қитиғига тегманглар. Лекин уни Коломтоғ дарасига қандай, қайси томондан яқинроқ ҳайдаб келиш йўлини қидиинглар. Қуролларингиз қўлингизда бўлсин, отларни эҳтиёт қилинглар. Ов бошланганда, ҳар биримиз дурбин билан қаерда туришимизни аниқ белгилаб олайлик. Қани, отланинглар. Калитни қоровулга бериш эсингиздан чиқмасин, бирон ерда ичиб ётгандир, топинглар.

Улар шу бўйи мактаб ҳовлисидан тарқалишдилар. Арсеннинг отини ҳам ола кетишди. Арсеннинг ўзи

«Мерган» фирмасининг идораси жойлашган собиқ колхоз клубига йўл олди. У ерда уни Бектур оға кутмоқда эди. Арсен Саманчин ҳали юз одим ҳам отиб улгурмай Тоштанафғон орқасидан отда етиб келди-да, эгардан тушиб, от жиловидан тутганча, ёнма-ён борди. Яна ўша сўзларни такрорлади. Яна пўписа қилди: ишкал чиқарсанг, ҳамманг пешонангдан ўқ ейсан. Пул етиб келган тақдирда, қилча зиён кўрмайсан.

VIII

Ўша пешин чоғи улар икковлон шундай тоғолди Туюқ-Жар овулининг қиялаб кетган бош кўчасидан боришарди, бўйи басти қуиб қўйгандек бир-бирига тенг-баробар икки собиқ синфдош ўрталарида бўлиб ўтган оғир суҳбатдан кейин ҳамон ҳеч қандай муросага келмаганча, бир хуфия қўзланмиш ишнинг натижасига ўзларини ўзлари ҳукмбанд этганча овчилик идораси томон боришар, буларнинг бири ёлланишни истамаган Арсен Саманчин, иккинчиси уни ёллашга муваффақ бўлдим, деб хаёл қилган Тоштанафғон эди.

Рўпараларидан биروف от йўрттириб чиқмаганда, улар ҳали ҳам ўша ғурбат гапни давом эттирган бўлишарди. Отлик кишини Бектур оға Тоштанафғонни топиб келиш учун жўнатган экан, чамаси бир иши чиқиб қолган. Отликнинг оти Ўрозқул экан, у отидан пастга тушди, Арсен Саманчиндай катта одам, бунинг устига Бектурган оғанинг жияни кўчада яёв бораётган бир пайтда ўзига от устида ўтиришни эп кўрмади шекилли. Энди улар учовлон бўлиб, икки жиловидан етакланган от ўртасида Арсен боришарди. Бу худди тақдирнинг ҳукмига ўхшарди. У кейинчалик бунга ишонч ҳосил қилди. Икки от орасида Туюқ-Жар овули кўчасидан пиёда ўтиш ўша соат унинг чекига тушмиш эди.

Улар у ёқ бу ёқдан гаплашганча яёв ё эшак миниб ўтиб бораётган овулдошлари билан салом-алик қилишиб бамайлихотир қадам ташлашар, күп овуликлар ҳовлиларидан бүй күрсатиб қарашар, уни чақиришар, ҳол-аҳвол сұрашарди. Улар учун Арсен Саманчин ҳарқалай таниқли одам зди, күплар унинг Туюқ-Жарлик экани билан фахрланишарди. Бир ҳовлининг дарвозаси ёнида ўтирган кампир сұрашиш учун ўрнидан күзғалди. Йигитлар ҳам түхташди. Худди шу пайт бамисоли буюриб күйилгандек құлида мүъжаз фотоаппарат тутған чаққон бир аёл қаердандир пайдо бўлди. У жуда келишган, истараси ҳам иссиқ – қорамагизроқ, чараклаб кулган күзларида нур порлаган бир аёл бўлиб, сочининг турмаклангани, жинси шим кийгани, устига ёқаси очиқ спортча енгил калта кўйлак илганига қараганда, чамаси, бу ерга бошқа ёқдан келганди.

– Салом. Вуй, мунча чиройли юриб келяпсизлар! Арсен оғамиз ўртада, сизлар от етаклаб икки ёнда! Уч азamat! Майлими, сизларни суратта олсан, зўр сурат чиқади! Мана, кўрасиз! Йўқ, тўхтаб турманглар, юриб келаверинглар, мен улгуриб оламан! Бу рақамли фотоаппарат!

– Рақамли? – ҳайрон қолди Арсен Саманчин. – Уқмуш! Қойил!

– Мен шаҳарларда савдода юраман. Отим Элес, кўшини Туман овулиданман, бу ерда опам туради, касал бўлиб қолибди. Ана, ана! Яқин туринглар, жиловни калта тутинглар. Ана шундай! Қойил! Мен ҳам «Мерган»га боряпман.

Аёл қўлларини хуррам силкитиб, чаққон ҳаракатлар билан уларни суратта оларкан, Арсен Саманчин бирдан кутилмаганда енгил тортди, гўёки аёл узокдан туриб шундай қўлини узатиб, унинг яраланган дилини даво-

лайдигандай, Тоштанафғон билан ўрталарида бўлиб ўтган гапдан сўнг юрагини озурда эзиб ётган оғир кечинмалар юкидан халос қиласдигандай эди. Шунда бир зум ичида мияси ярқ этиб очилгандай бўлди, одам ўзига ишонч билан яшиши учун «дунё ўз ўрнида туриши» қанчалар зарур эканлигини сезди. Шунинг учун у аёл тинмай, тўхтамай яна ва яна суратга олишини истарди, шунинг учун аёлнинг исмини ҳам дарҳол эслаб қолди. Элес – эслашмикин, хотирлашмикин, ёдгормикин, у шунга яқин маънони туйди. Исмнинг ўзиёқ ёрқин ва лўндалиги билан одамга енгиллик бағишларди.

Элес бу орада улардан бирпас шошмай туришларини сўради-да, мўъжаз фотоаппаратнинг кичкина экраннада тайёр суратларни кўрсата бошлиди. «Қаранглар, жуда ажойиб – уч баҳодир!» Ҳамма мамнун бўлди. Тоштанафғон: «Бу замоннинг техникасини қаранг-а!» – деб кўйди. Арсен Саманчин аёлнинг отини айтиб, унга му рожаат қилди:

– Раҳмат, Элес! Келинглар, ҳаммамиз бирга тушамиз. Аммо ким суратга олади?

– Вой, мунча яхши! Сиз билан суратга тушиш орзу-йим, – самимият билан хурсанд бўлиб деди аёл ва йўлдан ўтиб бораётган йигитчани кўриб қолиб, ундан илтимос қилди:

– Ҳой, Болабош, кел, бизни суратга олиб қўй. Манави тутмачани босасан.

Йигитча жон деб рози бўлди. Ҳаммалари бир қатор бўлиб тизилишди. Арсен билан Элес ўртага турди, анов иккови отнинг жиловини ушлаганча четда жойлашишди. Арсен қиз билан ёнма-ён тураркан, унинг юмшоқ, ипакдай майин баданини ҳис қилди, Элесга янада яқинроқ ёпишди, қиз ўзини олиб қочмади, бир сония у ҳам мойил бўлиб турди. Йигитча

тұғмани босиб, ширқиллажан овоз чиққач, Арсен шошиб-пишиб деді:

– Раҳмат, Болабош. Лекин кел, яна бир марта ол. – Шунда яна улар бир-бирларига оханрабодай ёпишдилар...

Кейин улар қандай тушишганини томоша қилишди. Элес ниҳоятда хурсанд әди:

– Вой, мунча яхши экан. Арсен оға, хүб тушибсиз. Худди орзу қилғандай.

Кичкина экранчадаги тасвирларни күздан кечираркан, Арсен сүради:

– Элес, бу суратларни олса бўладими? Қачон?

– Албатта, Арсен оға, тезда уларни чиқараман. Сиз ҳали шу ердасиз-ку!

– Ҳозирча шу ердаман. Мерганчилик бизнеси билан шуғулланяпмиз.

– Мен ҳам бугун-эрта шу ерда бўламан. «Мерган» ўзлари ва қўноқлар учун суратга туширишимни сўради. Ҳўжайнин яна бир нарсани илтимос қилган. Қўноқлар катта овдан қайтишгач, улар учун овулда қўшиқ байрами ўтказишим керак. Қизлар ўлан-баёт айтишади. Туман овуидан Баяли оқин келади. Мен ҳам қўмиз жўрлигига бир ашула айтмоқчиман.

– Ростданми? Демак, концерт бўлар экан-да? Имкон бўлса, биз ҳам кўрамиз.

Улар бирга кетишиди. Арсен йўл-йўлакай сўради:

– Элес, нима, сиз сураткашлик қиласизми?

– Вой, йўқ, ундеймас. Илгари кутубхонада ишлардим. Пединститутда бир пайтлар ўқиганиман. Ўз автобусимиз бор әди, унда вилоятга китоб таширдик, автобусни библиобус дердик. Кейин ҳаммаси тугади. Библиобусни ўзлаштириб юборишиди. Ойлик мояна ўзингизга маълум. Ойига ўн беш долларга яшашнинг сира иложи йўқ, шунинг учун бошқа ишларга уринишга тўғри келди.

– Тушунарли, – ғўлдиради Арсен, шунда Тоштанафғон унга жуда маънодор қилиб қаради, кўряпсанми аҳвол қандайлигини демоқчи бўлди чамаси. Одамлар ойига ўн беш доллар олади, мана бу ёқда эса йигирма миллион нақд турибди, сен эса бурнингни жийирасан!

Ўрозқул кетди. Тоштанафғон эса Бектур оғанинг хизматига тезроқ борай деб, отига минишни ўйламасди. Арсен Саманчин ҳайрон бўлди. Майли, ўзи билади, шошмаса, шошмас, ўйлади Арсен. Яқингинада ораларида бўлиб ўтган гапларни эслагиси келмас, буни нима деб аташга сўз тополмасди. Агар қудуққа икки киши тушиб кетса-ю, бири пастга, иккинчиси тепага тортса, улар қандай қилиб қутулиб чиқишиади?

Наҳот, Элес фаросат билан ниманидир сезиб қолди? Бирдан қайдан пайдо бўлди? Таплаб кетилган, ёлғизликда қолган, ўз ихтиёридан ташқари мушкул вазиятга тушган бечора бир йигитнинг азоб-укубатларини ўзи билмаган ҳолда енгиллатишни истадимикин? Такдирнинг хира таъқибидан қандай қочиб қутулсин? У юрагини ўртаган кечинмалардан халос бўлиш учун «Бу ердан тезроқ узоқроқ кет, ўйлама», деб ноумид тарзда ўзини ўзи ишонтирмоқчи бўларди – назарида ёнида тасодифан пайдо бўлган, ҳеч нарсадан хабари йўқ Элес уни қутқаргани, бу тубсиз чоҳдан олиб чиққани келгандай бир ишонч унда тобора мустаҳкамлана борарди... Йўлда Элес турли шаҳарларга қатнаб улгуржи савдо-сотиқ билан шуғулланишини бажонидил ҳикоя қилиб берди. Поездга тушиб Авлиёотадан Саратовгача, кейин самолёт билан Московга боради, у ерда бозори чаққон турли товарларни арzonроқ нархда сотиб олиб келтириб, қимматроққа пуллайди, ўн-ўн беш фоиз фойда қолади – шунга кун кўради. Ҳозирча соғлиги буни кўтаради. Элес ҳикоя қилаётган ҳамма гаплар негадир

уни тинчлантиар, күнглига ором бағышларди. Нега бундай, нега бирдан у шундай бўлиб қолди, буни Арсен Саманчин ўзига тушунтириб беролмасди. Кутилмаган тарзда ҳозиргина дуч келган бу жозибадор дилдор аёл нега уни ўзига оҳанрабодай тортади? Арсен қизни ҳали билмас, аммо Элесдан худди муҳаббат ва ҳимоят мұждалари тарааләтгандай эди, ўзи ўзлигича қолиши беҳад зарур бўлган, қўркув ва ожизликдан ўзини ўзи йўқотиб қўймаслиги керак бир пайтда унга ато этилган ҳимоят эди бу. У ҳозир икковлон «Нива»га ўтириб, қайдасан шаҳар деб, жўнаб кетишларини хоҳларди, қарбсизки, тунни яримлатиб етиб боришарди. Унда эса ловуллаган чироқлар, янгроқ мусиқа...

Бироқ ҳозирча овул кўчасидан ўтишаркан, ҳамма уларни очиқ чеҳра билан қаршилар – ит-кучуклар чопиб чиқар, ошхона мўриларидан тутун ўрлар, одамлар дарвоздалардан чиқиб қарап ва сўрашардилар... Улар собиқ колхоз идорасига етиб келгунларича Арсенning аёлга айтган бирдан-бир гапи шу бўлдики, мени «сенлаб» гапир, деб илтимос қилди: ёшимизнинг фарқи ҳам унча катта эмас, шунинг учун бир-биримизни «сенласак» қулай бўлади, деди... Идора остонасига етгандарида эса ундан бу ерда ҳали кўп вақт бўласанми, деб сўради.

– Мен сени қанча керак бўлса, шунча вақт кутаман, Арсен, – деб жавоб берди Элес.

– Яхшиямки, сен борсан... – деди у.

Идорада ҳам, кўчада ҳам, ҳовли ичкарисида ҳам одамлар кўп эди. Бутун овул хорижий овчилар келишини кутарди. Гала-ғовур авжида. Болалар идора атрофида чувиллаб ўйнашарди. Тангривийлик динининг тарафдори ўзига яқин одамларни Узангилаш тоғларига қаратса дуо ўқиб, ибодат қилишга чақираётгани ҳакида бир-бирларига ҳикоя қилишарди. Токи тоғ шамоллари

овчиларга мадад берсин, тоғ илвирсларини қоронғи инларидан ҳайдаб ташқарига чиқарсин. Огулнинг мулласи тангри тарафдорига дашном беришдан ўзини тиёлмади: Парвардигорга, Аллоҳга мурожаат қилиш керак экан, шамолларга эмас. Лекин буларнинг бари бир боғдан, бир тоғдан айтилган гаплар. «Мерган» фирмасида эса хўжайин Бектур оға бошчилигида овга тайёргарлик кўриш билан бирга мўътабар меҳмонлар ва уларнинг аъёнларини жойлаштириш ҳамда хизмат кўрсатиш бўйича кенгаш ўтарди. Барча эркаклару хотин-қизлар баравар қатнашадиган, лекин эндиликда шўринг қурғур социализм билан бирга ўтмишга даф бўлган колхоз мажлислидан кейин биринчи маротаба шундай тадбир ўтяпти, деб мамнуният билан сўйлашарди қари-қартанглар. Бу йиғилиш улуғ тоғ қоплонларининг «кўрсатмаси» билан ўтяпти, деб ҳазил-мутойиба қилишарди.

Кимдир иш билан банд, кимдир томоша қилиб ўралишиб юрар – балки мени бирон юмушга чақириб қолишар деган илинж ҳам йўқ эмасди. Бундай муҳит Арсен Саманчинга ёқарди. Кўп овулдошларни талай вақтлардан бери кўрмаган, улар билан мана энди учрашмоқда эди. Фақат бир нарса уни ўнғайсизликкасолар ва ич-ичидан эзарди: у ҳам бўлса овулдошларнинг Тоштанафғонга муносабати; овулдошлар уни очиқ чехра билан қарши олишар, ҳурматини жойига қўйишар, эътибор билан қарашарди. У ҳам ўзини шунга яраша тутарди; бундай қараганда, тез орада барча овул аҳлини ҳангуманг қилиб қўйишга қодир ҳеч бир хуфия кори бад унда йўққа ўхшарди. Овул аёллари Тоштанафғон тўғрисида тўқиган ўланни куйлаб беришганда, Арсен жуда ғалати аҳволга тушди:

*Хой, ҳой Афғон, ҳой Афғон,
Тортық қил менга карвон.
Карвон билан бораман
Сенга ўғил түғаман.
Тайинингни олмайман,
Қорним түйса бўлгани.
Хой, ҳой карвон, ҳой карвон,
Ҳой, ҳой Афғон, ҳой Афғон...*

Ишқилиб, деб ўйланиб қолди Арсен Саманчин овулнинг беозор ҳазил-хузуллари сиз учун фожиали қўшиқларга айланиб кетмасайди-да... Ҳозирча тинч-хотиржам, лекин тагида бу ерларда кўз қўриб қулоқ эшиитмаган хавф-хатар биқиниб ётған муҳитда Элеснинг «мўъжиза» (буни у ўзи учун шундай сўз билан ифода қилди) каби пайдо бўлиши, қанчалар сийقا кўринимасин, унга бир қараашдаёқ ошиқи бекарор бўлиб қолиши Арсен Саманчин томонидан тақдирнинг ўзгача бир аломати каби қабул этилган. Янаям узоқ чўзилган ёлғизлик юракни батамом куйдириб, ҳаёт асари қолмаган саҳрога айлантирган бир пайтда рўй бергани бошқача аҳамият касб этган эди. Ҳақиқатан ҳам, ўша куни бўлиб ўтган воқеаларда халоскорона тус олган ушбу учрашувни Арсен Саманчин ўзича шундай баҳолади. Унинг овулдошлари учун бу воқеада кўзга ташланадиган, одатдан ташқари бир нарса йўқ эди, албатта. Шунинг учун улар бунга кўз учидা бўлсин эътибор беришмади, у заррача диққатларини ўзига тортмади. Элес ҳар доим бу ерга опасини кўргани келиб турагар, қўшни Туман овуллик қиз ўзлариникидай қадрдан бўлиб кетганди (дарвоҷе, Туман овул Пастки овул дегани бўлиб, Сибирдаги Туман ўлкасининг номи шундан келиб чиқмаганмикин, деб у ўйланиб ҳам қолди).

Амакиси серсоқол Бектур оға билан овга боғлиқ ишларни күздан кечириб чиқишаракан, Арсеннинг хәёлига дам-бадам бошқача фикрлар келар, жиддий бир тарзда ҳозир шартта ўрнимдан туриб чиқиб кетсаммикин, Элесни чақирсаммикин, қўлидан ушлаб, опамнинг эшигигача тез юриб борсаммикин, «Нива»га ўтириб, тоғлару воҳалар оша шаҳарга жадал ҳайдасаммикин, деб товсилланарди, шаҳар ўзимизники, биэга ўрганиш бўлиб кетган дунё, чамаси, қизга ҳам бу дунё сира бегона эмасди. У ўзи ҳайрон қолганча яна бир нарсани сезди, Ойдана ҳам, унинг қабиҳ ҳўжайини Курчал ҳам негадир бир зум ичидагуни унтилди, хотирадан ўчди, қизиги қолмади... Афтидан, санамлар ҳам сўнади, ғанимлар ҳам шарпага дўнади...

Ҳақиқатан, қанийди Элес билан бирга шаҳарга ҳайё-ҳайт жўнаб кетсалар, худди уммонлар ўртасидаги кичкина қайиқчадай мусиқалар, ранг-баранг шуълалар мавжларида чайқалсалар, ана сизга баҳт! Тўхта! Э, унда амакисига берган ваъдаси нима бўлади, қариндошлик бурчи қайда қолади, бу ерларга ахир шунинг учун келмадими? Йўқ-йўқ, кетиш йўқ. Бу ёқда ҳали Тоштанафғон ва гаровга олинувчи хорижликлар, уларга ҳозирланган ғор ҳам бор. Бу хатарнинг боши, эрта бириси кун у нимага айланади? Шундай аҳволда нима қилиш керак? Ҳеч кимсанинг иши йўқ... Агарда билишсайди...

* * *

Бироқ ёлғизлик ва қўрқинчдан абгор бўлиб, азоблар исканжасида ўртанувчи маҳлук ҳам йўқ эмасди. У ҳам бўлса Узангилаш довони ён бағрида саргардон кезган Жаабарс эди. Кейинги кунларда бу ерларда аллақандай отлиқ одамлар изғий бошлишди, улар кўзларига дурбин

тутиб нималарнидир қидиришар, құлларидаги бурғуларини сурон солиб чалишар, тоғларни ларзага келтиришарди. Мана, яна учтаси келиб, отда изғиляпти. Яна нималарнидир аланг-жалаңг күришади, қийқириб шовқын солишади... Жаабарс эса бирон панага яшириниш ўрнига, қочмай тураверади, улкан калласини ба-ландаң күтариб разм солади, думини то мүйнигача хода қилиб силкитади. Жаабарс отлиқлар ўзини күз остига олишгани, уни ўз ўрталарида «калладор-думдор» деб аташганини не билсин... Ана-ана у, яна ўша жойларда изғиб юрибди...

Шунда Жаабарс бүғиқ инграб, ириллади: «Нега, нега келдингиз? Сизга нима бор бу ерда? Халал берманг, тезда тоғлар қулады, сиз ҳам тагида қоласиз...»

* * *

Кечга яқын Арсен Саманчиннинг тоқати тоқ бўлди. Элес билан ёлғиз учрашиб, кўришгиси келди. Хўжайинининг гапларидан маълум бўлдики, кечки пайт унинг вақти бўш экан, доимий таржимонлик иши эртага бошланаркан. Эрталаб барвақт Авлиёота аэропортига етиб бориб, тайёрлов гуруҳи билан кинооператорларни кутиб олишлари керак эди. Ундан кейинги кун эса мўътабар овчилар келишади. Буларни ипидан игнасиғача гаплашиб, Арсен барини ён дафтариға ёзиб олди. У чиқиб кетаётганда орқасидан Тоштанафғон етиб келди.

– Менга қара, Арсен, ҳозир кетаётган бўлсанг, эсингда тут – эртага отингни олиб келишади, доим опангникида туради. Ҳар вақт эгар тагида...

– Майли, олиб келишсин. Мен отни миниб кўрдим.

– Куролни қачон олиб келишсин? Милтиғинг бўлади. Тўппонча деган эдинг. У ҳам бўлади. Автомат ҳам берамиз. Яна анов репродуктор...

– Яхшиси, бугун эмас, эртага келтиришсин. Кечкүрун соат олтиларга, биз хўжайин билан Авлиёотадан қайтиб келамиз. Қуролларни менинг ўз қўлимга топширишсин.

– Албатта, ўз қўлингга тегади. Хўжайнинг буйруги шундай, тилхат берасан. Сен нима деб ўйловдинг? Айтмоқ-чи, Арсен, яна бир энг муҳим гап. Юр, сал четга ўтайлик.

Улар идоранинг нариги кимсасиз томонига ўтиб, у ёқдан бу ёққа бориб кела бошлидилар.

– Шу десанг, энг муҳими, – деб гап бошлиди Тоштанаффон, – ҳозир ҳаммамиз ўз йўлимиизга кетамиз, кейин чамаси тоғларда қўришамиз, Молоташда. У ерга сен қўноқлар билан бирга борасан, унгача биз у ерда жойлашиб бўламиз. Гоҳ пиёда, гоҳ отда жой қидiramiz. Мен Афғонистондан қолган қизил ҳошияли шапкамни бошимга кийишим билан ҳаммасини сенга қандай айтган бўлсан, шундай қил бажар. Эсингда бўлсин: бошга кийилган шапка бу - уйруқ.

Арсен Саманчинни гул оғи шанғиллаб кетди, миясига қон урди.

– Кўзингга қара, бола! Нималар қилмоқчисан ўзи? Вақт борида этагингни ёп.

– Нима деяпсан? Дунё паразитларининг йигирма миллионига ичинг ачияптими? Чўпонларимизни ўйламайсанми?

– Бойликни бўлиш бундай қилинмайди.

– Э-ха, инқилоблар дегин, ислоҳотлар дегин, яна ўша-ўша, ўмарганлар ўмараверади. Биз кутиб ўтирадиканмиз-да!

– Сен қилаётган иш – босқинчилик! Тушунсанг-чи ахир!

– Бўлса бордир! Биз ўз улушимиизни оламиз.

- Ҳозир тортишиб ўтирмайлик. Сен күзлаган нарса ҳаммамизни гүрга тиқади. Уларнинг ўз қўриқчилари бор. Қон тўкилади.
- Бунинг ташвишини қилма. Агар айтганларимизни инглиз тилига ағдариб турсанг, сени жин ҳам урмайди.
- Мен ўзимни айтаётганим йўқ. Айтсан айтмасам, кулоқ сол! Нима, сени яккама-якка олишувга чақиришим керакми?
- Олишув десанг, олишув! Сен бизни глобализмдан келадиган улушимииздан маҳрум қилмоқчимисан?
- Э яна ўшами? Глобализмни тинч кўй, ҳар қанча ҳақ бўлсанг ҳам!
- Майли, ундей бўлса, Арсен, сен ўз фикрингни қил, мен ўз фикримни. Ҳали вақт бор. Роса уч кун. Шапкам тайёр. Ҳозирча хайр, – кейин кета туриб Тоштанафғон ўгирилиб энсасини қашиганча қўшиб қўйди:
- Ҳозир сенга қандайлигини мен биламан. Агар шу тобда бир-биримиз билан етти маҳалла эшигадиган қилиб сўкишганимизда балки анча енгил тортардик. Лекин мени ҳам ўйлаб кўр, осонми менга. Сувга чўкиб кетгинг келади, аммо яшаш керак. Яшасанг, тўкин-сочин яша. Иблислар бизнинг устимиздан тоза кулишди, етар энди! Болаларни мактабига бориш учун кийимбоши йўқ, қашшоқмиз, шаҳардаги ирkit санғилардан фарқимиз қолмади. Йиртиқ чопон чўпонлармиз. Сизлар газеталарда ўша абллаҳларнинг орқасини ялайсиз, мана энди улар яхши билиб қўйишин: биз энди бу бойвачча гўрсўхталарни ҳиқилдоғидан оламиз!
- Сен, нима, бошимга шапка кийсан, тамом, ҳаммасини тутиб бирёқли қиласман деб ўйлайсанми? Бундан ишқал ортса ортадики, асло камаймайди... Дунёга тўғри кўз билан қарамаяпсан.

– Э, куриб кетмайдими ўша кўзи-пўзи, ишқали-пишқали... Бошимда шапка бўлади!

– Киймай бурун ўйлаб кўр.

– Ўзинг ўйлаб кўр. Хўп, ҳозирча.

Ташвишлари янада ортган, тажанг ҳолда, бир-бирларини сира тушунмай ва муросага келмай, тарқалишиди. Бироқ ҳар икковлари ҳам ўзаро маҳкум эканликларини, Тиёншон тоғлари бағрида рўй беражак воқеанинг оқибати нима бўлишини ич-ичларидан сезиб, ҳис қилишарди. У ерларда – даралар, ўнгириларда, коронғи ғорларда яшовчи қор қоплонлари ҳам ўзларига дахли бўлмаган ҳолда гаровга олиш воқеасига шерик бўлиб қолишлари мумкин эди. Лекин қор қоплонлари фикрлай за муҳокама юритга олганларида ҳам, бу нарсаларни қаердан билишарди ахир?..

Дарвоқе, худди ўша онда Арсен Саманчили ҳам ҳеч нарсани ўйлагиси келмасди. Ҳарқалай, у ёлғиз ўзи қолиб, бир зум енгил хаёл оғушида ғарқ бўлиб, ич-ичидан енгил тортиб хўрсинди, жуда чукур хатарли гирдоб қаъридан бир зумга бошини кўтариб, қутулиб чиққандай, янги эҳтирослар оламига ўнғиди. Аммо наҳот муҳаббат мана шундай ҳеч кутилмаганда, олдиндан мутлақо тайёргарлик кўрмай, кўз очиб юмгунча бостириб кириб келиши мумкини?

Ёки бу босқинчиликка шерик бўлишдек ёввойи хавф-хатар остида қолган унинг бечора кўнглига тақдирнинг инояти, инъоми эдими бу?

Элес эса унинг юрагидан нима кечаётганини худди билгандай кутиб туар, ўзи дарчадан бош суқиб чақирди:

– Мен бу ердаман, Арсен!

Маълум бўлдики, у худди шуни кутиб турган экан. Улар оғизларидан бир оғиз сўз чиқар-чиқмас, кўнгилдан бир-бирларини тушунишиб, қиз ҳозир опасининг

уйига ўтадиган, Арсен эса «Нива»га ўтириб, ҳовлига қараб ҳайдайдиган, сүнг икковлари бошлари оққанча узоқ-узоқларга сайр қилгани кетадиган бўлдилар. Энг қувончлиси шундаки, қиз унинг хоҳишларига ҳамоғуш эди. Арсен ҳовлига етиб келганда, Элес тайёр, уни кутиб туради. У елкасида мўъжазгина сумкачаси, қўлида гитара ва енгил пар адёл кўтариб, юзи табассумдан ялля яшнаб чиқиб келди.

Улар ёнма-ён ўтириб жўнаб кетдилар, бир-бирлари-га тўймай қарашар, ўзларини баҳтли сезишарди. Вафодор «Нива» уларни кутли ғилдиракларида баҳтли йўллардан олиб ўтарди. Ўша-ўша борлиқ олам ўшалигича, яна айни чоғда бошқача, одми назар билан англаб етиб бўлмайдиган даражада эди. Улар эса қараб тўймас, ҳавас қилиб тўймасдилар. Мана шу бирдан ўзгариб қолган оламда ҳамма нарсалар ўзгача шуъладорлик касб этар, суратдаги гўзал манзара ҳар томондан ёритиб қўйилганга ўхшарди.

Улар ёпирилиб келган баҳтдан мастона бўлиб, атроф оламга катта одамлардек эмас, худди болалардек бокишини; қизнинг ёши йигирма бешдан ошган, йигит эса ўттизни поёнлаган, кўп яхшилик ва ёмонликларни қўрган, бошларидан тўйлар, жанжаллар ва ажралишларни ўтказган, эндиликка келиб ўтмишларидан халос бўлиб, янги ҳаёт учун қайта туғилган эдилар. Улар шу тобда ўзларини чулғаб олган мухаббат эҳтиросларидан ўзга нарсани кўрмасдилар. Бу сароб ўз-ўзини алдаш эмасди, балки толе томонидан бир марта бериладиган, жон ва жоманинг тажаллиси эди. Яқин ва узоқ кўринган барча нарсалар, тоғ тизмалари ва воҳалар, куёш ва дарё, ғилдирак тагига комрон тўшалган тупроқ биргаликда бошлари оққан ёққа кетиб бораётганликлари учун ҳам уларга улуғ ва фаровон бўлиб кўринарди. Элес ёнида

мехр таратиб ўтирганлиги боис Арсен Саманчин мабодо муҳаббат икки жон ўртасида ўзаро мавжуд бўлса, инсон тақдирларини кўрғовчи ҳаётнинг олий ҳақиқати худди мана шунда деб ўйларди.

Романтизм трагедиясиз одми ва ёлғон-яшиқ бир нарса деб ҳисобланади. Ундан эмас асло, романтизмнинг идрок йўли бошқача, куёши бошқача, осмони бошқача. Лекин бу бошқача оламни фақат муҳаббат ато этилган зотгина билади. Бежиз айтилмаганки, муҳаббат бу – юракнинг нурафшон бўлиши.

Арсеннинг елкасидан оғир юк тушгандай бўлди, бу қандай рўй берганига ўзи ҳайрон қоларди. Ойдана туфайли анов иблис Эртош Курчални бунчалар ёмон кўриш, бунчалар азоб чекиш, бунчалар ўз этини ўзи ейиш... энди ғалати кўринарди. Боз устига Тошафоннинг ғаддор ва ёвуз мақсадига маҳкум ва тобе бўлиб ўтириш... Ва бирдан ҳаётида илгари бўлиб ўтган барча нарсаларни дабдурустдан уннутиш, Элесга қўнгил бериш, унинг бир зумда ҳаётининг ажралмас қисмига айланиши. Афтидан, қиз ҳақиқатан уни халос этиш, тубсиз жар ёқасидан қутқариш учун ато этилмиш эди.

Арсенни чулғаган шоирона ҳисларга эш бўлиб, баҳту қувончларга тўлиб-тошган ва буни яшириб ўтирмаган Элес тўлиқиб деди:

– Арсен, қара, бу тоғлар менинг муҳаббатимни кутган эди, шунинг учун ҳам мен тез-тез бу ерга келардим. Шундай бўлишига ақлим етмаса-да, мен ҳам интизор кутардим... Бизнинг бу тоғларда ривоят қилиб юришади, бунда Мангу қайлиқ саргардон кезади деб.

– Ундан дема, Элес, ҳозир йиғлаб юбораман!

– Вой, рулни маҳкам ушла! – қулди қиз, – бирга кетаётганимиз қандай яхши!

Ағар севишганлар баҳтли бўлсалар, уларнинг ҳаётида аввал нима ўтган бўлмасин, бу мутлақо муҳим эмас. Ҳаммаси бекор қилинади ва ёпилган ишлар архивига жўнатилади, бинобарин, ҳаёт янгидан бошланади, ҳисоб янгидан очилади. Арсен шундай деб ўйларди. Фақат кўз тегмаса бас!

Бироқ у қанчалар бундай хаёлпарастликка берилмасин, кўнглидан дам-бадам бошқа фикр ҳам ўтардики, баҳтнинг изидан доим фожианинг сира мудроқ билмас нигоҳи боқади. Демак, ғулув-ғалаёнсиз баҳт ҳеч қачон бўлмас экан-да. Мана, ҳозир ҳам дам-бадам бир хавотир юрагига ваҳима солади: араб қўноқларнинг аҳволи нима кечади? Уларни Тоштанафғон ҳақиқатан гаровга олса-чи? Яна бир карра уни бу йўлдан қайтаришга уриниб кўраман, кўнмаса-чи, унда нима бўлади? Автомат ўқталиб, қўноқларни ҳимоясига оладими? (Бектур оға боя унга ҳам автомат беришини ваъда қилди.) Босқинчиларни отиб ташлаб, кейин ўзи ҳам ўққа учсинми? Ҳамма замонларда миллионлаган қашшоқлар ҳамиша бойларни кўролмайдилар, улардан нафратланадилар. Манави ғалати фикрни қаранг, шундай бўла туриб, ўзлари миллиардер бўлишни хоҳлайдилар. Дарвоҷе, нима деб ўйласанг, ўйлайверасан, аммо нима қилиш керак, қандай йўл тутса, тўғри бўлади? Биз битта арқонга боғланиб бўлдик. Тоштанафғоннинг йигитлари ҳар нарсага тайёр, босқинчиликдан қайтишмайди. Катта пулнинг исини туйиши. Махлуққа айланиши. Аммо йиртқичлар ўлжани табиатнинг ўзидан олишади. Улар эса жиноят кўчасидан катта пул излашади. Тоштанафғоннинг гапини қара, оғзингни очиб ўтирма, пайсалга солмай, бос! Минг афсус, собиқ синфдошим Афғон урушини кўриб тубанлашиб кетибди, глобализациядан диққат, кимни бўлмасин, жонини олишга тайёр. Туф-

эй, аҳмоқ! Унут буларнинг барини, тупур ҳаммасига!..
Кутилмаганды, бошқа бир ҳаёт мұждаси ёғиляпти, янги
бир борлиқ уч беряпти.

Улар аввало овул чеккасида жойлашган бензоколонкага ўтишди, бу яқын орада Элеснинг бошқа оласи
яшар, савдо-сотиқ ишлари билан Элес бу ерга тез-тез
қатнааб туардиди. «Нива»га ёқилғи олишгач, улар йўлга
тушишди. Йўлга чиқишида Арсен Саманчин машинани
шундай бурдикни, гўё тоғлар орасидан шаҳарнинг катта
йўлига чиқиб оладигандай кўринди. Машинани бир
зум тўхтатиб, ўйга ботиб ўтирди.

- Нима бўлди, Арсен? - қизиқиб сўради Элес. - Биз
ўша томонга борамизми?

Арсен индамади, бошини чайқади, жилмайди-да,
қизнинг кўзига тик қараб, ҳазилми-чинлигини билиб
бўлмайдиган тарзда деди:

- Элес, агар қарши бўлмасанг, сени шаҳарга олиб
кетмоқчи эдим!

- Ростданми?

- Ҳа, сени олиб қочмоқчиман, эски замонлардай.
Нима дейсан?

- Нимага?

- Сен билан бирга бўлишни истайман.

- Олиб қочар журналист! Демак, мени гитарам билан
бирга олиб қочищими аллақачон? - шўх кулди Элес. -
Қойил! Орзуйим! Майли, йўл бошла! Машинанинг ўзи
қаёққа боришни билмайди!

- Бўлти, келишдик-а? Лекин ҳозирча тоғларда
бўлайлик. - Арсен Саманчин шу сўзларни айтиб, машина
на рулини дарё бўйидаги тўқай томонга кескин бурди.

У ёғи худди кино кадрларидай тез шитоб билан ўтди.
Улар сокин маконга тез етдилар. Гитарани олишни ҳам
эсдан чиқармай дарров жойлашдилар. Куёш бу орада

аср сари оғди, тоғлар аро илк напармон салқин түшди. Ыз фасли ўз етилган палласига киргап. Тоғ дарёси мангу силлик харсанғлар узра отилиб шошади. Улар буталарнинг қуруқ шохларини йиғиб, мўъжазгина гулхан ёқишиди. Элес ғоятда чаққон қиз экан. Ҳамма нарсани тез ва яхши уддаларди. Дарё соҳилидаги буталарнинг салқин соясига юмшоқ адёлни тўшадилар ва бир зумда уст-бошларини ечиб, улоқтириб, бир-бирларининг кучоқларига ғарқ бўлдилар, кучоқлашиб, уларга меҳрибон кўк осмон сари қанот қоқиб учдилар, осмон уларга ҳавасланди. Улар ер бағрида эмас, бошни айлантириб юборадиган тубсиз самога кўтарилидилар, кейин яна бирваракай заминга қайтдилар, бу ерда табиат кучоғидаги ҳар нарса, ҳар бир қиёқ ва ҳар бир япроқ уларга монанду мос ҳаракатда эди: бошлари узра буталар дам юқори кўтарилилар, дам бош эгиб пасаяр, теваракдаги гул-чечаклар сарсари эсган шаббодада гоҳ ерга бўй чўзизб ётар, силкинар, титрар, гоҳ осуда тортиб, қаноат топиб майин ястанардилар... Табиат улар муҳаббатига беланчак бўлди. Айниқса, тоғлардан тиккасига шиддат билан тушиб келаётган асов дарё улар ишқига ҳамоҳанг, жўр бўларди. Дарё қўпирав, тошар, ўкирав, оҳ урар, инграр, кейин бирдан бир зум тин олар, кейин яна ишқий жунбишга миниб, қиргоқлар билан асов чўлпиллашарди. Қуёш эса ҳамон сарбаланд кўк юзида сузив тоғ чўққиларини, ўркачларни ўз порлоқ нурлари билан яллиғлантиради. Кушлар учиб кета туриб лол муаллақ туриб қолишар, атрофда югуришиб юрган юмронқозиқлар, бир дам тўхтаб, бошчаларини айлантиришар, қулоқчаларини динг қилиб, қора нуқтадай кўзлари билан ялт-юлт қараашарди. Севишганлар эса жаннатда уларга ато этилмиш сониялардан беҳад лаззатланишар, ўқтин-ўқтин қучоқларини бўшатиб,

күл ушлашиб дарёга тушишар, унинг шаддод оқимида роҳатланишар, сув сепиб ўйнашар ва уларнинг вужудлари шунчалар гўзал эди, чехралари шунчалар шўх-шодон чаракларди! Кейин яна бир-бирларига асло тўймай буталар соясидаги жаннатий тўшакларига юмалашар, куёш ҳам ўз йўлидан бир зум қолмай, тоғ ўркачларига беозор ёнбошларди.

Мангу қайлиқ эса уларнинг баҳт-иқболини юракдан туйиб, тоғма-тоғ оша уларни қаршилаб учар, Элес гитарасини чалиб қўшиқ бошлагандা, баланд чўққи узратин олиб, қўшиққа қулоқ берди-да, йиғлаб юборди, ичидан шивирлаган нидо чиқди: «Мен ҳам шуни орзу қилган эдим... Қайда, қайдасан, сайёдим? Қачон, қачон топгайман сени?»

Улар ҳориб-толиб, кучоқлашиб ўтириб, жуда кўп нарсалар ҳақида сўйлашиб олишди, лекин ўтмиш ҳаётлари тўғрисида чурқ этиб оғиз очишмади. Энди вакт улар учун айни мана шу соатдан, айни мана шу кундан бошланарди. Арсен лутф қилди:

- Биласанми, - деди у, - мен манави дара энди Элес дараси деб аталишини истардим! Сен бунга нима дейсан? Мен жўрофия идорасига шундай таклиф киритаман.

- Майли, бир уриниб кўр, Арсен. Кўрамиз кимнинг таклифи ўтаркин. Мен ҳам бу дарани Арсен дара деб аташни таклиф этмоқчиман! Бугун икковимиз худди ёш болалардек бўлиб қолдик. Кел, энди мен сени Арсенбек деб чақирай, сен эса мени Элесгул деб айт, болалигимда мени шундай деб чақиришарди.

Улар кўл нарсаларни гаплашиб олишди, бундай нозик ҳолатда қанчалар ўринисиз бўлиб туюлмасин, ҳатто сиёсатга ҳам тўхталишди. Бироқ ҳар ерда сиёсат бор ва ҳеч ким уни четлаб ўтолмайди, ўз-ўзидан гап айланиб дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотларига талаб су-

сайиб кетгани, бунинг оқибатида қишлоқларда қашшоқлик ва ишсизлик кучайгани, ишсизликдан ўғирлик, ичкиликбозлик каби ярамас одатлар авж олаётгани, ҳатто гиёхвандлик урчиб бораётганидан күйиндиш. Одамлар ноиложликтан «Мерган» овчилик фирмасининг бизнесига илинж билан умид кўзини тикканлар, бу ерда ҳозирча иш бор, ҳақ тўлашади. Кўпларга бу кўл келяпти. Овулдагилар хориждан бой овчилар келишаётганидан хурсанд. Бу яхши эмас, десангиз, овулдагилар хафа бўлишади, деди Элес. Ўзинг урчуқдай тўрт томонга югуриб чайқовчилик қиласан, озми-кўпми даромад топасан, нима, биз озроқ пул ишлаб олсак ёмонми? Арсен, амакинг катта одам, қанчалаб одамларга яхшилик қиласпти. Лекин эртага нима бўлади?

– Ўзим ҳам чақирганларини эшишиб, оёғимни қўлга олиб бу ерга этиб келдим, аммо жоним оғрийди, Арсен, – деб давом эттириди гапини Элес. – Ол, гитарани ушлаб тур, сенга бир умр кўшиқ айтгим келади, – деди у яна Туюқ-Жарга қайтиш учун ўринларидан қўзғалганларида. – Биз экология ҳақида гапиришни яхши қўрамиз, ўзимиз эса...

– Гапларинг тўғри, Элес, буларни тушунаман, ўзим ҳам қийналиб юраман, – деб қизга қўшилди Арсен. – Бу ҳақда тўхтамай валдираимиз. Гапни достон қиласмиз. Сал пулнинг иси чиқса, эсимизни йўқотиб қўямиз, экология бир чеккада қолиб кетади. Сен бундан бекорга ўзингни яниб ўтирма, бунга сен айбдор эмассан. Ов қилмайсан-ку, фақат ўйин-кулгини ташкил этиб берасан, холос. Мен эса овчилар ичидаги бўламан, Бектур оғага сўз берганман, унинг устидан чиқишим керак.

– Тушунаман сени, Арсен, жоним. Мени кучоқла, мунча яхши! – улар яна бир-бирларини бўсаларга кўмиб юборишли. – Лекин сен бу ишдан бош тортганингда, бу

ерга, тоғларга келмаганингда ҳам, бари бир... Қора қозон сенсиз ҳам вақиллаб қайнайверарди.

– Шошма-шошма! «Мерган»ни бир четга құя тур-чи, лекин менинг күнглим сезган эди, пайқаган, билған әдим сени учратаман деб! Аслида фақат сени деб келгап эканман бу ерга, Элес.

– Ох, шу гапни айтишингни қанчалар кутғандым! Мен ҳам сени деб бу ерга келиб қолдым, Арсен! Түғри чиқди.

– Яхшиликсиз ёмонлик йүқ, деган гап рост экан. У ёғини айтсанғ, бунинг учун тоғ қоплонларимизга раҳмат айтишимиз керак. Бу ерга бизни улар чақириб келди, – деб кулиб юборди Арсен.

– Ростдан ҳам барсларга ташаккур! – улар яна қуын-коқлашиб, бир-бирларини ўпичларга күмдилар.

– Кулоқ сол, Арсен, ахир сен барссан, мен эса барсоғымман!

– Ростданми? Асли ўзи ҳам шундок.

Шунда кутилмаган бир фикр миясига ўқдай урилди ва у бир сония даҳшатдан қотиб қолди: «Агар биз ҳам барс бўлсак, унда ҳолимиз эртан нима кечади?»

Элеснинг ҳазилнамо гали жуда муҳим бир мавзуни қўзғади. Кейинги кунлар ичиде анча ташвишга қолган, гарчи бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очмаган бўлса-да, тоғ овулида овчилик тирикчиликнинг асосий манбаига айланадиганлиги уни хавотирга соларди. Аҳоли учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг аҳамияти йўқолган, уларнинг бутун эътиборлари ёввойи ҳайвонларни овлашга қаратилмоқда эди. Агар шундай аҳвол давом этаверса, овчилик бизнеси бир неча йил ичиде тоғлардаги барча жониворларни, охирги қарқарагача қириб ташлайди. Ҳаммасини ва биринчи галда қор қоплонларини қириб ташлагач, кейин нимани овлайдилар? Янги бозор иқтисоди шароитларида маҳал-

лий товарлар ишлаб чиқаришни йўлга қўймай туриб, қашшоқликдан қутулиб бўлармиди?

- Шуларни ўиласам, жуда қийналиб кетаман, Арсен, лекин бирорга айтишга юрагим бетламайди. Биласанми, ҳатто араб овчиларининг келишига плакатлар кўтариб чиқсаммикин деган хаёлда эдим: «Қоплонларимиздан кўлингни торт! Барсларни тинч қўйинг! Ёввойи ҳайвонларимизга тегманг, уларни сақланг!» Лекин буни хаёлга келтириб ҳам бўлмайди – ўз одамларимиз тошбўрон қилиб юборишади, бизнесни барбод қилишга сира йўл қўйишмайди! Хорижий бойларга ов ўюштиришдан бўлак ишлари қолмади! Йўқ, улар тушунишмайди ва аяб ҳам ўтиришмайди. Тўғрими, Арсен?

- Ҳа, ҳозир ўнчандай, гапингга қўшиламан. Лекин яна бир сафар бундай ишга бош қўшса бўлади. Бу бизнес-овнинг палласини тўғрилаш ҳам керак-ку, а? Ҳатто Афғонистонда ҳам гиёҳ далаларини қисқартириш учун бошқа экинларни кўпайтириш ҳаракатига тушиб қолишиди. Ҳозир бу ҳақда кўп ёзишяпти.

- Арсен, сен менга баҳт эшигини очдинг. Дилларимиз бир-бирига пайванд бўлди. Шундай бир пайтда ўринсиз мавзуда гап очганим учун мени кечир. Лекин, биласанми, мен ўзимнинг тижорат ишларим билан турли ерларда бўламан, ҳамма қандайдир тарзда бозор иқтисодига мослашаётганини кўраман, лекин бизнинг тоғларда бўлаётгандек ваҳшиёна бир тарзда эмас. Хўп, бугун хорижий бойлар ёрдамида ҳосил кўтардик дейлик, кейин эртага нима бўлади? Фақат овга берилиб кетиб, меҳнат қилмай қўйсак – тез орада шип-шийдам бўлган, ўлган табиат ичида икки қўлимизни бурни мизга тиқиб қолаверамиз. Кечир мени... Тилимга тош боғласам бўлмайдими. Мен сени яхши кўраман. Сен бунга ишонасанми?

- Ишонаман! Кечирим сүраб ўтирма, бунга важ йўқ, Элес. Гаплашса арзидиган мавзу, мен ҳам кўп нарсаларни қўшимча қилишим мумкин эди, аммо кейинроқ гаплашармиз яна... Кетдик, қоронғи тушялти. Ҳали гаплашадиган гапларимиз жуда кўп. Бир-биримизга яқин бўлиб қолдик, назаримда ҳётимнинг янги мусиқаси чалинаётгандай.

- Арсен, мен орқага ўтира қолай, машина ҳайдашингга халақит бермай, гитарада янгича ва эскича куйлардан аста чалиб бераман. Майлими?

- Бўймасам-чи! Бу ёлғиз мен учун концерт бўла қолсин. Жон қулоғим билан эшитаман. Сени еткизгани учун тақдирга шукронга айтаман.

- Нима учун?

- Сабаб сен, Элес!..

Оҳ, бу ер саҳна эмаслигини қиз билгандайди. Арсен Саманчинга сир бой бермай, ўзини тутиб ўтириш қанчалар қийин бўлаётганини англагандайди, илвирс ҳайдовчиларнинг ниятлари бузилгани, глобализмнинг ашаддий душмани, жоҳил, нодон Тоштанафғон ўзининг ҳарбий шапкасини кийишга тайёрланиб тургани, бу машъум гаровга олишнинг бошланиши экани, бунинг оқибати нима бўлиши, нима билан тугаши... Ўзининг қандай ишкал қопқонга тушгани... буларни ахир қиз болага айтиб бўлармиди оқизмай-томизмай... Бу қопқондан кутулишнинг иложи бормикин? Лаънат бўлсин шу ов бизнесига! Ҳаммани - одамларни ҳам, ҳайвонларни ҳам банди қилиб боғлади, ўлим ёқасига келтирди-кўйди. Аммо ишқ тилини бурро қилган чоғда ҳам, бу нарсаларни у қизга асло очолмасди, бунга журъат қилолмасди...

Кун охирлаб борарди. Табиат ошиқ-маъшуқларга мояил деган гап тўғри бўлса, улар буни ўzlари ҳис қилиб

күрдилар. Ортга қайтишаркан, мұхаббат звазига бутун теварак-атрофнинг масаррати уларга ҳамроҳлик қилди.

Тоғлар оқшом палласини осуда улуғворлик билан қаршилар, улар билинар-билинмас оқшом шуълаларига чулғанар, қояларнинг ўткир ва шаҳд қирралари, чўққилар майин рангларга ғарқ бўларди. Мусаффо кўк бағрида чўққиларнинг тизмалари узра мафтункор эркаланиб, оп-пок-оппоқ булатлар кўпирар, юмалоқланарди.

Ўша кун на ел эсар, на ёмғир ёғар, на жазирама лоҳас қиласади. Бахтларига ажойиб-ғаройиб, такорланмас, ноёб кун бўлди.

Пастликка тушиб, «Нива» шошилмай оҳиста юриб борди, шошиладиган пайт эмасди – бир-бирларига мафтун севишганлар сайдир яна давом этишини исташарди, бу зериккандан вақтни шунчаки ўтказиш эмас, кўклардан иноят бўлган висол дамлари эди улар учун, бу онларни ҳар икковлари зору интизор кутган, ҳаётларининг энг қимматли дамлари каби қарши олган, шунинг учун нима ўтган бўлса, барি бирдан унутилган, зоро, ҳозирги кун янги ҳаёт дарагини келтирганди. Яхшилилка бўлсин ишқилиб. Олдинда, баайни эртадан бошлаб уларни нима кутарди? Бу ҳақда улар ҳали ййлаб кўришмаган эди – ишқий ҳаяжонлар ичра, олдиндаги айрилиш олдидан улар ҳеч нарсанӣ ўйлашни истамас, тўлғин бир бахт борлиқ дунёларини қамраб олган эди.

Элес орқа ўриндикда ўтириб, гитарани оҳиста чертар, Арсен таниш оромбахш оҳангларни жон қулоғига жойлаб, «Нива»ни кўп бора ўтилган йўллардан ҳайдаб борар, йўл энди унга бошқача нотаниш бўлиб туюлар. Зоро, бу йўлдан у тамомила янгичаланган одам сифатида, суюкли маъшуқаси билан бирга ўтар, бинобарин, шунинг учун у бошқа нарсаларга чалғиши, жиддий нарсалар устида бош қотириши кўнглига сиёдирмасди.

Үқтін-үқтін улар бир-бірларига шұх ҳазил-мутойи-ба қилиб, димоғларини өзгешеңдер, бир-бірларини ҳали оғизларидан сүзлари чиқмай туриб, тушунишарди.

- Машинани бирдан шаҳар томонға буриб юборсам, кейин нима бўлади? Сен нима дейсан? - сўради Арсен тез орқасига ўғирилиб.

Элес унга яқин сурилди-да, эшитилар-эшитилмас шивирлади:

- Қачон десанг, мен тайёрман!

Ушбу фароғатли дамларда Арсен Саманчин бир нарсага жуда ҳайрон қолди: уни тинимсиз таъқиб қилган ўч олиш ҳақидаги ёвуз хаёллар аста-аста чекинди, у кулфатдан узокроқ туришни, уни бутунлай унугашни истаб қолди.

«Даф бўлсин ўша ярамас Курчал! Юлдуз бўлиб кетган бўлсаям усиз, Ойданасиз яшаш қўлимдан келади, ха, қўлимдан келади. Қанчалар арзимас бир одамга, тентакка айланаб ўтирибман-а. Бас! Тугади! Ҳаётнинг бошқа қувончлари ҳам кўп!» - деб ўйланарди у. Яна бир нарса хаёлидан ўтди: «Мангу қайлик эса ҳеч қачон унугашни истаб қолди. Нафси замрға, мен энди янги куч билан ишга киришсам бўлади...»

Арсен Саманчин Элесга уйланиш ҳақида жиддий ва асосли фикр юритарди. Уларнинг феъл-атворлари ҳам, ҳаётга бўлган қарашлари ҳам бир-бірларига монанд эди, бу шундек ҳам кўзга ташланиб турарди. Элес анча-мунча ўқиган, эъзоз-икромли, юлдузи иссик, рағбати ичига сиғмас, шунинг учун ўзини тижоратга урганди. Борига шукур қилиб, чой ичиб, савдосини қилиб мамнун ўтиришни хаёлига ҳам келтирмасди. Дарвоҷе, Элесга уйланса, қариндошларнинг таънаю дашномларидан ҳам қутуларди. Айниқса, «Черчилл амаки» Бектур оға, Ардак ва бошқа яқин оға-ини, туғишганлари-

нинг бошлари осмонга етарди. Албатта, ҳали янада мухим бошқа масала ҳам бор – Элеснинг ўзи бундай тақдир ўзгаришига қанчалар тайёр ва қанчалар розилик билдирапкин? Ахир унинг ўз муаммолари бўлиши мумкин-ку. Эр киши сифатида, албатта, биринчи бўлиб ўзи оғиз очади. Кизнинг рози-ризолигини олиши керак..

Албатта, боягидай ҳазил йўсинида эмас, жиддий қилиб, мана ҳозирнинг ўзида, то «Мерган» фирмаси ишлари билан бу ерда юрар эканлар, оғиз солиш мумкин, деб фикр қиласди у Элеснинг ёқимли хонишларига қулоқ тутганча. Бироқ баҳт учун доимо тўлов тўлашни талаб қиласдиган ҳаёт унинг ниятлари йўлида тўсиқлар кўйишдан тўхтамасди. Арсен Саманчин Тоштанафғон ва унинг йигитлари томонидан тайёрланаётган ёвузлик ҳақида ўйламасликка ўзини қанча мажбур қилмасин, лекин бари бир бу нарсадан сира қочиб қутулиб бўлмасди; у ҳамон Тоштанинг эси кириб қолар, олдида миллион-миллион доллар пуллар жилва қилиб, им қоқиб турган эса-да, кўз кўриб қулоқ эшитмаган бундай фитнага йўл кўймас, бадниятидан қайтар, деб ўзини ишонтиришга уринарди. Ахир жонажон қишлоғига қанчалар оғир қулфат, машмашалар келтириши, мамлакат обрў-эътиборига халқаро миқёсда кетмас доғ туширишини ниҳоят тушуниб етар, бир марта келадиган имкониятдан фойдаланиб қолиш фикридан воз кечар, инсофга келар, деган ожиз бир илинж кўксининг бир бурчини асло тарқ этмасди.

Сийқароқ бир гап бўлиб эшитилади-ю, лекин ҳар сафар чигал шахсий тугунларни ечишга тўғри келганда, шунга ишонч ҳосил қиласанки, ҳар ҳолда биз яшайдиган дунё жуда ғалати қилиб яратилган. Яратилишдан зиддиятлар-ла йўргакланмиш ҳолда, ҳамон улар ичидаги чалкашиб ётади.

Тоштан ўзини глобализмнинг душмани қилиб кўрсатади. Аммо бу душманлик – террорнинг бир тури. Қаранг, унинг ўзига қандай баҳона топганини.

Марксчилар уни қўллашган бўларди. Бежиз эмасдир бир сафар унинг тоғларнинг ўз Че Геварраси бўлиши керак деган сўzlари. Лекин Че Геварра қаёқда-ю, у қаёқда! Доллар сел тошқини ўз йўлида ҳар қандай ғоялар ва қарашларни оқизиб, суриб кетишга тайёр турганда, қани уни йўлидан қайтариб, ишонтириб кўринг-чи.

Адашиб-улоқиб кетишиди бу манглайи шўрлар. Қашшоқлик ботқоғига ботиб ётиши ким ҳам хоҳлади дейсиз боз устига!

Бўлди, бас! Тупур буларнинг барига ва туёғингни шиқиллатиб қол! Қаёққа борсин? Сен жонингни қутқариб кетарсан-а, бошқаларнинг ҳоли нима кечади? Унинг калласига сира ақл бовар қилмас фикрлар келарди. У Элесни кулдириш учун, машина тормозини босди-да, юзига ясама жиддий тус бериб, сўради:

– Мабодо қандайдир сабаблар билан мен тоғларда яшагани қолсам, ғорларда ғарип бўлиб юрсам, сен бунга нима дердинг?

Элес бу сўздан ўзини йўқотиб қўймади, унинг орқасидан елкаларини кучоқлаб бағрига маҳкам босиб, жавоб берди:

– Агар бирга бўлсак, мен тайёрман!

– Бу жуда жиддий, Элес. Менинг ёнимга ўт. Ўн чақиримча йўл қолди, гаплашиб кетамиз.

У «Нива»ни тўхтатди, Элес дик этиб машинадан тушиб, олдинги ўриндиққа ўтирди, шу заҳоти унинг кўнгли яна таскин топди.

– Нима, сен ростдан ҳам ғорда яшашни истайсанми?

– Ким билсин! Яхшиси, сен айт-чи, қандай қилиб дарров у ерда мен билан бирга яшашга журъат этдинг? Ибтидоий ҳаётдан қўрқмайсанми?

- Ахир, Арсен, сен сезмаяпсанми, сенга жуда-жуда ёкишни истайман.

- Мен эса, сенга.

- Ундей бўлса, нима қилибди, тоғларда яшайверамиз, бир-биримизни севамиз... Лекин бари бир сен менга ўзинг айт-чи, ғорда кун кечирадиган бўлсак, сен нима иш билан шуғулланасан?

- Ўз устимда ишлайман. Сенга маърузалар ўқийман. Тангривийлик деган таълимот бор. Унинг тарафдорлари кўк осмонга талпинадилар.

- Буни бу ернинг муллалари билиб қолишса, келиб ғорнинг оғзига тош қалаб кетишади. Унда нима бўлади? Лекин ғорда бир ўзинг бўлмайсан, мен ёнингда қоламан.

- Унда хавотирга ўрин йўқ. Муллаларнинг бошқа ишлари кўп, ўзларига етиб ортади. Бир дарвеш билан нима ишлари бор? Дунёнинг ташвишини қилишсин.

- Менинг дарду хаёлим фақат сен. Бутун олам деганда фақат сени тушунаман!

- Дарду хаёлим деганда нимани назарда тутасан?

- Мен фарзандлик бўлишимизни жуда хоҳлайман. Болангни етаклаб юрсам дейман. Болаликдан сенинг ғордаги маърузаларингни эшишиб катта бўлсин.

- Мен тайёр. Шундай бўлишини кўқдан тилайман. Элес, сен мени маъзур тут, агар ўринисиз сўраётган бўлсан, айт-чи, бола кўрганмисан?

Элес тилини тишлаб қолмади, дарҳол қисқа жавоб берди:

- Йўқ, эҳтиёт бўлганман.

- Энди эҳтиёт бўлиб ўтирма.

- Ундей бўлмайди. Аксинча, мен ҳам кўк осмондан сўрайман, бизга чиройли бир ўғил ато этсин.

- Киз бўлса ҳам менга бир дунё севинч!

- Менга ҳам! Қизчалар болаликдан ақлли-хушли бүлишади.

- Турган гап! Ана, ҳамма гапларни келишиб олдик, ният ҳақида қоғоз имзолашгина қолди, - дея ҳазиллашди Арсен.

- Олижаноб ниятлар! - деб тарькидлади Элес.

- Үнда протокол тайёrlаймиз.

Олисдан овулнинг қораси кўринди. Қоронғи туша бошлаган, ҳамма ёқда чироқлар ёнган эди. Шунда бирдан телефон жиринглади.

- Вой, мени чақиришяпти! - дафъатан силкинди Элес ва орқа ўриндиқقا энгашиб, у ерда ётган курткасининг чўнтағидан кичкина телефонини олди.

- Лаббай? Сенмисан, Зайнаб? Ҳа, мени тоғда юрган эдим, у ёқда телефон уланмайди, ҳозир Туюқ-Жарга етиб келямиз. Ҳа, эшитилеман. Ҳўп-хўп, мен ўзимнинг факсимга жавоб кутаётган эдим, нима бўлди? Ўн тўккизинчигами? Шунча тез? Яхши, ўйлаб кўраман, кўнғироқ қиласман. Ҳўп-хўп, албатта, икки соатлардан кейин. Ҳозирча, Зайнаб.

Элес кўл телефонини яна чўнтағига солиб қўйди. Авлиёота яқинидаги Чулган шаҳарчасидан бирга тижоратта борадиган дугонаси кўнғироқ қилибди. Улар тўрт шерик экан, Элес уларга бошли экан, худди ионнер-вожатийдай, деди Элес. Саратовда майда улгуржи савдо маркази бор, шу ёққа бориб келишлари керак. Турли-туман товарлар харид қилишга шартнома тузишган, уларни олиб келиб бу ердаги дўконларга, бозорларга тарқатишади.

- Нима, кетасанми? - сўради Арсен хавотирланиб. - Истасанг, сени ўзим олиб бориб қўяман?

- Йўғ-ей, овора бўлма. Авлиёотадан поездда борамиз. Фақат мен бизни Саратовга бир ҳафтадан кейин

чақиришади, деб ўйлаган эдим, энди эртага боришига түғри келяпти.

Улар жим бўлиб қолишиди. Арсен машинани тўхтатди. Эртак каби қисқа жаннатий умр сонияларига бирдан кутилмагандан қундалик жўн ҳётнинг ташвиши бостириб кириб келди. Бундай қараганда, ажабланарли ясойи ҳам йўқ, ҳар кимнинг ўзига яраша иш-ташвиши. Аммо улар ўзларинибаногоҳ кўқдан қаттиқ ерга қулаб тушгандай сездилар. Ҳар ҳолда, бу беш сониягина давом этди. Элес ишчан оҳангда деди:

– Арсен, мен шерикларимга телефон қиласман. Бу сафар Саратовга менсиз бориб келишсин.

Аммо Арсен унга ортиқча муаммо туғдиришни хоҳламади.

– Мен билмаслигим мумкин, Элес. Лекин менимча ўртадаги шартлашувни бузишнинг ҳожати йўқ.

– Арсен, – деди Элес унинг елкасига қўлини қўйиб, – иккимиз учун ҳар нарсага боришига тайёрман.

Улар ҳозир бир-бирларини худди денгиз узра икки чағалайдек, сасланишлардан, қанотларининг снгил, билинар-билинмас ҳаракатларидан тушуниб етишарди. Шундай бўлса ҳам, Арсен Элесни унинг опасининг уйи олдида тушириб қолдиришдан аввал мен бундан кейинги ҳётимни сенсиз тасаввур қилолмайман, деб айтиш, тўғрироғи, шунга ишора қилиб қўйишни зарур деб топди. Лекин у моторни ўчириши биланоқ яна телефон жиринглади. Бу сафар Арсеннинг телефони чақирмоқда эди. Хўжайн экан. Қаердасан, деб сўради. Туюқ-Жарга ҳоким Жонишбоев келди, деди. Расмият юзасидан мўттабар чет эллик меҳмонларни ҳоким ҳам кутиб олиши, кутлаши керак экан. Пайсалламай, тез идорага етиб кел, деб талаб қилди хўжайн. Ҳоким билан эрталаб Авлиёта аэропортига бориш йўл-йўриғини келишиб олиш керак бўларкан.

Кундалик юмушлар мана шу тарзда уларнинг мафтункор дунёларига яна бир карра эшик қоқиб кирди. Шошилишга тўғри келди. Доим телефон орқали боғланиб туришга келишишди. Арсен синамоқقا шу ернинг ўзида Элеснинг телефон рақамини терди, шу заҳоти телефон овоз берди.

– Хурматли Элес Ботировна, – таъкид оҳангида иззат-хурмат билан чақирди Арсен, – ташвишга қўйганим учун узр. Бу каминангиз Арсен Саманчин. У сизга қўнғироқ қилмай туролмайди, сизсиз яшолмайди. Лаббай, Элес Ботировна?

Элес Ботировна оҳиста кулиб қўйди.

– Ҳа, хурматли, Арсен Саманчин, мен ўзим сизга телефон қилиб турман. Қўнғироқ қилмагунча тинчимайман. Раҳмат сизга, Мұҳаббат Мұҳаббатович!

Улар телефонларини ўчиришиб, худди мангуга айрилаётгандек бир-бирларининг кўзларига боқдилар.

– Мен кутаман! – деди хайрлаша туриб Арсен Саманчин.

– Мен ҳам кутаман! – жавоб берди Элес.

Арсен пастга тушиб, чопиб айланиб ўтди-да, Элесга эшикни очиб ултурди, ҳовли ёқасида ним қоронғида улар яна юзма-юз туриб қолишишди. Шу дамда Арсен энди Элессиз сира ҳам яшай олмаслигини англади.

– Мен ҳеч кетгим келмаяпти, – деди Элес, – қизларни кўндиришга ҳаракат қиласман.

– Майли, ўзингга қара, Элес. Иложини қиласанг, яхши. Бўлмаса, уч-тўрт кун ҳеч гапмас, ўтади-кетади. Сенсиз бу ердан кетмайман.

– Балки Саратовдан тўғри Бишкекка келсаммикин?

– Вокзалда кутиб оламан. Фақат қўнғироқ қил. Агар ов тез тугаса, бош устига, мабодо чўзилса – яна бир тадориги бўлар.

- Ҳа, тушунаман.

Улар бир-бирларини суюб, маҳкам қучоқлашиб хайларишиди.

Арсен Саманчининг «Нива»си кўздан йўқолмагунча Элес кўлини силкиб турди. Арсен эса Элеснинг қомати кичрайиб то кўринмай қолгунча ён ойнадан кўзини узмади.

Арсен анча нарилаб кеттагчина, бирдан ҳаммаси лоп этиб эсига тушди ва бирдан жарга қулагандай бўлди: ҳеч нарсага қарамасдан мўътабар меҳмонлар гаровга олинса, унда ахвол нима кечади? Буни ахир ҳеч кимга оғиз очиб айтиб бўлмайди-ку, ҳатто Элестга ҳам... Айтсанг, кўчки ҳамма ёқни вайрон қилиб ташлайди, «Мерган» фирмасидан ном-нишон ҳам қолмайди. Айтмасанг - ундан ҳам баттар... Нима қилса бўлади?

Арсен Саманчин овчилик идорасига келиб, хўжайнинг кабинетига кириб бораётганда, қабулхонада ёрдамчилар орасида Тоштанафғон ҳам турганлигини кўрди. У биринчи бўлиб саломлашиди:

- Салом, Арсен, этиб келдингми? Юр, хўжайнин кутиб қолди. - У ҳеч нарса бўлмагандай Арсенни қўлтиқлаб олди. Эшик олдида сўради:

- Ҳокимнинг исми шарифини биласанми?

- Йўқ. Яхши таниш эмасмиз.

- Кўрчубек Олтаевич. Жонишбоев Кўрчубек Олтаевич. Эслаб қолдингми? Яна бир гапни билиб кўй: ҳоким ўз идораси номидан меҳмонларга совға тайёрлатган: иккита бургут.

- Тушунарли. Сен бу ерда нима қилиб юрибсан?

- Нима қилардим? Мен оддий ҳайдовчи эмасман, муҳим ишлар чиқиб қолганда хўжайнин доим мени чақиради.

- Маъкул.

- Элес билан яхши ўйнаб келдингми?
- Сенинг нима ишинг бор?
- Қўйсанг-чи! У яхши қиз, жуда сен бол.

Шу тариқа кабинетга кириб боришиди. Одатга кўра Арсен Саманчин дастлаб ҳоким билан бориб кўришиди. У басавлат, тўладан келган, ёши қирқлардан ошиб қолган, костюм кийиб, бўйинбоғ таққан киши экан. Қандайдир анжуманларда бир-икки бор кўришганликларини эслади. Кейин амакиси Бектур оға билан саломлашди. Гални ҳоким бошлади:

- Сен ё бу ерда кутиб турган эдик, Арсен. Баъзи бир нарсаларни каллалашиб олишимиз керак.

- Бош устига, Кўрчубек Олтаевич. Менинг асосий ишим таржима қилиб беришдан иборат. Сўзма-сўз тилмочлик қиласман.

- Биласан-биласан. Таржимонсиз бу ерда иш битмайди. Бироқ биз учун фақат тилмоч эмассан, Арсен. Амакинг Бектурган оға шундай ҳурмат-эътиборли одам. «Черчилл ака!» Фахрлансанг арзиди! Бойакамиз илгари колхоз ишларини ҳам боплаган, энди бутун овчилик унинг қўлида. Архарлару барслар измидан чиқмайди. Сен эса матбуотнинг етакчиларидансан! Матбуот хони десак ҳам бўлади.

Бу ҳазилга ҳамма кулди. Кейин обдан жиддий гап кетди. Кўпроқ ҳоким фикр билдириди.

Дастлаб у бургутларни меҳмонларга тортиқ қилиш маросимини қандай ташкил этиш устида маслаҳатлашди (араб бойлари тоғ бургутлари ва лочинларини ҳаддан зиёд яхши кўришади, Узангилаш овчи қушларини ўз юртларига жон-жон деб олиб кетишади). Қушлар тантанали суратда тухфа этилади: бошига қалпоқ кийдирилган бургут меҳмоннинг чарм қўлқоп кийган қўлига қўлма-қўл тутқазилади, қуш ўткир чантали билан

кўноқнинг кўлини яралаб қўймаслиги керак. Масала бургутларни қай йўсинда тақдим этишга бориб тақалди: Тақдимни улар Туюқ-Жарга келганларида ўтказган маъқулми ёки овдан кейин юрга қайтаётган чоғларида берган яхшироқми?

Тоштанафғон шоша-пиша ўз фикрини билдири: меҳмонларни улар учун энг муҳим ишдан, яъни овдан чалғитмайлик, тухфани эса ҳаммаси тугагандан сўнг жўнаб кетишлари олдидан расм-руsumларини қилиб топширса ўринли бўлади. Уни Бектур оға ва бошқалар ҳам кўллашди. Ҳоким Жонишбоев ҳам бу фикрга қўшилди. Бундан дадилланган Тоштанафғоннинг тили ечили – яъники, тухфа топшириш маросимини эски одатимиз бўйича ўтказайлик. Маросимда шаманлар қатнашсинг. Овчиларнинг расм-одатларини бажо келтиришсинг.

– Бизнинг шундай шаманларимиз бор. Овчилик расм-руsumларини боплаб ўрнига қўйишади, қўшиқларини айтиб аласлашади. Уларда нималар дейилганини меҳмонлар билгиси келса, ана унда сен, Арсен инглиз-часига боплаб ўгириб турасан. Балки олдиндаи шаманларнинг айтимларини эшишиб қўрарсан, уларнинг алмойи-алжойи сўзларини ағдариш осон эмас.

– Майли, ўйлаб қўраман, – деб ғаши келиб жавоб қилди Арсен Саманчин Тоштанафғонга нима бўлганлигини англолмай. «Наҳот фикридан қайтган бўлса? Қандай зўр бўларди-я! Аммо лақиллатаётган бўлса-чи?»

Тоштанафғон эса унинг саросимага тушганини кўриб, баттар чалғитишга зўр берди – Шамолбош лақабли алламбало шаман ҳақида нақл қилишга тушди.

– Бизнинг Туюқ-Жар томонларда, бир шаман бор, Кўрчубек Олтаевич. Бунақаси бошқа ҳеч ерда топилмайди. Бектурган оға, сиз биласиз-ку, Шамолбошни.

– Оға қулиб бош қимирлатди. – Арсен, сен ҳам эшигтан чиқарсан? Овулда каттадан кичик ҳаммага отнинг қашқасидай маълум. Агар бир очилиб кетса, унга тараф йўқ! Ана унинг алалашини кўринг! Дикир-дикир рақс тушади, осмонга сапчийди, сакрайди, гўр-ғўр қичқиради:

*Кўрмайсизми сиз ахир
Тоғларнинг қулашини?
Кўрмайсизми сиз ахир
Дарахтлар ағнашини?
Кўрмайсизми сиз ахир
Дарё оқар тескари?
Булар менинг измимда
Поди қилиб ҳаммангни
Оғилимга ҳайдайман!
Йиқилинг оёғимга
Йиқилмасанг, инжима!
Шамолбошман – зўр кучим!
Шамолбошман – зўр кучим!*

Ҳамма қулиб юборди. Район ҳокими Жонишбоев хушчақчақлик билан деди:

– Сенингча ўша Шамолбошни меҳмонларга кўрсатсанак бўладими?

Аммо Бектурган оға оёғини тираб туриб олди:

– Ҳеч кераги йўқ! Яқин ҳам йўлатма! Шамолбош ҳар хил қилиқлар қиласди, қўрқитади, алжирашларини ўтириш керак. Нима дейсан, Арсен, бунақа қаланғи-қасанғи ишларга ҳожат борми?

– Ағдариш – қийин эмас. Аммо бургут совға қилиш – тантанали маросим, чалкашиб ўтирумайлик.

Бургут – жиддий, сипо күш, тўти-мўти бўлса, бошқа эди...

Барча ҳаҳолаб кулди. Кейин гап асосий ишга ўтди. Ташқарига қоронғи тушди. Бектур оға сигарасини «Черчиллласига» тутатиб, район ҳокимига энди негадир «Жаабарс режаси» деб аталган ишни баён қилиб берди. Ҳамма ўзининг иш дафтарига шундай деб ёзди: «Жаабарс режаси». Унда шулар батафсил қайд этилди: аэропортда меҳмонларни кутиб олиш; уларни Туюқ-Жарга кузатиб келиш; жойлаштириш; қўриқчиларга ҳозир йиғилишиб ўтирган кабинетни бериш; эрталабки нонушта ва тоғларга чиқишга ҳозирлик. Тоғларда кўналға манзили тайёрлаб қўйилган - меҳмонларга алоҳида чодирлар ўрнатилган, барча кулагилклар кўзда тутилган ва муҳайё қилинган. Дарага етгунча автомашиналар ҳозирланган, Катардан юк тайёрласининг бортида Америкада ясалган «Хаммер» машинаси ҳам келади ва меҳмонларга хизмат қиласди. Кейин автомашиналар ўтолмайдиган тоғ ичкарисига ҳамма отлиқ боради, отлар бари йўлга шай, тақа урилган. Энг охири пиёда юрилади, қоялар, жарлардан яёв ўтилади, лекин энди бу овчиларнинг ўзларига боғлиқ. Район ҳокими билан учрашувда «Жаабарс режаси» бўйича тўланадиган ҳақлар ҳақидаги маълумот ҳамманинг димогини чоғ қилди. Унда барча харажатлар, жумладан, ёқилғи, отлар ва эгар-жабдуқларнинг ижарага олиниши, ҳатто гулханга қаланадиган ўтин-чўп ҳам назарда тутилган, бу ҳақиқий маънодаги бизнес-режа эди. У туюқ-жарликларга қаттиқ таъсир қилди. Улар ҳам энди бозор асли нималигини англадилар. Ҳар бир қадаминг пул.

Одамларнинг кайфияти кўтарилиди. Район ҳокими қизиқиб, Бектур оғадан сўради:

- Беке оқсоқол, режа яхши ўйланиб тузилибди, лекин «Жаабарс» деган номни қаердан олдингиз?

Сигарасини бурқситиб, Бектур оға жилмайди:

– Жаабарс тўғрисида бизда шундай қўшиқ юради, бу ерда уни ҳамма билади. Арсен, сен бир мақолангда буни ёзган эдинг шекилли?

– Шундай, Беке, халқ ижоди ҳақида ёзган эдим.

– Азиз Кўрчубек Олтаевич, ўша қўшикнинг бари сўзлари эсимда қолган, рухсат берсангиз, айтаман:

*Учиб борар Жаабарс тогдан-тоққа,
Ўлжа олиб судрайди ағдан-баққа.
Босиб ўлжа хурсанд бўлиб ириллар
Зўр куч ёғар, узун думи дираиллар.
Алай қудрат сизда бўлсин, йигитлар,
Орамиздан чиқсин шундай мардлар, бас.
Қоплонларки, оти бўлгай Жаабарс...*

Район ҳокими чапак чалди:

– Ана, қаранг маънони! Жуда қизиқ! Бундан чиқди, оқсоқол Беке, ҳақиқий Жаабарс ўзингиз экансиз, яшанг!

Бектур оға елка қисди.

– Унчалик эмасдир. Бизнесга келганда, балки юртимизда бир нарсалар қилаётгандирмиз. Аммо ҳақиқий Жаабарс ботирлар булар – ёшларимиз. Манави бизнинг Тоштанафғонни олинг, агар қор илвирсларини толиб, ҳайдаб келса, асил ботир Жаабарс шу! Ботир йигит!

– Раҳмат, раҳмат! – деб ғўлдиради ўзидан мамнун Тоштанафғон.

– Яна битта Жаабарс ботиримиз, бу яна Арсенбой, тил билгич йигитларимиздан, менинг жияним!

– Менинг нимам Жаабарс! Мен бир неча кунга ёлланган таржимонман, холос. Таржимонлар ботир бўлмайдилар, – лутф қилишга уринди Арсен Саманчин.

Кулишди. Ҳайриҳоҳлик ва дўстона самимият илвирсови арафасида одамларнинг кайфияти анча кўтарилига-

нидан дарак берарди. Саҳнага асосий иштирокчиларнинг чиқишигина кутиларди. Уларга омад кулиб қарайдими, йўқми, бу кейин маълум бўлади, ахир тақдир нимани раво кўради – ўзи билади, ҳарқалай бу фақат овчиларгагина эмас, ов қилинувчиларга ҳам тўда таалуқли. Ҳозирча барча ишлар жойида эди.

Район ҳокими Жонишбоев қайтаётиб хурсанд эди. У мўътабар меҳмонларни кутиб олиш учун тўғри аэропортга борадиган бўлди. У ерда маҳаллий ҳокимият номидан уларни кутлайди, бургутларни қандай ва қачон топширишни йўл-йўлакай ҳал қиласди, ахир овнинг неча кун давом этиши ҳали маълум эмас, унинг фикри шундай.

- Бунга араб қўноқлар қандай миннатдорчилик билдиришади, буни қандай қарши олишади бу – уларнинг ўз иши, меҳмон ўз оти билан меҳмон-да, – деб одоб билан тушунтириди Бектур оға.

Барчалари ҳокимни кузатиб чиқишиди.

- Раҳмат, – деди у хайрлаша туриб. - Чой ичдик, сухбатлашдик, соат тўққиз бўлиб қолди. Мен борай энди, – деб у соатига қаради. - Вакт тез ўтиб кетди. Қизиқ сухбат бўлди. Жуда фойдали маслаҳатларингизни эшилдим. «Жаабарс режаси» ёмон эмас, узоқни кўзлайди. Хўп, хайр, Бектур оқсоқол, аэропортда кўришгунча. Омадларингизни берсин!

Кучоқлашиб, қўл олишиб, хайрлашишди. Юртдошлиарининг очиқ чехралари Арсен Саманчинни ўзига ром қилди. Бунда бизнеснинг ҳам ўз ўрни бор, деб ўйларди у. Ахир бошқасини бир чеккага қўйиб турганда ҳам, нефт магнатлари бўлмиш ўта бадавлат кишиларнинг саховатига умид боғлашар, шунинг учун ҳокимдан тортиб барчалари бу ишга қайси бир тарзда ўзларини дахлдор қилиб кўрсатишга савқи табиий билан уринишарди.

Лекин бу одатий ҳаётнинг тушунарли бир йўриғида. Бироқ Тоштанафғоннинг ўзини тутиши кишини ажаблантиради. У ўзини шунчалар манфаатдор, фаол ва қадрдан қилиб кўрсатардик, қандай ёвуз фитнани (бу ҳам маълум маънода бозорга дахлдор) амалга ошириш ниятида юргани ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмасди. Наҳотки, унинг вижданни уйғонган бўлса? «Илоҳим, яхшилик томонга ўзгарган бўлсин-да», – умидворлик билан ўйланди Арсен Саманчин. Бироқ юрагини хавотир тарк этмас, яхши ўзгариш рўй берганини тасдиқловчи бирон ишорани кутар, тўғридан-тўғри савол беришини истар, аммо ҳозирча бунинг иложини қилолмасди. Бунинг устига Элесдан ташвишланар, унга қўнғироқ қилишни мўлжаллар, лекин бундан бурун бари билан Тоштанафғон билан гаплашиб олишни зарур деб биларди. Тоштанафғон эса ҳоким ҳамда Бектур оға билан хайр-хўшлашиб, оти бойлоқда турган отхона ёқقا юрди. У отни қозикдан бўшатиб, энди эгарга ўтираман деб турганда, Арсен Саманчин ёнига келди.

– Кулоқ сол, – тўхтатди у собиқ синфдошини, – анави ҳарбий шапкангни кийиш масаласи нима бўлди? Уни киясанми?

– Хавотир олма. Ҳаммаси жойида бўлади.

– Жойида бўлади деганинг нима ўзи?

– Айтдим-ку, хавотир олма! Бас! Шошилиб турибман.

Тоштанафғон собиқ синфдошини шундай ажаблантириб жўнаб кетди. Буни қандай тушунса бўлади? Ҳозиргина у тавбасига таянгандай, кўк осмонга тиз чўккандай бўлиб, шунчалар сертавозе ва мулоим кўринган эди; қаранг, энди унинг гапиргиси ҳам келмайди. Бир чеккаси, уни тушуниш мумкин, миридан сиригача хўб ишлаб чиқилган режасидан қайтиш осон эмас, бу ундан жуда катта матонатни талаб қиласди, шу боис ан-

дак тажанглиги тутиши табиий. Худо хайрини берсін! Эси кириб қолса ажабмас. Овда, яхшиси, ўзини Жаабарс ботирдай күрсатсын.

Арсен Саманчиннинг ўзига ҳам осон тутиб бўлмасди, атрофида бўлаётган воқеалар билан муроса қиласман деб, ўзини ғоятда нокулай сезарди. Ахир бундай овчиллик тадбиркорлиги табиатга қанчалар оғир зиён етказиши ҳақида ҳеч кимса миқ этиб оғиз очмади. Садқасар дегандай эди ҳамма. Шундай ноёб ва ишлари юришиб турган бизнес соҳибининг жияни ва яқин қариндош бўлгани учун Арсеннинг ўзи ҳам тили бойланган, миқ этмай камтарона ўтирди. Бозор иқтисоди ўзининг кенг ёйилган турларига одамларнинг ўзинигина эмас, уларнинг юракларини ҳам илинтириб олади. Боягина Бектурган оға бир воқеани ҳикоя қилиб берди. Қундуз куни қандай иш-юмушлар борлиги билан қизиқиб келган овулдошлар орасида шу ерлик бир қизиқчи ҳам бўлиб, у жуда ғалати фикрни айтган. Унингча илвирс ови майда арзимаган бир иш экан. Бошқа бир зўрроқ нарсани ўйлаб кўрайлик. Нега тоғлардаги қорларни сотиш мумкин эмас? Нима деб валдираяпсан, эсингни едингми? – деб дашном берган Бектурган оға. Акави афанди эса гапини исботлашга тушшиб кетган: ҳозирги дунёда ҳамма нарса сотилади ва сотиб олинади. Тоғларимиздаги қорлар бу – дарёлардаги сувлар. Бутун Марказий Осиё бизнинг тоғларимиздаги мангу қорларга боғлиқ. Ахир кўкўпар тоғлар бизники, қорлар, музликлар ҳам – бизники. Водийларни суғориш, бутун ҳосил этиштириш, аҳолини сув ичиши – осмондан тушмаган ахир! Бари биздан! Шундай экан, бераётган сувимиз учун ҳақ, пул талаб қилайлик. Нега қорамой, газ ва бошқа турли-туман энергия манбалари жуда қиммат баҳоларда сотилади-ю ва ҳеч кимга шафқат-марҳамат

қилинмайди-ю, биз эса ўзимизнинг бебаҳо сувларимизни теп-текинга берамиз, ҳолбуки, сувсиз водийларда ҳаёт тугайди, лекин ҳеч ким бизга раҳмат айтатётганий йўқ? Анов пастдагилар бизни одам ўрнида кўришмайди. Шундай бўлгач, илвирсларнинг кетидан нима қилиб қувиб юрамиз? «Мерган» фирмаси овчилик билангина шуғулланмай, сувимизни ҳам сотиб пулласин, ҳаммамизга фойда бўлади. Ўша қизиқчи, афанди киши мана шундай ғалатироқ гапларни ёниб-куйиб айтибди. Бир ёқаси, бу ҳам бозор иқтисодининг шарпаси. Ҳей, бола, ўпкангни бос, деб уни тинчтишибди, ахир сув худонинг неъмати, барчага баробар етказган насибаси...

Бу воқеа латифага ўхшайди-ю, аммо замирида замонавий воқеликнинг бозор ўлчовлари ётади...

Шуларни хаёлидан ўтказаркан, Арсен Саманчин рулга ўтирди, лекин моторни ёқмай, Элеснинг телефон рақамини тера бошлади. Унинг телефони банд эди, чамаси, ҳамон дугоналари билан тижорат ишларини гаплашарди. Арсен унинг овозини эшитгиси келди. «Жаабарс режаси» ҳақида ўйларкан, ўша куни ўзи гаплашган кишилар ичиди ёлғиз Элесгина барсларни ваҳшийларча овлашга қарши чиққанини эслади. Тўғри, гап мўмай пул ишлаш устида бораётганлиги учун овулдошлари уни сира ёқламасликларини Элеснинг ўзи яхши англарди. Шундай бўлса-да, ҳарқалай, бундай ишларга бефарқ қарамайдиган биргина инсон борлигидан Арсен енгил тортгандай бўларди. Арсен қизнинг овозини эшитишни, ўзининг саси ҳам унга етиб боришини истарди. Кўнғироқ қилас, жавоб ололмасди.

Опасининг уйига қайтадиган вақт бўлган, уни куттишарди. Эртага эртамидан Бектурган оқсоқол билан бирга аэропортга бориш, меҳмонларни кутиб олиш, кейин тоғларга қараб йўлга тушиш, автомобиллар-

да, отларда юриш, сүнг пойи пиёда даралар-ўрлардан ўтиш, қояларга чиқиш, барсларнинг маконлариға етиб бориш ва ниҳоят, қўлда милтиқ кўтариб, ваҳший ҳайвонлар изидан тушиш, яъники, ов – овнинг ўзини бошлаб юбориш – юмушлар шундай бир-бири устига қалашган эди. Бектурган оқсоқол буларни жуда яхши тушунар, шунинг учун ҳам, Арсен ишга бош қўшаётганидан хурсанд эди. «Ҳар бир таржимон ҳам тоғларда ўрмалаб юришга қодир эмас, сен эса бунинг пой-ҳавосини олгансан. Уругимиздаги йигитларнинг бари чапдаст, чайир бўлишган, худо қўлласин...» Унинг гапида жон бор. Арсен араб қўноқларга тенгдош эди. Улар-ку, албатта, чиниқан алпинистлар, майли, ҳечқиси йўқ, омон бўлсак, қўрамиз...

Шаҳд-шиддат билан бошланган бу воқеалар Элеснинг кечинмалари ва ташвишларида давом этарди. Тижоратчи дугоналарини менсиз бораверинглар, деб кўндиrolмади. Саратовга сафарни ҳам қолдириб бўлмади. Элеснинг фифони чиқар, телефонни ёнидан қўймас, уни тинмай токка қўяр, керак пайтида овози ўчиб, суйганим билан гаплашолмай қоламан, деб хавотир оларди, ахир эртан қайдасан Саратов, деб йўлга чиқадилар.

Қанча кезди у дунёни! Қанчадан қанча оғир-оғир юкларни қўлида, елкасида у ёқдан бу ёққа кўтариб борди! Йўлларда ўлиб кетмаслик учун не-не қийинчиликларни бошдан кечирди. Поездлар, ўтишга рухсат этилган жойларда бож ундирувчилар, ментлар қўлга киритган жиндак даромадини нақ қўлидан юлиб олишарди! Шунга қарамай, ҳеч шу кейинги сафарга оёғи тортмади. Калласига ҳеч ақл бовар қилмайдиган фикрлар келарди – тоғларга, барслар маконига чиқсам дерди, овчилар орасидан ёримни толсам, унга рўй-рост туриб айтсам, сени шунча кутдим, сен билан дунёниг

бир чеккасига боришга ҳам тайёрман, мени олиб кет! Бироқ құз ўнгидаги воқелик уни дугоналари олдидағи бурчини ўташга мажбурият юкларди. Улар ҳаммалари доим түрт киши бўлиб юришга одатланишган - Зайнаб ва қўшни овуллардан яна икки аёл бирга қатнашарди ўзга юртларга. Фақат шундай бир-бирларини қўллаб-кувватлабгина талончилар зулмидан омонлик топишар, ёлғиз юрган кўп тижоратчилар эса дом-драксиз йўқолардилар. Бунинг устига назорат жойларидан ўтиш учун расмий рухсатнома фақат Элесда бўлиб, дугоналари унинг ёрдамчилари ўрнида саналарди. Шу боис бормасликнинг сира иложи йўқ эди.

Ўша кечада Элес мунгланиб йиғлади ва худодан ўз баҳтими кўп кўрмасликни ёлвориб сўради...

Узоқ интизор куттилган кўнғироқ бўлганда, улар яна ўз ширин туйғулари оламига шўнғишишганда, Арсен ўз ишларини сўйлагандан ва Элес ҳам ҳозир нималар билан машғуллигини ҳикоя қилиб берганда, ва ниҳоят, бир-бирлари билан тез орада кўришишга ваъдалашганда, кўнгиллари андак таскин топгандай бўлди...

* * *

Ўша кечада тоғларда тўлин ой ёғду сочарди. Ғариф Жаабарс мусаффо тиниқ осмонда минглаган милтиллаган юлдузлар қуршаган худди мана шу улкан тўлин ойга қараб нидо солиб, ўқиради. Ойга ўз дарду ғамидан шикоят қилас, аммо осмон маликаси жавоб бермасди. У қайларгадир бошқа барслар ёнига, тўдаси яқинига кетса бўларди, лекин, не таажжубки, у Узангилаш довони ёқасида худди сехрлаб кўйилгандай бошқа ёқларга бош олиб кетолмасди. Атроф-теваракларда мана икки кундан бери яна ўша уч нафар отлиқ одамлар изғиб юргани хомуш Жаабарснинг ғашига тегмасди. Таассуф-та-

ассуф, ҳолбуки улар айни уни, «калладор-думдор» қор қоплонини дурбинларидан таъқиб этиб, тинимсиз кузатиб юришарди...

IX

Бектурган оғанинг «Жаабарс режаси» ишларни ўз пайтида удалашни батафсил ишлаб чиқсан эди. Ташкilotчиларга тан бериш керак, режа ҳақиқатда ҳар томонлама ўйланган, ҳисобланган, шунинг учун ҳам ўртада ҳеч қандай узилиш ва англашилмовчилик йўқ эди. Туюқ-Жар овулида яшовчиларнинг ҳаммаси овни тайёрлаш ва ўтказиш ишларига жалб этилганди. Шу кунларда овлулликларнинг барчаси қор қоплонлари овнининг муваффақиятли ўтиши ҳамда зартаклардагидай мўмай даромадларнинг ёғилишини интиқ кутарди. Овул ҳаяжонлар ичida яшарди. Ҳаммалари мўътабар ва муҳтарам зотларга овда омад ёр бўлишини тилашарди. Фақат барсларнинг ўзигина бошларига яқин орада нима савдо тушишини билишмасди.

«Мерган» фирмасининг эса барча ишлари аъло дарражада эди, кеча-ю кундуз меҳмонлар билан мулоқотлар Арсен Саманчин воситачилигида олиб бориларди. Арсенсиз шундай самарали алоқа, томонлар ўртасида ўзаро тушунишга эришиб бўлмаслигига Бектур оға ишонч ҳосил қилди ва ҳар икки сўзнинг бирида жиянига миннатдорчилик билдириб турди. «Сенга яна бир карра айтиб қўяйки, азиз жияним Арсенбой, сен хорижликлар билан сўйлашганда, улар худди ёмғирдан кеинги гуллардай яшинаб кетишади. Мен буни сўзларингни тушунмасам ҳам, уларнинг кўзларидан биламан».

Ҳақиқатда ҳам бу шундай эди. Илк табрикларданоқ ва яна аэропортдан чиқиб йўлда кетаётгандарнида ҳар турли ҳаётий ва бошқа жиддий мавзуларда сухбатла-

шиб боришаркан, араб құноқлар ва уларнинг ёрдамчилари оқ күнгиллик билан бажонидил жавоб беришарди. Ўз навбатида Арсен Саманчин ҳам кечә-ю кундуз дам арабча, дам инглизча, дам қирғизча таржима қилишга тұғри келаётгани, бу анча оғир юқ эканлигига қарамасдан, қилаёттан ишидан ўзига яраша мароқланарди. Аввало, тайёрлов гурұхининг ва изма-из мұйтабар зотларнинг келишлари, уларни кутиб олиш унинг хизматлари туфайли яхши ташкилий ва маданий савијада, ортиқча дахмазаларсиз ўтди.

Хәр иккала меҳмон муомалали, замонавий фикрловчи, ўзаро тенгқур, спорт билан шуғулланувчи, юз-бетларидан ақл-идрок нишоналари барқ урган ёш йигитлар экан, уларнинг бири Кембриж, иккінчиси – Оксфорд университетини тугатишиган экан. Ҳасан қуюқ қора мүйлаб қўйган, Мисир эса соқолини ярақлатиб қирдирған эди. Кўринишича, ваҳший ҳайвонлар ови улар учун жасорат кўрсатишига баҳонагина эмас, балки спортнинг фавқулодда мушкул бир тури эди.

Бошлиамасига мана шу маълумотлару кузатишиларнинг ўзи етарли эди. Арсен ўз навбатида меҳмонларга мамлакат, бу тоғлар юрти, юксак тоғларнинг иқлими, аҳоли ва унинг одатлари, расм-руsumлари ҳақида ҳикоя қилиб берди.

Туюқ-Жарга узун карvon бўлиб келишди. Олдинда ўз жипида Бектурган оқсоқол, ундан кейин «Хаммер»да меҳмонлар ва улар билан бирга таржимон ҳамда ҳамроҳ маслаҳатчи сифатида Арсен Саманчин ва ниҳоят, қўриқчилар, хизматчилар ҳамда телерепортажчилар боришиди.

Бутун Туюқ-Жар меҳмонларни қарши олгани кўчага оқиб чиқди. «Хаммер»нинг кўринишидан ақллари шошиб қолган бола-бақра кўча ёқалаб югуришар, улар

билан бирга тўда-тўда итлар думларини ликиллатиб чопқиллашарди. Бундай машинани улар илгари ҳеч кўрмаган, шундай мўъжиза овуллари кўчасидан ўтатётганига ишонгилари келмасди. Бола-бақрагина эмас, баъзи катталар ҳам ҳайрон бўлиб қолишли: улар миллионерларни кўрамиз деб ўйлашган, келаётгандар эса спорт кийими кийган оддий йигитлар эди.

Кун асрга оғди. Меҳмонлар етиб келиши билан алоҳида ҳозирланган уйларга жойлаштирилди. Бир оз ҳордиқ чиқаришгач, кечки зиёфат қилишли, меҳмонларга арак ҳам пешкаш этилди, аммо улар ичмасликларини айтиб, бу роҳат-фароғатни овдан кейинга қолдиришни сўраб лутф қилдилар, Шарқда бебаҳо деб қадрланадиган қор қоплонларининг терилари қўлимизга ўлжа бўлиб кирса, кайфият ундан кейин ярашади дейишди.

Ўрни келиб қолгани боис Арсен Саманчин араб овчиларига Мангу қайлиқ афсонасини ҳикоя қилиб берди. Ҳикоя қиласкан, беихтиёр тўлиқиб кетди, меҳмонларни ҳам тўлиқтириди, одамзот қавми орасида азал-азалдан йўқолмай келаётган ҳasad ва нафрат боис бахтсизликка учраган куёв ва унинг қаллиғининг бошига тушган кўргуликка меҳмонлар мутаассир бўлиб ачишишди. Куёв йигитнинг моҳир овчи бўлганидан таъсирланишиди, қайлиғининг ота-онасига қор қоплонлари терисини ноёб тортиқ қилиб келтиргани учун унга тасанно ўқишли, милтиқ бўлмаган замонларда ваҳший ҳайвонларни овлаш осон бўлмаганлигини айтишиди. Қор қоплонлари терисини тортиқ этиш одати ҳозир ҳам сақланганми, деб сўрашди. Қор қоплонларининг териси йўлбарслар ва оддий қоплоплар мўйнасига қараганда ноёброқ саналадими, деб ўсмоқчилашди. Арсен Саманчинга уларнинг мулозамат ва одоб-икром билан

сұхбат тутишлари ёқди. Мәҳмөнлар Арсен Саманчиндан сәмимият-ла араб мамлакатларыда бүлған-бүлмаганига қизиқиши, унинг Мисрдан бошқа ерларда бүлмаганини эшитиб, ўз мамлакатларига тақлиф этишиб, унга ўз ташрифномаларини тақдим қилишиди, сизни иззат-икром билан кутиб оламиз, диёризни күрсатамиз, бадавийларнинг қишлоқларига олиб борамиз, дүстүргимизни мустаҳкамлаймиз, деб дилдорлик күрсатишиди. Арсен чин дилдан миннатдорчилик билдириди. Замон журналисти сифатида у мәҳмөнларнинг дунёning қайноқ мавзулари борасидаги фикр-мулоқазалари-ю, қарашларини эшитгиси келиб турса-да, хўжайин сұхбатларда ижтимоий, сиёсий қабилдаги гапларни уларнинг қулоғига чертиб юрма, деб қўйгани учун бу масалаларга тўхталмади, мәҳмөнларнинг кўпроқ овчиликка ўхшаш нарсаларга қизиқишлирини эътиборда тутди. Албатта, бу даражадаги мўътабар зотларнинг дунёни тушуниш, билишда ўз нуқтаи назарлари бўлиши, табиий. Бироқ ижтимоий ва сиёсий қарашларга боғлиқ бўлмаган умумжаҳон муаммолари ҳам мавжуд. Мисол учун, табиатни асраш, қўриқлаш. Баъзан табиат билан боғлиқ ҳодисалар маълум бир макон доирасида чегаралангандек бўлиб кўринади, ҳолбуки, аслида ҳар қандай экологик силжиш охир-оқибатда бутун Ер юзининг табиатига ўз таъсирини ўтказади. Арсен хорижий мәҳмөнлар билан шундай кўп нарсалар устида гаплашишни жуда хоҳлар, аммо Бектурган оға писанда қилиб айтгандай, «биз учун мухими бизнес ва мәҳмондўстлик – аввало яхши муомала ва одоб-икром». Ҳар ҳолда одоб ва мулозамат доирасидан четга чиқмаган маъқул. Мәҳмөннинг димоги чоғ бўлсин, ўзини бемалол сезсин, баҳри дили очилиб юрсин.

Арсен ҳам шуни истайди. Аммо бадният Тоштан-ағғон деган захарли зирапча юрагига санчилганча тинмай ўзини эслатар ва азоб берарди. Бир худо инсоф бергандай, ёмон ниятидан қайтиб тинчигандай бўлиб кўринганди... Ўзини эҳтимол атай шундай кўрсатгандир, бироқ...

Уйкуга ётишдан аввал меҳмонлар ташқарига айлангани чиқишиди. Уларни тоғларнинг тунги манзаралари маҳлиё қилиб қўйди – ой тўлган, юлдузлар милт-милт жимиirlар, осмон тиниқ мовий-коронғи – баҳайбат, тумтайган, улуғвор чўзилиб кетган ўркачли чўққилар.

Ҳасан уларни қўли билан кўрсатиб, сўради:

- Жаноб Арсен, ҳов анави тоғларда овчи куёв йигит ов қилган бўлса керак, а?

- Ҳа, ўша ёқларда яшаб, ов қилиб юрган, – жавоб берди Арсен Саманчин.

Мисир ҳам ўз навбатида сўради:

- Мангу қайлиғингиз ҳам ўша ёқларда йиғлаб қидириб юрганми?

- Ҳа, у ҳанузгача ўз куёвини излаб, чақириб, чорлашдан тўхтамайди.

- Шўрлик! – маъюс хўрсинди Ҳасан. Мисир эса қизиқ бир гапни айтди:

- Балки у дунёга қандай бўлса шундай керакдир? Агар тоғ чўққисидан туриб телекамерага ўркачлар устидан югуриб бораётган ўша қизни суратга олинса, бу дунё кўз ўнгига рамзий бир маъно касб этиши мумкин.

- Чиройли фикр! – деб маъқуллади Ҳасан. – Мангу қайлиқни вафо ва муҳаббатнинг ўлмас тимсоли каби кўрсатиш керак. У ҳар бир инсонга яқин бўлиб қолади. Ахир ишқ фожиаси доим ёнимизда. Сиз бунга нима дейсиз, жаноб Арсен?

- Мен анчадан бери «Мангу қайлиқ» операсини орзу қыламан. Агарда иложи бўлсайди... Сизнинг фикрларингиз мени янада илҳомлантириб юборди. Фикримиз бир жойдан чиққанидан жуда хурсандман.

Кутилмаганда «Мангу қайлиқ» гояси мана шундай яна қалқиб юзага чиқди. Буни овдан сўнг бамайлихотир ва батафсил гаплашадиган бўлдилар.

Кейин хайрлашдилар.

- Хайрли тун!

- Эрталаб кўришгунча.

Арсен опасининг уйига қайтиб, ҳовлида яна бир оз айланди. Мехмонларнинг мулоҳазалари Арсен Саманчинга қаттиқ таъсир қилди. Бундай бўлишини ҳеч кутмаганди. Европача таълим ўзини кўрсатди. Шу билан бирга ҳайрон ўйланди: улар қандай қилиб олийшон ходисалар билан овчилик эҳтиросларини бирга онглагрига сиғдиришаркин?

Бироқ ухлаш пайти етган эди.

* * *

Ўша тун, ўша соат барча жониворлар тоғу тошларда осуда кеча қўйнида уйқуга ғарқ бўлганди. Фақат Жабарсина Узангилаш довонида ўзини қўярга жой тополмас, ойга термулиб ўкирар, панжаларини тишлар, ўзи англамаган ҳолда кўнгли оғир бир нарсаларни сезган, хавл олгандай бўларди... Яна олислардан ўша-ўша сас келарди. Уйқуси ўчган, Мангу қайлиқнинг кўзига уйку келмасди...

* * *

Аллаким эса ўша кеча ўзининг ер маликасини соғи нарди. Элеснинг ҳоли не кечди? Дугоналари билан Саратов поездига етиб бордимикин? Етолмаган бўл-

са, унда яна бир күн кутади. Ҳозир поездлар қатнови төвсилган. Ҳамма самолётда учсам дейди. Элес тонгда күнғироқ қылди, шундан бошқа гаплашолмадилар. Бир зум ҳам бүш вақт бўлмади. Яна дарада, дарё бўйида бирга ўтказган дамларини эслади, висол онлари нақадар соз эди, ўша бахтли, фароғатли онлар бот-бот тақрорланиши, қайтиб келишини қўмсарди юраги...

Тун ўтди. Тонгда ҳаво айниб, осмон тумтайиб олди. Тоғ тизмалари узра аллақайлардан пайдо бўлиб, булатлар югурга бошлади. Шамол айланиб, дам у томон, дам бу томондан эсади. Ҳолбуки, охирги кунлар ҳаво шунчалар фараҳбахш, ёзги сокинлик ҳукм сурардик, бир қарашда доим шундай қоладигандек эди. Дарвоқе, ҳозир ҳам у қадарли хавотирланадиган жойи йўқ эди. Енгил чопаётган булатлар бир зумда пайдо бўлиб, яна кўз очиб юмгунча гойиб бўлишлари ҳеч гап эмасди. Ҳаводаги бу ўзгаришни ёмғирдан дарак беради деб бўлмас, чақин, момақалдириқни-ку кутмаса ҳам бўларди.

Эрта тонгдан иш қайнади. Фақат улгуриш керак. «Мерган» фирмасининг қоғозларида қайд этилгандек, «муҳим овчилик» тадбирига даҳлдор одамларни олиб чиқиш чораси кўриларди.

Меҳмонлар зирҳли «Хаммер»га ўтиришларидан олдин ногаҳон ҳеч нарса унудилмаганини яна бир карра текшириб чиқди: мерганлар милтиқлари, автомат куроллар, дурбинлар, баланд овоз таратувчи мегафонлар, юксак баландликда ҳаво етмай қолса тутиладиган асбоблар, ҳаммаси жойида, бадастир эди...

Отда юриладиган манзилгача қийналмай етиб бордилар, соатига қирқ-эллик чақирим тезлиқда ўттиз чақиримлар чамаси йўл босищди. Борсалар, отлар тайёр турарди. Барча отлар пухта тақалантган, пишиқ эгар урилганди.

Юкларни отларга ортишди. Бектурган оғанинг ўзи ишларни кўздан кечириб юрди.

Араблар анча пухта чавандозлардан экан. Тоғларда отлиқ юриш - текис ипподромларда жилов кўйиш эмас. Тоғда отда бораётган чавандоз доим эгарда мувозанатни сақлайди, тик қияликларда дам ўнгдан, дам сўлдан тупроқ шувиллаб, тошу шағал шарақлаб тўкиларкан, отнинг одимларини сергак бошқаради.

Орқама-орқа бўлиб боришарди. Шу ерлик чўпон олдинда йўл бошлиб қадамларди, унинг ортида Бектур оға, кейин - меҳмонлар ва улар билан изма-из Арсен Саманчин. Ҳозирча бемалол гаплашиб кетдилар, лекин ҳар бир одамда ораларида масофа узоқлашганда алоқани йўқотмай гаплашиш учун мегафонлар ҳам бор эди. Кўриқчилар билан хизматчилар бир оз орқароқда келишарди.

Тоғлар тобора тик юксала борар, ҳайбатли қоялар ўткир қирралари билан ваҳимали осилиб турар, ён бағирларнинг нишаб қияликлари майдага шағал тошлар билан қопланган, от туёғи тегиши ҳамон шалдираб тўкилар, юриш қийинлашар, аммо отлар ҳали юқори-лаб боришарди.

Энди юксак тоғларнинг жониворлари у ёқ бу ёқда кўзга ташлана бошлиди, теварак-атрофдан бир неча маротаба така ва архарларнинг хуркак тўдалари югуришиб ўтдилар. Ваҳший ҳайвонларнинг азалий қурбонлари бўлмиш шу қўштуёқли жониворлар ўз эҳтиёжлари билан қайларгадир йўл олишарди. Уларни дурбиндан томоша қилишаркан, чаққон, учқур, нафис ҳаракатларига қойил қолишарди. Ҳасан отини тин олиш учун тўхтатди ва андак ҳарсиллаганча сўз қотди:

- Дўстларим, сизга қандай билмадиму, лекин менга шундай туюляптики, агарда мана шу гўзал охулар бир

ерга йиғилишиб, ҳаммалари бошқа ўлкаларга кетиб қолиша, илвирслар оч қолиб, бир-бирларини тажиб ташлашарди, шундай эмасми?

– Бунга ақллари етмайди! – деди кулиб Мисир, – Бўлмаса, қочиб кетишарди.

– Балки, аксинча, табиатнинг ўзи шундай оқил яратилган бўлса-чи? – деб гал қўшди Арсен Саманчин.

Меҳмон овчилар табассум қилиши.

– Рост! Табиатнинг донишмандлигига қойил қолиш керак!

– Барсларнинг омади – бизнинг ҳам омадимиз! Шундай эмасми?

Уларнинг шундай бир-бирларига ҳазил-мутойиба тариқасида мурожаат қилиб сўзлашиб боришлари ўрталарида беихтиёр самимий муносабатлар ўрнатилишига хизмат қилас, бу эса айни муддао эди. Арсен Саманчин меҳмонлар ўзларини иложи борича эркин сезишларини истар, улар бу ёқларга фақат ов деб келишмаган-ку ахир. Бундай ҳолларда одамларнинг ўзаро муносабатлари жуда муҳим ўрин тутади.

– Хурматли меҳмонлар, – деб мурожаат этди Арсен овчиларга, – овчилик фирмамизнинг бошлиғи Бектурган оға сизларга унинг сўзларини етказишимни сўраяпти. Ҳов анов қоя орқасида дам оламиз. У ерда чодирлар қурилган. Кейин ўша ерда отларни қолдириб у ёғига пиёда кетамиз.

– Биз тайёрмиз.

– Шикор ўз номи билан шикор-да...

Кун тиккага келган. Балли Бектурган оқсоқолгаки, бир оз чарвоқни ёзишга шароит туғидирди, чодирларда ўтириб қимиз ичилди. Тоғлар баландлиги ўзини кўрсатарди – нафас олиш қийинлашиб борарди. Сафар халталарни саранжомлаб, курол-яроқларни елкаларига

осишли, мегафонлар ва бошқа асбоб-анжомларни қўлга олишиди.

Меҳмонлар оғир йўлни босиб ўтиб, чодирларга дам олгани жойлашишгач, Арсен қулагай вақтдан фойдаланиб, ёлғиз қолди. Бектур оқсоқол иккита ёрдамчиси қўлтиқлаганча отидан тушди, у соқолини тутамлаб хансирар, шу ҳолда меҳмонларни ва уларнинг ҳамроҳларини огоҳлантириди, бир оз кутишга тўғри келади, овни дарҳол бошлаб юборишнинг иложи йўқ, чунки ҳали ваҳший ҳайвонларни ҳайдаб келувчилардан дарак бўлмади. Меҳмонлар бу хабарни хотиржам эшитишиди.

Алгинистлар ва геологларнинг айтишларича, мана тундай тоғ баландликларида юракда бир ўзгариш рўй беради, у янгидан кувватга киргандай бўлади, кайфият бошқача тус олади, атроф дунё бошқача таъсир қиласди. Тоғларда одам яхшироқ, тиникроқ фикрлайди. Кўп ибодатхоналар, калисоларнинг баланд тоғларда жойлашгани бежиз эмас, турли динларга мансуб бу саждагоҳларда турли-туман рақсу самога тушиб, талқину вирди забон қилиб худога яқинлашиш орзусида бўладилар. Айтишларича, водийлар, паст текисликларга қараганда, тоғларда одам кенг, эркин, эҳтиросли фикр юритаркан. Юксак тоғлар фавқулодда нурафшон. Бoshингбаногоҳ ҳудди осмоннинг ўзига тегиб турганга ўхшайди, узатсанг қулоч ёзиб, қўлинг нақ булутларни қучади, манави азamat қоялар еру заминга қудратли илдизлари билан туташиб, теран кириб кетган, манави шаффоғ тоза музликлар, манави мангу оппоқ қорлар шундоққина қўл остингда, беҳад тиник зумрад сув жилғалар ҳосил қилиб, офтоб нурларида яраклайди, мовий-мовий товланади, ҳаво ҳам тўқ мовий-зангори, уни шимириб тўймайсан, кўксингга қандай кириб, қандай чиқаётганини аниқ сезиб турасан, бамисоли ҳозиргина чўнг штангани азот кўтаргандай.

Балки табиатнинг ўзи шундай қурилганми, балки юксак тоғлар кўйнида инсон руҳиятида ўзгача бир ҳол юз берадими, бунда ўй-хаёллар ҳам, туйгулару ҳиссиётлар ҳам, бари қорли юксак чўққиларга ҳамда тоғларнинг забткор, учқур шамолларига монанд. Ўша сонияда Арсен Саманчин худди мана шундай ҳолатни бошидан кечирарди. Бошқа барча ташвишлардан холи қолиб, ўз дарди дунёсига ўзи шўнғиб кетиб, худди бошқа бир оламларда юргандай сезарди ўзини. Ўша дақиқаларда унинг хаёли бу ерда чодирда эмас, аллақайларда, олис чўлларда кезарди. Недурки, у шу тобда қулоқни батанг қилувчи узундан узок паровоз чинқириғи, йўловчи поезднинг бир маромдаги босинки гулдураган товушларини эшитар, вагонлар билан ёнма-ён елиб-югуран, шитоб ўтаётган ойналарга аланглар ва «Элес! Ҳой, ҳой, Элес, бу мен, менман, мен сени севаман! Сен менинг гўзалимсан! Сен Саратовга борасан, мен эса тоғлардаман, аммо доим сен билан биргаман. Сенсиз менга ҳаёт йўқ!» – деб тинмай қичқиравди. Талабалик йилларида шу йўллардан ҳамиша Саратовга ўтар, ундан Московга қатнарди, у Волга бўйидаги Саратовни яхши кўрарди! Қозоқлар Саритов дейдилар. Ҳозир Элес ўша ёқقا кетяпти, у хаёлан қиздан илакишиб кетиб сени йўлдан қолдирганим учун мени кечир деб, узроҳлик қиласди. Аммо у энди ҳақиқатан шу қизсиз яшолмагай. Шу боис телба бир алфозда муҳаббатининг қисқа достонини дам-бадам хаёлида жонлантирас, тасаввуридаги воқеаларга шу қадар чукур шўнғиб кетардик, рўёлар, хулёлар худди шундоқ кўз ўнгидага рўй берадек туюларди.

Арсеннинг яқин атрофида ҳеч зот унинг қалбида нималар бўлаётганини билмас, хаёлига келтирмасди. Фақат Элесгина уни тинглар ва эшитарди, у тамбурда

вагоннинг ланг очиқ эшигидан осилиб турар, бир қўли билан дастакни маҳкам ушлаб олган, иккинчи қўлини кенг ёзиб Арсен томонга узатарди.

– Арсен! Арсен! Сени эшитяпман, кўряпман сени, севаман сени! Етиб ол, сакра, мен сени тутиб оламан!

Хаёлларнинг эркин элкинларида не рўёлар урчимайди! У кутаётган поездга етиб олиш учун ўзини отди. Нима дейсиз ахир, ана, етиб ҳам олди. Нега десангиз, севишганлар иккөв буни жон-дилдан хоҳлашарди, зеро муҳаббат эҳтироси самовий қудратга зга, унга мангулик ва ўлмаслик тобе, зотан, у уруғ-қаёшни давом эттириш учун буюк чорловдир.

Унинг қўлини толе тутиб, югурди ва вагонга етиб олди, Элес унинг қўлидан тутди ва у зинага бир сакраб чиқди. Улар ҳамма нарсани унутиб қучоқлашдилар...

– Юр, юр, гаплашайлик, – деди Арсен Саманчин харс-харс нафас олиб, – Сенга айтар сўзларим шунчалар кўпки...

– Вой, шошилмасанг-чи... Нафасингни ростла, дамингни ола қўй...

– Вақт зик. Овга чиқишимиз керак. Манави менинг қўлёзмам...

– Қўлёзма? Нима деяпсан, Арсен? Вой, шу қўлёзмани деб поезд орқасидан чопдингми ҳали?

– Сенга айтадиган гапим бор. Юр.

Улар купеда рўпарама-рўпара ўтиришиди. Арсен Саманчин Элесга шуларни сўзлаб берди:

– Бу қўлёзма, Элес, менинг Саратовда ёзган ҳикоям. Йўлда ўқирсан. Иккинчи жаҳон уруши даврида бўлиб ўтган воқеалардан. У замонларда сен билан биз ҳали дунёга келмаган эдик. Ота-оналаримиз ялангоёқ ҳакалак отиб юрган ўсмир болалар эди. Шунча йиллар ўтди. Янги аср кирди. Бу воқеани ўша ўтган йилларнинг соғинчи деса ҳам бўлади. У бизга ҳеч қачон унумаслик

керак бўлган нарсаларни эслатиб туради. Барча урушлар бу – ўзаро қирғинлар, одамларнинг бир-бирларини ўлдиришларидан бошқа нарса эмас. Мангу сукунат дунёсига йўл оларкан, ҳар бир ўлдирилмиш тирик жонким бўлмасин, генералми, ё одатий аскар – пушаймон бўлиши турган гап. Мен ўша ачинарли йиллар ҳақида «Ўлдир – ўлдирма» деган ҳасратли бир ҳикоя ёзганиман. Ҳозирги кунларда одам ўлдириш сигаретни чекиб улоқтиришдай осон бўлиб қолди. Ўнгдан ҳам отадилар, сўлдан ҳам, мен ўзим ҳам шу балога гирифтор бўлай демид. Бу ҳикоя қуруқ бир ўйин эмас, жиноий воқеалар ҳам чизимча қилиб чизилмаган. Ўзимни шу ҳикояни қўлимда кўтариб уммон қатъридан юзага сузиб чиқсандай сезаман, кейин миллион-миллион ўлганлар ва ўлдирганлар кўмилган қабристонга бориб, уни уларга ва ўзимга ўқиб бергандайман. Элес сени ўзимнинг тўқайзорларимга бошлаб кираётганим учун мени кечир, лекин сен мутахассис кутубхоначисан, ниманинг қандайлигини сен жуда ҳам яхши тушунасан, менинг пароканда фикр-хаёлларимни яхши англайсан, мен буни ғоятда қадрлайман. Боингни қимирлатиб гапимни тасдиқлаётганинг учун ҳам раҳмат, Элес. Ўтган қишида мен тўғри Бойқўнирга, космодромга бордим, поездга ўтириб, менга самодан туриб «узоқ муддатли хизмат»даги космонавт Солижон қўнгироқ қилди. У билан дўстлашиб қолганимиз. Мен ўшанда бир инсон ҳақида рисола ёзмоқчи бўлиб юрардим. У ҳар бир одамнинг самода яшashi учун кулай муҳит яратишни кўзлайди. Бу ҳозирча хомхаёл, албатта. Лекин бир кун мас-бир кун одамзот албатта бунга эришади. Мен яна хаёлпаратлик қилаётибман. Кечир. Шу десант, ўтган қиши мени соғинч яна йўлга бошлади, темир йўлда юрмаганимга ҳам талай вақтлар бўлган эди, йўлда тала-

балик йилларимни эслаб кетдим. Бойқұнғирдан Саратов орқали Московга жүнадим. Ойна олдиdan кетгим келмасди. Лип-лип ўтәттган манзараларни түйиб томоша қиласди. Мен шундай юришни, тинмай томоша қилишни яхши күраман. Нима қилай, шундай күнгли бүш одамман. Шунда ўтмиш денгизга айланиб, унинг аёвсиз долғалари юрагим қирғоқларига келиб урилаверди. Шу пайтгача булар мени тарк этмай ичимда яшаб юрган ва ўз вақт-соатини кутған экан, мана энди юрагимга ёпирилиб кириб келди. Бу темир йүлларда, ўша-ўша поездларда нималар бўлган зди-ю, энди нималар бўляпти, улар ўша-ўша жойлардан ўтади, Коғозистон чўлларидан юриб, Саратовга етади, ундан! Московга боради, – Хўш, нима бўляпти ўзи асти? – деб фифоним бошимга чиқарди. Йўл ўша, борар, келар поездлар ҳам ўша, ҳаракат йўналиши ҳам ўзгармаган: Гарб – Шарқ. Аммо бу ерларда одамларга нима бўлди, инсон тақдирлари қандай ўзгаришлар, эврилициларни бошдан кечирмоқда? Худди самодан олинган фильмни кўргандай, яқин йилларнинг воқеалари кўз ўнгимдан бирма-бир ўтди: Орол денгизини хароб қилишди, юрак дод дейди, аммо бу орада Бойқұнғирни қайта яхшилаб куришди... Орада қанча-қанчалаб воқеалар қалашиб ётибди! Ўшанда мен ёзишга аҳд қилдим. Бу воқеани бундан узоқ йиллар бурун эшитгандим. Уни менга уруш ногирони Сергей Николаевич йўлда ҳикоя қилиб берганди, у жарима қисмida хизмат қилган бир одам зди. Ҳикояда у ўшгина йигитча Сергей. Мен унда талаба здим, мендан ёши улуғ ҳамроҳимга жуда иззат-хурмат билан қараганман, худди ўз бобомдек кўрганман. Мен яна гапни чўзиб юбордим, вақт эса тиғиз. Сергей Николаевич бизнинг вагонга Саратовда ўтирди, бу ердан Московгача икки кун йўл юрилади. Ҳикояси ҳам

жуда узоққа чўзилди. Московда уни касалхонагача кузатиб кўйдим. Лекин «Ўлдир – ўлдирма»ни орадан ўн йил ўтгандан кейингина ёзиш ниятига тушдим. Сергей Николаевич, яъни Сергей бу пайтга келиб омонатини толширган эди, суриштириб билдим. Чин юракдан ачиндим. Коғозга туширганимдан кейин, тўғрироғи, Сергей Николаевич менга айтиб берганларини бир бошдан ёзиб, баён қилиб чиққач, бу нарсани жанг майдонларида қолган қабристонларда ўқиш кераклигиги тушундим. Биласанми, Элес, сенинг ҳам бу воқеага қандайдир маънода дахлинг бор. Ҳайрон бўляпсанми? Гап шундаки, сен ҳам, мен ҳам ва манави тарих ҳам, бари Шарқ билан Ғарбни боғлаб турган битта йўлда, Саратовдан Москвага ўтган йўлда бўлиб ўтади. Сергей шу йўлдан урушга кетди, мен доим Россиянинг буюк шаҳарлари Москв ва Ленинградга ўқишга қатнаганман, сен эса тижорат ишларинг билан шу йўлда, шу поездда юрасан, ва бизни, ҳаммамизни бир нарса боғлаб туради... Ох, тўхтат, тўхтат, мени, Элес.

Вақт қолмади! Лекин сенга тушунтиromoқчи эдим, шунинг учун орқангдан қувиб етишга уриндим. Кейинроқ айтсам ҳам бўлаверарди, чамаси, бошқа сафар бафуржа ҳикоя қила қолсам, балки айни муддао бўларди, лекин афсус, кутолмайман – бу сен билан учрашиб қолганимиз билан боғлиқ, Элес. Бошдаёқ айтиб қўяй: сен мени кутқардинг, Элес. Менга нима бўлаётганидан бехабар ҳолда сен менинг жонимни омон сақладинг. Шу йилнинг кўкламида мен «Ўлдир – ўлдирма» ҳикоясини босиб чиқармоқчи эдим. Мен урушнинг азалий табиати, инсоннинг азалий феъл-атвори тўғрисида ўз сўзим, билганларимни баён қилиб ўтмоқчи эдим. Ҳар қандай уруш одам боласининг иши ва ҳар қандай уруш шу оддий азал ҳақиқатни англаған ҳар бир одам учун

адоқсиз фожиа... Мен ҳикоямда худди мана шу нарсаны айтмоқчи бўлдим, лекин кейин ҳаётимда бир воқеа рўй бердики, менинг ўзим ҳам худди мана шу кунларда шафқатсиз ва ёвуз бир қотилликка қўл урмоқчи бўлдим. Бу сон-саноқсиз одамкушликлар ичida навбатдагисигина бўлиб қолмай, шундай ҳикояни ёзган муаллиф томонидан йўл қўйилмиш ақл бовар қилмас куфроналик эди, ўз ёзгандарида бир нарсаларни айтиб, амалда бутунлай бошқа ишларни қилувчилар – булар бориб турган мунофиқлар... Шунинг учун виждан азобига дучор бўлмай деб, «Ўлдир – ўлдирма»нинг кўлёзмасини бир чеккага яшириб қўймиш эдим. Энди юзим шамгин. Қотиллик қилсам, мен ўз аъмолимни рад этган, инкор айлаган бўлардим. Тасанно! Толе раҳм қилди – Элес, сен мени одамкушлик ниятидан қайтардинг, бизнинг муҳаббатимиз мен учун башорат бўлди. Мен яна эркинман, ўз-ўзимнинг олдимда юзим ёруг, мана шу ёруғликни менга сен келтирдинг. Кеча ўч олишни адолатли ҳисоблаган ва унга мубтало бўлгандим. Бугун бундай разолатга ҳеч қачон қўл урмаслигимни яхши биламан.

Улгурганимча шуларнинг борини сенга сўзлаб бермоқчи эдим. Яна бир гап: мендаги катта ўзгариш сен билан учрашганимиздан кейин бошланди. Анча ўйланиб қолдим: гоҳида бизга маънавий мuloқот, юракда йигилиб қолган нарсаларни маҳрамона баён қилиш нечоғлиқ етишмайди, мен «Ўлдир – ўлдирма»да шундай дил изҳорига интилганман. Навқирон йигитча Сергийнинг қалб изҳорини кундалик югур-югурлардан фориғ бўлиб, осудалик ва сукунат бағрида ўқиш керак, ҳаётлик палласида билиш ҳар доим ҳам мұяссар бўлавермайдиган нарсаларни ўлганлар руҳи билсин, эшитсин, ишонч ҳосил қилсин. Ундан ҳам ортиқ, ҳар бир одамнинг ўз

муқаддас дуоси бўлсин. Мен айтар дуолар – шу ҳикоя ичида. Агар у сенга дилсўз бўлиб туюлса, кел, бирга муножат қиласайлик, сезгимиз сезгилар билан унсият топгай. Мұхабbatнинг бундан ортиқ нимаси бор... Мен чүнтак дафтаримга ёзиб қўйдим – биринчи мутолаалар Москов остонасида машхур Волокалам қабристони ҳамда Брест қалъасида, сўнг бошқа шу каби кўп ерларда, жумладан, Европа зиёратгоҳларида ўтсин... Мен шуни жуда-жуда хоҳлардим.

Элес, мени кечир, кўп гапириб юбордим, лекин сурур лаҳзаларигина қисқадир, севги эса азалу абад чорлови қошида икковлон етиши мумкин бўлган ноёб кашфу асрордир. Мен ҳозир тоғлар қўйнидаман, лекин шундоқ бўлиши билан бирга бир купеда юзма-юз ўтиргандек сен билан дилдан сўзлашаётирман. Булар хаёл ўйинлари, албатта. Мана, бизнинг турар манзилимизга отлиқ чавандоз дўпир-дўпир йўртиб келаётир, ҳойнаҳой, Тоштанафғоннинг йигитларидан бўлса керак... Нима ҳам қилдик, ишга киришамиз. Кўришгунча, Элес, кўришгунча, яхши қол...

От мингган чавандоз ҳайдовчилардан бири Пахмоқ экан. У тўзғиган пахмоқ соchlарини силкита-силкита меҳмонлар билан омонлашди, сўнг оқсоқол Бектур оғага қараб деди: Уни Тоштанафғон жўнатибди, қор қоплонларининг изидан тушилганлигини маълум қилибди, икки жуфт қоплонни дурбин билан кўрса бўлади, яна бир йирик «калладор-думдор» қоплон назардан қочирмай кузатиб келинмоқда, уни керакли жойгача қувиб келтириш мумкин. Тоштанафғон яна бир нарсани қаттиқ илтимос қилибди: таржимон Арсен аввалига унинг олдига бориши зарур экан, ўзини тўқайга уриб яширинган улкан барсни керакли нуктадан туриб қандай отишни тушунтириб берар экан. Буни сўз билан ту-

шунтириш қийинмиш, ўзи келиб жойни күрсін, кейин овчи меҳмонларга мұлжал олишни күрсатған Бектур оқсоқол бунга рози бўлди.

- Менга қара, Арсен, сен ҳозир меҳмонларга ов бошланмасдан аввал ҳайдовчилар билан учрашаман деб тушунтириб қўй. Ҳайвон тўқол ва маккор, ҳужум қилиб, кейин тўқайга кириб кетиши мумкин. Майли, қарда қандай пойлоқда туришни сенга күрсатишсин.

Овчилар бажонидил кутишга рози бўлишди.

Пахмоқ йўл бошлади, Арсен Саманчин отга миниб унинг ортидан тушди. Ҳар томондан қалин буталар ўралган улкан қоятошлар орасидан ўтиб бориш жуда мушкул эди, қийналиб-қийналиб қоялар орасидаги очиқ жойга чиқиши. Юксакда аллақаңдай қушлар тўдаси чарх уради. Кулокни шангиллатадиган сукунат. Пахмоқ қўлига мегафонни олиб, қичқирди:

- Тоштанафғон, биз келдик! Эшитяпсанми? Биз шу ерга етиб келдик!

Мегафондан жавоб келди:

- Мен ҳам шу ердаман! Ҳозир бораман!

Арсен нафас ростлаш учун отдан тушмоқчи эди, аммо Пахмоқ тўхтатди:

- Ўтириб тур, тушма. Ана Тош келяпти.

Ён тарафдаги қуюқ бутазор орасидан от мингани, бўйнига метафон, елкасига автомат осган Тоштанафғон чиқиб келди – о даҳшат! – у бошига қизил ҳошияли ҳарбий шапкасини бостириб кийган эди! Арсен донг қотди. Тоштанафғон эса шапкасини бир оз кўтариб қўйиб сўз қотди:

- Кўзингни олайтирма! Ҳаммамиз шай! Бешовлон ҳозир, автоматлар таҳт! Ё қўлга йигирма миллионни нақд беришади, ё ҳамма асфалософилинг кетади! Ҳеч ким омон қолмайди! Ҳеч зотни аяб ўтирмаймиз. Нега индамайсан?

– Нима дей? – зўрға овози чиқди Арсен Саманчининг. – Сен ваъда қилган эдинг-ку, ташвишланма, ҳаммаси жойида бўлади деб.

– Жойида бўлгани шу. Ишга ўтайлик. Анави ёқса қара. Ўша Молотош ғори шу. Сенга айтган эдим. У ерга миналар кўмилган. Бойвачаларни шу ерга ҳайдаб келамиз. Уларга менинг ҳар бир сўзимни инглизчалаб айтиб турасан. Глобаллашув барчага баробар. Бойликлар фақат бизга тегишли деб хомтама бўлишмасин. Биз ўз хақимиз-улушимизни оламиз. Кўрдингми, манави ердан ғорга кирилади, отдан туш, ичига кир. Ўтирадиган жой кўп, гаровга олингандар роппа-роса бир кечакундуз шу ерда бўлишади. Тўлов бўлмаса – раҳм-шафқат қилинмайди. Нега индамайсан? Тилингни ютиб юбордингми? Мен сени огоҳлантирганман. Сен, нима мени ҳолвадай эриб кетишимни кутувдингми? Ол-а! Хўп, нега индамайсан? Сендан сўраяпман менинг буйруғими дарров бажарасанми, йўқми?

Арсен Саманчин пастга тушмоқчи бўлиб туриб, яна оёғини узангига тиради. Тоштанафғон унга ўдағайлади:

– Тур жойингда! Гапимни яхшилаб эшиш – сен аввал уларни бу ерга олиб келасан, биз уларнинг қуролларини тортиб оламиз, ғорга ҳайдаб кирамиз. Гап қаттиқ эркакча бўлади. Автоматларни қаншарларига тираб кўямиз. Менинг буйруғим билан уларга йўлдош телефонларидан Дубайгами, Амирликларгами, қаерга бўлса ҳам, банкларига кўнғироқ қилдирасан. Зудлик билан бизга самолётда пул тўловини ўтказишади. Ултиматумнинг ҳар сўзи мияларида муҳрлансин! Улар нима десалар, дарҳол менга ағдарасан. Билдингми? Акс ҳолда, биз сени банди қилалими. Уларни ҳам, сени ҳам йўқотамиз!

– Кўп шошилма, – деди ниҳоят тили калимага келиб Арсен Саманчин кутурган кимсани инсофга чақириш

бефойдалигини англаб. – Сенинг қароринг шундай бўлса, билиб қўй: агар бир томчи қон тўкилса, ўзингдан кўр, мени кейин ҳеч нарса тўхтатолмайди!

– Дўқ қилма бизга! Мен ҳам қон тўкилишини истамайман. Йигирма миллион келади, кейин булар кетади. Тирик! Бу менинг сўзим! Бўлди, бажар! Йигирма дақиқа вақт бераман! Тамом-вассалом! Уларни ҳайдовчилар олдига борамиз деб бу ерга бошлаб кел. Сал чакки қадам қўйсанг, тикка отамиз! Ҳеч нарса йўқотмаймиз! Эсингда тут: сен билан бирга ўша иккала меҳмон кела-ди барс отгани. Уларга барс шу ерга ҳайдаб келинган деб айт, яна бир қанчасини кўз остига олиб қўйганмиз, улар – кейинроқ овланади. Қолган барча одамлар ўша ернинг ўзида кутишсин. Билдингми? Тез бор энди!

– Ҳозир, – ноаниқ ғўнғиллади Арсен Саманчин Тоштанафғоннинг шапкасига кўз қирини ташлаб, гўё у со-биқ синфдошининг бошида бўлмаса, ҳаммаси бошқача бўладигандай, оғир хўрсинди, индамай отга минди-да, ҳозиргина ўзи келган томонга йўл олди.

Атроф ўлик суқунатга чўқди. Қадди дол бўлган, эгарга мукка чўккан Арсен Саманчин ғорга қўноқ овчиларни бошлаб келиш учун орқасига боқмай кетиб бораради. Уларни асоратга топширади, ўзи ҳам асоратга тушади. Пастга оқиб кетаётган жилғаларнинг шалдираши эши-тиларди. Қандайдир күшлар боши тепасидан шувил-лаб учеби ўтишди. Чодирлар ясалган манзилга қараб от эҳтиётлик билан тош уюмларини босиб бораради. У ерга етишга оз қолганда, Арсен қоя ортидаги бутазорда жи-ловни шаҳд тортиб отни тўхтатди, узангига оёқ тираб қаддини кўтариб атрофга назар солди. Ўнг елкасидаги мегафонни қўлига олди, эгар қўймучига «калаш» ав-томатини қўйди, афтидан, нимадир қилмоқчи бўлиб ҳозирланди. Бир неча сониядан сўнг тоғлар узра мега-

фондан кучайиб чиққан Арсен Саманчиннинг шиддаткор саси янгради. У инглиз, рус ва қирғиз тилларида қаҳр ва ҳиддат тўла овози билан қичқираарди:

– Эшитинглар, эшитинглар! Буйруқ! Хориждан келган овчилар! – мегафон унинг овозини бир неча бор кучайтириб тоғлар узра янгратиб ёярди. – Сизга минг лаънат! Қоплонлардан қўлингни торт! Дарҳол бу ердан кетинглар! Ҳайвонларни қиришга йўл қўймаймиз! Ҳей, ҳей! Дубайга жўна, Қувайтга кет! Муқаддас тоғларни оёқости қилма! Туёқларингни шиқиллат! Тез даф бўлинглар! Акс ҳолда ўлдириласиз! Ҳаммангизни отиб ташлайман! – у ўз сўзларини автоматдан осмонга қасир-кусур ўқ узиб тасдиқлади. Тоғлар гулдиради. Қай бир чўққидан тош ёғилди. Шу заҳоти ҳар томондан тариллаб отила бошлади. Тартибсиз тасир-тусурлар шовқинидан Арсеннинг оти қаттиқ хуркди. От кучли юлқинди ва шу заҳоти ўқ тегиб ерга қулади. Арсен Саманчин от лоши тагидан оёқларини қайириб базўр ўзини кутқарди. Отишма зўрайди. Ҳаммалари – Тоштанафонлар ҳам, меҳмонларнинг кўриқчилари ҳам, Бектур оқсоқолнинг одамлари ҳам худди эсларини еб кўйгандай куроллардан ўқ бўшатардилар. Мана шу аросат тўполонда меҳмонлар дарҳол отларга миниб, тезлик билан орқага қайтдилар. Лекин Арсен энди бундан бехабар эди.

Ўқ еб ўлган от ёнида ғужанак бўлиб ётаркан, Арсен бир йўла бир қанча жойидан яраланганини сезди. Елкалари, кўкраги, қовурғалари чидаб бўлмас даражада оғирди. У жони борича қиялика қулаб кетмаслик учун ўзини базўр четга тортди, шунда унинг рўпарисида қора қонга беланган баҳайбат барс сакраганини илғади. Бу Жаабарс эди. У ер бағирлаб судралди, қаттиқ ириллади, ўзини шатирлаб нарига олди. Арсеннинг

боши узра офтоб чайқаларди, тоғлар зириллаб қимирлар, шамол томоқни бўғиб нафас олдирмасди. У мегафон билан автоматни улоқтирди-да, ярадор ҳайвон ғойиб бўлган томонга судралди. У атрофда нима бўлаётганини кўрмас ва эшитмасди; қутуриб кетган Тоштанафғон тинмай бақирав, шалоқ сўкинарди: «Аблаҳ! Сотқин! Тил тортмай ўлгур! Кўролмадинг бизни!» Бектурган оқсоқол эса ўзини таппа ерга ташлаб, соқолини юлиб бўкирарди: «Уят! Шармандалик! Аждодларнинг қарғишига учрагур, мохов!» Тирақайлаб қочиб бораётган араб овчилари нима деб қичқиришарди, бу – бир худога аён.

Аста-секин қасир-қусур отишма пасайиб, сўнг тинди, кўп ўтмай бақир-чақирлар ҳам эшитилмай қолди.

Ҳайвонлар ва одамларнинг бошларига бир зум ичидагималар солганини Арсен Саманчиннинг ўзи билсайди... Аммо энди унинг бу билан иши йўқ. Олган жароҳатлари оғир эди, у буни сезиб туради. Айниқса, кўкраги эзилиб оғрир, бутун энгил-боши жиққа қонга ботганди. У узоққа бормаслигини ҳис қиласар, ўзини панароққа олмоқчи бўлиб уринарди. Энкайиб, галдираб қадам ташлар, оёқда туролмай йиқилар, ўрнидан туришга зўр бериб уринар, бўғилиб хирқиради. Яхши ҳам эсида қолган экан Молоташ ғорининг қайси ёқдалиги, Арсен Саманчин ниҳоят шу ғорни топиб борди ва тиззасида эмаклаганча ўзини ғор ичига олди.

Ана шунда у ҳайбати ҳеч қайга сиғмаган улкан тоғ қоллонининг сўниб бораётган кўзларини кўрди. Бу Жаабарснинг ўзи эди. Йиртқич қимир этмади. Олдинга чўзилган панжаларига қўйган бошини лоақал кўтартмади. Оғир харс-харс нафас олиб, бошини ердан узмай ётаверди.

– Сен ҳам шу ердамисан? – деди нима учундир Арсен, худди илгаридан бир-бирларини танигандай.

Жаабарсдан тинмай қон оқарди.

Инсон ҳам худди шу күйга тушди.

Тақдир тақозоси билан инсон ва йиртқич ҳаётларининг охирги дамида осмон остидаги шу мағорада топишиб қолдилар, ёнма-ён ётиб ўлим шарбатини тотдилар... Худди ҳайрат ичра лол қолгандаи ҳайбатдор тоғлар узра гулдурак жар солди, унинг самовий нидоси олис-олисларга тарапалди: нима қилиб кўйдинглар? Ва шундай лолу ҳайрон бўлиб, булатлар бағрида чақинлар чақиларди...

Меҳмон овчилар отлардан тушиб, машиналарда овулага етиб келишди, ҳеч ким билан хайрлашмай «Хаммер»га ўтириб қўриқчилар курсовида Авлиёта аэропортига етиб боришди, бу ерда уларни учишга шайтайёра кутарди, ҳаммаси ойдин бўлди.

Шу тариқа «Мерган» фирмасининг халқаро овчилик тадбири бир зум ичидан барбод бўлди. Бизнес-лойиҳани ерга киргизиб юборган одам оқсоқол Бектур оғанинг қариндоши эканига ҳеч кимнинг ишонгиси келмасди.

Туюқ-жарликлар ғовур-ғовур қилиб ҳовлиларидан чиқиб тўп бўлиб, шовқин-сурон кўтаришди.

– Шарманда бўлдик! Юзимиз шувут!..

– Арсенни оёгини осмондан қилиб осиш керак! Ўтда куйиб ўлсин!

– Барбод қилди ишни! Жиндай пул ишлашга кўймади!

– Унга одамлар эмас, йиртқич ҳайвонлар қадрли!

Илоё барслар ғажиб ўлдирисин!

Машмаша ўз-ўзидан авж олди. Кутурган оломон Арсен Саманчиннинг опасининг уйига қараб ёпирилиб борди, ҳовлида кўлига нима тушса, оёғи нимага етса, барини ағдар-тўнтар қилишга тушди, сийналарни, Арсеннинг машинасининг деразалари, чироқларини чилчил синдириди, ювиб дорга ёйиб кўйилган кўйлак-курт-

каларини далва қилиб йиртиб ташлади... Укасининг ноутбукини бағрига босиб асрашга уринган опаси ўласи қилиб калтакланди, ишини ташлаб чолиб келган, хотинини оломондан ҳимоя қилган темирчи почча дўлдай ёғилган мушту тепки тагида қолди..

Бирдан шаррос қуиб юборган жала, қасирға, момақалдироқ ола-дўлоб тўс-тўполонга чек қўйди, эсини йўқотган оломон ҳушига келиб, уй-уйига қочди.

Гулдурак атроф-тумонатни ларзага соларди, чақинлар осмон қўйнини ялт-юлт тиларди, ёмғир кучайиб тоғ даралари ва ғорларни шатирлаб ювиб ўтарди.

Элес, худди бирор кўнглига солгандек кечга яқин Туюқ-Жардаги опасиникига вокзалдан телефон қилди. У опасига ўзининг чўнтак телефонини қолдирган, сенинг қўл остингда турсин, мен дугоналаримнинг телефонидан қўнғироқ қиласман, деб тайинлаб қўйганди. Илгарилари ҳеч қачон бундай қилмаган, бу сафар негадир алоқа боғлаб туришни кўнглига туккан эди. Поезд жўнашига ярим соат вақт қолганда, улардан ҳол-аҳвол сўраб қўнғироқ қилди, тоққа кетгандардан хабар борми-йўқлигини суриштирди. У ҳали саволини бериб ултурмай, опаси ваҳима солиб қичқирди:

– Бутун оувул бузилган ари уясидай гувиллаб ётибди. Ҳаммасини ўша Арсен қилди. Тоғларда бақириб, меҳмонларни отаман деб ҳайдабди. Барсларга кўз олайтирма! Ҳамманг юртингга жўна! – деб қўрқитибди меҳмонларга ўт очибди. Бошқалар ҳам унга ўқ отишибди. Бектур оға бўлса бошини тошларга уриб ёрибди. Ҳозир бутун оувул Арсенинг опасиникига бориб жанжал-тўполон кўтарялти. Арсенинг ўзи йўқ эмиш. Уни отишганми ё ўзини отганми, ишқилиб шунака. Эшитяпсанми, Элес? Нега индамайсан? Сенга нима бўлди? Жавоб берсанг-чи, ҳой?

Шундай деб, опаси ох-фарёд қилишга тушди:

– Вой, ўлай, энди нима бўлади? У Арсенни жон-дилдан яхши кўриб қолган эди. Вой, нима қиласман энди?

– Э, тилингни тийсанг-чи! – жеркиб берди уни эри.

– Бақирганинг билан нима фойда? Элес келса, уни Молоташга олиб бораман. Сен ҳам бирга борасан. Аҳволни ўзи кўрсин. Кейин тушуниб олади. Сен бундай қуйина-верма.

– Вой, вой, нима қиласман энди? Қизгинага нима бўлади? Молоташга борсак, болаларни нима қиласмиз?

– Ҳечқиси йўқ. Улғайиб қолишиди. Ўсмир болалар, икки кун ўзларини ўзлари эплаб ўтиришиади. Мол-ҳолга қарашади. Қўшнилар ҳам кўз-кулоқ бўлиб туришар...

Элес шартта юк халтасини елкасига ортиб, ҳар бир сўзини дона-дона қилиб айтгач, шериклари ҳанг-манг бўлиб қолишиди.

– Сизлар кетаверинглар Саратовга, мана, менинг хужжатларимни олинглар. Мен тез овулга қайтишим керак.

– Бирор ўлибдими?

– Балким.

– Қайтиб келганда, кўришамизми?

– Балким.

– Биз нима дейлик? Сен ўз молингни олиб кетгани келасанми?

– Балким.

– Сенга нима бўлди? Бошқа гапинг йўқми?

– Тинч кўйинг! Гапимни айтдим! Менсиз бораверинглар. Тамом!

Элес шу сўзларни айтиб, орқа-олдига қарамай, дуч келганларни итариб-туртиб, югуриб кетди. Йўловчилар ундан ўзларини четга олишарди. Улар билишсайди...

* * *

Ким билсин... Ким хаёлига келтирсин, ўша онларда унинг қайғуси масканлару маконлар оша қирғоқлари-дан тўлиб-тошиб чақин-чақмоқлар-ла тўш ёзиб тийик-сиз жалага айланиб, Узангилаш төгларига увиос солароқ ёғарди, бу тоғлар орасида унинг севган ёри гойиб бўлмиш эди, энди унинг изларини қидириб Мангу қайлиқ мисоли, балки Мангу қайлиқнинг ўзи билан бирга зору саргардон югуради... «Менга мадад бер, жоним опам, уни қайда кўрган бўлсанг, айт, яширма...»

Ўша куни тоғ ичкариларида тоғовгум тушгунча қалдироқ тинмади, унинг садоси олис-олисларни ларзага солиб, силкитиб турди, водийлар ва дарапарни сирли кўқ-мовий шуълалари билан ёритди. Челаклаб ёмғир қуяркан, хуфтон қоронғилиги тобора қуюқлашди. Ҳеч қачон ўша ёзда ёмғир бунчалар узоқ әзилиб ёғмаганди. Молоташ ғори ёмғир элқинидан янада қоронғироқ ва янада совуқроқ кўринарди.

Лекин тақдир тақозоси билан бу ерга бирга кириб қолганлар учун бунинг ҳеч қандай аҳамияти қолмамиш эди. Бу сўнгги манзилда улар икки шўрлик жон учрашган – сўнгги нафасини олаётган одам ва охирги нафаси чиқаётган йиртқич ёнма-ён ётардилар. Мўлжаллаб отилган ўқлар тегдими ё дайди ўқларга учдиларми, кимлар кимларни отдилар – қайси мард аниқларди дейсиз буни? Ва бундан қатъи назар, икковлон худди мана шу қоронғи ҳувиллаган овлоқда ширин жонларини таслим этардилар. Ҳижратнинг шу охирги дамларида энди буларнинг ҳеч бирининг заррача қизиги қолмамиш эди.

Жаабарс бўғилиб нафас ололмас, яраларидан тинмай силқиб қон оқарди. У ҳамон тамоман куч-куватини йўқотган ҳолда, улкан бошини беҳол чўзилган пан-

жаларига қўйиб ётар, тилларда достон унинг узун шукухли думи худди ташландик, кераксиз нарсадай ерга чўзилганди...

Арсен Саманчин ўлаётган йиртқичнинг биқинига ёнбошини босиб чўзилган, унга шундай енгилроқ туяларди. «Мана, охири сен билан кўришдик ҳам...»

Арсеннинг ёнбошида оқдан қон ҳалқоб бўлиб қолди, қон ғорнинг төш саҳнига ёйиларди. Ўзи ақл-хушини ҳали йўқотмаган, ҳаётнинг шу охирги неъмати – фикр қилишни иложи борича узокроқ тутиб туриш, бой бермаслик пайида бўларди. У бўлиб ўтган воқеаларда ўзининг нечоғли айбдор эканлиги устида ўйларди. Ва ҳаммадан бурун Элес билан видолашибни истарди. Икковлари қанчалар баҳт ва муҳаббатга мұяссар бўлишиди, мана энди баридан айрилишмоқда.

– Алвидо, Элес. Рӯёбга чиқмай қолган орзуларимиз учун мени кечир... Қасам ичаманки... Алвидо, алвидо... Улгуролмадим... Кўзимга ёш қўйилиб келяпти... Мен айборман...

Ҳақоратланган араб қўноқларга хаёлан мурожаат этаркан, уни виждони қийноқлари жўш уриб ўртарди:

– Мен ожиз банда айбдор... Мендан қанча хафа бўлсангиз, арзийди. Сўксангиз ҳам майли. Лекин бошқа илож йўқ эди, ёлғиз шу йўл билан сизни хавф-хатардан омон сақлашим мумкин эди. Агар қўлингиздан келса, узримни қабул қилинг...

Отасининг укаси, қадрдан амакисига мурожаат қиларкан, у уят ва умидсизликдан алангаи оташ бўлиб ёниб ўртанаарди:

– Бектур оғажон, байке, мендан ёзғирманг кўп, гарчи ҳақингиз бор! Мендан қаттиқ хафасиз! Уругимизга иснод келтирдим! Ишингиз барбод бўлди. Бошқа йўл қолмаганини сизга қандай тушунтирай ахир?! Бу

шармандаликини қандай қилиб юваман? Бунга менинг имконим борми? Мени кечириңг. Аммо ёвуз ният билан бу ишга құл урмадим, бу ахмоклик ва күролмаслик ҳам әмас... Умрингиз узоқ бўлсин, амакижон. У дунёда учрашмоқ мусассар бўлса, отамга барини тушунтиргайман...

У қариндошларини, опаси Қадичани, унинг эри темирчи поччасини ёдга олди:

– Бошингизга не кулфатлар солдим. Мени кечириңглар дуо қилиб, худодан мағфират қилишини сўрангизлар...

Хаёлида Ардак ва унинг болалари жонланди:

– Мен ўлаяпман, Ардак. Мени ўйлаб қўп ғам чекма, бошқа дардларинг ҳам ўзиніга етиб ортади. Болала-рингни авайлаб ўстир. Мен тирноқ қолдирмай ўтиб кетаётирман. Худо қисди шекилли...

Арсен Ойдана қошида ҳам узр-маъзур айтди:

– Ойдана, кечир, сенинг учар юлдуз бўлишга учганингни мен кечиролмадим. Аммо бу сенинг ишинг. Мен опера саҳнасида сенинг Мангу қайлиқ бўлиб чиқишингни хоҳлаган эдим. Энди тақдир сени менинг хиракиларимдан халос қилди. Анов Эртош Курчалга ҳеч нарса дема, мен ўзим кейин унга айтаман. Эртош, охирги кунларгача сенинг олдингда юзим қора бўлиб қолди, сени шунчалар ёмон кўпар, ижирғанар эдимки, ҳатто ўлдиришни кўнглимга туғиб юрдим, бунинг ўз сабаблари бор эди, албатта. Лекин фикримдан қайдим, тавба қилдим. Мен ҳақимда ёмон ўйга борма, кечир мени, биродар...

Аммо Арсен собиқ синфдоши Тоштанаффонни ўйлаганда, жуда қийналди, қаттиқ ўқсинди: Нима десин? Юзига қора чапласинми? Лаънат ўқисинми?

– Майли, сен мени қурбон қилдинг. Аммо сен қандай оғир жиноятни кўзлаганингни ҳеч ким билмайди. Эҳтимол, мен қаттиқ турмай хато қилгандирман,

сени йўлингдан қайтаролмаганим бу менинг айбим.
Мен курбон бўлиб кетяпман, сен эса қутулдинг. Аммо
ажр-оқибат худонинг измида!

Сиз ҳам мени кечиринг, овулдошларим. Арзимаган
бўлса-да сизни пул ишлаб олишингизга йўл бермадим.
Худонинг иродаси шундай бўлди... Оёқости қилманг-
лар менинг номимни, номусимни, нега мен бу ишни
қилдим, бир худога аён. Ҳеч ким энди буни билмайди...
Алвидо, овулдошлар!..

Улкан қор қоплонининг дами узилди. Изидан одам
боласи ҳам бир уҳ тортди, жони ҳавога учди...

У сўнгги нафасини оларкан, охирги дақиқаларда
олис-олислардан келган Мангу қайлиқнинг мунгли
сасини эшитди: «Қайдасан, қайдасан, сен менинг сай-
ёдим?» Қулоғига чалинган бу овозга у пичирлади:
«Алвидо, алвидо, биз энди ҳеч қачон кўришмаймиз...»

Ой туннинг далва-далва паға булутлари орасида
шўнғирди, шамол юлқиниб ўзини азамат қояларга
урар ва оҳ тортиб юз тубан ағанарди, бошқа ҳеч бир
сас-сабар эшитилмасди...

* * *

Эртасига тушга яқин Молоташ гори атрофида куни
кеча даҳшатли фожия бўлиб ўтган ерда уч отлиқ пайдо
бўлишди. Бир эр киши олдинда, икки аёл унинг изидан
ортда келишди. Булар Элес, унинг опаси билан поччаси
эдилар. Улар Элесни ўз кўзи билан кўрсин, ишонч ҳосил
қилсин, омонсиз тақдирга тан берсин деб, бирга олиб
келишганди. Уларни муқаррар айрилиқ кутарди.

Поччаси Жўра бу ерларни беш кўлдай биларди. Ил-
гари собиқ колхознинг қўйчилик фермасига мудирлик
қилиб юрган кезлари юқори ўтлоқларга чиқиш ол-
дидан бу ерларга келар, Молоташ ғорини ҳам билар,

шунинг учун Элес билан унинг опасини дарров торни топиб бошлаб борди. Билинар-билинмас сўқмоқдан ўтишаркан, аввал ўқ еб ўлган бўз отни кўришди, унинг лоши ёмғирда бир кундан ортиқ қолиб кетгани учун қорни шишиб кетган, тўрт оёғи тўрт томонга тарвақай-лаб ётар, эгар-жабдуқлари далва-далва бўлган, эгар-нинг ўзи бир томонга қийшайиб қолганди. Арсеннинг мегафони билан автомат куроли ҳам шу ерга сочиlgанди. Жўра отдан сакраб тушиб, унисини ҳам, бунисини ҳам қўлига олди. Улоқтириб юборилган курол, ўлган от Арсен тирик эканлиги даргумонлигини кўрсатарди.

Тор ичига оғир бир нарсани сезиб оҳиста киришди. Элес қалт-қалт титрар, опаси унинг қўлидан мақкам ушлаб олганди. Кўзларига ташланган нарса уларни лол қилиб кўйди: уолган, қотаётган қон кўлмагида жонсиз одам жасади ва ўлик улкан йиртқич – қор қоплони ётишарди. Арсен Саманчиннинг боши Жаабарснинг қонли кўксига солиниб қолмишди.

Элес тиз чўкиб, Арсеннинг совиган қўлини силар ва хўнграб йиғларди.

Аёллар узоқ йиғи-сиги қилишди. Опаси Элеснинг бошига қора рўмол ташлади. Жўра ғордан гоҳ ташқарига чиқар, гоҳ ичкарига киради. Аёлларнинг бир оз ўзларига келишини кутарди.

Элес пик-пик йиғлаб ёнида ўтирган опасига дерди:

– Хумор, сен менга онам ўрнидасан, сендан яширадиган жойим йўқ. Арсенга «бизнинг барсларимиздан қўлингни торт!» – деган плакат кўтариб намойишга чиқаман деб айтган эдим. Овулимизда бундай қилиб бўймаслигига ақлим етмасди. Арсен ўшанда ҳеч нарса демади, лекин юрагига ўт тушган экан, мана оқибати... Нега ҳам ўша гапни айтдим мен аҳмоқ?

– Кўй, хафа бўлаверма, Элес, севишганларнинг орларида нима гаплар бўлмайди. Такдир пешонамизга ёз-

ган экан. Сен яххиси, бечорани қандай күмишни ўйла. Ахир қариндошлари уни күмишни ҳатто эшитгилари ҳам келмаяпти. Алам ўтган. Шўрликни йиртқичнинг ўлиги ёнида ташлаб кетиб бўлмайди-ку, ахир!

– Рост гапларинг. Лекин мен Арсенсиз қандай яшайман? Бир аср бирга яшармидик балки. Россияда хотинлар калисоси бор эмиш, тижоратда юрганда эшитган эдим. Қидириб топиб, ўша ерга кетаман, кеча-ю кундуз унинг учун дуо-ибодат қиласман. Худойим мени кечиришини илтижо қилиб сўрайман. Фақат бир нарсадан ўйланаман, мабодо худойим менга раҳм-шафқат қилиб, баҳтимга бир фарзанд ато этса, ки...

– Худо етказсин! Бунга ишончинг комилми?

– Негадир кутяпман. Тушимда кўрдим... Бўлмаса монастирда оёғим қолиб кетгай то абад.

Шу пайт тоғлар узра гуриллаган ва тобора кучайган овоз эшитилди. Улар ғордан чиқиб, учовлон айланниб учайтган вертолётга тикилиб туришди. У юксак чўққилар оралаб дара тепасидан келарди. Бойлоқдаги отлар безовта бўла бошлишди. Жўра уларни тинчлантириши учун жиловларидан тутиб турди. Вертолёт айланниб-айланниб, кўздан йўқолди. Шовқин тингач, Жўра ўйланганча деди:

– Вертолёт бекорга келмайди бу ерга. Бу тоғларда учиш хатарли. Афтидан, бу ерда бўлган воқеа районга ҳам етиб боргандир.

Хотини унинг сўзини тасдиқлади:

– Бу уларнинг иши. Бизнинг ташвишимиз ўзимизга етарли. Биз Арсенни қандай күмишни Элес билан ўйлајмиз, Жўра, сен нима дейсан?

– Нима дердим? Кўмиш керак, иложи борича тезроқ. Лекин ҳозирча қариндошлари билан қўшнилари кўмиш ҳақида оғиз очишмади. Бақир-чақир, сўкиш,

қарғиши билан ҳамма овора. Бу билан иш битадими? Тоғлардан овулнинг катта қабристонига мархумнинг жасадини олиб ўтиш жуда мушкул иш. Қўп жойлардан жасадни замбарга солиб олиб ўтишга тўғри келади, буни бир қанча одам қилмаса, иложи йўқ.

Жўра қандай қилиб бўлса ҳам қавм-қариндошлари билан биргаликда буни ечиш керак, деган холосага келди. Рост, Арсен Саманчиннинг бу қилган ишидан ҳаммалари ёмон норози, ғазаб отига миниб олишган, лекин одамлар ўтакетган ваҳший жиноятчиларни ҳам ерга қўйишади.

- Ўйлаб кўрамиз, – деди фикрини давом эттириб Жўра, – ҳозирча ичкарига кирайлик. Мен Арсеннинг руҳига дуюйи фотиҳа ўқимоқчиман. Мулла бўлмасам ҳам, кўлимдан келганчада-е...

Улар яна учовара гор ичига киришди. Марҳум қошида ўтириб, жим бўлиб қолишиди. Жўра арабчалаб нималарнидир тиловат қилди, гарчи бу ерлик барча кимсалар каби диний калималарни зигирча тушунмаса ҳам кўнгиллар таскиноти учун малҳам босди. Одат ўз номи билан – одат ахир...

Мана шу ҳавасаки дуо-фотиҳа пайтида Элес ўйланиб колди: яхшиямки, опаси ва поччаси ҳамдард ва маҳрам бўлиб келишиди, бўлмаса атрофда ҳеч зоғ йўқ, марҳум билан ҳеч кимнинг иши бўлмай, кимсасиз ётарди овлоқда. Унинг аччиқ аламлари, ўйлари ташқаридан келган отлар дупури ва одамларнинг товушлари билан бўлинди.

Гор ичига бешовора киши кириб келди. Булар Тоштанафғон ва унинг шериклари эди. Улар одатан ўтиришмади, балки фотиҳанинг тугашини кутиб, тик оёқда қовоқларини осилтириб туришди. Фотиҳа охирлаши билан Тоштанафғон чўрт кесиб сўз бошлади:

- Молоташ ғорига мина кўмилган. Сиз дарҳол бу ерии ташлаб чиқишингиз керак. Чунки у портлатида. Тез бўлинглар!

Бироқ Жўра эътиroz билдириди:

- Портлатишнинг нима кераги бор? Бу ерда ўқ тегиб ўлган Арсен Саманчин ётибди. Уни кўмиш зарур.

- Бу билан бизнинг ишимиз йўқ. Биз ғорни портлатишмиз керак. Мурда тош-тупроқ тагида қолиб кетади. Шу кўмилгани бўлади.

- Бу кўмиш эмас! - норози бўлиб қичқирди Хумор. - Мен хотин бошим билан сизларга айтиб қўяй: «Олдин одамни кўмишни, кейин портлатишни ўйланг. Ҳаммамиз ўламиз. Ҳамма одамлар, шу жумладан, сизлар ҳам вақт-соати келганда, ерга қўйиласиз. Одамларнинг бурчи шундай».

- Ўқитма! Топшириқ бор. Молоташ ғори портлатида. Биз шунга келганимиз. Сизга ярим соат вақт берамиз.

Шунда юзини тўсган қора рўмолини бир оз четга сурниб Элеснинг ўзи тилга кирди:

- Кўлингизни тортинг бу ишдан! Киши ўлими устидан кулманг! Бундай куфр учун жавоб берасиз. Мен йўл қўймайман! Сиз ўлган одамнинг жасадини портлатишга ҳеч қандай ҳақингиз йўқ. У қоидаси бажо қилиниб, ерга қўйилади.

- Э, сен ўзинг ким бўласан? - деб қаҳри келиб бақириди ўзини базўр тутиб турган Тоштанафон. У кеча ерда қандай аёвсиз мағлубиятга дучор бўлганини Элес не билсин? Мана энди у ўз синфдошининг жонсиз жасади устидан жаллодларча қаттол ўч олиш ниятида куйиб ўртанаарди.

- Кимлигим билан нима ишинг бор? Ҳозир буни айттар пайт эмас! Ўлдирилган одам мана оёқ остида ётибди. Мен ҳам ўлишга тайёрман. Мени ўлдиринг. Кейин

портлатасиз. Қани, бўлларинг! Мен тайёрман! Портлат! Портлат қани! Ҳозироқ портлат! Мен у билан мангу шу ерда қолишни истайман!

Бу ваҳшиёна вазият нима билан тугашини айтиш қиин, лекин ўртага Жўра ақли расолик билан аралаши:

- Тоштанафон, қулоқ сол, аёллар билан бундай гаплашиш яхши эмас. Улар яқин кишисини йўқотиб фифони чиқиб турибди. Ўликнинг тепасида жанжаллашиш тўғри келмайди. Юр, ташқарига чиқайлик, гаплашамиз, нима қилишни маслаҳатлашамиз. Ғорни портлатаман десанг, бунга bemalol улгурасан.

Улар ташқарига чиқиб, анчагача жанжаллашиб туришди.

Аёллар ўлганларнинг жасади устида ёлғиз қолишгач, Хумор, синглиснинг бошидаги рўмолни тўғрилаб қўяркан, оҳиста таскин бериб, деди:

- Йиглама, Элес. Ўлганларнинг рухи ҳаммасини эшилади. Ўз гапингни айтдинг. Марҳумнинг рухи рози бўлди. Бу ёғини эркаклар ҳал қилишсин. Вой, шўрим, вой, шўрим...

Элес овози хириллаб, деди:

- Раҳмат, опажоним. Сен ҳақиқатан менга онамдайсан. Нега Арсеннинг ҳаёти бундай ёмон ўзгариб кетди? Ахир у энг ақлли, энг адолатли, ҳақиқатпарвар одам эди. Мен ҳали қизалоқ пайтимдаёқ унинг газеталарда ёзганларини ўқирдим, телевизорда гапирганларини эшитардим. Мен уни жонимдан ортиқ севардим! Севгимиз ўлмайдигандек бўлиб туюларди! Шундай одам ҳалок бўлди! Ваҳший ҳайвон билан ёнма-ён ётибди мана шу ғорда. Ғаддор кишилар унинг хотирасини ҳам жасади билан бирга йўқотиб юборишмоқчи, портлатаман дейди? Бу нима бўляпти ўзи? Бу уни хўрлаш, таҳқирлашнинг ўзгинаси эмасми?.. Мен учун у муқаддас, азиз

инсон. Фақат бола туғилса – бас. Ўғилми, қизми, унинг номи қолади, болалари билан бирга яшайди.

Күп ўтмай ташвишга ботган Жўра кирди, Тоштанни кўндиришнинг иложи бўлмади, деди.

Эрталабгача вақт берибди, оқсоқол Бектурган оға билан маслаҳатлашармиш. Эрталаб келаман, ўшанда ҳаммасини ҳал қиласиз дебди...

Кечаси Элес гулхан олдида ўтириб, тинмай шуни ўйлади: Хотираси кунлари унинг мозорига болаларини етаклаб бориш насиб қиласмикин?

Шунда олис тоғ оралиқларидан Мангу қайлиқнинг: «Қайдасан, қайдасан, жавоб бер, сайдим!» деган чорловлари эшитилганди, у оҳиста пичирлаб жавоб қилиди: «Эшитиб турибман, эшитипман сени, Мангу қайлиқ. Мен-да энди сенингдек бўлдим».

Эрталаб аҳвол хайрли томонга ўзгарди. Эҳтимол, тавба, пушаймонликнинг йўли олисдир, ўзидағи ёмонликни енгиш қийин, бунга вақт керак, ғўр, нодон, хом одамнинг яхшилик даъватига қулоқ тутиши осон кечмайди, ҳамма замонларда бу шундай бўлиб келган.

Тоштанағоннинг йигитлари марҳумнинг жасадини солиш учун замбар ва оқликлар келтиришди. Жасадни даранинг этагига етказиш керак эди, у ерда машинада Бектур кутиб турарди. Молоташ горини портлатиш қолдирилганга ёки кейинга сурилганга ўхшарди. Бектур оқсоқол барснинг ўлигини ўша ёқда, тоғ ичида кўмб ташлашни буюрди.

Чимилдиқ кўрмай бевага айланган Элес қора либос кийиб жasad ортидан йўлга тушди. Унинг ортидан опаси Хумор билан унинг эри Жўра отларини оҳиста етакларди.

Тоштанағоннинг ичида нима рўй бераеттанини ҳеч кимса билмасди. У ҳам мотам карвонига қўшилиб

борарди. Айтишларича, кўзи жиққа ёш эди. Кейин ўзига ғоятда қадрдан бўлиб кетган ҳарбий шапкасини бошидан юлиб олиб, кулочкашлаб кўз илғамас жарга отибди.

Элес эса йўл-йўлакай такрорларди: «Эшитаётирман, эшитяпман сени, Мангу қайлиқ. Мен ҳали қайтаман. Сени излаб топаман, бирга-бирга кўз ёшларимизни дарё қиласмиз. Мени кут, тезда ёнингга етгайман...»

Ўша кунлар одамлар орасида миш-миш тарқалди. Аммо унга ишониш қийин эди. Тоштанаффоннинг икки йигити ўлган барснинг лошини ғордан чиқариб, тоғда кўмиш учун Молоташга боришса, «калладор-думдор» Жаабарс у ердан ғойиб бўлибди. Дом-дараксиз йўқолди Жаабарс. Буткул ғойиб бўлди.. Кейинчалик айтишларича, у тоғ-тошларда саргардан кезар эмиш. Ҳеч ким уни кўрмаган эмиш. Аммо қалин қорликларда унинг улкан панжа излари муҳрланиб ётармиш. Жаабарс буюк қор уюмларини ҳамон яхши кўради, улар узратинмай тентийди. Не қилсин, пешонаси шундай, шунга туғилган...

ЭПИЛОГ ЎРНИДА

Арсен Саманчин

(Нашрға тайёрловчы Элес Жаабарсова)

ЎЛДИР - ЎЛДИРМА...

Ҳикоя

Қон сачрамай фақат қүёш қолур,
От қочур чавандозин йўқотиб...

Лўли хотин фоли

Қаттиқ ўт очиб турган зенитларнинг ўқларидан қочиб, самолётини узокроққа олиб кетаркан, учувчи хавфли ердан қанча олис чиққанини билиш учун пастга қаради. Пастда қорамтил тўқ яшил ўрмон хурпайиб ёйилиб ётар, у учувчи билан бирга ёнламасига умбалоқ ошаётганга ўхшарди, худди тубсизлик сари омонсиз онтарилиб бораётгандек кўринарди. Кейинги дақиқа ичидаги қиравчига тайёра қанотларини ўнглаб тўғри учди, шунда ўрмон ҳам яна ўз муқим жойига қайтди, тутунлар чулғаган олис уфқлар билан туташиб кетди. Дунё яна, одатий қиёфасига қайтди. Учувчи эндиғина нафасини ростлаган эди, шу он тайёра рўпарасида мутлақо кутилмагандай номаълум бир нарса пайдо бўлдики, учувчи ҳатто кўк бағрида нима билан тўқнашганини ҳам англаб улгурмади. – Тайёра ойнасига тирик алланиманинг нотайин лоши қаттиқ урилиб, чилпарчин бўлди. Тайёра зарбадан кескин чайқалиб кетди ва

қандайдир сониялар ичида учувчи мутлақо ҳеч нарсаны күрмай қолди...

Бу аллақандай қушларнинг шолмон уриб учайдиган түдаси бўлиб, кўзларибаногоҳ кўрга айланмиш эди...

Учувчини совуқ тер босди. У қўлидан чиқарип юбормаслик, тайёра чархпалакдек айланиб кетмаслиги учун жон ҳолатда штурвалга маҳкам ёпиши, кабина ойнасига суркалган қон юқларини кўриб – кўнгли ағдарилди, кўзини ижирғаниб олиб қочди.

Кушлар куз келишини кутиб турмай, бу ерларни ҳаммадан бурун тарк этмоқда эдилар. Улар хоҳ тўда-тўда бўлиб, хоҳ ёлғиз, кеча-кундуз демай учиб кетишар ҳали очилмаган тухумларини уяларида қолдириб учишар, ҳали темирқанот ҳам бўлмаган, типирчилаб ётган жишиболаларини ташлаб учиб кетишарди. Ҳаммадан кейин ботқоқ бойкушлари қайларгадир ғойиб бўлиши, тунлар уларнинг хух-хухлаган товушлари бутқул тинди.

Жамики жонзот тирқираб қочарди...

Нечачи чақирилаб чўзилиб кетган ўрмонлар қуюқ аччик тутунларга чулғаниб ёнарди, азал ўрмонларнинг қули кўкка совурилар, улкан қарағайлар худди бўрон ургандек қасирлаб кўпориларди. Ер тўш-замбаракларнинг дўлдай ёғилган ўқларидан тўзондек учиб, оғир ларзага тушар, осмондан ёғилган миналар, бомбалар ваҳшат солароқ портлар, танкларнинг қасирғалари қулоқларни батанг қилар, уларга қарши отилган снарядлар овози гулдирап, чийилларди... Портлашлардан парча-парча бўлган дарё-ю сойлар соҳилларини йўқотиб, бутун атрофга топшиб ёйилар, жарлар, настликлар сув билан тўларди. Бир танк сув тўла жарга қулаганча, даланинг ўртасида тўпини осмонга қўнқайтириб ётарди...

Ҳар кун ахвол шу эди ва буни ҳеч кимса тўхтатолмасди, зеро, мана шу ерларда, ҳарбийча қилиб айтганда,

икки қарама-қарши фронтнинг жанглари борарди. Юзма-юз. Ҳар иккала томондан қарши томоннинг мудофаасини синдириб ёриб ўтиб, аёвсиз хужумга кириш, душманинг ўнгу сўл қанотларини, орқадаги кучларини мажақлаб ташлаш, қириш талаб қилинарди. Ҳар икки томон биринчи бўлиб сафларни ёриб ташлаш, биринчи бўлиб қақшатқич зарба беришни кўзларди...

Лекин ҳозирча ҳеч қайсилари унинг уддасидан чиқишимаганди, кунма-кун, ўз жойларидан қўзғалмаган ҳолда бош-кети кўринмаган заволга ботиб уруш олиб борардилар... Вакт эса ўз йўлидан қолмасди. Ҳарбий ҳаракатлар театри деб аталмиш мана шу онтарилган майдонларда то куз киргунча ҳам, ажал замбараклари кечаю кундуз, ёмғир ёғадими, дўл ёғадими, бир зум тинмай ваҳшиёна ўт сочарди... Ўша йили кушлар ҳам уяларига қайтишмади, босилиб-янчилиб кетган ўт-ўланлар ўша йили гуллаб-чечаклаб улгурмади, уруғ бойламади.

Бир-бирларини мажақлаб ташлашни мақсад қилиб кўйган ҳар икки фронтнинг штаблари бу орада зудлик билан янгидан-янги долзарб режалар ишлаб чиқишар, кўрилган талафотлар, ўлганлар ва яралангандар, уларнинг сони, миқдори ҳақида яширин маълумотномалар жўнатишар – у штаб ҳам, бу штаб ҳам бир овоздан зарбдор кучларни кўпайтириш зарурлигини уқтирас, ва ҳар бири ўз Олий Бош қўмандонларидан янги кучлар, янги техника ва қурол-аслаҳалар жўнатишни сўрардилар. Бири шундай қилиб янги ҳаёт маконларини ишғол қиласман деса, иккинчиси – яна худди мана шу маконларни ҳимоя қиласман дерди. Лекин қандай бўлмасин, у ҳолда ҳам, бу ҳолда ҳам, захира кучлар тинмай келиб турас, жангларда яна тутдай тўкилар ва яна, яна пайдар-пай келаверар эдилар...

Уруш абжағини чиқарған ёз ҳам охирлаб борарди, урушаётган тарафларнинг ҳар бири учун тайёргарлик-нинг энг сүнгти мұхлати етиб келди, улар охирги чизикда тұхтадилар, бундан бу ёғи зарба, үлириш, ёриб ўтиш бошланиши керак зди, ана унда ер юзида тутиб, тұхтатиб бўлмас куч ҳаракатга киради - хужумкор алғов-далғов бошланади...

Мана шу ҳавлу ҳаракат ичида мавжуд борлық аро ёлғиз қуёшгина қон сачрамай қолгай; мана шу ҳавлу ҳаракат ичида күшлар ташлаб кетған үлкаларга үша пайтлар тақдир кўплаб одамларни ҳайдаб-қувиб келардики, яна ким билади-ю булар ёруғ дунёга худди мана шу машъум ҳаводисот учунгина келган бўлсалар эҳтимолдан узоқ эмас.

Уларнинг бири олд Осиё остонасида иссиқ Волга бўйларидан, Саратовдан ҳарбий эшелонда борарди. Эшелонда ҳамма урушга кетаётганини билар, лекин айнан қайси қисм, қайси фронт эканлигини қўмондонликдан бошқа ҳеч ким билмас, бир ёқаси аскарнинг иши осон - қаёққа қараб ҳайдасалар - хўп бўлади деб, шу ёққа югради-да... Бироқ миш-мишларга қараб Московга олиб боришар экан, дейишар, у ёғи эса равшан - фронтга... Аслида ҳам шундай зди. Буни олдиндан билиш унчалар ҳам қийин эмас экан.

Саратовдан кеч оқшом йўлга тушишди, тун бўйи ҳаво дим бўлди, ёз офтоби қожиратган Волга бўйи даштларидан сўнг темир йўлнинг дам у ёғи, дам бу ёғида, гоҳ олисларда, гоҳ шундоққина яқинда кўм-кўк дарахтзор, арчазор ўрмонлар бирин-сирин кўзга чалина бошлади - худди қўхна рассомларнинг суратларидек, одам қараб, томоша қилиб тўймасди. Аскарлар ва қурол-аслаҳалар билан лиқ тўла вагонларнинг очик эшик-дарчаларидан этни жунжиктириб салқин кирди. Кўп ўтмай қалин, зич ўрмонлар орасидан йўл босдилар.

– Қарантлар-а, кета-кетгүнча ўрмон! Россияга келдик, онажон, Россия! – дейишарди аскарлар бир-бирларига, худди ўзлари Россиядан эмас, бошқа чет ўлкалардан келаёттандай.

Улар ичида ёшгина, беўхшов бир йигитча ҳам бўлиб, худди отасиникини кийиб олгандай, устида аскарча либослари ҳалпиллаб осилиб турарди. Сергей Воронцовни взводда дарвеш Сергей деб чақиришар, баъзилар ота Сергей деб ҳам ҳазиллашиб қўйишарди. Гапдан гап чиқиб бир куни йигитча худони тилга олиб гапириб қолди, худо санам эмас, борлиқ ҳодиса, деди, лекин ҳодисасининг ўзи нималиги ҳақида сўз юритганда, буни ҳеч ким тушунмади. Лекин шунинг ўзидан ҳазил-мазах қилувчиларга гап топила қолди, уни кулги қилиб черковчасига - Сергей, дарвеш деб чақиришга тушдилар. Улар ўзларининг бу ҳазилларидан завқланишарди. Воронцов эндининг ўн тўқизга кирган, ақлли бола пақир устидан нега энди кулмасинлар ахир. Ана шу Сергей соатлаб вагон дарчаси олдида узун дастакка осилиб турар, ташқарини томоша қиларди. Бошқалар қарта ўйнашар, айримлар кеча кунги вокзалдаги кузатишлардан ортиб қолган шишаларни очиб эрмак қилишар, бекорчиликдан ағдан-бағдан дегандай тўхтовсиз валақлашар, поезднинг шовқин-сурони, вагон ғилдиракларининг тарақа-туруки остида аллакимлар ашула тортишар, бўш вақтнинг танобини тортиш учун ўзларига қулоқ тутишар, Сергейнинг эса сира дарча олдидан нари кетгиси келмас, липиллаб ўтаётган анвойи манзаралардан кўзини узолмасди. Ташқари билан ҳеч ким унчалик кўп қизиқмасди, у эса болаларча томоша қилишини қўймасди. Мана шу ҳақиқий Россия томонларга Сергининг биринчи маротаба келиши эди, у мактабни битиргандан сўнг Московга бориб ўқишини орзу қилиб юрган, аммо энди бунинг иложи қолмаган,

поезд уни шитоб билан урушга элтарди. Бу ёғи шаҳар ҳаёти дегандай, тинимсиз дақир-дуқур, бекатларда туңука чойнак күтариб қайнаган сувга югуришлар, аскарча таом-озуқ олиб тамадди қилишлар, Волга бўйидаги ҳарбий лагердаги уч ойлик машқлардан сўнг, мана тинимсиз ўзгариб турган сафар таассуротлари ичida кун ўтказишлар. Баъзан биринчи марта кўраётгани учун унга жуда ажойиб-ғаройиб туюлади, бошқалар аллақачон кўрган-билган, шунинг учун ҳам унчалик қизиғи қолмаган нарсалардан завқи тошиб, ёнида турган аллакимни туртиб-нетиб, енгидан тортиб, «анавини қара!» – деб қўяди. Бу темир йўл ёқасидаги уйлари бари ёғочдан ясалган аллақайси бир қишлоқ, дараҳтзорлар ва қамишзорлар ўртасида ялтиллаган ойнакўл, хўқизга мингашиб олган аллақандай девона-тентак – ўху! Ана сизга чавандоз, ана сизга тулпор, қара-қара! Даланинг қоқ ўртасидаги завод олдида осмон фалакка бўй чўзган, тепасида қора мой алангаси лопиллаб турган ба-ланд қувур. Сергий ўзича булатни тушунтирас, осмондаги машъала ўз-ўзича ёниб туради, ортиқча газларни шундай чиқариб юборишади, дерди. Отам ишлайдиган қорамой заводида ҳам шундай машъала кечак-ю кундуз ёниб туради, деб қўярди. Қишининг зимистон кечаларида қор ёғиб турганда, бу жуда чиройли кўринади: қор парчалари ўйнаб-ўйнаб учади, осмон фалакда эса машъала лоп-лоп порлайди. Янги йил кирганде, гоҳида онаси, опа-сингиллари билан машъалани томоша қилгани, қорга бота-бота кўлларини ушлашиб боришарди. Томоша қилиб қайтиб келганларида уй ичи ёп-ёруғ, иссиққина бўлар, шеърлар, қўшиқлар айтишар, онаси дастурхонни турли пишириқ, ширинликлар билан тўлдирас, доим вазмин ва сипо бухгалтер отаси ҳам ҳатто оила аъзолари билан бирга ўйин-кулгига қўшиларди.

Вой, жиннивой дарвеш-е, кулишарди қулоқ солишиб турғанлар, шеъру қўшиқ, пишириқларни эслаб ўтирганини қаранг. Шуми ҳали уруш майдонига кирадиган!

Катта бир бекатга келиб, поезд кенг тармоқданган излар оралаб аста ўта бошлади, говгум маҳали эди, чекка излардан бирида мажақланиб кетган паровоз билан синган, парчаланганди пачоқ вагонлар турарди. Сергий қараплар, деб ҳамманинг эътиборини шу бомбаланган вагонларга қаратди. Ҳеч ким ғиқ этмади, лекин бомбалар дўлдай ёғилиб, поезднинг қандай ўт олиб ёнгани, фашист тайёралари учиб келиб қандай шўнгигани, шундан сўнг вагонларда нималар рўй бергани ҳамманинг хаёлидан ўтди. Қанча одам абгор бўлди, қанчаси ўзини ташқарига отди, неча-нечаси ёниб кетди, тирик алана олди? Бу урушнинг улар кўзига ташланган дастлабки аломати эди. Худди мозористон каби жимгина кўришдилар ва говгум қоронғисида жимгина айрилишдилар. Улар тамакиларини тутатиб сукут сақлашарди.

Йўлда қизиқ воқеа ҳам рўй берди. Сергий кимнинг дир енгидан тортиб, ташқарини кўрсатди:

- Ановни қара! Кўряпсанми, бу ердаги қудуқларни? Устига безакли, ўймакор том ҳам ясад қўйишибди! Эҳ, чиройли!

Ҳаммалари йигитчани кулги қилиб хаҳолашди. Кимдир мазах қилгандай гап ташлади:

- ...Э, сен қудуққа қарама. Безакли ўймакор эмиш! Сен анов қудуқдан сув олаётган сулувни кўр. Нақ пишган шафтоли! Орқасини қара! Сен қудуқ дейсан! Эҳ, сен, дарвеш! Сенинг ўрнингда бўлсам, ҳозир шалондан сакраб тушардиму, лекин кейин қочоқ деб қидиришади-да!

Тоза кулги бўлди!

Ростини айтиш керакки, атроффагилар унинг кимлигини қандайдир жуда тез билиб олишибди, қараб тур-

санғ, бориб турган шаллангқулоқ, дарвеш, мурти чиқ-маган ғұра - гарчи яғринлари тұла, бүй-бастан худо қисмаган, гап-сұзлари ҳам маънилил-ширалиқ, лекин, ҳақиқатан, қаёққа қарағын билмайды, тушунмайды, чиндан-да, Сергий ҳали ғалатироқ, тортынчоқроқ ўсмир эди. Сергийнинг ўзи ҳам қовушмаган қилиқла-рини қандайдир тез ташлаган тенгқұрларига ҳаваси келар, нима учун шундайлигини дили ғаш бўлиб ўй-ларди. Ҳаммасидан ҳам, тенгдошларининг хотинлар билан тез апоқ-чапоқ бўлиб кетишларини айтмайсизми! У-чи! Ошиқ-маъшуқликка ўхшашиб кетадиган бир воқеа уч бергандек бўлди-ю, яна қандайдир бемаъни бир тарзда тез тугади.

Мана, яна кечака вокзалда поездга ўтираётганларидан ғалати, ҳатто кулгили деса бўлади, бир воқеа рўй берди... Кейин йўл бўйи ҳеч калласидан қўтарилемади. Одамлар унинг кимлигини дарров билиб олишади - жўнгина бир дарвеш-да деб қўя қолишади. Ҳаммаси шундан...

Гап шундаки, уларнинг жўнаб кетишини кутилмаганда эрта тонғда эълон қилишди ва бирдан оёққа қалқишиди. Жўнаш ҳаракатига нега бунча зудлик билан тушилди, айтиш қийин, бирок буйруқ шундай бўлган эди. Уруш бораётган эди, асосий сабаб шу. Буйруқ ўз оти билан буйруқ. Яшин тезлигида отланилди. Кўз очиб юмгунча шаҳар четидаги манзилдан барча пиёдалар ротама-рота Саратовнинг чекка кўчаларидан темир йўл бекатига қараб йўлга тушишди. Сафлардаги кўпчилик аскарлар ҳарбий хизматга чақирилган саратовликлар эди. Уларнинг кўплари кечака яшаб турған уйлари, ётоқхоналарнинг деразалари кечагина тер тўкиб ишлаган фабрика дарвозалари ёнидан ўтиб боришарди. Шундай экан, қандай қилиб жимгина ўтиб

кетиш мумкин? Бутун воқеа ана шундан бошланди-да. Албатта, ҳеч ким сафдан чиқиши хәёлига ҳам келтирмасди, бунга қўмондонлар асло йўл қўйишмас ҳам эди, аммо шундайлар ҳам йўқ эмасдики, улар йўл-йўлакай ёз чоғи лант очиб қўйилган деразаларга қараб қичқиришар, ўз яқинлари билан хайр-хўшлашардилар. Ёки ўткинчи танишлари билан бақириб-чақириб саломлашардилар. Атроф-теварак ҳовлилардан болалар чувиллашиб, бир-бирларини етаклаб чиқишарди: «Аскарлар келяпти! Қизил аскарлар урушга кетяпти!» – деб қичқиришарди. Яна қанчадан-қанчалаб хотин-халаж – аёллар, опа-сингиллар, қўни-қўшнилар! Худди шуни кутиб тургандай ҳаммалари сафдаги аскарларга эргашди, яна ким нимага ултурган бўлса, шуни эгнита илганди – кимдир оёғига енгил шиппак кийган, кимдир умуман яланг оёқ дикирлаб чопар, кимдир бошини юваётган бўлса, шундайча ҳўл сочиқни бошига ташлаб, кимдир эса калта қўйлагининг этаклари кўтарилиганча сарилишиб боришарди. Улар аскар этиклар турсиллаган сафлар ён-верида чопишар, урушига жўнаётганлар билан хайр-маъзур қилишар, нималарни дир уқтиришар, тайинлашар, аскар болаларни ёлғиз худонинг паноҳига топширишар, шу дамларда ҳамма бир-бирига қондош-жондош яқин бўлиб кетмишди. Бири олиб, бири қўйиб, бири-биридан баландроқ қичқиришга ҳаракат қилиб, Волга бўйларига, Саратовга, туғилган ерларга омон-эсон, ғалаба билан қайтишни тайинлашар, илтижо этишарди. Алжиган бир восвос кампир эса тинмай қичқиради: «Сталинга шон-шарафлар! Сталинга шон-шарафлар!» Кейин темир йўлга яқинлашиб қолганда, хотин-халаж бирдан айрилиқ олдидан уввос тортиб юборди, кўз ёш қилмаган бир кимса қолмади, ўзларини эслашди, аччиқ қисматларини эслашди, уруш-

га кетаётганлар билан хайрлашаркан, юраклари тарс ёрилгудек бўлди, мангу айрилиқдан жонлари ўртанди. Шу ондан бошлаб ўз ҳаётлари бошдан-охир уруш ваҳшатига келтирилган қурбонлик эканлиги ва ҳеч қачон уруш бевасининг қисматидан қочиб қутулолмасликни англаб етдилар...

– Қани, ҳой хотинлар, бас, қичқирманглар! Қоч, йўлни тўсма! Тарқалинглар ҳамманг!

Лекин қўмондонларнинг ҳеч қандай сўзлари, дўй-лўписалари уларга таъсир қиласди. Сафдаги аскарлар, уларнинг ён-атрофида ҳаросон аёллар ва бола-бақра Саратовнинг қингир-қийшиқ кўчаларидан дам телага чиқиб, дам пастга тушиб, мана шундай юриб боришарди. Улар Волгадан тобора узоқлаб кетишарди...

Сергий айрилиқ дамлари шунчалар оғир бўлишини биринчи бора бошидан ҳамманинг кўз ўнгидаги кечирмоқда эди. Гарчи сафдошлари каби ўзини дадил тутишга ҳаракат қилаётган ва кўзи кимга тушса, шунга жилмайишга, кўлларини кўтариб маҳрамона силкиб кўйишга – майли, булар ўтиб кетади, чидаймиз, дегандай уринаётган бўлса-да, аммо юраги қон ютиб, зир-зир титрарди. Бошка нима иложимиз бор? Яна ич-ичидан ўз яқинлари билан хайрлашолмаганидан эзиларди. Ота-онаси жуда қартайиб қолишган, Сергий уларнинг кенжаси эди. Тўнгич опаси Қозоғистонда, Хитой билан чегаранинг аллақайларида, чегара чизигида яшарди. Иккинчи кичик опаси шу ерда, Саратовда турар, эри урушга кетган, ўлик-тиригидан дарак йўқ эди. Унинг гўдак боласи бўлиб ўзи ишга кетганда, кейинги вақтларда негадир тез қартайиб, куч-куватдан қолган онасига қолдирарди, отаси Николай Иванович Воронцов эса бир умр Волга бўйи қорамой корхоналарида

ҳисобчи бўлиб ишлаган, анчадан буён касалга чалиниб, шу кунларда касалхонада даволанаарди. Опаси Вероника унга шаҳар чеккасидаги ҳарбий қисмга буларнинг ҳаммасини оқизмай-томизмай хатда ёзиб маълум қилган эди. Сергей бу ерда ўртоқлари билан кеча-ю кундуз ҳарбий юмушни ўрганаарди. Ҳарбий қисмга аскарларнинг қавм-қариндошларини киритиши мас, шунинг учун Вероника бу хатларида бошларидан нималар кечачаётгани, ишга бориш, уйдаги юмушларни адо этиш, касалхонага отасининг олдига қатнаш, ҳаммаси бир бўлиб қийналаётганини бирма-бир ёзарди. Вероника тиниб-тинчимас қиз бўлиб, ҳамманинг ташвишини чекарди. Опаси жуда очиқ, самимий бўлгани учун Сергей уни севар, тўғри сўзлигига қойил қоларди. Бироқ опасининг охирги хатига Сергей жавоб ёзмади, кейинроқ жавоб қайтарадими-йўқми, буни ҳам билмади, бу хат унга шунчалар ёмон таъсир қилди. Кўнглида ғалати, оғир бир қуйқа қолдирди. Опаси Вероника Сергейнинг собиқ синфдоши Наташа ҳақида ёзганди. Лекин буларни у дарров қаердан била қолибди? Наташкани мактабда «коминтерка» деб чақиришарди. Бунинг воқеаси ҳам қизиқ бўлган эди. Наташка еттинчи синфда ўқиб юрганидаёқ коминтерн ҳақида шеър ёзиб, унда коминтерн бригадалари Испанияда бутун дунё ишчи-дехқонларининг баҳт-саодати учун жанг қилаётганликлари ни кўпиртириб мақтаган ва Московга жўнатиб юборган эди. Московдан унга ташаккурнома билдирилган жавоб хати келган, бу мактаб ҳаётида катта воқеага айланган, Наташка бу хатни ҳаммага кўрсатиб ўқитарди. Чаққонгина, шаддодгина Наташка-коминтерка кейин фаоллар сафига кирди, барча йиғилиш, мажлисларда нутқ сўзларди, уни билмаган одам йўқ, у ҳам барчани танирди. Уруш бошланмасдан илгари баҳорда

бир воқеа бўлиб ўтди. Сергий бир куни у билан мактаб кечасида рақсга тушди. Қизнинг ўзи уни рақсга судраб кетди. Сергий дераза олдида рақс тушаётгандарни томоша қилиб турганди, қиз бирдан ўзи билан ўйнаётган шеригини қўйди-да, келиб дадил унинг қўлидан ушлади: «Кетдик, Серёжа, ҳаммадан кўпроқ сен билан рақс тушгим келади!» У қизга худди ўкувчи пионердай бўйсунди, ҳолбуки қизнинг боши зўрға унинг елкаси-га етарди. Қиз бунчалар дадилликни қаердан олган экан, а, тавба? Сергий эса худди шуни кутиб тургандай, бирдан аъзойи бадани ўтдай қизиб кетди. Улар рақсга шўнғиб кетишли. Ўшандан бари бошланди.

Алангаи оташ бўлиб ёнди Сергий. Рақстушаётган жу-
файлар орасида боши айланарди. Улардан кўзга кўрини-
мас олов ёғилаётгандай нафаси-ю вужудини жазилла-
тар, ўзини эҳтирос алангасига отиш шунчалар ёқарди
унга. Шу билан бирга у одамлар кўплигини хушламас,
издиҳомдан қочиб кетгиси, қиз билан бирга кўклар-
да парвоз қилгиси келар, ҳеч ким кўрмаса-ю, у қизни
бағрига маҳкам босиб, учса, учаверса, баланд-баланд,
янада баландроқ учаверса. Қиз эса ипакдек юмшоқ ва
чайир, илакишлоққа мойил ва моҳир эди. Сергий ҳай-
рон қолди: олдин уни қийнаб турган ўнғайсизлик бир-
дан бутунлай барҳам топди, ўзини қизга беҳад яқин
сезди, яқинлик ўрталарида жуда тез кучайиб борди
– юраги қинидан чиққудай гурсиллаб урар ва бу ўтни
босишининг сира иложи йўқ эди. Қиз уни ўзига оҳанра-
бодай тортар, қайноқ нафаси юзига урар, бироқ шун-
чалар яқин турган бўлишига боқмай, у қизнинг юзини,
ҳа, қизнинг юзини деярли пайқамас ва ҳаяжоннинг аз-
баройи зўридан ўзига нима бўлаётганини англамасди.
Шунда бирдан қиз унга қараб: «Биламан, Серёжа, сен
мени яхши кўрасан, сен мени орзу қиласан!» – деб айт-

ганды, ана шундагина у қызниң шаддод кулган күзләри, таъсирчан ловуллаган юзини күрди.

Сергий қаттиқ ийманди, у бундай бўлишини кутмаган ва бунга тайёр ҳам эмасди, шунга қарамай, чарх уриб рақс тушаверди. Юрган, кўрган йигитлардай чапаниларча жавоб бергиси келди, бошқа болалар бундай гапларни жуда боплашади, илло-биллога келтиришмайди, Сергийнинг гапи эса доим жиддий чиқади, худди кесатаётганга ўхшайди. У қизга айтмоқчи эдики, сени яхши кўраманми, кўрмайманми, буни ҳали билмайман, лекин бундок қарсам, сен менга ёқасан, ҳатто жуда ҳам ёқасан. Аммо қиз унинг ниятини пайқагандай, дарров ўзиб олдинга ўтди, ташаббусни қўлга олди, унинг ниятига ўзгача тус берди. «Жавоб берма, Серёжа, жавоб берма, ўзингни қийнама! Мен ҳазиллашдим, – деди қиз мусиқа оҳангига мос айланиб, бошини қимирлатаркан. – Лекин биласанми, мен ичингдан нима кечачётганини биламан. Сенинг нима бўлаётганингни айтиб берайми? – Наташка яхши эшишилсин деб, залнинг четида тўхтади. – Мен ким нима ўйлаётган бўлса, ҳаммасини биламан. Райкомда мени олдиндан кўрувчи комсомол тарғиботчи дейишади. Сени ҳам кўриб турибман. Сен мени яхши кўрасан ва тез орада буни ўзинг айтасан! Сен ичимиизда бошқаларга ўхшамайсан. Каллаварам, оҳ каллаварам! То тилинг гапга келгунч... Мен ҳаммасини биламан Сен ҳали қизлар билан ҳеч ўйнаб-кулмадинг! Тўғрими? Ҳа, турган гап! Бекитмай қўяқол! Мен кўзингдан билиб турибман! Лекин кўп ўтмай сенга ҳаммаси осилиб олади! Кўзингга қара, бола! Мен биринчиман! Сен мен билан бирга бўласан! – улар яна рақс тушиб айландилар. Наташка тинмай чуғулларди. – Ҳамма жойда бирга юрамиз. Мен йигилишларда сўзлайман. Сен газетага ёзасан. Журналист бўласан.

Биламан, сен яхши ёзасан. Биласанми, мен жанговар қизман, нутқым ҳам роса зўр. Сен эса ақлли боласан. Менга худди шундай ақлли бола керак. Фаҳмлаяпсанми?»

Ҳазилми, чинми, ўрталарида ана шундай гап бўлиб ўтди, буни ўйлаб кўриш керакмиди ёки бутунлай унтиши, аммо ўша кеча Сергий мижжа қоқмай чиқди, худди электр токи ургандай то тонг отгунча карахт ётди. Шундан сўнг у қизга хат ёзмоқчи бўлди, лекин уни жўнатмай йиртиб ташлади. У жиддий бир мактуб ёзишни ўринисиз деб билди, шунчаки эрмак учун қизга сипориш қилиб битишни эса йигит ўзига эп кўрмади.

Лекин Сергий вақт ўтиб ўзини тутиб олди. Мактабни битиришгандан кейин у пединститутга ўқишига кирди, ўша ёзда уруш бошланиб қолди, улар икки бора йўл-йўлакай кўришдилар, аммо севги-муҳаббат ҳақида оғиз очмадилар. Сергий ҳар гал ўша гапга яна қайтармиз, деб кутар, лекин ўзи гап очмас, қиз ҳам чурқ этмасди. Албатта, бу воқеани унтиб юборсалар, яхшироқ бўларди, аммо ҳарбий хизматга чақириқ қофози келгач, қандайдир ҳаммаси бошқача бўлиб чиқди. Сергийнинг сабри чидамади ва у қиз яшайдиган кўп қаватли уйга бориб, анчагача эзилиб, сиқилиб ўша атрофда айланиб юрди, ҳаяжонга тушиб дам шартта кетиб қолгиси, дам шунда кутиб тургиси келди. Ниҳоят кутгани хайф кетмай, қизнинг қораси кўринди. Лекин ҳаммаси алланечук жўн ва одмигина рўй берди. Гулхан ўчаётганда шундай бўлади. Ўт яна гуриллаб аланга олиши учун қуриган шох-шабба лозим бўлади. Сергий қизга ҳарбий хизматга кетяпман, хайрлашгани келдим, деди. Қиз бу хабарни жуда хотиржам эшилди, ҳозир ҳаммани урушга ялписига чақиришяпти, мен ҳозир жуда шошилиб турибман, ишим бор, лекин сенга албатта хат ёзман, деди. Тезроқ менга дала почтасининг манзилини

жүнат, деб сўради. Сергий гўё худди мана шунинг учун келгандай, жуда суюниб кетди, хат ёзиб туришса, яхши, юзма-юз туриб гаплашгандан кўра хатда кўп нарсаларни айтиш мумкин. Баъзан бундоқ юрагинг бетламайдиган гапларни ҳам хатда ёзиб юборса бўлади. Бироқ у кетма-кет учта хат ёзиб, ваъда қилинган жавобларнинг лоақал биронтасини олмади, ҳолбуки у интизор бўлиб жавоб куттган, хаёлида қанчалаб ибораларни пишишган, жавоб мактублар тайёрлаб қўйганди. Аскарлик ҳаётининг ўзига яраша ташвишлари ичидаги умидлар сўниб битаёзганда опаси Вероникадан мактуб олди. Опаси бу гапларни қаердан билиб ола қолибди денг? Опасининг ёзишича, Наташа-коминтерка ўзидан анча-мунча ёши катта бир кишига турмушга чиқяпти экан; у кишининг бир йил аввал хотини қазо қилиб, ўзи ҳарбий хизматга чақирилишдан озод этилган экан. Бу гапни опаси аниқ биладиган одамлардан эшишибди. Хатда опаси яна шуларни қўшимча қилган эди: «Серёжа, суюкли укажоним, буни асло кўнглингга оғир олиб ўтирма. Мен сени яхши биламан-ку, турли романларни мук тушиб ўқигансан, ҳамма нарсаларга китобдан туриб қарайсан, шунинг учун қайғуриб юрсанг керак. Укажон, сен асло бундай қилма. Биласанми, сен бошқача одамсан. Феълу авторингиз ҳам бир-бирингизга ўхшамайди. Ундан сира хафа бўлма. Турмушга чиқадиган бўлса, бу унинг иши. У сенга тўғри келмайди. Гапимга ишон. Сен уйга соғ-омон қайтсанг бас. Ишқилиб, уруш тезроқ тугасин. Сен баҳтли йигит бўласан, сен билан турмуш қилган қиз ҳам ўз баҳтини топади. Бунга имоним комил Серёжа! Фақат сен ранжиб, изтироб чекиб юрма, суюкли укажоним! Тезроқ уйга қайт... Ишқилиб, уруш тезроқ тугасин, тезроқ...» Ана шунаقا мактуб. Ахир, гапнинг очигини айтганда, Наташка билан ўрта-

ларида ачинадиган ҳеч гап ўтмаган эди. Бироқ опаси, ҳарқалай унга таскин-тасалли беришни лозим деб билибди Эндиликда Наташка билан ўрталарида бўлиб ўтган бўлар-бўлмас воқеа худди унугилган тушдай, унинг ўтган ўн тўқиз йиллик умрининг ўткинчи сабоғидай ўтмишда қолди. Шу ўй-хаёллар билан у уруш жабҳасига йўлга тушди, у ўзини ўзи тушунолмасди, ҳиссиётлари чигал ва аламнок, шу билан бирга маъсум кўнглини забт этмоқчи бўлган рўёдан батамом халос бўлганидан енгил тортмиш эди. У болалиги ўтган шахардан сафар юриши қилиб тўғри урушга йўл олган, уни кўчаларда ҳаросон юргурган хотин-халаж ва болалар қий-чуви кузатиб қоларди. У шулар орасида опажониси Вероника бўлмаганидан афсусланар, албатта уларнинг зудлик билан жўнаб кетаётгандаридан мабодо хабар топса, қандай бўлмасин, укаси билан охирги марта кўришиш ва хайрлашиш учун етиб келиши тайин эди.

Аммо дейдиларки, дунё ҳеч қачон мўъжизасиз қолган эмас. Эҳтимол, бу воқеа шунинг сирасига кирап. Тақдир опасининг хайрлашувга келмагани эвазига бошқа бир нарсани раво кўрди. У вагонларга ўтириб хотиржам бўлганидан сўнг мана шу ҳакда ўлади.

Улар вокзалга бораётган чоғда хотин-халаж оломони орасида бир лўли хотин пайдо бўлди. Гарчи ёз ойлари Саратовда лўлилар бисёр эса-да, лекин бу хотин-нинг қайдан пайдо бўлгани бир худога аён. Лўли хотин қорамағиз юзи, қулоғида осилган, чопганда у ёқ бу ёкқа саланглаб чайқалган елкасида қийшайиб қолган, бир оз титилиб кетган рангдор, гулдор шойи рўмоли, этаги ерда судралган кенг чорси кўйлаги билан дарҳол кўзга ташланарди. Лўли хотин ўз номига яраша лўли хотин-да! У кўча издиҳомига қўшилиб сафнинг ёнида шошилинч қадам ташлар, нималардир деб қичқирав,

қўлларини ёзиб силкитар, афтидан, аскар сафларидан кимнидир қидирарди. Аскарлар ҳайрон бир-бирларига кўзларини қисиб кўйишар, биқинларига туртишар - қара-чи, лўли хотин сени қидирмаяптимикин? – дегандай бўлишарди. Бирори эса ҳатто овозини баланд кўйиб чақирди:

– Ҳой, лўли, ҳой қора жанжал, мен бу ердаман! Ҳой, эшиятсанми? Мана, мен ўшаман, ўзимман! Мени фол очмоқчимисан? Лўли хотин унга майли бир кун сени ҳам фол очаман. Ҳозир бошқа бирорни қидириб юрибман, деди. Кейин худди у айтгандай бўлди.

Кўп ўтмай лўли хотин чопа-чопа Аллоҳдан ўзига берилган фаросат билан, балки кўнглининг хоҳиши шундай бўлгандир, қидирган одамини топди. Сафардагилар ҳаммаси ҳайрон қолди, унинг излагани Сергий бўлиб чиқди. Нега айнан у? Нима учун лўли хотин саф ёнбошида юргиларкан, айнан Сергийга мурожаат қилди:

– Кулоқ сол, йигит! Гапимни эшиш, садағанг кетай, қора кўз, қора қошим! Манов четга чиқ, кўлингни менга бер, сафарга кетяпсан, фол очиб қўяй, баҳту камолингни айтай!

Сергий қаторда четдан учинчи бўлиб одим отарди. Лекин гап бунда ҳам эмасди, гап шунда эдикни, у мана шу ғалати бир аҳволда нима қилишини билмасди. Шу кунгача ҳеч ким унга фол очган эмас, афсун ҳам ўқимаган, унинг оиласи турли фоллар, афсунгарликлардан йироқ эди – отаси ҳеч қачон қартага ишонмас, онаси ҳам аломат-паломат деб ўтирмас, мана энди шундай бемаънилик олдидан чиқиб турибди.

– Керакмас! Мен хоҳламайман! – баланд овоз билан қичқирди у лўли хотинга қараб елкаларини қисиб табассум қилганча. У рози бўлмагани учун хижолат чекди, балки кечирим сўраш керакмиди, деб ўйлади. Ле-

кин нима учун? Ўртада атрофдаги сафдошларига эрмак топилди. Лўли хотин билади-да кимга фол очишни, дарвеш боламиз унга ёқиб қолди, деб ҳар томондан гап отишарди. Хўп, нима бўпти? Нима қилмасин, Сергий худога ишонади, мана, шунинг нақ исботи!

Бироқ лўли хотин сира бўш келмасди:

– Йигитча, йўқ дема! Бу сенинг қисматинг!

Кимдир лўли хотинга маълум қилди:

– Унинг оти Сергий.

– Сергийми? Вой, ўзим ўргилай, Сергий, қоқиндиқ, қора кўз, қора қошим! Сенга айтяпман-ку, бу сенинг қисматинг. Йўқ, дема, ўргилай. Қара, ҳали қандай нав-қиронсан. Сенга толейингни айтиб берай! Чин дилдан фолингни очай. Ҳаммасини борича айтай!

Лекин шу пайт қандайдир бефаҳмлар унга қараб бақиришди:

– Қани, жўнаб қол бу ердан! Фолингни онангга оч! Қоч йўлдан!

– Кетаман, кетаман. Фақат қўлига бир қарай. Шундай бир кўриб қўяй. Кетаман!

– Қоч, эй, нарига. Йўқол бу ердан. Сенга айтяпман, халақит берма!

Лўли хотин ёш эмасди, ўрта ёшлардаги жувон эди. Юз-кўзларида шумлик-кувлик кўринмасди, аксинча, опаси Вероникага ўхшаб чехрасида меҳр, самимилик шундоқ акс этиб турарди. Ҳар ҳолда Сергийга шундай бўлиб туюлди. Вероника ҳар доим кимгадир яхшилик қилгиси келади, шунинг учун ҳеч тинчини билмайди. Ҳа, лўли хотин Вероникага жуда ўхшарди. Балки лўли хотин: «Сенга олангдай айтаман! Сени ўз укамдай кўраман!» – дегани учун ҳам, Сергийга шундай туолгандир.

Лўли хотин оломон издиҳоми ичидаги кўринмай қолганда, Сергий бир сираси ачинди ва ичидаги ўзини койи-

ди – хўп дея қолса, нима қиларди, нега у бунчалар тортиноқ бўлмаса? Яхши эмас бу.

Бу орада улар темир йўл бекатига саф тортиб ротама-рота, взводма-взвод етиб келдилар, аскарлар ортидан ёпирилиб келаётган саратовликларнинг ғовур-ғувури, қий-чуви авжга минди. Ўрта эшиклари кенг очиб қўйилган товар вагонлар изда қатор-қатор бўлиб туради. Шалон шунча узун эдики, боши-охири кўринмасди.

Жўнаш тасир-тусурлари бошланди. Қайси взвод қайси вагонга чиқишини белгилашар, шалон бўйлаб гурсиллаб, тапир-тупур югуришар, оёқлар тагида хотин-халаж, бола-бақра чувиллаб ўралишар, қанча қилмасинлар уларни орқага қайтариб бўлмасди.

Жойлашиб олиш учун анча вақт кетди. Перрон исик, одамлар тиқилиб ётарди. Вагонга чиқиш учун ўз навбатини кутаётган Сергий лўли хотинни бутунлай эсдан чиқарди. Аммо у яна кутилмаганда одамлар тўдаси ичида пайдо бўлди. Топиб келганини қаранг, тоза абжир қайсар бало экан-е.

– Ҳей, Сергий, мен сенга келдим. Йўқ дема, йигит. Лўли хотиннинг гапини эшиш. Худо йўлингни берсин. Мен фолингни очай сени. Хўп де. Урушга кетяпсан. Қисматингни биласан.

Сергийнинг рози бўлишдан бошқа иложи қолмади.

– Майли. Сен айтганча бўла қолсин. – У юкхалтасини оёғи остига қўйди, автоматини бўйнига осди-да, қўлини лўлига чўзди.

Вагонларга чиқиш олдидан бутун сафдошлар қуршовида фол очиш бошланди. Лўли хотин унинг кафти чизиқларини дикқат билан кўздан кечирди, лабларини қимиirlатиб нималардир деб пичирлади, бошини сарак-сарак қилди.

– Вой, ёмон уруш бўлади кўз қўрмаган, қулоқ эшитмаган. Оҳ, қисмат, қисмат! Қон сачрамаган фақат қуёш қолади, чавандозсиз қолган от қочиб кетади, – деб шивирларди лўли хотин ҳеч кимга қарамасдан, кейин Сергийнинг кўзига тик қараб, қўшиб кўйди: – Сен бир қизни бетайин севибсан. Шунинг қайғусини кўнглингга тутибсан, бекор қилибсан. Сен оппоқ қоғоздай топ-тозасан.

Атрофдан аскар болаларнинг хиринглашлари эши-тилди.

– Вой, қўй оғзидан чўп олмаган-е, илакишган экан-лар-да, а?

– Илакишган, аниқ илакишган! – деди бошқа биро-ви унинг ёнини олган бўлиб кесатиб. – Сизларга эрмак ҳазил-мазах бўлса! Дарвеш боламиз қурғур севгининг азобини тортиб юрган экан-да, шўрлик. Қизи бўлса ду-мини бир ликиллатибди-ю шу билан гойиб бўлибди – энди думини тутқазмайди, ха! Бу дарвеш бўлса, қўй оғзидан чўп олмаганча, қўлинни бурнига тиқиб қолаве-рибди, ха!

– Сен, қора қош, уларни қўй. Қулоқ солма. Менинг гапимни яхшилаб эшит, – аскарларга қўл силтади лўли хотин. – Энди бошқа қўлингни бер, гапимни яхши эши-тиб тур.

Сергийнинг сўл кафтини разм солиб кўраркан, лўли хотин сергакланди, бир зум жим бўлиб қолди, кейин ишонч билан деди:

– Сен ўлмайсан! Юрагим айтиб турибди. Мана, кўряпсанми, сен ўлмайсан! Сенинг юлдузинг шунаقا! Билган эдим! Шунинг учун орқангдан қидириб келдим!

Атрофда ҳамма қимиirlаб қолди. Сергий хурсанд бўлишини ҳам, кулишини ҳам билмасдан оғзини очиб турарди, қизиқчилик учун лўли хотинга таъзим бажо келтироқчи ҳам бўлди, у қўлинни тортиб олмоқчи бў-

либ турганда, бир аскар йигит орага суқилди. Кузмин деган. Ўзи мижғовгина, ҳар нарсага бурнини тиқаверадиган, бирорнинг гапидан хато топаверадиган минғирлаган одам. Икки гапнинг бирида ақл ўргатади.

– Шошма, шошма, лўли бўлсанг ўзингга. Бу нима қилганинг? – деб калласини чайқади Кузмин. – Сен бошқа ёққа қараб олиб қочяпсан. Ўлмас деганинг нима ўзи? Ўлмайдиган одам бўлиши мумкинми? Буни эшитган борми? Ер юзидағи барча тириклар ўлар экан-у, фақат у ўлмас эканми? Биз ўйнагани эмас, урушга кетяпмиз, билиб кўй. Ким ўлади, ким қолади – буни ким айтиб беради? Урушда ўлим сира фол-молингга қараб ўтирумайди. Қаторасига ўради. Нима қиласан бизни лақиллатиб?

– Бу лақиллатишмас. Бу тақдир. Мен биламан. Унинг юлдузи ўлмас юлдуз! Пешонасига шундай ёзилган, – ўз айтганидан қолмасди лўли хотин. Кейин бир гапни қўшиб қўйдик, кўплар бунга қўшилди: – Тақдир ўлимдан устун. Тақдир изидан тақдир келади. Ўлим изидан ҳеч нарса келмас. Бу қора кўз йигитнинг юлдузи сўнмайди, тақдири ўзи шунаقا!..

Кузмин лўли хотин очган фолнинг бемаънилигини исботлаш учун қўлларини митинг қилгандай силкитиб, яна узоқ минғирлади, гарчи у ҳақ бўлса-да, аммо аскарлар нима учундир фолбинга ишондилар. Ҳамма ўз вагонига чиқаркан, аскарлар лўли хотин билан қўл бериб хайрлашдилар, лўли эса то поезд жўнаб кетгунча перронни тарк этмади. Поезд ўрнидан жилгач, бошқа хотин-халаж, бола-бақра билан бирга вагонлар ёнида чопиб борди ва Сергийга қўлларини силкиб қолди...

Ҳаво дим, иссиқ эди. Ўша кеча уйқу бўлмади. Тун қўйнида ғилдираклар тақа-туқ қилар, паровоз узунузун қичқирав, юрак соғинч ва ташвиш-хавотирдан ўртанаарди. Тарих тўлқини жаҳон урушига олиб кетаёт-

ган Сергийнинг хаёлига турли фикрлар келарди. Баъзан лоп этиб лўли хотин эсига тушарди. Унинг сўзини хотирларди: «Қон сачрамаган фақат қуёш қолгай... ча-вандозсиз қолган от қочгай...» Нимани англатаркин бу сўзлар? Тушуниб бўлмайди, сирли. Фақат қуёшга қон сачрамай қолиши учун нима қилиш керак? Чавандозсиз қолган от қайга қочади? Ўлмас юлдуз-чи? У қандай юлдуз? Қаерда у? Булар ҳаммаси чўпчакмасмикин? Юлдузнинг одамга нима алоқаси бор? Юлдузлар қаёқда-ю, одам қаёқда? Аммо тақдир бор-ку ахир. Тақдир билан тақдир боғлиқ. Тақдирнинг ўзи нима? Қандай қилиб тақдир тақдирни етаклаб келади?

Гилдираклар тарақлайди. Аскарлар ёнма-ён узала тушиб ётишар, хуррак отишарди. Ой очиқ эшикдан дам кўринар, дам йўқоларди, поезднинг югуришига қараб юлдузлар лип-лип ўтарди.

Лекин қизиқ, лўли хотин Наташка-коминтеркани қаёқдан билди, унга хат ёзгани, бундан ҳеч нарса чиқмаганини-чи? Лўли хотин нима деди-я? Бекорга қайғу чекиб, дейди. Демак, фойдасиз қайғу ҳам бўларкан-да? Бу ёғи нима бўлади? Жанг майдонида аҳвол нима кечади? Кўрқинчликка кўрқинчли. Саратовга жангдан қайтган ярадорлар уруш ҳақида галириб беришарди. Энди ўз кўзинг билан кўрасан унинг нималигини...

Кўзга уйку келмасди. Ҳамманинг ва ҳар бир одамнинг устида турган бир куч бор, деб ўйларди у - уни тақдир дейишади. Уни тўхтатиб қолиш ёки тушунтириб беришга ҳеч кимнинг курби етмайди. Эҳтимол уруш - тақдирдир, ҳаёт-мамот, енгиш-енгилиш ҳам - тақдирдандир. Мана, ахир ҳамма урушга кетяпти - бу тақдирнинг буйруғи. Шунинг учун ҳаммалари шалонда тахталарда ётишибди, поезд ҳам пишқириб, кучаниб уларни фашистлар билан жанг кетаётган маконларга

тўхтамай олиб кетялти. У ерда нима бўлади? Яна тақдир-да! Ўлдиришадими, ўлдиришмайдими? Ким кимни енгиши шунга боғлиқ. Ҳа, ким кимни ўлдиришига қарайди. Ҳамма уруш тезроқ тугашини хоҳлайди, очлик битсин дейди. Хотинлар ва болалар кўчада бораётгандарида шундай деб қичқиришди. Бунинг учун эса жанг қилиш, ўлдириш, енгиш керак. Шунаقا экан-да. Уйда отаси билан онаси шу ҳақда тортишиб ўтиришади. Сергийга чақирав қоғози келганда, улар нималар қилиш кераклигини гаплашишди, увинг нарсаларини йўлга ҳозирлашга тушишди, ўшанда онаси бирдан қурсининг четига ўтириб, қўлини кўксига босганча ёлвориб деди: «Серёжка, жон болам, фақат ҳеч кимсани ўлдирма, бирорвинг қонини тўкма!»

Нима бўлди онасига? Йўл-йўлакай айтдими ё буни узоқ ўйлаганми? Онасининг худди узоклардан, аллақайлардан қайтиб, ҳозиргина остона хатлаб ичкарига кириб, йўл бўйи ўйлаб келгандай ўғлининг юзига термилиб айтган бу сўзларини ҳеч қачон унутмайди, бир умрга ёдида сақлайди.

Шунда у онасини худди ҳаётида биринчи марта кўраётгандай бўлди, унинг илгари олтиндай порлаган, ҳозир тусини йўқотган кўзларига қаради, қанчалар ажин босибди унинг юзини, эскигина сатин халатдаги тивит шойи рўмол ташлаган елкалари қанчалар чўкибди, қанчалар қартайиб қолибди онаси. Шунда у ўзи учун ғалати бир нарсани кашф қилди – яланг оёқ чопиб юрган ўйинқароқ болалик чоғларини эслади, отасини Волга бўйидаги қорамой корхоналарининг дам унисидам бунисига ишга жўнатишарди, онаси унда қалин оқ-сариқ соchlарини ўриб бошига чамбарак қилиб юрадиган ўқтам, қадди-қомати келишган аёл эди, қачон қараманг, уй, мактаб, болаларнинг ташвиш-юмушлари

ва булар ҳам етмагандай эрининг диабет касали билан овора бўларди, буни қарангки, мана шу йиллар давомида у ўғлини ҳарбийга жўната туриб айтадиган ўша сўзларини ўйлар экан-да. Онасининг урушда ҳеч кими ни ўлдирма, бироннинг қонини тўкма, деб ёлвориши ўшанда уни қаттиқ хижолатга солиб қўйган, нима ҳам дейишини билмай ғўлдираб қолганди:

– Нима деяпсиз, ойи? Нима кераги бор бу гапнинг? Бу ҳарбий хизмат-ку. – Кейин гапни чалғитиш учун жавондаги китоб-дафтарларни тартибга сола бошлади.

– Ойи, кутубхонадан китоблар олган эдим. Мен уларни бир четга ажратиб қўяман. Вероника уларни топшириб қўйсин, илтимос.

Аммо отаси орага қўшилиб бояги гап яна давом этди. Ҳа, Николай Иванович тўғри сўз одам бўлиб, фикрини кескин ва шартга айтарди, салга гурр этиб ёниб кетар, тажанглиги тутар, қизишиб баҳслашарди, шунинг учун ҳам, бошлиқлар билан чиқишимас, жигар оғриғини ортирганди.

– Ўлдирма деганинг нима ўзи? – тутақиб орага қўшилди у, – ўлдирма эмиш, қон тўкма эмиш, ол-а! Ўғлинг қаерга боряпти ахир? Урушгами, йўқми? Оббо, онаси-ей, ғалати-ғалати гапларни айтасан-да доим. – Шуларни айтиб, у хонани айланиб тамакисини қидиришга тушди. У қизишиб кетганди, дарров чеккиси келарди. Тамакини эса яшириб қўйишарди. Кампир озиб кетяпсиз, чекманг шу савилни, деб койирди.

– Чекма, қўй шу ордонани, – дерди кампир ялиниб, – ўзингни мундоқ аясанг-чи.

– Майли, бу гапнинг ҳам тўғри-ю, лекин ҳалиги сўзингдан кейин ҳеч чекмай бўладими? Сергий эртага урушга кетади. Урушда аскар нима иш қиласди, билансами?

– Шунинг учун ҳам айтапман-да. Майли, худонинг паноҳига. Ўлдир, ўлдир! – деган гап одамларнинг оғзидан тушмайди. Душман бизни ўлдираман дейди. Биз душманни ўлдиришни истаймиз! Кейин дунёда ким яшайди? Ер юзида фақат одам ўлдирганлар қоладими? Нима, мени тушунмайди деб ўйлайсанми? Сен ўлдир-масанг, сени ўлдирадилар. Ўлдиредингми, бари бир – қотилсан. Куёвимиз Анатолийнинг ҳоли нима кечяпти? Тирикми, ўликми, номаълум, уни ўлдиришдими ё у ўлдиридими, ҳеч ким билмайди. Вероникага айтишга қўрқаман. Кўнглимдаги гапни лоақал ўғлимга айтай ахир. – У ичидан отилиб келаётган хўнгроқни босиб, сассиз йиғлаб юборди. У ўзини ўртаган фикрга жавоб тополмас, лекин ундан қайтмас ҳам эди.

– Ана-ана, – деди отаси таъна қилиб, – сени бу гапларинг учун ҳалқ душманига чиқаришади, Сибирга ҳайдашади. Дунё қонли урушга ботди, ҳаёт-мамот учун жанг кетяпти. Ёнгамиз, ёнгиламиз. Сен эса, ўлдирма, дейсан! Нима, мен ўз ўғлимга ачинмайманми? Ёки Анатолийга юрагим куймайдими? Лекин илож қанча? Аскар ўз ерини қўриқлади, буйруққа бўйсунади. Аскар душманни жаҳаннамга жўнатса, яъни ўлдирса, буйруқни, бурчини бажарган бўлади, қаҳрамонлик мана шунда!

Онаси ўғлининг сафар ҳалтасига ямоқ соларкан, энди индамас, отаси эса ёшлиқ, йигитлик пайтларини эслаб кетди. У ўн тўққизга кирганда, Биринчи жаҳон уруши борар, сувости кемасида хизмат бурчини ўтарди. Унинг фикрича, душманнинг тирик қучларини йўқ қилиш – урушдан мақсад шу эди. Мисол учун улар Болтиқ денгизида душманнинг қўшин тушган ҳарбий транспорт кемасини сувостидан туриб чўқтириб юборган эдилар. Аввал анчагача сув остида бу кемани таъқиб қилиб бордилар. Кейин уни торпеда снарядлари

билан урдилар. Иккала снаряд ҳам душман кемасини қоқ белидан қўпориб ташлади. Кема ўт-аланга ичидага сувга чўка бошлади. Улар сувости кемасида янада чукурроқ тушишиб, бир соат кутишди. Кейин юқорига кўтарилиб, дengiz юзасида rой берадиган воқеаларни кузатиб боришиб. Баҳайбат кеманинг бурун қисми юқорига кўтарилиб қолган, ярми эса сувга батамом чўкканди, атроф юқорига сузиб чиқиб, қутулишга уринаётган одамларга тўлиб кетганди.

Перископдан душман тушган вазиятни кузатиб бораётган кўмондонлар Кронштадтдаги олий штабга жанговар топшириқ муваффақиятли адо этилгани, буйруқ, вазифа бажарилгани тўғрисида маълумот жўнатиб турардилар. Душманий йўқ қилиш ҳақида буйруқ берилганди. Тамом-вассалом!

Аввал чўкаётган одамларни олисдан кузатишиб. Душман кемаси батамом дengиз тубига чўкиб кетгач, сувости кемаси хатардан фориғ бўлиб, дengиз юзига сузиб чиқди. Барча аскарларга ташқи палубага чиқиш ҳақида буйруқ бўлди, ҳаммалари кўмондон қошида сафга тизилдилар. Кўмондон ташаккурнома эълон қилди. Душман аскарлари эса атрофда бирин-сирин чўкиб кетар, сув юзасида қолганлар кўп эмасди. Уларнинг айримлари сузиб сувости кемасига яқинлаб келишга уринар, лекин бунинг иложини қилолмас, айрим сузиб етганинини эса тепадан туриб қўлларини чўэзив тўппончадан отиб ташлардилар.

Ана сизга уруш. Урушда ўлдирган ютади. Ютган эса, доим ҳақ. Ҳамиша шундай бўлган ва бундан кейин ҳам шундай бўлади.

Онаси на тортишиб, на эътироҳ билди. Фақат тинмай бошини чайқарди. Кейин хайрлашгани қўни-қўшнилар чиқишибди, холаси, қавм-қариндошлар ке-

лишди. Вероника ишдан келиб, онасига югуриб-елиб қараша бошлади. Кейин то ярим кечагача гурунглашиб ўтиришди.

Сергийнинг ота-онасига юраги ачишди. Онаси ўғли ҳеч бир тирик жонни ўлдиришини истамасди, отаси эса ўғлининг ўлиб кетишини хоҳламас, шунинг учун душманларни ўлдир, деб талаб қиласарди. Йўлда кетаркан, илгари одми, жўн туяулган барча нарсалар ўз-ўзидан қадрли бўлиб қолди ва улардан айрилиш азоби юракни зирқиратарди. Ўтмиш ҳаёт ҳар дақиқа сайин узоқлашиб орқада қолиб борарди. Саратов тепасидан ястаниб кўринадиган Волга кўз ўнгига гавдаланди. Ёзги оромбахш маконлар, зумрад ороллар, ярақлаган, мафтункор ёйилган дарё, кўз илғамас кенгликлар, ҳилпираган оқ елканлар. Лекин Сергий ҳаммасидан ҳам дарё устига қурилган катта темир йўл кўпригини яхши кўтарди. Кўприк шунчалар баланд эдики, паства, соҳил бўйида ўтириб, ундан тўхтамай ўтиб турган поездларни томоша қилиш, ғилдиракларнинг гулдуросига кулоқ тутиш учун бошни баланд кўтариб қараш керак эди. Кўприкнинг темир ҳавозалари гувиллаб, зириллар, у шундай дақиқаларда Волга кўпригидан ўтиб, китобларда тасвирланган аллақандай фусункор ўлкаларга кетаётган одамларга ҳаваси келарди...

Яна болалигига Янги йил кирадиган кечалар юмшоқ пиймаларни кийиб, бутун оила бўлиб қалин қор кечиб машъала порлаб аланга сочган осмон баравар қувурни кўриш учун боргандарини эслади. Гуриллаган олов, шувуллаб ёққан қор, аланга ёлқинларида учади, тўзади, кўзга уради. Қор учқунлари аланга комида сассиз эриб кетади, лекин қор бир зум бўлсин тўхтамайди, ёғади, ёғаверади, ўтни севгандай унинг устига ўзини отаверади, ёпирилиб тўкилаверади... Аланга ўчиш ни-

малигини билмайди, қор ҳам тинишни истамайди, по-
ёнсиз қор...

Йиллар кўп нарсаларни ўзи билан олиб кетди, ўзгарди
кўп нарсалар. Мана уруш остоңада турибди, ё ўлиш,
ё ўлдириш керак. Бошқа йўл йўқ, йўл фақат шу. Сергий
онаси, отаси, опаси Вероникани эслаб қоронғиликда
унсиз йиғлади, аскарлар ухлаб ётишар, у кўз ёшларини
тиёлмасди. Кўлни кўлга бериб қор бостан далалардан
ўтиб, ўша тун осмонида порлаган машъала сари бо-
ришни қанчалар истар эди у.

Ғилдираклар тинмай тарақлар, вагонлар югурик
чайқаларди. Чироқлари хира лишиллаган қандайдир
кичик бекатлар ўтарди. Аскарлар ва қурол-аслаҳага
лик тўла шалон ўлиш ва ўлдиришга тўғри келадиган
томонларга жадал илгариларди. Ўлиш сенинг ироданг-
га боғлиқ эмас, ҳеч ким ўлишни истамайди, ва ҳеч зот
айнан унинг ўзи ўлдирилишини билмайди. Ўлдириш –
иродага боғлиқ, урушда эса – мажбурий, шарт кўйилган
иш. Лекин ўзингга ўзинг қандай айтасан: ўлдирайми,
ўлдирмайми?

Ғилдираклар изларнинг ёриқларида тарақлайди:
ўлдир – ўлдирма, ўлдир – ўлдирма, ўлдир – ўлдирма...

Киприкларига илиниб қолган кўз ёшлар билан Сер-
гий оҳиста мудроқ оғушига чўмаркан, уруш, жанглар,
кимни қандай ўлдириш – отадими, қўли билан бўғиз-
лайдими – бутун ёз ичи Волга бўйида уни мана шунга
ўргатиши, – ўзича тасаввур қилиш, кўз ўнгига келти-
ришга ҳаракат қиласарди. Яна ўзини ҳам, кимдир ўлди-
риш учун шундай хатти-ҳаракатлар қилишини хаёли-
да жонлантиришга уринарди. Ўша немисни, фашистни
– душманни кўрмоқчи бўларди... Лекин буни тасавву-
рига сифдиролмасди, ғанимни кўз ўнгига гавдаланти-
ролмасди. Отаси айтиб берган сувости кемаси остида

ўлаётганларни ҳам тасаввур қилиш ниҳоятда қийин тууларди. Ҳа, тўлқинлар одамларнинг юзларига шалоплаб урилади, башараларни аниқ илғаш қийин. Ким нажот истаб яқинлашса, тиккасига отиб ташлайдилар... ва у қонсираган уммонда изсиз, товуш чиқармай ғойиб бўлади.

«Ўлдир – ўлдирма», тарақларди ғилдираклар. Сергий мактабда ўқиган немис тилидаги сўзларни эсламоқчи бўлди, лекин немис тилида улар қандай айтилишига ишончи комил эмасди: қандай бўлур немис тилида: ўлдир – ўлдирма, ўлдир – ўлдирма, ўлдир – ўлдирма...

Поезд зулмат қўйнида учарди...

P.S.

«Ўлдир – ўлдирма...» ҳикоясининг қўлёзмасини мен Арсен Саманчиннинг қоғозлари орасидан топдим. Муаллиф ўз асарининг босилиб чиққанини кўролмади, шундан таассуфдаман.

Аммо муаллиф хоҳ тирик, хоҳ вафот этган бўлсин – китобхон доим ташлади. Арсен Саманчиннинг қўйин дафтарида қайд этилгандек, мен «Ўлдир – ўлдирма...»-ни уруш курбонларининг мозорларида оғзаки ўқиб бераман.

Қулоғимга «Мангу қайлиқ» чорлаган нидо эшитил япти. У ҳақда менга Арсен Саманчин кўп бора ҳикоя қилганди! Унинг нидосига жўр бўлгим келади...

Элес,
Февраль, 2006. Брюссел

ЧИНГИЗХОННИНГ ОҚ БУЛУТИ

Қисса

Китобхонларга роман учун қисса таклиф қилинаёт-тир. Нима бу – янги жанрми? Рост-да, бунақа жанрнинг бўлиши мумкин эмас. Лекин агар ҳаётда ҳар нарса бўлиши мумкинилгини ҳисобга олсак, унда гап бундан ўн йил муқаддам «Новий мир» журналида босилган «Асрни қаритган кун» романинга қўшимча қисса устида бораёттир. Кўзидан ҳеч нарса қочиб қутулмайдиган цензорлар ва турли-туман «юқорининг фикрлари» асарнинг тақдирини маъмурӣ тарзда ҳал қилиб ташлайдиган мафкуравий зўравонлик замонларида нега асл нусхада бу парча бўлмаганлиги ҳақида гапириб ўтирамай қўяқолай. Кўпинча, китобни «умуман» ўтказиш учун бало-нинг кичикроғини танлашга тўғри келарди, бошқача қилиб айтгандা, аёвсиз пўртана кўтарилиб турганда китобхон соҳилларига йўл олган кеманинг юки ҳаддан ортиқ оғир бўлиб кетмаслиги тўғрисида ўйлашга мажбур бўлинарди.

«Чала қолган қўшиқни охиригача айтиш» ҳар доим «ҳам мұяссар бўлавермасди. Лекин мана шундай имконият туғилди. Ва мен энди... ўша эски «янги» романининг бир қисмини эътиборингизга ҳавола қиласман. Шуни ҳам айтиб ўтишим керакки, қиссада Чингизхон ҳақида кўчманчилар ўртасида тилдан-тилга кўчиб юрган афсонадан фойдаланилган, у тарихий ҳақиқатга унчалар тўғри бўлмаса-да, лекин ҳалқ хотираси ҳақида кўп нарсаларни сўйлаб туради...

Муаллиф

Поездлар бу ўлкаларда ғарбдан шарққа ва шарқдан ғарбга елиб боришарди...

Совуқ Сариўзак чүлларидан шамоллар тинимсиз күтариб келаётган қора қуюнлари оралаб ўтиб бораркан, поездларнинг машинистлари ўша қаҳратон февраль кечаларида бийдай чўлнинг қор ўрайлари орасидан кичкина Бўронли бекатини зўр-базўр илғаб олишарди. Худди нотинч, серхавотир тушдаги каби буралиб-буралиб учган қуюнларга бурканган тунги поездлар зулмат ичра келиб, зулмат ичига шўнғиб кетишарди...

Бундай тунларда дунё замҳарир қаҳратон пускуришларига чулғаниб азал бўшлиқларидан қайта бунёд бўлаётгандай, Сариўзак чўллари кўз очирмас зулумот ва ёруғлик талашларида яралаётган тутаб ётган баҳри муҳитга ўхшарди...

Мана шу ҳувиллаган бўм-бўш маконларда кичкинагина бекатда ёлғиз бир даричада ҳар кеча то тонг отгунча чироқ ёниб чиқар, гўё шу дарича ичкарисида аллакимнинг юраги аччиқ изтироблар чекиб ўртанар, гўё бунда аллакимдир оғир бетоб ётар, ўзини қўйгани жой тополмас, ёхуд чида бўлмас уйқусизлиқдан тинимсиз тўлғанарди. Бу бекат яқинида қурилган баракнинг даричаси бўлло Абутолиб Куттибоевнинг бола-чақаси яшарди. Шулар - хотини ва болалари уни кўзлари тўрт бўлиб кутишар, тунлар чироқни ўчиришмас, За-рифа кечаси бир неча марта ўрнидан туриб чироқнинг қорайган пилигини тўғрилаб қўярди. Ҳар сафар яна равшанроқ ёнган чироқ нурида у беихтиёр тўшакдаги болаларига кўз югуртирап - соchlари тўсадай қора ўғилчалари худди иккита кучук боладай ухлаб ётишарди. Юпқа тунги ички қўйлакда бадани совуқдан диддираб, қўлларини кўксига маҳкам босганча, титраб-қақшаб, бужмайиб, уларга термулиб юраги орқасига тортиб кетар, болаларим отасини туш кўришяпти, йиғлаб, қий-қириб, қулочларини кенг ёзиб, кулиб, бақириб-чақириб, бир-бирларидан қувиб-ўзиб, жонлари борича унга

томон чопиб боришаپти, талпиниб-талпиниб унга ҳеч етишолмаяпти... деб юраги ҳавл оларди... Кундузлари ҳам улар кичкинагина бекатчада бир зумгагина тұхтаб үтадиган ҳар бир поездни отам тушиб келармикин деб кутишарди. Поезд гилдираклари ғарсиллаб, тұхтаб-тұхтамай болакайлар дарчадан бўйинларини чўзиб қарашар, худди ҳозир лешвоз учиб кетадигандай талпиниб-қоқиниб туришарди. Лекин отадан дарак йўқ, кунлар ўтиб борар, у худди баногоҳ тоғ кўчкиси остида қолиб кетгандай, ҳеч ким ҳеч нарса билмас, хат-хабар келмас эди.

Бу қаро ернинг бошқа бир чеккасида, Алмати тергов қамоқхонасининг ер ости бўлмасидаги чўнг темир панжара билан тўсилган дарчасида ҳам ўша кунлар чироқ тун бўйи ўчмас эди. Ўткир электр чироғининг кечаю қундуз шипдан ёғилиб турган кўзни кўр қиласидиган нурлари Абутолиб Қуттибоевни мана бир ойдан буён абор қилар эди. Бу кулфатдан бошини қайга олиб қочишни билмасди. Саранг-саргардон бу бошини, лўқиллаб, ачишиб оғриган кўзларини электрнинг тифи жуда ўткир, мияга тинимсиз буров солган шуълаларидан қайга олиб қочиш, қандай тўсиш, пана қилишни, жиллакурса бир зумгина бўлсин, нега бу ерга келиб қолганлиги, ундан нима кутишаётганини унутиш, бу ҳақда ўйламасликни истарди. У кечаси бошини кўйлаги билан тўсиб, деворга ўгирилиб ётиши ҳамон эшик туйнугидан қараб турган назоратчи камерага отилиб киради-да, уни ётган жойидан тортқилаб туширап ва оёқ остига олиб тепкилай бошларди. «Деворга қараб ётма, абраҳ! Бошингни буркаб олма, газанда! Власовчи итялоқ!» Шундан кейин у мен власовчи эмасман деб қанчалик бўғилмасин, бу билан ҳеч кимнинг бир пақирлик иши бўлмасди.

Шундан сўнг у қаттол электр нурларига юзини қаратиб ётишга мажбур бўлар, қизариб кетган, шилпиқланган, оғриқ кўзларини бужмайтириб, қўли билан тўсишга уринар, кўзлари ва мияси бу туганмас азоблардан

кутуладиган қоронғилик, зим-зиё зимиштонлик, гүр зулумотини ўртаниб, түлғаниб құмсаради, фақат мана шунда, фақат ана шунда ҳеч қандай назоратчи, ҳеч қандай терговчи уни ёруғлика солиш, уйқудан маҳрум этиш, калтаклашлар каби чидаб бўлмас қийноқларга дучор этолмас эди.

Назоратчилар бири кетиб иккинчиси навбатга турар, лекин уларнинг бари бир-биридан бешбаттар шафқатсиз эди – биронтасининг раҳми келгани йўқ, биронтаси маҳбус деворга юзини буриб ётганини кўриб индамай қўя қолмади, аксинча, улар худди шуни кутиб тургандай дарҳол унга ташланишар, сўқиниб, кутуриб калтаклашга тушишарди. Абутолиб Куттибоев қамоқ назоратчисининг кимлиги, қандай вазифаларни бажаришини билса-да, шунга қарамай гоҳо ўртаниб-куйиб ўзига ўзи дерди: «Нега булар бунака? Кўринишдан одамга ўхшайди. Киши ахир шунчалар разил бўлиши мумкинми? Ахир мен уларга ҳеч қачон ёмонлик қилмаганман-ку? Улар мени кўришмаган, мен уларни илгари сира кўрмаганман, лекин худди отасининг хуни бордай таҳқирлашади, дўпослашади. Нега? Қаердан келиб қолди булар? Қандай қилиб шундай ахволга етишди? Улар мени нега бунчалар қийнашяпти? Бунга қандай чидаш мумкин, бундан қандай ақлдан озмаслик мумкин, деворга бошингни қандай уриб ёрмаслик мумкин?! Чунки бошқа йўл йўқ, чора йўқ».

Бир гал у ҳеч ўзини тутиб туролмади. Вужудини бамисли яшин тешиб ўтгандаи бўлди. Ўзини тепкилаётган назоратчи билан қандай ёқалашиб кетганини билмай қолди. Улар жон-жаҳдлари билан олишиб пол устида думалай кетдилар. «Сени урушда аллақачон қутурган итдай отиб ташлаган бўлардим!» – деб бўғилиб ҳирқиарди Абутолиб назоратчи гимнастёркасининг ёқаларини шариллатиб йиртиб, чангак бўлиб қолган панжалари билан унинг бўйнидан қаттиқ бўғаркан. Агар йўлакдан яна иккита соқчи ёрдамга етиб келма-

гандан бунинг бари нима билан тугарди – худонинг ўзига аён.

Абутолиб фақат эртасига ўзига келди. Оғриқдан титраб-қақшаб кўзини очиши билан яна ўша шипда ҳамиша ёниб турадиган чироқни кўрди. Шундан кейингина тепасида ғимирлаётган фельдшерни пайқади.

– Қимирлама. Сал бўлмаса нариги дунёга жўнаворардинг, – деди унга овозини паст қилиб, пешонасидағи яраларга малҳам кўяркан, – бундай аҳмоқчиликни иккинчи қила кўрма. Соқчиларга ташланганинг учун сени аллақачон асфаласофилинга жўнатар эдилар, бошингни итдай ғажир эдилар, ҳеч ким ҳеч нарса демас эди. Тансиқбоевга раҳмат де, жонингга оро кирди. Унга ўлигинг эмас, тиригинг керак. Билдингми?

Абутолиб гаранг бўлиб қолгандай миқ этмас эди. Бошига нима иш тушади, тақдири қандай кечади, унга бари бир бўлиб қолган эди. Юраги оғриқни ҳис қиласидан бўлгунча яна анча вақт ўтди.

Ўша кунлар ақл-хушини бирдан йўқотиб қўядиган ҳолатларга тушди – атрофида нима бўлаётганлигини англамай қўйди, эсининг кириб-чиқиб, гира-шира ёришиб туриши уни омон сақлаб қолди. Бундай лаҳзаларда Абутолиб кўзига ўқдай қадалган нурдан ўзини олиб қочиш, кўзини пана қилишликни истамасди, аксинча, у ўзини аклдан оздираёзган шафқатсиз баттол ёруғликка ўзини тутиб бериш, унга пешвоз туришни истар, шунда унга азоб ва ғашлик манбасига тобора яқинлашиб, кўзини кўр қилишга тўхтовсиз уринаётган шуъланинг қудратини енгиб, ҳаволарда парвоз қилаётгандай, ўйқлик ичра эриб, гойиб бўлиб кетаётгандай туюларди.

Лекин шунда ҳам абгор хаёлида ўтган кунлари билан боғлаб турадиган ришталар ҳали батамом узилиб битмаган эди: уни оиласи, болаларининг қисмати тинимсиз эзар, ғам-аламга ботирар, адоксиз қўркувга солар эди.

Абутолиб Сариўзакда қолганларни ўйлаб қийналар, тинимсиз ўртанаркан, ўз устидан ўзи ҳукм чиқармоқ-

чи, айби нима эканлигини англамоқчи, қайси қилмиши учун ҳақиқатан ҳам жазога сазоворлигини аниқламоқчы бўларди. Лекин буларга жавоб тополмасди. Балки асирик учунмикин, бошқа минг-минглаб қуршовларда қолиб кетганлар сингари немислар қўлига асир тушгани учунмикин?

Бироқ бунинг учун яна қанча жазолаш керак ахир? Уруш тугаганига ҳам неча йиллар бўлди. Ҳаммаси учун торгадиганини тортди – қон деса қонини тўқдилар, лагерларга элтиб тиқдилар, уруш кўрганларнинг бари гўристонларга тарқаб кетадиган вақт ҳам узоқ эмас, мутлақ ҳоким эса ҳамон ўч олишдан тўймайди, ҳамон инсофга келмайди. Бўлаётган воқеаларни бошқача яна қандай тушуниш мумкин? Саволларига жўяли жавоб тополмаган Абутолиб бугун бўлмаса эрта мени янглишиб қамаганлари, аллақандай тушуниб бўлмас англашилмовчилик юз бергани аён бўлади, ана ўшанда мен – Абутолиб Куттибоев барча кўргиликларимни унутаману қайдасан Сариўзак деб қанот боғлаб учаман, деб орзуларга бериларди. Ишқилиб тезроқ озод қилиб уйга кетишга рухсат этсалар, бас, ҳайо-ҳайт деб Бўронли бекатини кўзлаб, бола-чақа, оиласи бағрига чопади, у ерда болакайлари Эрмак ва Довул, хотини Зарифа кўзлари тўрт бўлиб кутиб ўтиришибди, қор босган Чўлларда Зарифаси қоракўзларини худди чумчуқдек қаноти остига олиб, иссиқ бағрига босиб, кўзёшларини шашқатор тўкиб, тинимсиз худога ёлвориб, мушкулларини осон қилиш, қисматларини енгиллатиш, мурувватли бўлиш, эрини бало-қазолардан сақлашни илтижо қилиб сўраяпти...

Абутолиб алам-қайғунинг зўридан дод-фарёд кўтармаслик, эс-хушидан айрилиб телба бўлиб қолмаслик учун ўз-ўзига таскин-тасалли берар, бош-кети йўқ хаёлларга чўмарди – оқланиб, айбсиз деб тошилиб, уйга кутилмаганда, қандай кириб боришини кўз ўнгига келтирарди. Товар вагонда уйгача етиб олиб, ундан йўл-йўлакай қандай сакраб тушиши, уйга томон чопиши, бола-

лари, хотини унга қандай пешвоз чиқишлиарини күз ўнгига келтиради. Лекин самарасиз хаёллар тугаб, хуши ўзига келган дамларда у яна асл вөкөликка қайтар, умидсиз, маҳзун бўлиб қоларди, шунда ўзи ёзиб олган «Сариўзакдаги қатл» афсонаси, ундаги қатл этилган эру хотин, уларнинг мурғак тўдак билан видолашувла-ри эсига тушарди, бу нарсаларда назарида аллақандай абадият муҳрлангандек бўлиб туюлар ва эндиликда бунинг ўзига ҳам қандайдир тарзда дахлдорлигини ҳис қиласади. Уни ҳам бошига жудолик солиб қийнар эдилар... Ҳолбуки, фақат ўлим ота-онани болалардан жудо этиши мумкин, бошқа ҳеч нарса, бошқа ҳеч кимса...

Ғам-алам шундай ҳаддан ортган онларда Абутолиб мунграб йиғлар, яна ўзидан-ўзи уялар, лекин хўрликдан тўлиб бораётган ўпкасини қандай босишини билмас, худди ёмғир томчилари тошни ҳўйл қилгандай қўздан тўкилган ёшлари мардона, бақувват ёноқларини ювиб тушарди. Ахир у урушда ҳам бунчалар қийналмаган эди, у чоғлар Абутолиб шўрлик сўққабош эди, ҳеч нарсага парво қилмасди, энди бўлса, мана, ўзи кўриб, ишонч ҳосил қилиб турибдики, шу ўта одми бир нарса - болаларда ҳаётнинг беҳад улуғ бир маъноси мужассамлашиб ётар экан ва ҳар бир муайян воқеа, ҳар бир муайян инсоннинг ўзига яраша бахти - толеи бор, болаларнинг борлиги ўзи бахт, улардан айрилиб қолсанг, бундан оғир бахтсизлик йўқ... Ҳаёт ундан айрилиб қоладиган дамларда янада ширинроқ бўлиб қолади, энди буни у аниқ билади, зулмат кўйнига мұқаррар шўнғиш олди-дан, ана шу энг охирги дамда, ҳаётнинг сўнгги машъум зиёси тушиб турганда, сарҳисоб қилишга тўғри келади. Ҳаётнинг энг мухим хуласаси - болалар. Эҳтимол, табиат атай шундай қурилган бўлса керакки, ота-онанинг умри ўзидан кейин қоладиганларни вояга етказиш учун сарф бўлади. Шунинг учун ҳам отани боладан айриш, уни қазову қадарнинг ўзида белгиланган вазифасини ўташдан маҳрум этиш, бу демак, унинг ҳаётини,

охир-оқибатда, тамомила беҳосил қилиб қўйиш билан баробар. Мана шундай фикри ёришган пайтларда у ўзини умидсизликнинг бостириб келган гирдобидан сақлаб қолишига ожизлик қиласди. Абутолиб болалари билан дийдор кўришадиган дамларни шундоқ кўз ўнгига келтириб, юраги ёмон ўйноқлаб кетар, умидининг рӯёбга чиқишига ақли етмас, ўзини тамом боши берк кўчага кириб қолгандай сезарди. Аламангез соғинч кундан-кунга унинг бутун жисми жонини чуқурроқ қамраб олар, иродасини букар ва ожиз қилиб кўярди. Баланд тоғ ёнбошида қалин хўл қор йиғилганидай ночор умидсизлик устига умидсизлик қалашиб борар, бунда бирдан кўчкининг кўчмоғи ҳеч гап эмасди...

Давлат Хавфсизлик вазирлигининг терговчиси Тансиқбоевга худди шу нарса керак эди. Унинг бутун максади қандай қилиб бўлмасин шунга эришиш эди. Юқори идораларнинг розилиги ва қўллаб-кувватлаши остида у собиқ ҳарбий асир Абутолиб Куттибоевнинг ишини иблисона маккорлик билан чуватмоқда, уни инглиз-югослав маҳсус хизматлари билан алоқа қилиш ва Қозғистоннинг узоқчекка жойларида маҳаллий аҳоли ўртасида мафкуравий қўпорувчилик олиб боришда айбламоқда эди. Ҳа, умумий айномона шундай эди. Лекин ҳали баъзи бир тафсилотларни аниқлаш, уларга баҳо бериш юзасидан терговни давом эттириш, Абутолиб Куттибоевнинг қилган жиноятларини тўлалигича бўйнига қўйиш, тан олдириш, икрор олдинда турар эди. Бироқ энг асосий муҳим гап айноманинг ўзидаёқ ифода қилиб ўтилган, бу гап фавқулодда сиёсий аҳамиятта молик бўлиб, Тансиқбоевнинг хизмат юзасидан кўрсатаётган ғайрат-шижоати ва мислсиз хушёrlигидан даррак бермоқда эди. Бу иш Тансиқбоевнинг ҳаётда омади чопаётганидан нишон берса, айни пайтда бу Абутолиб Куттибоев учун турган-битгани ёмон тузоқ бўлиб, ундан қутулиб кетиш амримаҳол эди. Бинобарин, бундай даҳшатли айноманинг оқибати факат битта бўлиши

мумкин эди – Абутолиб Куттибоев гарданига юкланаётган барча жиноятларни улардан келиб чиқадиган барча уқубатлари билан биргаликда тан олишта мажбур эди. Бошқача бўлиши мумкин эмас эди. Бу иш олдиндан мутлақо ҳал қилиб қўйилган эди, юкланаётган айбнинг ўзи жиноятнинг ҳеч қандай иккиланишга ўрин қолдирмайдиган далолати бўлиб хизмат қиласади.

Шу боисдан Тансиқбоев бошлаган ишининг муваффақият билан яқунланиши тўғрисида ташвишланиб ўтирумаса ҳам бўларди. Шу қиши кезлари унинг учун хизмат пиллапояларидан кўтарилишнинг юлдузли онлари балқиган эди. У ўз ишида илгари андак камчиликка йўл қўйиб бир неча йил майор унвонида қолиб кетди. Аммо мана энди унинг учун тамомила янги умидларнинг уфқлари очилмоқда эди. Бундай узоқ чекқа жойларда Абутолиб Куттибоевникига ўхшаш ишни фош этишга ҳар ким ҳам мусассар бўлавермайди. Омаднинг кулиб боққани мана шу-да.

Шундай, 1953 йилнинг ўша феврал кунлари толе Тансиқбоевга кулиб боқмоқда эди. Мамлакатнинг тарихи унинг тегирмонига сув қувиш учунгина яратилганга ўхшарди. У тарихнинг бу фараҳбахш тортиғини тушуниб, билиб эмас, балки кўпроқ юракдан ҳис қилиб турар, бу қилаётган хизматининг қанчалар муҳим, биринчи даражали аҳамиятга молик эканлигини яна таъкидлаб кўрсатар, шу билан ўз наздида аллақандай юксакликларга кўтарилаар, билъакс, қаттиқ ҳаяжонланар, ичи-тоши тошқин туйғуларга тўларди. Баъзан ойнага қараб ўзи ҳайрон бўларди – унинг киприккоқмас лочин кўзлари не вақтлардан буён бунчалар нурафшон чарақлаб боқмаган эдилар. У қаддани кериб, елкаларини ўйноқлатиб қўяр, соф рус тилида кўп хузурланиб минғирлаб хиргойи қиласади: «Тугилганимиз чин қилгали афсоналарни...»

Эрининг нималарга умид боғлаганлигини юракдан ҳис қилган хотинининг ҳам димоғи чоғ, ўрни келганда: «Майли, тез орада биз ҳам ўз ҳақимизни олмай қўй-

маймиз», – деб гап орасига қистириб кетарди. Юқори синфда ўқийдиган, комсомол фаолларидан саналадиган ўғли ҳам, баъзан ўз айтганидан қолмай қайсарлик қилиб туриб олса ҳам, гап асл мақсад устида боргандা: «Дада, қачон бу подполковник унвони билан муборакбод этамиз», – деб чин юракдан сўраб кўярди. Гарчи Тансиқбоевга тўғридан-тўғри даҳлдор бўлмаса-да, лекин ҳарқалай... бундай гаплар қўзғалишининг ўзига яраша сабаблари ҳам йўқ эмас эди.

Гап шундаки, унчалик узоқ эмас, бундан ярим йилча илгари Алматида ёпиқ суд бўлиб ўтган эди: ҳарбий трибунал бир гурӯҳ қозоқ буржуа миллатчилари устидан ҳукм чиқарди. Мехнаткаш халқнинг бу каби душманлари шафқатсиз тарзда таг-туғи билан абадулабадга қутилилар эди. Миллатчиларнинг иккитаси машъум патриархал феодал ўтмиш идеаллаштирилган, қозоқ тилида ёзилган илмий ишлари учун энг оғир жазо – отишга ҳукм этилдилар, Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг бошқа иккита илмий ходими – йигирма беш йил сургун жазоси олди... Қолганлари ўн йилдан қамоққа маҳкум этилдилар... Лекин энг муҳим гап бу эмас эди, муҳими, кўрилган иш бўйича буржуа миллатчиларини фош қилиш ва шафқатсизлик билан қутишида бевосита иштирок этган маҳсус ходимлар марказдан йирик давлат мукофотлари билан тақдирландилар. Рост, улар давлатнинг ошкор этилмайдиган мукофотлари бўлишига қарамай, бу уларнинг салмоғи ва эътиборини заррача пасайтиrolmas эди. Навбатдаги унвонларнинг муддатидан илгари берилиши, орден ва медаллар билан тақдирлашлар, топшириқларни намунали тарзда адо этганлик учун катта пул мукофотлар, буйруқларга кирадиган ташаккурномалар ва бошқа шуларга ўхшаш иззат-икром белгилари ҳаётни ўзига яраша завқ-шавқ билан тўлдириб, безар эди. Алоҳида ўрнак кўрсатган кишиларнинг янги квартиralарга кўчишлари ҳам айни муддао эди. Буларнинг баридан тиз-

залар янада күч-кувватга түлар, овозлар янгроқ, қадамлар шахдамлик қасб этар эди.

Тансиқбоев унвон олганлар ва мукофотланганлар гурухи ичидә йўқ эди, лекин ҳамкасларининг тантаналарида фаол иштирок этарди. Ҳар оқшом у хотини Ойқўмиш билан биргаянги унвонлар, орденлар, янги уйларга кўчишларни «ювиш»ларга боришарди. Янги йил арафасидаёқ кетма-кет байрам зиёфатлари бошланиб кетди, гапнинг очиги, улар жуда ҳам чиройли, унутилмас зиёфатлар эди. Алматининг аёзли, гира-шира ёритилган кўчаларидан жиндаккина совқотиб кирган меҳмонларни янги квартиralарнинг соҳиблари илиқкина қучоқ очиб қаршилар эдилар. Эшикка пешвоз чиқсан мезбонларнинг чехралари нур сочиб, шод-хуррам чараклар, юз ифодаларида қанчалар ғуур-ифтихор балқиб туради! Ҳақиқатан ҳам бу сийланган, иззатли, янгидан баҳт-иқ бол топган одамларнинг нашидали байрамлари эди. Ҳолбуки, куни кечагина бўлиб ўтган уруш йилларининг очлик ва йўқчиликлари ҳали унтилмаган бир кезларда, давлатнинг чеккароқ ўлкаларида илгари кўрилмаган жозибали, пўрим, янги қулайликлар бошни айлантирадиган даражада шод-хуррамлик ҳамда мамнуният билан қабул қилинар эди. Бу чекка вилоятларда жаҳонга машҳур ноёб коняклар, порлок, биллур қандиллар ва ялтираган биллур идиш-товоқлар энди-энди урф бўла бошлигай эди. Шиплардан ўлжа туширилган нурафшон қандилларнинг ярқ-юрқ шуълалари тараларди. Столларга ёзилган қордай оппоқ дастурхонларда ўлжа олинган немис чинни идишлари ярак-юруқ қилиб кўзни олар ва буларнинг бари гўё уларда тирикликтининг энг олий маъноси яширингандай ва худди дунёда шулардан қўра арзидиганрок бошқа ҳеч нарса йўқдай, ўзига оҳанрабодай тортар, кайфиятни кўтариб, димоқларни бениҳоя чоғ қиласар эди.

Эшикдан ичкарига кирмасданоқ димоққа ёқимили хидлар урилар, бунда бошқа ажиб таомлар қатори ота-боболарнинг кўчманчиликларидан мерос қолган

энг суюмли овқат – мазали, хуштаъм от гүшти ҳозирла-нар, у мана бундай янги уйларда ажыр бир тарзда қадим чўлларнинг тароватини таратгандай бўларди. Барча йигилганлар зиёфат бошланишини кутиб одоб-икром билан жой-жойларига ўтиришарди. Лекин зиёфатдан мурод фақат еб-ичиш эмас, зотан, киши қорки тўйгач, олдига кўйилган таомларнинг мўл-кўллигидан ич-ичидан қийналади, шундай суҳбатлашиб ўтириш – табриклар, қадаҳ сўзлари айтишга эхтиёж сезилиб қолади. Зиёфатларнинг мана шу одат-қоидасида туганмас бир роҳат-фароғат яшириниб ётар ва мана шу лаззатли кайфият юракда яшириниб ётган жамики нарсаларни қамраб олар ва ўз домига тортар эди. Шундай чоғларда, ҳатто, ҳасад ҳам ҳасадга ўҳшамай қолар, у илтифот каби қабул қилинар, рашик ҳам рашик эмас – ҳамдўстлик, ҳамкорлик каби кўринар, мунофиқлик эса шу зумларда баайни самимият ўрнига ўтарди. Мехмондорчиликка келгандарнинг бари ҳайратомуз тарзда яхши томонга ўзгариб, иложи борича акклироқ кўринишга ва энг муҳими, чиройлироқ сўйлашга интилар ва бунда бе-ихтиёр бошқалар билан худди мусобақа қилаётганга ўҳшарди. О, бу ўзига хос мафтункор бир иш эди! Ўлжа қандиллар осилган шиплар сари қандай улуғвор қадаҳ сўзлари парвоз этмасди, бамисоли турфа рангларга бе-занган қушлардек, баайни сип-силлиқ қофозда ёзib кўйилгандек, қандай чиройли сўзлар янграмасди дейсиз, ўтирганларни юксак кўтаринки руҳи билан ром этиб, жўштириб...

Тансиқбоев билан унинг хотинини, айниқса, янги кўтарилиб келаётган қозоқ подполковникнинг қадаҳ сўзи ҳаяжонга солди. Подполковник тантанавор тарзда ўрнидан турди-да, худди тахтга чиқаётган қиролнинг ролини қотириб ўйнаётган драма театрининг артисти каби виқор оиласан тўлқинланиб сўзлай кетди:

– Асл дўстлар, – деб бошлади подполковник атрофда ўтирганларга улуғвор бир сузилиш билан кўэ югурти-

риб ва ўзи айтаётган сўзларга мутлақо жиддий, ҳар томонлама эътибор қилишлари зарурлигини таъкидлагандай бўлиб. - Ўзингиз тушунасиз, юрагим тўлқинланиб, ўзимни худди баҳт денгизи оғушида тургандай сезяпман, тушуниб турибсиз. Сўз айтгим келяпти. Менинг соатим келди ва шу соатда сўз айтишни истайман. Тушунасиз-ку. Мен доим худосиз бўлганман. Мен комсомолда ўстганман. Мен ўз оёғида мустаҳкам турган большевикман. Тушунасиз. Бу билан жуда фахрланаман. Худо мен учун ҳеч нарса эмас. Худо йўқ, бу ҳаммага маълум, ҳар бир совет мактабининг ўқувчисига маълум. Лекин мен бутунлай бошқа бир нарсани айтмоқчиман, тушунасиз. Мен дунёда худо бор демоқчиман! О, шошманг, тўхтанг, кулманглар, азиzlар. Оббо сизлар-ей! Сўзидан адашиб кетди деб ўйлаяпсизми? Сира ундай эмас! Тушунасиз-ку. Мен инқилобга қадар меҳнаткаш оммани эзувчилар тўқиб чиқарган худони айтаётганим йўқ. Бизнинг худо - бу давлатнинг устуни, унинг азму иродаси билан ер юзида янги давр бунёд бўлади. Газеталар шундай деб ёзишади. Ва биз дунёда ғалабадан ғалабаларга коммунизмнинг тантанаси сари борамиз. У давримиз жиловини қўлида маҳкам туттган доҳий йўлбошчимиз, у нортуямизни етаклаб бораётган улуғ карvonбоши Иосиф Виссарионович! Биз унинг изидан, у кўрсатган йўлдан борамиз, у карvonни етаклайди ва биз унинг ортидан қадам босамиз - йўлимиз бир, йўлимиз ягона. Биздан бошқача ўйлайдиган ё калласида бизнинг ғояларимиз бўлмаган кимсалар чекистларнинг омонсиз қиличидан қочиб қутуолмайдилар. Бу шамширни бизга темир иродали Дзержинский васият қилиб қолдирган. Ўзингиз тушунасиз. Душман билан охиригача жанг қиласмиз. Уларнинг уруғини қуритамиз. Уларнинг оилаларини ҳам, бошқа ҳар қандай хайриҳоҳлик қилувчиларни ҳам йўқсиллар ишининг тантанаси учун қуритамиз. Худди кузда тўқилган япроқлар тўплаб ёқиб юборилгандай ёқиб, кулинни кўкка совурамиз. Чунки ўзингиз тушу-

насиз, мафкура фақат битта бўлади, бошқа мафкура-нинг бўлиши мумкин эмас. Мана, биз сиз билан бирга ер юзини мафкуравий душманлар – буржуа миллатчилари, ўзингиз тушунасиз ва бошқа турли унсурлардан тозаламоқдамиз. Шуни билиб қўйингларки, душман қаерда биқиниб ётмасин ва бащарасига қандай ниқоб тутиб олмасин, унга ҳеч қандай раҳм-шафқат қилинмайди, унга омонлик йўқ. Синфий душман қаерда ва қандай бўлмасин, уни албатта даф этамиз, фош этамиз, ўртоқ Сталин бизга ўргатганидек, душман агентураси-нинг бащарасини очиб ташлаймиз, ўзингиз тушунасиз, ёвларнинг адабини берамиз, халқ оммасининг руҳини кўтарамиз – бизнинг шиоримиз мана шу. Бугун мени тақдирлаган эканлар, муддатидан илгари унвон бериш тўғрисида фармон ўқилиб турган бир пайтда, мен бундан кейин ҳам Сталиннинг кўрсатмаларига оғишмай амал қилишга ваъда бераман ва қасамёд этаман, ўзингиз тушунасиз-ку, ахир, душманларни қидириб топиб, уларнинг жинояткорона ниятларини очиб ташлаб, шафқатсиз жазо олишларига бутун куч-кувватимни сафарбар этаман. Биласизми, биз миллатчиларнинг етакчиларини тамомила заарсизлантиридик. Лекин институтлар ва редакцияларда уларга хайриҳо бўлган кимсалар яшириниб олганлар. Аммо улар ҳам биздан ҳеч қаерга қочиб қутулолмайдилар. Уларга ҳам ҳеч қандай раҳм-шафқат қилинмайди. Биласизми, тергов пайтида бир миллатчи менга нима деди? Сизларнинг тарихингиз бари бир боши берк кўчага кириб қолди ва ҳаммангиз худди иблисдек тавқи-лаънатга учрайсиз, дейди. Билдингиэмий?

– Уни ўша ернинг ўзидаёқ отиб ташлаш керак эди!
– ўзини тутиб туролмади Тансиқбоев ва камоли жаҳли чиққанидан ўрнидан туриб кетди.

– Рост айтасиз, майор, мен худди шундай қилмоқчи бўлдим, – деб унинг гапини маъқуллади подполковник,
– лекин у ҳали тергов учун керак эди, шунинг учун мен

унга айтдим, билдингизми, айтдим: «Биз боши берк күчага киргунимиизча, сен аблаң ер тагида чириб кетасан! Ит хуаралып, Сталин карвони олға борар...»

Ҳамма бирдан қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди. Ўша арзимас, ярамас пасткаш миллатчига муносиб зарба берилганлигини маъқуллашиб чапак чалдилар, қўлларида тўлдирилган қадаҳларини кўтариб барчалари баробар ўринларидан турдилар. «Сталин учун!» – деб баравар ҳайқирдилар. Бу сўзларининг ҳақ ва ўзлари унга содик эканликларини тасдиқлаб ва намойиш этиб барчалари бирданига қадаҳларини бўшатдилар.

Кейин бу фикрни давом эттириб яна кўп сўзлар айтилди. Ва бу сўзлар ўз-ўзидан кўпайиб, ўз ичидан ўзи туғилиб, урчиб, йигилганлар бошида ғазаб ҳамда нафрат уруғларини экди ва теваракда худди қутурган қовоқарилардек ғувиллаб, ғўнғиллаб учди. Бинобарин, қовоқарилар ўзларининг нечоғли заҳарли издиҳом эканликларини билғанларида янада кутуриб, ваҳшийлашиб кетадилар.

Тансиқбоевнинг бошида эса мисоли бир гирдоб қайнарди, дадил ҳаракат қилишга ундан, фикрлар ғужрон ўйнарди. Албатта, бундай фикрлар унинг учун янгилик эмасди. Ундей эмас, аксинча, унинг бутун ҳаёти ҳамда кўплаб ҳамкасларининг ҳаёти ва бутун теваракатрофни қуршаган муҳитнинг ўзи кунма-кун, ойма-ой, йилма-йил мана шундай синфий кураш деб аталмиш аёвсиз курашда ўтар, ўз-ўзини тинимсиз чархлар, қайрап ва барча жабҳаларда мутлақ ўзини оқларди. Аммо бунда ошкор айтилмайдиган бир муаммо бор эди. Курашни мудом қизитиб, аллангалатиб туриш учун янгидан-янги қурбонлар, фош қилишлар учун янгидан-янги йўналишлар талаб этиларди. Шу маънода кўп нарсалар аллақачон сайқал толиб, ишловдан ўтиб, қўллаб бў-

линган, кудукларнинг суви тагигача олинган, ҳар ҳолда уларнинг таги кўриниб қолган, ҳатто, бутун-бутун халилар Сибир ва Ўрта Осиёга шафқатсизларча сургунга жўнатилган, чекка миллий ўлкаларда катта муваффақият билан қўллаб келинган энг эски синалган усул - одамларни буржуа миллатчилигига айлаш тобора қийин кўчарди.

У ёки бу кимсанинг устидан чақув тушиб, мафкуравий шубҳа остида қолса, дарҳол унинг ўзини ҳам, яқин қавм-қариндошларини ҳам қийин-қистовга олишларидан безиб қолган одамлар энди хатарли хатоларга йўл қўймас, миллатчиликка йўйиш мумкин бўлган хатти-ҳаракатларни қилмас, сўйламас, ёзмас эдилар. Бильакс, кўпчилик ғоятда эҳтиёткор ва хушёр бўлиб қолган, миллатга дахлдор, қадр-қимматга эга барча нарсаларни бор овоз билан инкор этишар, ҳатто, ўз она тилидан воз кечишгача бориб етар эдилар. Ҳар қадамда Ленин тилида сўзлашаётгани ва ўйлаётгани тўғрисида писанда қилиб турадиган бундай одамларни қани, қўлга илинтириб кўр-чи...

Воқеалар қашшоқлашиб, сийқаси чиққан, янгидан-янги хуфия душманларни фош қилиш юзасидан курашни кучайтириш қийинлашган кезлар гарчи тасодифий тарзда бўлса ҳам, майор Тансиқбоевнинг омади чопиб қолди. Бўронли бекатида турадиган Абутолиб Куттибоев деганнинг устидан тушган чақувни унинг қўлига у қадар жиддий аҳамиятга эга бўлмаган, иккинчи даражали иш каби жиддий тергов олиб бориш учун эмас, шунчаки бир танишиб чиқиш учун берган эдилар. Бироқ Тансиқбоев оғзидағи ошни олдириб қўядиганлардан эмас эди. Бир нимани сезган кўнгли уни алдамади. Тансиқбоев зриниб ўтиrmади, воқеанинг тагига етиш учун ўша жойга бориб келди. Мана энди, бир

қарашда жүнрок бўлиб туюлган иш мабодо яхшилаб ишлов берилса, залворли ва салмоқли бир ҳодисага айланиши мумкинлигига ишончи орта бошлади. Шундай бўлгач, агар ҳаммаси жойида бўлса, юқорида уни ҳам унугишимаса керак, балки тақдирлашсалар ҳам ажабмас. Ҳудди мана шу дақиқада, мана шу дастурхон устида унинг ўзи ана шундай тантананинг шохида бўлиб ўтирамаяптими, бундай нарсалар қандай ташкил қилинишини у билмайдими? Ахир Мутлақ Ҳукмронлик Илоҳига сиғинган, унга жонини аямай хизмат қилаётган ва шу боисдан столи устида ҳам, шини остида ҳам биллурлар чароғон нурлар сочаётган, роҳат-фароғат топаётган мана шу ўзига қадрдон одамлар орасида, нима, ёмон сезяптими ўзини? Лекин Мутлақ Ҳукмронлик Илоҳига яқинлаштирадиган йўл битта - у ҳам бўлса, ниқобланган душманларни қидириб топиш ва башарасини очиб ташлашда ғайрат-шижоат, фидокорлик кўрсатиб хизмат қилиш.

Душманлар орасида эса, айниқса, асирикда бўлиб қайтганларни сира кўздан қочирмай хушёрлик билан кузатиб бориш керак. Улар айб иш қилиб қўйиб ҳам ўзларини отиб ташламаганликлари учун жинояткор саналадилар. Улар қўлларини кўтариб асири тушиш эмас, ўзларини ҳалок этишлари ва фақат шу йўл билан Мутлақ Ҳукмронлик Илоҳига бутунлай содик эканликларини исботлашлари керак эди. Зотан, Мутлақ Ҳукмронлик Илоҳи улардан ҳар қандай ҳолда ҳам ҳалок бўлиш, бироқ асири тушмасликни талаб қиласарди. Шунинг учун ҳам, бас, асири тушдими, демак, у жинояткор. Бунга бериладиган жазо ҳамма замонлар - барча наслларга ибрат ва огоҳлантириш бўлмоғи даркор. Мутлақ Ҳукмронлик Илоҳи - доҳийнинг йўл-йўриклари, кўрсатмалари шундай. Тергов ўтказиш мақсадида қўлга олинган Қут-

тибоев эса баайни ана шундай ҳарбий асирикка тушганлардан, ҳаммадан ҳам муҳими, унинг ишида ўта нозик бир нуқта, ҳаддан ташқари замонбоп долзарб бир тафсилоти бор – агар бу борада Куттибоевнинг айини бўйнига олишига муваффақ бўлинса, ана унда унчалик катта бўлмаса ҳам, бу далил зўрабор бир ишни очишга аскотиши мумкин. Ана шунда михни айни керакли жойга урилган бўлади ва Стalinнинг розилигини олмай туриб, Югославиянинг ўзига хос йўли бор деб даъво қилиб чиқаётган муртад Тито – Ранкович тўдасининг асл хиёнаткорона мақсадларини очиб ташлашга хизмат қиласди. Кўнгиллари тусаган нарсани кўринг-а! Урушнинг куни кечагина тугаганига қарамай, дарров ажralиб чиқишини истаганликларини қаранг! Жаноблар, хомтама бўлманг! Кўлингиздан келмайди! Stalin бу хомхаёлларингиз кулини кўкларга совуриб ташлайди. Майли, гарчи кичикроқ эса-да, бир далилга асосланиб туриб, бундай хоинона ўй-хаёллар Югославияда узоқ йиллардан буён, ҳали уруш кетаётган пайтлардаёқ партизан командирлари ўртасида ва тўғридан-тўғри инглизларнинг маҳсус хизмати таъсирида урчиб тарқаганлигини яна бир карра исбот қилинса, асло ортиқча бўлмайди. Абутолиб Куттибоевнинг кундаликларида эса Югославия партизанлари инглизлар билан қандай учрашганликлари ҳақида хотиралар ёзилган, шундай экан, ҳозир талаб этилаётган нарсани унинг бўйнига кўйиш учун барча асослар мавжуд. Бинобарин, қандай қилиб бўлмасин, бунга зришмоқ зарур. Бошингни тошга уриб мажаҳлайсанми, осмонга чиқасанми, ерга кирасанми, ҳарқалай, шу Сариўзакдан чиқсан ёзувчини тилга киритишинг керак. Сиёсатда шамол эсаётган томонга қараб учәётган ҳамма нарса ишга ярайди. Ҳа, ҳар қандай жуда майда-чуйда бўлиб кўринган нарса

ҳам душманга қарши тош қилиб отишга, уни ғоявий жангларда мажақлаб ташлашга яраб қолиши мүмкін. Шунинг учун ана ўша тош ёхуд жуда бўлмаганда, кичкинагина тошчани, майли, рамзий маънода бўлса-да, топиш ва уни чин юракдан Мутлақ Ҳукмронлик Илоҳи қўлига тутқазиш вазифаси олдимизда кўндаланг бўлиб туради. Кейин у мабодо ўзи бўлмаганда ҳам, кимгadir топширади ўша тош билан худди газеталарда ёзишганидай, манфур ревизионист Титонинг думлари ҳамда унинг малайи Ранковичнинг бошига айлантириб уришни. Бир нарсага яратмаганлари, майдароқ гап экан деб қараганларида ҳам, бари бир қилинган жонбозлик ерда қолиб кетмайди... Омад кулиб боқса, мана шу ерда ўтирганларнинг ҳаммаси унинг уйига қадамранжида қила-дилар, унинг дастурхони устида ўтирадилар, бажарган хизматларини тилга оладилар. Ахир, ҳаётнинг маъноси - бахту иқболда, омад, ютуқ эса - бахту саодатнинг дебочаси.

Ўша тунги зиёфат чоғида қиргийкўз Тансиқбоев ана шулар хақида ўй сурар, дастурхон атрофидаги бошқа меҳмонлар билан ундан-бундан сўйлашиб ўтираса-да, ич-ичида худди тезоқар, шаддод дарё бағрида, ўз эҳтирослари, илинж-орзуларининг шовуллаган шовваларида кулоч отиб сузib бораёттандек сезарди. Фақат эрини яхши билган хотини Ойкумушгина унинг дилидан нималар кечәёттганлигини, худди тунда овга чиққан йиртқич сингари ўлжа исини туйиб, нималаргадир ҳозирланаёттганлигини англади. У буларни эрининг дам ҳаяжон чирмашган, дам ҳаддан зиёд совуқ боқсан, киприкқоқмас қиргий боқишли кўзларидан уқди. Шунинг учун у эрининг қулоғига секингина шипшиди: «Бу ердан ҳамма билан бирга турамиз ва тўппа-тўғри уйга борамиз». Тансиқбоев истар-истамас бошини қи-

мирлатиб кўйди. Одамлар олдида гарчи тили қичишиб турган бўлса-да, эътиroz билдириб ўтирмади. Унинг калласида қулочни кентроқ очиш керак экан, деган янги режа етилиб келмоқда эди. Ахир Куттибоев билан бирга югослав партизанлари ичида бўлган бошқа ҳарбий асиirlар ҳам кўп, улар ҳозирда бурчак-бурчакларда пусибгина ўтиришибди, демак, улар ҳам бир нарсаларни билишади, нималарнидир эслашади, уларнинг энг фаолларининг номларини айтасан, деб Куттибоевни мажбур қилиш унчалик қийин эмас. Материаллар, ҳужжатларни кўтариш, эртагаёқ зарур сўровлар юбориш керак. Ёки бўлмаса, иложи борича тезроқ марказга бориб келгани маъқул.

Аниқлаш, кавлаш, қидириш ва Куттибоевдан энг муҳим гапларни тасдиқлатиб олиш зарур. Кейин унинг кўрсатмалари асосида Югославияда жанг қилган собиқ ҳарбий асиirlарга айнома тақалади, бу кимсаларни Совет Иттифоқига кўчириш комиссиясидан ўтаётган чоғда Югославия резизионистларининг хиёнаткорона мақсадларини яшириб, уларни рўй-рост ошкор этмаганликлари учун яна янгидан жавобгарликка тортиш чоралари кўрилади. Бундай кишилар юзта ёки мингта эмасдир, юзлаб, минг-минглаб чиқса керак, уларни иложи борича тезроқ тергов тегирмонидан ўtkазиш керак, бу фикрни юқорига маҳфий хат ёзиб етказиш маъкулга ўхшайди, ана ундан сўнг бу кимсаларни лагерларга жўнатилади ва шу билан уларга батамом барҳам берилади..

Турли-туман ноз-неъматлар ва коняк қадаҳлари қўйилган дастурхон устида бошига келган ушбу фикрлардан жўшиб кетган, ҳаётида аллақандай янги тотли ўзгаришлар юз беришини олдиндан ҳис қилган Тансиқбоев яна ичгиси, яна ноз-неъматлардан тотиниб, ашула айтиб, ён-атрофидагилар билан ҳазил-ху-

зул қилишиб, хандон отиб кулгиси, ўйнагиси келди. У сирли тарзда порлаб кетган кўзларини ён-верида ўтирганларга миннатдорлик ҳислари-ла югуртириб чиқди, ахир йигилганларнинг ҳаммалари ўз қадрдан одамлари, бир аравага тушган, бир ашулани айтадиган, бир маслақдаги ўз одамлари эди, шунинг учун ҳозир уларни жуда яхши кўриб кетди, қадрданлари эса шу тобда унинг калласида улуғ тоялар пишиб етилаётганидан бехабар, валақлашиб, чақчақлашиб ўтирадилар. Шуларни ўйларкан, боши бирдан қизиб кетди, юраги ҳаприқиб, ўйноқлаб, шиддат билан гурсиллаб урди.

Юрагида етилиб пишган бу режалар хизмат пилла-пояларидан юқори lab боришига ишончли имконият яратади. Буларнинг бари ақлга мос ва мантиққа түғри келарди: яшириниб ётган душманларни қанчалар кўп фош қилсанг, ўзинг бундан шунчалар ютасан, манфаат кўрасан. Бундай келажак юракка қанот бағишлар эди. У фахр-ифтихорга тўлиб ўйланди: «Ақлли одамлар ўз ишларини мана шундай боплаб дўндирадилар! Мен ҳам, нима бўлмасин, ярим йўлда қолиб кетмайман!» Шунда унинг ишни дарҳол бошлаб юборгиси келди – шу тобдаёқ гараждан машина чақириб, ўша ер остидаги, дарчалари панжара билан тўсилган, Абутолиб Куттибоев ўтирган, тергов изолятори деб аталадиган жойга қанот боғлаб учгиси ва вақтни бой бермай, дарҳол түғри камеранинг ўзидаёқ сўроқни бошлаб юборгиси келди. Сўроқ қилганда ҳам, шундай қилсинки, ўтакаси ёрилиб, жони товонидан чиқиб кетсин. Ишнинг пировард-натижаси устида ҳеч қандай иккиланишлар бўлиши мумкин змас; Куттибоев айини бўйнига олиб, инглиз-югослав топшириқларини тасдиқласа, ўзи билан бирга партизанлик қилганларнинг барчасини номма-ном айтиб берса, унда 58-бобнинг I – «Б» пункти бўйича 25 йил

лагер олади, агарда бўйнига олмаса – хиёнат, чет элларнинг маҳсус хизматлари агентураси билан ҳамкорлик қилигани ва маҳаллий аҳоли ўртасида мафкуравий қўпорувчилик тарғиботи ўтказгани учун отувга ҳукм этилади. Ҳа, танасига қаттиқ ўйлаб кўрсин.

Буларнинг ҳаммасини кўз олдига келтирган Тансиқбоев кўп нарсаларни олдиндан ўйлаб қўйган эди: сўроқ пайтида гап нима устида боришини ҳам, Куттибоев йўқ деб оёқ тираб туриб олишини ҳам, унинг белини синдириш учун қандай чоралар қўллашни ҳам кўзда тутиб қўйган эди. Шу билан бирга у Куттибоев ҳеч қаерга қочиб кутулолмаслиги, жонини сақдайман деса, шундан ўзга йўл қолмаганлигини ҳам яхши биларди. Албатта, «ўламан саттор айбдор эмасман, асирга тушган бўлсам, кейин югослав партизанлари билан бирга жанг қилиб гуноҳимни ювганман, ярадор бўлдим, қон тўқдим, уруш тугагач, депортация комиссиясидан ўтдим, ҳозиргacha ҳалол меҳнат қилмоқдаман» ва ҳоказо деб ўзини оқлашга уринади. Буларнинг бари ҳеч нарсага арзимайдиган қуруқ гаплар. Куттибоев шундай бир киши сифатида эмас, бутунлай бошқа бир нарса учун керак бўлаётганлигини қаёдан билсин?! Ундан талаб қилинаётган ҳолатда у бикиниб ётган давлат душманларини фош этиш ва таг-томири билан куритиш ишларига хизмат қиласди. Шунга у битта ҳалқа сифатида керак, ана ундан кейин барча ҳалқалар тортиб чиқарилади. Давлат манфаатларидан ҳам юкорироқ нарса бўлиши мумкинми? Баъзилар инсон ҳаёти қимматли деб ўйлашади. Галдирлар! Давлат бу – вужуд, бу – тандир ва бу тандирнинг ўтини фақат битта – одамлар. Акс ҳолда, тандир ўчади, совийди, кераги бўлмай қолади. Лекин ўша одамларнинг ўзлари давлатсиз яшолмайдилар. Ўзларини ўзлари ёқиб юборадилар. Гўлахлар эса тинмай ўтин етказиб туришлари керак. Ҳаммаси шу асосга қурилган.

Партия мактабида бир маҳаллар қадим таълимотлар түғрисида қулоғига бир нималар чалинганлиги боис мана шуларнинг ҳаммаси устида бош қотираркан, унинг кўнглидан кечган нарсаларни сира назардан қочирмайдиган хотини билан ёнма-ён ўтиаркан, ўртада қизиб бораётган суҳбат асносида ёнидагиларнинг гапларини бош қимирлатиб маъқуллар ва тасдиқларкан, Тансиқбоев юрагининг тубида инсон қанчалар ғаройиб яратилганлигидан завқланарди.

Мана, олайлик, у зиёфатда сара дўстларнинг даврасида шу ажиб дамларнинг кайфи, сурурини суриб ўтирибди, айни чоқда ўзи бутунлай бошқа бир нарса устида ўйламоқда. У нималарни мўлжалга олаётгани, қандай режалар миясида пишиб етилаёттанини ким тасаввурига келтира олади?! Мана, ўзи даврада тинчгина ўтирибди, лекин шу ўтиришида ёлғиз унинг иродасига боғлиқ даф қилиб бўлмас қақшатгич бир қудрат яшириниб ётибди ва ҳозирча ҳеч ким унинг нима ниятда эканлигини англаб етишга қодир эмас, бу ниятлар шунчалар махфий бир кучга эгаки, улар амалга ошган чоғда одамларни унинг қаршисида тиз чўктиради ва у орқали Мутлақ Ҳукмронлик Илохининг ўзи қошида ҳам чўк тушиб туришга мажбур бўладилар, шу маънода у кўплар қатори битта зина, ҳарқалай Мутлақ Ҳукмронлик Илохининг даҳшатли ҳайкали сари олиб чиқадиган саноқли зиналардан биттаси ва шунни ҳис қилиб туришнинг ўзи ҳам унга тутганмас жисмоний фароғат бағишлар, худди лаззатли таомни кўрганда ёхуд висол онлари қўшилиш лаззати яқинлашганда, одам шундай сабрсиз ва бетоқат бўлиб қолади. Кўтарилиган навбатдаги ҳар бир қадаҳдан унинг ҳаяжони янада ортар, бутун вужудини ширин бир жимирилаш қамраб олар, қонларини қизитар, мен эртагаёқ ўз режаларимни рӯёбга чиқараман ва ҳали ҳаммасига тўла улгураман, деб ҳайқириб юбормаслик учун ўзини базўр босиб турарди.

Тансиқбоев миясида бўлажак ишнинг барча тафсилотларини пишитаркан, ўз олдига қўйган мақсадларининг ўта асосли ва фикрларининг пишиқ-пухта, мантиқли эканлигидан ич-ичидан қувонарди. Шундай бўлса ҳам, ҳали яна нимадир етишмаётгандай, ниманидир ҳали яхшилаб каллада пишитиш керакдай, қандайдир далиллар ҳали етарлича ишга солинмагандай ва етарлича мағзи чақилмагандай бўлиб туюларди.

Олайлик Куттибоевнинг манқурт тўғрисида ёзганларини. Ахир бунинг остида нимадир яшириниб ётгандир. Манқурт! Ўз онасини ўзи ўлдирган лақма манқурт! Албатта-куя, бу эски чўпчак, лекин чўпчакни ёзиб олган Куттибоев ахир ниманидир назарда тутгандир?! Бу афсонани у бекорга қунт ва ҳафсала билан батафсил ёзиб олмаган чиқар, бу шунчаки бир тасодиф эмасдир-ку. Ҳа, манқурт, манқурт... Агар буни мажоз десалар, бу мажозида нима яширинган, у нимани англатади? Энг муҳими, Куттибоев манқурт воқеасидан ўз қўпорувчилик мақсадларида қай тарз, шаклда фойдаланмоқчи бўлган? Тансиқбоевга манқурт ҳақидаги афсонада мафкуравий жиҳатдан қандайдир шубҳали бир нима бордай туюлса-да, бироқ буни ҳали қатъий ва узил-кесил қилиб айтолмас, аниқ-таниқ бўйнига қўйиш учун тўла ишонч ҳосил қилмаган эди. Бундай ҳолатда, одатда, бу каби афсоналарни халқقا ёт деб баҳолаб ва шундан сўнг жавобгарликка тортилса, соз бўларди-я, лекин бунинг чораси қандай? Шунга келганда Тансиқбоевнинг билими етишмас эди, ўзи ҳам буни яхши тушинарди. Биронта олимга мурожаат қилинса, ёмон бўлмасди. Мана бугун ўзлари буржуа миллатчиларини фоиз этиб, шу ғалабани нишонлаб, ювиб зиёфатда ўтирибдилар. Ахир бу иш шундай юз бермадими, шундай очилмадими? Тўда аниқлангандан сўнг сафарбар қилинган

бир гурух олимлар бошқаларини миллатчиликда, сталинча социалистик даврни күролмасликда ва ўтмишни улуғлаганлика айблаб чиқмадиларми?! Тегирмон гулдираб кеча-кундуз ишлаб туриши учун шуларнинг ўзигина кифоя қилди, холос. Шундай бўлса ҳам, Куттибоевнинг манкурт воқеасини бунчалар қунт ва ихлос билан ёзиб олишида нимадир яшириниб ётгандай эди. Яна бир карра ҳар бир сўз устида дикқат билан мулоҳаза юритишга тўғри келади ва зигирдаккина илинтирадиган жойи чиқса, унда афсонани ёзиб олиш ҳам ишга тиркалади, бўйнига айб сифатида қўйилади.

Бундан ташқари, Куттибоевнинг қоғозлари орасида «Сариўзакдаги қатл» деб номланган бошқа бир Чингизхон замонларидан қолган афсона ҳам чиқиб қолди. Тансиқбоев эски замонларнинг бу афсонасига аввал унчалар эътибор қўлмаган эди, мана энди бу ҳақда ўйланиб қолди. Агар яхшилаб мағзи чақилса, унда қандайдир бир сиёсий имо-ишоралар йўқ эмасмикин?!

* * *

Чингизхон кунботиш ёқларни кўлга киритиш учун Осиёнинг кўз илгамас бепоён даштларидан лашкарларини эргаштириб бораарди. У Сариўзак чўлларига етиб келиб ўз юзбоиси билан унинг ёшгина хотинини қатл этишга буюрди. Шу хотингина Чингизхоннинг зардўзларидан бўлиб, хоннинг комидан ўт сочган аждаҳолар сурати тикилган нусратли ипак туғларини тикарди...

Бу чоғларга келиб Чингизхон Осиёнинг кўп ерларини босиб олган, ўғиллари, набиралари ва лашкарбошлиарига улус қилиб бўлиб берган эди. Энди наебат Итил орти ерларга, Европага келган эди.

Сариўзак даштларида куз ҳавоси кезарди. Кетма-кет ёққан ёмғирлардан сўнг ёз бўйи куриб қолган кичкина кўлчалар ва сойлар чучук сувларга тўлиб, энди сафар-

да отлар ташналиқдан қийналмас эди. Даشت лашкари жадал йўл босарди. Сариўзак чўллари йўлнинг энг оғир қисми ҳисобланарди.

Уч бўлак лашкар – ҳар бири ўн минг аскардан иборат уч туман чап ва ўнг қанотларини кенг ёйиб қўшин олдида борарди. Туманларнинг куч-кудратини шундан ҳам билса бўлардики, худди ер юзини оламшумул ёнғин қоплагандай чўл осмонини узоқ-узоқларгача неча-неча чақиримлаб уфқларни чанг-тўзон худди тутундай қоплаб ётарди. Яна икки туман захирадаги йилқилари, ўғруқ, кўч-кўронлари ва кунда сўйиладиган мол-хўқизлари, кўй-кўзилари билан орқадан келар – у томонда ҳам кўк юзига беҳисоб чанг-тўзон ўрларди. Яна булардан ташқари жанговар қисмлар ҳам бўлиб, бу ердан анча олисда жойлашганликлари учун уларни кўриб бўлмасди. Уларга етиш учун бир неча кун от чоптириб боришга тўғри келарди – улар қўшиннинг сўл ва ўнг қанотлари бўлиб, ҳар бир қанотда учтадан туман бор эди. Қанотдаги қўшиналар Итил сари мустақил ҳаракат қиласидилар. Совуқ қишиш тушгунча Итилга чиқиб, у ерда хон қароргоҳида ўн битта туман бошлиқларининг машварат-кенгашга йиғилишлари кутиларди. Кейинги ҳаракатларнинг режа йўриқларини келишиб олиш қерак эди. Сўнг муз билан қопланган Итилдан ўтиб, Чингизхон ва унинг лашкарбошилари шуҳрати оламга кетган жуда бой ўлкаларга йўл оладилар, у ерларни бошиб олишни қай бир аскар кечаю кундуз орзу қилмаган дейсиз...

Қўшин шу тариқа ҳеч нарсага қарамай, ҳаялламай, вақтни бой бермай шитоб билан жадалларди. Орқада келаётган кўч-кўронда хотин-халаж ҳам бор бўлиб, ишқалнинг ҳаммаси шу ерда эди.

Чингизхоннинг ўзи ярим минг қўриқчи кезегуллари ва шотир-аркон-давлати – ясовуллари куршовида худ-

ди сузив кетаётган орол каби мана шу улуғ издиҳом-нинг қоқ ўртасида борарди. Лекин унинг ўзи алоҳида – улардан бир оз илгарида кетарди. Тўрт Томон Дунё Ҳукмдори ўз яқин-атрофини кўплаб одамлар куршаб туришларини истамас, юриш чоғларини-ку қўяверасиз, бундай кезлар кўп гапирмай, нигоҳингни олға тикиб, фикр-хаёлингни жамлаб боришинг керак.

Хоқон ўзининг севған оти Хубани минганди, бу от хон билан бирга дунёнинг ярмини кезиб чиқкан десак, муболаға бўлмайди, у худди тезоқар сув ялтиратиб юборган миқти қайроқ тошдай эди, кўкракдор ва яғри-ни қудратли, оқ ёлли, думи қора, юриши бир текис ва ипакдай юмшоқ эди. Хоннинг юргун ва чидамли бошқа икки оти эса бош сайислар этагида шоҳона эгар-жабдуқларини ярақ-юруқ қилиб салт ҳолда келарди. Хон тагидаги от терчилай бошлаган ҳамон дарҳол бошқасига минарди.

Чингизхоннинг теварагини таптортмас, кўрқмас ботир кезегуллар ва ясовуллар куршаган, уларнинг жони ўзларидан кўра кўпроқ Чингизхонга тегишили эди, улар бамисоли ханжар тиғидай ўткир ва юз йигитдан бири танланган эди, уларнинг минганди отлари ҳам ноёб, худди олтин ём билари каби сараларнинг сараси эди. Гарчи шундай бўлса-да, диққат-эътиборни ўзига энг кўп тортган нарса Чингизхоннинг бу асъасаю дабдабаси эмас эди. Йўқ, бу юришда бутунлай бошқа бир нарса диққатни кўпроқ тортарди. Йўл бўйи Чингизхоннинг боши узра қуёшдан унга соябон бўлиб бир парча оқ булат бирга сузив келарди. У қайга юрса, булат ҳам шу ерга юради. Худди жуда катта чодирдай оппоқ булат хоннинг ортидан байни тирик хилқатдай эргашарди. Ҳеч ким бунинг нималигини билмасди, илло, кўк юзида оламни кезиб юрган дайди булат озми.

Ҳолбуки, бу бир каромат эди. Осмон жаҳон ҳукмдорини мана шундай тарэда алқарди. Бироқ Чингизхон-

нинг ўзи буни билар, булутга ўқтин-ўқтин киши билмас қараб кўяр ва борган сари, ҳақиқатан ҳам, бу Осмон Тангрисининг иродаси, унинг бир ишораси эканлигига ишончи ортарди.

Бир пайтлар аллақайлардан келиб қолган бир мусофири башораттўй шундай булат пайдо бўлишини олдиндан айтган эди. Ўша чоғлар Чингизхон уни ўз ёнига олган эди. Ўшанда мусофири тиз чўкиб бошини ерга урмади, оғиз кўпиртириб маддоҳлик қилмади, хонга ёқадиган башоратлардан лоф урмади. У олтин ўрдасидаги ўз тахтида ўтирган дашт ҳукмдорининг қаҳрли чехраси қархисида бошини тик тутиб турар, ўзи эса ориқ, эски-туски кийинган, соchlари ўсиб, патила-патила бўлиб, аёл соchlаридай елкаларига ёйилган эди. Мусофири қорачароқдан келган, боқишилари жиддий, соқоли тўрвадай осилиб кўксига тушган, чехрасидан ҳеч нарсани уқиб бўлмасди.

– Улуғ хоқон, – деб мурожаат қилди у хонга уйғур тилмоч орқали, Олий Осмон иродаси билан сизга кўкдан ўзгача бир башорат бўлди. Сизга шунинг хабарини етказмоғим керак.

Чингизхон бу кутилмаган гапдан бир зум тек қотди: «Мусофириңнинг ақл-хуши жойидамикин, бундай нарсаларнинг оқибати нималар билан тугаши мумкинлигини билмасмикин».

– Белги башорат деганинг нима ва сен буни қаердан биласан? – манглайи тиришиб, ғазабини базўр босиб қизиқди ҳукмдор.

– Қаердан билишимни айтишга ҳақим йўқ. Белгига келсак, уни айтаман – бошинг устида бир булат пайдо бўлади. У сенга эргашиб боради.

– Булат дейсанми?! – қошлирини қаттиқ чимириб, ажабланиб хитоб қилди Чингизхон. Шунда ҳозир бўлиб турганлар дарҳол сергак тортдилар, хоннинг ғазаб отига минишими кутдилар. Кўрқиб кетган тилмочнинг

лаблари гезарди. Хон қаҳрининг ўти уни ҳам куйдириб кетиши ҳеч гап эмасди.

- Балли, булат, - жавоб берди мусофири караматтўй. - Бу сенинг ер юзидағи олий мақомингни қўллаган юқори осмоннинг нишони бўлгай. Бироқ сен ушбу булатни асрагайсан. Бильякс, уни йўқотиб кўйсанг, унда ўз иқтидорингдан маҳрум бўлурсан.

Олтин ўрдага оғир сукунат чўкди. Шу дамда Чингизхондан ҳар нарсани кутса бўларди. Лекин бирдан унинг кўзларида чақнаган қаҳру ғазаб алангаси ёниб битаёзган гулханнинг сўнгги ўтидай сўнди. Мусофири ич-ичида нимта-нимта қилиб ташлагиси келса-да, лекин бу ваҳший истагини босди, дайди караматтўй бу гапларни унинг иззат-нафсига тегиш учун айтмаётган лигини тушунди, мабодо, уни жазолаган тақдирда ҳам, бу хоннинг шон-шавкатига ярашмаган иш бўларди. Шунда Чингизхон ғаддор табассумини сийрак тарғил мўйлаби остига яшириб, деди:

Борингки, Юқори Осмон сенга бу сўзларни аён қилмоқни буюрган ҳам бўлсин. Борингки, мен уларга ишондим ҳам дейлик. Лекин, қани, ўзинг айт-чи, эй доно мусофири, кўк юзидағи ўз эрки ўзида бўлган булатни мен қандай ушлаб тураман? Уни қўриқлаш учун тулпор минган чавандозларимни жўнатишим керакми? Балки ҳар эҳтимолга қарши уни асов отдай тушовлаб қўйишга ҳам тўғри келар? Шамоллар измида бўлган осмондаги булатни ўзинг айт ахир, мен қандай тутиб тураман?

- Бунинг ғамини сен ўзинг ейишинг керак, - қисқа жавоб қилди мусофири.

Яна ҳамма тошдек қотди. Яна ўртага ўлик жимлик чўкди. Яна тилмочнинг лаблари кўкарди. Олтин ўрда ичра тик турганларнинг биронтаси ҳам шўрлик баҳшига бошини кўтариб қаравшга журъат этмади. Бечора мусофири тентаклик қилибми, ё бошқа бир тушуниб бўлмас нарса туфайлими, бошини ўлим комига суқсан эди.

- Унга ҳадясини беринг, ўз йўлига кетсин, - бўғиқ сўзлади Чингизхон. Унинг бу сўзлари йигилганларнинг кўнгилларига ташнаком ерга тушган ёмғир томчилари-дай таъсир қилди.

Одам ишонгиси келмайдиган ғалати бу воқеа кўп ўтмай ёддан кўтарилди. Рост, ёруғ дунёда не-не ажо-йиб-гаройиб одамлар йўқ эмишми, дейсиз. Кароматгўй эмиш! Лекин ўша мусофири ҳавои бир истак учун бошини ўтга тиқсан экан-да, дейишлик ҳам унча адолатдан эмасдир. У бошига нима кўргиликлар тушиши мумкинлигини билмаслиги мумкин эмас эди. Ахир хоннинг чапдаст кезегуллари шу ернинг ўзидаёқ унга ташланишиб, кўлларини қайириб, асов отнинг думига боғлаб, тўнглик ва бетгачопарликнинг жазоси шу деб шармандаларча ўлдириб юборишлари ҳеч гал эмасди-ку. Шунга қарамасдан, ўша марди майдон мусофирининг кўнглига нимадир кўл солди, нимадир илҳом берди ва у шу боис сахроларнинг арслони, ёруғ жаҳондаги энг шафқатсиз, қаҳрли ҳукмдор қошида тиззаси қалтирамай тик туриб айтар сўзини айтди. Бу телбароқ одамнинг савдои қилиги эдими ёки ҳақиқатан ҳам Осмон башоратими?

Югуриб ўтаётган кунлар издиҳомида бу гаплар унтутилаёзган ҳам экан. Орадан роппа-роса икки йил ўтгач, ўша парвойи фалак башоратчи кутилмагандя яна Чингизхоннинг эсига тушди.

Салтанат ғарбга юриш тайёргарлигини кўриб икки йилни ўқазди. Кейинроқ Чингизхон мана шу икки йил салтанатни тўхтовсиз кенгайтириб бориш, бутун дунёни ўз ҳукм-ҳиккасига олиш, қанчадан-қанча ерлар ва ўлкаларни батамом бўйсундириб энг олий мақсадига эришиш, яъни, унинг енгилмас чавандозлари тўфон каби етиб бориши мумкин бўлган дунёнинг у чеккасидан бу чеккасигача кўлга киритиб, сўнг Тўрт Томон Дунё Ҳукмдори ҳақини қозонмоқ тадоригига ғайрат билан куч тўплаш, ҳозирлик кўриш пайти бўлганлиги-га ишонч ҳосил қилди. Даشت ҳукмдорининг бешафқат

мақсад-аъмоли, унинг тарихий вазифасининг моҳияти мана шу мутлақ ҳукмрон бўлиш, мутлақ қудрат касб этиш ниятига бориб тақаларди ва бунда аллақандай туганмас савдоийлик, ортга қайтмас қайсар, ташна истак яшириниб ётарди. Шунинг учун ҳам унинг бутун салтанати – поёнсиз Осиёда унга тобе бўлмиш барча улуслар, унинг қаттиқўли остида бўйини эгган турли-туман қабила ва уруғлар, барча шаҳарлар ва чорчамларда яшовчи бойлару бечоралар, қўйинг-чи, ким бўлмасин ва нима билан шуғулланмасин, ҳар бир одам бу ерда ўша азал-азалдан еб тўймас, қўриб тўймас, олиб тўймас иблисона ҳирсу ҳаваста – янгидан-янги босқинчиликлар, янгидан-янги ўлкалар ва халқларни босиб, эгаллаб олиш истагига бўйсунишга маҳкум этилган эди. Шу сабабдан, ҳамма бир юмуш билан овора, ҳамма ягона бир мақсадга бўйсунар – ҳамма бир жон-биртан бўлиб Чингизхоннинг ҳарбий қудратини кучайтириш, кўпайтириш, камолга етказиш пайида бўларди. Тоғу тошлардан конлар қазиб қурол-аслаҳа ясаш учун олинган барча зарур нарсалар, барча жонли, яратувчилик ишлари ҳарбий юриш эҳгиёжига, Чингизхоннинг Европага, унинг мислсиз бой-бадавлат шаҳарларига соладиган қудратли босқин ҳамласини ҳозирлашга қаратилган эди. Унда хоннинг ҳар бир аскарини мўл-кўл ўлжалар, шохлари шохларига чирманиб кетган ям-яшил ўрмонлар ва отнинг белидан келадиган ўт-ўланлар ўсган яйлов чаманлар кутар, у ерларда қимизларнинг дарё бўлиб оқишини кўринг эди. Чингизхоннинг комидан олов сочган аждарҳолар сурати тикилган яловлари остида юришда қатнашган ҳар бир кимсани ҳукмронликнинг завқи шавқлари, лаззатли фароғатлари кутар; уларнинг ҳар бири бағрида тенгсиз лаззатни жо айлаган аёлни қучган каби, ғалаба сурурини totажак. Улуғ хоқон ўлкаларга юриш, зафарлар қозониш, ерларни эгаллаб олишни амр этар ва амри ҳар ерда вожиб эди...

Чингизхон бениҳоя корфармо, тадбиркор ва фаросатли зот эди. Европани қўлга киритишни кўзларкан, у ҳамма ишни майда-чуйда тафсилотигача чамалаб, ҳисоб-китоб қилиб қўйган эди. Садоқатли жосуслар, айғоқчилар, савдогарлар, зиёратчилар, жаҳонгашта дарвешлар, ишビルармон чинликлар, уйғурлар, араблар, форслар орқали у сон-саноқсиз лашкарларининг юриши учун зарур жамики нарсаларни – барча энг тўғри йўллар ва кечикларни аниклаб, билиб олган эди. У шавкатли қўшинлари борадиган ерларда яшайдиган одамларнинг урф-одатлари, дину диёнатлари ҳамда машғулотларини ҳам ўрганишни эътиборидан соқит қилмаган эди. У ёзиш-чишишни билмасди. Шунинг учун сафарда юз бериши мумкин бўлган барча нарсаларнинг фойда-заарарини назаридан ўтказиб, барини ёдида саклашига тўғри келарди. Фақат шундай қилгандағина ишларнинг бари ўнгидан келар ва энг муҳими, қаттиқ темир тартиб-интизом ўрнатилар, фақат шундай йўл тутибгина ғалаба қозонмоқ мумкин бўларди. Чингизхон зигирдақкина бўлсин, бўшангликка йўл қўймас, Европани босиб олишдек катта мақсадига ҳеч ким ва ҳеч нарса тўсиқ бўлмаслиги керак эди.

Чингизхон бу юришининг тадбир-тадориклари устида бош қотиаркан, одамзод тарихида мисли кўрилмаган бир қарорга келди – у лашкар орасида бола кўришни ман этди. Ҳамма гап шунда эдики, жанговар суворийларнинг хотин-бала-чақалари, одатда, қўшик ортидан кўч-кўронлари билан бирга лашкар қаерга борса, шу ерга борар, жойдан жойга кўчиб юрарди. Эски замонлардан қолган бу одатни ҳаётнинг ўзи заруратга айлантириб қўйган, зотан, тинимсиз ўзаро низо, жангу жадалларда ғанимлар жойларда ҳимоясиз қолган хотин-халаж, кичик болаларни аёвсиз қирғин қилиб, кўҳна ўч олиш истакларини қондирар эдилар. Уруғ ёки қабиланинг илдизини қуритиш учун ҳаммадан бурун ҳомиладор аёлларни ўлдирадилар. Лекин замон-за-

монлар ўтиб ҳаёт ўзгарди. Аввал бир-бирлари билан адован қилиб урушиб келган қабилалар Чингизхон пайтида ягона улуғ давлат гумбазлари остида яқинлашар, бирлашар эдилар.

Ёшлик чөфларида, у замонлар ҳали Чингизхонни Темучин деб аташарди, унинг ўзи ҳам күшни қабилалар билан оз жанг қымаган, ўзи ҳам қаттиқ-қаҳрли күнларни күрган, не азобларни бошидан ўтказган, суюкли хотини Бүртэ меркитлар босқини чөфида ўмарид олиб кетилганд, чўриликтинг аламли қисматини туттган эди. Чингизхон ҳокимиятни қўлига киритгач, барча ўзаро низоларни шафқатсиз тарзда бостиради. У турли жанжал-можаролар давлатнинг куч-қудратини қирқиб, унга тинмай халал беринини яхши англаб етган эди.

Йиллар ўтиб, хонадонларнинг бутун кўч-кўронларини эскичасига кўтариб, кўчиб юришларига аста-секин эҳтиёж ҳам қолмади. Гап шунда эдики, орқада кўч-кўронни эргаштириб лашкарга ортиқча даҳмаза бўлиб, катта ҳарбу зарбларда ва айниқса, кутилмаган босқинлар, сув-сулукдан шитоб билан кечиб ўтишларда қўлни боғлаб, ҳаракатни сусайтиради. Даشتлар хукмдори мана шунинг учун ҳам кўшин ортидан кўч-кўрон солиб келаётган хотин-халаж ғарб юришида тўла ютиб чиқилмагунча ҳомиладор бўлмасинлар деб, олий фармон берган эди. Фармон юриш бошлиномасдан бир ярим йил бурун муҳланганди. Ўзиандо хоқон шундай деган эди:

– Кунботар ерларни қўлга киритайлик, отларимизни тўхтатайлик ва оёқларимизни узангидан узайлик – ана ундан сўнг кўрондаги хотинлар қанча туғаман десалар, туғаверсинлар. Унгача кўронларда бирор туғибди, деган гап қулогимга чалимасин...

Чингизхон урушларда енгиб чиқмоқлик учун ҳаёт ва ҳатто, худонинг ўзига қарши бориб, куфрони неъмат қилишдан тоймас, азал табиат қонуниятларини инкор этишдан чўчиб ўтирмасди. У, ҳатто, худони ҳам ўзига

хизмат қилдиришни истар, зотан, юкли бўлиш баңдага худонинг иноятидир.

На улус ва на лашкар ичидан ҳеч ким бунга қаршилик билдирамади, ҳеч кимса зўравонликка қарши чиқишини, ҳатто, хаёлига ҳам келтирамади, Чингизхоннинг кучкудрати шу даражага етган эдики, барча бола туғилишига қарши чиқарилган фармонга сўзсиз бўйсунди, бинобарин, уни бажармаган кимсаларни омонсиз ўлим жазоси кутарди...

Чингизхон мана ўн етти кундан буён Кунботарга юриш қилиб йўл босаркан, руҳида ўзгача, мисли кўрилмаган бир ҳол сезарди. Улуғ хоқон ташқаридан қаранганд, ҳар қачонгидай шон-шавкатига муносиб тарзда ўзини худди сокин ўтирган лочиндай жиддий, сипо, холис тутарди. Бироқ нечуқдир ичи-ичидан дили яйраб, қўшиқлар хиргойи қилар ва байтлар тўқирди:

*Булутлар юргурган кечалар
Туйнуги беркилган чодирим
Кўриқлади уйғоқ соқчилар,
Үйқу аста мени аллалар.*

*Арзийди уларни сийласам,
Мард, ботир, сотилмас соқчилар
Бошига хон кўтарган мени!
Қор ёғади бўралаб,
Жала жонини таталаб,
На иссиқ, совуқ демас,
Куршаб турар атрофимни,
Мудрамас ҳеч соқчилар!
Арзийди уларни сийласам,
Шон-шавкатли қўриқчиларим
Хоқон қилиб кўтарган мени!*

*Ёғий келса қўзғалиб,
Қайнадоқ сирғалиб,*

*Шитир этса илғайиб,
Шатта босган соқчилар!
Соқчилар сергак, ҳушёр,
Уларни сийлов даркор:*

*Ёллари тик бўрилар
Ойдинда илдам илгар,
Ўраб олар сардорини
Ов пайти кўк бўрилар!
Кунботишни босармиз,
Кулин кўкка сочармиз!*

*Тахтим-бахтим тишида тишлаб
Ҳар балодан асрар мени қўриқчиларим...*

Бу тизмаларни овоз чиқариб айтса, Чингизхонга ярашмаган бўларди – дидиё қилиб ўтириш унинг шаънига сира тўғри келмасди. Лекин эртадан-кечгача от устида йўл босишдан ўзга не чораси бор эди?!

Қўнгли қувонч, хуррамлиқдан тошар, бунинг боиси яна шунда эдики, мана, ўн етти кундан бери эртаю кеч Чингизхоннинг боши узра оқ булат кезар – у қайга борса, булат ҳам шу ёқча кўзгаларди. Башоратчининг айтган гапи ўнгидан келди. Ақл бовар қилмайди. Ўша дарвеш тушмагурни қилган сурлиги, бетамизлиги учун ўлдириб юбориши ҳеч гап эмас эди. Лекин толенинг ёзиги шундай экан. Мусофири бечора омон қолди.

Юришнинг илк куниёқ, барча туманлар, кўч-кўронлар ва подалар эрта кўкламнинг айқирган қора дарёлари каби бутун атроф-тумонотни қоплаб кунботар сари жадаллар экан, Чингизхон кун ўртаси отини алмаштириди ва багогоҳ кўкка кўзи тушди, лекин оҳиста сузуб юрган, балки унинг нақ боши узра муаллақ қолган оқ булаттга эътибор бермади – дунёда осмон бетида сузуб юрган дайди булатлар озми?!

У ўзидан андак нарироқ тегра олган кезегуллари ва ясовуллари ўртасида эгарда ўтирганча чор атрофга разм солиб, ўз хаёли ўзи билан бўлиб, бутун дунёни ишғол этиш учун интизом ва шиддат билан бораётган неча минглаб лашкарларига кўз югуртиради. Ҳа, уларнинг бари ёлғиз унинг иродасига бўйсунадилар, амру фармонларини жон куйдириб адo этадилар ва шу билан бирга ҳаммалари юракларининг туб-тубларида худди унинг каби ҳукмдор бўлмоқликни орзу қиласидилар. Бир қарашда уларнинг бари одам-подамга ҳам ўхшамайдилар. Балки баайни унинг жиловни маҳкам қисимлаб бораётган бармоқлари каби эдилар.

Чингизхон яна кўк бетига назар солди ва яна ўша оқ булутни боши узра кўриб, яна бунга парво қилиб ўтирмади. Дунёни зabit этиш фикрига мубтало бўлган бу зот нега осмондаги булут ердаги суворий қайга юрса, шу томонга эргашиб бораётганлиги устида, ўйлаб ҳам ўтирмади. Ердаги суворий билан тепадаги булутнинг бир-бирларига қандай алоқаси бўлиши мумкин дейсиз?

Сафардаги сон-саноқсиз лашкар ичida бирон кимса бу бир парча булўтга кўз солмади, ҳеч кимнинг у билан иши ҳам, хуши ҳам йўқ эди. Ҳеч ким куппа-кундуз куни мўъжиза рўй берганлигини ҳам фаҳмламади. Оёқнинг тагига қараб юриш талаб этилган бир пайтда тубсиз кўк юзига кўз тикиб ўтиришнинг не маъноси бўлсин?! Лашкар мўр-малаҳдек йўл босар, жарлар, ўрлар, адир-тепаликлардан, ғилдираклар ва туёқлар остидан чанг-тўзон кўтариб ўтиб борар, не-не масофалар, маконлар, балки энди абадулабадга буткул ортда қолиб кетарди. Буларнинг бари хоннинг хоҳиш-иродаси билан рўй берар, не-ча-неча минглаб одамлар шон-шавкат, давлатдорлик, ҳукм суриш, ўзга ерларни эгаллаш иштиёқида ёнган зотга маҳлиё бўлиб, унинг ҳукм-ҳиккасидан илҳомланниб, бахтиёр бўлиб, ҳар нарсага ҳозири нозир ҳолда йўл қатъ айлардилар.

Лашкар издиҳомлари шундай борар ва кеч туша бошлаган эди. Кўшин қоронғи тушган ерда тўхтар, тун ҳозирлигини кўрар, тонг отиши билан яна йўлга отланарди.

Хон ва унинг ўрдаси учун хизматкорлар олдиндан саройга муносиб чодирлар тортар эдилар. Чодирларнинг оқ қуббалари олис-олислардан кўзга ташланиб турар эди. Шундоқ хон ўрдасига кираверишда Чингизхоннинг байроғи шамолда ҳиллиарди. Четларига қизил ҳошия тутилган байроқнинг қора матоси узра ипак ва тилла иплардан тикилган алвон рангли аждаҳо ўт-олов пуркарди. Сара паҳлавон, тунд кезегуллар кўзларини йўлдан узмай ҳукмдорни кўриқлаб шаҳд-шиддат билан сафланардилар. Ҳаммалари худди мана шу ерда кечлик егулик қилишлари керак эди. Худди шу ерда Чингизхон таомдан сўнг сафарнинг биринчи куни натижалари ҳамда эртанинг йўриқларини кенгашдан ўтказиш учун кўшинларнинг нўёнларини чорлаган эди. Чингизхон сафарнинг кутли бошланганидан мамнун эди. Шу кеча у нўёнлари шарафига зиёфат беришликни кўзлар, уларнинг машваратларини тинглаб, ўзи ҳам зарур йўлйўриқлар, амру фармойишлар бериш ниятида эди. У нима демасин, ҳамма, ҳар ким сўзларини жон-дилдан тинглайди, қулоғига исирға қилиб тақиб олади, ҳа, Оламнинг Тўрт Томони унга қулоқ тутади, тез орада ёруғ жаҳоннинг бари унга тобе бўлади, шунинг учун у лашкар тортиб боряпти, оламни ўз амру фармонига бўйсундирялти. Амру фармон эса боқий кудратнинг белгиси.

Бироқ Чингизхон зиёфат қилиш фикридан қайтди. Паришон кўнгли ҳаловат тиларди. Негаки...

Чингизхон кўналға манзилига яқинлашиб келаркан, шу билан учинчи бора яна бир карра боши узра муаллақ оқ булатга кўзи тушди. Шунда бирдан унинг юраги орқасига тортиб кетди. Миясидан ақл бовар қилмас бир фикр ярқ этиб ўтди, у ниманидир англағандай бўй

либ лол қолди ва эти муз қотиб жимиirlади, кўз ўнги қоронғилашиб, ер чир айланди - у йиқилиб тушмаслик учун отининг ёлига ёпиши. У ҳеч қачон бундай ҳолга тушмаган эди, зотан, умр сурмоқ ва ҳукмронлик қилмоқ учун Кўқдан ато этилмиш оламнинг ўзгармас асоси бўлмиш қорабағир Ўтуган ерларида тик турган, ётган, қимирлаган неки бор, ҳеч бири ҳеч қачон уни лолу ҳайрон қила билмас, ҳеч нарса уни чўчитиб, хуркита олмасди; у ҳамма нарсани кўрган, бошидан кечиргандай, энди унинг шафқатсиз ақлини дунёда ҳеч нарса ҳайратга сололмас, қон тўқавериб тошдай қотган дилини ҳеч нарса шодлантира ёхуд қайғу-ғамга ботира олмайдигандай туюларди; ҳеч қачон у хоқонлик шаънини ерга уриб, юраксиз заифалар сингари от ёлига қўрқиб ёпишмаган эди. Бундай бўлиши мумкин эмас эди, бундай бўлмаслиги керак эди, чунки у бир нарсани жуда эрта англаб ётган, бунга ҳам э-ҳа, не замонлар бўлди, ҳали унда бир қориндан талашиб тушган иниси, мурти эндинга сабза урган Бектер билан сойда тутилган балиқни талашиб, аслида эса, бўриларга хос ички сезги билан қисматнинг биттагина эгарига икковлари сиғмасликларини англаб, уни ёй ўқи билан ўқлаган чоғларидаёқ ҳаётнинг азал тузугини бехато тўпна-тўғри бир тарзда билиб олган эди, у ҳам бўлса шуки, куч ишлатиб эзиш керак экан, куч олдида бўйсунмаган, тиз чўкмаган, ранги ўчмаган, ваҳший қудрат шиддатидан гуноҳкор одамзотни-ку ҳали қўя турайлик, тошми, сувми, оловми, дарахтми, дарранда ё паррандами, хуллас, куллари кўкларга совурилмаганлигини ҳали ҳеч кимса кўрган эмас. Зўр зўрдан зўр чиққанда, энг ажойиб кўринган нарсаларнинг ҳам туси ўчади, арзимас бир нарсага айланниб қолади, гўзалликнинг шўрига шўрва тўкилади. Мана шундан ана энди бир хулоса келиб чиқади: топталаётган, эзилаётган нимаики бор - бари ночор, бари ҳеч нарсага арзимайди, тиз чўккан, букилган, бош эгган нимаики мавжуд - бари раҳм-шафқатга сазовор, фақат

раҳм қылгувчининг инон-ихтиёрига кўра, албатта. Дунёнинг ишлари шу асосга қурилган...

Бироқ гоҳи Ҳимолайни кезиб юргувчи дарвешлар ва дарбадар баҳшилар масалу ривоятлар айтиб юрадиган Боқийлик ва Пойенсизлик мужассами бўлмиш Кўк Осмон ҳақида сўз боргандা, бу бутунлай бошқача. Шундай. Ўша сира англаб бўлмас сир-синоатга тўла Кўк Осмонгина унинг ҳукмига кирмас, бўйсунмас, тутқич бермас эди. Кўк Тангри ҳузурида у ҳеч ким, ҳеч қандай қурбу қудратга эга эмас – на исён қилолар, на қўрқитар ва на унга қарши жангга отлана оларди. Ер юзидағи жамики жонзотларнинг қисмати, Ҳимолай дарвешлари айтмоқчи, оламларнинг йўл-йўриғини ўз ҳукмида сақлаган Кўк Тангрига сиғиниб, сажда қымлоқдан ўзга чора йўқ эди. Шунинг учун ўлим шаробини муқаррар тутгувчи ҳар бир бандаси каби у Кўк Осмонга қурбонликлар келтириб, чин дилдан илтижолар қилиб ёлворар, раҳм-шафқатини дариф тутмай ўз ҳифзи ҳимоятида асраромонки тилар, одамлар салтанатларини ўз қўлида маҳкам тутмоқликда мадад ўтинар ва мабодо, дайди ҳакимлар айтганларидей, чексиз коинотда худди шу замин каби оламларнинг сон-саноғи бўлмаса, Кўк Осмондан биттагина куррасини ўзининг Чингизхонига, унинг фарзандлари ҳамда наслларига абадулабад эгалик ва ҳукмронликка топширмоқликни сўради. Зотан, дунёда одам болалари ўртасида ундан кўра қудратлироқ ва муносибироқ бошқа кимса бормикин ўзи; Оламнинг Тўрт Тарафиға ҳукмронлик қилиш учун ундан кўра кучлироқ қишини топиб бўлмас. Кўнгил мулкининг тубсиз қаърларида у шунга қаттиқ ишонардиди, Олий Кўк Тангрининг даргоҳидан илгари ҳеч ким ҳеч қачон сўрашга ботинмаган нарсани тиласам, яъни барча ҳалқлар устидан барча замонларда ҳукмронлик қилиш ҳақини сўрасам, бунга ўзгача ҳақ-ҳукуқим ҳам бор деб тушунарди. Ахир кимдир ягона, ёлғиз ҳукмдор бўлиши ҳам керак-ку, шундай экан, бошқаларни

куч ишлатиб тобе қилиб, бўйсундиришга қодир кимса ҳукмрон бўлсин. Кўк Осмон чексиз муруват кўрсатиб, унинг бошқа мамлакатларни босиб олиши, ҳукмронликни кучайтиришига тўсқинлик қилмас, вақт ўтиб боргани сари у Кўк Осмон ўзига алоҳида бир марҳамат кўрсатаётгани, одам болаларига номаълум бўлган Осмоннинг Олий Қодир кучлари у томонда эканлигига инонишончи ортарди. У ҳамма нарсага қодир эди, бўлмаса, у ўт қўйиб, кулини кўкларга совуриб, қиличдан ўтказган элларнинг барчасида ҳам унинг бошига тўхтовсиз лаънат-қарғишлар ёғдириб фарёд кўтараётгандар қанчадан-қанча; лекин ул шўрлик бечораларнинг қарғишлари унинг тобора шиддат билан ортиб бораётган қудратига, ҳаммани зир қақшатган шон-шавкатига заррача таъсир қилган эмас. Аксинча, уни қанча кўп лаънатлаб қарғасалар, у Кўк Осмондан ялиниб-ёлвориб раҳм-шафқат сўраганларнинг нола-фиғонларига шунча эътибор этмасди. Бироқ шундай бўлса ҳам, баъзан-баъзан дилига оғир шубҳа ва хавотирлар ёпирилиб кирап, Осмоннинг қахру ғазабига қолмасам эди, Кўк Тангрининг ғазаб ўқига дучор бўлмасам эди, деб ўртанарди. Шундай чоғларда улуғ хон бир зум тек қотар, ўзини ўзи босар, раъиятга нафас ростлашга имкон берар, Кўк Осмоннинг одил таъна-дашномларига қулоқ тутар ва ҳатто, тавба-тазаррулар ҳам қиласади. Лекин Кўк Осмон ғазаб сочмас, ундан норози бўлаётганини билдирамас ва ундан ўз чек-чегарасиз марҳаматини асло дариф тутмас эди. Ана шунда у, худди катта қиморга бошини тиккандек, Кўк Осмон ёзиги деб аталмиш нарсага басма-бас борар, ортиқ даражада таваккал қиласар, Кўк Осмоннинг сабру бардоши қаергача етишини синамоқчи бўларди. Кўк Осмон ҳам чидар, тоқат этарди! Мана шундан у ҳамма нарсага курбим етади деб хулоса чиқааради. Йиллар ўтгани сайин у ўзини мен Кўк Осмон сийлаган ва сийлаган одамман, мен Кўк Осмоннинг ўғлимани, деб тобора қаттиқроқ ишонарди. Чўпчаклардагина бўладиган нар-

саларга унинг ишонганининг сабаби бошқа ерда эди. Улуг байрамларда от мингани бахшилар халойиқ орасида юриб, уни Кўк туққан деб достон қилганларида ва минглаб қўллар кўкларга шодон қўтарилиганда – булар бари одамларнинг тубан хушомадгўйлигидан бошқа нарса эмаслигини у яхши биларди. У ўз бошидан кечиргандарига қараб шундай хулоса чиқарар эдики, Илоҳий Осмоннинг барча ишларда унга ҳомийлик қилишининг боиси фақат битта – у Кўк Тангрининг хоҳиш-иродасига жавоб берар ва унинг ҳукмини адо этар, бошқача айтганда, у – Олий Осмон иродасининг ердаги сояси эди. Осмон эса худди унинг ўзи каби фақат куч-кудратни, фақат куч-кудратнинг намоён бўлишини, фақат куч-кудрат эгасинигина тан олади, илло, у ўзини ўзи фақат шундай ярлақаган зот деб биларди...

Акс ҳолда, азал-азалдан овчилик ва чорвачилик билан кун кечириб келган, камбағаллашиб қолган, оз сонли аратқиётлар уруғидан бўлган етимча бола дунёга ҳукмдор бўлади, одамнинг ваҳимаси келадиган, ақл бовар қилмайдиган шон-шуҳрат чўққиларига худди лочин каби шиддат билан қўтарилади деб ким хаёлига келтирибди ва буни бошқа нима билан ҳам изоҳлаш мумкин. Ахир ҳаёт шаддод етимчага, нари боргандада, чапдаст от ўғриси қисматини раво кўриши мумкин эди. Шундай экан, тарихда мисли кўрилмаган бундай чек-чегарасиз ҳукмронлик қаердан пайдо бўлди? Бунга фол очиб ўтиришнинг ҳожати борми? Кўк Тангрининг хоҳиш-иродаси бўлмаса, тагидаги отдан ўзга ҳеч вақоси йўқ Темучиннинг боши узра комидан ўт сочган аждаҳо суврати солинган олтин ҳалли байроқлар ҳилпираб турмас, ҳеч қачон Чингизхон деб ном қозонмас ва ҳеч қачон Олтин ўрдugoҳ қуббалари остида баланд таҳтда ўтирмасди!..

Ҳаммаси шундай, ҳаммаси айни ҳақиқат эканлигини яна бир карра тасдиқлаб ва аён этиб, Кўк Осмоннинг Осиё хоқонига марҳаматини кўрсатароқ ҳеч бир инкор

этиб бўлмас башорати зоҳир бўлди! Мана, мана ўша мўъжиза оқ булат! Унинг пайдо бўлмоғини саёқ башоратчи каромат қилган, телба-тентаклиги боис, бошидан айрилишига оз қолган эди. Бироқ унинг башорати рост чиқди! Бўлажак буюк зафарлардан дарак берароқ Кўкнинг Осмон ўғлини қўллаб, йўллаб, маъқуллаб ва марғуб кўриб юборган башорати – мана ўша оқ булат.

Сафардаги неча минглаб лашкар ичидай шундай гарайиб мўъжиза бўлиши мумкинлиги ҳеч кимнинг хаёлига келмас, ҳеч ким бошлари узра муаллақ оқ булатни пайқамас, ҳеч ким унинг қаердан, нима учун пайдо бўлганлигини билмабди. Осмонда эркин кезган булатлар билан кимнинг не иши бор?.. Саҳройи лашкарларини дунёни қайта бир бошдан эгаллаш учун бошлаб бораётган улуғ хоқонгина оқ булатнинг не сабаб, не мақсад билан кўкда сузиб юрганлиги маъносини тушунди ва хаёлига келган фикрдан лол қолди, бундай кўз кўриб қулоқ эшишмаган ҳодисага унинг ўзи ҳам дам ишониб, дам ишонмасди. Кўрган-кузатганларини бирорга айтишни ҳам, айтмасликни ҳам билмас – ўй-хаёлига оғир шубҳалар ораларди. Бу сирни кўнгил очиб бирорга айтса, оқ булат кейин кўз очиб юмгунча ғойиб бўлса, унда не ахволга тушади? Одамлар, бу ақлдан озиб қолибди, деб айтмайдиларми?

Кейин яна кўнгли ёришар ва бу оқ булат осмонга менинг тепамга бекорга чиқмаган ва ўз-ўзидан йўқолиб ҳам кетмайди, ахир Кўк томонидан бир башорат каби юборилган, деб ишонар, шунда уни яна шод-хуррамлик чулғаб олар, ўзини кудратли парвозга отлангандек сезар, ақл-заковатига ишончи ортар, Кунботар мамлакатларни эгаллаш учун қўшин тортиб тўғри қилдим, қилич сермаб, ўт-оловдан ўтказиб бутун дунё салтанатини кураман деб, кўнглидаги аҳдини янада қаттиқ мустаҳкамларди. Шу ният, ўй-хаёл билан йўл босарди. Хукмдорликнинг ҳеч қачон тўймайдиган ҳирси эди бу.

Қанча күп әгалик қылса, яна қўпроқ-қўпроқ бўлишини хоҳларди...

Юриш давом этар, кунлар оқиб ўтарди. Оқ булат юксакда оҳиста маром билан ҳеч қаёққа оғишмай Хуба деб аталган оқ ёлли, думи қора, довруғли йўрғасида адл ўтирган Чингизхоннинг кўз ўнгидагу сузиг борарди.

Синчилар Хуба каби от минг йилда бир марта ўзгача юлдуз остида туғилади, дейдилар. У чин йўрға эди, қичаганда қушдек учадиган тулпор эмас, ҳориш нималигини билмайдиган мислсиз йўрға эди. Хуба тўхтамай ёғадиган жала каби ерни алангали нафаси билан тўлдириб, тинмай бир зайлда шитоб билан йўрғаларди. Мабодо жиловини тортмасангиз, бундай от қайноқ ижтиход ичида охирги нафасигача жадаллаб кетаверади. Ва узоқ тўхтамай ёғган ёмғир томчиси каби ерга сингиб кетади. Кўхна бир бахши айтган экан: бундай от минган одам энди ўлмайман, дейди...

Чингизхон мамнун ва бахтиёр эди. Танаси мислсиз қувватга тўлиб бораётгаидай юраги ичига сиғмас, ҳаракат қылсан, мақсадга етсан дер, худди ўзи чарчамас йўрғадай, худди тўхтамай бир маромда чопиб ҳаволайдигандай, худди дарёлар қўшилгандай бутун вужуди, бутун нафаси учиб бораётган отнинг кўпириб тошган қонига қўшилиб, қуйилиб кетаётгандай эди.

Ҳа, от ҳам, от эгаси ҳам бир-бирларига муносиб эдилар, куч кучга жўр бўларди. Шунинг учун суворийнинг эгарда ўтириши байни лочиннинг қояда ўтиришини эслатарди. От устида миқти ўтирган яғриндор, юзлари шамолларда қурч пишган чавандознинг оёқлари узангига мағур ишонч билан ўрнашган эди. У отда бамисоли тахтда ўтиргандай, бошини баланд кўтариб, қийик кўзли, икки ёноғи туртиб чиққан юзида тош-метин вазминлик муҳрланиб қолгандай бўлиб адл ўтиради. Сон-саноқсиз аскарларини шон-шараф ва ғалабалар сари етаклаб бораётган улуғ хоқондан атрофга куч ва ирода ёйиларди...

Чингизхон тўлиб-тошиб турар ва бунинг боиси унинг боши узра сузаётган оқ булат эди, худди тимсол каби, худди буюк қисматнинг тожи қаби. Щу маънода ҳаммаси бир-бирига мувофиқ, бир-бирига уйғун эди. Булат... Осмон... Илғорда, қўшинлар олдида байроқдорнинг қўлида сафар ялови ҳилпирав, ҳамиша Чингизхон қаерда бўлса, ялов ҳам шу ерда эди. Туғ кўттарганилар уч киши, уч байроқдор бўлиб, улар ўзларига ишониб топширилган фахрли вазифадан мағур ва ўқтам эдилар. Учала байроқдор ҳам худди атай танлангандай бир тури қора от мингган эдилар. Ўртада – тутбардор, икки ёнида куроли жангга шай найзабардорлар. Ипак ва зардан тикилган қора байроқ хоқон бораётган томонни кўрсатиб, шамолда парипар, комидан ўт-олов пуркаётган аждар эса худди тирикка ўхшарди. Аждар худди ҳужумга отилиб бораётгандай қилиб тасвирланганди. Унинг ҳамма нарсани кўрадиган, қон тўлган, худди нортуюники сингари дарғазаб кўзлари мато билан сакрар, вариллар, бамисоли чиндан ҳам жон битганга ўхшарди..

Чарчаш нималигини билмайдиган хоқон эрталабдан от устида ўтириб қўшинларини бошқаарди. Унинг қошига ҳар томондан хабарлар олиб нўёнлар келар, хоқондан кўрсатмалар олиб яна зудлик билан лашкарга қайтардилар. Шошилмоқ керак эди, кеч кузак ёмғирлари, лойгарчиликлар бошлангунча йўлларидағи энг катта тўсиққа, улуғ дарё Итил бўйларига етиб олмоқ даркор, бу ерда қишининг совуқлари тушишини кутиб, дарё музлагач ундан ўтадилару яна қайдасан Кунботар диёри деб йўлга тушадилар.

Юриш кеч хуфтонгача давом этди. Шом қорайиб келар, ботаётган қуёшнинг қиялаган шуълаларида кечки дашт кўз илғамас олисларга ёйилиб ётарди. Уфқ багрига чўкаётган алвон қуёш нур таратган маконларда минг-минглаб суворийларнинг сафлари ҳар бири ўз чекида ҳа, қат қиласар, уларнинг бари кунботиш томон

силжир, узоқдан улар қуюқ туман босган қора дарёлар-нинг оқимларини эслатардилар.

Отларнинг уззукун эгар-жабдуқдан ва чавандозлардан эзилган, ҳорган абгор елкалари фақат тунда, кўшин кўнган чоғлардагина дам оларди.

Аммо тонг азонлаб яна қўрхоналарда довулбошлар гумбурлар - хўқиз терисидан тортилган улкан довуллар қўшинни яна тинмай сафарга отлантирарди. Ўн минглаб одамларни уйқудан бирдан уйғотиш осон эмасди. Уйқудан уйғотувчилар бўлҳо-бўл деб ғайрат қилишар - довулбошларнинг вазмин даранглаган садолари бутун атрофга тарагиб, барча қўр-қароргоҳларга етиб бораради.

Бу фурсат хоқон уйқудан аллақачон турган бўларди. У, чамаси, барчадан илгарироқ ўрнидан туарар, илк кузнинг сарин, мунаvvар соатларида ўрдugoҳ атрофини кезиб юрар, фикрини бир жойга жамлар, тунда ўйлаб чиққанларини яна қайта мулоҳазадан ўтказар, зарур амру фармонлар берар ва шу билан бирга қўшинларни отлару аробаларга отлантираётган довулларнинг чорлагувчи сасларига диққат билан кулоқ тутарди. Янги кун туғилиб келар, ғовур-ғувур, шовқин-сурон кучаяр, ҳамма ҳаракатга кирап, тунда тўхтаган юриш қайта бошланарди.

Нақкораларнинг тарақа-туруқлари тинмас, улар тонг отганини аён қилиб, қўзғалишга чорлабгина қолмай, балки ундан ҳам ортикроқ бир нарсаларни англатарди. Чингизхон ўзи билан улуғ юришга отланган ҳар бир кишини шундай нуқиб, ниқталаб туарар, бу қаттиққўл, метин иродали ҳукмдорнинг эслатмаси бўлиб, шу тариқада у уйқудан туроётган лашкарининг миясига довулларнинг даранглари қанотида худди ёпиқ дарвозани очиб киргандек бостириб кирап, лашкарнинг хаёлини унинг ўзидан, иродасидан, ҳукмидан бўлак, ташқарн нарсаларнинг эгаллаб олишига йўл қўймас эди. Уйқудаги одамлар на ўзларига ва на ўзгаларга

тобе бўладилар, бинобарин, уйқу серкулфат, бемаъни ғафлат босган бир эркинликдирким, уйғониш палласи етганда, дарҳол ундан дағал шаҳд-шиддат билан кутулмоқ лозим, уйқудан халос бўлганларни яна хизматларини ўташга тортиш, яна ҳар томондан иш-кучга жалб қилишга тўғри келади.

Кўсу ноғораларнинг қўтослар ўқиргани янглиғ вазмин суронлари ҳар сафар олис хотираларни эслатиб, Чингизхон юрагига ғулғула солади: ўсмирлик пайтлари икки қадамгина нарида икки буқа ёввойи ўқириб, кудратли түёқлари билан тошларни шалдиратиб тишиб, чанг-тўзон кўтариб, бир-бирлари билан дағдағали сўқишар эканлар, уларнинг ўқирган товушларига маст бўлиб, ўқ-ёйни қўйлига олиб, мудраб турган укаси Бектерни қандай ўқлаб қўйганини ўзи ҳам билмай қолди. Ўшанда оға-ини дарёдан тутилган балиқ вожидан айтишиб ғижиллашиб қолган эдилар. Бектер дод солиб ўрнидан туриб кетди ва шу заҳоти яна ерга қулади, ўз қонига ғарқ бўлди. Темучин эса, ҳа, у пайтларда ҳали фақат Темучин, бевақғ ўлиб кетган шўрлик Есугай баҳодирнинг етимча ўғилчаси эди, ўшанда Темучин ўтов олдида ётган довулбошни елкасига кўтариб, қўрққанидан тоққа қараб қочган эди. Тоғ бошида у тинмай довул қоқиб ўтираверди. Онаси Оқўлан эса пастда соchlарини юмдалаб йиғлар, тинмай фарёд солар, уканг қонини тўқдинг, деб қарғарди. Кейин бошқа одамлар ҳар ёқдан чопиб келишди, ҳаммалари унга алланималар деб бақиришар, қўлларини силкитишар, лекин у ҳеч нарсани эшитмас, довул қоққани қоққан эди. Негадир ҳеч ким унга тегмади, яқинлаб келмади. Тонг отгунча у тоғ тепасида довул чалиб чиқди..

Мана энди юзлаб довулбошлар унинг жанговар чорлови, унинг шиддатли ҳайқириқлари, ёвқур, қўрқмас, шафқатсиз чақириғи каби янграйди – ва у билан бирга юришга отланганларнинг барига – тингламоқ, турмоқ,

бажармоқ, мақсад сари жадал босмоқ дунёни эгалламоқ-ни амр этади. Ҳа, энди улар хоқон билан биргаликда дунёнинг энг сүнгги чеккасигача боражаклар - ахир қайларда-дир уфқ тугаши ҳам керак-ку. Ҳа, дунёда неки қимирлаган жонзот мавжуд бўлса - эштиш, кўриш, билишга қодир барча одамлар ва маҳлуқлар вужудлари титраб-қақшаганча унинг жанг ногораларига қулоқ тутадилар. Ҳа, ҳатто яқин вақтлардан бери унинг яширин ўй-хаёлларига гувоҳ бўлиб келаётган оқ булат ҳам, бошқа ҳеч ёққа оғишмай, кўсноғораларнинг тонгти қалдироқларини тинглаганча оҳиста сузади, оҳиста кўпиради. Асов шамол комидан олов сочар, худди тирикка ўхшаб кўринадиган аждарли салтанат яловини пар-пар дариллатади. Аждар ялов қатлари, тўлқинларида қатланиб чопади, оғзидан қип-қизил ўтлар сочади...

Бу кунлар тонгларнинг ҳавоси енгил ва сарин.

Чингизхон тунлар уйқу олдидан атрофни айланиш учун чиқади. Пойенсиз, ҳувиллаган даштларда ҳамма ёқда гулханлар ёнар, улар яқинроқлардан пориллаб, олислардан эса живирлаб, учкунлар сочган ҳолда кўзга ташланарди. Жанговар лашкаргоҳлар ва кўронларда, йилқи ва пода ҳайдовчиларнинг кўриқхоналарида ер бағирлаб оқиш тутунлар сузар, ҳамма ушбу пайт терлаб-пишиб шўрва иchar ва тўйиб-тўйиб ҳил-ҳил пишган гўштларни ер эди. Қайнаб турган дошлардан кўтариб олинаётган йирик-йирик гўшт бўлаклари хуш бўй таратиб, даштнинг оч ваҳшийларини ўзига тортар, безовта қиларди. Дам унда-дам бунда қоронғилик қўйнида ваҳшийларнинг ёниб йилтираган кўзлари лип-лип кўринар, шўрлик жониворларнинг юракни ўртовчи увиллашлари эштиларди.

Сўнг лашкар қаттиқ уйқуга толди. Фақат лашкаргоҳни айланиб юрган тунги соқчиларнинг товушлари ке-часи ҳам ҳаёт ўз қатъий тартиб-интизоми билан давом этаётганлигини кўрсатарди. Аслида ўзи шундай бўли-

ши керак эди – ҳамма нарсанинг ўз ўрни, вазифаси бор – ҳамма нарса оқибатда ягона ва олий мақсадга – Чингизхоннинг оламни ўз тасарруфига киритишига ҳар жиҳатдан тугал-тўқис хизмат қиласди. Шундай пайтлар дили сурур ва фароғатга тўлиб, ўзининг нималарга қодир эканлигини англаб етар – ҳукм суришга енгиб бўлмас, тузатиб бўлмас, қайтариб бўлмас ташналик, бедаво бир эҳтиёж сезадиган энг олий одам деб билар, қанча кўп ҳукмронлик ва эгалик қилгиси келар ва ана шунга боғлиқ ҳолда муқаррар ҳамда мутлақ бир хулоса келиб чиқар – унинг ҳукмронлигига ҳукмронлик қўшадиган ва ҳукмронлигини мустаҳкамлайдиган нарсаларгина мақбул ҳамда яроқли, бу ишга ярамайдиганлари эса, яшашга ҳақли эмас деб топиларди.

Шунинг учун ҳам Сариўзакда одам қатл этилган, кўп замонлар орадан ўтиб эса бу тўғридаги ривоятни Абутолиб Куттибоев пешонасининг шўри учун ёзиб олган эди...

Сафар кечаларидан бирида отлиқ соқчи тунқаторлар ўнг қўл туман кўшинлар қароргоҳларини кузатиб юришарди. Жанговар лашкар кўнган ердан ташқарида ўғруқ – турли кўронлар, подачилар ва ўзга юмушчиларнинг манзилгоҳлари жойлашган эди. Соқчи тунқаторлар бу ерларни ҳам кўздан кечириб чиқишиди. Ҳаммаси тинч, жойида эди. Кун бўйи йўл босиб қаттиқ ҳориган одамлар ўтовлар, чодирлар ва ҳатто кўпчилик очиқ ҳавода, пилпиллаб ёнаётган гулханлар атрофида донг қотиб ухлардилар. Атроф жимжит, барча чодирлар ва ўтовлар ичи қоронғи эди. Тунқаторлар ишларини охирлаб бўлаёзган эдилар. Уч киши эди тунги соқчилар. Улар отларининг жиловларини тортиб, нималарнидир сўйлашиб қолдилар. Улар ичида каттаси – юзбоши қалпоғини кийган азамат гавдали отлиқ – овозини баланд кўтармай буюрди:

– Хўп, бўлди ҳисоб. Сизлар бориб бир оз мизғиб олинг. Мен бу ерни яна бирпас айланаман.

Икки соқчи отлиқ отларини буриб кетиши. Аnavи қолган киши – юзбоши дастлаб атрофга дикқат-эъти бор қилиб қаради, қулоқ тутиб турди, кейин пастга тушиб отини етаклаб олди-да, кўч-кўронлар қатор-қатор жойлашган, сафар устахоналари, косиблар, тикувчиликар, куролсозлар қаторларини оралаб ўтиб, кўроннинг энг четидаги ёлғиз ўтовга йўл олди. У ўй-хаёлга толганча бошини қуий эгиб теваракдан келаётган турли товушларга қулоқ тутиб бораркан, Кўк тоқидан қуялган ой нури унинг йирик юзини ёритар, ортидан вазмин эргашиб келаётган отнинг катта-катта кўзларида ярқираб шуълаланаарди.

Юзбоши Эрдене ўтовга яқинлашиб қолди, бу ерда, афтидан, уни кутишаётган эди. Бошига елкалари араш рўмол ташлаган бир аёл ўтовдан чиқиб, остоноада кутиб турди.

– Самбайну, – овозини паст қилиб аёл билан саломлашиб юзбоши. – Хўш, нималар бўляпти? – сўради у хавотирланиб.

– Ҳаммаси жойида, ҳаммаси яхши ўтди, худога шукур. Бўлди, энди қўрқма, – шипшиди аёл. – У сени кўзи тўрт бўлиб кутяпти. Эшитдингми, кўзи тўрт бўлиб.

– Ўзим ҳам зўрға чидадим! – жавоб қилди юзбоши Эрдене. – Аксига олиб нўёнимиз уюргаги отларни санаб чиқиши буюрди. Уч кун ҳеч иложи бўлмади, келолмадим, уюрларда юрдим.

– Вой, ўзингни ўртайверма, Эрдене. Бунаقا пайтда сен нима ҳам қиласдинг бу ерда? Одамларнинг кўзига ташланмаганинг тузук. – Хотин таскин бергандай бошини чайқади-да, қўшиб кўйди: – Омон-эсон оппон-саппон кўзи ёриганини айтсанг-чи. Миқ этиб овозини чиқармади, ҳаммасига чидади бола пақир. Тонг қоронғисида уни усти ёпиқ аравага жойлаштиридим. Ҳеч нарса кўрмандай бўлиб кетди. Хўб ажойиб хотининг бор-да. Вой,

мен нима қилиб турибман! - Бирдан питирлаб қолди хотин. - Күлингга қўнган лочин сенга ҳамиша қут келтирсин! - деб алқади у. - Ўғилчангга ўзинг исм кўй.

- Дуоларинг Осмоннинг қулоғига етиб борсин, Олтун! Дўғуланг билан бирга сендан дунё тургунча қарздормиз, - миннатдорчилик билдириди ўзбоши. - Ислами ҳам кўярмиз, қочиб кетмас.

У аёлга отнинг жиловини тутқазди.

- Хавотир олма, қанча вақт десанг, шунча қараб турман, ўрганиб қолганман. - Йигитни ишонтириди Олтун.

- Бор, бор, Дўғуланг сени интизор бўлиб кутяпти, жуда, жуда кутяпти.

Ўзбоши нафасини ростлагандай бўлиб бир зум туриб қолди, кейин ўтовга яқинлашиб, оғир намат тўсиқни ярим кўтариб, энгашиб ичкарига кирди. Ўтовнинг ўртасида мўъжазгина ўчоқ ёнар, ўчоқнинг ғира-шира шуълаларида тўр томонда елкаларига савсар чопон ташлаб ўтирган Дўғулангни кўрди. У ўнг қўли билан устига жун кўрпа ташланган беланчакни оҳиста тебратиб ўтиради.

- Эрдене! Мен бу ердаман, - деб овоз чиқарди у ўзбоши ичкарига кирганлигини кўриб. - Биз бу ёқдамиз, - уялинқираб, жилмайиб гапини тўғрилади у.

Ўзбоши совут, ўқ-ёй, қинли шамширини ечиб, курол-яроқларини пойгакда қолдириб, аёлининг ёнига ўтди ва қўлини чўэди. У тиззалаб ўтирди ва уларнинг ўзлари ўзларига тегди. Улар бошларини бир-бирларининг елкаларига қўйиб қучоқлашдилар. Шу кўйи тек қотдилар. Олам ўтов ичиди улар учун шу тариқа жам бўлди. Шу кўчма қўналғадан ташқарида нима қолган бўлса, бари ўз маъносини йўқотди. Фақат икковлон тошишганлари маънога эга эди. Уларни эҳтирос ва ҳарорат билан қовуштирган ҳамда бундан уч кун бурун ёруғ дунёга келган жажижигина жон маънога эга эди.

Эрдене биринчи бўлиб сўзга оғиз очди.

– Хўш, ўзинг қалайсан? Тузукмисан? – деб сўради тез-тез ураётган юрагини базўр босиб. – Нима бўлдийкин деб кўп хавотир олдим.

– Энди ҳаммаси ўтиб кетди, – деб жавоб берди аёл хира ёруғлик ичидаги оҳиста жилмайиб. – Буни ўйлама. Уни сўра, ўғилчамизни сўра. Миқтигина бўлиб туғилди. Кўкрагимни қаттиқ тортиб сўради. У қуйиб кўйгандек сенга ўҳшайди. Олтун ҳам: «Қаранглар-а, худди ўзгинаси-я», – дейди.

– Уни менга кўрсат, Дўғуланг. Қани, бир кўрай!

Дўгуланг бир оз сурилди ва беланчак устидаги кўр-пачани очишдан олдин беихтиёр қулоғини динг қилиб ташқаридаги овозларни тинглаб турди. Атроф жимжит, сукунатга ғарқ эди.

Юзбоши ухлаб ётган чақалоқнинг ҳали тархи ноаён юэида ўзига ўхшашиб томонларни уқмоқчи бўлгандай анчагача тикилиб қараб турди. Янги дунёга келган одамчага нафасини ичига ютганча термуларкан, азал хукми билан наслнинг оламга келишининг илоҳий маъно-моҳиятини ғалки умрида биринчи маротаба англаб етаётгандай бўлди. Шунинг учун ҳам, ҳар бир сўзини мисқоллаб ўлди, шундай деди:

– Мана энди меч ҳамиша сен билан бирга бўламан, Дўгуланг. Бошимни нима иш тушмасин, бари бир доимо сен билан бўламан! Чунки сен менга ўғил ато этдинг.

– Бирга бўламан, ейсанми? Кошкийди! – алам билан хўрсинди аёл. – Болакай худди Будда каби иккинчи қиёфам демоқисан, шекилли. Уни эмизиб ўтириб мен ҳам шу тўғрида ўйладим. Уч кун бурун у йўқ эди. Мана энди қўлимда балқиб турибди. Шунда ўзимдан ўзим у сенинг дунёга янгидан келишинг бўлса керак, деб ўйланиб қолдим. Сен ҳам ҳозир шундай демоқчи эдингми?

Шуни ўйладим. Лекин сал бошқачароқ. Мен ўзимни Буддага солиштиrolмайман.

– Солиширмаганинг ҳам яхши. Сен Будда эмассан. Сен менинг аждаримсан. Мен сени аждарга ўхшатаман, – эркалаб шивирлади Дўғуланг. – Мен хон яловларига аждарлар тикаман. Ҳеч ким билмайди. Улар ҳаммаси сенсан. Ҳамма тиккан байроқлардаги аждарларим ўзингсан. Тушларимда ҳам уни кўраман. Тушимда аждар суратини чизаман, кейин утирилади, сен фақат қулма. Уни тушимда қулоқлайман, қўшиламиз, кейин биз учамиз. Аждар мени олиб кетади. Мен у билан бирга учаман. Энг ширин пайтида мундоқ қарасам, аждар эмас, сен бўлиб чиқсан. Сен тушимда дам аждар, дам одам бўлиб қоласан. Ўйғониб кетаману нимага ишонишмни билмайман. Мен сенга, Эрдене, илгари ҳам айтганман – сен менинг ўтли аждаримсан. Бу ҳазил гап эмас. Ўзи шундай. Мен сени, сенинг аждар қиёғангни яловларга кашта қилиб тикаман. Мана энди қисмат экан, мен аждардан ўғил кўрдим.

– Сенга шу маъқул бўлса, майли, айтганингдай бўла қолсин. Лекин гапимга қулоқ сол, Дўғуланг, сенга бир нарсани айтиб қўйишим керак. – Юэбоши жим қолди. Кейин яна сўзини давом эттирди: – Мана энди фарзандлик бўлдик, бу ёғига энди нима қилишимизни ўлашибиз керак. Ҳозир шуни гаплашиб оламиз. Олдиндан айтиб қўйяй: сен буни билиб қўйганинг яхши, балки ўзинг ҳам билсанг керак, лекин бари бир айтаман: «Мен соғинаман, доим сени соғинаман. Бир нарсадан жуда кўрқаман. Жангда бошимдан жудо бўлишдан эмас, соғинишдан, айрилиб қолишимдан кўрқаман. Лашкар билан бирга дам у ёқقا дам бу ёқقا от суреб боргандаримда соғиниш мен билан бирга ногоҳ ҳалок бўлмаслигини истайман. Уни ўзимдан ажратиб, қандай қилиб сен билан бирга қолдирсам экан, деб бошим қотади. Ҳеч иложини ахтариб тополмадим. Лекин мен соғинишм қушга ёки шунга ўхшаш бирор жонзотга, ишқилиб, қандайдир тирик бир нимага айланниб қолишини хоҳлайман. Шунда уни сенинг қўлингга тутқизсаму: «Мана, ол, бу менинг соғинчим бўлади, майли, у ҳамиша сен билан

бирга бўлсин», – деб айтишни орзу қиласман. Ана шунда мен ҳалоқ бўлишдан кўрқмайман. Мен мана, энди тушишдим – ўғлим сенга бўлган соғинчимдан дунёга келган экан. Бундан буён у ҳамиша сен билан бирга бўлади.

– Лекин унга ҳали исм қўйганимиз йўқ, Сен унга исм топдингми? – сўради аёл.

– Топдим, – деди юзбоши. – Агар сен маъқул кўрсанг, унинг исмини Кунан деб қўямиз.

– Кунан!

– Ҳа.

– Вой, мунча яхши. Кунан! Жийрон той!

– Ҳа, уч яшар той. Отнинг энг кучга тўлган пайти. Ёллари ҳам худди бўрондай, туёқлари чақмоқдек.

Дўғуланг чақалоқ устига зингашди:

– Кулогингни оч, отанг сенга исмингни айтади!

Шунда юзбоши Эрдене деди:

– Сенинг исминг – Кунан. Эшитяпсанми, болам? Сенинг исминг – Кунан.

– Шундай бўлгай. Омин.

Ушбу дам қанчалар қимматли эканлигини ҳис қилиб, улар беихтиёр жим қолдилар. Тун сукунатга чўмган, фақат қўшни кўронда ит бандоҳ вовиллаб кўйди ва узоқдан отнинг пишқириб кишинагани эшитилди – тун чўкканда балки от тоғлардаги юрти, асов сойлар, қуюқ лаззатли ўт-ўланлар, отлар сағрида яп-ярқираган қуёш нурларини эслаб соғиндими?.. Исм эгаси бўлиб қолган чақалоқ эса мириқиб ухлар, унинг бегуноҳ, мурғак қисмати ҳам унинг ёнида у билан бирга уйкуда эди. Лекин у тезда чўчиб кўзини очмоқقا маҳкум.

– Мен боламизнинг исми нима бўлади, деб ўйлаганимнига йўқ, – ўртадаги жимликни бузиб деди юзбоши Эрдене ва мўйловларини бақувват кафтлари билан силаб қўяркан, хўрсинди, – мен бошқа бир томонини ҳам ўйлаганман, Дўғуланг. Ўзинг биласанки, ёш гўдак билан бу ерда қолишинг мумкин эмас. Тезроқ кетиш керак бу ердан.

- Кетамизми?
- Ҳа, Дўғуланг, кетиш керак, яна қанча тез бўлса, шунча яхши.
- Мен ҳам шуни ўйлаган эдим. Лекин қаёққа, қандай кетамиз? Сен нима қиласан?
- Сенга ҳозир шуни айтмоқчи бўлиб турибман. Биз бирга кетамиз.
- Бирга кетамизми? Бунинг ҳеч иложи йўқ-ку, Эрдене!
- Бирга кетамиз, тамом. Бошқача бўлиши мумкинми?
- Бу айтаётган гапларингни ўйлаб кўрдингми? Сен, ахир, ўнг қўлнинг юзбошиси бўласан-а!
- Ўйлаганман буни, қаттиқ ўйлаганман.

Лекин хоқоннинг қўлидан қочиб қаерга борасан? Ер юзида бунақа жой йўқ. Эрдене, хушингни йигиб ол!

Мен ҳаммасини ўйлаб қўйдим. Гапимга яхшилаб қулоқ сол. Олдинлари имкон борида одамлари, бозорлари, санқиган саёқ дайдилари кўп шаҳарларда турганимизда ҳеч кимдан беркиниб ўтирганимиз. Ўша пайтларда сенга бекорга айтмаган эдим, Дўғуланг: бегона юртларнинг кийим-кечагини устимизга илиб, дайди саёқларми дарвешларга қўшилиб, ҳайё-хув деб бошқа ёқларга кетайлик деб!

– Қаёққа кетамиз, Эрдене? – алам билан деди каштachi аёл. – Эмин-эркин яшайдиган юртни биз қаердан топамиз? Худодан қочсанг, балки иложи бор-у, лекин хоқондан қочиб кутулиб бўлармикин? Шунинг учун у пайтлар журъат қилмаган эдик. Ўзинг тушунасан-ку, лашкар ичida қайси марднинг бунга журъати етади? Кўрқиб-пусиб юрдик, сиримизни ҳеч кимга ошкор қилмадик. Сен бошинг кетишидан кўрқиб лашкардан кетолмадинг. Мен сендан, ўз баҳтимдан айрилгим келмади. Мана, энди ёнимизга ёнбosh қўшилди. Ўғиллик бўлдик.

Шу тоб аллақандай хавотир бостириб келиб, улар жимиб қолдилар. Шунда юзбоши айтди:

– Одамлар шармандаликдан қочади, номус-орини йўқотиб, қочади. Ишқилиб, бошимни кутқарсам бас,

- дейди. Биз тақдир фарзанд ато этгани учун қочишиңа мажбурмиз. Қочмасақ, бизни бир балога гирифтор қиласылар. Асло раҳм-шафқат қилиб ўтирумайдилар. Хоқон ҳеч қачон ўз амр-фармонини бекор қылмайди. Вақт борида кетайлик, Дүғуланг, бошқа иложимиз йўқ. Бахт ва баҳтсизлик битта илдиздан кўкаради. Баҳтилизни тотиб кўрдик. Энди кулфатидан ҳам кўрқмайлик. Кетиш керак.

- Ҳаммасини тушуниб турибман, Эрдене, - деди оҳиста пичирлаб аёл. - Гапларинг тўғри. Фақат мен қайси бири тузук экан деб, ўйланиб турибман. Тирик қолиши ми ё либ кетиши ми? Мен ўзимни айтатётганим йўқ. Сен билан шунчалар баҳтлиманик, ўзимга ўзим керак бўлса ўлимга тайёрман, дейман. Фақат сендан орттирганимни ўлдиришга сира рози эмасман. Худо менга ақл берганми, бермаганми, лекин бу кўлимдан келмайди...

- Кўй, ўзингни қийнама. Яшайми, яшамайми, деб бунақа қийналишнинг сира ҳожати йўқ. Ҳали туғилмаган болани қурбон қилишни истамадик. Мана, у дунёга келди. Энди уни деб яшаймиз. Яаш учун бу ерлардан бош олиб кетамиз. Сен ҳам, мен ҳам, ўғлимиз бўлса эди, деб орзу қилган эдик.

- Мен ўзимни айтмаяпман. Бошқа нарсани демоқчиидим. Менга бир нарсани айтиб беролмайсанми? Агар мени ўлдирсалар, сени ва ўғилчангни тирик қолдиришармикин?

- Кўй, ундей дема. Мени ерга урма, Дўғуланг. Гап бу ҳақда кетаётгани йўқ-ку? Ўзинг яхшимисан, ахир? Қандай ҳис қиляпсан ўзингни? Йўлга чиқишига курбинг етадими? Сен аравада Олтун билан бирга борасан, у гап тайёр. Мен ҳар эҳтимолга қарши ён-верингизда бўламан, сизларни кўриқлаб бораман...

- Ўзинг биласан, - деб қисқа жавоб қилди каштаци аёл. - Бирга бўлсак, бас! Ёнма-ён...

Улар бошларини беланчак устида эгиб жимиб қолдилар.

- Айт-чи, - пичирләди Дүгүланг, - күп ўтмай лашкар Ыйиқ даштларига чиқармиш, ростми? Олтун одамлардан эшиздим дейди.

- Рост. Икки кунлардан кейин етамиз. Оз қолди. Қайирларга эртагаёқ етиб борамиз. Кейин ўрмонликлар, бутазор, түқайзорлар бошланади. Ундан кейин Ыйиқقا чиқамиз.

- Катта, чуқур дарёми?

- Итилга етгүнча энг катта дарё шу.

- Чуқурми жуда?

- Унча-мунча от сузиб кечиб ўтолмайды, айниңса, тез-окар жойларida. Дарё тармоқлари пича саёзрок келади.

- Демак, дарё чуқур, тез оқар экан-да?

- Ойнадай текис оқади. Асов, шүх жойлари ҳам йўқ эмас. Биласан-ку, болалигим Ыйиқ даштларida ўтган. Бизнинг уруғимиз шу ерлардан. Ыйиқ – барча кўшиқларимизнинг онаси. Ойдин кечаларда айтишади ўланларини.

- Эсимда, - хаёлга толиб деди каштachi аёл. - Бир сафар менга ўлан айтиб берган эдинг. Ҳалигача эсимдан чиқмайди. Севганидан айрилган қизнинг айтими эди. У ўзини Ыйиқقا ташлаган эди.

- У жуда эски ўлан.

- Менинг бир орзуим бор, Эрдене. Ипак матога кашта солиб тикмоқчи эдим: қизни сув ютиб бўлган, фақат енгил тўлқинлар атрофга жимиirlаб таралади. Теваракда ўт-ўланлар, күшлар, капалаклар... Аммо шўрлик қиз аллақачон аламига чидолмай сувга чўкиб кетган. Каштага кимнинг кўзи тушмасин, унга қайғули дарёдан қайғули ўлан овози эшитилиб турсин.

- Яна бир кундан сўнг сен у дарёни кўрасан. Гапларимни диққат билан эшишиб ол, Дүгүланг. Эртага тунда сен тап-тайёр бўлишинг керак. Мен иккита от олиб келаман. Қандай вақт бўлмасин сен дарҳол беланчакни кўтариб чиқ. Имилласак, бўлмайди. Энди имиллайдиган вақт эмас. Мен сени шу бугуноқ бош оққан ерларга олиб кетсам, деган эдим. Лекин атроф бийдай дашт.

Беркиниб, яшириниб, бошни панага оладиган жой йўқ, ҳамма ёқ кафтдек текис, бунинг устига ҳозир кечалар сутдек ойдин. Даشتда аравада отлиқ кўриқчилардан узоққа қочиб бўлмайди. Лекин нарида йийқ атрофарида тўқайлар кўп. У ерлардан бизни ҳеч ким қидириб тополмайди...

Улар яна анчагача қисматнинг бул ажаб ўйинлари олдида нима қилиш кераклиги устида бош қотириб, дам сўйлашиб, дам жим қолишиб, кенгашиб ўтиридилар. Ҳарқалай, энди матьсум гўдак дунёга келгач, улар бир эмас, икки эмас, уч кишининг тақдирини ўйлашга мажбур эдилар. Бу орада гўдак ҳам узоқ ётмади, сал ўтмай беланчакда қимирлаб, пиқиллаб, сўнг ингалаб йиғлашга тушди. Дўғуланг болани дарҳол қўлига олди, ҳали унчалар ўрганиб кетмаганилиги учун уялиб, ийманиб, бир оз четта ўгирилди-да, болага кўкрагини тутди. Бу кўкрак юзбошига яхши таниш, ипақдек силлиқ ва оппоқ бу маммаларни у эҳтиросга тўлиб сон-саноқсиз, неча бора ютоқиб ўпган, уларни алланимадандир хуркиб ўзини панага тортиб турган ўрдакнинг тўшига ўхшатарди. Ёри она бўлгач, энди булар ҳаммаси унинг кўзига бир бошқача бўлиб кўринди. Юзбошининг юраги тўлқинлашиб кетди, кўзи ҳайрат ва қувончдан порлади, ниманидир ҳайлига келтириб, индамасдан бошини қимирлатди – кейинги кунларда қанча нарсаларни бошидан кечирди, мана, ниҳоят, табиатнинг ўзи ўлчаб кўйган фурсати етиб, бўладиган иш бўлди: ўзи энди – ота, Дўғуланг – она, ўртада – фарзанд, она шу тобда гўдагини эмизяпти... Азалдан шундай бўлиши ёзиб қўйилган. Майса майсадан кўкаради, бу табиатнинг иродаси, махлуқлардан махлуқлар дунёга келади, бу ҳам табиатнинг иродаси ва фақат одам боласининг ғайир хоҳиш-истагигина бу табиийликнинг йўлига ғов бўлиши мумкин...

Гўдак она кўксини чаниллатиб эмар, ўрдакнинг бўлиқ бағридай сийналар уни тўйдиргандан тўйдиарди.

- Вой, қитиғим келяпти, - деб шүх кулиб юборди Дүғуланг. - Вой, мунинг шўхлигини қаранг. Бир ёпишса, сира ажратиб бўлмайди-я, - беихтиёр худди кулгисини яширгандай бўлиб, ўз-ўэича сўзланди у. - Чиндан ҳам, худди сенинг ўзинг-а, бу Кунанбой. Катта аждарнинг боласи кичкина аждар! Ана, кўзини очди! Қара, қара, Эрдене, кўзлари худди сенинг ўзинг, бурни ҳам шундай, лабларини айтмайсанми, куйиб кўйгандай...

- Рост, ўхшайди, жуда ҳам ўхшайди, - бажонидил рози бўлди юзбоши. - Кимгадир ўхшатаман, аммо жуда-жуда ўхшайди.

- Вой, кимга ўхшатасан? - ҳайрон бўлиб сўради Дўғуланг.

- Ўзимга, ўзимга ўхшатаман-да!

- Мана, ол, ўзинг қўлингга ол. Бир парча тирик эт. Пардай енгил. Худди қуён боласини қўлингда ушлагандай.

Юзбоши болани қўрқа-пуса қўлига олди. Шу тобда қудратли, залворли қўлларини қаерга қўйишни билмай, улар худди ортиқчалик қилаётгандай туюлди, у ўз кафтларини гўдакнинг ҳали жиши, мурғак вужудига қандай мослашни билмай, уни оҳиста авайлаб кўксига босди, тўғрироғи, юрагига яқин олиб келди, ҳали шу пайтгача бошидан кечирмаган эркалаш ҳиссиётига ичида ўхшашлик қидираркан, ушбу дақиқада унга эндинина аён бўлган нарсадан оғзининг таноби қочиб жилмайиб, ҳаяжонланиб, деди:

- Биласанми, Дўғуланг, бу қуёнча эмас, бу кафтимдаги менинг юрагим.

Гўдак тез ухлаб қолди. Юзбошининг лашкарга қайтар вақти етган эди.

Юзбоши Эрдене ярим тунда суюкли ёри ёнидан чиқиб, кузги Сариўзак осмонида ярқираган тўлин ойга қаради ва бирдан ўзини бутунлай ёлғиз сезди. Кетгиси келмади, яна Дўғуланг ёнига, ўғилчаси олдига киришни истади. Даштнинг тубсиз туни бағрида янфаган сирли сасларга юзбоши бир зум кулоқ тутиб турди. Так-

дирнинг тақозоси билан улуғ хоқоннинг юмушларига қўшилиб, у билан бирга Кунботарга юришда қатнашиб, унинг хизматини адо этиб, яна устига-устак, бошлари хавф-хатар остида қолиши баробарида аллақандай англаб етиш қийин, мудҳиш бир сир очилаётгандай эди – изнисиз туғилган бола туфайли у исталган бир пайтда муқаррар жазога тортиб, ҳаётларини поймол этиши мумкин эди. Бундан чиқди уларни Тўрт Тараф Дунё Ҳукмдори билан боғлаб турган нарсаларда аллақандай гайритабиийлик, бундан буён ўз ҳаётлари билан сира ўнғай келтириб бўлмайдиган, бир-бирини бутунлай инкор этадиган алланималар бор экан-да, демак, шундай хулоса келиб чиқади – кетиш керак, эркин қуш бўлиб учиш керак, гўдакни қутқариш керак..

Ташқарига чиқиб у нарироқда отига қараб, унга тўрвада ем едириб турган чўри Олтунни толди.

– Ҳа, ўғилчангни кўриб хурсанд бўлдингми? – қизиксинди Олтун.

– Ҳа, раҳмат, Олтун.

– Унга исм кўйдингми?

– Унинг исми Кунан.

– Яхши исм Кунан.

– Ҳа. Ишқилиб, Осмон рози бўлсин. Энди, Олтун, бир гапни сенга кечиктирмай айтиб кўяй. Менга туғишган опамдай бўлиб қолгансан, Олтун. Дўгуланг билан боласига сени худонинг ўзи етказди, уларга худди она ўрнидасан. Агар сен бўлмассанг, бу юришда у билан бирга бўлолмас эдик. Айрилиқ азобини тортардик. Яна ким билсин, балки Дўгуланг билан бошқа ҳеч қачон кўришмай кетармидик. Нега деганда, ким уруш чиқарса, ўзининг бошига икки қатла уруш тушади.. Сендан жуда миннатдорман..

– Мен-ку тушунаман-а, – оҳиста сўйлади Олтун. – Гап нимада эканлигига ақлим етади. Сен ўзинг ҳам, Эрдене, ҳеч кимнинг хаёлига келмаган ишларни қилиб юрасан! – Олтун бошини лиқирлатди. Кейин қўшиб қўйди: –

Ишқилиб, худодан бўлиб ҳаммаси ўтиб кетсин. Мени-ку ақлим етади-я, – давом этди у, – улуғ лашкар ичида бугун сен юзбоши бўлсанг, эрта бир кун туманбоши – нўён бўлардинг, бутун умринг иззат-икромда ўтарди. Унда сен билан манавиндай сўзларни гаплашиб ҳам ўтирас эдик. Сен – юзбоши, мен – чўриман. Гапнинг пўскалласи шу. Лекин сен бошқа йўл танладинг, юрагинг амрига қулоқ солдинг. Сенга нима ёрдамим ҳам тегарди, нари борса, отингга қараб тураман. Дўгулангнинг хизматини қиласман, унга ёрдамлашаман, ўзинг ҳам биласан. Унга жуда ўрганиб қолганман, нега десанг, худо уни шундай гўзалликда танҳо қилиб яратган, унга менинг кўзим билан шундай қарагин. Рост, рост! Бир қултум сув билан ютгудек яхши! Лекин мен буни эмас, бошқа нарсани айтмоқчийдим. Дўгулангнинг кўли гул. Бир ўрам ип, бир парча мато ҳар ерда топилади. Аммо Дўгуланг тиккан кашта дунёда ягона. Ўзимдан қиёс қиласман. Тиккан тутларида аждарлар худди жон биттандай чопади. Юлдузлари худди кўқдагидай чараклайди. Худо берган чевар қиз. Мен уни ташлаб кетмайман. Сизлар кетсангиз, мен ҳам сизлар билан бирга кетаман. Ёлғиз ўзи қочиб қайга боради? Бунинг устига куни кеча кўзи ёриган.

– Мен ҳам шуни айтаман-да, Олтун. Эртага ярим тунда йўлга тайёр бўлиб туриш керак. Кетамиз. Сен Дўгуланг ва чақалоқ билан ёпиқ аравада, мен эса иккита от билан ёнларингизда бўламан. Ейик томонга юрамиз. Тонг ёришгунча кўздан йироқ кетиб, бошимизни панага олсак, марра бизники. Эрталаб орқамиздан кувлаб етиб олмасалар бас. У ёғига қорамизни сира кўрсатмаймиз...

Улар жим қолдилар. Юзбоши Эрдене эгарга ўтирасдан олдин бошини эгиб чўри Олтуннинг куруқшаган кўлларини тутиб ўпди. Олтунни худонинг ўзи ярлақаб уларга етқизган эди. Бу кичкинагина аёл кўп йиллар бурун Чинмочинда асир қилиб олинган, ўшандан буён Чингизхон кўшинларининг ўғруқида чўрилик қилиб қолиб кетган эди. Бундек олиб қараганда, у Эрденега ҳеч

ким ҳам әмас: Кунботарга юриш қилаётган Чингизхон издиҳомида дуч келган тасодифий ҳамроҳ, хизматкор. Аммо аслини олганда, ҳаёт-мамот ҳал бўлаётган дамларда ошиқ-маъшуқларнинг бирдан-бир вафодор таянчи. Юзбоши фақат чўри Олтунгагина ишониш мумкинлигиги ни яхши тушунарди. Бошқа ҳеч ким йўқ, бошқа ҳеч ким! Улуғ юришдаги ўн минглаб қурол-яроғли майдон кўрган, жангжў кишилар орасида ёлғиз шу муштипар чўри хотингина унга қайишиб, унинг ёнини олиши мумкин. Ёлғиз шу чўри хотин, бошқа ҳеч ким. Кейинчалик худди шундай бўлиб ҳам чиқди.

Ўша куни алла-паллада ўзининг оққашқа Оқюлдуз деган отига миниб, ўғруқ, кўронлар ва қароргоҳларда уйкудаги қўшин оралаб ўтиб бораракан, юзбоши эртаниги кунни ўйлаб, худодан бегуноҳ мурғак гўдакка мадад беришни ўтинарди, зотан, ҳар бир янги туғилган чақалоқ худонинг иродасидан мужда; ўша иродага кўра кимдир қачондир одамлар ўртасида, одамлар либосида худди худо янглиғ лайдо бўлади ва ўшанда ҳамма инсон аслида қандай бўлишини кўради. Худо эса бу – Осмон, англаб бўлмас, муаззам Осмон. Ким туғилади, ким яшайди, кимга қандай тақдир ато этади – буни ёлғиз Осмонгина билади.

Юзбоши Эрдене от устида ўтириб, юлдузли осмонга кўзларини югуртирап, хаёлан Осмондан мадад ўтинар, дилидан тақдирнинг жавобини изларди. Аммо осмон садо бермасди. Ой тиккада, кўк тоқида ёлғиз ҳоким, унинг кумуш нурлари тун сирлари ва уйку оғушидаги Сариўзак чўлларига қўйилиб ётарди...

Эртаси тонг қоронғисида яна довуллар даранглаб жамики лашкарни уйқудан туриш, қурол-аслаҳаларни тақиши, отларга миниш, сафар анжомларини араваларга ортишга даъват этди ва яна хоқоннинг шаддод ҳукм-ҳиккасидан оёққа қалқсан, жунбушга келган Чингизхоннинг дашт ўрдуси Кунботар сари йўл олди.

Юришнинг ўн еттинчи куни эди. Сариўзак чўллари-нинг ўтиш энг қийин бўлган не-не машаққатли маконлари орқада қолди. Бир-икки кундан сўнг Ёйиқнинг қайир ерлари бошланади. У ёғига йўл Итил дарёсига олиб чиқади. Бу улуг дарёнинг сувлари одамлар яшайдиган заминни икки бўлакка - шарқ ҳамда ғарбга ажратарди.

Яна бари аввалгидаи. Олдинда ўйноқлаб жавлон урган қора отларда яловбардорлар боришади. Улар ортида кезегуллар ва аъёнлари куршовида Чингизхон. Унинг тагида оқ ёлли, думи қора, суюкли оти Хуба бир маромда йўргалайди. Хоқоннинг боши узра эса яна ўша доимий ҳамроҳи - оқ булат парчаси кўзларини гизли қувонтириб, хоқон юрагини яшириш қийин бўлган ғурур-ифтихор билан тўлдиради, сузади. Хоқон қайга юрса, оқ булат ҳам ўша ёққа сузади. Ерда эса Чингизхоннинг саф-саф лашкарлари, ўғруқлари, кўронлари чўлнинг у чеккасидан бу чеккасигача мўр-малаҳдек қоплаб, одам издиҳомлари Кунботар қайдасан деб йўл босади. Кўшин суронлари узоқда гулдурос солаётган денгизни эслатади. Ушбу сон-саноқсиз издиҳом, одамлар, отлар, аравалар, курол-аслаҳа, кўч-кўрон, қорамоллар селдай оқади, буларнинг бари Чингизхон куч-кудратининг тимсоли, ундан бино бўлган, унинг ниятларидан туғилган эди. Ушбу соат у эгарда ўтириб худонинг камдан-кам бандалари хаёлга келтиришга журъат этадиган ўша-ўша - дунёга якка ўзи ҳукмронлик қилиш орзуси, осмон остидаги ягона абадий салтанат ва бу салтанатда қатто ўлимидан сўнг ҳам ҳукмронлик суриш ҳақида ўй ўйларди. Қандай дейсизми? Тош лавҳаларда олдиндан битилган ясоқлар орқали. Дунёни қандай идора қилиш ҳақидаги қоятошларга ўйиб битилган амру фармонлари – ясоқлари мустаҳкам тураркан, ёруғ оламда ҳеч қачон унинг иродаси ўлмагай. Хоқон йўл қатъ айларкан, шуларни миясида пишитарди. Тошларга муҳранган битиклар унинг учун ўлмаслиknинг га-

нақшин, доим ҳамма нарсани биладиган, юриб чарчамайдиган хептегул бу сафар ҳам хабарни барчадан илгари етказди. «Улутларнинг улуғи, хоқоним, сенга бу хабарни маълум қилиш менинг вазифам, ўзинг бу борада қаттиқ огоҳлантириб қўйгансан», – ёғ босган кўкси хириллаб ўз хабарини тугатди хептегул Арасан. У шамолда хоқон сўзларимни яхши эшитсин деб, унинг узангиси ёнида отини йўртиб борарди.

Чингизхон дафъатан англамади, хептегулга дарҳол жавоб бермади. Ўша дамда унинг хаёли муқаддас тош битиклар билан банд эди, бостириб келаётган кўнгилхираликка дастлаб рўйхуш бермади, бундай хабар ўзига шунчалар қаттиқ таъсир қилишини кутмаган эди ва буни анчагача сира тан олгиси келмади. Чингизхон хафаланди, ранжиди, индамади, жаҳли қўзиб отини қичади, шунда унинг енгил савсар пўстинининг этаклари худди қўрқиб учган күшнинг қанотлари каби икки ёқса кўтарилиб парвоз қилди. Хептегул Арасан хон ёнида жадалларкан, нима қилишини билмай қийин аҳволда қолди: у хоқоннинг ёнгинасида ортиқча бир ҳаракат билан унинг ғазабини келтирмаслик учун дам оти жиловини тортар, дам сўз айтса, баногоҳ эшитмай қолмай деб, узанги-баузанги боришга тиришарди. У ҳукмдорнинг нега бунча узоқ жим бўлиб қолганлиги сабабини тушунмас, бунга фаросати етмасди. Бор-йўғи икки оғиз гапни айта қолса-ку, олам гулистон: уни ўлдирилсин деса, бас – ўша заҳоти аёлни ҳароми боласи билан бирга хоннинг олий фармонини бузиб бола туққани учун кўронда бўғиб ўлдириб қўя қоладилар. Баччагарни кигизга ўраб бирпасда тинчтадилар – бошқаларга ҳам ибрат бўлади – тамом-вассалом.

Бирдан хоқон елкасидан ошириб шаҳд билан сўз айтдики, хептегул ҳатто эгаридан сапчиб кўтарилиб кетди.

– Кўч-кўрондагилар бу қанжиқнинг туғишини кутиб ўтириштан эканми? Унинг иккιқат бўлганини ҳеч ким кўрмаган эканми? Ёки кўриб кўрмасликка олишганми?

Хептегул Арасан воқеанинг қандай бўлганини тушунтириш учун оғиз очган эди, сўзлари узук-юлуқ чиқди, шунда хон уни амрона тўхтатди:

- Оғзингни юм!

Бир оз вақт ўтгач, у заҳарханда қилиб сўради:

- Агар ҳеч кимнинг хотини бўлмаса, унда асли ким ўзи ўша туққан хотин, ошпазми, кирчими, молчими?

Хон туққан хотин каштачи эканлигини эшитиб, ғоятда ажабланди. Бинобарин, илгари ҳеч қачон кимдир унинг олтин байроқларини тикишини хаёлига келтирмаган экан. Худди шунингдек, у ҳеч қачон кимларнингдир унга этик ясаси, бошпана ўтовлар қўндириши ҳақида сира ўйлаб кўрмаган экан. Нимага ҳам бунга бошини қотирсан, ахир байроқлар у билан ёнма-ён – ё у келмасдан илгари унинг қўшинлари ичидаги ҳамма ёқда худди олдиндан ёқиладиган гулхан оловлари каби лашкаргоҳлар, селдай оқаётган суворийлар орасида, жангтоҳлар ва базмтоҳларда ўз-ўзидан пайдо бўлмайдими сабил? Мана, ҳозир ҳам – олдиндан яловбардорлар унга йўл очиб, отларини йўноклашиб, гижинглатиб бормоқдалар. У Кунботарга ўз байроқларини ўрнатиш, ўзгаларнинг туғларини улоқтириб ташлаб, поймол этиш учун юришга отланган. Ҳа, шундай бўлажак... Ҳеч ким ва ҳеч нарса унинг йўлига тўсиқ бўлолмайди... У билан бирга жаҳонни эгаллаш қасдида келаётганларнинг ҳар қандай, ҳатто энг арзимасдай туюлган интизомсизлиги дарҳол қақшатқич тарзда жазоланади, бўйсунмаганлар ўлим шарбатини totажаклар. Жазо бўйсундириш учун қўлланади – бир кишининг кўп одамлар устидан ҳукмронлик қуроли мана шу ва у ҳеч қачон ўзгармайди.

Лекин бу воқеада ёлғиз каштачининг ўзи айбор эмас, албатта лашкар ёки кўронда яна аллаким бор, бўлиши керак... Лекин ким у?..

Шу ондан бошлаб Чингизхон қовоғини дарғазаб уйди, буни унинг тошдай қотган юзидан, қоплонники-

дек кўзларининг киприк қоқмай оғир боқишидан, эгарда худди шамолга қарши бораётгандек бўлиб таранг тортилиб ўтиришидан билса бўларди. Лекин зудлик билан битириладиган зарур ишлар билан унинг қошига келишга журъат этган кимсаларнинг биронтаси хоқон қандайдир каштачи хотин билан унинг номаълум ўйнаши йўл кўйган тийиксизлик туфайлигина эмас, балки бу воқеа унга бошқа бир аччиқ, аламли ҳодисани эслатиб юборганидан озурдадил эканлигини билмасди. Зотан, бу ҳодиса унинг юрагида битмас-туганмас алам, уят, изтиробга тўла из қолдирган.

Яна ёшлик чоғлари бўлиб ўтган ўша воқеани эслаб яраси янгиланди, юраги ачишиб жизиллаб кетди. У пайтлар ҳали унинг асл исмини айтиб Темучин деб чақирадилар. У чоғлар ҳали ҳеч ким отасиз ўсан етимча Темучин Тўрт Тараф Дунё Ҳукмдори бўлади деб хаёлига ҳам келтирмасди. Ўша пайтлар унинг ўзи ҳам ҳатто бундай нарсаларни ўйлаб кўрган эмасди. Ўшанда ёшлик чоғлари у фожия ва шармисорликка дуч келди. Ҳали болалик кунларидаёқ унга бешиккертни қилиб кўйилган навраста хотини Бўртэ келин-куёв бўлганиларига ҳали бир ой ўтмай кўшни меркитлар қабиласининг босқини пайтида ўгрилаб кетилди. Кейинча уни улардан тортиб олиб келгунча неча кунлар, неча тунлар ўтди, уларни бармоқ билан санаб чиқай деса, ҳамон журъати етмайди, юраги орқасига тортиб кетади... Ҳолбуки, у эндиликда сон-саноқсиз лашкар тортиб, Кунботарни ишғол этиш, дунё салтанатининг тахтида ўз номини абадулабадга ўчмас, этиб бўлмас қилиб қолдириш, ҳаммадан шон-шуҳратда ўтиш... ва бари-барини уннутиш учун йўл юрмоқда.

Ўша тунга ҳам қанча замонлар бўлди, қон-жон талашиб уч кун омонсиз жанг қилдилар, сўнг ифлос меркитлар жонларини ҳовучлаб тирақайлаб қоча бошладилар. Улар йилқилари, қўралари, манзилларини ташлаб пала-партиш чекиндилар. Ўлар даҳшатли, шафқатсиз

босқинга дош беролмай сабил жонларини қутқариш учун қасос ўтидан кўрқиб қочардилар. Ўшанда ўч олиш учун ичилган қасамнинг сўзлари амалга ошиди. Унда шундай дейилган эди:

*Аждодлардин қолган шонли юксак тұғимни
Курбонликнинг қони билан түлғаб бўядим.
Жанг олдидан ногоранинг терисин тортиб
Қалдиратиб уни чалиб, суронлар солдим.
Қора ёлли тулпоримга сакраб ўтириб,
Совут-сипаримни тортиб устимга илдим,
Шамширимни кескир қилиб қўлимга тутдим,
Удит-меркит билан жанг қиласман ўлгунча..
Меркитларни битта қўймай қириб ташлайн,
Қимирлаган жон қолмасин ганим юртида...*

Бу даҳшатли қасамёд тўла ўз уҳдасини топгач, тун кўйнида дод-фарёд кўтариб жонҳолатда қочиб бораётган, таъқиб қилинаётганлар орасида бир усти ёпиқ арава – телеган ҳам узоқлашарди. «Бўртэ! Бўртэ! Қаердсан? Бўртэ!» – деб қичқиради хуноби ошиб Темучин. У ўзини ҳар ёққа уриб Бўртэни қидирар, уни ҳеч қаердан тополмасди. Ниҳоят, у шитоб билан қочиб бораётган телеган аравани кувиб етди. Темучиннинг одамлари арава ҳайдаётганларни бир зум ичидаги қириб ташладилар. Шунда Бўртэ бирдан унинг чақириқларига жавоб берди: «Мен бу ердаман! Мен Бўргеман!» У ёпиқ аравадан пастга сакради. Темучин ўзини отдан таппа ерга отди. Улар бир-бирларининг кучоқларига ташландилар ва тун бағрида шундай яна топишдилар. Навраста хотинини соғ-саломат бағрига босган ўша дамда Темучиннинг юраги кутгилмаганда ўқ теккандай сирқираб кетди. У хотинининг қайнок, ипакдек майин бўйнида аллақандай ёт, бегона ҳид анқиётганлигини сезди. Бу сассиқ ҳид кимнингдир мўйлабидан юққанга, кимдир хотинига тегинганга ўхшарди. Шунда Темучин лабла-

рини қаттиқ, тишлади ва тек қотди. Унинг агрофида жанг, олишув давом этарди, бир томон иккинчи томондан ўч олар, қийратарди...

Ўша ондан эътиборан у бошқа жангга аралашмади. Асирикдан қутулган хотинини аравага ўтказиб орқага қайтди. У ичини ўт каби ёндирган ва ит каби талаган аламини айтиб солмаслик учун ўзини қаттиқ босишига уринарди. Бари бир кейин бир умр қийноқдан кутулмади. Хотини ўз ихтиёри билан ғанимлар қўлига асир тушмаганлигини у яхши тушунарди. Шунга қарамасдан, қандай қилиб навраста хотин асирик укубатларидан кутулиб қолдийкин? Ахир бошидан лоқал бир тола сочи тўкилмаган-ку? Афтидан, Бўртэ асоратда кўп қийинчиликлар кўрмаганга ўхшарди. Унинг турқи тароватига қараган одам ҳеч кўп азоб чекибди-да, бечора, деб айта олмасди. Йўқ, кейин ҳам икковлон бу ҳақда ҳеч қачон чурқ этиб оғиз очмадилар.

Бутунлай тор-мор бўлгач, бошқа ўлкаларга ёки бориши қийин овлоқларга қочишига улгурмаган ва энди ҳеч қандай хавф-хатар туғдирмайдиган оз сонли меркитлар чўпон-чўлик, хизматкорга айланиб қуллик бўйинтуруғини олдилар. Лекин ўшанда ҳам Темучиннинг қаҳри сўнмади, ўч олишдан тўхтамади. Буни тушуниш қийин эди. Ҳолбуки, бу пайтга келиб энди у Чингизхон бўлиб қолган эди. Қочиб улгурмаган барча меркитлар бир бошдан қириб ташланди. Улар орасида асирикда юрган Бўртэнзи эслайдиган бирон зот қолмади.

Кейинроқ Чингизхон яна уч маротаба уйланди. Лекин тақдирнинг зарбасидан етган ўша жароҳатни ҳеч нарса даволай олмади. Хоқон шу битмаган ёмон жароҳат билан яшарди. Бу кўҳна жароҳатдан доим қон силқиб турар, бироқ уни ҳеч кимса билмасди. Бўртэ кейин унга тўнғичи Жўчини туғиб берди. Чингизхон калласизи бир жойга қўйиб обдан ҳисоблаб чиқди – увдай олиб қараганда ҳам, бундай олиб қараганда ҳам тўғри чиқарди. Бола унинг ўз пуштикамаридан туғил-

ган бўлиши ҳам мумкин эди, бўлмаслиги ҳам. Номаълумлигича қолган аллаким унинг номусини ерга уриб, шу билан бир умрга уни ҳаловатдан маҳрум этди.

Гарчи байроқ тикадиган аёл туққан боланинг отаси хоқонга ҳеч қандай дахли бўлмаса-да, ҳукмдорнинг нечукдир қони қайнаб кетди.

Баъзан одам боласи учун дунё бир зум ичидаги ўзгариб кетиши, ағдар-тўнтарга учраши ҳеч гап эмас. Ҳолбуки, ҳозиргина олам унга маъноли, бут ва салиқали бўлиб туюлиб турган эди... Улуғ хоқон қалбидаги худди мана шундай ағдар-тўнтар ўзгариш юз берди. Теваракатрофдаги ҳамма нарсалар хабар келгунча қандай бўлса, шундайлигича турарди. Бали, илгарида қора тўриқ отларини ўйнатиб яловбардорлар аждар байроқларини шамолда ҳилпиратиб борадилар; тагидаги содик оти Хуба бир текисда йўртади; ён-атрофда ва орқа томонда чопағон отларга мингандек аъёнлари иззат-икром сақлаб келаётир; теваракда вафодор жасур соқчилали – «ярим туман» бўлаклари – кезегуллар; бутун чўл бўйлаб то кўз илғамас уфқларга довур қўшинларнинг туманлари – жанговар кучлар ва уларнинг таянчлари – туман ўғруқлари харакатда. Унинг боши устида, мана шу одамлар издиҳомлари узра осмонда оқ булат садоқат билан сузиб боради. У сафарнинг илк кунларидан Олий Осмон ҳимоятидан гувоҳлик беради.

Ҳамма нарса афтидан аввалгидай эди. Бироқ нимадир оламда ўзгарган, силжиган ва бу хоқоннинг ҳаҳр ўтини тобора алсанга олдиради. Демакки, кимдир унинг амрига қулоқ солмаган, демакки, ўзининг тийиксиз ҳирсу ҳавасларини унинг буюк мақсадларидан юқорироқ қўйишга журъат этган, демакки, кимдир унинг фармонига атайдан қарши борган! Унинг сипоҳларидан кимдир жон куйдириб фидокорона хизмат қилиш ўрнига, хоқонга сўзсиз бўйсуниш, фармонбардорлик ўрнига кўпроқ тўшакда хотин билан ўйнашиб ётишни афзал билган! Яна бунинг устига аллақандай

рови бўлажак. Бу фикр унинг ўй-хаёlinи бутунлай ўзига машғул қилиб олди ва унга тинчлик бермай қўйди. Бу иш билан шу қиши Итил бўйига етиб, ўйлаган ишлари билан шуғуланишни кўнглига маҳкам тутди. То кечик пайти келгунча у олимлар, донишмандлар ва башоратчиларни чақиради-да, мангу салтанат тўғрисидаги ўз олтин ўй-хаёллари, амру фармонларини баён этади ва уларнинг бари қоятошларга бирма-бир муҳрланади. Унинг сўзлари дунёни ағдар-тўнтар қилиб юборади ва бутун борлик жаҳон унинг оёқларига тиз чўкади. У ана шуларни ўйлаб юришга отланди, дунёдаги жамики нарсалар бари мана шу мақсадга хизмат қилмоғи ва нимаики бу ишга зид бўлса, юришда ғалабага хизмат қилмаса, қули қўкка совурилмоғи, йўлдан улоқтириб ташланмоғи даркор.

*Яна юрагига байт қўйилиб кела бошлади:
Салтанатга олмос чўқи деб
Осмонимга ойни ўрнатай..
Балли!*

*Чумоли ҳам қочиб қутулмас
Лашкарим отининг остидан..
Балли!*

*Тарихнинг юк тўла жилдини
Миннатдор насллар олишар,
Отимнинг устидан тушириб
Қудратим қадрини англашиб..
Балли!*

Шундай тўғри келиб қолдики, худди мана шу куни чошгоҳ пайти Чингизхонга кўрондаги аёллардан бири хоннинг қаттиқ ман этганига қарамасдан туғиб қўйганилиги хабарини етказдилар. Бола туғибди – кимданлиги номаълум. Бу гапни хепгегул Арасан топиб келди. Кўзлари жайноқланиб турадиган, икки юзи қип-қизил

нотавон хотин, каштачи – гўё ундан кейин байроқ ти-кувчи ҳеч ким қолмайдигандай – хоқон ман этганига қарамай бола туғиб ўтирганини кўрмайсизми? Ҳолбуки, ўғруқлардаги бошқа барча хотин-халаж токи хоннинг изни бўлмагунча ҳомила бўладиган андомларини бутунлай беркитиб ташлаганлар!..

Хаёлида ғужғон ўйнаган бу фикрлар унинг кўз ўнгини қоронғилаштириб, худди ёввойи ўт-ўлан, худди ёввойи ўрмонзор каби тобора авж оларди; гарчи у, умуман олганда, бу воқеа жуда майда, ҳатто хон алоҳида эътибор қилиб ўтиришига арзимайдиганлигини тушуниб турса-да, бошқа амрона, қаҳрли овоз тобора жумбишга миниб, шафқатсиз жазо беришликтини, хоқон амрига бўйсунмаганларни бутун кўшин олдида қаттиқ жазолаш, қатл этишни талаб қиласр ва бошқа фикрларни тобора хиралаштириб, четга сурарди.

Ҳатто ўша куни чопағон, ҳориб-чарчамас Хуба хоқон устидан уззукун тушмагач, ўзини худди юқ устига юқ ортиб бораётгандай туйди, шунданмикин, доим худди камон ўқидек текис елиб бора турган чарчамас йўрга кўпириб қора терга тушди, илгари ҳеч қачон у бундай ҳолни бошидан кечирмаган эди.

Чингизхон дам урмай қаҳру ғазаб оташида йўлни давом этгиради. Гарчи сафарга ҳеч нарса тўсқинлик қилмаётган, саҳройи лашкар издиҳоми Кунботар сари ҳеч қандай тўсиқсиз олға жилиб бораётган эса-да, бироқ хоқоннинг дунёни бўйсундиришдек улуғвор мақсадлари йўлида алланимадир рўй берган эди: унинг ўзгармас амру фармонлари чўққиларидан қандайдир кўзга кўринмас, жуда ҳам ушоқ бир тош юмалаб кетди беногоҳ. Унинг тинчлигини мана шу нарса ўғирлаган эди. Йўлда у шуни ўйлаб борди, шу уни худди тирноқ остига кирган зирапчадек безовта қилиб, ташвишга солаёттир, у фақат шунинг устида бош қотиаркан, аъёнлару мулозимларидан тобора қаттиқроқ ранжирди. Қандай қилиб улар бу гапни хотин туғиб қўйгандан

кейингина айтишга журъат этдилар? Аввал қаерда эдилар, қаерга қараган эдилар, бир хотин иккиқат бўлганини кўриш-билиш шунчалар қийин эканми? Мабодо олдин кўриб хабар етказганларида, унда ҳаммаси бутунлай бошқача бўларди – хотинни бўйнига уриб худди қанжиқ итдек ҳайдаб юбормас эдиларми унда? Энди нима қилиш керак? Воеани унга баён қилганларидан сўнг у ўғруклар устидан турган нўённи хузурига чақирирди, қаҳрини сочиб сўраб-сурештири – қандай қилиб каштачи хотиннинг кўзи ёримагунча буни ҳеч зот кўрмаган, билмаган, фаҳмламаган, то ёдиқ хизматкорлар бола йиғисини эшишиб хабар қилмагунларича ҳеч кимнинг иши бўлмаган? Шундай ҳам бўлиши мумкинми? Нўён хоқонининг бу зардали саволларига тутила-тутила жавоб бердики Дўғуланг деган байроқ тикувчи каштачи хотин энг чеккадаги ўзига холи ўтовда тургаи, иш билан жуда банд эканлигини баҳона қилиб, ҳеч ким билан борди-келди қилмаган, ўзининг алоҳида араваси, алоҳида чўриси бўлган, қачон унинг қошига хизмат юзасидан кирганларида каштачи хотин доим байроқларнинг ипак матоларига ўралиб ўтирган. Одамлар буни каштачи хотин ипак матоларга безаниб ўтиришни яхши кўрса керак, деб тушунишган. Шунинг учун унинг ҳомиладорлиги кўзга ташланмаган. Чақалоқнинг отаси ким – номаълум. Каштачи хотин ҳали сўроқ қилинмаган. Чўрининг эса ҳеч нарсадан хабари йўқ эмиш. Ана энди топиб кўринг-чи айбдорни...

Чингизхон дилгир бўлиб бу воеа унинг олийшон диққат-эътибор кўрсатишига арзимаслигини ўйларди. Лекин ҳамон қўшинда сафар чоғида бола туғишни тақиқлаб фармон чиқарган ва ҳамон ҳар бир қўшин бошлиғи рўй берган ҳодиса ҳақида юқорига маълумот бериб турган экан, хоқон шу вазиятда ўзи чиқарган олий фармонга гаров бўлиб қолганлигини сезди. У ўз фармонини бекор қилолмасди. Жазога тортиш шарт эди...

Тун яримга оғғач, юзбоши Эрдене зудлик билан иш чиқиб қолди, туманбошининг ҳузурига боряпман деб, ташқарига чиқди. Лекин бу лашкароҳдан чиқиш учун бир баҳона эди, холос. Шу Кеча у ўз маъшуқаси билан қочиши келишиб қўйган эди. У ҳали бари хоқонга етиб борганлиги, Дўғуланг билан биргалиқда чақалоқни олиб қочиб кетолмаслигини билмасди.

Иккинчи отни худди овчи итдек жиловидан етаклаб олган юзбоши Эрдене лашкарларнинг қароргоҳларидан омон-эсон ўтиб, Дўғулангнинг ўтови қурилган ерга яқинлашаркан, ишқилиб, нўённинг тунги соқчиларига дуч келиб қолмайин-да, деб худодан сўради. Нўён қўриқчилари жуда қаттиқ суриштиришади, шафқатсиз бўлишади, агар сипоҳийлардан биронтаси сутдан тайёрланган ароқ ичиб, маст бўлганини кўриб қолишса, аямай жазолашади, аравага от ўрнига қўшишади ва ўласи қилиб қамчилаб арава тортиришади...

Юзлик бўлукини ташлаб қочишга чоғланган Эрдене шуни яхши билардики, агар қўлга тушса, унга энг қаттиқ жазо берилади – ё кигизга ўраб бўғиб ўлдирадилар, ё дорга осадилар. Агар қочишга мұяссар бўлса, узоқ мамлакатлар, бошқа ўлкаларга бош олиб кета билса, жазодан омон қолиши мумкин...

Бу вақтлар чўл кечаси ойдин эди. Ҳамма ёқда қароргоҳлар, йилқилар, қаёққа қараманг, чўғлари қизарган гулханлар атрофида аскарлар ухлаб ётишарди. Бунчалар кўп одам ва юқ-юмушлар орасида кимнинг қайга, нимага бораётганлиги билан ҳеч кимнинг иши-хуши йўқ. Юзбоши Эрдене мана шуни ҳисобга олган, толейига ёзилган бўлса, Дўғуланг билан чақалоқни ўнгариб олиб қочиб кетади...

Уста хунармандлар манзилига яқинлашган заҳоти у ёмон бир кори ҳол юз берганлигини сезди. Юзбоши отидан сакраб тушиб, жиловини қўлида маҳкам тутганча, отларини пана қилиб тек қотди. Ҳа, иш чатоқ эди! Энг

чеккадаги ўтов олдида катта гулхан ёнар, бутун атроф-ни хавотирли лапанглаган шуълалари билан ёритарди. Ўнлаган отлик ясовуллар олов теварагида баланд овоз билан ўзаро гаплашиб туришарди. Уч ясовул эса отларидан тушиб, улар Дўғуланг билан қочишга мўлжаллаб қўйишган аравага от қўшиарди. Кейин Эрдене ясовуллар Дўғуланг билан чақалоқни ўтвдан олиб чиқишиганини кўрди. Олов ёғдусида Дўғуланг савсар пўстинчасида боласини бағрига босиб турар, ранги оқарган, ночор, уни қаттиқ кўркув босган эди. Ясовуллар ундан ниманидир сўрашарди: «Жавоб бер! Айт, айт дейман сенга! Қанжиқ, жалаб!» – деган бақир-чақирлар эшитиларди. Кейин чўри Олтуннинг додлаган саси келди. Ҳа, ростдан ҳам, бу унинг овози эди. Олтун: «Мен невлай?! Нега мени урасиз? Кимдан түққанини мен қаердан биламан? Чўлда бугун бўлмаган-ку бу! Тўғри, у яқинда туғди, кўриб турибсиз. Нима, ўзингиз тушунмайсизми, бу тўққиз ой илгари бўлганини?! Хўп, мен невлай қаҷон ким билан бўлганини? Нега мени урасиз?! Нега уни кўрқитасиз, юрагини ёриб юбордингиз-ку, ахир унинг янги кўзи ёриган, чақалоғи бор! Ахир у сизларнинг хизматингизни қилмадими, байроқларингизни боплаб тикиб бермадими, сафларингиз бошида кўтариб бормаяпсизми у тиккан байроқларни? Нега энди ўлдирасиз, нега, нега?!»

Шўрлик Олтун туёқ остида қолган майсадек, қўлидан нима ҳам келарди. Юзбоши Эрдененинг ўзи ҳам ҳатто қаршилик кўрсатишга ботинмади, бунинг устига ўнлаб қуролланган ясовулларга қарши нима ҳам қила оларди?! Бир-инкитасини гумдан қилиб ўзи ҳам ҳалок бўлсинми? Бироқ бундан нима фойда? Ясовулларнинг одати маълум – одамга тўда бўлиб ташланишади. Ҳаммалари бирдан ёпишадилар. Ур калтак-сур калтак қилиб қон чиқармагунча қўймайдилар.

Юзбоши Эрдене ясовуллар Дўғуланг билан чақалоқни аравага ўтқазиб, чўри Олтунни ҳам улар ёнига

улоқтириб, тун қўйнида аллақайтадир олиб кетаётгандикларини кўриб турди.

Шу билан бари босилди. Атрофга сукунат чўкди. Манзил бўшаб, хувиллаб қолди.

Кейин шунда олисдан итнинг акиллаши, отларнинг кишнаши, тунги манзиллардан алланечук ноаён саслар эшитилди.

Каштачи Дўғуланг ўтови олдидаги олов ёниб бўла-ёзди. Инсон азоблари, уринишлари, тортишиб-талашишларини ўз комига ютиб, осуда, сассиз нур сочган юлдузлар хувиллаб ётган бўшлиқ маконларга совуқ нигоҳ ташлар, гўё азал-азалдан ҳаммаси худди шундок бўлиши қеракдек...

Бамисли туш кўраётгандек бўлиб юзбоши Эрдене бирпасда увушиб, муздек қотиб қолган қўллари билан иккинчи отнинг калласидан юганини чиқарди ва ўзининг нима қилаётганилигини англамай, отнинг оёғи остига ташлади. Сувлиқ шақирлаб ерга тушди. Эрдene нафаси қисилиб, ўзининг қисқа-қисқа ҳаво олаётган товушини эшилди, нафас олиш тобора оғирлашиб борарди. Шундай бўлса ҳам, у отнинг яғринига уриб уни ҳайдаб юборишга ўзида куч топди. Энди бу отга ҳожат қолмаган, уни ўз эркига қўйиб юбориш даркор эди. Жабдуқдан бўшалган от ўз тунги уюрини қидириб йўртганча ғойиб бўлди. Юзбоши Эрдене эса қаёққа ва нимага бораётганилигини ўзи ҳам билмай, чўлда боши оққанча кетди. Унинг садоқатли ва айрилмас оқ қашқа оти Оқюлдуз эса орқасидан жиловда оҳиста эргашарди. Юзбоши Эрдене Оқюлдуз билан кўп жангларни кўрди, лекин минг афусски, суюкли ёри ва янги дунёга келган чақалоғини аравага ўтқазиб тақдирнинг ёвуз чангалидан олиб қочишига мұяссар бўла олмади.

Эрдene худди кўр бўлиб қолгандай, оёқостида ҳеч нарсани пайқамай юриб борарди. Унинг кўзлари жиқ ёшга тўлган, соқолларини ҳўл қилиб дувиллаб оқиб тушарди. Ойнинг осуда тўкилган нурлари унинг букилган

қадди, титраган елкаларида безовта күлкаланаарди... У ёруғ оламда ўз ҳолига ташлаб қўйилган, тўдасидан айрилган ёлғиз жонивор каби сандирақлаб қадам ташларди. Кўлингдан келса – яша, кўлингдан келмаса – ўлиб кет. Бошқа ҳеч қандай йўл йўқ.. Энди у нима қилсин, қайга борсин? Ўлимдан бошқа чора қолмаган эди. Кўксисида чидаб бўлмас даражада нолиб оғриётган юрагига пичоқ санчиб, шу билан бу аламангиз оғриқ азобидан бир йўла қутулган беҳ эди, ё бўлмаса бу ерлардан буткул бош олиб кетиб, аллақайларга қочиб даф бўлмоқ, йўқолмоқ керак эди...

Юзбоши ўзини ерга отди ва ўкириб йиғлаб, қаттиқ шағал тош ерларни қўллари билан сидириб, таталаб, тирнаб қорнида судралди, лекин ер ёрилмади, унга жой бермади. Кейин у тиззалаб ўтирди ва белидаги пичоққа кўл юборди...

Чўл сукунатга ғарқ бўлган, ҳувиллаб ётар, кўк осмон юлдузлари чаракларди. Фақат вафодор от Оқюлдузгина ой нурига кўмилганча эгасининг амрини кутиб оҳиста пирқиллаб-пирқиллаб қўярди...

Ўша саҳар чоғи бутун қўшин йўлга тушмасдан олдин ноғорачилар баланд тепалиқка тўпланиб, лашкарни жам бўлишга чорлай бошладилар. Довулбошлар янгради. Тумонат атрофни суронли товушларга тўлдирди, ҳаволар зириллади, юраклар ларзага келди, довулбошлар тобора шиддат билан гумбурларди. Хўқиз териси тортилган кўс ногоралар худди панжара ичидаги қамалган ваҳший махлуқлар каби дам тарақлаб, дам гумбур-гумбур қилиб, жунбишга келар, ҳаммани бузуқ хотин, байроқ тикувчининг қатлига чақиради. Бу сафар чоғида туғиб қўйган хотиннинг оти Дўғуланг эканлигини кўчилик билмасди.

Ноғораларнинг шомоний садолари остида худди кўрикка чиққандек, отлиқ қўшинлар барча қуроляроғларини тақиб, тепа ён-атрофида юзлик-юзликларга бўлиниб, ярим ҳалқа бўлиб жойлашлар, қўшин-

ларнинг қанотларида эса ўғруқлар арава-паравалари, кўч-кўронлари ва барча хизматчи, уста-хунармандлари – ўтовчилар, қуролсозлар, от абзалчилар, тикувчилар, аёллар ва эркаклар, бари энг сара мева берадиган чоғидаги ёш-яланлар. Бу ибратли жазо аввало шулар учун, шуларни қўрқитиб қўйиш ва тартиб-интизомга солиш учун уюштирилмоқда эди. Юрәк бетлаб ҳоқон амридан тонган ҳар қандай кимса мана шундай қатл этилажак!

Довулбошлар тепалик устида этни жунжиктириб, дилларга қўрқув ларзасини солиб, тинмай гумбурлар. Чингизхон амру иродаси билан бўлаётган бу воқеага одамларни кўнкитирар ва ҳатто бу чорани маъқуллашга ундарди.

Мана, ниҳоят довулбошларнинг тинимсиз айюҳаннос солишлари остида тепаликка олтин тахти равонда итоатсиз хавфли хотинни қатлга буюрган ҳоқоннинг ўзини олиб ўтишди. Шунча қийин-қистовга солсалар ҳам, аёл кимдан тукқанлигини бари бир айтмади. Тахтиравонни сарғайган дўнг устига, қуёшнинг илк шульаларида чулғанган, чўл шамолида ҳилпираётган, ипак билан қатланган, комидан олов пуркаётган аждарли байроклар ўртасига қўйдилар. Шиддат билан хужумга отилган аждар хоқоннинг буюклик тимсоли эди. Лекин каштачи ўз жонли каштасида уни эмас, тамомила бошқани назарда туттганлигини ҳатто хаёлига ҳам келтирмасди. Аёл ўз қучоқларида шиддаткор ва ёвқур бўлган ўз аждарини ипак билан битган эди. Мана, энди худди шунинг учун ширин жонидан жудо бўлаётганлигини ҳеч ким билмасди.

Ўша мудхиш дақиқа яқинлашарди. Ноғоралар айни қатл пайтида унларини ўчириш учунми, аста-секин овозларини пасайтирас ва бу билан оғир сукунатни янада оғирлаштирас, бунда вақт гүё кутиш ваҳшати ичидаги қолиб сизилиб оқар, тирқираб тарқалар, мисоли нафаси ичига тушиб кетарди. Сал кейинроқ ноғоралар ҳаётнинг . эҳв бўлиш онларини ваҳшиёна даранглаб,

қулоқларни батанг қилиб, оғир, шиддатли жунбишга киради, қатлни томоша қилаётгандарнинг барчасини ўзига ром этади, уларнинг ҳушини йўқотган каллала-рида вахшиёна ўч олиш эҳтиросини қўзгатади, ажаб аччиқ ва гизли қувонч уйғотади, ахир ўзингиз кўринг, баайни уни эмас, бутунлай бошқа бир одамни осиб ўл-диряптилар-да.

Ноғоралар унлари пасайди. Барча жам бўлганлар асаблари таранг тортилиб қутишар, ҳатто суворий-ларнинг отлари ҳам қимирламасди. Чингизхоннинг тошдек чехраси тек қотган. Унинг маҳкам қимтилган лаблари, қисиқ кўзларининг совук, сўхта қараши бами-соли илонни эслатарди.

Қатлгоҳга яқин ўтов ичидан байроқ тикувчи Дўгу-лангни олиб чиққанларида, ноғоралар овози ўчди. Барзangi ясовуллар унинг кўлтиқларидан тутиб, иккита от қўшилган аравага чиқардилар. Дўгуланг аравада тик туарар, унинг орқасидан ёш, бадқовоқ ясовул тутиб суюб туарди.

Сафларга тизилган одамлар гувиллашди ва, айниқ-са, хотин-халаж: э, ўша каштачи деганлари шу экан-да! Бузук! Эрсиз хотин! Шундай навраста ва қўҳлик экансан, биронта нўённинг иккинчи ё учинчи хотини бўлиб олсанг ўлармидинг? Агар у қартайган бўлса, янайм соз. Ўйнаб-кулиб, қайғу-ғам нималигини билмасдинг. Қайда! Бунинг ўрнига ошиқ-маъшуқ, ўйнаш бўлишиб, бола туғиб олганини қаранг, шарманда! Хоқоннинг ўзига оёқ қўйиб-а! Энди жаззасини тортсин! Туянинг устида оёғи осмондан бўлиб кетади! Ҳолинг шу экан-ку, ойимча! Издиҳомнинг бу шафқатсиз суронли ҳукми довулбошлар наърасининг айни давоми эди. Ҳўқиз териси тортилган ноғоралар худди мана шунинг учун, яъни хоқон қаҳрига олган кимсага қарши нафрат ва ғазаб қўзғаш, ҳаммани ҳанг-манг қилиб қўйиш учун даранглар, сурон устига сурон солар, қулоқларни қоматга келтиради.

– Ана, чўриси чақалоқни кўтариб чиқди! Қарангларо! – қий-чув кўтаришди юмушчи хотинлар. Ҳа, бу чиндан ҳам чўри Олтун эди. У болани латта-путталарга ўраб-чирмаб кўтариб олганди. Олтун кўзлари аланг-жалинг, кўрқиб қалтираб барзанги ясовул қўриқчилигига арава ёнида келар, унинг қўлидаги чақалоқ гўё ўлимга ҳукм қилинган каштачи аёлнинг гуноҳкор эканлигига тирик далолатдай эди.

Уларни қатл олдидан барча йиғилганларга сазойи қилиб кўрсатиб қўрқитиб қўйиш учун олиб борардилар. Дўгуланг энди тақдирга тан берди: ҳеч қандай раҳм-шафқат, афв қилинмаслигига кўзи етди.

Уни шармандаларча ташқарига судраб олиб чиқмасларидан пича олдин у гўдакка охирги маротаба қўкраганин тутди. Шўрлик болакайгина ҳеч нарсадан хабари йўқ, ноғораларнинг оҳиста сўниб бораётган така-тумлари садосидан енгилгина мудраганча маммасини мазза қилиб чапиллатарди. Чўри Олтун шу ерда эди. У мунграниб йиғлар, қаттиқ ўкириб юбормаслик учун дам-бадам оғзи-ни кўли билан тўсарди. Шу кўз очиб-юмгунча ўтган фурратда улар пичагина сўйлашиб олдилар.

– У қаерда? – шивирлаб сўради Дўгуланг болани шоша-пиша у қўкрагидан бу қўкрагига солиб. Ҳолбуки, у ўзи билмаган нарсани Олтун ҳам билмаслигини яхши тушунарди.

– Билмадим, – йиғи аралаш деди Олтун. – Узоқларга кетгандир бошини олиб.

– Айтганинг келсин! Айтганинг келсин! – ёлворган-дай илтижо қилди Дўгуланг.

Чўри жавоб ўрнига алам билан бошини лиқирлатиб қўйди. Икки аёл ҳам бир нарсани хаёлларидан ўтказишишарди: ишқилиб, юзбоши Эрдене бошини қутқариб кетган, қўл етмас жойлардан паноҳ тоғган бўлсин.

Ўтовдан ташқарида қадам товушлари, ғала-ғовур эшитилди:

– Олиб чиқ уларни! Оёғидан кўтариб судра!

Каштачи болани сүнгги марта бағрига босди, гүдак-нинг сут ҳиди анқиган вужудини ўртаниб симирди ва сүнг қўллари қалтираб болани чўрига узатди:

– Ўлмагай ишқилиб, қараб тургайсан...
– Э қўйсанг-чи, буни ўйлама! – ўкириб юборай деб хиқиллади Олтун. Кейин бари бир ўзини ҳеч тутолмади. Овози борича уввос солиб алам билан йиглади.

Ясовуллар уларни ташқарига судраб чиқардилар.

Чўл офтоби кўтарилиб қолган, уфқда осилиб турарди. Каштачи аёлнинг қатлидан сүнг сафарни давом эттиришга ҳозир турган қўшинлар ва кўронлар оша ҳамма ёқ Сариўзак чўллари – поёнсиз текис дашт ястаниб ётарди. Баланд тепаликда хоқоннинг олтин тахтиравонни ярқиради.

Ўтовдан чиқаётганда Дўгуланг кўз қири билан шу тахтиравонни кўришга улгурди, унда хоқоннинг ўзи етиб бўлмас худо каби ўтиради, тахтиравон атрофида эса унинг қўллари билан тикилган олов пуркаган аждарли байроқлар чўл шамолида елпинарди, Гулдор чойшаб тагида ўтирган Чингизхонга тепадан ҳаммаси – дашт ҳам, лашкар ҳам, юмушчилар ҳам кафтда тургандек кўринарди, осмон бағрида эса унинг нақ боши узра вафодор оқ булути оҳиста сузарди. Каштачи аёлнинг қатли қўшинни йўлдан қолдирмоқда эди. Лекин бир ишни битирмагунча иккинчисини бошлаб бўлмайди. Бу унинг иштирокида ўтаётган биринчи ёки охирги қатл эмасди – турли-туман итоатсизликлар худди мана шундай йўл билан жазоланаарди ва ҳар сафар хоқоннинг шунга ишончи ортардики, олий хукмдор томонидан ўрнатилган ягона тартиб-қоидага улуснинг бўйсуниши учун мана шундай очиқ жазо чораси зарур. Бинобарин, даҳшатли ўлим жазоси сенинг чекингга эмас, бошка аллакимнинг қисматига тушганидан бир чеккаси қўрқасан, бир чеккаси суюниб ҳам қўясан пастарин бир тарзда. Буларнинг бари мудҳиш жазони зарур бир чо-

радай кўриб, ҳокимиятнинг бу ишини оқлашга ва ҳатто уни маъқуллашга ҳам олиб келади.

Каштачи аёлни ўтовдан олиб чиқиб сазойи қилиб айлантириш учун аравага итқитганларида, издиҳом бу сафар ҳам уяси бузилган арилардай ғувиллаб жунбишга кирди. Чингизхоннинг юзи қилт этмади. У шамолда ҳилпираган гулдор соябон тагида, пориллаган байроқлар ўртасида, туғ оғочлари ёнида тошдай қотган кезегуллар куршовида ўтиради. Қатлдан кўзланган мақсад ҳам худди мана шунда эди – қимиirlаган тирик жон борки, билиб қўйсин – кун ботар сари улуғ юришда заррача тўсиқа йўл кўйилмагай. Хоқон юрагининг тубида яхши англарди, янги туққан аёлни бунчалар оғир жазога тортмай, уни афв этса ҳам бўларди. Лекин бундан ҳеч қандай маъно кўрмас, зеро, ҳар қандай олижаноблик ҳамиша ёмонлик келтиради – ҳокимият заифлашади, одамлар сурбет бўлиб кетади. Йўқ, у ачинмайди, фақат бир нарсадан норози, холос – каштачи аёлнинг ўйнаши ким эканлигини бари бир аниқлаб бўлмади.

Осиб ўлдиришга маҳкума аёл эса кўкси пора-пора йиртилгай, соchlари паришон тўзғиган – эрталабки қуёш нурларида тўсдек йилтираган қуюқ қора ўрамлари бўздай оқарган юзини тўсиб тўкилган ҳолда арава устида лашкар ва кўронлар сафлари олдидан ўтиб борарди. Бироқ Дўгуланг бошини эгмади, атрофга тик боқди, кўзларининг аламли чоҳи бўм-бўш эди – энди унинг ҳеч кимдан яширадиган нарсаси қолмаганди. Ҳана, мана у, эркакни ўз ҳаётидан ҳам ортиқроқ севган аёл, мана, унинг ҳароми боласи, ўйнашдан туғилган!

Аммо издиҳом билишни истар ва тикмай қичқираарди:

– Ҳой байтал, айғиринг қани? Кўрсат айғирингни!

Издиҳом ўзини ўзи кўпиртириб, жунбишга келтирас, ўзининг ҳар қандайдир тарэда айбдор эканлигини тан олгиси келмас, қизишар, тубан гуноҳни ўзидан тезрок соқит қилиш учун бўкирарди:

- Қанжиқ осилсин! Тез осинглар! Нимасини кутамиз?

Қатлни тайёrlаганлар худди мана шуни ҳам ҳисобга олганлар чоғи. Ки бўкирган, наъра тортган оломон каштачи аёлнинг ихтиёрини синдиради. Шунда хон аъёнлари орасидан от минганд, овози наърадор, кўп жанг-жадал кўрган бир нўён ажралиб чиқди-да, тавбасига таянтириш ишини ўз устига олди. У мусибатзада карвон – каштачи аёл тушган арава, унинг ёнида бораётган бола кўтарган чўрига от чоптириб яқинлаши.

- Қани, тўхтанглар, – деб шўридаларни тўхтатди ва сипоҳийлар сафларига қаратал баланд овоз билан қичкирди: - Кулоқ солиб эшитинглар! Бу уяtsиз ҳайвон кимдан туққанлигини айтсан! Ўйнаши ким – айтсан! Ҳей, қани айт, шу эркаклар ичидан болангнинг отаси борми?

Дўғуланг: «Йўқ» – деди. Сергак тортгач оломон ичидан норози сурон кўтарили.

Арава у бўлукдан бу бўлукка ўтар, юзбошилар баланд овоз билан қичкиришарди:

- Мунда йўқ! Балки у бошқа ердадир!

Наърадор нўён эса каштачи аёлдан тинмай отасини кўрсат, деб талаб қиласарди.

Мана, яна аравани суворийлар сафи олдида тўхтатдилар ва ўша талабни такрорладилар:

- Айт, шарманда, кимдан туққансан?

Айни худди мана шу сафда юзбоши Эрдене ўзининг Оқюлдузига мингандча турарди. Дўғуланг билан Эрдененинг кўзлари тўқнашди. Улар бир-бирларидан кўзларини узолмадилар. Дўғуланг пешонасига тўзғиб сочилган соchlарини тузатди. Бир сесканиб тушди. Юзи бир зум ичидан лов этиб ёниб, яна шу ондаёқ сўнди – лекин хеч ким издиҳомда буларни пайқамади. Фақат Эрденегина бу оний лаҳзаларда Дўғуланг бошидан нималарни кечираётганилиги, у қанчалар қувонч ва алам билан тўлиб-тошиб турганлигини англарди. Ҳушёр тортиб, ўзини кўлга олган Дўғуланг наърадор нўённинг саволига қатъият билан жавоб берди:

– Йўқ, йўқ бу ерда боламнинг отаси!

Юзбоши Эрдене бошини қуи эгди. Лекин шу заҳоти яна ўзини тутиб олди, унинг бу ҳолатини ҳеч кимса пай-қагани йўқ. Узун қора чакмон кийган, енглари шимарилган уч киши ўртага икки ўрқачли жуда баҳайбат тияни олиб чиқдилар. Тия шунчалар катта эдики, от мингандан одамнинг калласи базўр унинг қорнига етарди. Яйдоқ даштларда оғоч бўлмаганлиги учун кўчманчилар қадим замонлардан қатлнинг шундай усулини кўллар эдилар – тия ўрқачи орасидан арқон ўтказиб, маҳкумларни унинг ҳар иккала томонига, агар маҳкум бир киши бўлса, иккичи томонга кум тўлдирилган қанор осиб, ўлдирадилар. Каштачи аёл Дўғуланг учун ҳам шундай қум тўлдирилган қоп тайёрлаб кўйилган эди.

Жаллодлар ҳайт-ҳайт деб қичқиришиб, таёқлар билан қалтаклаб қутуриб бўкираётган тияни узун сержун пахмоқ оёқларини букиб, чўккалашга мажбур қилдилар. Дор тайёр бўлган эди.

Ноғоралар яна такатумни бошлади. Сал ўтмай улар айюҳаннос кўтариб даранглаб одамларнинг қулоқ-мияларини танг қилиб, юракларни ларзага келтирадилар.

Шунда наърадор нўён яна бир карра – бу сафар эрмак учун бўлса керак – каштачи аёлдан сўради:

– Охирги маротаба сўрайман. Сен суюқоёқ аҳмоқ бари бир ўлиб кетасан. Болангнинг ҳам куни битган! Сени нима дейлик? Наҳотки, боланг кимдан бўлганини билмассанг? Балки аҳмоқ каллангни жойига қўйиб эсларсан?

– Кимданлиги эсимда йўқ. Бунга анча бўлган. Бу ердан узокда эдик, – жавоб берди шўрлик каштачи аёл.

Даштни эркакларнинг тўнг, хунук хаҳолашлари ва хотин-халажнинг кинояли чувиллашлари тутиб кетди.

Нўён эса сўрашдан қўймасди:

– Бундан чиқди, нима, бозорга согланмидинг ўзингни?

– Ҳа, бозорга соглан эдим! – терс жавоб берди Дўғуланг.

- Савдогармиди ё дайди саёқмиди? Бозор ўғриси эмасмиди, ишқилиб?

- Билмадим. Савдогарми, дайдими ё бозор ўғриси, - тақрорлади Дўгуланг.

Яна издиҳом хаҳолаб, қий-чув кўтарди.

- Унга нима фарқи бор. Савдогарми, дайдими, ўғри-ми - ишини бозорда битирса бўлди-да!

Шунда кимдир кутилмагандан сипоҳийлар орасидан овоз берди. Кимдир қаттиқ қичқириб деди:

- Менман боланинг отаси! Керакми шу сизга - менман боланинг отаси!

Издиҳом сув қуйгандай жимиб қолди. Ҳамма ҳайрон, карахт. Ким бу? Ким у ўлимнинг сўнгги чақириғига «лаббай» деган? Каштачи ўлим олдида ҳам очмаган сирни ким очди?

Ҳамма лол. Юлдуз қаншар отини илгари суриб юзбоши Эрдене олдинга чиқди. У Оқюлдузни ўз жойида маҳкам тутиб, узаигидан кўтарилиб издиҳомга қаратада баланд овоз билан ҳайқирди:

- Мана, менман! Бу менинг ўғлим! Ўғлимнинг оти Кунан! Онасининг оти Дўгуланг! Мен юзбоши Эрдене бўлламан!

Шу сўзларни айтиб, ҳамманинг кўз ўнгига отдан сакраб тушибди. Оқюлдузнинг бўйнига кафти билан қарсиллатиб урди, от ўзини четга олди. Эрдене йўл-йўлакай устидаги сезут-сипар, қурол-яроғларини ечиб атрофга улоқтириб ташлади. У жаллодлар тутиб турган каштачи аёл томонга юрди. Атроф сукунатга чўмди. Одамлар ўлимга азот юриб бораётган кишини кўз ўнгларида кўриб турардилар. Қатлга тайёр турган суюкли ёри ёнига етгач, Эрдене унинг оёғига тиз чўкди, қучоқлади, аёл унинг бошига қўлинни кўйди. Ўлим остонасида улар яна қовушиб жонсиз қотдилар.

Шу ондаёқ довуллар даранглаб, оламни худди хуркиб тўзғиган ҳўқизлар тўдаси каби ўз ўкиришларига

тұлдирди. Ноғоралар ҳаммани ўзига итоат эттириш, барчанинг эхтиросини жунбишга келтириш учун тақиллай кетди, ҳамма бирдан хүшёр тортди, ҳаммаси яна жой-жойига түшди, амона ҳайқириқлар янгради – барча йүлға тушишга, сафарни давом эттиришга ҳозирлансан; ноғоралар тарапнан дарангларди: барча барчадай бўлсин, ҳар ким ўз бурчини адо этсин! Жаллодлар дарҳол ишга тушдилар. Уларга яна уч ясовул кўмакка отиљди. Улар юзбошини ерга йиқитиб, дарҳол унинг қўлларини орқасига боғладилар, каштачи аёлни ҳам шундай боғбанд қилдилар ва ҳар икковини чўйкалаган түя олдига судрадилар; битта арқоннинг икки учини сиртмоқ қилиб түя ўркачларининг ўртасидан ташладилар, бир сиртмоқни юзбошининг бўйнига, иккинчисини каштачи аёлға илдилар ва ноғораларнинг тинмаган сурони остида шоша-пиша түяни оёққа турғиза бошлидилар. Жонивор ўрнидан туришни истамай қаршилик кўрсатарди. Түя ўқирав, оғзидан кўпик сочар, тишларини ғазабланиб қасирлатиб, ғажиб ташламоқчи бўларди. Бироқ қалтак зарбларига чидолмай ўрнидан қўзғалишга мажбур бўлди ва баҳайбат гавдасини тик кўтариб оёққа қалқди. Икки ўркачли нортуянинг икки ёнида ўла-ўлгунча бирга бўламиз деб аҳд-шаймон қилган севишганлар сиртмоқда осилиб қолдилар, уларнинг гавдалари жон таслим қилини даҳшатида қалтира, тўлғанарди.

Ноғораларнинг шовқин-сурони ичида хоқоннинг таҳтиравонини тепалиқдан қандай олиб тушгандарини ҳеч ким пайқамай қолди. Хоқон қатлгохни тарқ этди, унинг иши битган эди; жазодан кутилган мақсад амалга ошиди, ҳатто кўзлангандан кўра ҳам аълороқ бўлди, ахир каштачи аёлнинг кўнглини ром этган номаълум кимсеп топилди, у кўрпа-тўшакда бўладиган эрмак-ўйинларни яхши кўрадиган юзбоши бўлиб чиқди; ҳа, юзбоши бутун эл-улуснинг кўз ўнгидаги тавқи лаънатни ўз бўйни, илиб тақдирига тан берди, қилмишита яраша жаесен:

олди; балки бу иш ҳам бир ёқаси ҳўв ўша Бўртэни ўз қу-
чоқларига босган ва охиригача кимлиги номаълум қол-
ган кимса эвазига олинган ўчдир; ўшандан кейин Бўртэ
унга тўнғич ўғил туғиб берди, лекин хоқон умр бўйи
юрагининг туби-тубида уни сўймай, ёқтирамай ўтяпти...

Ноғоралар эса такатумни авжга миндириб, сурон
солар, зўриқиб, кучаниб ғарқи ғазаб бўлиб, ошиқ-маъ-
шуқларнинг осилган гавдаларини кўтариб сафлар
қархисидан ўтаётган нортуюни кузатарди, бечора се-
вишганлар таянинг икки ўркачи ўртасидан ўтказилган
бир арқоннинг икки учига осилган эдилар. Юзбоши ва
каштачи аёлнинг жонсиз жисмлари таянинг икки биқи-
нида лопирлаб борар - булар бўлғувси жаҳон ҳукмдори-
нинг қонли шоҳсупасига келтирилган қурбонлик эди.

Довулбошлар юракларни ларзага солиб, кўрқинч ва
харосонликка ботирав, қулоқларни кар қилиб, қоматга
келтиради. Шу куни ҳар ким ўз мақсади сари қатъият
 билан бораётган ҳоннинг амру иродасига қарши борса,
бошига нима кун тушишини ўз кўзи билан кўриб ишонч
хосил қилди...

Жаллод ясовуллар кўчма дорга айлантирилган нор-
туя билан лашкар ва қўронлар оралаб ўтиб бораркан,
сўнг улар ўлдирилганларнинг жасадларини олдиндан
қазиб кўйилган чукурга ташлаб қўмарканлар, довул-
бошлар тўхтамай гумбурлаб турди, ноғорачилар қора
терга тушдилар.

Бу орада кўшин йўлга тушди ва яна Чингизхоннинг
саҳрои лашкари Кунботар сари харакатга кирди. Сон-
саноқсиз суворийлар, ўтруқ кўч-қўронлари, озиқ-емиш
учун ҳайдаб кетилаётган подалар, қуролсозлар ва ара-
валарга жойлашган бошқа ҳунарманд усталар, кимки
сафар билан кетаётган бўлса - бари, бирон тирик жон
қолмай зудлик билан йўлга отланар, зудлик билан Са-
риўзакдаги бу худо қарғаган ерни тарк этар, бир зум
бўлсин пайсаллашни истамас эдилар; ҳамма ташлаб
кетган ерда ўзини қаерга уришни билмай довдираган,

гангиган, дардини кимга айтишни билмаган саргардон бир жонгина қолди – у ҳам бўлса қўлида бировнинг боласини кўтариб олган чўри Олтун эди. Уни бирдан ҳамма бирварақайига унугти, у ҳали ҳамон ҳаёт эканлигидан ҳаммалари худди уялгандай бўлишиб, уни ўз ҳолига ташлаб кетишиди, ҳаммалари гўё уни кўрмаганга олишди, ҳаммалари худди ўтдан қочгандай қочишиди, ҳеч кимнинг у билан иши-хуши бўлмади.

Кўп ўтмай атроф тумонат жимиб қолди, на довулбошлар, на савту сурон ва на байроқлар... Фақат от тақаларидан тушган излар, тезакларгина сафарнинг қайга кўчганлигини англатарди. Лекин Сариўзак даштларида унча кўп ўтмай бу излар ўчиб кетади шаксиз...

Ташлаб кетилган, ҳайқирган чўлда ёлғиз қолган чўри Олтун кечаги манзилларнинг ўчоқларидан унугтилган, ташланган овқат сарқитлари, чала-ярим тозаланиб улоқтирилган суяқ-сўпокларни йигиб халтасига соларди; турли-туман нарсалар орасидан у кимнингдир ёдидан чиқсан пўстагини топди ва уни ҳам елкасига ортди; кечаси ўзи билан боланинг тагиги солишга ярайди, ахир у энди беихтиёр она бўлиб қолди...

Чиндан ҳам, Олтун нима қилишини, бошини қайга уриш, қаердан бошпана топиш, болани қандай боқиши билмасди. Кундузи-ку қуёш чараклаб туради, бир кунини амал-тақал қилиб ўтказса бўлади, ҳатто кутилмаганда баҳти кулиб боқиши ҳам ҳеч гап эмас, эҳтимол шундок рўпарасидан лоп этиб бирон қўналға чиқиб қолар – овлоқ дашт пучмоқларида ташлаб кетилган чўпон-чўлиқнинг хароба ўтовлари учрамайди дейсизми. Ҳеч кутилмаганда бирдан озодликка чиқсан чўри шуларни ўйлар, ўзини ўз хаёлларига ишонтиromoқчи бўлиб уринарди. У ўз эмгагига тушган қисмат юкидан қаттиқ хавотирда эди. Ахир чақалоқ тезда уйғонади, очиқади, сут талаб қиласди ва очликдан унинг қўлида ўлиб қолади. У худди мана шундан жуда кўрқарди. Бирон чора-тадбир топиш, эпини қилишга ожиз эди.

Олтуннинг ишониш қийин бўлган ёлғиз умиди – агар бу бийдай даштларда одам қораси қолган бўлса, чўлдан бирон кимсани топиш, мабодо, улар орасида эмизикли хотин чиқса, унга болани топшириш ва бунинг эвазига ўзини ихтиёрий суратда кулчиликка таклиф этиш...

Чўри чўлда сарсон-саргардон кезар, қаёқ тўғри келса шу ёқقا – дам шарқقا, дам ғарбга, дам яна Кунчиқарга қараб кетарди... У кўлида бола билан тиним билмай йўл босарди. Кун пешинга яқинлашарди, гўдак борган сари безовта бўлиб ғимирлар, ғингшиб йиғлаб, кўкрак талаб қила бошлади... Чўри чақалоқни бошқатдан ўраб-чирмаб уни қўлида аллалаганча яна йўлга тушди. Лекин кўп ўтмай бола янада қаттиқроқ йиғлади. Энди у сира йиғидан тўхтамас, йиғининг зўридан юзи кўкариб борарди. Шунда Олтун юришдан тўхтаб нима қилишини билмай фарёд кўтарди:

– Ёрдам беринглар! Ёрдам беринглар! Мен нима қиласай ўзи?

Поёнсиз дашт маконларида на тутун ва ўт учқуни кўринарди. Атроф кета-кетгунча ҳувиллаган яйдоқ дашт, кўз илғайдиган ҳеч вақо йўқ... Боши ва охири йўқ чўл, боши ва охири йўқ кўк осмон, фақат бир парча оқ булат оҳиста осмон юзида айланади...

Чақалоқ йиғи зўридан ғужанак бўлиб қолди. Олтун ёлвориб ўз-ўзича гапира бошлади:

– Хўл, мендан нима истайсан ўзи, бўталогим?! Дунёга келганингга эндингина етти кун бўлди! Шўрингга шўрва тўкилди ёруғ дунёга келиб... Сени нима билан овутай, етимчагинам? Кўрмайсанми, ҳатто зоғ учмайди бу ерларда! Сен билан мендан бошқа ҳеч зоғ йўқ бу оламда, фақат сену мен икки аламдийдамиз, ҳа, яна осмонда бир парча оқ булат, ҳатто қуш учмайди, фақат бир парча оқ булат кезади... Қайга борайлик, бошимизни қайга урайлик? Сени нима билан боқаман? Ҳамма бизни ташлаб кетди, ҳеч кимга керагимиз йўқ, ота-онангни осишиди ва қора ерга тиқишиди. Нима қилишаркин одам-

лар урушиб, нимага бир-бирлари билан күч синашади, байроқлар күтариб, ноғора чалиб. Нималар топаркинлар бу одамлар, сен шўрлик гўдакни ҳар нарсадан айриб, жудо қилиб?!

Олтун яна чўл бўйлаб чолиб кетди. У болани бағрига маҳкам босганча югурап, ишқилиб тўхтамасам, ишқилиб ўтириб қолмасам, ишқилиб алам-изтиробдан юрагим ёрилиб ўлмасам... бўлди, дерди... Гўдак эса англашни истамас, чинқириб, бўғилиб йиғлар, сут бер, қайнок она сутимни бер деб ҳиқилларди.

Олтун умидини йўқотиб тош устига ўтирганини билмай қолди. У кўзидан ёшлари шашқатор қуишлиб, алам билан кўксини шариллатиб очди ва болага ҳеч қачон фарзанд дудоғини кўрмаган, қуриган, сўлғин кўкрагини тутди:

– Бўлди, ма, ма! Кўр ўзинг! Сутим бўлса сен етимчага аллақачон бермасмидим! Чапиллатиб эммасмидинг! Ма, ол! Ўзинг кўр, балки шундан кейин мени қийнашни бас қиласан! Нималар деб валдираяпман! Кимга гапиряпман! Бу қуриб шалвираган кўкракдан нима фойда, бошингга урасанми! О, Осмон, қаттиқ бошимга солмаган яна не кўргиликларинг бор?

Гўдак кўкракни оғзига солгач, шу заҳоти жимиди, кичкина вужуди билан тўйиб-тўйиб эмишга чоғланиб, милкларини чапиллатиб ишга солди, қувонч акс этган кўзларини дам очиб, дам юмиб пирпиратди.

– Ана, кўрдингми? – деди хотин гўдакка таънаомуз сўзланиб. – Ишондингми? Энди ишондингми ҳеч нарса йўқлигига? Сен мана ҳозир илгаригидан бешбаттар дунёни бошингга кўтариб йиғлайсан, унда мен нима қиласан кейин бу худо урган чўл маликда? Нега алдинг дейсан? Ахир ўзимга қолса, сени ҳеч алдармидим? Умрим чўрилиқда ўтди, лекин ҳеч қачон ҳеч кимни алдаган эмасман. Онам менга болалигимда айтарди: бизнинг авлодимиздан ҳеч ким Хитойда бировни алдама-

ган, деб. Майли, майли, эмавер, эмавер эрмак қилиб, шу сенга ёқса, бирласдан кейин кўраман ҳолингни...

Чўри хотин Олтун ҳозир рўй бериши муқаррар бўлган аламли фарёд сасини кутиб, ўз-ўзича шундай ғудранарди. Лекин не кўз билан кўрсинки – гўдак унинг қуруқшаган кўкрагини сира қўйворай демас, аксинча, ажаб, унинг тирноқдай кичкина юзида ажиб бир фароғат акс этарди...

Олтун боланинг оғзидан оҳистагина эмчагини чиқарди ва кўксидан оппоқ сут отилганини кўрди, у инграб юборди. Камоли ҳайрат ичида у эмчакни яна бола оғзига солди, кейин яна унинг оғзидан аста олиб, яна сут барадла оқаётганини кўрди. Унинг кўкрагига сут келибди! Энди у бутун аъзойи баданига куч-куват ёйилиб кираётганилигини аниқ ҳис қилди.

– О, худойим! – беихтиёр тўлқинланиб кетиб деди чўри Олтун. – Сут келибди менга! Чинакам сут! Эшитяпсанми, кичкинтоим, энди мен сенга она бўламан! Энди сен ўлмайсан! Охимиз осмонга етиб борди! Сен менинг азоб билан топиб олган боламсан! Сенинг отинг Кунан. Сени ота-онанг шундай деб аташган. Улар сени дунёга келтиришган бир-бирларини севишиб. Шунинг учун улар ширин жонларидан жудо бўлишди! Сенга йўқдан сут ато этиб ўз мўъжизасини кўрсатди, шукрингни унга айт, болакайим...

Рўй берган воқеадан лолу ҳайрон Олтун жимиб қолди, вужуди қизиб кетди, пешонасига тер чиқди. Поёнсиз яйдоқ чўл уфқларига кўз югуртириб, у бирон қимирланган тирик жонни кўрмади. Фақат қуёш кўкда нур сочар ва боши узра ёлғиз оқ булут айланарди.

Оғзи суттга тўлиб тўйиб эмган бола кўзи уйқуга толди, чўрининг ярим букилган қўлида қулайгина ўрнашиб олган вужудчасини эмин қўйиб юборди, бўшашди, бир маромда нафас олди. Хотин бечора бошига тушган барча кўргилик – шўришларни унугиб, яқингинада қулоғини батанг қилган довулларнинг қаҳрли суронидан

кутулиб, ўзини аста-секин ўнглади, илгари ҳеч туйиб күрмаган, оналик, бола эмизиш ҳиссиётлари лаззатла-рига ғарқ бўлди. Шунда у ер, осмон, сут шарофат ҳамда саҳоватга тўлиқ ягона бир яхлит нарса эканлигини алланечуқдир сезди...

Бу орада ҳарб сафари давом этарди... Жаҳонгирнинг мўр-малаҳдек қўшини саҳройи забт билан Кунботар томон тўхтамай илгариларди. Лашкар, кўронлар, подалар...

Чингизхон кўрикчилар ва аъёнлар қуршовида, ипак билан оғзидан ўт сочган аждарлар тикилган яловларини кўтарган туғбардорларини олдига солиб, худди қисматнинг ўзидай ҳайратангез, ёллари оппок думи қора, чарчамас, вафодор тўриқ отига миниб йўл босарди.

Тўриқнинг кучли туёқлари остида замин гулдираб орқага сузиб ўтар, ер ортга қочар, лекин ҳеч камаймас, охири кўринмас, аксинча яна ва яна пайдо бўлаверар, ҳеч етиб бўлмас азал уфқлар ичра макон-маконларга ажralиб кўпайиб бораверарди. Бу маконларнинг чек-чегараси йўқ эди. Бу поёнсиз ер олдида, ниҳояти, бир заррагина бўлган хоқон кўзга илингандан ва илинмаган неки бор, барини эгаллашни, ўзини Тўрт Тараф Жаҳоннинг Ҳукмдори деб тан олишларини истарди. Шунинг учун ҳам, босиб эгаллаб олиш, қўлга киритиш учун йўлга чиққан, саноқсиз қўшинларини ҳарбу зарбга етаклаб борарди...

Хоқон қаҳрли ва жим эди, асли ўзи ҳам шундай бўлиши керак. Лекин ҳеч ким унинг кўксисида қандай тўфон кўтарилиганини хаёлига келтирмасди. Ҳатто хоқон кутилмаганда бирдан отининг бошини кескин шиддат билан орқага буриб юборганида ҳам ҳеч ким ҳеч нарсани тушунмади; у отни шунчалар тез орқага қайтардики, изидан келаётган аъёнлари сал бўлмаса у билан тўқнашиб кетардилар, улар ўзларини базур четга тортдилар. Хоқон қалтираган кафтларини пешонасига соябон қилиб, хавотир ва ташвиш ичидага кўк юзига кўз соларди.

Йўқ, йўқ эди оқ булат, на ортда, на олдинда, қайда қолган, қайда тўхтаган, ном-нишонаси кўринмасди...

Мана шундай, ҳеч кутитмаганда ғойиб бўлди унинг боши узра соя солган оқ булат. Шу ғойиб бўлганча ҳеч қорасини кўрсатмай кетди. Булат хоқонни тарк этди.

Итилга етгач, Чингизхон Кўк Осмон мендан юз ўгириди деган қарорга келди. У ёғига оёғи тортмади. Европани эгаллаш учун ўғиллари ва набираларини жўнатди. Ўзи эса ортга, Ўрдосга қайтди ўлгали шу ерда, балки кўмилгали шу ерда...

* * *

Бу ўлкаларда поездлар ғарбдан шарққа ва шарқдан ғарбга ўтиб борадилар...

1953 йилнинг февралялида шарқдан ғарбга, Сариўзак чўлларидан ўтиб бораётган йўловчи поездлар орасида бир поезд қаторнинг бош қисмида маҳсус вагон тиркаланган ҳолда йўлга чиқсан эди. Юк ташувчи вагонга уланган, ҳеч бир рақам билан белгиланмаган ушбу вагон ташқаридан қараганда, бошқаларидан ҳеч қандай фарқи йўқ эди, лекин ичкариси тамомила бошқа эди - вагоннинг бир қисми алоқа бўлими бўлиб, ундан бутунлай ажратиб ташланган иккинчи қисми эса давлат хавфсизлик идораларининг алоҳида назорати остидаги шахслар олиб юриладиган терговхонага мослаштирилган эди. Қозоғистон давлат хавфсизлик теэкор бўлимларидан бирининг катта терговчиси Тансиқбоев кўриб чиқаётган маҳсус иш туфайли бу ерга тушиб қолган одам Абутолиб Куттибоев эди. Қамоққа айлантирилган вагоннинг бу томонида Абутолиб Куттибоевни Тансиқбоевнинг ўзи ва кучайтирилган соқчилар қўриқлаб боришарди. Уни аллакимлар билан юзлаштириш учун бошқа шаҳарларга элтардилар.

Олдига кўйилган мақсадига етиш учун Тансиқбоев ҳеч нарсадан қайтмасди. Тергов қилиш йўлда ҳам тўхтамади. Немислар қўлига асир тушиб, сўнг асирикдан

шубҳали бир вазиятда қочган, тақдир тақозоси билан Югославияга бориб қолган ва бу ерда бўлажак югослав ревизионистлари ҳамда инглиз разведкаси билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатган, кейин душманнинг маҳсус хизматига ёлланган бир гурӯҳ кимсалар томонидан тузилган кўпорувчилик тармоғини қадам-бақадам фош қилишга Тансиқбоев бел боғлаган эди. Тинимсиз сўроқлар, кўрсатмалар бевосита ва бавосита далилларни солиштириш ва энг муҳими, тергов илоҳасининг тўла тантанасига эришиб, айбланувчиларнинг ўз қилмишларини тўла ўз бўйниларига олишларини таъминлаш, тавбаларига таянтириш ва шу йўл билан Совет ҳокимиятининг вақт-соати етгунча пусиб ётган, чет элларга сотилган душманларини ҳар томонлама фош қилиб ташлаш зарур эди.

Ишга етарли асос солинган эди – Абутолиб Куттибов терговлар чоғида Югославияда жанг қилган ўнларча собиқ ҳарбий асирларнинг номларини тилга олди. Текширувлар давомида уларнинг кўплари тирик ва соғ-саломат эканлиги, мамлакатнинг турли бурчакларида яшаётганликлари мъълум бўлди. Бу кимсалар аллақачоноқ қўлга олинган, улар ўз навбатида, терговларда яна қанчадан-қанча кишиларнинг номларини эслаган, шу билан Югославия хоинларининг рўйхатини янада тўлдирган эдилар. Хуллас, иш анча жонланган, душман унсурларни фош қилишда олдиндан чора-тадбир кўриб қўйиш ҳеч қачон зиён келтирмайди, деб ҳисоблайдиган юқоридаги катталарнинг маъқуллашлари туфайли анчагина жиддий тус олган эди. Югославия компартияси билан ҳалқаро тортишувлар тобора қизиб борар, Стalinнинг шахсан ўзи Титонинг бошига тавқи лаънат ёғдириб турагар, шундай бир пайтда ташаббус кўтариб чиққан Тансиқбоевнинг ишлари юришиб кетса ажаб эмас, бу фақат унинг ўзигагина эмас, бошқа шаҳарлардаги жуда кўп ҳамкасларига ҳам «катта ўлжа» ва омад келтириши тайин эди. Шу маънода улар бу ишга ғоят-

да қизиқиб, манфаатдорлик билан қарашар, вазиятдан фойдаланиб ҳаммалари янги амал курсиларига күтарилишни мүлжаллар эдилар. Шунинг учун ҳам ҳаммалари бир ёқадан бош чиқарып ҳамжиҳатлиқда иш күрардилар. Ҳар ҳолда, Чкалов (собиқ Оренбург), Куйбишев сингари вилоят шаҳарларида ва юзлаштириш, икки томонлама сўроққа тутиш мақсадида Абутолиб Куттибоев олиб борилаётган Саратовда Тансиқбоевнинг келишини сабрсизлик билан кутаётган эдилар.

Тансиқбоев вақтни бой бермас, ишда тезкорлик ва зўр беришиликни ёқтиради. У тергов бериб қамоқда ётган кимсага ташқарига чиқиш қандай таъсир қилиши, маҳбус панжара билан тўсилган дарча ортида ўтиб бораётган бекатларга қанчалар алам ва соғиниш билан қараётганлигини ҳам назардан қочирмай ҳисобга оларди. Тансиқбоев Куттибоевнинг кўнглидан нималар кечаетганлигини фаҳмлаб турар, мен терговчи бўлсан ҳам, сизга ёмонликни раво кўрмайман, деб иложи борича уни ишонтиришга уринар, тинмай кўйнига қўл солиб кўрар, сизнинг гуноҳингиз ҳам у қадар катта эмас, албатта, сиз резидентлик ҳам қилмагансиз, бу менга кундай равshan бўлиб турибди, деб қўярди. У ўсмоқчилаб, мамлакатда агарда фавқулодда ҳолат юз бериб қолгудек бўлса, маҳсус хизматлар томонидан мўлжаллаб кўйилган агентура тармоғининг бошлиғи ҳам бошқа одам бўлса керак, дерди. Шунинг учун агар Куттибоев терговда бош резидентни аниқлашга кўмаклашса, ва энг муҳими, юзма-юз учрашганда, буни очиб ташлаб, қатъият билан исботлаб берса, унда ўз тақдирини ҳам анча-мунча енгиллатиши мумкин. Ҳа, анча-мунча енгиллатади. Қарабсизки, беш-олти йилдан сўнг ўз оиласи, бола-чақаси бағрига қайтади. Ҳарқалай, агар у терговга холис ёрдам берса, энг оғир жазо – отилиб кетишдан кутулади ва аксинча, қанча қайсарлик қилса, ишни чигаллаштиурса, жазо идораларидан бор ҳақиқатни яширса, ўзига баттар қийин бўлади,

оиласининг бошига бундан ҳам ёмонроқ баҳтсизлик солади. Яна ким билсин, балки ёниң суд уни ўлимга ҳукм этар...

Тансиқбоев кўзлаган ишида мўлжалга аниқ уриш учун бошқа бир ғаламисликни ҳам пишишиб қўйган эди. У маҳбуснинг миясига яна шуни ҳам қуярдики, агар биз билан ҳамкорлик қилсангиз, унда Сариўзакда ёзид олинган ривоятлар ва айниқса, «Манқурт афсонаси» ва «Сариўзакдаги қатл» ишга тиркалмайди. Аксинча, агар Куттибов ҳамкорликка кўнмаса, унда Тансиқбоев судда бу кўлёзмалар усталик билан ниқобланган эски миллатчилик ташвиқотлари сифатида қаралишини талаб этади. Шубҳасиз, «Манқурт афсонаси» – аждодларнинг унуглилган ва ҳеч кераги бўлмаган тилини тирилтиришга бўлган заарли уриниш; «Сариўзакдаги қатл» эса – кучли юқори яккаҳомимликни қоралаш, давлат манфаатларининг шахс манфаатларидан устунлигиғоясини бузиб кўрсатиш, чириган буржуа индивидуализмига хайриҳоҳлик, коллективлаштиришнинг умумий йўналишини, яъни колективнинг ягона мақсадга бўйсуниши заруратини қоралаш, буларнинг баридан эса социализмни салбий йўсинда кўрсатиш ва изоҳлашга уриниш келиб чиқади. Ўзингизга матьлумки, социалистик манфаатлар ва принципларни ҳар қандай тарзда бузишга уринишлар Омонсиз тарзда жазоланади... Даладаги жамоа бошоғини ижозатсиз кўтариб кетган кимсани бекорга ўн йилга лагерларга жўнатмайдилар. Мафкуравий «бошоқлар»ни териб юрганларни нималар кутаётганлигини гапириб ўтиришга ҳожат бормиқин! Иш мана шундай тарзда тақдим этилганда суд яна қўшимча моддалар қўйиб, қўшимча айбларни кўриб чиқиши эҳтимолдан узоқ эмас. Шуларни айтаркан, Тансиқбоев ўз сўзлари янада ишонарли бўлиши учун ўзининг Сариўзак ёзмалари ҳақидаги аниқ-равшан хуло-саларини овоз чиқариб бир неча маротаба ўқиб берди. У яна ҳар гал шуни ҳам таъкидлаб ўтардики, бу кўлёз-

малар Куттибоевни қамаш унга қарши иш кўзғатишга асосий сабаблардан бўлди...

Поездга тушганларининг мана, иккинчи куни ҳам ўтди. Абутолиб Сариўзакка яқин қолгани сари панжара билан тўсилган дарчадан липиллаб ўтаётган кўз илғамас кенгликларга қараб тобора қаттироқ ҳаяжонланарди. Терговчининг зўр бериб кўндираман деб уринишлари, газабини сочиб дўқ-пўписа қилишларидан, терговдан бўшаган, қутулган соатларда у ичи қалин темир тунука билан қопланган ҳибсхона купесида ўзи билан ўзи ёлғиз қоларди. Худди Олма-отадаги ертўла каби бу ер ҳам ростмана қамоқ эди, бу ерда ҳам дарчага худди у ердаги каби мустаҳкам панжара қоқилганди, бунда ҳам эшикдаги туйнукдан назоратчининг ўқрайган кўзи мўраларди. Лекин шундай бўлса ҳам, бу ҳар ҳолда йўл эди, жой алмаштириш эди, ва ниҳоят, бу ерда у куну тун шипда кўзини кўр қилиб ярқираб ёниб турувчи вахшиёна электр чироқдан қутулган эди. Ҳаммадан ҳам муҳими, унинг юрагини бир умид дам ёниб, дам ўчиб, тинимсиз орзиқтирас, ўртагандан ўртарди. Абутолиб Бўронли бекатига етиб болаларим, хотинимни кўзимнинг қири билан бўлса-да, бир мартагина кўрсам эди, дерди. Ахир, мана, шунча вақт ўтиб, уларга бир оғиз хат ёзиб, хабар жўнатолмади, улардан ҳам на хат келди ва на хабар.

Абутолибни қамоқҳонанинг ҳамма ёғи ёпиқ машинасида Олма-Ота яқинидаги темир йўл бекатига келтириб, маҳсус вагоннинг купесига жойлаштириб қоровул қўйганларидан бери унинг кўнгли шундай умид-армон, ташвиш-хавотирлар ичida ўртанарди. У қайси томонга йўлга тушганликлари, поезд Сариўзакка қараб жилганинги сезгандан кейин юраги илгаригидан баттарроқ ҳаприқиб, типирчилади. Бир зумга бўлса ҳам, кўз қирида бўлса ҳам болаларини, Зарифани бир кўрсайди, ана ундан кейин нима бўлса майли эди, бир кўрса, шундоқ кўз қирини ташласа, бас...

Үйни шунчалар соғинган эдики, энди бошқа ҳеч нарса хаёлига сиғмас, уззукун худодан Бўронли бекатидан кундузи ўтайлик-да, ишқилиб, кечасига, тун қоронғи-сига тўғри келиб қолмасин-да, илойим Зарифа билан болалари поезд ўтаётган маҳалда барак ичида бўлмасинларда, айтинг-айтинг, улар ташқарида юрган пайтга тўғри келсин-да, деб тинмай ёлворарди.

У толедан ёлғиз мана шунигина илтижо қилиб сўрарди. Бор-йўғи шу, холос. Лекин бундоқ ўйлаб қараганда, ҳақиқатан ҳам, худонинг қудрати билан бошқача эмас, айнан мана шундай бўлиб чиқса, унда нима қиларкин – нега ахир болалари ва Зарифа худди ўша соатда ҳовлида юришмасин, нега болалар одатдаги ўйинларини ўйнашмасин, Зарифа эса худди мана шу вақтда кирларини ташқарига олиб чиқиб ёяётган бўлмасин ва шунда тасодифан, кўз учидаги ўтиб кетаётган поездга бир қараб қўймасин, шунда болалар ҳам турган жойларида таққа тўхтаб, вагонларнинг лип-лип ўтаётган ойналарига қараб қолишмасин. Балки бирдан худодан бўлиб, поезд кутилмаганда, бекатчада бир неча дақиқага шартта тўхтаб турса-чи! Ахир жуда камдан-кам бўлса-да, бўлган-ку шундай ҳодисалар! Шунда Абутолибнинг юраги қинидан отилиб чиқиб кетишига оз қоларди: бир қараса, шундай омад кулиб боқишини истарди, яна бир томондан, яхшиси, керак эмас, дерди. Йўқ, мен бундай даҳшатли синовга бардош беролмайман, ўлиб қоламан, бунинг устига болакайларнинг кейин ҳоли нима кечади – отасини панжара билан тўсилган ойна ортида кўрсалар нима аҳволга тушадилар, уввос тортиб йиги-сиги бошлаб юбормайдиларми... Йўқ, йўқ, яхшиси, кўрмаганлари мъқул...

У ўзига далда бериш, тақдирни юмшатиб, ўз томонига оғдириш, марҳаматини қозониш ва шунинг баробарида орзу-истакларига етишини осонлаштирумокчидай бўлиб, дам-бадам турли темир йўл бекатлари, йўл ёқаларидаги белгилар, поездлар ҳаракатининг ҳар турли

жадвалларини хаёлидан ўтказиб, миясида айлантирас, ҳаммасини ҳисоблаб кўрарди. Куннинг қай вақтида Сариўзакнинг Бўронли бекатидан ўтишини аниқлаш унинг учун ҳозир жуда муҳим эди. Лекин барча ҳисоб-китоблари қулай келган чоғда ҳам, уни шубҳа ва хавотир бир зум ҳам тарк этмасди. Ахир мумкин-ку поезд ушланиб қолиши, графикдан чиқиб кетиши, кечикиши – қалин қор тушган кезларда бундай воқеалар тез-тез бўлиб туради. Энг алам қиласигани, худо кўрсатмасин, поезднинг бекатдан тунда ўтиши эди, ана унда Зарифа болакайлари билан ухлаб ётган бўлади, отаси уйдан атиги бир неча қадам наридан поездда ўтиб кетаётгандигини ҳатто хаёлларига ҳам келтиришмайди. Бу тахминни ҳам эътибордан соқит қилмаслик керак эди. Шуни ўйлаб Абутолиб оғир изтиробга тушар, ўзининг қурби ҳеч нарсага етмаслиги ҳамда вазиятдан қочиб кутулиб бўлмаслигини англаб ўзини қўярга жой тополмасди.

Абутолиб бошқа бир нарсадан ҳам ёмон хавотирга тушар ва ёлвориб худодан бундан сақлашни сўрарди – ишқилиб, қиргийкўз терговчи Тансиқбоев навбатдаги терговни худди мана шу пайтда, улар Бўронли бекатидан ўтаётгандаридан бошлаб қолмасин-да.

Одамнинг ўз жовдан азиз кишиларини шундайгина кўз учida кўришдек сiddiy тоза бир истагига қанчадан-қанча тўсиқлар, хавф-хатарлар қарши туриши мумкин экан-а. Озодликдан маҳрум бўлишнинг кулфати шу-да. Абутолибга факат бир нарсагина қувонч ва умид бағишларди. Ҳар ҳолда живдак бўлса ҳам омади бор экан! Унинг купе-камерасининг дарчаси поезд ҳаракатининг худди ўнг томонда жойлашган, Бўронли бекатидаги узун настак барак йўлнинг худди мана шу ёғига тўғри келарди. Мана шу изтиробли ўй-хаёллар, кўрқинч-хавотирлар, шубҳа-гумонлар Абутолибни алами кечинмалар гирдобига тортар, ўз қисмати устида қайғуришдан чалғитарди. У кутишнинг музтар

дақиқаларига бошдан-оёқ шүнғиган, энди сира ўзини ўйламас, рўй бераётган воқеанинг таг-заминини англашни истамас, терговчи Тансиқбоев томонидан кўйилаётган мудҳиш айбловлар бошига не қора кунларни солиши мумкинлиги ҳақида бош қотиргиси келмасди. Тансиқбоев эса зўр бериб бу айбларни унинг бўйнига кўйишга уринар, ҳеч нарсага қарамасдан, қандай қилиб бўлмасин, ўз олдига қўйган мақсадига етишни кўзларди - гўё уруш йилларидан бери мавжуд душманнинг яширин агентура тармоғини очиб ташлаб, унга барҳам бериб, гўё шу билан давлат хавфсизлигини сақлаш пайида бўларди. Ҳолбуки, бу сохта, уйдирма ишни унинг шахсан ўзи тўқиб чиқарган эди.

На худо ва на шайтондан кўрқадиган Тансиқбоев ҳаммасини худди худо ва шайтон каби олдиндан кўрган, ҳисоблаб чиққан, энди гап ҳаракатда қолган эди. Шу мақсад билан у йўлга чиққан, шу мақсад билан у Абутолиб Куттибоевни бошқа шериклари билан юзлаштириш учун купе, ҳибсхонага солиб олиб борар, барини кўвдалангига ҳал этишни мўлжалларди.

Аб; . олиб эса худодан фақат бир нарсани сўради – вагон деразисидан бир зумга бўлса ҳам, болакайлари Эрмак ва Довулни, Зарифани кўрса бас, ишқилиб, ҳеч нарса халал бермаса бўлгани, ахир яна қачон дийдор насиб этади. У эндиликда ҳаётдан шундан ортиғини сўрамас, юрагининг туб-тубида шундай аччиқ, аламли бир хulosага келган эдикি, унинг манглайига шу шўришлар битилган! Бу унинг толе лавҳасида баҳтнинг энг сўнгги лаҳзаси бўлажак. Зоро, сўнг у ҳеч қачон ўз оиласи бағрига қайтмаяжак, зотан, Тансиқбоев томонидан унинг бўйнига юкланаётган айб унга ҳалокатдан ўзга ҳеч нарса келтирмагай. Уни сал олдинроқ ё сал кейинроқ лагерларнинг фалокати кутади. Негаки у Тансиқбоев олдида ҳеч қандай ҳақ-хукуққа эга эмасди ва ҳеч ким уни ҳимоя қилмасди. Шунингдек, ҳамма нарсага қодир хукумат олдида ҳам у ҳеч қандай ҳақ-хукуқ ва

ҳимояга эга эмасди. Абутолиб қатъий хулоса чиқарган эди: у Тансиқбоев қўлида ўлиб кетишга маҳкум. Ўз навбатида Тансиқбоев ҳам доим ўзини чархлаб турадиган бемаъни жазо тизимининг кичкинагина бир мурвати эди, холос. Бу жазо тизими социализмнинг оламшумул ҳаракатини тўхтатиш, бутун ер юзида коммунизмнинг тантана қозонишига тўсқинлик қилиш пайида юрган душманларга карши тинимсиз кураш олиб борарди.

Кимлигидан қатъи назар, бирон киши мана шундай сехру жодули сўзлар билан айбордога чиқарилса, билингки, кейин унга ҳеч қандай омонлик йўқ эди. Бунинг ортидан, албатта, у ёки бу тарзда жазо етиб келарди: ё отилиш, ё йигирма беş йилга озодликдан маҳрумлик, ё ўн беш ёки ўн йилга кесилиб кетиши тайин эди. Бошқача бўлиши мумкин эмасди. Бундай пайтларда ҳеч ким бошқача бўлишини кутмас ҳам эди. Маҳкум ҳам, жазога тортувчи ҳам шуни бир хилда тушунар эдиларки, агар ушбу сехру жодули айблов сўзлари кучга кирса, бу жазо берувчини фақатгина айблабгина қолмай, балки шу билан бирга, душманларни таг-томири билан йўқотиш учун истаганча чора-тадбир кўриш мажбуриятини юкларди. Ўзгача фикрда бўлувчилар қириб ташланишга маҳкум эди. Бу қолли тегирмонига янчиш учун тинимсиз қурбонлар ке гиришларди. Таъқиб ва тазиик остида қолган одамга ўзининг тамомила маҳкум эканлигини уктиришга буниг инкор этиб бўлмас зарурат эканлигини минисига қўйиш ҳам талаб этиларди.

Шундай бўлиб чиқди ҳам. Поезд Сариўзак чўлларидан ўзаб борар, гилдираклар тинимсиз айланар, Тансиқбоев ва унинг маҳбуси битта вагонда кетишар - уларни ҳар бирни ўз наздида меҳнаткасларниң манфаатини ҳимоя қилиб тер тўкмакда. Чунончи, бирори яшериниб ётган мафкуравий душманларни яна бир карро, омонисиз фош қилишни кўзлади, нега десангиз, мана бундай фош қилишларсиз социализмни тасаввур

қилиб бўлмайди. Нега десангиз, акс ҳолда социализм ўз-ўзидан барҳам еб, омманинг онгида қуриб битади. Шунинг учун доимо ким биландир курашиш, кимнидир фош қилиш, ниманидир тугатиш, мажақлаш талаб қилинарди...

Поезд эса елиб борарди. Абутолиб тақдирни ўзгартиришга ожиз, қўлидан ҳеч нарса келмагани сабабли енгиб бўлмас зулмга, ўз аччиқ қисматига тан беришга мажбур эди. Олдин бунга у қанчалар қайсарлик қилиб, жон-жаҳди билан қаршилик кўрсатган бўлса, эндиликда бу воқеаларнинг барига шунчалик лоқайд, умидсизлик билан қарарди. Эндиликда у агар худодан бўлиб дунёга қайтадан тугилганимда ҳам, бари бир Тансиқбоевларнинг орқасида турган ғайриинсоний бадбашара кучга дуч келардим, у билан ҳеч қачон тўқнашишдан қочиб кутулмаган бўлардим, деб ўйлар ва бунга тобора кўпроқ ишопчи ортарди. Бу баттол куч урушдан ҳам даҳшатлироқ ва асирикдан ҳам кўрқинчлироқ эди. Зотан, у муддати тугамайдиган, охири кўринмайдиган ёвузлик, золимлик эдики, эҳтимол бу зулм дунё яралгандан буён давом этиб келарди. Чамаси, коинот чексизликлари ичра Иблис узоқ вақтлар ишсизликдан зерикиб қолганлиги учун одамзод болалари ўртасида жазо тортиш навбати камтарин мактаб муаллими Абутолиб Куттибоевнинг чекига тушган эди. Инсон зоти ер юзида пайдо бўлиши ҳамон бошқа барча маҳлуқлардан олдинроқ ёлгиз ўзи дарҳол Иблис билан топишди ва кунлар оша, асрлар оша ёвузликнинг тантанасини ўрнатди. Ҳа, ёлғиз инсонгина шундай ашаддий ёвузлик эгаси бўлиб қолди. Шу маънода Тансиқбоев Абутолиб назарида мана шундай азал шайтонийликнинг рамзи эди.

Шунинг учун ҳам улар битта фавқулодда муҳим иш юзасидан битта поезд, битта маҳсус вагонда бирга йўл босмоқда эдилар.

Тансиқбоевни турли бекатларда маҳаллий даражадаги ҳамкаслари кутиб олишар, ким дўстона, ким хизмат вазифасига кўра турли-туман совға-саломлар,

ноз-неъматлар күтариб чиқышар, терговчи кўп пайт шу ошналари билан овора бўлар, Абутолиб эса бундай пайтда эркин нафас оларди. Ҳарқалай бундай пайтда терговчининг тергаш учун вақти кам қоларди. Гўрга, йўлда димоғини чоғлаб кетаверсин. Қизил Ўрдага ет-ғанларида ҳамкаслар вокзалда алоҳида тантана билан кучоқ очиб кутиб олишди – ошналар Тансиқбоевнинг вагонига устига оқ сочиқ ёпилган ҳовури чиқиб турган лаган кўтариб кириши. Эшик орқасида, вагон йўлагида сийловни қабул қилиб олган қўриқчилар у ёқдан бу ёққа тапир-тупур чопқиллаб қолиши: «Қази, қовирға! – оғзидан суви қочиб шипшиди улардан бири. – Оҳ, ҳидини қара-я! Шаҳарда бунақасини топиб бўпсан. Чўлнинг гўшти хўб мазали-да!»

Абутолиб панжара тутилган деразанинг бир четида туриб, Тансиқбоев елкасига шинелини ташлаб, шериклари билан хайрлашиш учун чиққанини кўрди. Уларнинг ҳаммалари яғриндор, елкалари кенг, худди бир-бировига мослаб олингандай, қоракўл тумоқлар кийган, икки юзи қип-қизил йилтираб турган, чехраларидан табассум аримаган кишилар эди. Улар қўлларини тўхтовсиз силкитишиб сўйлашар, бир гапириб ўн кўлар эдилар. Балки ҳали теша тегмаган мавзудаги биронта ҳангомани айтишарди. Улар шундай пастда давра олиб қўр тўкиб туришар, ҳаво совук бўлгани учун оғизларидан оппоқ ҳовур кўтаришар, ҳали унчалик қалинламаган қор узра пошналари ғарчиллаб-ғарчиллаб кетарди. Сергак милиция бу томонга ҳеч кимни ўтказмас – тансиқбоевчилар ҳаммалари ўз одамлари хандон-хушон, мамнун-мағрур, ўқтам, баҳтиёр ҳолда поезднинг бош томонида, маҳсус вагон ёнида туришар, улардан тўрт қадамгина нарида эса ҳибсхонага айлантирилган купе ичидаги ғам-қайғуга ботган бир киши турганлиги билан ҳеч кимнинг иш-хуши йўқ эди. Ҳолбуки, бу уларнинг гайрати, саъй-ҳаракати билан қамалган одам ўғри эмас, босқинчи зўравон эмас, аксинча, ҳалол, диёнатли, виж-

донли, уруш ва асирикнинг кулфатларини бошидан кечирган, ўз болалари ҳамда хотинига меҳру муҳаббатдан ўзга эътиқоди бўлмаган ва ҳаётнинг асл маъно-мазмунини ушбу эътиқодда деб билган бир инсон эди. Лекин уларнинг қамоқхоналарига худди мана шундай ҳеч бир партияга аъзо бўлмаган ва шунингдек, ҳеч қандай қасамёд қилмаган, тавбасига ҳам таянмаган кимса керак эди. Бу меҳнаткаш омманинг баҳтиёр фаровон яшаши учун зарур эди..

Қизил Ўрдадан сўнг таниш қадрдан ерлар бошланди. Кеч тушарди. Қор босган ўр-увалар, пасттекисликлар оралаб оҳиста буралган Сирдарё ярақлаб кетди. Кўп ўтмай куёш ботаётган чоғда чўлнинг нақ ўртасида Орол денгизи кўринди. Бошида Денгиз дам қайрилма қамишзорлари, дам олисларда йилтираб кетган ложувард сувлари, дам унда-мунда қорайган ороллари билан кўзга чалинган бўлса, сал ўтмай Абутолиб шундоққина темирийўлга ёндашиб келган соҳилнинг намчил қумлоқларини юваётган шалдираган денгиз тўлқинларини кўрди. Буларнинг барига бир оннинг ўзида бирвракай кўз ташлани ажид гаштли эди: ҳам қор, ҳам қум, ҳам соҳил бўйидаги тиккайган тош-қоялар, ҳам шамол юргилаган феруза денгиз, ҳам тошлоқ яриморолдаги қўнғир туялар тўдаси ва боз буларнинг бари устига оқ булуларнинг пароканда юргурган парчалари, булулар тўдалангани юксак осмон.

Абутолиб шу Орол денгизи атрофларида Бўронли Эдигей туғилганлиги, Қозонгапнинг балиқчи ошиналари эса, у яхши кўрадиган қоқланган сур балиқларни товар поездларнинг ходимлари орқали совға-салом қилиб жўнатиб туришларини эслади ва юраги алам, ўқсинишдан сирқираб кетди. Бўронли бекатига энди унчалар узоқ эмасди. Яна бир кеча йўл босилса, қарабсизки, эрталаб соат тўққизларда ёки пича кечроқ бошига маҳсус вагон тиркалган йўловчи поезд Бўронли бекатининг шамоллар юлқилаган эски қўналғалари, пасқам саройчала-

ри ва тиканли сим ўрамлари билан қуршалған құтонла-
ри ёнидан қичқириб ўтади, чопқиллаган изларни орқада
қолдиради ва зумда күздан йўқолади, келади ва кетади.
Қанчадан-қанча поездлар шарқдан ғарбга ва ғарбдан
шарққа ўтади, бироқ ўша куни Зарифанинг юраги айтар-
микин, Абутолиб маҳсус вагоннинг ҳибс-купесида Кун-
ботар ёқларга шу ердан ўтиб бораётганлигини, балки
болакайларнинг диллари ноаён, тушункисиз, хавотирли
алланималарнидир туйиб, худди ўша сонияда гулдураб
ўтаётган поездга қараб қўйгилари келармикин мабодо? О,
яратган эгам, одамларга бунчалар оғир ва аччиқ ҳаётнинг
нима кераги бор экан?

Февраль қуёши думалаб чўкар, осмон ва ер ўртаси-
га совуқ қизаринқираган шафақларини ёйиб узоқларда
сўна бошлар, хуфтон тушиб келар, оҳиста билинтирмай
қиши кечаси кирарди. Хуфтон ғира-ширасида ташқари-
даги нарсалар лилирлаб ўтиб, қоронгиликка қоришиб
кетар, бекатларда чироклар ёнарди. Ноезд эса бура-
ла-бурала чўл туни қаърига йўл солиб еларди...

Ўйку келмас, Абутолиб Куттибоев эзилиб, тўлғаниб
ётарди. Сирли қалин тунука қопланган купе ҳибсан-
нага қамаб қўйилганча у ўзини қўярга жой тополмас,
тор ерда у бурчакдан бу бурчакка тентирав, дам-бадам
қаттиқ ҳўрсинар, назоратчининг гашига тегиб, ҳадеса,
ёзилгиси келаётганини айтиб, чиқишга рухсат сўрарди.
Назоратчи купе эшигини очиб бир неча марта огоҳлан-
тируди:

– Маҳбус, нега жойингда тинч ўтирмайсан? Қоидани
билмайсанми? Бас, тек ўтир!

Аммо Абутолиб ҳеч ўзини босиб ололмас, охири бўл-
мади, у қўриқчига мурожаат қилиб ёлворди:

– Менга қара, ҳой навбатчи, барака топ, менга бир
дона уйку дори топиб бер, бўлмаса, ўлиб қоламан. Рост
айтилман! Ўлган маҳбусни бошингизга урасизми? Бош-
лиғингга бориб айт, ўлигим керакми сизларга? Жо-
нимга тегди, ҳеч ухлолмаялман!

Таажжубланадиган ери шунда эдики (Абутолиб бу меҳрибончиликнинг сабабини эртасига англаб етди), назоратчи Тансиқбоевнинг күпесидан икки таблетка уйқу дори келтириб берди, ана шундан кейингина яrim кечага бориб Абутолибнинг кўзини уйқу элитди, лекин бари бир расмана тўйиб ухлай олмади. Чала қуш уйқусида ётаркан, ғилдиракларнинг бир маромда тақиллаши, ташқарида шамолнинг гувиллаб увлаши остида у туш кўрди: у паровознинг олдига тушиб, жони ҳалқумига тиқилиб, ҳансираф, ҳирқираб, қўрқиб, зўр бериб чопаётгандиши, ҳозир поезд тагида қолиб кетаман деб ваҳимадан юраги ёрилай дермиш, поезд эса унинг ортидан пишқириб югурурмиш. Ўша ақлдан оздирадиган харосон кечада у темир йўл изидан поезд олдига тушиб қочди. Булар бари худди ўнгидаги бўлаётгандай эди. Шунчалар қўрқинчли чинга ўхшарди ҳаммаси. Ташинаком бўлди, томоги қуриди. Паровоз эса ўткир чироқларини даҳшатли пориллатганча унинг ортидан қувар, чолиб бораётган йўлларини машъаладай ёритарди. Абутолиб изғирин изғиган атроф тумонотга кўзларини йириб-йириб тикилар, икки темир из ўртасида югурурар, ҳар томонга аланг-жаланг боқиб, аянчли қичқиравар, чақираварди: «Зарифа, Довул, Эрмак, қаердасизлар? Келинглар менинг олдимга! Мен, мен отангизман! Қаердасизлар? Жавоб беринглар!» Ҳеч ким садо бермасди. Олдинда зулмат қоронғилик шовуллар, орқада эса уни эзиб, мажақлаб ташлашга тайёр паровоз гулдурос солиб етиб келарди. У энди тамомила ҳолдан тойган, ортидан тобора яқинлашиб пишқириб учайётган паровоздан қочиб қутулиш, яширинишининг на иложи ва на имкони бор эди... Аҳволи борган сайин ёмонлашиб борар - қўркув, ваҳима унинг бутун вужудини караҳт қилиб ташлаган, оёклари унга бўйсунмас, нафаси тиқиларди...

Абутолиб эрталаб барвақг уйғониб, ранги ўчган, забун ҳолда қора пахталикни елкасига ташлаб, панжарали дарча олдида чўлга тикилиб ўтиради. Ташқари

ҳали жуда совуқ қоронғи эди, бироқ ер охиста ёришиб келар, тонг ёғдуси ўз кучини күрсатарди.

Кун булутли бўладиганга ўхшайди. Балки қор ёғар. Лекин осмоннинг у ер-бу ерида олачалпоқ ёришган жойлар кўзга чалинарди...

Бу ёғига Сариўзак ерлари бошланди. Уларни қор босган, қуюнлар чулғаган эди. Шундай бўлса ҳам, дикқат кўйиб қараган одам белгили жойларни танирди – ўша-ўша баланд тепаликлар, жарлик-ўрликлар, қўра-кўналғалар, илгари ўтган чоғларида кўзга таниш бўлиб қолган томлардан ўрлаётган тутунлар. Мўрконларидан қишининг тутун ўрлаётган мана шу нотаниш, бегона уйлар унга ҳозир қадрдондек туюларди. Тез орада Қумбел бекати келади. Ундан сўнг уч соатлар ўтиб Бўронлига етадилар. Кўз очиб-юмгунча бориб ҳам қоладилар – ахир худди мана шу ерларга Эдигей билан Қозонгап вақт-бевақт тужуда келиб-кетиб туришмасми – таззияга дейсизми, тўй-тўйчиққа дейсизми... Мана ҳозир ҳам ҳали жуда эрта бўлишига қарамай, кимдир кўнғир тұясига миниб бошига катта тулки тумоқни кўндириб қайгадир кетиб боради – Абутолиб панжараага қаншарини қаттиқ тираб тикилиб қаради – балки ўзимизнинг одамлардан бирори бўлиб чиқса-чи?.. Балки бу Эдигейдир, Коранорга миниб бирон юмуш билан йўлга чиққандир? Кудратли нортұясига миниб юз чақиримлаб йўл босиш унга чўт бўлибдими?! Бу ҳайбатли тужуди Африканинг жирафасидай оёгини кўлига олиб чопади-я...

Нима бўлди-ю, Абутолиб ўзи ҳам билмаган ҳолда қай бир хаёл билан бўлсайкин – нарсаларини йиғишишиб, поезддан тушиш учун отлана бошлади. Бир-икки бор оёқ кийимини бошқатдан кийиб, пайтаваларини қайтадан ўради, юк халтасини жойлади. Кейин кута бошлади. Лекин жойида ўтиромади, ҳожатхонада бар-вақтроқ ювиниб олиш учун соқчиларни кўндириди, сўнг

яна купега қайтарили. Яна нима қилиш, ўзини нимага машғул қилиши билмади.

Поезд эса Сариўзак чўлларини ютиб борарди... Абутолиб ўзини босиб, кафтларини жуфт қилиб икки тиззаси орасига сукқанча ўтирап, фақат онда-сондагина ойнага қарашга журъат этарди.

Кумбелда поезд етти дақиқа турди. Бу ерда унга ҳаммаси таниш. Бу катта бекатда поездлар турли томонга тарқалишади. Бекатда у бораётган поезд билан рўпрадан келиб учрашган бошқа йўловчи ва юк ташувчи поездлар негадир Абутолибнинг қўэзига худди қадрдан бўлиб қолгандай иссиқ кўринар, ахир нима деманг, улар яқиндагина Бўронлидан, ха, унинг хотини ва болакайлари яшайдиган Бўронлидан ўтиб келаётган эдилар-да. Шунинг ўзиёқ унга бу жонсиз нарсаларни севиб қолиши учун кифоя қиласади.

Мана, ниҳоят унинг поезди яна ҳаракатга тушди. Поезд перрон ёқалаб бораркан ва сўнг бекат чегарасидан ўтаркан, Абутолиб одамларнинг ўзига нечукдир таниш бўлиб туюлган чехраларига кўз югуртириб улгурди. Ха, ха, мана шу қумбелликларни биларди, улар ҳам ўз навбатида эҳтимол Бўронлининг эски одамлари – Қозонгап, Эдигей ва уларнинг оила аъзоларини танишар, билишарди. Ахир Қозонгапнинг ўғилчаси Собитжон шу ердаги мактабни тугатган, ҳозир институтда ўқирди...

Поезд бекат йўлларини орқада қолдириб тезликни оширав, борган сари жадал олға силжириди. Абутолиб бу ерларга бола-бақра билан бирга тарвуз олгани келганини эслади. Яна бир гал бу ердан янги йилга арча олиб кетишган эди. Бошқа иш-юмушлар билан ҳам келиб туарди бу ерга...

Нонуштага берилган овқатга Абутолиб ҳатто қўлини ҳам узатмади. У тинмай Бўронлига энди озгина қолганилигини ўйларди – қолса, икки соатдан ортиқроқ вақт қолгандир. Энди Абутолиб, ишқилиб, қор ёғиб қолмасин-да, қуюн бошланмасин-да, деб қайғуарди – агар

қуюн турса, унда Зарифа ва болакайлари уйдан чиқмай-дилар, ана унда уларни ҳатто узоқдан кўришдан ҳам маҳрум бўлади..

«Ё худойим, – деб ўртанаарди Абутолиб, – шу сафар қорингни ёғдирмай тур. Бир озгина сабр қил. Ахир кейин ҳам бунга сенинг вақтинг кўп-ку. Эшигнисанми? Яли-наман!» Абутолиб ғужанак бўлганча, панжаларини чалкаштириб, тиззалари орасига қаттиқ қисиб, фикр-хаёлини жамлаш, сабр-тоқат билан кутиш, чамалаган орзу-сидан адашиб кетмаслик учун хаёлини йиғиштириш, қандай бўлмасин, тақдирдан сўраган нарсасига етишини истарди – ишқилиб, вагон ойнасидан хотиним ва болаларимни кўрсам, бас, дерди. Улар-чи, улар кўриб қолсалар-чи, уни... Эрталаб у назоратчи кўз остида ҳожатхонада ювинаётганида занглаган тос тепасидаги кўкариб ётган ойнага қаради, рангида ранг қолмаган, бўзарган, каҳрабодай сарғайган, нақ мурданинг ўзи, ҳатто асирликда ҳам у бунчалар сарғаймаган эди. Соч-соқоллари оқариб қолибди, кўзлари ҳам бошқача, ғам-аламдан сўниб битгаётган кўзлар, ажинлар эса пешонасини шудгор қилиб юборган... Ҳолбуки, ҳали унинг қариидим дейишига вақт эрта... Агар болакайлари Довул ва Эрмак, агар хотини Зарифа уни шу ақволда кўришса, танимасликлари турган гап – балки кўрқиб кетишармиди. Лекин кейин ажабмас, суюнишармиди. У оиласи бағрига қайтса борми, болажонлари ва Зарифа кучоғида ҳаловат топса борми, яна худди аввалги ҳолига қайтарди...

Шуларни хаёл қиларкан, Абутолиб дарчага қараб-қараб қўярди. Яна, яна таниш ерлар – баланд тепалар, уларнинг эгардай ботган оралиқлари. Бир маҳаллар у Бронлининг болакайларини шу ерга олиб келишни кўнглига туғиб кўйган эди. У тепадан бу тепага худди тўлқинлар устида сакрагандай чопишиб, қийқириб, ўйнаб кувонишин деб.

Шу асно купе ҳибсхона эшигининг калити шарақлади, эшик очилди, остонаяда икки соқчи турарди.

- Сўроққа чиқ! – буюрди уларнинг каттаси.

- Нима сўроқ? Нега? – ҳайрон бўлганча оғзидан чиқиб кетди Абутолибнинг.

Назоратчи ҳайрон бўлиб, ҳатто унга яқинроқ келди. Касал-пасал эмасмикин ишқилиб:

– Нега бўларди? Тур ўрнингдан! Терговга чиқ!

Абутолиб алам билан бошини эгди. Ҳозир ихтиёр ўзида бўлса ҳеч ўйлаб ўтирамай ўзини дарчага отарди, ташқарига тошдай учиб тушарди агарда дарчанинг темир панжараси бўлмаса... Бўйсунишдан ўзга чора йўқ. Демак, тақдир раво кўрмабди. Демак, у деразадан қараб уларни кўролмайди, ваҳоланки, қанча орзу қилган, қандай куттган эди буни. Абутолиб худди елкасига оғир юк ортилган одамдай ўтирган жойидан базўр қўзгалди ва назоратчилар етагида Тансиқбоевнинг купесига йўл олди, назарида уни худди дорга олиб кетаётгандай эдилар. Шундай бўлса ҳам, яна сўнгги умид бирдан ирқэтиб кўринди – ҳали олдинда ахир бир ярим соатчалик йўл бор, балки унгача сўроқ тугаб ҳам қолар. Фақат шунгагина умид қилса бўларди. Тансиқбоевнинг купесигача бўлган масофа бор-йўғи тўрт қадамгина келарди. Абутолиб шу тўрт одимни жуда узоқ босиб ўтди. Терговчи эса уни кутаётган эди.

– Келавер, Куттибоев, бир гаплашиб олайлик, ишлайлик, – деди Тансиқбоев ўткир кўзларини унга қадаб. У соқоли эндиғина қиртишланган, сассиқ атир суртилган юзини мамнуният билан силаркан, чехрасида ва товушида вазминликни сақлашга уринди. – Ўтирисанг ҳам бўлаверади. Шундай қилсак, сенга ҳам, менга ҳам қулай бўлади.

Соқчилар бирон кори ҳол рўй берса, ташланишга тайёр ҳолда ташқарида қолдилар. Қирғийкўзни ўлдиришнинг сира иложи йўқ эди. Яланғоч кўл билан нима ҳам қилиш мумкин. Кўл етгудек ерда на бир стакан ва на бир шиша кўзга ташланар, ҳолбуки, қирғийкўз қиттай-қиттай отиб туришни ҳеч қачон канда қилмасди.

Қаердандир анқиётган арақ ва газаклар иси шундан да-рак берарди.

Поезд эса ҳамон Сариўзак чүлларини ёриб ўтиб бопар, Бўронлига етишга энди жуда оз вакт қолган эди. Тансиқбоев шошилмас, қандайдир ёзувларини ўқир, қоғозларини титкилаб варақларди. Шунда Абутолибнинг юраги сиқилиб паққос ёрилиб кетишига оз қолди, бир неча дақиқа ичидаги унинг сабр-тоқати тугади. Унга бу сўроқ шу қадар чидаб бўлмас даражада оғир туюлаётган эди. Шунда бирдан у Тансиқбоевга ёрилди:

– Мен тайёрман, гражданин бошлиқ.

Тансиқбоев ҳайрон бўлиб бошини кўтарди:

– Сен тайёрсан? – таажужубланди у. – Нимани кутяпсан? Нимага тайёрсан?

– Сўроққа тайёрман. Саволларни кутяпман...

– Э, шундай демайсанми! – деди чўзиб Тансиқбоев шудамда кутилмагандаги ўзининг тантана қилаётганлигигини яширишга уриниб. – Нима ҳам деймиз, бу ёмон эмас, Куттибоев, мен сенга айтсам, унчалар ҳам ёмон эмас. Айбланувчи тавба қилиб, ўз ихтиёри билан терговнинг боришига ёрдам бераман деса, саволларга жон-дилдан жавоб қайтарса, бу ёмон эмас, гапнинг очиги. Демак, унинг айтадиган гапи бор, тергов органларига ошикор этадиган нарсалари бор. Шундай эмасми? – Тансиқбоев бугун дўй-пўписаларни кўйиб, сўроқни ширин ва сохта дўстона оҳангда олиб бориш зарурлигини англади. – Демак, сен тушуниб етибсан, – давом этди у, – айбингни. Совет ҳокимиятининг душманларига қарши курашда тергов идораларига ёрдам кўрсатмоқчисан. Гарчи ўзинг ҳам ўша душманларнинг биттасисан. Муҳими шуки, совет ҳокимияти сен билан менга ҳар нарсадан афзал, ота-онадан ҳам ортикроқ Албатта, ҳар ким буни ўзича тушунади, – у бирпас жим бўлиб қолди-да, сўнг кўшиб кўйди: – Мен сени доим ақли ҳуши жойида одам деб ўйлаганман, Куттибоев. Шунинг учун доим сен билан тил топишиб кетамиз деб ишонардим. Нега индамайсан?

– Билмадим, – мубҳам жавоб қилди Абутолиб, – гунохим нима эканлигини түшүнмайман, – деб қўшимча қилди у вагон ойнасига яшириқча кўз қирини ташлаб. Поезд жадал илгарилар, бадқовоқ ер бўйлаб сузган булутлар қоплаб олган Сариўзак чўллари худди тилсиз кинодаги каби чарх уриб орқада қоларди.

– Сенга бир гапни айтай. Очигига ўтайлик, – давом этди Тансиқбоев. – Билиб кўй, сени бу маҳсус вагонда худди подшолардай бекорга олиб кетаётганимиз йўқ, Бунақа ишлар шунчаки эрмак учун қилинмайди. Арзимаган нарсага алоҳида купеда олиб юришмайди. Демак, сен тергов ишида жуда муҳим бир шахс саналасан. Кўп нарса сенга боғлиқ. Сенга талаб ўзгача. Ўйлаб кўр. Жуда қаттиқ ўйла. Энди менинг гапларимга қулоқ сол. Бугун қоронги тушганда Оренбургга, яъни Чкаловга етамиз, у ерда бизни кутишяпти. Бу биз борадиган жойларнинг биринчиси. У ерда сенинг иккита шеригинг яшашини биласан – Александр Иванович Попов билан татар Ҳамид Сайфуллин. Уларнинг иккаласи ҳам ҳозир қўлга олинган. Дарвоҷе, уларнинг номларини бизга ўзинг айтгансан. Иккаласи сен билан бирга Баварияда асирикда бўлганларини тан олишди. Кейин биргаликда қочгансизлар. Қочишингиз ҳам шу жуда ғалатироқ бўлган, нима учундир тош конидан фақат сизнинг тўдангиз қочиб кета билган, биз буни ҳали аниқлаймиз. Кейин Югославияга бориб айнишган. Иккаласи ҳам инглиз миссияси билан алоқада бўлган эдик деб қўрсатма беришди. Сен гап нима ҳақида бораётганини яхши биласан. Буни ўз эсдаликларингда ёзгансан. Тан олишим керакки, ёмон ёзмагансан. Бизга Поповнинг – резидент, Сайфуллин унинг ўнг қўли бўлганлиги маълум. Куттибоев, сен агентура ичида етакчилардан бўлмагансан. Шунинг учун терговга кўмаклашсанг, ишинг анча енгиллашади.

– Қандай агентура? Илгари ҳам айтган эдим. Мен қирқ бешинчи йилда уруш тутагандан бери уларни кўрган эмасман, – деб қўшиб қўйди Абутолиб.

Бу мұхим әмас. Бунинг ҳеч ақамияти йўқ. Күз күзга тушадиган бўлиб шахсан кўришиш шарт әмас. Кимdir ўртада алоқачи бўлган. Мисол учун ўша ҳақиқатчи Эдигей Жонгелдин Оренбурггами ёки бошқа бирон ёққами, бормаганмиди? Ахир шундай бўлиши ҳам мумкин-ку. Сизлар кимdir орқали алоқа қилиб тургансиз. Сен олдин яхшилаб ўйлаб ол.

- Агар мен Эдигей Оренбургга Қоранорини миниб борган эди, десам, шу етадими? - сабри чидамади Абутолибининг.

- Сен яна эски ашулани бошлаяпсан, Куттибоев. Бекор қиласан. Ахир мен сен билан яхшиликча гаплашяпман. Сен бўлсанг, бурнингни жийирасан. Қаршилик кўрсатаверсанг, ўзингга жабр қиласан. Эдигейнинг ташвишини чекма. Керак бўлса уни ҳам туясига қўшиб қамаймиз. Агар уни тинч қўйишимизни истасанг, юзлашган пайтда қилиқ қилма.

Олдиндаги паровоз қаршидан келаётган поездга узоқ қудратли товуш берди. Унинг кучли овози Абутолибининг юрагини зирқиратиб юборди. Бўронлига жуда озгина вақт қолди. Қирғийкўзнинг мұхокамалари Абутолибни қўрқитарди. Бундайлар учун шу мамлакатда мумкин бўлмаган ҳеч нарса йўқ. Қўлларидан ҳамма нарса келади. Лекин ушбу соатда Тансиқбоевнинг сўзамол бўлиб қолгани, ҳали-вери сўроқни тугатиш иштиёқида әмаслиги Абутолибни ҳаммадан ортиқ эзар, хит қиласарди.

- Шундай экан, - жимликни бузди Тансиқбоев олдидаги қоғозларни нари суриб. У Абутолибга бошини кўтариб қаради. - Ишончим комилки, биз бир-биirimизни тушуниб оламиз. Шунда кутуласан. Оренбургдаги юзлашишга кўп нарса боғлиқ. Ё сен менга кўмаклашиб ишлайсан, ё мен шундай қиласанки, кейин сен умр бўйи армон қилиб юрасан. Тўрт баравар ортиқقا кеси-либ кетасан, ё қаншарингдан отиласан. Ўзинг билсанг керак бу нарсаларнинг фарқини. Биз Титога ҳам етиб

борамиз. Ҳаммаларинг шунча вақтдан бери унга хизмат қилгансизлар. Ишни Иосиф Виссарионовичнинг ўзи кузатиб турибди. Ҳеч ким жазодан қочиб қутулолмайди. Таг-томири билан сугуриб ташлаймиз. Шунинг учун, азизим, шукур қил, сенга мен ёмонлик истамайман. Лекин сен ҳам қараб турмаслигинг керак. Гап нимада эканлигини тушуняпсанми?

Абутолиб индамас, вужуди муздай қотиб, Бўронлига кириб бориш сонияларини миясида ҳисобларди. Демак, болакайларни лоақал ойнадан кўриш ҳам насиб этмас экан-да. Бу фикр миясини тинимсиз пармаларди.

- Нимага индамайсан? Сендан сўраяпман, гап нимада эканлигини тушуняпсанми? - синчилаб сўради Тансиқбоев.

Абутолиб бошини лиқиллатди. Албатта, у гап нима ҳақида бораётганлигини фаҳмларди.

- Э, боракансан-ку! - Тансиқбоев Абутолибнинг бош қимирлатганини ўзича тушунди, у ўрнидан туриб Абутолибга яқин келди-да, ҳатто унинг елкасига қўлини қўйди. - Мен билардим, сен тушунадиган йигитсан. Сен охирида тўғри йўлни топиб оласан, дердим. Демак, сен билан келишиб олдик. Ҳеч нарсадан иккиланиб ўгирма. Ҳаммасини мен айтгандай қил. Энг муҳими - юзлашганда, ҳаяжонланма. Кўзига қараб туриб, бор гапни айтавер. Попов - резидент. Кирқ тўртинчи йилдан бери инглиз разведкасига ёлланган, Ватанга қайтишдан бурун Тито хузурида кенгашда бўлган, ғалаёнлар чиқишини мўлжаллаб узоқ муддатли топшириқ олган. Ана шунинг ўзи етарли. Энди анави татар Сайфуллин масаласида гап шундай: Сайфуллин - Поповнинг ўнг қўли. Гап тамом. Шу етарли. Қолганини ўзимиз эплаймиз. Шуни айтсанг, бас. Иккиланиб ўтирма. Сенинг кўрқадиган жойинг йўқ. Ҳеч нарсадан чўчима. Менга ишонавер. Хуллас қалом, ана шундай. Душманлар билан гапимиз қисқа, душманларни мажаҳлаймиз. Дўстлар билан бирга ишлаймиз - уларнинг раъийга қараймиз, аҳволини енгиллата-

миз. Эсингда тут. Яна яхшилаб уқиб ол. Мен ҳазил-мазахни ёқтиirmайман. Нега бунча рангинг оқариб кетди? Нима қылди, тобинг қочдими? Ҳаво етмаяптими?

– Ҳа, тобим йўқроқ, – деди Абутолиб кўнгли озиб, тинимсиз чириллаб айланаётган бошини базур тутиб. У худди ёмон овқат еб кўйиб кўнгли озаётгандай эди.

– Э, ундан бўлса, сени ортиқ ушлаб ўтиrmайман. Ҳозир жойингга қайтиб бориб, то Оренбургга етгунча дамингни ол. Аммо Оренбургда ўқланган милтиқдай бўлиб тур. Тушундингми? Юзлашганда ўзингни у ёқдан бу ёққа ташлама. Ҳеч қанақа «эсимда йўқ, билмадим, унугтибман» деганга ўхшаш гаплар бўлмасин... Бор гапни кўндаланг айт, тамом-вассалом. Қолгани билан ишинг бўлмасин. У ёғини ўзимиз эплаймиз. Шунаقا. Ҳозир қоғоз олиб ёзиб-чизиб ўтиrmаймиз, бор, дамингни ол. Оренбургда юзлашгандан кейин бир хулосага келиб, қоғозларга имзо чекамиз, қоидаси шу. Кўрсатмаларга кўл кўйиб берасан. Энди боравер. Сен билан ҳаммасини келишиб олдик ҳисоби. – Тансиқбоев шу сўзларни айтиб Абутолибни купе-ҳибсонага жўнатди.

Мана шу дамдан бошлаб, Абутолиб учун аллақандай ўзгача бир ҳаёт бошланди. У худди инги бир маррага чиққанга ўхшарди. Унинг назарида поезд ўз ҳаракатини тезлаштиргандай эди. Ойна ортида кўзга яхши таниш жойлар лип-лип ўтар, Бўронлигача санокли дақиқалар қолган, нафасни ростлаш, ўзини кўлга олиш, воқеанинг қандай боришига тайёр туриш лозим эди, лекин ҳаммадан бурун поезднинг тезлигини бир оз бўлса ҳам пасайтириш керак эди. «Қандай бўлмасин, поездни секинроқ юрадиган қилиш керак», – деб хаёлидан ўтказди Абутолиб қандайдир илоҳий кучларнинг ўзига мадад беришига негадир ишониб. Кўп ўтмай у поезд ўз тезлигини пасайтираётгандигини сезди. Балки унга шундай туюлгандир. Бироқ, ҳақиқатан ҳам, ойна ортида унинг қаттиқ ғашини келтираётган липиллаш тўхтади. У шунда ўзига ўзи деди: «Ҳаммаси мен айтгандай бўлади!» –

шунда у бир оз нафасини ўнглади, ҳансираши босилди, тўсикли дарчага пешонасини тираганча кута бошлади.

Поезд ростдан ҳам Бўронли бекатига яқинлашарди. Бу ерларга Абутолибни кулфат аброр қилиб ҳайдаб келганди. Шу ерда у тўп отди. У болалар ўсиб катта бўлгунча тарихнинг ғурбатлари ўтиб кетишини кутаман деб орзу қиласиди. Лекин бу орзуси ҳам рўёбга чиқмади. Ҳонадони тақдирнинг ёмон ўйинларига дучор бўлди, ўзи эса мана, ҳибсхонага айлантирилган купеда қадрдон уйи рўпарасидан ўтиб боряпти.

Абутолиб барини гўё бир умрга, охирги нафаси қолгунча, кўзларидан энг сўнгги нур кетгунча эслаб қолишни истагандай, дарчага шунчалар орзиқиб, зўриқиб, зўр бериб тикиларди. Қишининг февраль ойи, кун пешинга оғиб борар, шу дамда у ниманики қўрган бўлса: уюмуом бўлиб ётган қорлар, темир йўл бўйидаги олачалпоқ қорайиб турган ялангликлар, дам унда-дам бунда қор тўдаланиб ётган чўллар - буларнинг ҳаммасини у худди муқаддас бир маъво каби мұҳаббати қалбидан тошиб, куйиб-ўртаниб, жони ҳалқумига келгудай бўлиб қабул қиласиди. Мана ўша тепа, мана ўша тепанинг ўртаси, мана ўша сўқмоқ; бу ердан улар Зарифа икковлари асбобларни елкаларига кўтариб, йўл тузатиш учун ўтган эдилар; мана ўша ёз чоғлари Бўронлининг чурвақалари: унинг болакайлари Довул ва Эрмак билан бирга ўйнайдиган яланглик майдон... мана бир неча бош туялар, ана нарироқда яна бир жуфти турибди. Уларнинг бири - Эдигейнинг қоранори - уни узоқдан ҳам таниб олиш мумкин, ўша-ўшандай ҳайбатли, кучли, шошилмай қайгадир кетиб боради; лекин нима бўлди? Бирдан қор ёға бошлади, ташқарида қор учқунлари тезлашди, бежиз эмас экан эрталабдан осмоннинг булутларга бурканиб олгани: жиндаккина, яна жиндаккина қор ёғмай турганда эди; мана, туяларнинг кўтонлари ва мўрконидан тутун ўрлаётган биринчи том ҳам кўринди, мана, кўрсаткичга ҳам келдик, поезд иккинчи йўл-

га ўтляти, ғилдираклар излар уланган ерлардан ўтган чоғда қаттиқ тақиллайди, ана, ҳужрача олдида йўл кўрсатиб, байроқча кўтариб кимдир турибди, ийе, қаранг, бу Қозонгап-ку, худди қуриган ёғочдай қотма; о, ҳудойим-ей, Қозонгалнинг будкаси лип этиб ўтди, поезд бекатда тўхтамай юриб кетяпти: анави уйчалар, уларнинг томлари, дарчалари, ана, кимдир уйга кириб кетди, Абутолиб фақат унинг елкасини кўриб қолди, ана, аллаким ёғоч тахталар орасида болакайларга нимадир ясаяпти. Ийе, Эдигей-ку бу, ҳа, бу Эдигей – эгнида пахталик, енглари шимарилган, унинг ёнида қизалоқлари, э, ана, Эрмак тойчоғим, Эрмак ҳам шу ерда экан, жондан азиз болагинам, Эдигейнинг ёнгинасида турибди болагинам, Эдигейга ердан ниманидир олиб беряпти, о, ҳудойим, унинг юзи лип этиб кўринди-ю кўздан ғойиб бўлди. Э, бу Довул қаерда? Зарифа-чи? Ана, ҳомиладор бир хотин аста қадам ташлаяпти, бу бекат бошлиғининг хотини Саула, э, ана, Зарифа, рўмол ўраб олган, рўмоли елкасига оғиб тушган; Зарифа ва Довул; онаси кичкинтоини қўлидан ушлаб етаклаяпти, улар Эдигей билан болалар нимадир ясаётган томонга боришяпти, уларнинг ҳеч хабарлари йўқ Абутолибдан. Абутолиб эса қичкириб, бақириб, дод-фарёд кўтармаслик учун қўллари билан оғзини маҳкам ёпиб, титраб-қақшаб не алпозда турганини кўрмайдилар, билмайдилар. «Зарифа! Мехрибоним! Довул! Довул! Тойчоғим! Бу менман! Мен сизларни охирги марта кўряппман! Алвидо! Довул! Эрмак! Алвидо! Унутманглар! Мен сизларсиз яшолмайман! Сизлар, жондан азиз болаларимсиз мен ўлиб қоламан. Суюкли хотиним Зарифасиз менга ҳаёт ҳаром! Алвидо!»

Поезд шунча ўртаниб, орзиқиб кутилган Бўронлидан пишқириб ўтиб кетди. Лекин Абутолибининг нигоҳида нимани кўрган бўлса ҳаммаси гўёки мухрланиб қолди ва анчагача кўз ўнгидан кетмади. Та什қарида қалин қор гупиллаб ёғар, аллақачон бари орқада қолган, бироқ Абутолиб

Куттибоев учун вақт ўша ўтиб кетган маконда тұхтаган, йүлнинг ўша озгинагина бўллагида унинг бутун ҳаёти, ҳаётининг маъноси, дарду азоблари қолган эди.

У бари бир ойнадан нари кетолмас, гарчи бўралаб ураётган қор туфайли ташқарига қарашдан ҳеч бир маъно қолмаган эди. У деразага ёпишганча тураверди, уadolatcizlikka бўй бермаган, унга тоқат қилмаган, муросага келмаган ҳолда ўша қайсиdir енгиб бўлмас кучга бўйсунишга мажбур бўлди. Унинг бутун вужуди бундан ларзага тушди. Ахир хотин, бола-чақалари ёнгинасидан биқиниб, пусиб, жимгина худди забонсиз махлуқдай ўтиб кетишнинг ўзи бўладими? Уни озодликдан маҳрум этган куч шунга мажбур қилди ва у поезддан сакраб тушиб улар билан кўришиш, соғиниб, кўзлари тўрт бўлган бола-чақалари қошига пешвоз чиқиш ўрнига, хўрланган, афтода бир кўйда дарчадан томоша қилиб турди. Тансикбоев унга ит ўрнида кўриб муомала қиласа-да, майли деди, кўнди, кўйиб берди худди бурчакда қимирамай ўтиришга буюрилган итдай! Шунда Абутолиб ўзини қандай овутиш, таскин бериш мақсадида бир нимага аҳд қилди, сўз берди, лекин аҳдини тилига чиқармади, лекин у энди аён тушунди...

Кўз очиб-юмгунча ўтиб кетган учрашувнинг аччиқ шарбатини Абутолиб энди охиригача иcharди. Фақат шугина унинг қўлидан келарди. Фақат шугинага унинг ихтиёри ўзида эди. У ҳаммасини қайтадан кўз ўнгимдан ўтказсам, кўз ўнгимда бутун тафсилотлари билан батафсил гавдалантисам дерди: Қозонгапни дафъатан кўрган пайти кўз ўнгига келади, ўша-ўша чайир қўлларидан қўймайдиган байроқча, ўша-ўша айрилмас кути-уйчаси, у бекатчанинг дам у бошида, дам бу бошида туриб қанчадан-қанча поездларни кузатиб қўймайдикин, кейин Бўронлининг ластак уйлари, мол кўралар, мўрконлардан буралиб чиқсан тутунлар кўз олдидан бир-бир ўтади; кейин – Эрмакнинг ilk бор кўрган лайтини эслайди, кўксида вулқондай отилиб чиқшига

тайёр турган қичқириқ, фарёдни ичига ютиб қўллари билан оғзини маҳкам бекитиб олгани-чи; Эрмак болалар билан Бўронли Эдигейнинг ёнида ўйнаб юрар, Эдигей эса ўша пайтда болаларга нимадир ясамоқда эди. Ҳа, Эдигей, бу дунёда худди мустаҳкам қоя каби ўзини йўқотмаган, садоқатли Эдигей. Эрмак Эдигейга тахта бўлагиними ё бошқа бир нарсаними узатиб турган эди. Мана шу бир зум. Шу бир зумнинг лаҳжалари унинг миясида жуда қаттиқ ўрнашиб қолди: Йирик гавдали, гирдиғумдан келган, қорача юзли, енглари шимарилган, устига пахталик кийган, оёғида кирза этик Эдигей болакайларнинг жони-дили эди, унинг шундок ёнгинасида бошига эски телпак ва оёғига кигиз этикча кийган тирмизак, улар томонга оҳиста юриб бораётган Зарифа ва Довул. Шўрлигим, меҳрибон Зарифам – шундай яқингинадан уни кўрдим – рўмоли елкасига сидирилиб тушиб, қоп-қора тўлқинли тўс соchlари очилиб қолибди – унинг оқаринқираган чеҳраси шунчалар маъсум ва дилбар эди; камзулининг тутмалари ечилган, оёғида ўзим олиб берган пишиқ этик, бошини ўғилчаси томонга бир оз эгган – унга нималарнидир сўйлаб келар – буларнинг бари Абутолибга шунчалар яқин, қадрдон, азиз, унutilмас нарсалар эди. Шунинг учун бу кўринишлар унга яна анчагача ҳамроҳлик қилди, улар билан хаёлан қайта-қайта хайрлашди, чунки бу уларнинг охирги кўришувлари эд Энди бу айрилиқнинг ўрнини ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмайди, ҳеч нарса билан ва ҳеч қаҷон...

Йўл бўйи қор бўралаб ёғди, қуюн, бўрон турди. Оренбургга етмасларидан бир бекатда поезд бир сатча тўхтаб қолди – йўлни қор уюмларидан тозалаётган эканлар... Ғовур-ғувур овозлар эшитилар, одамлар ёмон айниган ҳавони ва умуман ёруғ дунёдаги барча нарсаларни қолдирмай сўкиб, қарғаб ишлашарди. Кейин поезд қор қуюнларига бурканганча яна йўлга тушди. Оренбургга узоқ кириб бордилар. Йўл ёқаларидағи

даражтларнинг таналари тумтайиб, ғира-шира қорайиб кўринар, улар бамисоли ташландиқ қабристондаги қурилган оғочларга ўшардилар. Шаҳарнинг ўзи кўринмасди. Тақсимлаш бекатида кечаси яна анча турдилар – маҳсус вагонни тизимдан чиқардилар. Абутолиб буни вагонларнинг бир-бирига қарсилаб урилиши, ишчиларнинг бақир-чақирлари, ёрдамчи локомотивларнинг қичқириклиридан билди. Кейин вагонни яна қайгадир судраб кетишиди, афтидан, чекка йўлга чиқарib қўйишиди.

Маҳсус вагон ўзига ажратилган ерга қўйилганда тун яrim кечадан оғган эди. Охирги силтаниш билан пастдан охирги бир товуш янграб чиқди: «Бўлди! Орқангга қайт!» Вагон таппа-тақ тўхтади.

– Бўлди! Келдик! Қани, маҳбус, йиғиштири! Чиқ жоингдан! – деб буюрди соқчилар бошлиғи Абутолибга купе эшигини очиб. – Бўла қол! Имиллама! Тез чиқ! Ухлаб қолдингми? Тоза ҳаводан нафас ол!

Абутолиб унга томон базур қўзғалди ва назоратчига бақамти келиб ҳиссизгина деди:

– Мен тайёрман. Қаерга борай?

– Тайёр бўлсанг, юр! Қаерга боришини соқчи айтади, – назоратчи Абутолибни вагон йўлагига чиқарди, лекин орқасидан ҳайрон бўлиб қичқириб тўхтатди:

– Нима? Юк халтанг шу ерда қоладими? Қаёққа? Нега халтангни олмайсан? Ё сенга юк ташувчини чақириб берайликми? Қайт орқангга, юкингни ол!

Абутолиб купега қайтиб, унтилган юхалтани истамайгина кўтарди, у яна вагон йўлагига чиққанда шу ерлик икки маҳсус ҳодимга дуч келди, улар вагондан шошилинч юриб келар, юзлари жиддий эди.

– Тўхта! – Абутолибни вагон деворига тақади назоратчи. – Ўтказиб юбор, ўртоқлар ўтиб кетишин!

Вагондан чиқаркан, Абутолиб ҳалиги иккиси Тансикбоевнинг купесини тақиллатганларини эшилди.

– Ўртоқ Тансикбоев! – янгради уларнинг ҳаяжонли овози. – Яхши келдингизми? Кўп кутдик сизни! Биз-

да қор ёғяпти! Кечирасиз! Рухсат этинг, ўртоқ майор, ўзимни танишитирай!

Аскарий қалпоқ ва кийимлар кийган уч соқчи пастда маҳбуснинг тушишини кутиб туришар, уни темир йўл изларидан олиб ўтиб ёпиқ машинага жойлашлари керак эди.

– Э, бўл, тез туш! Нимани кутяпсан? – шоширди соқчилардан бири.

Назоратчи кузатувида Абутолиб вагон зиналаридан аста тушди. Шу заҳоти қаттиқ совук бурнини ачитди. Кор майда учқунлаб уриб турарди. Музлаб қолган зина тутқичлари кўлини игна санчгаңдай зирқиратиб юборди. Нотаниш бекатнинг чироқлари тун зулматини ёритар, темирйўл изларида қор қуюнлари эланар, вагонларни уловчи локомотивларнинг безовта чинқириқлари янграрди.

– Тўқсон еттинчи рақамли маҳбусни топшираман! – деб маълумот берди катта назоратчи пастдаги соқчиларга.

– Тўқсон еттинчи рақамли маҳбусни қабул қилиб олдим! – акс садо берди катта соқчи.

– Тамом! Шулар билан борасан! – деди Абутолибга катта назоратчи охирида. Кейин нима учундир қўшиб кўйди: – Машинага солиб олиб кетишади...

Абутолиб рельслар ва шпалларни тусмоллаб қадам босганча, соқчилар қоровуллигида юриб кетди. Улар чимдиги ураётган кордан ўзларини пана қилиб боришарди. Абутолиб елкасига юхалтасини осган эди. Дам унда-дам бунда тунги навбатчи локомотивлар чинқириб кўярди.

Тансиқбоевни кутиб олиб уни меҳмонхонага кузатиш учун келган оренбурглик ҳамкаслар купеда сафар тугаганини ювиб андак ушланиб қолдилар. Ҳамкаслар танишиб олишгани шарафига шу ернинг ўзидаёқ қадаҳ кўтариш ва газак қилишни таклиф этишди, бунинг устига тун, ишдан холи вақт эди. Ким рози бўлмайди,

дайсиз?! Гангур-гунгур сұхбат чөғида Тансиқбоев ғишт қолипдан күчганлигини айтиб, юзлаштириш энди яхши натижалар беради, деб умид билдирди. Акс ҳолда, Олма-Отадан овора бўлиб шунча йўл босиб келишнинг сира маъноси қолмасди.

Ҳамкаслар жуда тез апоқ-чапоқ бўлиб кетиши, қайфлари чоғ, қизғин сұхбатга шўнғиши.

Бирдан ташқарида ҳаяжонли ғала-ғовур кўтарилди. Вагон ичи танир-тупур бўлиб қолди. Купега соқчи ва катта назоратчи отилиб кириши. Соқчи қонга беланган эди. У юзи ёмон қийшайиб кетган, овози ваҳшиёна ҳирқираган ҳолда Тансиқбоевга қаратса қичкирди:

– Тўқсон еттинчи рақамли маҳбус ҳалок бўлди!

– Ҳалок бўлди? – дик этиб ўрнидан туриб кетди ҳуши учиб Тансиқбоев. – Нега ҳалок бўлади?

– Ўзини поезд тагига ташлади! – деб тушунтириди катта назоратчи.

– Нега ташлайди? Қандай ташлайди? – назоратчини қаттиқ силтлаби Тансиқбоев.

– Темир йўлдан ўтаётганимизда ўнг ва сўл тарафдан икки локомотив келиб қолди, – деб тушунтира бошлиди соқчи тутила-тутила. – Тизимни судраб олиб ўтишди, у ёқдан бу ёқ... Тўхтаб кутиб туришга мажбур бўлдик... Маҳбус бўлса бирдан юхалтаси билан бошимга урди. Кейин ўзини паровознинг тагига отди...

Ҳаммалари бу кутилмаган ишдан ўзларини йўқотиб ҳангуманг бўлиб қолдилар. Тансиқбоев ташқарига чиқиш учун алил-тапил у ёқ-бу ёғига қаради.

– Оббо абраҳ-еӣ! Кутулиб кетди-я, ифлос! – сўқинди у овози қалтираб-қақшаб. – Ишнинг белига тепди! А! Оббо ҳолам! Кутулиб кетди-я, кутулиб кетди! – у қўлинин жаҳл билан силтаб ўзига стаканни тўлдириб арақ қўйди.

Унинг оренбурглик ҳамкаслари бу орада соқчига қаттиқ писанда қилиб қўйишни эсларидан чиқаришмади: бу ишга сенлар жавоб берасанлар...

ЭСКИ ВА ЯНГИ РИВОЯТ: ҚҰШИЛИШ

Чингиз Айтматовнинг бу асари жаҳонга ҳукмдорлик даъвоси билан чиққан икки ҳукмдорнинг сиёсати инсон болалари ҳәтида нима оқибатларни келтириб чиқарғани ҳақида ҳикоя қиласы. Ҳукмдорларнинг бири XX асрда яшаган Сталин ва иккинчиси XII асрда ўтган Чингизхон бўлса-да, уларнинг сиёсий интилишларининг уқубатлари ва интиҳосиз фожеаларида бир-бирига ўхшашликлар кўзга ташланиб туради. Улар барча тирик ва нотирик нарсалар, уларнинг жаҳондорликларини сақлашга, мустаҳкамлашга хизмат қилишини ва хизмат қилгандагина ўзини оқлашини, яшашга ҳақли бўлишини истаган ва буни ёвуз эътиқод, ёвуз сиёсат даражасига кўтарган эдилар.

Улар ер юзини хавотир, қўрқинч ва харосонлик билан тўлдирган эдилар. Уларнинг панжаси остига кирган ҳар ердан: «Янчамиз!», «Мажақлаймиз!», «Отамиз!», «Ўлдирамиз!» – деган ваҳшиёна саслар янграб турарди.

Бўлмаса, ўта ҳалол, софдил, диёнатли, ўз болалари ва юртини жондан севган оддий муаллим Абутолиб Куттибоев қаерда-ю, дунёни ўлим ва меҳнат лагерлари, ўғирланган атом бомбалари, ўта муғомбир арzonчиликлари ва ундан ҳам риёкорона фикрлари билан титратган, мўйловининг бир ишораси билан ҳалқларни ўз асрий ерларидан кўчирган, асрий хонумонлари ва тарихларидан жудо қилган жаҳонбон Сталин қаерда!..

Лак-лак қўшинлари гуллаган водийлар, маданиятлар яшнаган шаҳарларни топтаган, чигирткадек талаган ва еб битирган саркарда Чингизхон қаерда-ю,

юраги муҳаббатдан маст юзбоши Эрдене билан унинг севгилиси Дўғуланг қаерда!..

Талончилик, босқинчилик, ҳукмдор бўлишга ғайри-фавқулодда интилиш, одамларни забун махлуқларга айлантириш сиёсатининг бутун мудҳишликлари XII асрда Эрдене ва Дўғуланг бошида, XX асрнинг нақ ўртасида эса овлоқ Сариўзакbekatinning муаллими Абутолиб ва унинг сабий, бегуноҳ, болалари бошида калхатдек айланади. Бегуноҳ, ҳалол, муҳаббатли одамларни то ҳалок қилмагунча тинчимайди. Гуноҳкор, қотил сиёсатнинг аламли қурбонлари!..

Абутолиб Куттибоев ўқувчига Чингиз Айтматовнинг «Асрга татигулик кун» романидан таниш. Романини сиз Асил Рашидов таржимасида мутолаа қилгансиз. Романда Абутолиб Куттибоевнинг бошидан беҳад хавотирли воқеалар қуюндан айлана бошлаганлигидан хабардорсиз. Хавфсизлик хизматининг хром этик кийган ходимлари Тансиқбоев деган кимса етакчилигида келиб одамларни зўравонларча тергов қилганликлари ва Куттибоевни бола-чақасидан айриб олиб кетганликлари сизга маълум. Ўша даврнинг яккаҳокимлиги учун хизмат қилган сталинча хавфсизлик хизмати Абутолибни ҳеч бир асоссиз «инглиз айғоқчиси», Югославияда партизанлик қилиб юрган кезларида инглизларга ёлланган деган машъум шубҳа остига олиб, унга таъкиб ва тазийкни зўрайтирадилар. Абутолибнинг «Партизан дафтарлари» деб номланган эсдаликлари ва Сариўзакка ёзиб олган қадим ривоятларидан ўз мудҳиш мақсадлари учун асос ва далолат қидирадилар. Уни душман, миллатчи, айғоқчига чиқариш учун қўлларида нима чора бўлса, барини кўрадилар. «Чингизхоннинг оқбулуги»да Абутолиб олиб кетилгандан кейинги икки ойлик тергов ва сўроқ воқеалари давом этади. Абутолиб ўзига ва ўзига ўхшаганларга қарши ен-

гиб бўлмас зўравонлик ва тухмат, адоват машинаси иш кўраётганлигини англайди. Бош-кети қўринмас тухматлар, қийноклар шу азоб машинасининг озуқаси эканлинини тушуниб етади. У бу машинанинг ваҳшатидан фақат ўлиб қутулиш мумкин деган қарорга келади ва сўнгги дамда бунинг иложини топади. Ваҳшат машинаси: «Қутулиб кетди!» – деб ўкирганча қолади. Бу қутулиш 1953 йилнинг марта яқинлашаётганда рўй берган эди.

Чингиз Айтматов Абутолибнинг фарзандларини соғиниши, Зарифани бир кўраман деб талпинишлари, чексиз муҳаббатини изтиробга тўлиқ достон каби чизади. Оддий одамлар ўз инсоний теран муҳаббатларида қанчалар илохий юксакликларга қўтарила олишлари мумкинлигини содда реалистик бўёқларда кўрсатади.

«Чингизхоннинг оқ булути» қиссаси романнинг узвий давомидир. Шунинг учун муаллиф уни «роман учун қисса» деб атайди.

Икки ойлик ваҳшиёна тергов ва бир ойлик Европани забт этишга отланган саҳро жаҳонгирининг ҳарбий сафар йўли. Икки ривоят неча асрлар оша бир-бирида акс садо топади. Икки ривоят бизга азал ваҳшийликларнинг қон сирқиб турган томирларини яланғочлаб кўрсатади. Енгилган инсон моҳиятда нима учун сира енгиб бўлмас бир кудратига эгалигини айтматовча хассослик, ҳаётйлик, теранлик билан тадқиқ этади. Айтматовнинг асарлари фикр – тафаккур қайнаган асарлардир. Шу қайноқ гирдоб ичига ўзини ташлаган ўқувчи ундан тозариб, янги фикр эгаси бўлиб чиқармикин? Агар шу саволни ўз олдига қўйса, унга ўзи жавоб излармикин?

Ҳамлет айтмоқчи, МАСАЛА ШУ ЕРДА ...

2 февраль 1999 йил
Иброҳим FAФУРОВ

ДУНЁНИ ЗАБТ ЭТГАН ЧИНГИЗ

Ха, Чингиз Айтматов дунёни забт этган адеб. Унинг салкам саккиз аср муқаддам ўтган мӯғулистоңлик адаши жон-жаҳди билан дунёни забт этишни орзу қилган, бироқ беҳисоб суворийлару сон-саноқсиз аргумоқлари, ўткир найзалару кескир қиличлари, қалъа деворларини тешадиган асбобларию девордан ошириб оловли ўқлар отадиган палахмонлари билан ҳам орзусига етолмаган эди. Талас тоғлари бағридаги мўъжазгина Шакар овулидан чиққан Чингиз эса қурраи заминдаги кўпгина мамлакатларни, турли тилларда гаплашадиган, турли тарзда ҳаёт кечирадиган, маданияти, маънавияти, дунёқараши турлича бўлган миллионлаб одамларни ўзига ром қилди. Ром қилганда ҳам, «аждар ҳалқумли тўплар» билан эмас, ноёб истеъоди, теран тафаккури, эҳтиросли туйғулари билан ром этди. Қизиғи шундаки, қирқ йилча аввал Чингизни кўрган одам ҳали ўттизга тўлиб-тўлмаган, ўрта бўй, жиккаккина, ёноқ суяклари бир оз бўртиб чиққан бу йигитнинг дунёни забт этадиган чоғи борлигига сира ишонмасди. Ўшанда Гайратий домла билан икковимиз Бишкекка қирғизларнинг улкан оқини Тўғалоқ Мўлда таваллудининг юз йиллигига меҳмон бўлиб боргандик. Тўйга бошқа эллардан ҳам кўпгина шоиру адаблар, таржимону адабиётшунослар келишган эди. Бишкекдаги тантаналар тугагач, бизни Тўғалоқ Мўлда туғилиб ўсган юртга – баланд тоғлар орасида жойлашган Норин вилоятидаги Отбоши туманига олиб борадиган бўлишди. Мехмонлар орасида менга тенгқур бир йигит диққатимни тортди. Бизни

таништиришди – ёш ёзувчи Чингиз Айтматов экан. Машиналар карвони турнақатор тизилиб, қайдасан Отбoshi, дея йүлга тушди. Йүлнинг танобини тортиш учун суҳбатлашиб кетдик. Чингиз яқинда ветеринария техникумини битириб, зоотехниклик дипломини олган экан. Ёшлигига қарамай, аллақачон тоғлар бағридаги яйловларда, чўпонлар орасида йилқилар, кўю кўзиларни даволаб, чорвадор ҳаётининг анча-мунча машиққатлари ва тотли онларини кўриб ултурган экан. Лекин шундоқ бўлса ҳам ижодга қизиқиши устунлик қилилти – Москвадаги Адабиёт институтига кириб, уни-да муваффақият билан битирипти. Аллақачон «Бўтакўз», «Юзма-юз»га ўхшаш ҳикоялари эълон қилинибди. Хозир янги қиссаси босилиш арафасида экан. У ўзини буюк қозоқ ёзувчиси Мухтор Аvezовнинг шогирди деб ҳисоблади. Устози ҳақида гапирав экан, унинг алланечук яйраб кетганини сезиш қийин эмас – одатда камсухангина бўлган, ўн ўйлаб, бир гапирадиган Чингиз ўта чечан бўлиб кетади, иборалар, таърифлар, сифатлар қўйилиб келади. У, айниқса, «Абай» ва «Абай йўли» эпопеясини бобма-боб тахлил қилиб беришга, унинг қат-қатларига сингиб кетган гўзалликлардан сизни ҳам воқиф қилишга тайёр эди.

Йўл борган сари юқорига ўрлайди. Машина зўриқ-қанидан нола чекаётгандай ўкрай бошлайди.

– Ҳали узоқми? – деб сўрайман Чингиздан.

– Йўқ, Долондан ошсак, у ёғи оз қолади.

«Долон» дегани довоннинг номи экан. Исми жисмига монанд экан. «Долон» деган сўзнинг ўзи менга жуда кўркам, мусиқадай Нафис кўринди. Авжи ёз бўлишига қарамай, тоғ ёнбағирларида олачалпак қор. Бўйи нақд осмонга етадиган Тян-Шан арчалари виқор билан савлат тўкиб турипти.

– Довон жуда гўзал экан! – дейман завқимни ичимга сиғдиролмай.

Чингиз оғир сўлиш олади. Бир оз жимликдан кейин ўйчан қиёфада жавоб беради:

– Ҳа, жуда гўзал! Лекин бу кўҳна тоғлар нималарни кўрмаган дейсиз? Уларнинг бағрида не-не фожиалар ўтмаган.

Чингиз гапини очиқроқ айтмади. Мен эса ижикилаб сўрашга иймандим.

Довоннинг ҳусни таровати кўнглимга муҳрланиб қолди. Лекин уни яна бир бор кўришни ҳар қанча орзу қилмай, ҳозирга қадар у жойларга қайтиб бориш насиб этмади. Фақат «Қизил дурралик нозик ниҳолим» қиссани чиққандан кейин Асалнинг аччиқ қисмати ҳакидаги ғамгин ҳикояни ўқиб чиқиб, Чингизнинг нимага ишора қилганини фаҳмлагандек бўлдим. Қиссани ўқир эканман, ўша йўллардан яна бир ўтгандай, ўша кунларнинг фараҳ-баҳш нашидасини яна бир бор кечиргандай бўлдим.

Тошкентга қайтгач, Чингизнинг ҳикояларини топиб, мириқиб ўқиб чиқдим. Орадан кўп ўтмай «Новый мир» журналида «Жамила» қиссаниси босилди. У ҳажман қисқа бўлса-да, фавқулодда бир маҳорат билан ёзилган эди. Унда тоғлар бағрида униб-ўғсан, ота-боболарининг удумларига бўйсуниб яшашга мажбур бўлган қизнинг қисмати ғоятда ҳаяжонли тасвирланган. Жамила эски одатларга мувофиқ турмушга чиқади, аммо унинг қалбида Дониёрга нисбатан муҳаббат пайдо бўлгач, ўз эрки учун, ўз муҳаббати учун эскича феодал тартибларининг кишинларига қарши дадил бош кўтаради. Қиссада Чингизнинг оддий одамларга ишончи, уларни руҳан қўллаб-қувватлаши жуда чуқур ифодаланган эди. Шуниси қизиқки, аён кўриниб турган фазилатларига қарамай, «Жамила» қиссаниси Кирғизистонда бир

гурұх адибларнинг таънаю дашномларига сабаб бўлди. Уларнинг фикрича, қиссада тасвирланган воқеалар ҳәётий эмас. Унда қирғиз воқелиги бузиб тасвирланган. Қисса миллий ранглардан холи, қирғиз адабиётининг анъаналаридан чекиниб, модернизм таъсирида ёзилган. Лекин бошқа жойларда зар қадрига етадиган заршунослар топилди, улар ёш ёзувчини ўз ҳимояларига олишди, унинг бирдан-бир түғри йўлдан бораётганини айтишди. Айниқса, атоқли француз адаби Луи Арагоннинг қиссага берган юксак баҳоси Чингизга қарши тиш қайраганларнинг попугини анча пасайтириб қўйди. Луи Арагон «Жамила»ни ҳозирги жаҳон адабиётида муҳаббат ҳақида ёзилган энг яхши асар деб баҳолади.

Лекин, афсуски, баҳиллик, ҳасад деган иллатлар одамни ғоятда қайсар ҳам қилиб қўяди, шекилли. Бу дардга чалингандар ҳақиқатни кўролмайдилар ёхуд кўришни истамайдилар. Улар «олға юргин, аммо менинг ортимдан!» деган ақидагагина амал қилишади. Шунинг учун айрим адабий гурӯҳлар ўртасида юз берган Чингизга нисбатан совуқлик ўтиб кетгани йўқ, балки ҳар хил шаклларда ҳозирга қадар ҳам давом этиб келмоқда. Бироқ заргар бир олтин коса ясаса ва кимлардир нима сабабдандир «бу коса соф олтин эмас, унинг таркибиға бошқа маъданлар ҳам аралашган» деб ҳар қанча унинг қадрини пастга уришта уринмасин, косанинг қадри камайиб қолмайди. Чингизнинг «Жамила»си чинакам фазилатларга эга бўлгани учун муаллифнинг довругини ҳар томонга ёйиб юборди. Бир зумда Чингизнинг муҳлислари, ҳар бир ёзган асарини сабрсизлик билан кутадиган ва уларга муносиб баҳо берадиган одамлар пайдо бўлди.

«Жамила»дан кейин орадан кўп ўтмай «Қизил дурралик нозик ниҳолим» босилди. Бу қиссада воқеалар янада шиддатли кечади. Қаҳрамонлар ҳаётнинг жуда

оғир синовларига рўпара келишади ва бу синовлардан янада тобланиб, янада тозариб, иймон-эътиқодлари янада мустаҳкамланиб чиқишиади. Чингиз бу қиссасини ҳам оддий одамларга, «қора» халқ вакилларига битмас-туганмас эҳтиром билан ёзган. Бу одамларнинг покизалиги, маънавий эътиқодларининг юксаклиги, қалбининг меҳрга, шафқатга, муҳаббатга тўлалиги ҳаётдаги ҳар қандай ривожланишининг асосини ташкил қиласиди, бундай одамлар мавжуд экан, ҳамиша яхшилик ва эзгулик тантана қиласеради. Шу тарзда, «Жамила» ҳам, «Қизил дурралик нозик ниҳолим» ҳам гуманистик пафосининг кучлилиги, оддий одамларга ишончининг қудрати билан ўша йиллар адабиётида катта воқеа бўлди. Айримларнинг ғашликларини айтмаганда, китобхонлар оммаси бу қиссаларни жуда илиқ кутиб олиб, уларни завқ-шавқ билан ўқиди, танқидчилар улар ҳақида мақолалар ёзишди, улар асосида телевизия ва кинофильмлар яратилди, қиссалар кўплаб тилларга таржима қилинди. Чиндан-да, бу икки асар Чингизнинг жаҳонни забт этишдаги илк қадамлари бўлган эди. Камдан-кам ёзувчи ижодининг илк қадамларидан-ноқ бу қадар катта муваффақиятга эришади. Бундай катта муваффақият, жамоатчиликнинг хурмат-эътибори, муҳлисларнинг ардоқ ва эъзози ҳар қандай одамни ҳам шошириб қўймоғи мумкин. Ютуқлардан эсанкираш эса ёзувчининг ўзига қўядиган талабларни бўшаштиришига, сакраши лозим бўлган баландликни пастроқ олишга ундаши мумкин. Ҳар ҳолда ўша кезларда Чингизнинг хаёлидан қандай ўйлар кечганини аниқ билмайман-у, лекин, ўйлайманки, у ўз истеъодиди олдидаги бурчани жуда аниқ ҳис қиласиган бўлиши керак. Чунки шуҳрат ҳар қанча зўр бўлмасин, ижод давом этиши, янги-янги марралар эгалланиши керак.

Ва яна ўйлайманки, ўша кезларда даврнинг тақозоси билан ёш ёзувчи олдида иккита йўл пайдо бўлгану, бу йўллардан бирини танлаш зарурияти туғилган. Бу йўлларнинг бири осон ва қулай, унда ўзингни уринтирмайсан, ҳар хил кашфиётлар қиласман деб зўриқиб мияни ишлатмайсан, ҳар нима ёёсанг ёзаверасан, фақат «Улуғ Октябр янги давр очди», «Яшасин социализм», «Партияга шон-шарафлар» деган гапларга мос келадиган асар ёзсанг, бас. Хуллас, том маънодаги совет ёзувчиси бўласан. Шундай қилсанг, тириклигингда ҳам, ундан кейин ҳам шон-шуҳратга қўмиласан, еганинг олдингда, емаганинг ортингда бўлади. Иккинчи йўл эса жуда машаққатли, оғир йўл. Унда ҳар бир асарнинг юрак қони билан ёзилмоғи, ҳар бирида замон билан бирга гоҳ тафаккур чўққиларига кўтарилаётган, гоҳ жаҳолат ўпқонларига қулаётган XX аср одамининг руҳият олами ҳақида қандайдир салмоқли кашфиётлар, янги гаплар бўлмоғи керак. Бу йўлга юрган ёзувчи ҳамиша ҳақиқатга содик қолмоғи лозим, бу эса ҳамиша ҳам ҳаммага ёқаверадиган иш эмас. Бу йўлга кирган одам кўп маҳрумиятларга учраши, кўп нарсаларни йўқотиши мумкин.

Бу йўллардан бирини танлашнинг мушкуллиги шунда эдики, ҳар нима қилганда ҳам Чингиз совет кишиси эди, у советнинг тарбиясини кўрган, ҳар қадамида ҳукмрон мафкуранинг дийдиёларини эшитиб, улғайган инсон эди. Жўн мантиққа кўра Чингиз иккиланмай «партиянинг солдати»га айланмоғи, социализмга маддоҳлик йўлини танламоғи керак эди. Бироқ Чингиз бу йўлни танлаёлмас эди. Негаки, у ҳар қанча «совет кишиси» бўлмасин, киссасида советнинг «ўроқли-болғали» паспорти бўлмасин, ёшлигидан бошлабоқ шўрдан рўшнолик кўриб, унинг ноз-неъматларидан баҳраманд

бўлиб улғайған эмас. (Аксинча, у болалигиданоқ социалистик жамиятнинг қақшатқич зарбаларига рўпара келган. У эндиғина 9 га кирганида уни севимли отасидан жудо қиласидилар. Тўрақул Айтматов кўпни кўрган, Авлиё ота Темирийўчилари ичида тобланган, бир неча йил Петербургда бўлиб, оқу қорани таниган, тил ўрганган, кейин эса Қирғизистонга келиб, бу ерда совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлашда иштирок этган эди. У вилоят партия қўмитасининг котиби бўлиб хизмат қиласидилар ва Чингиз шундан кейин отасини қайтиб кўрмайди. Чингизнинг онаси ўқитувчилик қиласидилар эди, бироқ ота қамалгач, онани ҳам, болаларини ҳам таъқиб остига олишади. Чингизлар оиласи тоғлар орасида истиқомат қилувчи қариндошларидан паноҳ излашга мажбур бўлади. Бироқ овулда ҳам бирор осуда дам йўқ эди, уруш даврининг совуқ нафаси ҳаётнинг ҳамма соҳаларига муҳрини урганди. Чингиз ёшлигига қарамай, ҳарбий воқеликнинг ҳамма изтиробларини бошдан кечиришга мажбур бўлади.

Чингиз зиёли оиласида тарбия кўргани учун турли билимларни жуда эрта эгаллай бошлайди. У, айниқса, тил ўрганишга қобилиятли бўлгани учун 5 ёшида ёқ рус тилини пухта ўрганиб олади. Чингизнинг ўзи 80-йиллар охирида берган бир интервьюсида шу билан боғлиқ бир воқеани эслайди: Чингиз биринчи марта беш ёшлигига тилмочлик қиласидиган экан. Ўшанда у яйловга – бувисининг олдига меҳмон бўлиб борган экан. Колхоз Дон томонларда шуҳрат қозонган жуда зарбдор бир отни сотиб олиб, яйловга чиқарив юборган экан. Бироқ от заҳарли ўтни еб, ўлиб қолипти. Чўпонлар кўрқиб кетишипти. Колхозга одам юборишипти. Колхозчилар ҳам нима қилишини билмай, районга одам

жўнаташилти. Нихоят, воқеани текширгани райондан бир рус мутахассиси яйловга келади. Бироқ чўпонлардан бирон киши рус тилини билмагандек, келган одам ҳам қирғизчадан бирон сўзни билмас экан. Шунда 5 яшар Чингиз тилмочлик қила бошлайди. Аввалига тортиниб, қийналиб туради, кейин эса шариллатиб таржима қила бошлайди. Унинг тилмоғлигидан ҳар икки томон ҳам мамнун бўлади, айниқса, бувиси неварасининг бурролигидан ичига сизмай суюнади. Чўпонлар Чингизни қалам ҳаки ўрнида каттагина иликли суяқ билан сийлашади.

Албатта, Чингиз 11–12 ёшларида Шакарга келганида унинг билимлари янада чукурлашган эди. Шунинг учун уни ёшлигига қарамай, қишлоқ советига котиб қилиб қўйишади.

Котиб юқори идораларга ҳар кил ҳисоботлар тайёрлаш, идора юмушларини, ёзув-чизув ишларини бажаришдан ташқари, уруш йилларининг тақозоси билан ўтовма-ўтов юриб солиқ ҳам йигиши керак бўлган. Солиқларнинг тури ҳам, миқдори ҳам кўпайиб кетган, уларни тўлашга одамларнинг қурби етмайди. Лекин ҳар нима бўлганда ҳам солиқ йигувчи хотин-халажнинг нола-фиғонига, жўжабирдай болаларнинг чирқирашига, кексаларнинг илтижоли кўз ёшлирига қарамай, солиқ учун уларнинг олдидағи сўнгги бурда нонини ҳам, остларида кунларига яраб турган илма-тешик кигизни ҳам, сути билан оилани зўрга боқиб турган яккаю ягона эчкини ҳам тортиб олмоғи керак. Аммо Чингиз ундан қилолмайди – эндиғина 13–14 га кирган покиза қалбли бола овулдошларининг оғир аҳволини кўриб туриб, уларга шафқатсизлик қилолмайди. Уни котиблиқдан бўшатадилар. Аслида, у муҳим давлат топшириғини бажармагани учун қамалиши керак эди, фақат балоғатга етмаганигина уни бу фалокатдан олиб

қолади. Лекин қамоқдан омон қолган бўлса-да, Чингиз уруш йилларининг фожиали хотиралари исканжасидан халос бўла олармиди? Оч, юпун, аламзада одамларнинг кўз ёшлари, нола-фигонлари, қаҳрли нигоҳлари унинг юрагини бир умр сўнмас ўт бўлиб куйдирмайдими? Шундай бекиёс адолатсизликлар, мислсиз ҳақсизликлар, беадад зулмларни кўриб улгайган йигит социализм келтирган баҳт ҳақидаги афсоналарга, коммунистик жаннат тўғрисидаги сафсаталарга ишона олармиди? Шундоқ экан, юксак истеъодд эгаси, ноёб ақл-заковат соҳиби бўлмиш Чингиз шўронинг маддоҳи – коммунистик мағкуранинг қули, марксча-ленинчча мунофиқона шиорларнинг кўр-кўrona тарғиботчиси бўлармиди? Йўқ, албаттга.

Чингиз ҳеч иккиланмай ижодда ҳақиқатга садоқат йўлини танлади ва бу йўлдаги турли-туман тўсиқлардан, мashaққатлардан қўрқмай, енг шимариб ижодга киришди. Лекин шўро ҳукумати ҳам анойи эмас эди – у ҳақиқаттўйликнинг қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини жуда яхши билар ва шунинг учун жиндай қуюшқондан чиқадиган одам ҳар қанча истеъоддли, ҳар қанча машҳур бўлмасин шаккоклиги учун дарҳол жазога мустаҳқ бўларди. Лекин Чингиз бу чигални ечишнинг ҳам йўлини топди – бунда унга фавқулодда ақл-заковати ва қозоқ ҳамда қирғиз бийларига хос бўлган андак қувлиги ёрдам берди. У кўнглида бор бўлган дардларининг ҳаммасини бир йўла битта асарга тиқиширгани йўқ, балки «заҳарнинг ози малҳам, кўпи ўлдиради» деган гапга амал қилиб, ҳар бир асаридаги айтадиган «куфрона» гапини оз-оздан айта борди. Натижада, бирин-кетин «Биринчи муаллим», «Алвидо, Гулсари», «Момо Ер», «Оқ кема» каби қиссалар майдонга келди. Буларнинг ўзига хос томони шундаки, ҳар

бир янги қисса ўзидан аввалгисига қараганда бир баҳя юксакроқ, бир даража теранроқ, бир миқдор салмоқлироқ зди. Уларнинг ҳар биттаси адабиётда катта ҳодиса бўлди ва шу билан бирга ҳаммаси бирлашиб, ҳётнинг чуқур қатламларини шу қадар теран инкишоф этдик, биз яшаётган ижтимоий муҳитнинг носозликлари, бўшлиғи, кўп нуқталарда чириб, заифлашиб қолгани аён кўринди-қолди. Йўқ, бу асарларни муаллиф совет воқелигининг бирор заифлигини фош қилиш учун ёзган, деб қараш керак эмас – агар шундай деб қаралса, биз бу буюк асарларнинг қимматини жуда пасайтириб юборган бўлар эдик. Чингизнинг улуғлиги шундаки, у XX аср одамларининг ҳаётини асос қилиб олган ҳолда, ҳар битта қиссасида умумбашарий масалаларни, инсон ҳаётининг энг туб, энг асосий муаммоларини кўтариб чиқди. Ҳар бир қиссада «қандай яшаяпмиз?», «қандай яшамоқ керак?» деган саволлар қўйилган ва уларга жавоб изланган. Шуниси муҳимки, бу жавоблар умумий мавҳум мулоҳазалар тарзида эмас, балки айни XX аср одамларининг ҳаётлари, курашлари, изтироблари орқали жамики драматизми билан юксак эмоционал иқлимда ифода қилинган. Шунинг учун ҳам бу қиссаларнинг умри ўткинчи эмас, улар бугун ҳам яшашда давом этмоқда.

Мана, «Биринчи муаллим» қиссаси. Рамзларга, маънодор ишораларга бой бу асарни Душаннинг қисмати ҳақидаги ҳикоя деса ҳам бўлади. Ундаги воқеалар бир-бири билан узвий боғланиб кетган хотиралар силсиласи тарзида ҳикоя қилинган. Қисса кўтаринки, тантанавор кайфиятда бошланади. Қирғизнинг тоғлиқ овулига шу ерда туғилиб ўсган, эндилиқда академик бўлиб етишган, донғи оламни тутган Олтиной меҳмон бўлиб келган. У қирғиз аёлларидан чиқсан биринчи

академик, овулнинг жамики катта-кичиги шу ерда - Олтиной шарафига ёйилган дастурхон атрофида унинг кўнглини олиш учун ҳаракат қилиб юрипти. Бироқ улар ичida бир киши ажralиб турипти. У кўримсиз, устида оҳори тўкилган эски кийим, бошида шалвираб қолган кулоқчин, исқиртгина. Ўзи ҳам хокисор, бир чеккада бўйини қисганича, даврага киришга тортиниб ё кўркиб туради. У қишлоқ почтальони, чаласавод, ҳамманинг назаридан қолган одам. Бугунги тантанага сира ёпишмайди, юзга тушган сўгалдай уни бузиб турипти. Кимdir унга чети синиқ бир косада овқат беради, бир чеккада ўтириб, тез-тез еб, тезроқ гумдон бўлишни буюради. Почтальон индамайгина унинг буйруғини бажаришга киришади. Хўш, ким ўзи бу почтальон? Бу ерга нимага келди-ю, нега одамлар унга бундай муомала қилишади? Маълум бўладики, бу одамнинг исми Душан экан. Унинг ёши бир жойга бориб қолган, аслида, у шу овулдан чиқсан биринчи муаллим бўлган, Олтинойни етаклаб мактабга олиб келган, унга ҳарф ўргатган, ок-қорани танитган, катта ҳаёт йўлига чиқиб олишига кўмаклашган. Душан фуқаролар урушида иштирок этган, кейин кўлида милтиқ билан овулга қайтган ва овулда биринчи мактабни ташкил қилган. Бу мактаб дастлабки даврларда номигагина мактаб бўлган, бироқ Душан ақл бовар қилмайдиган қийинчилкларни енгиб, мактабни оёққа тургизган. У табиатан фидокор инсон, у порлоқ келажак ҳақидаги, коммунизм гулбоғлари ҳақидаги гапларга астойдил ишонади ва келажакни яқинлаштириш учун, овулдошлирига жиндай-жиндай баҳт улашмоқ учун жон-жаҳди билан курашади. Қиссада Душанинг фидокорлиги ва ҳатто фанатизми катта маҳорат билан ифодаланган. Масалан, қаҳратон қиш кунларидан бирида болалар-

нинг мактабга қатнаши қийин бўлиб қолган кезларда у ялангоёқ ахволда муздек сувдан Олтийони опичлаб ўтказиб қўяди. Унинг фидокорлиги туфайли болалар ўқиб савод чиқаради. Лекин аста-секин маълум бўладики, Душанинг фидокорлиги, порлоқ келажак ҳақидаги ширин орзулари қум устига курилган иморатдек гап экан. Унинг на шапалоқдек ҳовлиси, на бир парча ери, на отулови, на қўю қўзиси бор. Овулдошлари унинг шу ахволда келажак қурмоқчи бўлишидан кулишади. «Ахир, бўш қоп тик турмас дейдилар, сен қайси заминда келажак қурмоқчисан», деган саволларга Душан ҳавоий гаплар билан, руҳиятнинг устунлиги ҳақидаги сафсаталар билан жавоб беради. Кейин эса чиндан ҳам унинг хом хаёллари емирилади, ҳаёт Душанинги суребир чеккага чиқариб қўяди. Душанинг қисмати кўп нарсалар тўғрисида ўйлашга ундайди – бу ҳаётда инсон ўз иморатини ҳар томонлама пухта ўйлаб қурмоғи кераклигини уқдиради.

Афсуски, қисқа мақолада Чингизнинг ҳамма асарларига тўхтаб ўтишнинг имкони йўқ. Лекин имкониятимиз ҳар қанча чекланган бўлмасин, «Оқ кема» қиссасига тўхтамай ўтишнинг иложи йўқ. Назаримда, бу қисса Чингиз асарлари ичидаги энг баркамоли, бадиий жиҳатдан ғоятда мукаммал, мазмунан бениҳоя теран асар. Унинг бошқа қиссалари каби «Оқ кема» ҳам жуда ихчам. Ундаги воқеа ҳам Иссиккўлдан унча узоқ бўлмаган ўрмон ичидаги, шапалоқдеккина ҳудудда бўлиб ўтади. Бу ерда бор-йўғи учта хонадон яшайди, қисса қатнашчилари ҳам 7–8 кишидан ошмайди. Лекин шунга қарамай, қиссада шундай эҳтирослар кураши, характерлар тўқнашуви, аъмоллар жангни берилганки, улар ҳар қандай ўқувчини ҳам ларзага солмай қўймайди. Шу кичик муҳитда, шу камсонли жамоа мисолида Чингиз

бутун бошли ёвуэлик салтанатининг даҳшатли манзараларини чизиб берган. Назаримда, Ўрозқулнинг жамоаси тоталитар тузумнинг жажожи модели бўла олади. Ва унда Бола тимсолида мустабидликнинг ғайриинсоний моҳияти, зўравонлик ва унинг ҳар қандай ҳаётни емиришга йўналтирилган моҳияти тўла-тўкис очиб берилган. Чингиз ўз гоясини ифодалаш учун мифлардан, эртаклардан кенг фойдаланган.

Қиссадаги асосий қаҳрамонлардан бири Ўрозқул. У ўрмончи, ўрмонбеги, лекин бу вазифасидан фақат ўз манфаати йўлида фойдаланади. У тасарруфидаги хўжаликка ўзининг шахсий мулкидай қарайди, хоҳласа, ўрмондаги ноёб дараҳтларни кесиб, четга пуллайди, хоҳласа, овлар уюштириб, ҳайвонларнинг тухумини қуритади. Унинг қўли остидагилар Ўрозқулга бирон оғиз гап қайтаролмайди, унинг айтганларини сўзсиз бажаришга, унга қулдек бўйсунишга мажбур. Шунинг учун у истаган номаъқулчилигини қилаверади - хотинини ўлгудай дўппослайди, маишатбозлик қиласди, ичкилик ичади, отаси тенги Мўмин чолни сўкиб, ҳақоратлайди, унинг келини Гулжамолга кўз олайтиради, номусига тегмоқчи бўлади. Хуллас, у ўзини шу кичик хўжаликнинг мутлақ ҳокимидай туттади, унинг ҳокимиияти чексиз, унинг дегани деган, ҳар бир хоҳиши шу заҳоти бажарилмоғи керак. Ўрозқулнинг зулми шунчаки бир-иккита одамга озор етказиш билан ўтиб кетадиган жўн нарса эмас, у бутун ҳаётнинг томирига болта уради, у Гўзалликнинг кушандаси сифатида намоён бўлади. Қолаверса, Ўрозқул Она буғуни отишга буюргани билан нафақат шу ҳаёт тимсолини маҳв этди, балки Боланинг ўлимига ҳам сабабчи бўлди. Китобхон Ўрозқулга, унинг салтанатидаги тартибларга менси-май қарashi керак эмас - сиз шу воқеаларнинг барчаси-

ни бир неча баравар катталаштириб тасаввур қилинг – кўз ўнгингизда зулмга, мустабидликка, қирғинбаротга асосланган бутун бошли бир мамлакат келади.

Чингиз зукко санъаткор сифатида зулмнинг, зўравонликнинг ўзинигина эмас, уларни туғдирадиган, улғайтирадиган омилларни ҳам чукур очиб берган. Бу жиҳатдан қиссада Мўмин чол образи ғоятда эътиборга лойикдир. У кўпни кўрган, юртини, одамларни яхши кўради, қариндош-уругларига меҳрибон, ҳалол, меҳнаткаш одам. Табиатни эъзозлайди, ўз халқининг қадимий урф-одатларини, тарихини, қадриятларини улуғлайди. Бироқ ана шу ва бошқа фазилатларига қарамай, уни ижобий баҳолаш анча қийин. Негаки, унда мустақил фикр йўқ иродаси бўш, у табиатига кўра қул одам, кўнглида ҳар қанча норози бўлмасин, хўжайинга қарши бирон оғиз гап айтишга, унинг раъйини қайтаришга журъат этолмайди. У тилсиз – забонсиз ижрочи, унинг мутелиги ҳар қандай буйруқни сўzsиз бажаришга мажбур этади. Натижада, у Ўрозқулларнинг кўлида ёвузликни амалга оширишда бехато хизмат қиласиган куролга айланади. Шу сабабдан у ўзи тинмай улуғлаган, тириклик ва Гўзаллик тимсоли бўлган Она бутуни овлаб, Ўрозқулнинг оёғи остига ташлайди. Агар Мўмин чолга ўшаганлар бўлмаса, Ўрозқуллар Гўзалликни маҳв этиш йўлидаги жинояткорона ишини қила олмаган, ёвузлик салтанатини барпо эта олмагаи бўларди. Мўмин чол ҳар қанча ёввош, беозор, мулоим бўлиб кўринмасин, унинг етакчи белгиси лоқайдликдир. У ҳар қаерда, ҳар ишда биринчи навбатда ўзининг тинчини ўйлади, ёмонлик тантанасининг олдини олиш учун ҳеч нарса қилмайди ёки қилолмайди. Шу маънода у нафақат Она буғуни ўз қўли билан отиб келади, балки шу билан сабр-косаси тўлиб турган Боланинг ўли-

мига ҳам сабабчи бўлади. Бола «Оқ кема» қиссасидаги энг баркамол образ десак, хато бўлмас. У эндиғина еттига тўлиб, саккизга қадам қўйган, унинг олам ва одам ҳақидаги тушунча ва тасавурлари эндиғина шаклланниб келяпти. Муаллиф унда етти яшар таъсирчан, соғкўнгил болаларнинг ҳамма хислатларини ёрқин очади – у табиатан қувноқ, ўйинқароқ, ўзи ёлғиз бўлса-да, ўзи учун турли ўйинлар ўйлаб топади, самимий, ҳар нарса-га ишонади, энг муҳими, ўзи ҳали сира кирланмагани учун теварагидаги табиатни ҳам, одамларни ҳам поки-за деб билади. У ҳали одамларнинг бағритош бўлиши-ни, муҳаббатсиз, меҳрсиз яша०лари мумкинлигини, дунёда ёвузлик, ёмонлик, жаҳолат ва нодонлик бор-лигини билмайди – унинг ўз дунёси бор – покиза хаёл-лардан яралган бу дунё Гўзаллик дунёсидир, эртаклар дунёсидир. Бу дунё нурларга бой, яхшилик ва эзгу-ликка тўла, кишига баҳт улашадиган дунё. Лекин ҳар қандай хаёлий дунё каби Боланинг олами ҳам ғоятда нозик ва омонат – у реал Ҳаёт билан, унинг адолатсиэ-лиги ва шафқатсиэлиги билан биринчи тўқнашувдаёқ мағлуб бўлади. Бола эса мурғак ақли билан Ҳаётнинг носозликларини идрок этишга ҳаракат қиласди, у реал Ҳаётда ҳам Гўзаллик қонунлари ҳукмрон бўлишини, бу дунё ҳам беғубор ва баркамол бўлишини, адолат танта-на қилишини, ҳамманинг баҳтиёр бўлишини истайди. Истайдигина эмас, етти яшар боланинг хатти-ҳарака-ти билан орзуларининг рўёбга чиқиши учун курашади. Чингиз Боланинг Она буғу ҳақидаги эртакка ишони-шини, у билан учрашганда Гулжамолга жиндай баҳт тилаб, ҳатто Ўрозқулга фарзанд беришини илтижо қилиб, Она буғуга ёлборишларини фавқулодда маҳорат билан тасвирилаган. Афсуски, Боланинг орзулари рўёбга чиқмайди, ҳақиқий ҳаётда ҳукмронлик қилувчи Адолат-

сизлик, Ёвуэлик, Манфаатпаратлик, Мехрсизлик Боланинг Гўзаллик дунёсини маҳв этади. Бола орзуларини излаб, Балиққа айланиб, Иссиққўлга сузиб кетади.

Чингиз Айтматовнинг бундан кейинги асари – «Асрни қаритган кун» романи бўлди. Афтидан, асарни муаллиф ўзининг 50 йиллик таваллуд тўйига совға қилиб ёзган бўлса керак. Ҳар нима бўлганда ҳам унинг балоғат ёшига етгандан кейин, маҳорат бобида обдан тажриба орттиргандан кейингина роман жанрига кўл урганини ва бу ҳол романнинг ҳар жиҳатдан бақувват, баркамол бўлиб чиқишини таъминлаганини айтиш лозим. Лекин ўша кезларда романни ўқиб чиқиш билан мени бошқа бир масала лол қолдирган эди – во ажаб, бу романни нечук бостириб чиқардилар экан? Мен романни эълон қилиш атрофида ўша даврларда бўлиб ўтган курашлар ва ғавғолардан бехабар эдим, лекин билардимки, ҳатто Чингиздай дунёга машхур адибнинг асарлари ҳам, албатта, шўро чиғириғидан ўтади ва бу чиғириқ асардаги энг ҳаётий, энг теран, энг кескин парчаларни юлиб олиб қолади. Бугун эътиборингизга ҳавола қилинаётган «Чингизхоннинг оқбулуги» деган кичик қисса бу фикрнинг тўғрилигини исбот қиласди. Бу қисса «Асрга татигулик кун» романининг тарқибига кирган бўлиб, 1980 йилдаёқ эълон қилинмоғи керак эди. Аммо на иложки, ўша кезларда шўро цензураси тўраларининг тор кўзларидан ўта олмади. Лекин бу қиссасиз ҳам роман жуда кескин, ундаги танқидий нафос жуда кучли эди.

Роман бу жанрда жаҳон адабиёти тажрибаларини чуқур ўрганиш асосида ёзилган бўлиб, унинг барча хусусиятларини ўзида мукаммал акс эттиргандир. Буни шунда ҳам кўриш мумкинки, романда жуда кам персонаж қатнашса-да, бутун инсониятнинг ҳаётига уму-

мий назар ташланган, романдаги воқеалар XX асрнинг 60-70-йилларида Сариўзак чўлларида бўлиб ўтса-да, унда мифлар, ривоятлар, ҳикоятларнинг кўплиги ўтмишга назар ташлашга ҳам, келажак манзараларини тасвирлашга ҳам имкон берган. Романда хотиралар ва чекинишлар кўп. Лекин булар асарни пароканда қилиб қўймаган, майда-майдага парракларга, мустақил бўлакларга ажратиб юбормаган. Роман ҳайрон қоладиган даражада ички яхлитликка эга – буни таъминланган асосий омил ёзувчининг нуқтаи назари ёхуд олам ва инсон ҳақидаги фалсафий концепциясиdir. Роман дастлаб эълон қилингандага муаллиф қисқагина сўзбоши ёзиб: «Бу романимни социалистик реализм методининг талабига амал қилиб, меҳнат кишиси тўғрисида ёзяпман», – деган эди. Аммо романни ўқиб тугатиб улгурмасданоқ китобхон бу гапнинг киноявий маъносини англаб олади. Чиндан ҳам социалистик реализм – биринчи навбатда, меҳнат кишиси ҳақида ёзишни талаб қиласарди, аммо бунда инсон тақдирини бутун мурракаблиги билан ҳаққоний тасвирлашни эмас, балки ҳар қандай қилиб бўлса-да, уни улуғлаш, мадҳ, этиш, ҳар нарсадан мамнун, баҳтиёр совет кишиси сифатида кўрсатиб беришни талаб қиласарди. Чингизнинг персонажларини ҳам том маънода қаҳрамонлар деб аташ мумкин, лекин бу қаҳрамонлик атрофдаги мухит билан, ҳаётдаги адолатсизликлар билан курашиш эвазига пайдо бўлади.

Воқеа Сариўзак чўлида, бир кўримсиз ва аҳамиятсиз темирийўл бекатида бўлиб ўтади. Бу бекатдан қишин ёзин, кечасию кундузи поездлар у томонга ҳам, бу томонга ҳам узлуксиз ўтиб туради. Улар бекатда тўхтаб ҳам ўтмайдилар. Роман шу ахборот билан бошланади ва воқеалар давомида бир неча марта нақоратдек тақрор-

ланиб, шу ахборот билан тамом бўлади. Шу тарзда ша-
модек елиб ўтадиган поездлар вақт рамзига, замоннинг
югурик суръатини англатувчи образга, қолаверса, XX аср
цивилизациясини ифодаловчи умумлашмага айланади.
Романинг бош қаҳрамони Эдигей ҳам, ажали етиб қазо-
сини топган унинг дўсти Қозонгап ҳам, бу бекатда сургун-
ни ўтаётгандай тарзда яшовчи ўқитувчи Абутолиб ҳам
шу поездларнинг хизматини қилишади, эртаю кеч темир
йўлларни назорат қилиб, ҳаракат хавфсизлигини таъ-
минлайдилар - на темир изларда, на шпалларда биронта
синик, ёриқ, учган, дарз кетган бўлмаслиги, ҳамма гайка-
лар жойида бўлиши лозим, акс ҳолда, фалокат рўй беради.
Эдигей ҳам, дўстлари ҳам қишин-ёзин бу оғир ишни
астойдил бажаришади. Улар йиллар мобайнида шунаقا
берилиб, сидқидилдан меҳнат қилишадики, бу меҳнат-
ни ҳеч иккиланмай чинакам қаҳрамонлик деса бўлади.
Агар улар яшаган жамиятда оғизда эмас, амалда жиндай
адолат бўлганида, меҳнат кишиси жиндай қадрлангани-
да, меҳнатига яраша ҳақ олганида шу меҳнати оқибати-
да Эдигейларнинг туваги олтин бўлиб кетиши, ўзлари
ертўлаларда эмас, афсонавий қасрларга ўхшашиб жойлар-
да яшамоқлари керак эди. Аммо улар тоталитар тузумда
яшар эдилар - бу тузум эса фақат зўравонлик ва зулм асо-
сига қурилган, у ўз фуқароларини фақат азоб-уқубатлар-
га, изтиробларга, фожиаларга маҳкум этади. Бу жамиятда
виждон деган нарсани унугланлар, имон ва эътиқоддан
юз ўтирганлар, ўзгаларга меҳр-шафқат кўрсатишни эмас,
фақат ўзини ўйлайдиганларгина ҳузур-ҳаловат кўриши
мумкин. Тинимсиз ўтиб турадиган поездлар цивилиза-
ция тимсоли дедик, лекин бу цивилизациядан Эдигей-
ларга ҳеч қандай наф ўйқ, жамиятдаги ҳукмрон тартиблар
Эдигейларни цивилизациянинг кулига, мардикор-
ларига айлантириб қўйган. Шу тарзда романдаги меҳнат

кишилари XX асрда жаҳоннинг энг қудратли, энг пешқадам мамлакатида яшаганига қарамай, энг хўрланган, энг фақир, энг фожиали ҳаёт кечирган шўрпешона одамлар бўлиб чиқди. Лекин бунда уларнинг айби йўқ, аксинча, агар инсоннинг қисмати унинг фазилатларигагина боғлиқ бўлса, Эдигейлар жаннати одамлар бўлмоғи керак.

Романда Эдигейлар яшаган мұхитнинг аксилинсоний моҳияти жуда теран очилган. Мана, Эдигей қадрдон дўсти Қозонгапни васиятига кўра Она Байит қабристонига дағн этиш учун олиб кетяпти. Аслида қабристон унча олис эмас. Аммо, буни қарангки, келгиндилар тиканли симлар тортиб, йўлни тўсиб кўйипти. Асрлар мобайнида эркин ястаниб ётган қозоқ чўли сим тўр билан ажратиб олинипти. Кўп қидиришлардан кейин дағн маросими ичкарига кирадиган эшикка етиб боради. У ерда ҳарбийлар соқчилик қилаётган экан. Хайриятки, уларнинг бошлиғи Эдигейга таниш экан. Лескин бу таниш йигит унинг арзи додини эшитиш ўрнига рус тилида «Говори по-русски» деб дағдаға қиласди. Шу тарзда бундай эпизодларда манқуртлик мотиви пайдо бўлади ва у чуқурлаша бориб, асарнинг ғоявий концепциясида ҳал қилувчи ўринни эгаллайди. Манқуртлик ҳақидаги ривоят шу қадар теран на ҳаяжонли, умумлаштирувчи кучи шу қадар зўрки, у дунё бўйлаб жуда машхур бўлиб кетди, «манқурт» сўзи эса кўп тилларнинг луғат таркибидан ўрин олди. «Манқуртлик» фикрий қашшоқликнинг, маънавий тубанликнинг рамзига айланиб қолди. Бир қарашда, бу ривоят романнинг бошқа қисмларига унча алоқадор эмасдек кўринади, лекин ўйлаб қаралса, унинг замонавий моҳиятини англаш унча қийин эмас. Манқуртлик, ривоятда кўрсатилишича, жуда қадим замонларда ўйлаб топилган нарса, лекин буни қарангки, у бизнинг замонамизгача ҳам етиб келипти. Қолаверса,

бу бирон-бир халқнинг миллий белгиси ёки бирон-бир тарихнинг эпизоди эмас, умумбашарий иллат. Замонлар ўтиши билан у йўқолиб кетмайди, балки ҳар хил янгиланган шаклларда яшашда давом этаверади. Гап шундаки, бу дунёнинг ҳукмдорлари, подшолари, хонлари, беклари ва бошқа зўравонлар учун ҳамиша манқуртлар керак бўлган – улар фақат манқуртларнинг кўр-кўронга тобелигига, фикр юритмаслиги ва фикр юрита олмаслигига таянибгина ўз ҳукмларини юргиза олганлар. Шунинг учун улар бутун тарих давомида одамларга манқуртлик ҳалқасини кийдиromoқчи бўлишган, одамлар эса бу балодан. ўзларини асраршга уриниб яшашган. Бу ҳол XX асрда ҳам давом этяпти. Бу асрда турли давлатлар илмда, техникада жуда юксак мэрраларни эгаллаган, оламшумул ғалабаларга эришган бўлсалар-да, мустабидлари ҳам, демократлари ҳам ўз ҳокимиятларини сақлаб қолиш учун бутун дунёнинг бошига темир ҳалқа кийгизишга ҳаракат қиль шади. Бу воқеалар романнинг космонавтикага бағишинган саҳифаларида жуда ёрқин очиб берилган. Шу таъзда романнинг ҳар хил қатламлари бирлашиб, таркибан яхлитлик касб этади ва бу асар, асосан, қозоқларни қаҳрамон қилиб олган бўлса-да, XX аср ўрталаридағи бутун инсониятнинг қисмати ҳақидағи Улуғ китобга айланади.

Чингизнинг «Асрга татигулик кун»дан кейин яратилган «Кунда», «Кассандра тамғаси» каби романлари ҳам умумлашмаларга бойлиги, фалсафий теранлиги билан катта воқеа бўлди. Бу асарлари билан Чингиз Айтматов бутунги жаҳоннинг энг танилган ёзувчилари билан бир сафда туришини яна бир бор исбот қилиб берди.

Чингиз Айтматовни ўзбек халқнинг садоқатли дўсти деб атасак бўлади. Аввало, айтиш керакки, унинг деярли ҳамма асарлари ўзбек тилига таржима

қилинган, ўзбек тилида бир неча марталаб нашр қилинган, ўзбек театри саҳналарида кўйилган. Ўзбек китобхони унинг асарларини севиб ўқийди, ўзбек адабиётшунослари унинг тўғрисида мақолалар, китоблар ёзади. Чингиз ҳам ўзбекларнинг бундай хурматига хурмат билан жавоб беради. Бу ўринда мен 80-йиллар охирида юз берган бир воқеани тилга олмасдан ўтолмайман. Ўшанда марказдан туриб миллий республикаларни қийратиш, уларни янги қирғинбаротларга рўпара қилиш сиёсати бошланган эди. Ўзбекистонга навбат келганда, бу ерга Гдлян ва Ивановлар бошлиқ «жазо экспедицияси» юборилди. Уларнинг кирдикорлари машҳур бўлиб кетган – шунинг учун улар тўғрисида гапириб ўтирумайман. Энг ёмони шу бўлган эдик, ўша кезларда ҳатто тузук-тузук рус зиёлилари, баъзан ёзувчилари ҳам ўзбекларни таҳқирлайдиган гапларни кўп гапира бошлаган эдилар. Мамлакатнинг турли бурчакларида ўзбекларга қарши кайфиятлар кучайиб кетганди. Шундай шароитда Чингиз мамлакатнинг ўша пайтдаги энг нуфузли газетасида мақола зълон қилиб, унда ўзбекларнинг бой тарихга эга, юксак маданиятли халқ эканини таъкидлаб, «Тарихда Византия славян халқлари ўртасида маданият тарқатишида қандай роль ўйнаган бўлса, ўзбеклар ҳам Марказий Осиё мамлакатларига нисбатан шундай роль ўйнаган», деган гапни айтганди. Ўша пайтда Чингизнинг дадиллик билан айтган бу гапи турли-туман оғзига кучи етмаганларга қақшатқич зарба бериш билан бирга, ЎЗБЕКЛАРнинг ҳам қаддини ростлаб олишига катта ёрдам берганди.

Чингиз Айтматов 70 ёшга тўлди. Унинг ҳаёти давомида тузумлар ўзгарди, Қирғизистон мустақил бўлди: у бир неча йиллар ғарб мамлакатида элчи бўлиб юриб, бошқа

халқларнинг ҳаёти билан танишди. Албаттa, булар таъсирида Чингизнинг кўпгина қараашларида кўп нарсалар ўзгарди, аммо адабиётнинг моҳияти, инсонлар ҳаётидаги ўрни, санъаткорнинг муқаддас бурчи ҳақидаги қарапашлари чуқурлашса чуқурлашдики, асло ўзгаргани йўқ. Масалан, «Литературная газета»да 1998 йил июль ойида босилган сұхбатида у шундай дейди: «Ҳақиқий адабиётнинг фикр ташишдан бошқа, бадиий образлар восита сида дунёни ва ўз-ўзини билишда китобхонга ёрдам беришдан бошқа вазифаси йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Китобхоннинг билишига ва камол топишига ёрдамлашмоқ керак. Фақат шундай адабиётгина инсон руҳининг ҳамроҳи бўлиб қолади. Жимжимадор тасвирийлик, фақат тасвирийлик учун хизмат қиласиган тасвирийлик ҳар қанча маҳоратли бўлмасин, адабиётнинг таназзулигагина олиб боради, деб ўйлайман. Ҳозир кўлма-кўл бўлиб юрган олди-қочди китоблар масаласига келсак, мен бунақа адабиётни ҳисобга қўшмайман. Бунақа шармандаликни тушунмоқ учун оммавий онг психологияси билан шуғулланувчи мутахассислар керак деб ҳисблайман».

Моҳир санъаткор, етук мутафаккирнинг бу доно гаплари яқин ўтмишдаги адабиётни ялпи рад этмоқчи, гўрга тиқмоқчи бўлиб юрган айрим ҳовлиқмаларга са боқ бўлар, деб ўйлайман.

Чингизнинг ҳар бир янги асари билан учрашув китобхон учун чинакам байрам. Нафосат байрами билан учрашувингиз муборак бўлсин, азиз китобхон!

*Озод Шарафиддинов,
профессор*

МУНДАРИЖА

ҚУЛАЁТГАН ТОГЛАР	3
ЭПИЛОГ ЎРНИДА	257
ЧИНГИЗХОННИНГ ОҚ БУЛУТИ (<i>Кисса</i>)	286
ЭСКИ ВА ЯНГИ РИВОЯТ: ҚЎШИЛИШ	406
ДУНЁНИ ЗАБТ ЭТГАН ЧИНГИЗ	409

Адабий-бадиий нашр

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ

ҚУЛАЁТГАН ТОҒЛАР

**Мұхаррір
Маъмурға ҚҰТЛИЕВА**

**Бадиий мұхаррір
Үйғун СОЛИХОВ**

**Мусаққыл
Мадина МАҲМУДОВА**

**Компьютерда сақиfalовчи
Суннат МУСАМЕДОВ**

**Техник мұхаррір
Умидбек ЯХШИМОВ**

**Лицензия рақами: АI № 252, 2014 йил 02.10 да берилған.
Босишига 2016 йил 11. 04.да рухсат этилди.
Бичими 84x108 1\32.
Босма табоги 27,0. Шартлы босма табоги 45,36
Гарнитура «Cambria». Офсет қоғоз.
Адади 5000 нұсха. Буюртма № 68.
Бағоси келишилған нархда.**

**«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол күчаси, 60.**

**Мурожаат учун телефонлар:
Нашр бўлими – 147-00-14; 129-09-71;
Маркетинг бўлими – 128-78-43; 397-10-87; факс – 273-00-14;
e-mail: yangiasravlodi@mail.ru**

1890 до

РЧ(Кирг.)

4363



ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ

Чақалоқ йиғи зўридан ғужанак бўлиб қолди. Олтун ёлвориб ўз-ўзича гапира бошлади:

- Хўб, мендан нима истайсан ўзи, бўталогим?! Дунёга келганингга эндингина етти кун бўлди! Шўрингга шўрва тўкилди ёруғ дунёга келиб... Сени нима билан овутай, етимчагинам? Кўрмайсанми, ҳатто зоф учмайди бу ерларда! Сен билан мендан бошқа ҳеч зоф йўқ бу оламда, фақат сену мен икки аламдийдамиз, ҳа, яна осмонда бир парча оқ булат, ҳатто қуш учмайди, фақат бир парча оқ булат кезади... Қайга борайллик, бошимизни қайга урайлик? Сени нима билан боқаман? Ҳамма бизни ташлаб кетди, ҳеч кимга керагимиз йўқ, ота-онангни осишли ва қора ерга тикишиди. Нима қилишаркин одамлар уришиб, нимага бир-бирлари билан куч синашади, байроқлар кўтариб, ногора чалиб. Нималар топаркинлар бу одамлар, сен шўрлик гўдакни ҳар нарсадан айириб, жудо қилиб?!



ISBN 978-9943-27-721-2



9 789943 277212